ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ

“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

# ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

*халқаро илмий-амалий конференцияси*

# АКТУАЛЬНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УКРЕПЛЕНИЯ ИНСТИТУТА СЕМЬИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

*международной научно-практической конференции*

# CURRENT TRENDS IN STRENGTHENING THE FAMILY: NATIONAL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

*international of scientific-practice conference*

**(2021 йил 18 май)**

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти
Тошкент – 2021

Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба // **“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти. – Тошкент, 2021. – 538 б.**

*Таҳрир ҳайъати:*
**Эгамбердиева Н., Мусурмонова А., Абдураманов Х., Туйчиева Г., Алимджанова Д., Ходжаев С., Сайдвалиева Х.**

*Масъул муҳаррирлар:*
**Бабашев Ф., Мавлонов Б.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон қарори ва **“Халқаро оила куни”** муносабати билан **2021 йилнинг 18 май куни** Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида **“Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: миллий ва хорижий тажриба”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по оздоровлению социально-духовной атмосферы в обществе, дальнейшей поддержке института махалли, а также выведению на новый уровень системы работы с семьями и женщинами» *( № 5938 от 18 февраля 2020 года*), Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию института семьи и подготовки молодежи к семейной жизни» (№ 820 от 31 декабря 2020 года), а также принимая во внимание, что 15 мая – Международный День Семьи, научно-исследовательский институт «Махалли и семьи» планирует 18 мая 2021 года проведение международной научно-практической конференции на тему: «Актуальные направления укрепления института семьи: национальный и зарубежный опыт».

The conference on “**Current trends in strengthening the family: national and international experience**” will be organized by the «Mahalla and Family» Scientific Research Institute under the Ministry of Support of Mahalla and Family of the Republic of Uzbekistan on May 18, 2021 in connection with the International “Family Day”.

This conference will be organized in accordance with the Decree of President of the Republic of Uzbekistan “On measures to improve the social and spiritual atmosphere in society, support of mahalla institute and to raise the system of work with families and women to a new level” dated February 18, 2020, Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “On measures for further development of the institute of family and preparing youth for family life” dated December 31, 2020.

*Мазкур тўплам материалларидан фойдаланилганда муаллифлик ҳуқуқини эътиборга олган ҳолда конференция тўпламига ҳавола берилиши шарт.*

*Тўпламга киритилган маърузалар материаллари мазмуни муаллифларнинг шахсий илмий-назарий ёндашуви ва қараши сифатида талқин қилинади.*

*Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2021 йил 7 апрелдаги 4-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.*

**ISBN 978-9943-6210-4-2**

© “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти

# БИРИНЧИ ШЎЪБА:

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

**Т.К.НАРБАЕВА,**
*Олий Мажлис Сенатининг раиси,*
*социология фанлари доктори*

# ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ИННОВАТSIОН МЕХАНИЗМЛАРИ

**Аннотация:** *мақолада кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган улкан ислоҳотлар ҳамда оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этишнинг инновацион механизмлари очиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *ислоҳот, оила, хотин-қизлар, оилавий зўравонлик, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий, муносабат.*

**Аннотация:** *В статье раскрываются огромные реформы, проведенные в Республике Узбекистан за последние годы в сфере поддержки женщин и семьи, а также причины домашнего насилия и инновационные механизмы его устранения.*

**Ключевые слова:** *реформа, семья, женщины, домашнее насилие, естественное, экономическое, правовое, духовное, социальное, отношение.*

**Annotation:** *The article reveals the huge reforms carried out in the Republic of Uzbekistan in recent years in the field of support for women and the family, as well as the causes of domestic violence and innovative mechanisms for its elimination.*

**Key words:** *reform, family, women, domestic violence, natural, economic, legal, spiritual, social, attitude.*

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2. “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” бандида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, давлат бошқарувидаги иштирокини ошириш, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга моддий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни уй-жой ва иш билан таъминлаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш[1] борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида хотин-қизларни ижтимоий-ҳимоя қилиш масаласи янги босқичга кўтарилди. Янги Ўзбекистонни яратиш йўлида кенг кўламли инновацион фаолият ва бунёдкорлик, яратувчанлик ҳаракатининг асосчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз”[2].

Зеро, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлат органлари, фуқаролик жамияти вакиллари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Республика хотин-қизлар жамоатчилик Кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгаш таркибига ҳаётий тажрибага эга юртдошларимиз, депутат ва сенатор аёллар, олим ва профессорлар ҳамда жамоатчилик вакиллари киритилди. Кенгаш хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни керакли билим ва кўникмаларга ўқитиш, шунингдек, ўз бизнесини бошлашлари учун зарур маблағ билан таъминлаш орқали аҳоли, айниқса аёллар ва қизларнинг турмуш даражаси яхшиланишига эришиш мақсадида ташкил қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш соҳасида 20га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, 2030 йилгача бўлган даврда гендер тенглигига эришиш стратегияси ишлаб чиқилгани, унга мувофиқ

---

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.-Тошкент, “Адолат”,2018. Б.22-23.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг2020 йил 24 январдаЎзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. / https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

барча янги қонун лойиҳаларини гендер нуктаи назаридан таҳлил қилиш бўйича махсус процедуралар киритилди. Ўзбекистонда давлат бошқарувидаги аёллар сони, уларнинг жамоат ишларида иштирок этиши ва қарорлар қабул қилиш даражаси ошиб бормоқда. Масъул ва бошқарув лавозимларида аёлларнинг ваколатлари 26,6 фоизга етди. Янги парламентдаги аёллар сони икки баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда бундай кўрсаткич бўйича Ўзбекистон парламенти дунё давлатларининг 190 та қонун чиқарувчи органлари орасида 37-ўринни эгаллаб турибди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ана шундай улкан ислоҳотларнинг пировард мақсадларидан бири оила, унинг тинчлиги, фаовонлиги ва бахтли бўлиши билан боғлиқ.

Агар, жамият ижтимоий муносабатлар йиғиндиси бўлса, ундаги ҳар бир оила табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик натижасида вужудга келади. Оилавий муносабатлар эса жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, маънавий муносабатлари билан белгиланади. Жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар оиланинг мустаҳкамлиги ва барқарор ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Худди шунингдек, жамиятдаги тинчлик ва хотиржамлик, ундаги маънавий муҳит барқарорлиги кўп жиҳатдан ҳар бир оиладаги муносабатларда ўзаро муҳаббат ва ҳурмат, ҳамжиҳатликка бевосита боғлиқдир.

Жадидчилик ҳаракатининг улуғ намоёндаси Фитрат ўзининг “Оила” асарида: “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”, – деб ёзади[3]. Бу жараёнда давлат ҳар бир оилани ижтимоий ҳимояланиши, моддий жиҳатдан таъминланиши, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун етарли шароитларга эга бўлишидан манфаатдор бўлиб, уларнинг фаровонлигини кафолатланишига кўмаклашаётгани муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мамлакатимизнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган жадал тараққиётини ифодалаган “Ҳаракатлар стратегия”сига биноан, мазкур йўналишдаги амалий ишлар кенг қамровли тус олиб, бу жараён янада жадал суръатда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деб қайд этилган. Конституциянинг мазкур нормаси асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Оила кодекси”нинг 2- моддаси талабига кўра, “оилавий муносабатларда аёл ва эркак тенг ҳуқуқли бўлиб, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устунлиги тамойиллари асосида амалга оширилади”.

Дунё миқёсида глобал муаммолардан бири бўлиб келаётган оилавий зўравонлик масаласига халқаро ҳамжамиятлар томонидан берилаётган юксак эътиборга қарамасдан, оилаларда бундай салбий ҳолатларнинг камаймаётгани мазкур ҳолатнинг алоҳида тадқиқ этиладиган долзарб мауаммолар сирасида қолиб келаётганлиги ва уни илмий тадқиқ этишни фаоллаштириш заруратини белгилайди.

Оилавий зўравонликнинг мавжудлиги муаммо сифатида оиланинг иқтисодий, маънавий жиҳатлари билангина белгиланмайди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги йилларда бизнинг мамлакатимизда бу муаммо тор оилавий доирадан чиқиб, давлат миқёсида ҳал этиладиган муҳим социологик жараён сифатида тадқиқ этилмоқда. Шу кунга қадар мавжуд бўлган бу муаммони ҳал этишга халақит берадиган омиллар, биринчи навбатда миллий менталитет хусусиятлари билан боғлиқдир.

2021 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сонли Қарори қабул қилинди.Қарор билан аёлларни реабилитация ва мослаштириш бўйича 29 та Республика ва худудий намунали марказлар ташкил этилди. Марказларнинг асосий вазифаларидан бири тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

---

[3] Абдурауф Фитрат. Оила.-Тошкент: Маънавият, 1998. Б.8.

Республика ва ҳудудий реабилитация ва мослаштирув марказларида зўравонликдан азият чеккан фуқароларга ёрдам кўрсатилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер масалалари қўмитаси, Бош прокуратура, ИИВ, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ушбу масалага оид профилактика ишларини олиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра[4], дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келади. Аёллар ўлимининг муайян қисми уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина муаммо ҳақида очиқ сўзлайди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари асосида дунё турмуш тарзида кўп учрайдиган маиший зўравонликнинг ахлоқий ва иқтисодий зўравонлик усуллари Ўзбекистонда ҳам кузатилиб, уни кенг жамоатчилик эътиборига чиқариб, ижтимоий мақбул ечимларга келиш заруратини долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Зўравонликка қарши курашда ҳуқуқий механизмлар таъсири кучли бўлиши билан бирга, зўравонлик қурбонлари томонидан ҳам уларни зўравонликдан ҳимоя қилиш учун қонун ишлашига ёрдам берилиши мақсадга мувофиқ. Аксар ҳолларда зўравонлик қурбонлари бундай ҳолатларни сир тутишга ҳаракат қилишади. Шундай экан, уларни зўравонлик фактини тан олиш, зўравонликдан нормал ҳаётгача бўлган қадамларга ўргатиш керак. Бунда энг асосий бўғин одамлар ва атроф-муҳит бўлади, яъни жамоатчиликнинг фаоллиги муҳим ўрин тутади.

Социологик тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, бир марта зўравонлик ҳолатини содир этган шахс, бу ҳолатни яна такрорлаши эҳтимоли юқори бўлади. Зўравонликка имкон беришнинг барча кўринишларидан огоҳ бўлиш ва олдини олиш жуда зарурдир. Оилавий зўравонликдан азият чекаётган аёл, ҳатто баъзи сабабларга кўра ёрдамдан воз кечаётган аёл ҳам жамиятнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлади.

Оилавий зўравонликдан энг кўп азият чекадиган оила аъзолари болалардир. Улар зўравонликнинг тўғридан-тўғри қурбони бўлиши билан бирга, онага нисбатан қўлланаётган хатти-ҳаракатларнинг маълум қисмини ўзлаштириши хавфи ҳам бор. Бундай оилада боланинг реалликни қабул қилиши бузилади, зеро у учун ҳақорат ва калтаклар аста-секин нормал ҳолатга айланиб боради. Катта бўлгач унинг ўзи ҳам ана шундай зўравонлик хатти-ҳаракатларини қўллаши мумкин ёки шунчаки бундай «юк»ни кўтара олмай кўпинча ўз жонига қасд қилиши мумкин.

Зўравонликдан ўзини ҳимоя қилиш ҳар бир аёлнинг ҳуқуқидир. Зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқларига (ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги) дахл қилади. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиш билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва маиший босим кўринишларида намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланиши мумкин. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.

Оилавий зўравонликдан жабр кўрган аёлларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳудудлардаги Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармалари ва бўлимлари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, прокуратура органлари ва бошқа дахлдор ташкилотлар билан изчил ҳамкорликда фаолият юритилмоқда. Муаммоларнинг ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси назоратида турибди.

Оилавий зўравонлик фақат бир мамлакат ва миллатга хос иллат эмас, у билан бутун дунё курашиб келади. Шунинг учун таърифни халқаро манбалардан келтирамиз.

Дунёда зўравонликка қарши кураш рамзи сифатида сиёҳранг тасма олинган. “Ишонч телефон”лари учун махфий сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин: “Менинг бюртмамга сиёҳранг тасмани ҳам қўшинг” ёки “Мен бюртма бергандим, унга сиёҳранг тасма қўшишни илтимос қилгандим”. Оператор аёл киши ёрдам сўраб мурожаат қилаётганини тушунади ва дарҳол хабарни зўравонликка қарши курашаётган марказларга беради.

Бундай схемалар кўпгина хорижий мамлакатларда амалда кенг қўлланилади, баъзиларида эса, давлат идоралари тизимида ва тизимли назорат доирасида ишлайди. Масалан, Испанияда ҳаттоки

[4] Violence against women. Key facts. World Health Organization, https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/violence-against-women

ёрдам сўраб дорихоналарга мурожаат қилиш мумкин: бунинг учун сотувчидан “19 рақамли ниқоб борми?” деб сўраш керак. Бу махфий сўз бўлиб, уни эшитган фармацевт ички ишлар билан боғланиб, хабарни етказади. Худди шундай тизим Франция, Германия, Италия, Норвегия ва Аргентинада мавжуд.

Польшада эса полициячилар зўравонлик қурбонларининг ариза ёзишига йўл қўйишмайди, шу сабабли мамлакатда мазкур йўналишда фуқаролик ташаббуслари ривожланмоқда. Масалан, мактаб ўқувчиси косметика дўкони остида, оилавий зўравонликдан жабрланганлар учун марказ очган. Унда масалан “кўкарган ва қизарган жойларни даволовчи суртма”га буюртма бериш мумкин. Буюртма асосида сотувчи жабрланувчининг ҳолати билан қизиқади ва зарур бўлса полиция чақиради.

2020 йилнинг бошланишида бутун дунё бўйлаб шиддат билан тарқалган коронавирус эпидемияси мана, орадан ярим йил ўтиб, барча давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига ижобийдан кўра кўпроқ салбий жиҳатдан таъсир этганини эксперт-мутахассисларнинг мустақил изланишлари, ўтказилган тадқиқотлар, пандемиянинг тарқалиш кўрсаткичлари яққол намоён этмоқда.

Хусусан, карантин даврида жаҳондаги 3 миллиардга яқин аҳолининг “ўзини ўзи яккалаш” режимида бутун оила аъзолари билан уйида қолгани, ўз навбатида, турли оилавий муаммолар, можаро ва низоларнинг авж олишига ҳам сабаб бўлди.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилнинг биринчи чорагида Хитойда оилавий зўравонликка учраган фуқароларнинг мурожаатлари 3 баробарга ошган. Францияда эса, чекловлар белгиланган куннинг биринчи ҳафтасидаёқ бундай шикоятлар 30 фоизга кўпайган. Буюк Британияда оиладаги зўравонлик ҳолатлари 125 фоизга ортиб кетгани кузатилган. Қозоғистон Республикасида жорий йилнинг биргина март ойида “Ишонч телефонлари”га 16 310 та қўнғироқ бўлган[5].

“Reuters” агентлиги эълон қилган маълумотларга кўра, оилавий зўравонлик натижалари бўйича Ҳиндистон, Афғонистон, Сурия, Сомали, Саудия Арабистони, Покистон, Конго Демократик республикаси, Уммон, Нигерия ва АҚШ давлатлари биринчи ўнталикдан ўрин эгаллаган. Европа иттифоқи миқёсида эса, Латвия, Дания, Албания, Финляндия, Буюк Британия, Швеция, Норвегия, Франция давлатлари “етакчилик”ни қўлдан бермай келишмоқда. Умуман, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, бугун дунё бўйлаб, ҳар учинчи аёл жисмоний ва жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда зўравонликнинг ҳар қандай шаклларига қарши кураш масалалари “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жумладан, бу соҳада содир этилган қилмишларнинг тури ва оғирлаштирувчи ҳолатларига қараб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси биринчи бўлмининг (шахсга қарши жиноятлар) бир қанча моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган. Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабабларининг ҳар бири ўзига хосдир. Шу билан бирга улар бир қатор умумийликка ҳам эгадир.

Азалдан халқимизда аёлларнинг, айниқса келинларнинг сабр-тоқатли бўлиши лозимлиги, уйнинг гапини кўчага олиб чиқмаслик, ўз дардини бировга дастурхон қилмаслик миллий қадрият, ахлоқ ва одоб зийнати ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кўпгина аёлларимиз оила аъзолари томонидан камситилиб, эри томонидан ҳақоратланса ҳам, оилада куч ишлатишдан азият чекса ёки калтакланса ҳам оиласини сақлаб қолиш учун сабр-тоқат билан яшашга ҳаракат қилишади. Лекин бундай чидамлилик оқибати ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди.

Бундай муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатимизда гендер масалаларини ривожлантиришга, аёлларимизнинг ижтимоий-сийсий фаоллигига алоҳида эътибор беришимиз лозимлигини англатади. Чунки ижтимоий сиёсий фаол аёл бундай вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини, ўз ҳуқуқларини яхши билади.

Бизда шу кунга қадар кўпроқ қизларни оила қуришга тайёрлашга эътибор қаратилган. Аммо, оилавий ҳаётга йигитларни тайёрлаш ишлари ҳозиргача эътибордан четда қолиб келди. Эндиликда йигитларни ҳам “Оила дорилфунунлари”да оила қуришга тайёрлаш, шунингдек, қайноналар билан ҳам фаол иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улар:

---

[5] https:www.minjust.uz/uz/press-center/news/99071/.

1) хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

3) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

4) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

5) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

6) хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

7) тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлашдан иборатдир.

Кўпгина хорижий давлатларда зўравонлик оилада содир этилса, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилинади. Ўзбекистонда эса оиладаги зўравонлик етарлича баҳоланмайди, эътиборга олинмайди. Аслида қонун олдида оилавий ришталар қандайлигидан қатъи назар, барча тенг ҳуқуқлидир. Кўчадаги бегона инсонни ҳақоратлаш ёки унга тан жароҳати етказиш қандай жавобгарликка тортилса, оиладаги шахсга нисбатан зўравонлик ҳам шундай жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг нормаларини янада чуқур ўрганиб, ижтимоий ҳаётдаги аниқ мисоллардан хулоса чиқарган ҳолда Оила кодексини такомиллаштириш зарурати мавжудлигига эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг сабабларидан бири Оила кодекси нормаларида оилавий муносабатлар бирликда, яъни битта оиланинг ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки ечимини топган, айнан битта оилани ташкил этиш ва уларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ қоидалар, тартиб таомиллар етарлича ифодаланган. Албатта, бу ҳолатни ижобий деб ҳисоблаймиз. Аммо юқорида қайд этилганидек, бир ҳовлида ёки том остида бир неча оилалар биргаликда яшаётган, айниқса қайнона, қайнота ва бошқалар билан умр гузаронлик қилган бир неча оилаларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи аниқ ва тиниқ қоидаларни ишлаб чиқиб, қонун ҳужжатларида акс эттиришимиз керак. Биргина мисол, бир неча йиллардан буён фарзандлари билан турар жойсиз қолаётган оналарга қай тарзда, қайси қонун билан турар жой ажратилиши лозим, деган саволга жавоб топа олмаймиз. Фикримизча, Оила кодексида кенг маънодаги оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттиши зарур. Қонун ҳужжатларининг янада тўлиқ ва бекаму кўст бўлиши эса бирга яшовчи оиладагиларнинг нафақат турар жойга бўлган ҳуқуклари, балки Конституцияда белгилаб қўйилган бошқа барча ҳуқукларини ҳимоя қилишни кафолатлайди[6].

Мазкур холатлардан келиб чиққан ҳолда Оила кодексини такомиллаштириш зарурати янада долзарблашади.. Ана шу ҳолатлар асосида қуйидаги инновацион ечимларни ҳаётга жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз:

– оилавий зўравонликнинг олдини олишда аёлнинг интеллектуал, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан юқори маданиятини узлуксиз шакллантиришда хотин-қизларга хос бўлган имманент хусусиятларига таяниш;

– беш муҳим ташаббусни оила муҳитида теран сингдириш ва оиладаги ҳар бир инсонни мазкур янгиланиш жараёнига боғлаш;

– бир ҳовлида ёки том остида бир неча оилалар биргаликда яшаётган, айниқса қайнона, қайнота ва бошқалар билан умр гузаронлик қилган бир неча оилаларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи аниқ ва тиниқ қоидаларни ишлаб чиқиб, қонун ҳужжатларида акс эттириш;

– бир неча йиллардан буён фарзандлари билан доимий турар жойсиз қолаётган оналарга қай тарзда, қайси қонун билан турар жой ажратилишининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;

– Оила кодексини такомиллаштириш ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ акс эттириш; бундай ёндашув бирга яшовчи оиладагиларнинг нафақат турар жойга бўлган ҳуқуклари, балки Конституцияда белгилаб қўйилган бошқа барча ҳуқукларини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

---

[6] https://lex.uz/docs/4494709

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юртимизда оила институти замонавий давлатчиликка мос тарзда ривожланиши учун барча шарт-шароитлар, жумладан қонунлар ва қонун ҳужжатлари яратилган. Ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳотлар давомида оилага оид қонунчилик базасини жаҳондаги ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибаси таҳлили асосида жамиятимизга мос ва хос жиҳатларини ҳисобга олиб, янада такомиллаштириш, эртанги кунимизга мустаҳкам замин яратиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325 сонли Фармони. http://lex.uz/docs/3546742
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3827 сонли Қарори. http://lex.uz/docs/3804821



**АГРИППИНА ВАСИЛЬЕВНА ШИН**

*Министр дошкольного образования*
*Республики Узбекистан*


## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ПАРТНЕРСТВА С СЕМЬЕЙ СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН


**Аннотация:** *мақолада оиланинг ижтимоий институт сифатида мактабгача таълим тизими билан ҳамкорлиги хусусиятлари, унинг бу жараёнлардаги ҳал қилувчи роли тўғрисида сўз юритилади.*



**Калит сўзлар:** *оила, ҳамкорлик, ижтимоий институт, ижтимоийлашув*



**Аннотация:** *в статье рассматривается роль семьи, ее ключевая роль как социального института и взаимодействие с дошкольными образовательными организациями.*



**Ключевые слова:** *семья, партнерство, социальный институт, социализация.*



**Annotation:** *The article reveals the role of the family, its main role as a social institution and interaction with preschool educational organizations.*



**Key words:** *family, partnership, social institution, socialization.*


Узбекистан остается страной, которая в условиях трудного переходного периода, несмотря на ограниченность средств, возвела заботу об укреплении семьи, женщин, создании всех необходимых условий для здорового и счастливого материнства и детства в ранг государственной политики.

На это нацелены государственные программы, успешно осуществляемые в последние годы в стране. Особое внимание Президентом страны Шавкатом Мирзиёевым уделяется вопросам повышения роли семьи в развитии общества. Эта мысль звучит почти во всех выступлениях главы государства, где неотложной задачей указано «укрепление основ семьи, создание спокойной, дружной и благоприятной атмосферы, наполнение конкретным содержанием духовно-просветительской работы».

Семья занимает важнейшее место в социальных связях человека. История развития общества – это история развития семьи как социального института, который эволюционирует и претерпевает существенные изменения вместе с обществом. Сегодня семья – ведущий социально-культурный институт, призванный быть действенным инструментом гуманизации и консолидации общества, социализации личности, преодоления межнациональных конфликтов, достижения гражданского согласия, толерантного взаимодействия в поликультурном социуме [1].

В системе дошкольного образования Республики Узбекистан в настоящее время осуществляют свою деятельность 18 254 дошкольные образовательные организации, где воспитывается 1 699 566 детей в возрасте от 3 до 7 лет.

По данным на 2020 год Госкомстата Республики Узбекистан насчитывается более 8 727 351 семей, в среднем, в каждой семье имеется более одного ребенка и отношение к детям не только со стороны родителей, но и государства особое. Это послужило развитию модели дошкольного образования как – семейный детский сад, которых насчитывается в стране более 10 тысяч, где получают дошкольное образование и воспитание более 247 000 детей. Данная модель поддерживается государством – это оплата труда, оказание методической поддержки, таким образом имеется хороший потенциал семей в воспитании и образовании детей.

Семья неразрывно связана с образованием. Именно семья является традиционно главным институтом воспитания. То, что ребёнок в детские годы приобретает в семье, он сохраняет в течение всей последующей жизни. Важность семьи как института воспитания обусловлена тем, что в ней ребёнок находится в течение значительной части своей жизни, и по длительности своего воздействия на личность ни один из институтов воспитания не может сравниться с семьёй. В ней закладываются основы личности ребёнка, и к поступлению в школу он уже более чем наполовину сформирован как личность. Семья является мощным фактором в формирования личности, развития в ней общечеловеческих и индивидуализированных качеств, ибо в семье ребенок впервые усваивает нормы поведения, отношений и чувств, к себе и другому. Семья обеспечивает первоначальное воспитание, физическую, психологическую и в целом социальную защиту и поддержку детей.

В современных условиях глобализации мы не должны забывать об истинных, фундаментальных ценностях, которые составляют основу любого государства и общества. Именно в семье подрастающее поколение получает духовно-нравственное воспитание, учится быть ответственным и небезразличным. Становится очевидной актуальность инициатив Президента Узбекистана в сфере поддержки женщин и укрепления семьи.

Задачами семейного законодательства Республики Узбекистан являются укрепление семьи, построение семейных отношений на чувствах взаимной любви, доверия и взаимного уважения, сотрудничества, взаимопомощи и ответственности перед семьей всех ее членов, недопустимость произвольного вмешательства кого-либо в дела семьи, обеспечение беспрепятственного осуществления членами семьи своих прав и их защиты [2].

Семья и дошкольная образовательная организация – два важных института социализации детей. Их воспитательные функции различны, но для всестороннего развития ребёнка необходимо их взаимодействие. Дошкольная образовательная организация играет важную роль в развитии ребёнка. Здесь он получает образование, приобретает умения взаимодействовать с другими детьми и взрослыми, организовывать собственную деятельность. Однако, насколько эффективно ребёнок будет овладевать этими навыками, зависит от отношения семьи к дошкольной образовательной организации. Гармоничное развитие дошкольников без активного участия его родителей в образовательном процессе вряд ли возможно. Роль семьи в воспитании и развитии ребёнка также нельзя недооценивать. Главной особенностью семейного воспитания признаётся особый эмоциональный микроклимат, благодаря которому у ребёнка формируется отношение к себе, что определяет его чувство самоценности. Другая важная роль семейного воспитания – влияние на ценностные ориентации, мировоззрение ребёнка в целом, его поведение в разных сферах общественной жизни. Известно также, что именно родители их личностные качества во многом определяют результативность воспитательной функции семьи.

Важность семейного воспитания в процессе развития детей определяет важность взаимодействия семьи и дошкольной образовательной организации. Однако на это взаимодействие влияет ряд факторов, прежде всего то, что родители и педагогический коллектив ожидают друг от друга, насколько едины и последовательны они в процессе воспитания и обучения детей.

Цели воспитания детей в дошкольной образовательной организации и в семье должны быть едины: и педагог, и родители хотят видеть своего ребёнка трудолюбивым, обладающим навыками доступного им труда, с уважением относиться к труду людей, проявляющим бережное отношение к результатам труда, оказывающим помощь взрослым в семье.

В системе дошкольного образования Узбекистана работа с семьями дошкольников организуется на основе таких принципов как: параллельность и взаимодополнение воздействия дошкольной образовательной организации и семьи на детей; организация совместной деятельности взрослых и детей, данные принципы следует понимать, как единство требований, приёмов и методов.

Первичным звеном непрерывной образовательной системы является сфера дошкольного образования, имеющая важнейшее значение в формировании здоровой и всесторонне развитой личности ребенка, подготовке его для учебы в школе. В этой связи был принят Закон Республики Узбекистан «О дошкольном образовании и воспитании» [3] , в котором определены основные направления государственной политики в области дошкольного образования и участие граждан, органов самоуправления граждан и других социальных институтов в области дошкольного образования и воспитания, следовательно на уровне государства закреплено право участия каждой семьи в образовании и воспитании детей как социального института.

В Узбекистане традиционная семья считается одной из главных ценностей в жизни по данным Государственного комитета по статистике, ежегодно в Республике Узбекистан рождается более 700 000 детей, это позволяет сделать вывод, что в стране на государственном уровне семье уделяется первостепенное внимание и привлечение ее в образовательных целях.

Вместе с тем, в странах Европы происходит процесс в сторону автономизации семьи, что неизбежно повлекло за собой снижение рождаемости, рост числа разводов и увеличение числа одиноких людей.

Как показывает международный опыт таких стран как: Россия, США, Великобритания, Франция, Япония где имеется четкое понимание того, что семья – едва ли не основной источник нравственного и эстетического формирования, эмоциональной культуры и физического здоровья детей и что образовательные организации должны решать задачи воспитания совместно с семьей. Проводниками такого сотрудничества должны стать как традиционные структуры (родительские комитеты, наблюдательные советы), так и новые органы учебных заведений.

Семья – главный источник социализации, нравственного становления личности, считают в этой связи японские ученые Т. Эндо и Н. Накаучи.

Как показало исследование в Узбекистане 60,2% считают, что роль родителей в воспитании детей в первую очередь заключается в том, чтобы привить ребенку национальные традиционные ценности, приложить все усилия, чтобы ребенок вырос хорошим человеком, 77,8% считают, что воспитанием детей должны заниматься в равной степени оба родителя (мать и отец) [4], именно поэтому с наибольшей степенью возрастает роль партнерства с образовательными организациями.

Актуальной в настоящее время является необходимость построения партнёрства дошкольных образовательных организаций с семьями и местным сообществом. Исследования и опыт показывают, что прочные партнёрские отношения между педагогами, семьями и членами сообщества вносят позитивный вклад в развитие и обучение детей. Именно партнёрство подразумевает, что обе стороны имеют права и обязанности, видят друг друга компетентными и ценят друг друга как партнёра. Партнёрство требует, чтобы педагоги признавали и ценили ценности, образ жизни и характеристики семей и сообществ, с которыми они работают, и ценили многочисленные и важные способы, которыми они способствуют обучению и развитию детей. Педагоги, работающие с детьми дошкольного возраста, расширяют возможности обучения детей, опираясь на знания семей о своих детях и на то, чему дети учатся в своих семьях и сообществах [5].

В последние два года, после принятия постановлений Президента и правительства Узбекистана по совершенствованию деятельности системы дошкольного образования, начала развиваться и внедряться новая философия взаимодействия семьи и дошкольной образовательной организации. В основе её лежит идея о том, что за обучение, воспитание и развитие детей несут ответственность родители, а все остальные социальные институты призваны поддерживать и дополнять эту деятельность.

Семья, дошкольная образовательная организация и местное сообщество составляют на определённом этапе основную образовательно-воспитательную и развивающую микросреду – образовательное пространство. Но только в сочетании друг с другом они создают оптимальные условия для вхождения маленького человека в большой мир. Идея взаимосвязи общественного и

семейного воспитания нашла своё отражение в ряде нормативно–правовых документов, в том числе в «Концепции развития системы дошкольного **образования Республики Узбекистан до 2030 года»** [6].

Среди ценностей, созданных человечеством за тысячелетия, семья является одной из не проходящих. Ни одна нация, ни один народ не сумел обойтись без семьи. Любое государство рассматривает семью как важнейшую составляющую общества. Именно в период кризисов возрастает роль семьи и значение как важного буфера между индивидом и социальными переменами. Будучи одним из древнейших институтом общества, семья в той или иной форме сумела выжить в условиях всех известных исторических цивилизаций и культур. Она проявила себя как весьма функциональная система, обладающая высокой способностью к адаптации в самой различной обстановке.

В современном Узбекистане дети и молодые люди до 30 лет составляют 60 % населения. Через 15–20 лет они станут крупнейшей рабочей силой, которая когда-либо была в Узбекистане, предоставляя уникальную возможность вывести страну на новый уровень социально-экономического развития (Отчет ЮНИСЕФ Узбекистана, 2020) [7] Именно поэтому необходимо эффективное взаимодействие всех учреждений и организаций, их координация и сотрудничество по вопросу укрепления института семьи, развития традиционных семейных ценностей, так как воспитание гармонично развитого поколения затрагивает все аспекты жизни нашего общества. Для достижения консолидации общества предстоит активная работа по обсуждению актуальных вопросов укрепления семьи, выдвижению интересных и действенных предложений по защите прав женщин, детей и других членов семьи, вопросов воспитания детей.

Сегодня Узбекистан вышел на качественно новый уровень развития общества, где одним из главных направлений является укрепление института семьи. Нет сомнений в том, что укрепление позиций по вопросам традиционной семьи, в международном сообществе позволит обеспечить долгосрочные результаты, важные для каждого из нас.

**Список использованной литературы:**


1. Борисенков В.П. Гукаленко О.В. Институт семьи и семейная политика в современной России: проблемы, тенденции и перспективы. Интернет журнал «Науковедение» выпуск 5 (24) сентябрь-октябрь 2014//http://naukovedenie.ru
2. Семейный кодекс Республики Узбекистан. Постановление Олий Мажлис РУ № 608-I от 30.04.1998 г.
3. Закон Республики Узбекистан // О дошкольном образовании и воспитании // № ЗРУ-595 от 16.12.2019 г.
4. Убайдуллаева Р.А. //ж. Социологические исследования // № 10 88- 98// 2011 г. http://www.demoscope.ru/weekly/2012/0493/analit03.php
5. Шин А.В., Мирзиёева Ш.Ш., Грошева И.В., Назарова В.А., У. Микаилова, Абдуназарова Н.Ф., Закиров А. А., Исхакова М.Р., Умирзакова Н.Р. // Партнерство с семьями и местным сообществом // с. 9 // Ташкент // 2020.
6. Постановление Президента Республики Узбекистан// Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 г. // № ПП-4312 от 08.05.2019 г.
7. Отчет Международного детского фонда ООН (ЮНИСЕФ) в Узбекистане//Молодежь Узбекистана: вызовы и перспективы// 2020 г.

**Шотурсунова Нодира Носировна**
*Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва*
*гендер тенглик масалалари қўмитаси бош маслаҳатчиси*

# АЁЛГА ҲУРМАТ – ОИЛАГА, ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

**Аннотация:** *Мақола жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш каби масала ва муаммоларга бағишланган.*

**Аннотация:** *В статье рассмотрены такие вопросы и проблемы, как обеспечение гендерного равенства в обществе, повышение социально-политической и экономической активности женщин.*

**Annotation:** *The article focuses on the issues and problems such as ensuring gender equality in society, enhancing the socio-political and economic activity of women.*

Гендер тенглиги, яъни эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги – бу нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор тараққиётга эришишнинг зарур негизидир.

Шу ўринда, рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак. Бугунги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги банд аҳолининг тахминан **45,4 фоизни** ташкил этади. Аммо, юртимиз хотин-қизларининг аксарияти фақат соғлиқни сақлаш ва таълим каби ижтимоий соҳаларда меҳнат қилади. Юқори даромадли жабҳалар, хусусан, қурилиш, транспорт ва коммуникация, ахборот технологиялари, саноат ишлаб чиқариш каби йўналишларда аёллар озчиликни ташкил этади. Натижада хотин-қизлар эркаклардан **30-40 фоизга камроқ даромад топади.**

<u>Хўш, шу ўринда савол туғилади. Гендер тенглик мамлакатимизнинг барча соҳаларда ривожи учун қай даражада аҳамиятли?</u>

Гендер тенг имкониятлар таъминлансагина, биз ўзимиз эга булган бебаҳо ресурс – инсон капиталидан тўлақонли фойдалана оламиз. Айнан шу боисдан, ҳозирда гендер тенглигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Айни пайтда Гендер тенглик индексида мамлакатимиз **188 та давлат орасида 57-ўринни эгаллаб турибди.** Бу кўрсаткични юртимизда хотин-қизлар таълим олиши ва иқтисодий фаоллиги юқори даражада эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида жуда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнга давлат ва жамоат ташкилотлари бирдек жалб қилинаётгани, мақсад – ҳар бир аёл, ҳар бир қизнинг тақдирини ижобий томонга ўзгартириш, ҳаётда муносиб ўрнини топиш учун зарур шароитларни яратишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида бу мавзуга алоҳида эътибор қаратади. **“Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу, аввало, оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир”,** дейди Юртбошимиз. Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланиши ҳақидаги фикр ҳам бежиз айтилмаган.

Айнан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар самараси ўлароқ, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган аёлларимизни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида юзлаб, минглаб нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлдилар.

Бундан ташқари, аёллар бандлигини таъминлаш, жамиятда уларнинг бор салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи — беш муҳим ташаббуснинг асосий йўналишларидан бири саналади. Умуман олганда, давлат миқёсида қабул қилинган ҳар қандай дастур ёки иш режаси борки, уларнинг асосий бандлари айнан хотин-қизларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш, орзу-ҳавасларига қанот бўлишга хизмат қилмоқда.

Шу маънода, мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш борасида ҳам сўнгги икки йилда жуда катта қадам ташланди. Соҳанинг халқаро стандартларини ўз ичига олган жиддий қонунлар қабул қилинди. **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар**

шулар жумласидан бўлиб, уларда гендер тенгликка эришиш соҳасидаги тизимни такомиллаштириш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгилаб берилди.

Натижалар ўзини узоқ куттиргани йўқ. 2019 йилнинг охирида бўлиб ўтган Парламентга сайловлар натижаларига кўра, хотин-қизларнинг Олий Мажлисдаги улуши 32 фоизни ташкил этди. Демак, шу орқали аёлларнинг қонунлар қабул қилинишида иштироки янада кучайди. Бу йўналишда яна бир ютуғимиз – хотин-қизларнинг жамиятда ролини оширишга қаратилаётган ишлар уларга нисбатан аввалги, эскирган стереотипларни ўзгаришига ёрдам бераётганлигидир.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг фаолияти ташкил этилгани ҳам масаланинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

Қўмита ҳам комиссия ташаббуси билан соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, қабул қилинган қонунларнинг жойларда самарали ишлашини янада яхшилаш мақсадида кўплаб тадбирлар йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, гендер масалалари бўйича давлат бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро экспертлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030 йилларда гендер тенгликни таъминлаш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу стратегияни қабул қилишда ишчи гуруҳ аъзолари олдига соҳадаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, халқаро ва миллий қонунчиликдаги норматив ҳуқуқий базани ўрганиш каби бир қатор вазифалар белгиланди. Ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторнинг қилиш мақсадида мунтазам равишда семинар-тренинглар ташкил этилди.

Шу жараёнда Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини таъминлаш бўйича миллий ҳаракатлар режалари, стратегия ва давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳ аъзолари, экспертлар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари масуъллари ҳам фаол иштирок этди.

Ишчи гуруҳ аъзолари соҳалараро кичик гуруҳларга ажратилди. Ҳар бир жамоа зиммасига мавжуд ҳуқуқий база, хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга ошириш механизмлари, гендер тенгликни такомиллаштириш юзасидан алоҳида вазифалар юкланди.

Таклифларнинг амалиётга қай даражада самарали жорий қилиниши, амалдаги вазиятни яхши томонга ўзгартириш йўллари атрофлича муҳокама этилди. Стратегия лойиҳасининг имкон қадар мукаммал, ихчам ва мобиль тарзда ишлаб чиқилишига эътибор қаратилди.

Гендер стратегиясини амалга ошириш мамлакатимиз ўз зиммасига олган миллий ва халқаро мажбуриятлар (Пекин Декларa**ци**яси ва Ҳаракатлар режаси, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва бошқалар) ни ҳам тўлақонли ижросини таъминлашга кўмаклашади.

Унда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, бандлик, меҳнат миграциясида гендер тенгликни таъминлаш, зўравонликни олдини олиш ва одам савдоси масалалари, гендер режалаштириш ва бюджетлаштириш масалалари кабилар ҳам батафсил инобатга олинган.

Бу вазифаларнинг ҳар бири мутахассислардан масалага чуқур кириб бориш, фактлар ва рақамлар билан ишлаш, миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, соҳага халқаро ҳамжамиятнинг талабларини уйғунлаштириш талабини қўйдики, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳузуридаги Ишчи гуруҳ аъзолари ҳар бир бандни батафсил ишлаб чиқди.

Олиб борилган кенг кўламли изланишлар, тадқиқотлар, тор доирадаги самарали музокаралардан сўнг илк маротаба Ўзбекистон Республикасининг 2020-2030 йилларга бағишланган гендер тенгликни таъминлаш стратегияси лойиҳасининг дастлабки намунаси тайёр ҳолга келтирилди.

Гендер стратегияси ҳозирги жамиятимизда нимани ўзгартиради? Хотин-қизларга нисбатан муносабат қай даражада юксалади? Бандлик, меҳнат миграциясида гендер тенгликни таъминлаш, гендер режалаштириш ва бюджетлаштириш тушунчаларини ҳамма бирдек тушунадими?

Афсуски, бу тушунчалар кўпчилигимиз учун бегона.

Биргина гендер миграцияси мисолида айтадиган бўлсак, миграцияни бошқариш масалалари Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Республикамизнинг 2018 йили ноябрида Халқаро миграция

ташкилоти (ХМТ) га кириши халқаро, шу жумладан, миграция соҳасида ҳам, меҳнат стандартларини имплементация тарафдори бўлишининг исботи бўлди.

Гендер нуқтаи назаридан, мигрант хотин-қизларнинг ўзига хос муаммолари бор. Аввало, уларнинг даромадлари таҳлили шуни кўрсатдики, мигрант хотин-қизлар эркакларга қараганда кам пул топадилар.

Энг ёмони, миграция хотин-қизларга салбий психологик таъсир кўрсатади. Мигрант хотин-қизлар эркакларга қараганда, жамият ва оиласига қайтиши, оилавий муносабатларни ёмонлашув ва узилиши муаммоларга кўпроқ тўқнашадилар. Эркакларнинг узоқ муддатли миграцияси ҳам оиланинг парчаланишига таъсир кўрсатади.

Шундай вазиятда Гендер стратегияси бир қатор аниқ мақсадларни илгари суради. Мисол учун, ички ва ташқи меҳнат миграциясини мажмуавий таҳлил қилиб, шу асосда меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси белгиланмоқда.

Хориждаги меҳнат мигрантлари, айниқса аёлларни, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни йўлга қўйиш мақсад қилинган. Хорижда оилавий ишга жойлаштириш, яъни бир оила аъзолари бўлган эркаклар ва аёлларни битта ишга жойлаштиришнинг ташкилий томонлари ўрганилади.

Бундан ташқари, мамлакатлар ўртасида самарали ўзаро ҳаракатланишни қўллаб-қувватлаш, мазкур йўналишда давлат ва хусусий бандлик агентликлари орқали хорижда ишга жойлашишнинг афзалликлари тўғрисидаги кенг қамровли тадбирлар ва ахборот-тарғибот кампанияларини ўтказиш стратегияда белгиланган муҳим тадбирлардан саналади.

Яна бир масала. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва меҳнат бозорига кириб келаётган хотин-қизларни, иқтисодий фаоллик билан қамраб олиш учун ишбилармонлик, инвестицион муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Стратегияга кўра, хотин-қизларнинг иқтисодий ресурслардан, шу жумладан, кўчар ва кўчмас мулк, ер, молиявий кредитлар, жамоатчилик жамғармалари, шунингдек, эркин танланган тадбиркорлик фаолияти турларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи қўллаб-қувватланади.

Мамлакатнинг чекка ва узоқ қишлоқ ҳудудлардаги хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш бўйича дастурлар янада такомиллаштирилади. Аёлларнинг бандлик ва меҳнат бозоридан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш учун мактабгача ва бошланғич мактаб таълимининг ҳаммабоплигини оширишга эътибор қаратилади.

Юқоридагиларни барчаси оила институтига таъсир қилмай қолмайди. Бу билан биз оилани моддий таъминотини аҳамиятини пасайтирмоқчи эмасмиз. Оилани моддий таъминланганлик савияси шу оилада вояга етаётган болани ҳар тамонлама шаклланишига шароит яратади. Шу билан бирга моддий таъминлаганлик асосий ҳаёт мақсади эмас, балки мақсадга етишишдаги яхши омил вазифаси эканлигини болаларга ёшликдан тушунтиришимиз лозим. Оилани институтини мустаҳкамлаш учун нималар қилишимиз керак? Уларни қуйидагича тахлил қилишимиз мумкин:

Биринчидан, юқоридаги кўрсатилган муаммоларни қаердан озуқа олаётганлигини аниқлаб, хар бири учун алоҳида тавсия ишлаб чиқиш.

<u>Масалан:</u> индивидни дунёга келтирадиган, уни шахс сифатида шакллантирадиган, уни тарбиялайдиган, оилавий ҳаётга тайёрлайдиган – оила. Демак оила икки ролда намоён бўлади. Бир оила яхши тарбияласа, иккинчиси тескарисини қилади. Тарбиялайдиган ҳам оила, бузадиган ҳам оила. Оилада ишлатилмаётган ёки унутилган билимларни тиклаб, ёшларни шулар билан қуроллантирсак катта мувофаққиятга эришамиз. Ўзбекистонда ўз жонига қасд қилиш натижасида ҳар йили 2 минг ортиқ одам оламдан ўтмоқда.

Иккинчидан, таълим-тарбия муассасаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрламаяпти.




Буларнинг барчаси илгаридан мавжуд бўлган, янгилик эмас. Аммо улар мақсадли ишламаяпти. Демак ушбу потенциалдан самарали фойдаланиш учун ҳар биридан мақсадли фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Бундан икки йил олдин барча вилоят марказларида “Оиланинг инновацион марказлари” тузилиб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқишлар ташкил этилиб, жуда самарали фаолият бошлаган эди. Бу марказларга Президентимиз шахсан ўзлари ташриф буюриб, очилишларида қатнашиб, фаолиятини маъқуллаган эди.

Кейинчалик янги вазирлик “Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш” вазирлиги ташкил этилиб, уни ҳузурида янги “Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти” ни юзага келиши ва унда барча шарт-шароитлар яратилиши ҳукумат раҳбарларини ушбу масалага бўлган катта эътиборидан далолат беради.

Институтда кучли олимлардан иборат янги жамоа тузилиб, илм-фанга эътиборни кучайтирилиши ва энг муҳими илм-фанни амалиётга йўналганлигини ишлашига урғу берилиши катта ютуқдир.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ўтиш даврини мураккаб босқичини бошдан кечирмоқда. Психология тили билан айтганда, образли ўхшатиш жоиз бўлса, ўсмирлик даврини бошдан кечирмоқда.

Ўзини катта ёшдаги одамлардан ҳис этадиган, ўзини ҳар бир нарсага ақли етадиган деб хисоблайдиган, катталарни маслаҳатини кўпини қабул қилмайдиган, аслида эса болаликдан узоққа

кетмайдиган, юрак кескин ўсиб, қон-томирларини ўсиши ортда қолаётган, хулқида ўжарлик, қўполлик, ўз биладиганидан қолмаслик ва атрофидаги ўзига ўхшаган тенгдошларини тўлиқ таъсирида бўлган ёш даври. Шахс шаклланишида ҳар бир инсон ушбу босқични бошдан ўтказади. Бу шахсда мураккаб давр ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам айнан мураккаб даврда.

Юқоридагилардан келиб келиб чиққан холда оила институтини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда битта вазирликни қўлидан келмайди. Чунки муаммоларни иқтисодий, ижтимоий, маъмурий, маънавий, сиёсий, худудий, миллий, маданий ва бошқа омил ҳамда улардан озуқа олаётган илдизлар бор.

Шу сабабли Ўзбекистонда оила институтини мустахкамлаш бўйича 2022-2035 йилларга мўлжалланган 15 йиллик давлат дастури ишлаб чиқиш керак.

**Эгамбердиева Нодира,**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директори,*
*Педагогика фанлари доктори, профессор.*

**Маманова Н.К.,**
*Чилонзор тумани 188-сонли мактаб психологи*

## БАХТЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ – ЗАМОНАВИЙ КИШИЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ СИФАТИДА

Бахт ижтимоий борлиқнинг алоҳида олинган шахс ва умумий маънода жамият учун мухим бўлган турли аспектларини ўзида бирлаштирувчи ижтимоий-маданий феномен бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда, бутун жаҳон бўйлаб бахт тушунчасини илмий методлар воситасида таҳлил қилишга бўлган интилиш кучли интеллектуал ҳаракат кўринишига кирди. Муаммонинг долзарблиги тадқиқ этилаётган тушунчанинг давлат бошқарувининг самарадорлигини белгилаб берувчи мезонлардан бири сифатида хизмат қилиши, қолаверса, жамият томонидан қўйилган, ҳар бир инсоннинг бахтли бўлишга интилиши, аҳолининг ижтимоий саломатлигини ва ҳаёт сифатини яхшилашга бўлган эҳтиёжи билан шартлашган талаб сифатида гавдаланиши воситасида белгиланади. Хатто,бугунги кунда иқтисодиётда бахт иқтисодиёти каби йўналиш шаклланиб келмоқда. Ушбу йўналиш аксарият ҳолда иқтисодий ва ижтимоий баҳолашнинг анъанавий мантиғини инкор этиб, асосий урғуни суъектив фаровонликка беради, қолаверса, айнан суъектив фаровонлик воситасида одамларнинг объектиб яшаш шароитларига баҳо беради. Айни пайтда, иқтисодиётнинг ўзи эса, соф гуманистик аснода жамиятнинг ва унинг алоҳида аъзосининг фаровонлигини таъминловчи восита(инструмент) сифатида хизмат қилади[22].

Узоқ ўтмишда, 1968 йилда Америка Қўшма Штатлари бўлажак президенти Роберт Кеннеди ўзининг сайлов олди нутқида шундай деган эди: “Бизнинг ялпи миллий маҳсулотимиз ўз ичига ҳавонинг ифлосланиши, тамаки маҳсулотлари рекламаси, автоҳалокатлар натижасида зарар кўрган одамларни олиб кетаётган тез ёрдам машиналарини ҳам олади. У хатто эшиклардаги қулфларни ва уларни бузиб очишга муваффақ бўлганлар учун қамоқхоналарни инобатга олади. Хаотик тарзда давом этаётган урбанизация жараёни таъсирида секвоя ўрмонларининг, тенги йўқ табиат оламининг йўқ қилиниши ҳам шу ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичида ўз аксини топади. Аммо, у фарзандларимизнинг саломатлигини ва таълим сифатини ўз ичига олмайди, уларнинг қувончи ёки ўйинлардан оладиган завқини акс эттирмайди. Унда ҳеч қачон шеърият гўзаллиги ёки оилаларнинг мустаҳкамлиги, сиёсий музокаларининг ва умуман олганда сиёсат арбобларининг адолатлилиги ўз аксини топмайди. Бу кўрсаткич на ақлни, на мардликни ва на доноликни ўлчаб беролмайди. Унда ҳеч қачон раҳм-шавқат ёки юртга садоқат каби фазилатлар ўз аксини топмайди. Оддий қилиб айтганда, ялпи миллий маҳсулот яшаш учун ҳақиқатда арзийдиган нарсалардан бошқа ҳаммасини ўлчай олади холос”[23].

---

22 Попова, С.М. Измерения прогресса / С.М. Попова, С.М. Шахрай, А.А. Яник. – М.: Наука, 2010.
23 Фокс, Д. Чем измерить счастье? Экономисты ищут более точную альтернативу ВВП / Д. Фокс // Harvard Business Review. – 2012. – № 3. – С. 58-63.

Голландиялик социолог олим Рут Винховен бахт тушунчасининг давлат сиёсатининг устувор йўналиши, барча сай-ҳаракатлар мақсади сифатида янгидан пайдо бўлишига катта ҳисса қўшган. Унинг фикрига кўра, инсонлар, яъни у ёки бу жамият аъзолари ўзида намоён қиладиган бахтлилик даражаси, саломатлилик даражаси ҳамда моддий фаровонлик даражалари билан бир қаторда мазкур жамиятнинг одамлар яшаши учун нақадар лаёқатлилиги ва қулайлигини белгилаб беради. Унинг бу соҳадаги изланишлари бахт жамиятдаги ривожланиш даражасини ўлчаб берувчи ишончли ўлчов бирлиги сифатида хизмат қила олишини исботлади[24].Хозирги пайтда Винховен халқаро бахтлилик маълумотлари базасининг асосчиси, раҳбари. Қолаверса, "Journal of Happiness Studies" – Бахтни тадқиқ этиш журналининг асосчиси ва бош мухаррири бўлиб фаолият юритмоқда. Бахтлилик даражасини аниқлашга доир тадқиқотларнинг "отаси"сифатида айнан шу олим тан олинади.

Лондон иқтисодиёт мактабининг профессори Р. Лэйарднинг фикрига кўра, инсонларнинг бахтга бўлган интилиши давлат томонидан қабул қилинаётган барча сиёсий қарорлари учун олтин стандарт сифатида хизмат қилиши керак[25]. Ундан ташқари, мазкур олимнинг қарашларига кўра, фуқароларнинг бахти ҳукумат ўзи учун белгиловчи ривожланиш йўналишининг ягона самарадор кўрсаткичи бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бойликни орттириш мумкин, аммо кишилик жамиятини бахтлилик даражасини ошириш мақсадида холос.

Бу борада социолог ва иқтисодчи олимларнинг психолог олимлар билан фикрлари ҳамоҳанг. Америкалик психолог олим М.Селигман қарашларига кўра, биз хозирда "Ҳаётдан қониққанлик иқтисодиёти"замонига кириб келмоқдамиз. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти, шу фаолиятни юритаётган тадбиркорнинг ҳаёт мазмуни ва шахслараро муносабатларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб[26], мамлакат ҳукуматининг сиёсати умумий фаровонликни оширишга йўналган бўлиши ва шу сиёсатнинг самарадорлигини айнан шу фаровонлик кўрсаткичлари белгилаши мумкинлиги каби фикрлар юқоридаги социолог, иқтисодчи ҳамда психолог олимларнинг бу борада фикрлари умумий мазмунга эгалигининг исботидир.

Кўплаб тадқиқотлар шуни исботладики, моддий фаровонлик қай даражада юқори бўлса, бахтлилик даражаси ҳам шу қадар юқори бўлади. Бу аснода биз мамлакатларни бир-бири билан солиштирамизми ёки битта давлатнинг турли ҳудудалари орасидаги тафовутларга разм соламизми ҳудди шу омил ўз аксини топади. Аммо таъкидлаш жоизки, ҳаётдан қониққанлик даражаси ҳар доим ҳам моддий фаровонлик билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлмайди. Бунинг исботи сифатида таниқли Истерлин парадокси хизмат қилиши мумкин. Мазкур ижтимоий-иқтисодий ҳодиса Америкалик иқтисодчи, демограф олим Ричард Истерлин номига Истерлин парадокси деб аталган. Бу олим ўзининг тадқиқотлари натижасида аниқлаган маълумотларга кўра, аҳолининг киши бошига тўғри келадиган даромадлари ўсиши фақат маълум миқдоргача бахтлилик даражаси ўсишига олиб келади холос, ундан ортиқ миқдорга эмас[27]. Бу ерда "гедонистик ғилдирак"тамойили ишга тушади: "Эҳтиёжлар даражаси даромадлар билан бирга ўсиб боради, асосий эҳтиёжлар қондирилганидан сўнг, фаровонлик учун даромаднинг абсолют эмас, балки нисбий даражаси мухим аҳамиятга эга бўлади". Р. Лэйарднинг фикрига кўра, бу миқдорни ялпи ички маҳсулот бир йилда аҳоли жон бошига 20 000 долларни ташкил этганда кузатиш мумкин. Бу кўрсаткични эгаллаб бўлган мамлакатларда ҳаётдан қониққанлик даражаси ўсишдан тўхташи кузатилади, айрим пайтларда бу кўрсаткич пасая бошлайди ҳам. Мазкур парадоксга нисбатан фанда ҳали ҳам қизиқиш сўнмаган. 2003 йилда Р. Винховен ва М. Хэджерти Истерлин парадоксини инкор этувчи тадқиқотларни эълон қилдилар[28]. 2008 йилда Б. Стивенсон ҳамда Дж. Вольфатерс абсолют даромаднинг ўсиши ўз-ўзига бахтлилик нуқтаи назаридан баҳо беришнинг ўсиши билан бевосита боғлиқ эканини аниқлашди. Э. Динер ҳам кенг кўламли тадқиқот ўтказишга мувоффақ бўлди ва унинг натижаси ўлароқ, даромадлар ўсиши бахтлилик даражасининг ўсишига

[24] 2nd OECD World Forum – Istanbul 2007 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.oecd.org/site/worldforum06/ishappinessmeasurableandwhatdothosemeasuresmeanforpolicy.htm

[25] Лэйард, Р. Счастье: уроки новой науки / Р. Лэйард. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2011.

[26] Селигман, М. Путь к процветанию: новое понимание счастья и благополучия / М. Селигман. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2013.

[27] Easterlin, R.A. Does Economic Growth Improve the Human Lot? Some Empirical Evidence / R.A. Easterlin. – 1974.

[28] Hagerty, M.R. Wealth and Happiness Revisited Growing wealth of nations does go with greater happiness / M.R. Hagerty, R. Veenhoven // Social Indicators Research. – 2003. – Vol. 64. – P. 1-27.

олиб келади, агар эҳтиёжлар даражаси даромадларга нисбатан секинроқ ўсишни намойиш қилса, деган хулосага келди. Аммо, 2010 йилда Истерлин ўзининг янги тадқиқот натижаларини нашр қилди, мазкур тадқиқот 37 та мамлакатни ўз ичига камраб олиб, бундан аввал Истерлин парадоксини эълон қилишга сабаб бўлган натижаларини қўллаб қувватлайди[29]. Шунга мувофиқ, фан доирасида бахтлилик даражаси ҳамда моддий фаровонлик орасидагиги ўзаро алоқа масаласи очиқлигича қолмоқда.

Иқтисодий омилларининг ўзи бахтлилик даражасиини аниқлашга етарли эмаслиги, қолаверса, уларининг ҳаётдан қониққанлик даражаси билан ўзаро алоқадорлигининг ноаниқлиги бир қатор мисоллар воситасида кўрсатилади. Хусусан, ғарб мамлакатларининг аҳолиси бундан 40 йил аввалги даромадларига нисбатан хозирги даромадлари ўртача 4 баровар ошган, аммо шунга қарамай, мазкур мамлакат аҳолисининг субъектив фаровонлик даражаси деярли ўзгаришсиз қолган. Америкалик бадавлат аҳоли қатламининг 37 % да эса бахтлилик хисси ўртача даражадан ҳам паст ҳолатни қайд этмоқда[30]. М. Аргайл таъкидлашича, олимлар ҳали ҳам нима сабабдан кишилик жамиятининг ривожланиш тарихидаги ўртача даромад кўрсаткичларидаги буюк ўзгаришлар ҳаётдан қониқиш ва бахтлилик ҳиссига ўз таъсирини ўтказмаганини, аниқроғи уларнинг ўсишига туртки бўлмаганини билмайдилар. Унинг тахминига кўра, мазкур ҳолат эҳтиёжлар даражасиининг ортиши билан шартлашади: “авваллари одамлар ўз велосипедлари бўлишини орзу қилишган бўлса, энди уларга иккита автомобиль керак[31]”.

Мазкур ҳолат ҳар қайси мамлакат миқёсида аҳоли ўртасида бахтлилик индексини ўлчаш имконини берувчи, умуминсоний қадриятларга асосланган айни пайтда, этнопсихологик хусусиятларин инобатга олувчи, ҳамда миллий-маънавий, диний қадриятларимизни ўзида тўлиқ акс эттирувчи мезонлар тўпламини яратишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Попова, С.М. Измерения прогресса / С.М. Попова, С.М. Шахрай, А.А. Яник. – М.: Наука, 2010.
2. Фокс, Д. Чем измерить счастье? Экономисты ищут более точную альтернативу ВВП / Д. Фокс // Harvard Business Review. – 2012. – № 3. – С. 58-63.
3. 2nd OECD World Forum – Istanbul 2007 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.oecd.org/site/worldforum06/ishappinessmeasurableandwhatdothosemeasuresmeanforpolicy.htm
4. Лэйард, Р. Счастье: уроки новой науки / Р. Лэйард. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2011.
5. Селигман, М. Путь к процветанию: новое понимание счастья и благополучия / М. Селигман. – М.:Манн, Иванов и Фербер, 2013
6. Easterlin, R.A. Does Economic Growth Improve the Human Lot? Some Empirical Evidence / R.A. Easterlin. – 1974.
7. Hagerty, M.R. Wealth and Happiness Revisited Growing wealth of nations does go with greater happiness / M.R. Hagerty, R. Veenhoven // Social Indicators Research. – 2003. – Vol. 64. – P. 1-27
8. Easterlin, R.A. The happiness-income paradox revisited [Электронный ресурс] / R.A. Easterlin. – Режим доступа: http://www.pnas.org/content/107/52/22463
9. Diener E., Suh E. Measuring Quality of Life: Economic, Social, and Subjective Indicators. Social Indicators Research, vol. 40, no. 1, 2.
10. Argyle M. Psikhologiya schast’ya[The Psychology of Happiness]. Saint Petersburg: Piter, 2003.


[29] Easterlin, R.A. The happiness-income paradox revisited [Электронный ресурс] / R.A. Easterlin. – Режим доступа: http://www.pnas.org/content/107/52/22463

[30] Diener E., Suh E. Measuring Quality of Life: Economic, Social, and Subjective Indicators. Social Indicators Research, vol. 40, no. 1, 2.

[31] Argyle M. Psikhologiya schast’ya[The Psychology of Happiness]. Saint Petersburg: Piter, 2003.

**Жамолдинова Одинахон Расуловна,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, педагогика фанлари доктори.*

# ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** *Ушбу мақолада мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти, аёллар ва эркакларнинг гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги хусусида сўз боради.*

*Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини оширишда уларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билиши, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши, ўзларига нисбатан турли тазйиқ ва зўравонликларга қарши курашишда фаол бўлиши энг муҳим омиллар эканлиги таъкидланади. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ишлатилишининг асосий сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали механизмлари тавсия этилади.*
**Калит сўзлар:** *оила, хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, гендер тенглик, тазйиқ ва зўравонлик, гендер ҳақидаги стереотиплар.*

**Аннотация:** *В данной статье рассматривается суть проводимых в нашей стране реформ по повышению социальной активности женщин, улучшению их жилищных условий, укреплению нормативно-правовой базы для обеспечения гендерного равенства между женщинами и мужчинами.*

*Подчеркивается, что наиболее важными факторами повышения роли и статуса женщин в обществе являются их осведомленность о своих правах, правовой культуре, активное участие в борьбе с различными формами притеснения и насилия в отношении них. Рекомендуются эффективные механизмы выявления, предотвращения и устранения коренных причин насилия в отношении женщин.*
**Ключевые слова:** *семья, женщины, социальная активность, гендерное равенство, угнетение и насилие, гендерные стереотипы.*

**Annotation:** *This article discusses the essence of the ongoing reforms in our country to increase the social activity of women, improve their living conditions, the strengthening of the legal framework to ensure gender equality between women and men.*

*It is emphasized that the most important factors in enhancing the role and status of women in society are their awareness of their rights, legal culture, active participation in the fight against various forms of oppression and violence against them. Effective mechanisms for identifying, preventing, and eliminating the root causes of violence against women are recommended*
**Keywords:** *family, women, social activism, gender equality, oppression and violence, gender stereotypes.*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизимида гендер масалалари, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига МДҲ давлатлари орасида биринчилар қаторида қўшилганлигини ҳамда Ўзбекситон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (2019), “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2019) қонунларининг

қабул қилиниши билан гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича миллий қонунчиликнинг такомиллашганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг натижадорлиги хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган қулай шарт-шароитларга бевосита боғлиқ.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш борасидаги ўтказилган ижтимоий сўровномада иштирок этган 7 823 нафар респондентларнинг 77,8 фоизини хотин-қизлар, 22,2 фоизи эркаклар ташкил этди. (1-диаграмма)




**Респондентларнинг ёши бўйича кўрсаткичлар**

Респондентларнинг 18 фоизи ўрта маълумотли, 17,1 фоизи ўрта-махсус ҳамда 64,9 фоизи олий маълумотлилар эканлиги маълум бўлди. (2-диаграмма).

*2-Диаграмма*

**Респондентларнинг маълумоти бўйича кўрсаткичлар**




Сўровда иштирок этган респодентларнинг 5 763 таси ҳаёт давомида зўравонликка учрамаганини маълум қилган бўлсада 409 нафари турлича зўравонликларга, аксарият ҳолатларда ҳиссий ва жисмоний зўравонликларга дуч келганлигини билдирган.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ишлатилишининг асосий сабаби гендер ҳақидаги стереотиплардир.

Шуни таъкидлаш керакки, жамиятда гендер тенглик ҳосил қилишда эркакларни жалб қилиш осон иш эмас. Чунки, аксарият эркаклар қизлар ва аёллар устидан доимий назорат ўрнатишни оддий ҳолат деб ҳисоблайди.

Сўровномада иштирок этганлар томонидан зўраволикка учраган хотин-қизларга нисбатан тазйиқнинг асосий сабаблари сифатида икки шахс орасидаги ўзаро келишмовчилик, икки киши ўртасидаги муносабатларга учинчи шахснинг аралашуви кабилар кўрсатилади.

Ҳуқуқий асос мавжудлигига қарамай, кўплаб қизлар ва аёллар гендер тенглик билан боғлиқ камситишларга дуч келмоқда. Оилада зўравонлик рўй берган ҳолларда аёллар аксарият ҳолларда жиноят ҳақида хабар беришдан қўрқади. Улар хабар берган тақдирда ҳам ҳуқуқни қўлловчи идоралар кўпинча жиноий ёки маъмурий иш қўзғатмайди, кўп ҳолларда ярашитиришга ҳаракат қилишади.

Оилада зўравонлик рўй берган ҳолларда аёллар аксарият ҳолларда жиноят ҳақида хабар беришдан қўрқиши, хабар берган тақдирда ҳам ҳуқуқни қўлловчи идоралар кўпинча жиноий ёки маъмурий иш қўзғатмай, ярашитиришга ҳаракат қилиши зўровонликнинг қайта-қайта содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Респондентларнинг берган жавобларидан кўринадики, тазйиқ ва зўравонликларга учраганларнинг 20 фоизида қўрқув, 32 фоизида нафрат, 35 фоизида ғазаб, 6 фоизида тушкунлик ҳамда 7 фоизида раҳм-шафқат ҳисси шаклланади.

Афсуски, оилада хотин-қизларга нисбатан турли зўравонлик ёки тазйиқ ўтказилганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки тегишли ташкилотларга мурожаат қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда хотин-қизлар ўзларига нисбатан қилинган зўравонликни ичларига ютишга мажбур бўлмоқда. Бу эса инсоннинг психологик зўриқиш, жисмонан ва маънан эзилишга олиб келади.

Сўровда иштирок этган 5 314 нафар ёшлар ҳаёт давомида, дўстлар, синфдошлар, тенгдошлар ёки қариндошлар билан зўравонлик тажрибаси ҳақида ўртоқлашмаслик, зўравонлик ёки тазйиқ оқибатларини ошкора қилмаслик ҳақида фикр билдиришган. Бу эса уларнинг қанчалик жиддий оқибатларга олиб келиши тўғрисида юқорида қайд этиб ўтилган.

Шу боис тадқиқотда иштирок этган талабаларнинг 96 фоизи (6 107 нафар) зўравонликларга муросасиз муносабатда бўлишини, 4 фоизи (246 нафар) эса “зўровонликка чидаш мумкин” деб жавоб беришган.

Демак, биз хотин-қизлар ўртасида ҳар қандай зўравонлик содир этилса ҳам чора кўрмасдан кўникиб яшаш мумкин деган фикрни чиқариб ташлашга қаратилган тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, зўравонлик ва камситишларга барҳам бериш масаласига тизимли ёндашувга эришишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, аёлларни зўравонлик ва тазйиқлардан асраш, уларга ҳуқуқий ҳамда психологик ёрдам кўрсатишда маҳалланинг ролини янада ошириш;

иккинчидан, жойларда фаолият кўрсатаётган бепул “юридик клиника”лар сонини ошириш ва унга аёллар ва қизларнинининг муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишга эътибор қаратишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

учинчидан, тазйиқ ва зўравонлик ва бошқа салбий демографик тенденциялар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ва унинг ечимини топиш бўйича давлат грантларини кўламини кенгайтириш;

тўртинчидан, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлари мазмунига хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши гендер тенглик масалаларининг киритиш;

бешинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини, замонавий меҳнат бозорида рақобатбардошлилигини оширишга қаратилган самарали механизмларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. – 2019 йил 2 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. 2019 йил 2 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2021 йил 29 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасинииянада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017.
5. Namazov B., Эgamberdieva N., Mirsolieva M. O‘qituvchilarni tayyorlashda gender yondashuv masalalari (Gender mainstreaming in teacher education in Asia-Pacific). O‘quv qo‘llanma. –T., 2018.

6. Вазирлик, идора ва ташкилотларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини юритиш юзасидан тавсиялар. - Тошкент, 2020. 6 б.
7. О.Жамолдинова, М.Мирсолиева, К.Рискулова. Педагогик таълимда гендер ёндашуви масалалари// Мактабгача таълимда давлат ва нодавлат секторни ривожлантириш: янги шакллари ва таълим мазмуни мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, 2020. –Б. 99-101.



**ОЙНИСА МУСУРМАНОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари, п.ф.д.,профессор*


## ЗАМОНАВИЙ ОИЛА ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ


**Аннотация:** *мақолада замонавий оила ва унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмунан унинг устувор йўналишлари, замонавий ўзбек оиласи аъзолари компетенцияси компонентлари, тамойиллари, манбалари, самарали шакл ва методлари, салбий таъсир этадиган ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ўз аксини топган бўлиб, мазкур тоифа оилаларни такомиллаштириш борасида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*



**Таянч сўзлар:** *замонавий оила, омиллар, замонавий оила андозаси, оила аъзолари компетенцияси, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва мезонлар, маънавий муҳит, инновацион тарбия технологиялари.*



**Аннотация:** *в статье отражены особенности современной семьи, ее приоритетные направления, компоненты компетенций, принципы, источники, эффективные формы и методы, отрицательные ситуации и научно-теоретические взгляды членов современной узбекской семьи, а также выводы и рекомендации по усовершенствованию этих семей.*



**Ключевые слова:** *современная семья, проект современной семьи, компетенции членов семьи, духовно-нравственные ценности и критерии, духовная среда, инновационные воспитательные технологии.*



**Annotation:** *The article reflects the features of a modern family, its priority areas, components of competencies, principles, sources, effective forms and methods, negative situations and scientific and theoretical views of members of a modern Uzbek family, as well as conclusions and recommendations for improving these families.*



**Keywords:** *modern family, project of a modern family, competencies of family members, spiritual and moral values and criteria, spiritual environment, innovative educational technologies*


Оила жамият таянчи, инсоннинг бахт қўрғонидир. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Унинг ижтимоий-маънавий баркамоллиги давлат ва жамият фаровонлигининг негизидир. Дарҳақиқат, жамият ва давлат фаровонлиги, гуллаб-яшнаши оилаларнинг замонавийлиги ва унинг маънавий-ахлоқий пойдеворининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмунида оила манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янда қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони замонавий оилани шакллантиришда ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий асослари самарадорлигини оширишда методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда оила

институтини такомиллаштиришнинг асосий мақсади-замонавий оилани барпо этишдан иборатдир. Қандай оила замонавий оила ҳисобланади? Аввало шу саволга жавоб топмоқ лозим.

Бизнинг назаримизда, оила компетенцияси компонентларини ўзида тўлиқ намоён этадиган, умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар, замонавий илғор тажрибалар, бахтлилик индекси талаблари асосида давлат ва жамият ривожига ўз тинчлиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги билан улуш қўшадиган оила-замонавий оила демакдир. Қайси жамиятда барпо этиладиган бўлса ўша жамият талабларига монанд шаклланадиган оила-замонавий оила ҳисобланади.

Бугуни кун замонавий оиласи қўйидаги тамойилларга жавоб бермоғи лозим: ўзаро муҳаббат, биологик мослик асосига оила барпо этиш; репродуктив ва жинсий етуклик; оила ва жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлиги, барқарорлиги учун фидокорлик, ташаббускорлик ва ижодкорлик; миллий оилавий қадриятларга садоқатлилик; соғлом маънавий-руҳий муҳит яратиш малака ва кўникмаларига эга бўлиш; коммуникатив компетентлик мезонларига риоя этиш; оилавий тарбиркорлик маданиятига эга бўлиш; "Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!" шиорига фидойилик; "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган бўлиш ва "жаҳолатга қарши-маърифат"ғоясига амал қилиш; оилапарварлик, меҳнатсеварлик; халқлараро, миллатлараро тотувликка риоя этиш.

Шунингдек,тадқиқотлар шундан далолат берадики, замонавий оиланинг ўзига хос андозаси мавжуд бўлиб, у шаклан ва мазмунан кўпқиррали ва кенгқамровли бўлиши табиийдир. Ўзбекистонда "Учинчи Ренессанс даври"нинг шиддат билан бошланиши замонавий оилаларнинг ҳам шиддат билан шаклланиши учун замин ҳисобланади. Албатта, унинг ўзига хос андозаси мавжуд бўлиб, у мазмунан қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига олади:

– оиланинг жамият ва давлат ҳимоясида эканлиги, унинг хуқуқий асослари;
– оиланинг иқтисодий жиҳатдан фаровонлиги;
– оиланинг ижтимоий жиҳатдан барқарорлиги;
– оиланинг ахлоқий-маънавий жиҳатдан шаклланганлиги;
– оиланинг тўлиқ бўлиши;
– оиланинг таълимий жиҳатдан қониқарли даражаси;
– оиланинг демографик жиҳатдан мустаҳкамлиги;
– оиланинг маънавий ва жисмоний саломатлиги.

Бўлажак келин-куёвлар мазкур устувор йўналишлар замирида замонавий оилавий ҳаётга тайёрланмоқлари зарур. Ёшлар замонавий оила қуришда «Соғлом оила-соғлом жамият», «Оила-жамият ва давлат ҳимоясида», «Фаровон оила- фаровон жамият асоси»,"Оила-маънавият ўчоғи","Оила-жамият кузгуси" каби концептуал ғояларга асосланиб ўзбек оиласи андозасининг таркибий қисмларининг устувор йўналишлари борасидаги билим,малака кўникмаларини ёш жиҳатдан босқичма-босқич шакллантириб бориш талаб этилади. Шу боис, Республикамиз маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалардаги низо, зиддият, тазйиқ,нотинчликлар ҳамда ажримларнинг олдини олиш мақсадида Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда "Учинчи Ренессанс даври"нинг шиддат билан бошланиши замонавий оилаларнинг ҳам шиддат билан шаклланиши учун замин ҳисобланади. Бу жараёнда дунё халқларининг ўзбек оиласига, ўзбек халқи эса дунё халқлари оиласи тажрибасини билишга қизиқишлари ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, дунё миқиёсида мавжуд турли миллат ва халқларнинг оила қуриш ва уни мустаҳкамлашга нисбатан қарашлари ва муносабатлари турлича бўлиб, улар бошқа миллат оилаларига ўз ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Айни замонда уларнинг оила бораси оддий ҳолга айланган баъзи ҳолатларининг бизнинг замонавий оилаларимиз шаклланишига салбий таъсир этиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, уларни қўйидагича туркумлаш мумкин:

– оила муқаддас қўрғон эканлигига нисбатан муносабатларнинг юзакилиги;
– йигит ва қизлар муносабатларида, турмуш қуришда,оила бўлиб яшаш тарзида, ажрим ҳолатларида ўта эркинлик,ота-она фикрига таянмаслик;
– никоҳга олий қадрият сифатида қарамаслик (аксарият оилалар фуқаролик ёки шарийи никоҳ асосида яшашади);

– жинсий муносабатнинг ўсмирлик ёшидан жуда эрта бошланиши;
– ёш қизларнинг бокираликни сақлаш мажбуриятининг йўқлиги;
– эркин сексуал алоқаларга йўл очиқлик ва улар учун махсус шароитлар яратилганлик;
– оила қуришга нисбатан миллий қадриятлар нуқтаи назаридан эмас, балки бошқа халқлар, миллатлар урф-одатларига қиёсий тақлид қилиш одатининг пайдо бўлиши;
– у ёки бу масала бўйича қарор қабул қилишда эр-хотиннинг ўзаро келишмасдан мустақил қарор қабул қилиши;
– кийиниш, ота-она бўлиш, яшаш тарзини ташкил этиш, фарзандлик, қариндош-уруғчилик бурч ва вазифаларини бажаришда шарқона ахлоқ-одобдан кескин йироқлик;
– оиладаги ҳар бир шахснинг ўзи учун индивидуал турмуш тарзи асосида ҳаёт кечириши;
– бир жинсликлар турмушига эътиборсизлик;
– оилаларнинг маънавий-ахлоқий асосларининг қадрсизлиги;
– гуруҳли жинсий алоқалар;
– ёшларни оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши ва б.қ.

Дарҳақиқат, бундай салбий таъсирлардан холи замонавий оила қуришнинг асосий мезони унинг маънавий-ахлоқий пойдевор асосига қурилиши ҳисобланади. Шундагина у мустаҳкам ва бахтли бўлиши мумкинлигини тадқиқотлар ва ҳаётий тажриба кўрсатмоқда.

Замонавий оиланинг маънавий-ахлоқий асослари умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳисобланади. Чунки, оиланинг маънавий-ахлоқий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш замирида жамиятнинг маънавий такомиллигига эришилади. Оилада маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган турли хил зарарли таъсирларга қарши туриш оиланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада оширади.Унинг асосий манбалари қуйидагилардан иборатдир:
– Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари меросида баён этилган оила борасидаги қарашлари;
– халқ оғзаки ижоди намуналари;
– миллий ва умуминсоний моддий ва маънавий қадриятлар;
– оила маънавиятини такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон,қарор ва фармойишлари,Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари, мутахассис- олимларнинг илмий-методик асарлари ва б.қ.);
– адабиёт ва санъат асарлари;
– ОАВ материаллари,телерадио кўрсатув ва эшиттиришлари;
– ҳаётий илғор халқаро ва миллий тажриба.

Мазкур манбалар асосида замонавий оиланинг қўйидаги маънавий-ахлоқий мезонлари такомиллаштирилади: оиланинг муқаддаслиги, оилавий-ҳуқуқий маданият, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари, рўзғоршунослик сирлари, оила гигиенаси, репродуктив саломатлик ва жинсий тарбия асослари, соғлом турмуш тарзи (кийиниш, овқатланиш, шахсий гигиена, жисмоний саломатликни сақлаш) қоидаларига амал қилиш, кундалик ҳаёт тартиб-қоидаларига риоя этиш, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиш, камтарлик, сабр-тоқатлилик, саранжом-саришталилик, орасталилик, сермулоҳазалилик, одоб доирасида сўзлаш, турли ноахлоқий иллатлардан холис бўлиш, эътиқодлилик, онгли интизом, миллий ифтихор туйғусига эга бўлиш, юриш-туриш, ҳатти-ҳаракат қоидаларига, миллий оилавий қадриятларга муҳаббат, рўғоршунослик маданиятига амал қилиш, катталарга иззатда ва кичикларга нисбатан эътиборда бўлиш, адабиёт ва санъатга муҳаббатни намоён этиш, турли миллат урф-одатлари, анъаналари, тили, дини ва маданиятига ҳурмат, бағрикенглик, меҳнат маданияти,соғлом маънавий муҳит тартиб-қоидалари, кийиниш маданияти, мулоқот маданияти, замонавий уй бекалари ахлоқ-одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, ота-оналикнинг ижтимоий-маънавий жиҳатлари, эрта турмуш, эрта туғриқ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, ажримлар, оилада низо, зиддият, зўравонлик ва тазйиқларнинг сабаблари ва зарарли оқибатлари, фарзанд тарбияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, етимлик, шарий никоҳ кабиларнинг салбий оқибатлари ва б.қ.

Демак, маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсади шахснинг инсоният томонидан қабул қилинган умуминсоний ва миллий ахлоқ-одоб қоидаларини замонавий маънавий мезонлар билан уйғун ҳолда кундалик ҳаётда, амалий фаолиятда яхлит тарзда ўз ҳатти-ҳаракати, хулқ-атвори орқали онгли равишда намоён этиш демакдир.

Мазкур мезонлар маънавий муҳити соғлом ёки носоғлом; тинч ёки нотинч; тўлиқ ёки нотўлиқ; эҳтиёжманд; кам таъминланган, боқувчисини йўқотган; турли миллатли, диний эътиқодли, ижтимоий мавқега эга; зиёли, ишчи-тадбиркорлар ва бошқа тоифа оилаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилади. Албатта бу ўринда ота-оналар,маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилар ва бошқа мутасаддиларнинг ташкилотчилик компетентлиги муҳим роль ўйнайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамкорликда оилаларда ташкил этиладиган маънавий-маърифий ишларни якка, груҳли, жамоавий, оммавий шаклда ташкил этиш, ёшлар, ота-она, тарбиячи-ўқитувчи, жамоатчиликнинг ижтимоий эҳтиёжи, талаблари, таълим муассасаси характери, минтақа ҳамда ҳудуднинг маънавий-маданий манфаатлари, географик жойлашуви ҳамда демографик вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса

Шундай қилиб, замонавий оила ва унинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштиришда иннов**аци**он тарбия технологиялардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.Жумладан,мультимедиа ресурслари, ўқув ва бадиий адабиётлар, электрон ахборот-коммуникация технологиялари, махсус телерадио рукунлари ва репортажлар, ижтимоий лойиҳалар, илмий-оммабоп, бадиий ва мультипликациявий ва ҳужжатли фильмлар, электрон таълим ресурслари, маъсус интерактив веб лойиҳалар, аудивизуал ва бошқа воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бериши муқаррар.

Замонавий оилани шакллантириш самарадорлигини таъминлашда фойдаланиладиган тарбия методларининг ранг-баранглиги муҳим роль ўйнайди.Олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг мақсади, мазмуни, тематикаси ва характерига кўра савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш, ҳикоя, давра суҳбати, мунозара, кластер, ақлий ҳужум ва бошқа методлардан фойдаланиш ижобий самаралар беради.

Жумладан, жамоатчилик фикрини ўрганиш, таълим-тарбия натижаларини мониторинг қилиш, унинг мазмунини такомиллаштириш, иш шакл ва методларини тўғри танлашда муҳим рол ўйнайди. Бунинг ўрганишнинг методологик асосини аниқлаш; мазмунини ва тамойилларини белгилаш; самарали методларни танлаш; таҳлил этиш, хулоса чиқариш, тавсиялар бериш йўлларини аниқ белгилаб олмоқ лозим.

Замонавий оилани ривожлантириш, оилада ички муносабатлар, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, уларнинг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби устувор масалалар бўйича муҳим натижаларга эришилади.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 18 февралдаги** "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янда қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5938-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 февралда қабул қилинган "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни.
3. Мусурманова О. Оила жамият таянчи: Монография /О.Мусурманова.-Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2019.-252 б.
4. Фазилатли авлод. Узлуксиз маънавий тарбия трилогияси. 3-қисм. [Матн]: 7-18 ёшли болаларни маънавий тарбиялаш бўйича қўлланма. /Тузувчи муаллифлар: А.Қодиров, М.Қуронов, О.Мусурманова ва бошқалар.-Тошкент: Muharrir nashriyoti. 20019.-256 б. (2020 йил,январь)
5. Мусурманова А. The scientific and pedagogic foundation of training social activeness of youth. Fledu. pdf. "Ўзбекистонда хорижий тиллар" илмий-методик электрон журнал. Тошкент, 2017 йил, № 3. 168-172 P.

6. Мусурманова А.Family reading as a factor of spiritual and moral development of the child The Way of Science. International scientific journal (ISSN 2311-2158) 2018. № 1 (47). 70-72 P.
7. Мусурманова А.Improving Mechanisms of interaction between Family institutions and Educational institutions in Devejoping Spirital Culture of Alolescents at Social and Right Risk Groups Eastern European scientifik journal (ISSN 2199-7977) Ausgabe 2-2018.62-67 P.
8. Мусурманова А. Improvement of the pedagogical mechanisms of the family and educational institutions in the development of the spiritual cultute of adolescents of social and legal risk groups. "Проблемы педагогики" научно-методический журнал. № 1(33) февраль Москва-2018 г. 5-7 P.

**АБУРАҲИМОВА ФАРИДА ЮЛДАШЕВНА**
*педагогика фанлар номзоди, доцент*

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Аннотация: Муаллиф жамиятимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ва эркакларнинг тенг меҳнат қилиш шароитларига эга бўлишига доир долзарб масалаларга эътибор қаратади. Аёлларни раҳбарлик лавозимларга тайёрлаш, тавсия этиш ва тайинлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ташқи ва ички миграцияда хотин-қизлар муаммоларига эътиборни кучайтириш зарурлиги асосланади. Шунингдек, аёлларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишнинг ҳучуқий асосларини шакллантириш юзасидан тавсиялар баён этилган.*

*Калит сўзлар: гендер тенглиги, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, аёллар фаоллиги, хотин-қизлар ва раҳбарлик лавозимлари, кадрлар захираси, ташқи ва ички миграция, тазйиқ ва зўравонликлар, ҳуқуқий асослар.*

*Аннотация: Автор акцентирует внимание на актуальных вопросах обеспечения гендерного равенства в нашем обществе, равных условий труда для женщин и мужчин. Обоснуется необходимость подготовки, рекомендации и назначения женщин на руководящие должности, повышения их роли в обществе и уделения большего внимания проблемам женщин во внешней и внутренней миграции. Также даны рекомендации по формированию правовой базы для защиты женщин от различных форм притеснения и насилия.*

*Ключевые слова: гендерское равенство, социально-политическая жизнь, активность женщин, женщины и руководящие должности, кадровиый запас, внешняя и внутреняя миграция, притеснения и насилия.*

*Annotation: The author focuses on topical issues of ensuring gender equality in our society, equal working conditions for women and men. The necessity of training, recommending and appointing women to leadership positions, increasing their role in society and paying more attention to the problems of women in external and internal migration will be substantiated. Also, recommendations were given on the formation of a legal framework for the protection of women from various forms of oppression and violence.*

*Key words: gender equality, socio-political life, women's activity, women and leadership positions, human resources, external and internal migration, oppression and violence.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида жамиятимизнинг турли соҳаларида эришилган муҳим ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар ҳусусида тўхталиб, жумладан, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилаётганини алоҳида такидлади.

Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг муҳим негизидир. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бу борадаги ишларни халқаро андозалар асосида ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. 2020 йилда инсоният бошига тушган мисли кўрилмаган, айниқса COVID-19 синовлари, кўпгина муаммолар қаторида дунёда оилавий зўравонлик масалаларини ўткирлаштириб, уни энг долзарб муаммолар қаторига чиқарди.

Маълумотларга кўра, сўнги йил мобайнида жаҳон миқёсида уй шароитида зўравончилик ҳолатлари 40-50 фоизга кўпайган. Бундай вазиятда эса хотин-қизлар энг заиф бўғинга айланадилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда мутасадди тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Олий Мажлис Сенатиниг Хотин-қизлар ва Гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан тегишли вазирликлар билан биргаликда тезкор чоралар кўрилди. Хусусан, зўравонликдан жабр чеккан аёллар учун ишонч телефони (1146 рақами), махсус телеграмм канали ташкил этилди. Улар орқали ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда, зўравонликдан азият чекканларга «Ҳимоя ордерлари» расмийлаштирилмоқда. Қонунга биноан, жорий этилган «Ҳимоя ордери» хотин-қизларга берилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий-манфаатлари меҳнат муносабатларида ҳам ҳимоя қилинмоқда. Жумладан «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат органларида гендер тенгликни таъминлаш бўйича маслахат кенгашлари фаолият олиб бормоқда.

Меҳнат жамоаси раҳбарининг ижтимоий масалаларга маъсул ўринбосари ушбу кенгашни бошқаради. Кенгашнинг асосий вазифаси барча бўлимлар, ҳудудий тузилмалар юқоридан пастига қадар аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаб беришдан иборат. Ойлик иш ҳақларини белгилаш, лавозимларга тавсия қилишда аёллар ва эркакларга тенг қараш, ҳар бир корхона ва ташкилотда тайёрланадиган резерв кадрлар базасига хотин – қизларнинг ҳам номзодларини киритиб, уларни хизмат вазифасида раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш каби масалаларини тизимли таҳлил этиб боради, хулосалар беради. Айни чоғда жойларда хотин – қизлар учун яратилган шарт – шароитларни ҳам ўрганади. Булар, албатта ибратли ўзгаришлар. Бу борада хайрли ишларни изчил давом эттириш, хусусан, жамиятимизда кўп муҳокама қилинаётган долзарб мавзу – гендер тенгсизлик масаласининг оқилона ечимини топиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Аслида гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги инсонни асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, фақат эркаклардар иборат жамоага нисбатан 50/50 фоиз эркак ва аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқса, агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча бор юқорироқ натижа кўрсатади. Қолаверса, гендер тенглик мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Демак, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, юртимизда тобора кўпроқ инвестициялар жалб қилиш учун ҳам шу индекаторга етарлича эътибор берилиши керак.

Бу борада доимий, кўламдор ва салмоқли натижаларга эришиш учун ҳужжат, оддий тил билан айтганда дастуруламал керак. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда айнан шу ҳужжат 2020-2030 йилларга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ушбу тарихий ҳужжат Конституция, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари қоторида қонунчилик, демократия, очиқчилик ва ошкоралик принциплари белгиланган, Ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатий назар, хотин-қизлар ва эркакларинг ҳақиқий тенглигини таъминлашга қаратилган.

Таъкидлаш жойизки, бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат тизимларида, шу жумладан, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1500 нафардан ортиқ

хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайинлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик, 6 нафар аёл хокимлик лавозимини эгаллади. Турли даражадаги давлат мукофати совриндори бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл «Мўтабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланди. 400 нафарга яқин 35 ёшгача бўлган қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар, сони БТМ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Юртимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча кафолатлар берилди. Биринчи марта Олий Мажлис Сенати раиси лавозимида аёл киши фаолият кўрсатмоқда.

Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидаги хотин-қизлар улушида деярли тўлиқ гендер тенглик таъминланган бўлиб, 2019 йилда кўрсаткичлар 49,5 фоизга етди.

Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Шу билан бирга, стратегияда таъкидлаб ўтилганидек, БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинган. Бу йўналишдаги навбатдаги мақсад гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқий имкониятларини кенгайтиришдир.

Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Ушбу вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъулдир.

Хотин – қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтиришга таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтиришни таъминлаш лозим. Улар ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга етарли даражада жалб этилмаяпти. Биргина суд-ҳуқуқ тизимидаги хотин-қизлар иштирокига эътибор қаратсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами ишлаб турган 1 минг 206 нафар судьядан 1 минг 50 нафари эркак бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафарни, яьни 12,9 фоизни ташкил қилади. Олий судда фаолият юритаётган жами 62 нафар судьядан 15 нафари аёлдир. Бу рақам 24,2 фоизга тенг.

Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолаш, лавозимда ўсиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонлари мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятда шаклланган салбий қарашлар эса уларнинг сиёсий жараёнларда ўз ғояларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда. Аксарият ҳолларда хотин-қизларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган ва ҳақ тўланмайдиган уй хўжалиги ишлари юклатилмоқда.

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари ва унинг хотин – қизлар ва эркакларга таъсири бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Мазкур соҳада аҳоли учун яратилган имкониятлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғибот – ташвиқот ишлари талаб даражасида ташкил қилинмаяпти.

Гендер тенглик аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият қадрият ва натижалардир. Гендер тенглик фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан, у эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Гендер тенглик аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганини кўрсатади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тадбирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида (CEDAW) ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун шулар жумласидан. Аёллар учун кўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар эса хотин-қизларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини кенгайтириш, жамиятда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ватанимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида қуйидаги таклифларни тавсия этишни жоиз деб билдик:

1. Республикамиз аҳолиси айниқса,хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида Республика маънавий ва маърифий маркази хузуридаги «Маърифат» тарғиботчилари жамияти ҳамда 2019 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар бўйича қўмита қошида ташкил этилган Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги «Хотин-қизларга нисбатан тайзиқ ва зўравонликни олдини олиш тўғрисида»ги қонунларни айнан зўравонликларга дуч келаётган ёки дуч келиш эҳтимоли бўлган хотин-қизлар ўртасида тушунарли, содда ва мисоллари ёрдамида кенг тушунтириш. Айниқса охирги 3-4 йил ичида хотин-қизлар, оила оналик ва болаликни қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 24 та қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу мавзуда кичик буклетчалар тайёрлаб, муаммоли оилаларга тарқатиш мақсадга мувофиқ.

3. Қонун ҳамда Низомга биноан Гендер тенглиги бўйича барча корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида ташкил этилган «Маслаҳат кенгашлари» ишини «қоғоздан амалиётга» тамойили бўйича фаоллаштириш зарур. Оилавий зўравонликкка учраган хотин-қизларга тажрибали психологларни, ҳуқуқшуносларни, оилашунос олимларни, тарғиботчиларни, хожи она, хожи оталарни, отинойиларни ва имом-хатибларни бириктириш зарур.

5. Аҳоли ўртасида «Ҳимоя ордери» тарғиботчи ишларини янада фаоллаштириш. Бу ишларга маҳалла фаолларини, тарғиботчи гуруҳ аъзоларини ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларини ҳам кенг жалб этиш, ОАВда, жумладан телевидение орқали таъсирчан роликлар тайёрлаб, эфирга узатиш мақсадга мувофиқдир.

6. Тайзиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам берувчи Республикамиз марказларининг моддий таъминотини яхшилаш ва ходимлари малакасини ошириш ҳам бугунги кун талабидир.

**АЛИМЖАНОВА ДИЛБАР МАГРИБЖАНОВНА**
*"Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институтининг*
*Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи*

**КУЛДАШЕВА ГУЛБАҲОР ДАВЛЯТОВНА**
*Тошкент тиббиёт академияси,*
*психология фанлари номзоди*

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** *мақолада келажак авлод тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни ҳақида фикр юритилади. Унда фарзанд тарбиясида биринчи навбатда оиланинг роли, сўнг мактабдаги ўқитувчиларнинг фаолияти ҳамда ёшларнинг тарбиясига таъсир этувчи омиллар кўрсатиб берилган.*
**Калит сўзлар:** *оила, тарбия, маҳалла, ҳамкорлик, мерос, қадрият, авлод, масъулият.*

**Аннотация**: *в статье рассматривается роль семьи, махалли и образовательных учреждений в воспитании подрастающего поколения. В ней в первую очередь раскрывается роль семьи в воспитании детей, затем деятельность учителей в школе и факторы, влияющие на воспитание молодежи.*
**Ключевые слова:** *семья, воспитание, махалля, сотрудничество, наследие, ценности, поколение, ответственность.*

**Annotation:** *the article examines the role of the family, makhalla and educational institutions in the upbringing of the younger generation. In it, in the upbringing of children, first of all, the role of the family is revealed, then the activities of teachers at school and the factors influencing the upbringing of young people.*
**Key words:** *family, education, makhalla, cooperation, heritage, values, generation, responsibility.*

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳар қандай замон ва маконларда, ҳар қандай жамият учун ҳам энг устувор вазифалардан бири бўлиб келган.

Айниқса, бугунги шиддатли глобаллашув даврида халқимизнинг тарбия борасидаги ўзига хос миллий қадриятларга асосланган азалий анъаналари менталитетимизга зид бўлган ғоя ва қарашлар соясида қолиб кетаётгани ташвишланарли ҳолдир.

Шу боис ҳам, аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимизда кейинги вақтларда ёшларга оид давлат сиёсати изчил ва тизимли равишда давом эттирилмоқда. Хусусан, фарзандларимизнинг орзу-умидлари, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида давлатимиз томонидан барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар, имконият ва имтиёзлар яратилиб, бугунги янгиланишлар жараёнида уларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқишларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу маънода, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан сўнг биринчи бўлиб имзолаган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунда ҳам ёш авлоднинг муносиб тарбияланиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, юртимизнинг келгуси тараққиётида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан бешта муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши, 30 июнь санасини мамлакатда "Ёшлар куни" деб эълон қилиниши, ўтган уч йилнинг ўзида ёшларга оид 50 дан ортиқ Қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилингани, Сенатда ва Қонунчилик палатасида "Ёшлар парламентлари" фаолиятининг йўлга қўйилиши, Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилгани ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаб келмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг жадал тараққий этиши, барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришиши, халқининг фаровон бўлиши ёшларга яратиб бериладиган имконият ва қулайликлар билан

чамбарчас боғлиқ. Яъни, мамлакат тараққиётига киритиладиган энг юқори самарали инвестиция бу – ёшлар таълим-тарбиясига тикилган инвестиция экани тарих исботлаган ҳақиқатдир.

Шу маънода, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессансга дадил қадам қўйиши замонавий инновацион билимларни эгаллаган, ҳар томонлама етук ва баркамол, инсон капитали соҳиби бўлган ёш авлоднинг эртанги кучли интеллектуал салоҳияти, иқтидори ва қобилиятига боғлиқ. Бинобарин, тадқиқотларга кўра, шахснинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция келгусида 19-22 баробар кўп фойда берар экан.

Шу боис ҳам, бугун замон талабига мос, ислоҳотлар шиддатига жавоб бера оладиган, ватанпарвар, фидойи ёшларни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрь куни Парламентга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, эндиликда мамлакатимизда бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, фарзандларимизга боғча, мактаб ва олий ўқув юртида сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш зарур. Шунингдек, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буюк маърифатпарвар боболаримиз Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар таъкидлашганидек, тарбия, аввало, оиладан бошланади. Дарҳақиқат, ҳар томонлама етук, баркамол ва комил шахсни тарбиялашда оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Тарбиянинг асосий ўчоғи ҳисобланган оила миллат давомийлигини сақлаш, миллий қадриятлар ривожини таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб, уни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялайдиган муқаддас маскандир. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муҳит соғлом қарор топган оилада боланинг онги яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, одамийлик, ор-номус, ғурур, самимият, тўғрисўзлик каби фазилатлар билан тўлиб, жамиятга керакли инсон сифатида вояга етади.

Албатта, ёшлар тарбиясида азалий қадриятларимиздан бири ҳисобланган маҳалла институтининг аҳамияти ҳам катта. “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” қабилидаги қадимий мақоллардан ҳам билиш мумкинки, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар айнан маҳалла муҳитида ривожланган. Бу омиллар, ўз навбатида, ёш авлоднинг онгу тафаккурини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Демак, фарзанд таълим-тарбиясида маҳалланинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Бинобарин, халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатини янада самарали амалга ошириш, ўсиб келаётган фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган етук шахслар сифатида шакллантириш, айниқса ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ғоят муҳимдир.

Маҳалла – жамоатчи-тарбиячи сифатида ҳам ёшлар тарбиясида ушбу педагогик жараёнга хос барча сифатларга эга бўлган масканлардан бири. Бугунги кунда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” жамоатчилик тузилмаси орқали шаклланаётган янгича дунёқараш билан ўсиб келаётган ёшларда ўз Ватанига садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга бўлган муҳаббат, ўз оиласи ва яқинларига меҳрибонлик, танлаган йўли, касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Зеро, маҳалла, энг аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри мавжуд бўлиб, у аҳолининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат, бағрикенглик, инсонпарварлик каби маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳаллаларда фуқароларнинг ҳаётий тажрибаси, кенг жамоатчиликнинг сайъ-ҳаракатлари билан ёшлар ўртасида мафкуравий -тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятларни эъзозлаш, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларнинг камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс.

Шулардан келиб чиқиб, айни даврда ёш авлод таълим-тарбиясида умуминсоний, миллий, маънавий қадриятлар устуворлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маънавий меросни сингдириш ҳамда асрлар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия бериш демакдир. Ота-боболаримиз фарзандларига илм ўргатиш баробарида, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий, маънавий, ахлоқий қадриятларни ҳам улар онгига сингдириб боришган.

Бугунги таълим-тарбия масалаларида халқимизда ўзлигини англаш, миллийлик ва миллий қадриятларга содиқликни сақлашнинг психологик асосларини тадқиқот қилиш муҳимдир. Бунинг учун, аввало, “психологик таъсир” орқали кишиларда юқорида санаб ўтилган фазилатлар шаклланишининг моҳиятига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Кишилик жамиятининг ҳамма даврларида ҳам бола тарбияси, баркамол авлод орзусига энг долзарб масала сифатида қаралган. Хусусан, педагогика тарихининг гувоҳлик беришича, бу даврга келиб, нисбатан тўқ оилалар ўз фарзандларини ўқитиш, муносиб тарбиялаш масаласига анча жиддий ёндаша бошлаганлар. Яъни, болаларини тарбиялаш ва ўқитиш учун махсус тарбиячи-педагогларни ёллаганлар.

Тараққиётнинг маълум босқичларида таълим ва тарбиянинг ижтимоийлашиб бориши натижасида болаларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган алоҳида муассасалар, яъни мактаблар шакллана бошлаган.

Ана шу даврлардан бошлаб таълим-тарбия масаласининг асосий юки мактабларнинг зиммасига туша бошлаган. Тараққиётнинг тезлашуви натижасида дастлаб Ғарб давлатларида, сўнгра эса, дунёнинг бошқа ҳудудларида хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнатга кенг жалб этилиши натижасида бола тарбияси кўпроқ таълим-тарбия муассасаларининг зиммасига ўта бошлади. Натижада, муайян даврларга келиб, таълим-тарбия масаласига фақат мактабнинг иши сифатида қарала бошланди. Айрим оилаларда ижтимоий меҳнат билан доимий банд бўлиб қолган ота-оналар ўз болаларининг таълим-тарбияси учун мутлақо вақт ажрата олмайдиган даражага етдилар. Оила билан мактаб ўртасидаги алоқалар тобора заифлаша борди. Оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик иплари ингичкалаша борди, ҳатто узилди.

Демак, олдимизда интеллектуал бой, маънавий ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини тўғри ва самарали йўлга қўйишдек жиддий муаммо турибди.

Бу ўринда, биринчи навбатда, педагог-психологлар оилаларга, айниқса, таълим-тарбия фақат мактабнинг иши, деган тор тушунчага эга оилаларгача кириб боришимиз ва ота-онанларни ҳамкорликда ишлашга чорлашлари лозим.

Иккинчидан, кейинги пайтларда ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби ёт ва бузғунчи ғояларни Интернет орқали ёшлар онгига сингдиришга уриниш кучайиб бормоқда. Йигит-қизларимизни уларнинг таъсиридан асраш учун маҳаллаларда бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни атрофлича таҳлил қила оладиган мутахассисларни жалб этган ҳолда ўқув машғулотлари ташкил этиб бориш керак.

Учинчидан, маҳалладаги маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштириш ва такомиллаштириш ишларига жиддий ёндашиш фойдадан холи эмас. Шу йўл билан нотинч оилалардаги ҳолатни яхшилаш, фарзандлар тарбиясида кўзга ташланаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

Тўртинчидан, дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар муаммоларини ўрганишга қаратилган ижтимоий тадқиқотлар, сўровлар ўтказиб боришни тизимли йўлга қўйиб олиш зарур. Тадқиқот якунлари бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унда ёшларнинг муаммоларини ечишга, орзуларини амалга оширишга, бандлигини таъминлашга, бўш вақтини тўғри ташкил этишга қаратилган вазифалар қамраб олиниши лозим.

Бешинчидан, маҳаллаларда, таълим муассасаларида ибратли хонадон вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги учрашув ва давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб туриш зарур. Ушбу тадбирлар қанчалик кўпайса, кўзланган мақсадларга тезроқ етиш имконияти шунчалик ортади.

Хулоса ўрнида айтганда, ёшлар таълим-тарбияга жиддий эътибор қаратмасак, эртага кеч бўлиши, тузатиб бўлмас даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, таниқли маърифатпарвар Абдулла

Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари орадан бир аср ўтиб ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини унутмаслик лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Адилходжаева С. Благополучие махалли - залог стабильности государства // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Тошкент, 2003. - №3. - Б.107-108.
2. https://strategy.uz/



**ОЙНИСА МУСУРМОНОВА**
*The Deputy Director of the Research Institute “Mahalla and Family” under the Ministry of Mahalla and Family Support of the Republic of Uzbekistan, DS., Professor*


## THE MODERN FAMILY AND ITS SPIRITUAL AND MORAL FOUNDATIONS


**Annotation:** *the article reflects the scientific and theoretical views on the modern family and its peculiarities, its priorities, components of the competence of modern Uzbek family members, principles, sources, effective forms and methods, adverse effects and their consequences, as well as, conclusions and recommendations for improvement have been developed.*



**Key words:** *modern family, factors, priorities, spiritual and moral foundations, modern family model, competence of family members, spiritual and moral values, spiritual environment, principles, priorities, resources, spiritual and moral criteria, innovative educational technologies.*



**Аннотация**: *мақолада замонавий оилага, унинг хусусиятлари, устувор йўналишлари, таркиби, тамойиллари, манбалари, фаолиятининг самарали шакл ва методлари, бугунги ўзбек оиласи аъзоларининг компетенциялари оид илми-назарий қарашлар ўз аксини топган ҳамда оилага кўрсатиладиган салбий таъсирларнинг олдини олиш, оила фаровонлиги таъминлаш юзасидан тавсиялар берилган.*



**Калит сўзлар:** *замонавий оила, омиллар, устуворликлар, маънавий-ахлоқий асослар, оиланинг замонавий модели, оила аъзолари компетенцияси, маънавий-ахлоқий қадриятлар, маънавий муҳит, принциплар, ресурслар, маънавий-ахлоқий мезонлар, инновацион таълим технологиялари.*



**Аннотация**: *в статье отражены научно-теоретические взгляды на современную семью и ее особенности, ее приоритеты, компоненты компетенции современных узбекских членов семьи, принципы, источники, эффективные формы и методы, неблагоприятные воздействия и их последствия, а также выводы и разработаны рекомендации по улучшению.*



**Ключевые слова:** *современная семья, факторы, приоритеты, духовно-нравственные основы, современная модель семьи, компетентность членов семьи, духовно-нравственные ценности, духовная среда, принципы, приоритеты, ресурсы, духовно-нравственные критерии, инновационные образовательные технологии.*


The family is the foundation of society, the key castle of human happiness. Therefore, today the strengthening of the family in our country has become one of the priorities of state policy. Its social and spiritual harmony is the basis of the welfare of the state and society. Indeed, the well-being and prosperity of society and the state depend on the modernity of families and the strength of its spiritual and moral foundation. Therefore, in the context of radical reforms in our country, special attention is paid to the legal, socio-economic and spiritual protection of family interests.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 18, 2020 No PF-5938 «On measures to improve the socio-spiritual environment in society, further support the institution of the

community and bring the system of work with families and women to a new level» its socio-economic and spiritual foundations serve as a methodological basis for increasing efficiency.

The main goal of improving the institution of the family in our country is to build a modern family. What kind of family is a modern family? First of all, it is necessary to find an answer to this question.

In our view, a family is a modern family that fully reflects the components of competence, contributes to the development of the state and society with its peace, prosperity and stability on the basis of universal and national spiritual and moral values, modern best practices, happiness index requirements.

A family is a modern family, which is formed in accordance with the requirements of the society in which it is built.

Today, the modern family must meet the following principles: building a family on the basis of mutual love, biological compatibility; reproductive and sexual maturity; dedication, initiative and creativity for the economic and social well-being, stability of the family and society; commitment to national family values; have the skills and abilities to create a healthy spiritual environment; adherence to the criteria of communicative competence; have a family business culture; «Protect your child, your home, your homeland like the apple of your eye!» devotion to the motto; To be vaccinated with the «honesty vaccine» and to adhere to the idea of «anti-ignorance-enlightenment»; family, hard work; adherence to international, interethnic harmony.

Researches also shows that the modern family has a unique pattern, and it is natural that it should be multifaceted and comprehensive in form and content. The rapid beginning of the «Third Renaissance» in Uzbekistan is the basis for the rapid formation of modern families. Of course, it has its own specific template, which includes the following priorities in the content:

– The family is under the protection of society and the state, its legal basis;
– economic well-being of the family;
– social stability of the family;
– moral and spiritual formation of the family;
– being complete family;
– educationally satisfactory level of the family;
– Demographic stability of the family;
– Spiritual and physical health of the family.

Prospective brides and grooms need to prepare for modern family life on the basis of these priorities. The youth in building a modern family based on such conceptual ideas as «Healthy family - healthy society», «Family - society and state protection», «Prosperous family - the basis of a prosperous society», «Family - the hearth of spirituality», «Family - the mirror of society» knowledge of the priorities of the components, the gradual formation of skills in the age. Therefore, in order to prevent conflicts, contradictions, pressure, unrest and divorces in the mahallas of the Republic, Commissions for strengthening family values are functioning.

The rapid beginning of the «Third Renaissance» in Uzbekistan is the basis for the rapid formation of modern families. In this process, the peoples of the world are increasingly interested in the Uzbek family, and the Uzbek people are interested in learning from the experience of the families of the peoples of the world.

Indeed, the attitudes and behaviors of different nations and peoples around the world towards marriage and its strengthening vary, and they can have their positive or negative impact on the families of other nations.

At the same time, there is a possibility that some of the cases in which their family life has become normal will have a negative impact on the formation of our modern families, which can be categorized as follows:

– the superficiality of the relationship to the fact that the family is a sacred fortress;
– extreme freedom in relationships between boys and girls, marriage, family life, divorce, non-reliance on parental opinion;
– not to consider marriage as a high value (most families live on the basis of civil or sharia marriage);
– starting of sexual intercourse very early in adolescence;
– lack of commitment of young girls to virginity;
– open access to free sexual relations and special conditions for them;
– the emergence of the habit of comparative imitation of the traditions of other peoples, nations, not in terms of national values in relation to marriage;

– independent decision-making by the couple without mutual consent in making a decision on this or that issue;
– a sharp departure from oriental morality in the performance of duties and responsibilities of dress, parenting, lifestyle, childbearing, kinship;
– each person in the family lives an individual life for himself;
– neglect of same-sex marriage;
– impairment of the spiritual and moral foundations of families;
– group sex;
– marrying young people unprepared for family life, etc.

Indeed, the main criterion for building a modern family free from such negative influences is that it is built on a spiritual and moral foundation. Only research and life experience show that he/she can be strong and happy.

The spiritual and moral foundations of the modern family are universal and national values. Because, on the basis of further development of the spiritual and moral foundations of the family, preservation and strengthening of its ancient values, the spiritual perfection of society is achieved. The establishment of a broad spiritual environment in the family, resistance to various harmful influences that are completely alien to our national mentality, further enhances the role and importance of the family in society. Its main sources are:
– views on the family in the legacy of Eastern and Western great scientists;
– samples of folklore;
– national and universal material and spiritual values;
– legal and normative documents on improving the spirituality of the family (laws adopted by the Oliy Majlis, ratified international legal acts, decrees, resolutions and orders of the President of the Republic of Uzbekistan, resolutions of the Cabinet of Ministers, normative acts of ministries and departments, scientific and methodological works, etc.);
– works of literature and art;
– media materials, TV and radio programs and broadcasts;
– advanced international and national life experience.

Based on these sources, the following spiritual and moral criteria of the modern family will be improved: family sanctity, family law culture, family life psychology, family economy and budget, strengthening spiritual and moral values, household secrets, family hygiene, reproductive health and sexual education, health follow the rules of lifestyle (dress, diet, personal hygiene, physical health), to follow the rules of daily life, to behave in any situation, to be humble, patient, tidy, moderate, polite, to speak in a polite manner, to be free from various immoralities, to have faith, conscious discipline, a sense of national pride, behavior, love of rules of conduct, love of national family values, adherence to the culture of home economics, respect for adults and respect for children, love for literature and art, respect for different national customs, traditions, language, religion and culture, tolerance, work culture, healthy spiritual environment, dress code, communication culture, modern home rules of morality of ladies, strengthening of spiritual and moral values, socio-spiritual aspects of parenting, early marriage, early childbirth, divorces, causes and harmful consequences of family conflict, violence and oppression, child rearing and its peculiarities, negative consequences of orphan hood, sharia marriage, so.on.

Thus, the purpose of spiritual and moral education is to consciously demonstrate the universal and national moral values of the individual in everyday life, in practical activities, in accordance with modern spiritual criteria, through their actions and behavior.

These criteria include whether the spiritual environment is healthy or unhealthy; calm or restless; complete or incomplete; needy; low-income, lost breadwinner; have different nationalities, religious beliefs, social status; educated, working-class and other categories of families will be improved based on their specific characteristics. Of course, the organizational competence of parents, neighborhood citizens' assembly officials and other officials plays an important role in it.

Taking into account the above, the organization of spiritual and educational work in families individually, in groups, collectively, in public, youth, parents, educators, social needs, requirements of society, the nature of the educational institution, the spiritual and cultural interests of the region, taking into account the geographical location as well as the demographic situation.

## Conclusion

Thus, the widespread use of innovative educational technologies in improving the modern family and its spiritual and moral foundations is suitable. Including the use of multimedia resources, educational and fiction, electronic information and communication technologies, special TV and radio columns and reports, social projects, popular science, art and cartoons and documentaries, e-learning resources, special interactive web projects, audiovisual and other tools it will be beneficial to the prosperity.

The diversity of parenting methods used plays an important role in ensuring the effectiveness of modern family formation. The use of question and answer, small group work, storytelling, roundtables, discussion, cluster, brainstorming and other methods, depending on the purpose, content, theme and nature of the spiritual and educational work, gives positive results.

In particular, it plays an important role in the study of public opinion, monitoring the results of education, improving its content, the correct choice of forms and methods of work. Determining the methodological basis of this study; defining the content and principles; selection of effective methods; it is necessary to clearly define the ways of analysis, conclusions, recommendations.

Significant results will be achieved on priority issues such as the development of the modern family, internal relations in the family, interpersonal relationships, rich cultural heritage and traditional family values, conducting fundamental, applied and innovative research, strengthening their spiritual and moral foundations, preparing young people for family life.

## The list of used literature:


1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 18, 2020 No PF-5938 «On measures to improve the socio-spiritual environment in society, further support the institution of the community and bring the system of work with families and women to a new level.»
2. Law of the Republic of Uzbekistan «On protection of reproductive health of citizens», adopted on February 28, 2019.
3. Musurmanova O. Family is the basis of society: Monograph /O.Musurmanova.-Tashkent: Youth Publishing House, 2019.-252 p.
4. Virtuous generation. Trilogy of continuous spiritual education. Section 3. [Text]: A guide to the spiritual upbringing of children aged 7-18. / Authors: A.Kadirov, M.Quronov, O.Musurmanova and others.-Tashkent: Muharrir Publishing House. 20019.-256 p. (January 2020)
5. Musurmanova A. The scientific and pedagogical foundation of training social activeness of youth. Fledu.pdf. Scientific-methodical electronic journal «Foreign languages in Uzbekistan». Tashkent, 2017, № 3. 168-172 R.
6. Мусурманова A.Family reading as a factor of spiritual and moral development of the child The Way of Science. International scientific journal (ISSN 2311-2158) 2018. № 1 (47). 70-72 P.
7. Мусурманова A.Improving Mechanisms of interaction between Family institutions and Educational institutions in Developing Spiritual Culture of Adolescents at Social and Right Risk Groups Eastern European scientific journal (ISSN 2199-7977) Ausgabe 2-2018.62-67 P.
8. Musurmanova A. Improvement of the pedagogical mechanisms of the family and educational institutions in the development of the spiritual culture of adolescents of social and legal risk groups. «Problems of pedagogy» scientific-methodical magazine. № 1 (33) February Moscow-2018 5-7 R.

**МОҲИРА ХОЛИҚОВА,**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, фалсафа доктори, доцент*

# ОИЛА МЕДИАЦИЯСИНИНГ ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИДА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация:** *ушбу мақола ижтимоий низоларни самарали ҳал қилишнинг медиатив усулларининг Ғарб мамлакатларида ривожланиш тенденциялари ва медиацияни оилавий низоларга татбиқ этишнинг аҳамиятига бағишланган.*
**Калит сўзлар:** *медиация, оила, шахс, маънавий муҳит, оилавий низолар, превенция.*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются тенденции развития методов медиации для эффективного разрешения социальных конфликтов в западных странах и важность применения медиации в семейных конфликтах.*
**Ключевые слова:** *медиация, семья, личность, духовная среда, семейные конфликты, профилактика.*

**Annotation:** *the article discusses trends in the development of mediation methods for the effective resolution of social conflicts in Western countries and the importance of using mediation in family conflicts.*
**Key words:** *mediation, family, personality, spiritual environment, family conflicts, prevention.*

*Медиация – низоларнинг олдини олиш, бошқариш ва ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири.*

**Пан Ги Мун**

*Оила – ҳар қандай тамаддуннинг бош бўғини.*

**Рабиндранат Тагор**

*Фарзандларингизга таълим беринг, чунки улар сизники бўлмаган вақт учун туғилганлар.*

**Ҳадис**

Ер юзида низолар бор экан, яраштирув институтлари ҳам мавжуд бўлган. Замонавий ҳуқуқий-демократик давлат шароитида низоларни адолатли ҳал қилишнинг самарали усуллари ва тартиб-таомилларини ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади.

Ижтимоий институт сифатида медиация жамиятнинг барча соҳаларида шахслараро муносабатларни тартибга солувчи функцияни бажаради. Ушбу муносабатлар қанчалик яқин ва эмоционал бўлса, низоларни ҳал қилишда ва қулай ижтимоий муҳит яратишда воситачиликнинг истиқболлари шунчалик кенгдир. Медиатив ёндашувнинг имкониятлари жуда кенг. Соҳага оид тадқиқотлар медиация ёрдамида юзага келадиган низоларнинг 80% дан ортиғи муваффақиятли ҳал этилаётганини кўрсатади.[32]

Маълумки, энг яқин шахслараро муносабатлар оилада ривожланади.

Оила - шахс маънавияти, дунёқараши, эътиқоди, феъл-атвори ва табиати шаклланадиган муқаддас маънавий маскан. Оила илк ҳаётий тасаввурлар, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги ахлоқий мезонлар, иймон-эътиқод, меҳр-оқибат, ор-номус, олийжаноблик, муҳаббат, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, сабр-қаноат, меҳнатсеварлик каби юксак тушунчаларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Оила аждодлардан мерос бўлиб асрлар мобайнида сақланиб келаётган миллий қадриятлар, катталарга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг олдида одоб сақлаш, дуосини олиш,

[32] Шамликашвили Ц.А. Основы медиации как процедуры урегулирования споров. М.: Межрегиональный центр управленческого и политического консультирования, 2013.

кичикларга мурувват каби ота-боболаримиздан мерос қадриятлар, шарқона одоб, муқаддас анъаналарни кейинга авлодларга етказиб берувчи кучли тарбия омилидир. Оила ва оилавий муносабатлар жамият ҳаётида ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланишида асосий ўринни эгаллайди.

Ҳар қандай жамият ва цивилизациялар оилавий ижтимоий муносабатлар атрофида шаклланган ва ривож топган. Умуман давлат ва жамиятнинг равнақи ва бир вақтнинг ўзида инқирози ҳам бевосита оилавий муносабатларнинг ҳолатига боғлиқ. Оила ва оилавий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг стратегик манфаати сифатида миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бугунги куннинг улкан ижтимоий ҳодисаси бўлган глобаллашув ҳамда постиндустриал “ахборот жамияти” (Э. Гидденс[33], П. Друкер[34]) контекстида инсоният хавфсизлиги ҳамда давлатларнинг миллий манфаатларини таъминлашга хатар солувчи маънавий таҳдидлар ҳамда бунинг натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари ва яшаш тарзи издан чиқаётганини кузатиш мумкин. ЮНЕСКОнинг “XXI аср таълими” бўйича халқаро қўмитаси дастурида инсоният олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида биргаликда яшашни ўрганиш ҳамда шахс сифатида ноёб, ягона, такрорланмас бўлишни ўрганиш кабилар алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.[35]

Иқтисодий, ижтимоий, ғоявий, маънавий-ахлоқий омиллар таъсирида оилавий қадриятлар ҳам хавф остида қолмоқда. 2018 йил якунлари бўйича ажримлар ҳолати фоиз ҳисобида Россия Федерациясида 65%, Швецияда 64%, Украинада 63%, Чехияда 61%, Белгияда 56%, Литвада 55%, Молдовада 52%, АҚШда 49%, Венгрияда 46%, Канадада 45%, Норвегияда 43% дан ортиқ, Голландияда 41%, Швейцарияда 40% га етган. 2019 йил якуни бўйича баъзи Ғарб мамлакатларида тузилган никоҳларнинг бекор қилиниш ҳолати **40 % дан 67 %** гача бўлган кўрсаткични ташкил этади ва бу оила институти инқирози ва ижтимоий хавфсизликка жиддий таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

Оилавий муносабатлар анъанавий мустаҳкам бўлган Марказий Осиё минтақаси давлатларида ҳам ажралишлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича мунтазам чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан ажримлар сонининг ошаётгани ташвишга солади. Оилавий низоларнинг ортиши, ажралишлар сонининг кўпайиб бораётганлиги ва жиддий ижтимоий оқибатларини ҳисобга олиб замонавий жамиятлар уларнинг олдини олиш ва конструктив ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу борада кўплаб давлатлар оилавий медиацияни оилавий низоларни ҳал этишда самарали усул сифатида ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Оилавий медиация оилавий низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, ажримларнинг олдини олиш, оилада юзага келаётган муаммоларни ечиш ва оила барқарорлигини таъминлашга аҳамият қаратиш зарурияти сифатида пайдо бўлди. Оилавий медиация медиациянинг энг кенг тарқалган тури ва барча турдаги оилавий низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилишнинг энг самарали усули сифатида тан олинган. Оилавий медиация тушунчаси низо томонлари (эр-хотин, фарзандлар, қариндошлар) ўртасидаги оилавий низолар (зиддият, можаро, келишмовчилик)ни ҳал қилишда қўлланилади.

Оилавий медиация ижтимоий ҳодиса сифатида қонунлар ва суд оила аъзолари ўртасидаги низони самарали ҳал қила олмаслигини англашдан келиб чиқади, чунки ҳар қандай ҳуқуқий низонинг негизида шахсий низолар ётади, уни бартараф этиш учун ахлоқ ва ҳамкорлик тамойиллари тазйиқ ва ҳукмдан кўра кўпроқ мос келади. Инсонлар суд ҳукмини ижро этиши мумкин, лекин уларни кечиришга ёки ярашишга мажбур қилиб бўлмайди. Низонинг ечими ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, тан олиш, томонларнинг истаклари ва манфаатларини ҳурмат қилишга боғлиқ. Оилавий муносабатлар деганда оиладаги барча муносабатлар (эр-хотин ўртасидаги муносабатлар, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари, қариндошлар ва ҳ.) тушунилади. Оилавий муносабатларнинг хилма-хиллигига қарамасдан улар умумий хусусиятларга эга:

– томонлар ўртасидаги кучли ҳиссий алоқа;
– бошқа шахсларни оилавий низоларга аралаштирмасликка интилиш;

[33] Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Весь мир, 2004.
[34] Drucker P.F. The Future of Industrial Man. Piscataway: Transaction Publishers, Rutgers The State University, 2009.
[35] Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Издательство ЮНЕСКО, 1996.

– томонларнинг чуқур шахсий кечинмалари;

– низонинг юқори эмоционаллиги;

– низо оқибатларининг иштирокчиларнинг, айниқса фарзандларнинг шахсий ҳаётига таъсири.

Оилавий медиация оилавий ҳаётга оид кўплаб қуйидаги масалаларни қамраб олади, унинг ёрдами билан оилавий муносабатларда юзага келадиган низоларнинг аксариятини ҳал қилишга эришиш мумкин:

– эр-хотин ўртасидаги низолар (никоҳ шартномасини тузиш, никоҳни бекор қилиш, дунёқарашлар тўқнашуви, оталикни аниқлаш, фарзанд асраб олиш, васийлик, алимент тўлаш, ота-она, кекса қариндошларига ғамхўрлик қилиш, мерос ҳуқуқи ва ҳ.);

– ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш,);

– яқин қариндошлар (ака-ука, опа-сингиллар, қариндошлар ўртасидаги низолар.

Тадқиқотчилар оилавий низоларда томонлар хотиржамлик ва рационал ёндашувга тайёр эмасликлари, кучли эҳтиросларга берилган, чуқур тушкунликда ва психологик инқироз ҳолатида бўлишлари боис медиатордан тегишли тажриба, малака талаб этилишини таъкидлайдилар. Бунда медиаторнинг махсус билим ва компетенцияларга эга бўлиши, коммуникатив методларни билиши, профессионализми катта аҳамиятга эга.

Маълумки, оилавий масалалар юзасидан дастлабки яраштирув хизматлари 1939 йилда АҚШнинг Калифорния штатида пайдо бўлди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб АҚШда низоларни альтернатив йўллар билан ечишга бўлган талаб кескин ошиб кетди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу даврда ижтимоий низоларнинг ўсиши туфайли судларга бўлган мурожаатлар сони кескин ошди ва ўз-ўзидан судгача бўлган даврда низоларни ҳал этишнинг янги институтларни ташкил қилиш зарурияти вужудга келди.

Америкалик социолог, психолог Мортон Дойч томонидан инсоннинг низоли табиати тўғрисида назария илгари сурилди ва низоларни ечишда учинчи томондан оқилона фойдаланиш технологияси таклиф этилди. Ҳуқуқшунослар томонидан назарий жиҳатдан асосланган воситачилик жараёни ва уни амалиётда қўллаш бўйича «айбсиз ажралиш» тамойили асосида ижтимоий институтлар ихтисослашиб борди.

Дастлабки хусусий медиация хизматига 1974 йил АҚШнинг Атланта шаҳрида адвокат ва оилавий консультант Жим Куглер (Coogler) томонидан асос солинди. Куглернинг 1978 йилда ёзилган «Ажримда тизимлаштирилган медиация» (Structured Mediation in Divorce Settlement) номли китоби таъсирида низоларни ҳал этишда учинчи тараф, яъни воситачилар ёрдамидан фойдаланиш амалиёти оммалашди. 1975 йилда Куглер «Оилавий меди**ация** ассоци**ация**си»ни *(Family Mediation Association)* тузди.

Хорижий давлатлар амалиётида оилавий медиация никоҳни бекор қилишда юзага келадиган низоларни тартибга солиш, болаларни ажримдан сўнг яшаш жойларини аниқлаш, бола билан мулоқот қилиш тартибини ўрнатиш, алоҳида яшаётган ота-оналарнинг бола тарбиясида иштирок этиши, алимент миқдорини аниқлаш, умумий мулкни бўлиш ва бошқа масалаларга нисбатан қўлланилади.

Оилавий медиация соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борган Буюк Британиялик тадқиқотчи Лиза Паркинсоннинг фикрича, оилавий медиация ажралиш ёки никоҳни тугатиш ҳолатларига нисбатан қўлланилиб, томонларнинг ота-оналик мақомларини сақлаб қолиши ва мажбуриятларини бажаришида ёрдам беради.[36] Шунинг учун АҚШда «ажралишда медиация» тушунчаси шаклланган. Замонавий адабиётларда «оилавий медиация» тушунчаси нафақат ажрашаётган томонлар ўртасидаги келишмовчиликларга, балки оилавий муносабатларни расмийлаштириш босқичида, никоҳ шартномаси тузиш ёки биргаликдаги турмуши давомида юзага келувчи бир қатор масалаларни ечишда ҳам кенг қўлланади.

Технологик кесимда оилавий медиациянинг классик медиациядан фарқли равишда самаралилиги тан олинган нарратив, экотизимли, трансформатив, провок*аци*он, қайта тикловчи моделлари мавжуд.

Медиациянинг классик модели асосан томонларга музокаралар ташкил этишда ёрдам кўрсатиш назариясига асосланган бўлиб, медиаторнинг миссияси томонларни ўзаро фойдали шартномага олиб келишдан иборат. Аммо ажралишга оид низоларда томонлар хотиржам, рационал тафаккур асосида

[36] Лиза Паркинсон. Семейная медиация. 2-е изд. М.: МЦУПК, 2016.

музокаралар олиб боришга тайёр эмас ва кучли эҳтиросларга берилган, чуқур тушкунлик ва руҳий инқироз ҳолатида бўлади. Бунинг натижасида медиациянинг юқорида келтирилган моделлари пайдо бўла бошлади.

Провок*аци*он модель низонинг чуқур эскалация босқичида, медиация ёрдамида ечиш имконияти деярли бўлмаган ва суд ёрдамидан фойдаланиш тавсия этилган оилалар билан ишлаш имкониятини беради. Бу усулда дастлаб томонлар низонинг энг юқори босқичигача олиб борилади ва кейин метафора, ибратли ҳикоялар орқали уруш ҳолатидан тинчликка ўтилади.

Экотизимли модель болаларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этишда самарали ҳисобланади ва оиланинг яхлит тизим сифатида манфаатларига мос узоқ муддатли келишувлар ишлаб чиқишга қаратилган. Бунда медиаторнинг асосий мақсади экодастур, яъни оила аъзолари ва фарзандларнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда оиланинг кенг қамровли схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Технологик жиҳатдан оилавий медиацияда махсус коммуникатив теҳнологиялар, жумладан, эмпатия, психологик ёрдам, консультация ва оилавий терапия каби методлардан фойдаланади.

Халқаро миқёсда оилавий медиация масалаларини мустақил тартибга солувчи хужжат сифатида Европа Кенгашининг «Оилавий низоларда меди**аци**я тўғрисида»ги Rec №(98)1 - сонли Тавсияларини келтириш мумкин. Мазкур Тавсияларда ажралиш жараёнида болалар манфаатларини таъминлаш тамойили акс этган. Тамойилга кўра медиатор томонидан ажрашаётган ота-оналарга болалар манфаатларига алоҳида эътибор қаратиш ва болалар келажаги учун қайғуриш кераклиги эслатилади.

Бугунги кунда кўплаб давлатларнинг миллий қонунчилигида оилавий низоларни тартибга солишда медиация технологияси судлар томонидан мажбурий амалиёт сифатида белгиланган. Хусусан, Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Франция, Болгария каби давлатларда оилавий муносабатларни тартибга солишда медиацияни мажбурий қилиб белгилаш ҳуқуқий амалиёти мавжуд.

Буюк Британияда 1996 йилда қабул қилинган «Оила тўғрисидаги» қонунда адвокат оилавий низолар бўйича юридик ёрдам сўраб мурожаат этган мижозларни Mediation Information and Assessment Meetings деб номланувчи дастлабки ахборот-баҳоловчи босқичдан ўтиш учун медиаторга юбориши мажбурий этиб белгиланган. Оилавий медиацияга ижтимоий соҳа ходимлари, оилавий консультантлар, оилавий психологлар, психиатрлар жалб қилинган.

АҚШда медиаторлар, асосан, оилавий суд раисига бўйсинувчи ижтимоий соҳа вакиллари ҳисобланади. Фақат юридик жиҳатдан мураккаб масалаларда (алимент ундириш, умумий мулкни бўлиш) жараёнга юристлар жалб қилинади.

Ҳуқуқий амалиётда оилавий медиациянинг ўзига хос йўналиши сифатида комедиация ривожланган. Унда медиация икки медиатор томонидан олиб борилади ва уларнинг бири психолог, психотерапевт, иккинчиси эса ҳуқуқшунос (юрист, адвокат, нотариус) бўлиши белгиланган. Шунингдек, ко-медиацияни олиб боришда гендер тенглигига риоя қилиш тартиби ҳам кенг тарқалган.

Оилавий медиациянинг молиявий аспектлари ҳам эътиборга молик.

Хусусан, Австрияда медиация ҳаражатлари давлат томонидан молиялаштирилиши оилавий медиацияга нисбатан қўлланади

Францияда оилавий медиация соҳасидаги хизматларга ҳақ тўлашда ҳаражатларнинг миллий шкаласи ўрнатилган.

Австралияда оилавий муносабатлар бўйича марказлар фаолияти федерал бюджет хисобидан молиялаштирилади. Давлат томонидан Оила марказлари (**Family Relationship Centre**) каби жамоат ташкилотларига молиявий кўмак кўрсатилади.

Буюк Британияда судлар қошидаги медиациянинг дастлабки сессиялари бепул ҳисобланади. Агар томонлар дастлабки босқичларда келишувга эриша олмаса, кейинги босқичлар ҳаражатлари улар томонидан қопланади. Шу билан бирга оилавий муносабатларни тартибга солишда хусусий медиаторлар хизматидан фойдаланиш амалиётда кенг тарқалган.

Шундай қилиб, медиация вақтни, молиявий, эмоционал ресурсларни тежаш, миллий менталитет ва қадриятларни ҳисобга олган ҳолда низоларни тинч ва барқарор йўллар орқали ечишга қулай шарт-шароитлар яратишнинг замонавий воситаси ҳисобланади. Ажримларни камайтириш, томонлар, айниқса, болалар манфаатларини тўла хисобга олган ҳолда ташкил этишда бу институтнинг аҳамияти долзарб бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда медиация ёш ва энди ривожланиб келаётган ижтимоий институт ҳисобланади. Унинг имкониятларини ижтимоий соҳаларга, хусусан, маҳалла ва оила тизимига кенг татбиқ этиш оилавий низолар, ажримлар каби муаммоларнинг олдини олиш ва самарали ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Весь мир, 2004.
2. Drucker P.F. The Future of Industrial Man. Piscataway: Transaction Publishers, Rutgers The State University, 2009.
3. Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Издательство ЮНЕСКО, 1996.
4. Лиза Паркинсон. Семейная медиация. 2-е изд. М.: МЦУПК, 2016.
5. Шамликашвили Ц.А. Основы медиации как процедуры урегулирования споров. М.: Межрегиональный центр управленческого и политического консультирования, 2013.

**М.Ф.ХАКИМОВА**
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Инновацион таълим" кафедраси мудири, п.ф.д., профессор*

**М.М.МАМАТҚУЛОВА**
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти*

## ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** *ушбу мақолада муаллифлар томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш тақозо этилаётганлиги ва хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор бериб келинаётганлиги, жумладан, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги борасида фикр юритилган.*
**Калит сўзлар:** *оила, хотин-қизлар, ижтимоий муҳит, жамият, инсон ҳуқуқлари, маърифат, тарбия.*

**Аннотация:** *в данной статье авторы подчеркивает необходимость повышения роли женщин в развитии общества, общественной и политической деятельности в нашей стране и уделяет особое внимание ряду вопросов, связанных с деятельностью женщин, в том числе повышению статуса женщин. в обществе, общественно-политической деятельности, необходимо обратить особое внимание на ряд вопросов, связанных с обеспечением их участия в государственном управлении.*
**Ключевые слова:** *семья, женщины, социальная среда, общество, права человека, просвещение, воспитание.*

**Annotation:** *in this article, the author emphasizes the need to increase the role of women in the development of society, social and political activity in our country and pays special attention to a number of issues related to the activities of women, including raising the status of women in society, social and political activity, it is necessary to pay special attention to a number of issues related to ensuring their participation in public administration.*
**Keywords:** *family, women, social environment, society, human rights, enlightenment, upbringing.*

Маълумки, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос хусусиятдир.

Ҳадиси шарифда "Жаннат оналар оёғи остидадур", "Аввал онангизга, яна онангизга, ва яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг", деган беназир сўзларда ҳам ана шу адоқсиз эҳтиром намоён бўлиб турибди. Шу маънода мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, хеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар: яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда хотин-қизларни илмий салоҳиятининг юксак бўлиши – жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам бўлиш омилларидан биридир.

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлоднинг камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Асосий қонунимизнинг 63-моддасида, "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", - дея белгилаб қўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Бугунги кунда азизу мукаррам аёлларимизнинг барча соҳа ва тармоқлардаги ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини республикамизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аёлларимиз орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари, нодавлат ташкилотларнинг фаол вакиллари борлиги барчамизни қувонтиради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.

Ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар заҳираси шакллантирилди.

Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз – халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, хеч қандай муболаға бўлмайди", - дедилар.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-тараққиётидаги ўрнини кенгайтириш, уларнинг иқтидорларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятимизда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ваколатларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини янада оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда хотин-қизларнинг салмоқли қисми таълим муассасаларида, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таълим, аёллар ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар қандай тузум ва ҳар қандай ижтимоий муҳитда хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш орқали оила фаровонлигига эришилади. Оила фаровон бўлса, бу ўз навбатида, жамиятнинг равнақига олиб келади. Шунинг учун хотин-қизлар масаласини олиб чиқиш орқали жамият миқёсида таҳсинга лойиқ жуда кўп вазифаларни бажариш мумкин. Аёлга хос бўлган маънавий фазилатлар унинг табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш,

дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлишида намоён бўлади. Аёл маънавияти ижтимоий ҳаётнинг ёрқин кўзгусидир. Чунки аёлда ҳам оилавий турмуш, ҳам иқтисодий ва сиёсий ҳаёт ўз аксини кўрсатади. Аёл маънавиятининг ҳар бир қирраси жамият ижтимоий сиёсий ҳаёти билан узвийлашади.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш асосан бугунги ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, олимларнинг ва умуман барчанинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг далилидир. Бу борада ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, рағбатлантириш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг намунасидир. Шу боисдан ҳам келажак борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурч ва вазифалари ҳисобланади. Мазкур ҳолатда энг аввало, ёшларимиз онгида маънавият ва ахлоқийлик каби юксак фазилатларни тарбиялашимиз зарур бўлади, яъни ёшлар тарбияси соҳасидаги сиёсатни кенг жабҳада олиб борилиши жумладан, ўзи вояга етаётган оиладаги тарбия пойдеворини таълим масканларида ҳам уйғун равишда мустаҳкам қўйилишига эътибор қаратилиши зарур.

Муқаддас динимизда ҳам, оила мустаҳкамлигига катта эътибор қаратилган. Чунки оила жамият асоси ва ҳаёт давомчиси бўлган фарзандлар камол топадиган тарбия масканидир. Шу маънода қачон оилалар салоҳиятли бўлса, бундай оилалардан ташкил топган жамият ҳам салоҳиятли бўлади. Шунинг учун ҳам оилага иймон, муҳаббат, таълим-тарбия ва бахтли ҳаёт сари йўлловчи маскан сифатида қараш муҳимдир.

Бугунги кунда баркамол инсонни шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши ўзига хос хусусият ва имконият, қонуниятларга эгадир. Ёшларнинг шаклланиши оиладан бошланади, бундай оила эса, таълим-тарбиянинг бошланғич механизми бўлиб хизмат қилади. Таълим-тарбия, шахслараро муносабатлар, миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатлар ҳамда ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиши ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари оилада ўрганилади. Шунинг учун ҳам оила ва никоҳ муносабатларини ўрганишда оилавий муносабатларга алоҳида эътибор бериш ўта муҳимдир.

**Тарихдан маълумки, бутун дунёда илғор фикрли инсонлар ҳамиша, асрлар оша хотин-қизлар масалаларига жуда катта аҳамият қаратиб келганлар. Бунинг сабаби, аёлнинг табиатан гўзаллиги, донологи, оқилалиги, бунёдкорлиги, яратувчанлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги, адолатлилиги, меҳр-шафқатлилиги, *энг муҳими,* унинг нозик жисмига ҳаттоки жуда кучли эркакнинг ҳам қўлидан келмайдиган оғир, ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли, муқаддас вазифанинг - оналик вазифасининг юклатилганлигида бўлса, ажаб эмас. Чунки аёл кишигагина оналик ва оиладаги бош тарбиячилик ролини бирваракайига олиб бориш, амалга ошириш табиатан инъом этилганлиги барчамизга аён бор ҳақиқатдир.**

**Бугунги кун ўзбек аёли маърифатли, маънавияти юқори, тафаккури теран, шу билан бирга замонамизга хос барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган оқила ва доно бўлиши ҳамда аёл жамиятнинг негизи ҳисобланган оилада фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб қолмасдан, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим.**

**Мамлакатимизда истиқомат қилаётган аёлларга** жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилади. Мустақилликка эришганимиздан буён, аёл зотини улуғлаш учун унинг номига йиллар аталди, аёл номида мукофотлар жорий этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатда аёллар сонини кўпайтириш ҳақида квоталар жорий қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралаётган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, вакиллик органларига оид сайлов қонунчилигида аёлларга имтиёзлар белгиланган. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунда хотин-қизларнинг сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий

сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозимлиги қайд этилгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишлари учун Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш муаммоларини ҳал этишга хотин-қизларни тобора кўпроқ жалб этишга; аёлларнинг молиявий кредитлардан фойдаланишини таъминлашга, аёллар ва болалар жиноятига қарши курашга, экологик хавфсизликка, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда, қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг қатнашишига катта аҳамият берилмоқда.

Бизнинг юртимизда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун уларга иш ўринларини яратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий соҳада, тадбиркорликда, фан ва техника тараққиётида ҳамда давлат қурилишидаги нуфузини кўтариш, ўрнини кенгайтириш каби масалалар давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Ўзбекистонда биринчи навбатда, аёлларни, оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси яратилди, иккинчидан, аёллар ва оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, жойларда уларга аниқ ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилди ва бу ишлар бугунги кунда амалга ошириб келаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аёлни улуғлаш ва уни ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган муҳим хужжатлар аёлларнинг барча қатори меҳнат ва ижод қилиши, ижтимоий ҳаётда ва давлат қурилишида иштирок этиши лозимлигини исботлаб берди. Президентимизнинг «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир» деган сўзларининг ўзи ҳам юртимизда аёллар ижтимоий хуқуқларининг нақадар кафотланганлигидан далолат беради.

Жамиятда юзага келадиган маънавий баркамоллик, аввало, унинг энг кичик ячейкаси бўлмиш – оиланинг мустаҳкам ва баркамол бўлишига бевосита боғлиқдир. Оиладаги маънавий вазият – аввало, аёлнинг ақлий салоҳияти, онги, дунёқараши даражасига чамбарчас боғланган. Бу эса аёлдан билим даражаси кенг ва чуқур бўлишини талаб қилади.

Жумладан, оила маданий ҳодиса сифатида халқимизнинг бой ва қадимий тарихини, моддий ва маънавий меросини, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни авлоддан-авлодга асл ҳолида етказадиган, миллий фахр сифатида авайлаб асрайдиган ва жаҳон миқёсида умуминсоний қадрият тарзида намойиш этадиган уюшмадир. Шунингдек, жамиятимизнинг фаровонлиги, жаҳонда тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиш учун тўла имконият яратмоқ ниятида меҳнат қиладиган жисмоний соғлом, маънавий бой, ахлоқий пок, комил фарзандларни ҳам оила тарбиялаб вояга етказади. Олимларнинг таъкидлашларича, ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар давомида шаклланган анъаналарга, бу борадаги умуминсоний қадриятларга таянганида, давр руҳи ва эҳтиёжларини эътиборга олганида яхши натижаларга эришадилар. Бу ишнинг самараси кўпроқ тарбиянинг мақсади ва усулларига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, мамлакатимизда янгиланиш жараёни кечаётган ҳозирги даврда жамият қурувчилари бўлмиш ёшларни маънавий бой, ахлоқий етук, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахс этиб шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Юксак инсоний хислатларга эга баркамол шахс, аввало, оилада шаклланади ва ўзи тарбия топган оила анъаналари унинг жамият фаолиятида ўз ўрнига эга бўлишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин -қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 5325-сон Фармони www.lex. Uz.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 2000 б.
3. Шарипова Д. Маънавий баркамол шахсни шакллантириш –жамият тараққиётининг асоси.–Т.: Фан ва технология, 2002.
4. Куронов М. Оила ва баркамол авлод тарбияси.–Т.:Маънавият, 2012. –134 б.
5. Нажмидинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. (монография).-Т.: Адолат, 2016.-224 бет.

**БАЙБАЕВА МУХАЙЁ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА**
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,*
*“Педагогика” кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди*

# ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РАҲБАР АЁЛЛАРНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

**Аннотация:** *мақолада бошқарув фаолиятини амалга оширишда раҳбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамияти психологик хусусиятлари, уларнинг намоён бўлиш механизмлари, ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган.*
**Таянч сўзлар:** *жамоа, бошқарув, раҳбар, қобилият, самарадорлик, механизм, фаолият.*

**Аннотация:** *в статье представлены отзывы о психологических особенностях значения женщин-руководителей в повышении эффективности образовательного процесса при осуществлении управленческой деятельности, механизмах их проявления, их специфике.*
**Ключевые слова:** *коллектив, управление, руководитель, способность, эффективность, механизм, деятельность.*

**Annotation:** *the article presents reviews of the psychological features of the importance of women managers in improving the effectiveness of the educational process in the implementation of managerial activities, the mechanisms of their manifestation, and their specifics.*
**Keywords:** *team, management, manager, ability, efficiency, mechanism, activity.*

Янгиланаётган Ўзбекистонда жамият бошқаруви соҳасида инсон омилини фаоллаштириш, раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмокда. Айникса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда эркинликларини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уларни бажариш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис ҳам ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида эркаклар билан бир қаторда хотин-қизлар, хусусан, аёл раҳбарлар фаолият юритмокдаки, бу албатта, хотин-қизларга эҳтиром, ҳурмат рамзини англатиши билан бирга, уларда фаоллик, фидойилик, мағрурлик, шижоат, ватанпарварлик каби ҳис-туйғуларни уйғотиб, ички руҳий заҳираларни ишга туширади.

Тарихга назар солсак, инсоният цивилизациясининг ҳамма босқичларида хам эркак раҳбарларнинг давлат бошқаруви ишида хотин-қизларнинг юксак ақл-идроки ва доно маслаҳатларидан ўринли фойдаланиб келинганлигига гувоҳ бўламиз. Бунга ўтмишдаги момоларимизнинг ҳаёти, кўрсатган жасорати ва фидойиликлари яққол мисол бўла олади. Чунончи, Тўмарис тенгсиз ақл-заковати, шижоати билан юртимиз тупроғига бостириб кирган босқинчиларни даф этган бўлса, Амир Темурга давлат ишларини бошқаришда Бибихоним доимо маслаҳатгўй бўлгани тарихдан маълумдир. Буюк подшоҳ Захириддин Мухаммад Бобур ҳам бутун умри давомида давлат бошқарувида аёл шахсиятига юксак эътибор билан қараган. Унда хотин-қизлар қадр-қимматини жойига қўйиш, иззат-ҳурматларини бажо келтириш устун бўлган, зарур бўлганда Кутлуғ Нигорхоним, Эсан Давлатбегим, Хонзодабегим ва бошқа аёллар билан давлат ишлари муаммоларига оид масалалар бамаслаҳат адо этилган, уларнинг фикрлари инобатга олинган. Боиси, аёллардаги муомала маданияти, тинглаш маҳорати, ўзини тия билишлик, вафо ва садоқат, сезгирлик, адолатпарварлик, ошкоралик, самимийлик, хушмуомалалик, тўғрисўзлик, жавобгарлик, нафосат, масъулият каби инсоний фазилатлар улар тимсолининг асосини ташкил этган.

Бугунги кунда бошқарув соҳасига оид барча масалаларни жамият ри-вожланиши нуктаи назаридан ўрганиш, корхона, ташкилот ва муассасаларни бошқаришнинг янада самаралироқ усулларини ишлаб чиқиш, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган, бошқарув маҳоратига эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлаш муаммолари билан шуғулланиш долзарб масалага айланди. Айниқса, раҳбарликдаги гендер фарқлар, жинсий ижтимоийлашув, жинсий стереотиплар, эркак ва

хотин-қиз раҳбарларнинг шахсий сифатлари, бошқарувчилик имкониятлари, хотин-қизларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш, замонавий аёл рахбарнинг ижтимоий-психологик қиёфасини яратиш масалалари психология фани соҳасида қатор тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Жамиятда эркак раҳбарлар асосий диққат-эътиборини ишлаб чиқариш муаммоларига тааллуқли вазифаларга қаратса, хотин-қиз раҳбарлар эса кўпроқ жамоанинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратади. Худди шу боисдан эркак ва хотин-қиз раҳбарларга хос жинсий психологик фарқнинг бўлиши табиий, лекин жамоа олдида турган вазифаларни бажариш, кўзланган мақсадларга эришиш борасида жинсий тафовут кузатилмайди. Раҳбарлик ишидаги барча муваффақиятларнинг асл сабаби жинсга хос бўлмаган омиллар билан белгиланади. Жумладан, интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба бошқарув самарасини таъминлайди. Аёл раҳбарлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, бундай ўзига хосликларга қуйидагиларни ажратамиз:

– аёл раҳбар ўз иш фаолиятида бевосита раҳбарликдан ташқари, ўз ходимларининг фикрларини ҳам инобатга олади;

– аёл раҳбар, энг аввало, ўзи бошқараётган жамоадаги инсонлар ўртасида шахслараро муносабатларга кўпроқ эътибор қаратади;

– аёл раҳбар қарор қабул қилишда ҳам камида 2-3 кишининг маъқуллашига эргашиб, сўнгра охирги қарорга келади;

– аёл раҳбар иш манфаатлари билан оила манфаатларини деярли бир даражада аҳамиятли деб қарайди;

– унинг ходимларга берадиган кўрсатмалари кўпрок конструктив бўлиб, ташаббус кўрсатувчи ходимлар билан муросага бориб ишлайди;

– аёл раҳбар ўз ходимларининг шахсий хаётлари ҳамда оилавий шароитлари билан вақти-вақти билан қизиқиб туради ва хоказо.

Соҳага оид илмий адабиётлар билан танишишимиз ва тадқиқотларимиз натижаларига суянган ҳолда, хотин-қиз раҳбарларда касбий муваффақиятни таъминловчи бир қатор шахс сифатлари мавжуд эканлигига гувоҳ бўлдик.

Улар қуйидагилардан иборат:

– хотин-қиз раҳбарлар бошқарув ишида кўпинча шериклик ва ҳамкорликка асосланган бошқарув услубини танлайдилар ҳамда асосий диққат-эътиборларини жамоадаги психологик иқлимни соғломлаштиришга қаратадилар;

– аёл раҳбар бошқарувидаги жамоаларда дўстона муносабатлар ривожланади, бошқарув қарорлари кўпинча ходимларнинг бевосита иштирокида, уларнинг фикри ва ташаббусларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади;

– хотин-қиз раҳбарлар жамоавий қарорларни қабул қилишда қатъий назорат қилиш тарафдори бўладилар;

– аёл раҳбарлар учун биринчи ўринда эътиқодлилик, топширилган иш учун шахсан жавобгарликни ҳис қилиш, ҳалоллик ва виждонлилик туради;

– мураккаб вазиятларда аёл раҳбарлар ходимларнинг юксак мотива-циясига таяниб, инқироздан чиқиш стратегиясини танлайдилар;

– аёл раҳбарлар ходимларни нафақат тақдирлаш, балки йўл қўйилган хато учун уларни жазолаш хам кучли мотивация омили эканини яхши тушунадилар, улар қўйилган вазифаларни бажара олмаган ходимларга нисбатан жазоларни белгилашда дастлаб энг оддий усуллардан, яъни биринчи марта кечириш, огоҳлантириш, эътироз айтиш ва бошқа усуллардан фойдаланадилар;

– меҳнат жараёнидаги муаммоли ҳолат, зиддият ва ўзаро муносабатлардаги қарама-қаршиликларга нисбатан оқилона ва омилкорлик билан ёндашиш ва уларга ечим топишда баъзан хотин-қиз раҳбарлар эркак раҳбарларга нисбатан самаралирок ёндашадилар;

аёл раҳбарлар низо қандай характерга эга ва қай даражада катта бўлмасин, барча ҳолларда унинг сабабларини диққат билан таҳлил қиладилар, низонинг моҳиятига чуқур кириб, уни жойида ўзининг аниқ фикрини айтиш билан ҳал киладилар;

– аёл раҳбарлар таваккалчилик шароитида ҳам эҳтиёткорлик билан қарор қабул қиладилар.

Бундан ташқари, хотин-қиз раҳбарларнинг самарали ишлари учун, аввало, уларнинг меҳнатларини илмий асосда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Каттами, кичикми, қайси мансабда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар аёлнинг меҳнатини намунали ташкил этиш, унинг меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсишини таъминлаш, раҳбарнинг иш ўрнини ташкил этиш ва уларга хизмат қилишни яхшилаш, соғлиғини сақлаш, меҳнат шароитини яхшилаш, меъёрлаштириш каби масалалар маъмурий бошқарув соҳасида муҳим ахамият касб этади.

Бошқарувда тенг имкониятларни таъминламаган мамлакат маданиятли демократик давлат сифатида тараққий этмайди. Бунда хотин-қизларга нисбатан патриархал-консерватив муносабатлардан воз кечган ҳолда кадрлар сиёсатини шакллантириш, хотин-қизларни бошқарув фаолиятига жалб этиш бўйича жамоат онгини ўзгартириш, шунингдек, хотин-қизларнинг ўзлари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий хаётида иштирок этиш заруратини англашларига эришиш муҳим ўрин тутади. Бунинг учун хотин-қиз раҳбарларни замон талаблари даражасида тайёрлаш, уларнинг маҳоратларини ошириш, кадрлар захирасини вужудга келтириш, фаолият кўрсатаётган тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослаштирилган малака ошириш ва кайта тайёрлаш курсларида махсус дастурлар асосида ўқитиш ишларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**


1. Авершин В.И. Пути повышения учительского мастерства в современных условиях. // Педагогика. 1998 - № 3. - С. 66-69.
2. Каримова В. Ижтимоий психологияда хотин-қизлар раҳбарлиги муаммосининг ўрганилиши. // «Psixologiya», БухДУ: 2011, 2-сон. 13-б.
3. Смолкин А.М. Менеджмент: основы организации // Учебник / Отв. Редактор С.М.Рыловский. – М.: ИНФРА, 2004. – 235 с.
4. Шакуров, Р.Х. Психология руководства педагогическим коллективом. – М.: «Издательство Магистр», 1995. – 184 с.
5. Шамиева О. Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. / Психол. фан. ном. автореферат. - Т., 2000. -21-б.



**МАВЛЮДА ҒАФФОРОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси кафедра д.в.б.*

**НАФИСА ЖЎРАЕВА**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*Давлат бошқаруви академияси*
*“Давлат бошқаруви” мутахассислиги бўйича магистри*


## ЁШ ОИЛА ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ


**Аннотация:** *мақолада мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг оилаларда намоён бўлаётгани, оилалар тинчлиги, жамият осойишталиги, фаровонлиги, фарзандларнинг маънавий-руҳий муҳитда вояга етишишидаги таъсири ва маънавий баркамол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлиги, уларнинг тарбиясини умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш масаласида сўз юритилади.*



**Калит сўзлар:** *ислоҳот, оила, қадриятлар, никоҳ, соғлом муҳит, баркамол авлод, жамият, миллат.*



**Аннотация:** *в статье освещаются проводимые в стране реформы, влияние семьи на воспитание духовно зрелого, физически здорового поколения, гармония их воспитания с общечеловеческими*

*ценностями, неприкосновенность семьи и брака. Проблема обеспечения стабильности семей через глубокое внедрение в умы поколений.*

**Ключевые слова:** *реформа, семья, ценности, брак, здоровая среда, гармонично развитое поколение, общество, нация.*

**Annotation:** *the article highlights the reforms carried out in the country, the influence of the family on the upbringing of a spiritually mature, physically healthy generation, the harmony of their upbringing with universal human values, the inviolability of the family and marriage. The problem of ensuring the stability of families through deep penetration into the minds of generations.*

**Key words:** *reform, family, values, marriage, healthy environment, harmoniously developed generation, society, nation.*

Мамлакат ҳаётида юз берадиган ҳар қандай ўзгариш, амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оилаларда намоён бўлади. Шу боис ҳам, оилаларда тинчлик ва осойишталик, соғлом муҳит мўътадиллигини таъминлаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардандир. Зеро, аҳил ва мустаҳкам оила – юрт таянчи, унинг ишончли келажаги, миллат шарафини юксакларга кўтарадиган меҳр-мурувват, маънавият ўчоғи ҳисобланади. Зеро, оилаларимиз тинч бўлса, жамиятимиз осойишта, фаровон, фарзандларимиз эса тўла-тўкис маънавий-руҳий муҳитда вояга етади. Бизнинг асосий мақсадимиз жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашни илмий ўрганишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сонли Қарорига мувофиқ, давлат сиёсатида оила, унинг барқарорлиги, бахту саодати ва фаровонлигига қаратилган янги босқич белгиланди.

Оила давлат пойдеворининг кичик бир бўлаги саналиб, жамиятдаги барча ислоҳотларнинг ўзига хос барометри ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, оила иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, маданият ва, умуман, жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Мамлакатимизда ёш оила доимо давлатимиз диққат-эътиборида бўлиб келган. Агарда хронологияга эътибор қаратсак, 1998 йил Ўзбекистонда “Оила йили”, ундан кейинги йиллар эса мос равишда “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили”, “Соғлом бола йили”, “Соғлом она ва бола йили” ҳамда жорий йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир йил учун оила ҳаётининг барча жиҳатларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, маданий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа омилларни қамраб олган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларнинг ижросини таъминлашда давлат муассасалари ва ташкилотлари, хотин-қизлар ҳамда ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, қолаверса, бутун халқимиз фаол иштирок этди.

Шу билан бир қаторда, республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли сиёсат ва ислоҳотлар амалга оширилди, бунда, табиийки, оила биринчи ўринга қўйилди.

Никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги билан боғланган кичик ижтимоий гуруҳ оила дейилади. Бевосита ёш оилага ҳуқуқий баҳо берадиган бўлсак, ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ёш оила янги муносабатларни (шахслараро ва оила ичидаги), янги мақом (келиннинг, ёш оиланинг ҳақ-ҳуқуқлари), янги иқтисодий ҳолат (ёш оиланинг молиявий таъминоти, шахсий молиявий манбалар), янги турмуш йўналишларини шакллантириш босқичида бўлади.

Олимлар томонидан ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижаларига кўра, янги мақом ва муносабатларни шакллантиришда ёш оиланинг барқарорлиги, асосан ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги билан боғлиқлигини тасдиқлади.

Фарзандни тарбиялашдаги ёндашувлар оиладаги муносабатларнинг қандай барпо бўлгани, ўртадаги ролларни тақсимланишига қараб шакллантирилади. Мамлакатимизда ёш оилаларни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва турмуш шарт-шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларнинг билим савиясини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, бўлажак оила қурувчи йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича инновацион мактаблар яратилмоқда.

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотларга қарамай, бу борада бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни чуқур ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало, ўсиб келаётган авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш долзарб масала саналади. Бунда, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уйғун равишда қатор йўналишларда самарали фаолиятни олиб бориш зарур.

Биринчидан, маънавий-ахлоқий йўналишда ёшларда маънавий-ахлоқий, жумладан, ота-она, каттаю кичикни ҳурмат қилиш, фарзанд тарбияси; масъулият, содиқлик, ростгўйлик; ватанпарварлик ва рафиқаси (турмуш ўртоғи), оила, фарзандлар ва, умуман, жамият олдидаги бурчдорлик ҳисси, жинсий яқинлик одобларини ўргатиб бориш лозим.

Иккинчидан, оиланинг ижтимоий жиҳатларини, яъни никоҳ ва оилавий муносабатларнинг моҳияти, оиланинг жамиятдаги ўрни, турмуш ўртоқ ва ота-оналарнинг ижтимоий функциялари моҳияти ҳар томонлама тушунтирилиб борилиши муҳимдир.

Учинчидан, психологик жиҳатларга эътиборни кучайтириш керак. Бу борада, эркак ва аёл, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар психологиясининг ўзига хос хусусиятлари, турмуш ва оилавий ҳаёт учун зарур бўлган ҳис-туйғулар, мулоқот қилиш кўникмасини шакллантириш мақсадга мувофиқ саналади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий йўналишда никоҳ ва оила қонунчилиги асосларини билиш; эр-хотиннинг бир-бирига, фарзандлари ва жамиятга муносабати билан боғлиқ мажбуриятларни билиш ва ўзлаштириш талаб этилади.

Бешинчидан, ёш оилаларда педагогик жиҳатларни – ота-оналарнинг педагогик салоҳиятини шакллантириш, уларнинг тарбиявий вазифалари ва ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутади.

Олтинчидан, хўжалик-иқтисодий жиҳатлар, яъни оила бюджети, турмуш тарзи маданияти, уй хўжалигини бошқариш қобилиятлари ва билимларини мустаҳкамлаш орқали ёш оилаларда катта оилавий ҳаётга мослашув янада осонроқ кечади.

Еттинчидан, ёшлар (бўлажак келин-куёв)нинг жисмоний ва репродуктив саломатлигига эътиборни қаратиш лозим.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда жинсий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти муҳим ўрин тутади. Жинсий тарбиянинг асосий вазифаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ўз жинсига монанд физиологик, тиббий, ижтимоий-маънавий, руҳий билим ва кўникмаларини шакллантириш, ёш авлоднинг соғлом вояга етиши, репродуктив (насл қолдириш) қобилиятга эга бўлишини таъминлаш, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборатдир.

Жинсий тарбия ўғил ва қиз болаларда эркак-аёл муносабатлари, жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни қарор топтиришни кўзда тутади.

Жинсий тарбия маънавий-ахлоқий, жисмоний, ақлий-интеллектуал, эстетик тарбия билан уйғунликда олиб борилиши, оилада бошланиши, ота-оналар, шифокорлар, педагоглар ҳамкорлигида амалга оширилиши, боланинг ёши, жинси ҳамда бошқа хусусиятларига монанд бўлмоғи даркор.

Зеро тарбия фақат жинсий ҳаёт асослари билан таништириш, болаларга гигиеник кўникмалар, эркак ва аёл танасининг тузилиши, жинсий ривожланиш босқичлари ва қонуниятларини англатиш билан чекланмайди, балки жинсга нисбатан қарашни тўғри сингдириб бориш, йигит ва қизларнинг

ўзига хос тарбиясига эътибор, гендер тенглиги, фарзандларнинг ўзаро муомалада масофа сақлаши, жинсга оид нозик тушунчалар, уйланиш ва турмуш қуриш билан боғлиқ масалаларни ёшига мос равишда етказиш, бу борада рухсат ва тақиқлар, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига боришни англатишни ўз ичига олади.

Ёшларга оила қуришнинг асл мақсади, жинсий ҳаёт зарурияти, унинг қоидаларини англатиш ўзига хос услубда, ментал хусусиятлар, динимиз кўрсатмалари ва миллий урф-одатларимизга мувофиқ тарзда тиббиёт ва саломатликка оид замонавий билимлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Баъзи оилаларда ота-оналар жинсий тарбияга бефарқ бўлади ёки бу мавзуда суҳбатлашишга истиҳола қилади, натижада фарзандлар турмуш қурганидан кейин, ушбу масалалар сабабли турли муаммолар, низолар ва келишмовчиликлар келиб чиқади. Ота-боболаримиз фарзандни ҳалол ва ҳаромнинг фарқига борадиган, оиланинг шаъни, ғурури учун курашадиган ахлоқ соҳиблари бўлиши, йигитларнинг ор-номусли, қизларнинг иффатли, ибо-ҳаёли бўлиб вояга етиши учун жинсий тарбия услубларини қўллаб келганлар.

Ўсмирлик чоғидан бошлаб йигит-қизларга оилавий ҳаёт сирлари, эр-хотинлик одоби, бошқа жинс вакилига бўлган ҳурмат, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашга оид билимларни самарали етказиш орқали келгуси ёш оиланинг мустаҳкамлигига замин яратилади.

Ўзбек оиласининг маънавий-руҳий пойдевори бўлган диний қадриятлардан муҳим ўрин эгаллайди. Фиқҳ китобларида жинсий тафаккурга оид (оила қуриш, никоҳ, эрхотинлик одоби, ҳайз кўриш, туғруқда қон кетиши, ҳомиладорлик, фарзанд дунёга келтириш) мавзулар батафсил очиб берилган. “Ислом таълимотига кўра, оила Яратганнинг розилигини топиш, пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ахлоқлари, исломий одоб билан зийнатланиш ва пок йўл билан инсоният наслини давом эттириш мақсадида қурилади. Шунинг учун динимиз оилани никоҳ асосида қуришга алоҳида аҳамият беради ва никоҳни инсоний муносабатларнинг энг муҳими сифатида юксак қадрлайди. Жамият ёмонлик ва бузғунчиликнинг барча турларидан холи тинч ва обод бўлиши, аввало, ушбу кичик жамиятнинг тинчлигига боғлиқ”.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги маънавий муҳитнинг барқарорлиги ёшларнинг саломатлигига, соғлом турмуш тарзига риоя қилиши ва бу борадаги малакага эга эканлигига ҳам боғлиқ.

Соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шарти бўлиб, булар, энг аввало, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник кўникмаларга амал қилишдир.

Шуни алоҳида масъулият билан таъкидлаш жоизки, давлатимиз асосини ташкил этган ёш оилалар равнақи, келажагимиз пойдеворини соғломлаштириш учун тарғиботни, энг аввало, оиладан бошлаш керак.

Олимларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 51,6% соғлом турмуш тарзига, 20,5 % ирсиятга, 19,3 % ташқи экологик муҳитга, 8,6% соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан. Шундан ҳам маълумки, саломатлик ҳар бир инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима истеъмол қилиши, кимлар билан муомала қилиши, ўзи учун муносиб, қулай ҳаёт тарзини ишда ҳам, дам олишда ҳам тўғри ташкил эта олишига бевосита алоқадор экан.

Бугунги кунда, бутун дунё бўйлаб саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Мисол учун, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортидан қараш нимага олиб келади, деган саволга кўпроқ уларни агрессив хулқ-атвор билан боғламоқдалар. Яъни одам урушқоқ, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир-оқибат гиёҳвандликка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зуғумнинг ортиши, спортга нисбатан бефарқлик, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Баркамол авлодни вояга етказишда ҳар томонлама соғлом оилавий муҳитнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, соғлом оила – соғлом жамият асоси, эртанги кун эгаларининг пойдеворидир.

Ёш оилалар хусусиятлари борасида сўз кетганда, умумий кесимдаги оилани ҳам унутмаслик лозим. Зеро, оилавий қадриятлар негизида, унинг туб пойдеворида “катта оила” туради. Яъни, бобо-буви, ота-она, фарзандлар ва бошқа шакллардаги оилавий муносабатлар. Дунё амалиётига назар

ташланса, оила модели учта асосий турга ажратилади: анъанавий, замонавий ва собиқ иттифоқ давридан кейинги (инновацион) оила . Ушбу моделлар параллел тарзда ҳаракатда бўлиши мумкин, бироқ, яққол ифодаланган тарихий кетма-кетликка эга. Бунда, “Анъанавий оила модели”да эркаклар ва аёлларнинг роли аниқ тақсимланган ва бириктирилган бўлади. Эркак молиявий ресурсларга эга оила бошлиғи ҳамда асосий қарорларни қабул қилувчи ҳисобланади. Шу муносабат билан оила ичидаги ролларнинг бириктирилиши пайдо бўлади. Аёл эркакка бўйсунади, у уй юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Болалар, ўз навбатида, ота-оналарига бўйсунадилар, ҳар қандай оила аъзосининг нуфузи унинг жинсига ва ёшига боғлиқ. Оилавий қадриятлар “ота-оналар – болалар” муносабатлари учун асос ҳисобланади. “Замонавий оила модели”да эса, аёлнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий мақоми ошиши оила ичидаги роллар ва оила ҳаёти меъёрларининг ўзгаришига олиб келади.

Ота-она профессионал карьерасини ва оилавий мажбуриятларини мутаносиб равишда (тенгма-тенг) олиб боради. “Инновацион оила модели” (постсовет макон оилалари)га тўхталадиган бўлсак, ушбу турдаги оила жамиятни ривожлантириш истиқболлари, жаҳон иқтисодиёти талабларига ҳамоҳанг бўлади. Бу, бир томондан асосий маданий қадриятлар ва муносабатларнинг авлодлараро айланишини, бошқа томондан эса оила муаммоларининг алоҳида эмас, балки глобал тарзда намоён бўлишига эътибор қаратиладиган, шунингдек, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш, ин новацион ғояларни яратиш ва амалга оширишга қодир бўлган ёшлар сонини ошириш масъулиятини назарда тутади.

Ҳозирги даврда, олимлар анъанавий, замонавий оила турларини алоҳида ажратиб кўрсатишмоқда. Халқимизга хос бўлган шакл анъанавий оила бўлиб, бу ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида қурилган, оила бошлиғининг юқори обрўси ва ёши катталарни қадрлаш ҳамда фарзандлар ҳақида қайғуриш билан тавсифланадиган бир неча авлодли оиладир.

Оилаларда ўтказилган сўровлар натижалари бўйича Ўзбекистонда оила аъзолари ўртасида муайян бир аниқ иерархия, яъни оила аъзоларининг функциялари ва вазифалари тақсимланиши билан тавсифланадиган оила модели мавжудлиги маълум бўлди. Яъни, оилада етакчи – уйдаги тартиб ҳамда оила аъзолари масъулиятига жавоб берадиган, юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш ва оила бюджетини бошқариш кафолати ҳисобланган оила бошлиғи бор.

Бундай сўровлар натижалари бўйича эркаклар оила аъзолари олдида муайян мажбуриятларга эгалиги маълум бўлди. Хусусан, булар қаторига моддий фаровонлик (респондентларнинг 90 фоизи) ва қониқарли турар-жой шароитлари (47 фоиз), фарзандларга таълим олиш учун имконият яратиш (22 фоиз), фарзандлар тарбиясида иштирок этиш (34 фоиз) киради. Аёлнинг мажбуриятларига эса фарзандлар тарбияси (64 фоиз) ва уларни парваришлаш (55 фоиз), уй хўжалигини юритиш (50 фоиз) ва оилада қулай психологик муҳит учун жавобгарлик (30 фоиз) киради. Шу билан бирга, оилада мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш учун, ўзаро тушуниш, ҳурмат ва сабр-тоқат (61 фоиз), моддий фаровонлик (28 фоиз) ва бошқалар бўлиши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ёш оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг ижобий мувозанати ва уйғунлигини таъминлаш оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Шунингдек, олимларнинг таъкидлашларича , ёш оиланинг мустаҳкамланиб, оёққа туриб кетиши, турли маиший муаммоларни ўзи мустақил ҳал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли қадриятларга нисбатан уйғун қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечирганларини ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Аммо, барибир ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчиликларни бошдан кечирадики, бу муаммолар қуйидаги асосий ҳолатларга боғлиқ тарзда намоён бўлади:

– оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа масалаларни ҳал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги;
– вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги;
– янги шароитда ҳам эркакнинг, ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асабларнинг чарчаши;
– иқтисодий қийинчиликлар.

Охирги ҳолат бир томондан, айни пайтда ёшлардаги орзу-ҳаваснинг кўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-ҳаваслари-ю, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий Ўзбекистонда кундан-кунга ҳаёт ва яшаш шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг бўлишига қарамай, ташқаридан барча маиший муаммолари ҳал бўлган ёш оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу, ўз навбатида, ўша орзу-ҳаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, ёш оилалар олдида таълим-тарбиявий, маънавий, психологик, моддий-иқтисодий, ижтимоий характердаги муаммоли масалалар мавжуд.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни, 2016 йил 15 сентябрь // www.lex.uz.
2. Д.Ташмухамедова, Д.Каримова. Илмий-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: "Yurist-media markazi", 2019. – 128 б.
3. Ўзбекистонда ёш оила (ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида) /Д.Ташмухамедова, Д.Каримова. Илмий-услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: "Yurist-media markazi", 2019. – 7-бет.
4. "Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё". Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. – "Ижтимоий фикр" маркази, 2018.
5. Каримова В.М. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талбалар учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т.: "Fan va texnologiya", 2008. – 75-бет.



**АЛИМОВА ГУЗАЛ,**
*доктор философии (PhD) по экономическим наукам,*
*преподаватель Университета Общественной безопасности*
*Республики Узбекистан*


## УСИЛЕНИЕ РОЛИ ЖЕНЩИНЫ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ - КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ СЕМЬИ


**Аннотация:** *в статье проведен анализ основных задач по гендерному равенству в предпринимательской деятельности, а также определены проблемные аспекты в этом направлении, выделены меры, способствующие вхождению в бизнес женщин, указаны препятствия на пути открытия своего дела, даны рекомендации по активному участию женщин в предпринимательской деятельности в Узбекистане.*



**Ключевые слова:** *личностные качества, проблемы гендерного равенства,* п***ол и гендер,*** *креативное мышление и новаторства, гендерная идентификация*, обучение женщин, жизненные ориентиры, опыт, *самореализация*, пространственные и математические способности.



**Аннотация:** *ушбу мақола тадбиркорлик фаолиятида гендер равнақлигини таҳлили ва муаммоли жиҳатлари, аёлларнинг бизнесга кириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар, шу билан бирга бу йўналишда дуч келадиган тўсиқлар аниқланган. Ўзбекистонда аёлларни тадбиркорликликда фаол иштирокини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.*



**Калит сўзлар:** *шахс, гендер тенглик,жинс ва гендер,креатив фикрлаш ва новаторлик,гендер идентификацияси,хотин-қизлар таълими,ҳаёт йўналиши, тажриба ва мақсадларни амалга ошириш, фазовий ва математик қобилиятлар.*



**Annotation:** *The article analyzes the main objectives for gender equality in business, as well as identify problematic issues in this area, highlighted the measures promoting the entry into the business of women,*

*given the obstacles to starting a business in women given advice on Promoting the active participation of women in business in Uzbekistan.*

**Keywords:** *personality, gender equality, sex and gender, creative thinking and innovation, gender identity, women's education, life guidance, experience, self-realization, spatial and mathematical ability.*

На сегодняшний день одним из наиболее актуальных вопросов в мире является гендерный вопрос. Эта проблема наиболее обсуждаемая не только в научной среде, но и среди обычных обывателей. Повышенное внимание роли женщины в сформировавшейся современной экономической системе интересует и порой даже беспокоит специалистов различных направлений науки. Так, к примеру, экономисты из США ещё в 50-е годы стали активно продвигать теорию, основанную на вовлечении второго члена семьи, то есть женщины в экономическую деятельность. По их мнению, это должно было не только повысить уровень социально-экономического развития семьи, но и стать мощным толчком для развития предпринимательства.

Предпринимательская деятельность долгое время даже в западных странах была в основном мужским занятием, например, 3 из 4 вновь созданных предприятий в Великобритании в 70-80-е годы прошлого века возглавляли мужчины. Традиционно бизнес требовал таких качеств, как воля к победе и стремление к господству.

Однако в последнее время появился спрос и на типичные женские качества - интуицию, открытость к людям, чувство такта и т.д. В силу этих обстоятельств в последние годы на Западе темпы роста численности женщин-предпринимателей в два-три раза выше, чем темпы роста численности предпринимателей-мужчин.

Нужно отметить, что современные социально-экономические процессы, происходящие в Узбекистане, связанные с формированием рыночной экономики, привели к существенному изменению модели занятости. Как показывают многие исследования, в генезисе предпринимательства существенную роль играет ряд социальных факторов - пол, возраст, образование, допредпринимательская карьера, семья, система социальных связей.

Узбекистан, как полноправный член международных экономических отношений, развивается по законам рыночной экономики, где пол, как биологическая категория, не столь важен как личностные качества человека. В этой связи и в нашей стране женское предпринимательство начинает играть все большую роль в рыночной экономике, а также в решении важнейших экономических и социальных задач.

*Постановка основных задач по гендерному равенству в предпринимательской деятельности предполагает определение проблемных аспектов в этом направлении:*

Во-первых, термин «гендер» не всегда полностью понимается общественностью, которая неохотно использует принятые в международной практике термины, относящиеся к неравноправию полов[1].Во многих случаях, слово «гендер» широко рассматривается как синоним слова «женщины», и работа, ориентированная на гендер, зачастую связана с решением социальных вопросов. Таким образом, «проблемы гендерного неравенства преимущественно решаются посредством разработки социальных стратегий, предназначенных для уязвимых групп населения» (в особенности для женщин и девушек), тогда как стратегии, касающиеся таких аспектов как экономическое развитие, финансовые рынки, развитие частного сектора и государственные расходы придерживаются абсолютно гендерно - нейтрального подхода[2,34].

Действительно, поставленная выше проблема требует теоретического осмысления понятия «п**ол и гендер**» в современном мире.

Главная проблема заключается в том, чтобы точно разграничивать понятия **пол игендер**. При употреблении понятия **гендер** (и его производных) речь идет о социальных, культурных, психологических особенностях позиций женщин и мужчин. В отличие от других научных подходов сформированная на базе этого понятия концепция «гендера» рассматривает мужчину и женщину не в «природном», «естественном» качестве, не как биологическое существо, судьба которого предопределена его физиологическими особенностями, а как человека, существа социального, со своим особым статусом, особыми социальными интересами, запросами, потребностями, стратегией социального поведения.

**Пол** же обозначает, в первую очередь, физические, физиологические, биологические различия между мужчинами и женщинами. В этой связи Э.Гидденс справедливо отмечает, что «разграничение **пола** и **гендера** является фундаментальным, так как многие различия между женщиной и мужчиной обуславливаются причинами, не являющимися биологическими по своей природе»[3,153], т.е. грамотность в восприятии «гендерного вопроса» это и есть некое преодоление устоявшихся стереотипов.

Во- вторых, повышение статуса женщины, как неотъемлемое условие экономического развития страны.

Конечно, поставленная проблема является неким историческим наследством, когда устоявшийся стереотип превосходства полов крепко вошел в сознание людей.

В Узбекистане с первых дней обретения независимости и по сей день, проделана объёмная работа в этом направлении. *Сегодня растущий уровень политической и правовой культуры женщин, их общественной активности в нашей стране можно наблюдать во всех звеньях государственного и общественного управления, в судебно-правовой системе, в деятельности негосударственных организ*аций, социальных структур, во всех сферах и отраслях жизни нашего общества в целом.

«Несмотря на традиции и восточный уклад жизни, женщины в политике Узбекистана играют все большую роль. Так, в нашей республике на сегодняшний день насчитывается 17 женщин-сенаторов, 15 депутатов законодательной палаты, 15 героев Узбекистана, шесть академиков и 514 докторов наук. Кроме того, представительницы прекрасного пола составляют 23% от численности депутатов местных кенгашей»[5].

В -третьих, доминирование мужчин в предпринимательской деятельности.

Доминирование мужчин в предпринимательской деятельности- проблематика, которая зачастую связана с региональными традициями и обычаями, которые устанавливают границы обязанностей обоих полов.По данным Ассоциации деловых женщин Узбекистана «Тадбиркор аёл», в нашей стране насчитывается более 120 тысяч женщин-предпринимателей. [5].

В- четвертых, большинство женщин – предпринимателей занимаются мелкомасштабным производством товаров широкого потребления, розничной торговлей или оказанием профессиональных услуг (часто в здравоохранении и образовании). Предприятия, которыми руководят женщины, обычно имеют вид неформального надомного производства. В частности, в сельских регионах женский бизнес представляет собой преимущественно малые и микро-предприятия, и женщины занимаются сельскохозяйственным производством ( фруктов, овощей, цветов, домашнего скота и птицы), ремеслами и изготовлением сувениров, пошивом одежды, выпечкой и изготовлением сладостей и т.д. Предрасположенность к преимущественно женским видам предпринимательской деятельности, непосредственно связана с психологией поведения сформировавшихся на основе устоявшихся стереотипов.

В- пятых, установление жестких стереотипов в воспитании девочек оказывает негативное влияние на их креативное мышление и новаторство.

Уже в 3 года дети с уверенностью относят себя к мужскому или женскому полу (гендерная идентифик*ация).* В это время они начинают замечать, что мужчины и женщины стараются по-разному выглядеть, занимаются разной деятельностью и интересуются разными вещами. Часто взрослые непреднамеренно стимулируют гендерную идентификацию, выбирая одежду определённого цвета и стиля для девочек и мальчиков, даже стрижки. Длинные волосы зачастую идентифицируют ребёнка как девочку, даже игрушки девочек отличаются от игрушек мальчиков.

Есть все основания полагать, что в процессе дифференциальной социализации очень велика роль детских игрушек. Согласно проведенным исследованиям, игрушки и игры помогают девочкам практиковаться в тех видах деятельности, которые касаются подготовки к материнству и ведению домашнего хозяйства, развивают умение общаться и навыки сотрудничества. Совсем иначе дело обстоит у мальчиков: игрушки и игры побуждают их к изобретательству, преобразованию окружающего мира, помогают развить навыки, которые позже лягут в основу пространственных и математических способностей, поощряют независимое, соревновательное и лидерское поведение. [4,29]

Развитие у девочек предпринимательских качеств предполагает наличие неординарного

мышления и уверенности в свои силы и возможности. Участие женщин в предпринимательской деятельности в научных кругах является малоисследованным направлением оценки статуса женщин в сфере занятости.

Здесь следует отметить мотивы, способствующие вхождению в бизнес: возможность получения дополнительного заработка, потребность реализовать себя в бизнесе, независимость от работодателя, потребность в творчестве, желание совмещать работу и заботу о семье.

Препятствия на пути открытия своего дела у женщин во многих случаях- это отсутствие первоначального капитала, страх банкротства и финансовых обязательств, по которым они не смогут ответить, нехватка знаний в области финансовых стратегий, оформлении отчетности и управления; отсутствие опыта; недостаток информации об успешных женщинах предпринимательницах; отсутствие соответствующего образования.

В результате проведенного анализа нами разработаны следующие рекоменд*аци*и по способствованию активного участия женщин в предпринимательской деятельности:

1. Организация через центры занятости обучения женщин на базе вузов, где необходимо создать базовую программу «Основы индивидуального предпринимательства для женщин ».

2.Повышение пропаганды в СМИ успехов женщин- предпринимательниц.

3. Формирование позитивного образа деловой женщины.

4.Организация через фонды поддержки малого и среднего бизнеса «бизнес-инкубаторов» для начинающих предпринимательниц.

5. По прогрессивному принципу продолжить выделение на конкурсной основе целевых (адресных) грантов для развития женского предпринимательства.

На сегодняшний день перед обществом и государством существует ряд задач, которые должны быть решены, но уже сейчас можно сделать вывод, что становление и развитие рыночных отношений изменило жизненные ориентиры многих женщин. Предпринимательство для женщин - это один из способов адаптации к новым условиям. Несмотря на трудности, многие женщины смогли обрести уверенность в себе и своих силах, освоить новую для себя роль предпринимателя.

**Список использованной литературы:**


1. Союз неправительственных организаций Узбекистана по правам женщин. 2009. Независимый отчет.
2. Европейская экономическая комиссия ООН (ЮНЕКЕ). 2008. *Стратегия достижения гендерного равенства в экономических стратегиях для достижения целей развития тысячелетия в Центральной Азии*. Женева. С.34.
3. Гидденс Э. Социология. М. 1999 С. 153.
4. Берн Ш. Гендерная психология. — СПб.: ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК, 2002. — 219 с.
5. https://uz.sputniknews.ru/analytics
6. https://gtn.uz/news/politika.



**E.A. NURMATOV**
*Toshkent Arxitektura qurilish instituti o'qituvchisi*


## MAKTABDA CHIZMACHILIKNI O'QITISHDA HAMKORLIK PEDAGOGIKASINING O'RNI

Chizmachilik fani o'quvchilarning fazoviy tasavvurini rivojlantirishga, texnika va turmushda duch keladigan chizmalarni mustaqil o'qiy olishga, konstruktorlikka oid ko'nikmaning shakllanishiga, estetik didi o'sishiga, yangi texnika vositalari bilan "tillasha" olishiga xizmat qiladi. Biroq chizmachilik fani o'quvchilarning o'tish davrida, ya'ni 8-9 sinflarda o'qitiladi. O'quvchi chizmachilik fanidan to'laqonli bilim, ko'nikma va malakaga ega bo'lishi uchun darslarni an'anaviy o'qitish metodi bilan birgalikda ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilish lozim bo'ladi.

Shuning uchun ushbu maqolada zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalardan chizmachilik fanini o‘qitishda o‘rinli foydalanish imkoniyatlari ishlab chiqilgan.

Hamkorlik pedagogikasi fan sifatida o‘quvchilarning mavzuni chuqur o‘rganishlari uchun eng samarali tamoyil, shakl, metod va vositalarni tadqiq qiladi. Eng asosiysi o‘quv jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasida o‘zaro hurmatni, do‘stlar bilan birgalikda ishlash ko‘nikmasini rivojlantirishga tayanadi. Hamkorlikda o‘qitish texnologiyasida guruh o‘quvchilari kichik guruhchalarga bo‘linadi.

Hamkorlikda o‘qitish g‘oyasi didaktikada dastlab, Buyuk Britaniya, Kanada, Avstraliya, Niderlandiya, Germaniya Federativ Respublikasi, Yaponiya, Amerika Qo‘shma Shtatlari, Isroil kabi mamlakatlarning ta’lim muassasalarida keng ko‘lamda sinala boshlandi, Ushbu hamkorlkda o‘qitish texnologiyasi turli mamlakatlarda turli yillarda rivojlantira boshlangan. Masalan, AQSh da dastlab Kaliforniya universiteti professori J. Arnson tomonidan joriy etilgan. Professorlar R. Jonson, D. Jonsonlar va Isroildagi Tel-Aviv universiteti professori Sh. Sheron tomonidan ishlab chiqilgan.

Hamkorlikda o‘qitishning asosiy g‘oyasi — o‘quv topshiriqlarni nafaqat birgalikda bajarish, balki hamkorlikda o‘gish — o‘rganishdir.

Hamkorlikda o‘qitish texnologiyasida o‘quvchilarni hamkorlikda o‘qitishni tashkil qilishning bir nechta metodiari mavjud. Ular:

1. Komandada o’qitish metodi.
2. Kichik guruhlarda hamkorlikda o‘qitish metodi.
3. Hamkorlikda o‘gitishning “Zigzak” yoki “Arta” metodi.
4. Hamkorlikda o‘qitishning “Birgalikda o‘qiymiz” metodi.
5. Kichik guruhlarga ijodiy izlanishni tashkil etish metodi.

Ushbu maqolada “Chizmalarning hozirgi zamon ko‘rinishlarigacha bo‘lgan davrlarda qanday rivojlanganligi” mavzusidagi darsni “Komandada o‘qitish metodi” yordamida tashkil gilish keltiriladi,

Komandada o‘qitish metodi professor R. Savin tomonidan ishlab chigilgan. Bu metodda sinf o‘quvchilaridan teng sonli ikkita komanda tuziladi. Har ikkala komanda bir xil topshiriqni bajaradi. Komanda a’zolari o‘quv topshiriqlarini hamkorlikda bajaradi. Har bir o‘quvchi maqsadni mavzudan ko‘zda tutilgan bilim, ko‘nikma va malakalarni o‘zlashtirishga qaratadi.

Dastlab o‘tiladigan darsning borishi loyihalanadi, so‘ngra o‘quvchilarning o‘zlashtirilgan bilimlarini aniqlash maqsadida test savollari tuzib chiqiladi.

*Darsning loyihasi:*

1. Tashkiliy qism.
2. O‘tilgan mavzu yuzasidan o‘quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash.
3. O‘quvchilarni dars mavzusi, maqsadi va uni borishi bilan tanishtirish.
4. Yangi mavzuni o‘rganish.

a)o‘quvchilarni komandalarga ajratib, guruhlar tashkil etish va har bir komanda_a’zolari tomonidan belgilangan o‘quv topshiriqlarni mustagil ravishda sifatli bajarishiga erishish:

b) o‘quv materialining yaxlit holda ishlab chiqilishini amalga oshirish.

5. Mavzu yuzasidan komandalar o‘rtasida savol-javob va oquv bahsi uyushtirish.
6. O‘quvchilar bilimini test savollari yordamida nazorat qilish va baholash.
7. Mavzuni gayta ishlash va yakunlash.
8. Uyga vazifa berish.

Komandalarda o‘zlashtiriladigan mavzu: “Chizmalarning hozirgi zamon ko‘rinishlarigacha bo‘lgan davrlarda qanday rivojlanganligi”

Quyida mavzu bo‘yicha komandalar uchun tuzilgan topshiriqlardan namuna keltiriladi.

| № | O‘quvchilar o‘zlashtirishi lozim bo‘ladigan materiallarga savollar | Topshiriqni bajarish uchun ko‘rsatmalar |
|---|---|---|
| Darslikdagi matnni diqqat bilan o‘qib, quyidagi savollarga javob tayyorlash | | O‘quvchilar guruhi bilan hamkorlikda ishlash |
| 1 | O‘zbekiston arxeologlari tomonidan olib borilgan qazilmalarda eramizdan oldingi I-II asrlarga tegishli odamning olddan va yondan ko‘rinishi tasviri qayerdan topilgan? | |
| 2 | VI-VII asrlarga taalluqli kumush idishda nimaning tasviri chizilgan? | |
| 3 | Abu Rayhon Beruniy tomonidan shar ichida qanday muntazam ko‘pyoqliklarni yasash mumkinligi isbotlangan? | |
| 4 | Al -Xorazmiy qaysi yunon olimining ijodidagi masalalarning aniq emasligini chizmalar orqali isbotlab bergan? | |
| 5 | Abu Nasr Farobiy o‘zgarmas pargor yordamida qanday masalalarni yechishga erishgan? | |
| 6 | Abu Rayhon Beruniy zamonaviy ortogonal proyeksiyalash usuli to‘g‘risida ganday fikrni isbotlab bergan? | |
| 7 | Abu Ali ibn Sino “Aqllar me’yori” asarida qanday mexanik (mexanizm) asboblarning chizmalarini chizib ko‘rsatgan? | Barcha savollar bo‘yicha o‘z isbotlashga urining. |
| 8 | Musavvir K.Behzod asarlari qanday zamonaviy proyeksiyalash usuliga fikringizni asoslangan? | |
| 9 | O‘rta asrlarda O‘rta Osiyoda buyuk olimlarimiz barcha fanlar sohasida katta yutuqlarga erishishgan. Ular o‘z asarlaridagi chizmalarni qanday chizish asboblaridan foydalanib chizishgan? | |
| 10 | Noma’lum buxorolik ustaning qanday chizmasi saqlanib golgan? | |
| 11 | Iroqi muqarnas kapitelli ustunning chizmasi bilan nima qo‘shib tasvirlangan? | |
| 12 | XV asrga kelib feodalizm tugatilib, dunyo savdosi rivojlanadi. Texnika taraqqiyot etishga turtki bo‘ldi. Bu “Uyg‘onish” davri qayerda boshlanib qayerda rivojlangan? | |
| 13 | Nimalar asosida o‘tmishimiz haqida toliq ma’lumot olinadi? | |
| 14 | XVIII asrgacha bo‘lgan qaysi ma’lumotlar asosida Monj qanday kitob yaratgan? | O‘quvchilar jamoasi bilan o‘tkaziladigan savol-javobda faol ishtirok eting. |
| 15 | Rossiyada chizilgan chizmalarda nimalar qo‘llanilgan? Qachon? O‘sha davrlardagi chizmachilikka oid ma’lumotlarni umumlashtiring va ularni tahlil qilib o‘z fikringizni bildirishga harakat qiling. | |

Shu tartibda o‘quv topshiriqlari mavzulari tuzib chiqiladi.

O‘quvchilarning o‘zlashtirgan bilimlarini nazorat qilish maqsadida yuqorida qayd etilgan mavzulardan foydalanilgan holda test savollari tavsiya etiladi. Shu boisdan, bu yerda test savollarini tuzish namunasi beriladi.

Chizmachilik fanidagi boshqa mavzularni ham hamkorlikda o‘qitish texnologiyasining “Komandada o‘qitish metodi” yordamida tashkil qilish mumkin. Ushbu metoddan foydalanish natijasida o‘quvchilar o‘rtasida hamkorlik hissi shakllanadi, o‘quvchining mustaqil fikr bildirishiga va uni himoya qilishiga sharoit

yaratiladi, o‘zaro suhbat va diskussiya (tortishuv) o‘tkazish madaniyati rivojlanadi. Eng asosiysi o‘quvchi mavzu bo‘yicha yetarli bilim, ko‘nikmaga ega bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Ro ‘ziyev E. 1, Ashirboyev A. O. Muhandislik grafikasini o‘qitish metodikasi. -T., Fan va texnologiya, 2010.
2. Rahmonov I., Valiyev A., Valiyeva B. Muhandislik grafikasi fanini o‘qitishning zamonaviy texnologiyalari. —T., “TDPU rizografi”, 2013.
3. Azizxodjayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. —T., Adabiyot jamg‘armasi, 2006.
4. Becnanoxo B. IT. Meyaroruka u nporpeccuBuble TexHonoruu o6yyenns. —M., 1995.



**N.U.NURMATOVA**
*Nizomiy nomidagi TDPU Ijtimoiy pedagogika kafedrasi o’qituvchisi*


## O’QUVCHI-QIZLAR IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA MEHNAT TARBIYASININ TUTGAN O’RNI


**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada o‘quvchi-qizlarni ijtimoiy faolligini oshirish dolzarb ijtimoiy pedagogik muammo sifatida tahlil etilgan. O‘quvchi-qizlarni ijtimoiy-faolligini oshirishda mehnat tarbiyasining o‘rni, mutafakkirlari asarlaridagi fikrlarning tarbiyaviy ahamiyati yoritib berilgan.*



**Tayanch so‘zlar:** *ijtimoiy faollik, mehnat tarbiyasi, kasb hunar, qobiliyat, qiziqish, hurmat, imkoniyatlar, dunyoqarash.*



**Аннотация:** *В статье повышение социальной активности студенток анализируется как актуальная социально-педагогическая проблема. Подчеркивается роль трудового воспитания в повыщении социальной активности студентов, воспитательная ценность идей в произведениях мыслителей.*



**Ключевые слова:** *социальная активность, трудовое воспитание, профессия, способности, интерес, уважение, возможность, мировоззрение.*



**Annotation:** *In the article, the increase in the social activity of female students is analyzed as an urgent social and pedagogical problem. The role of labor education in increasing the social activity of students, the educational value of ideas in the works of thinkers is emphasized.*



**Key words:** *social activity, labor education, profession, abilities, interest, respect, opportunity, worldview.*


Mamlakatimizda xotin-qizlarga katta e’tibor qaratilmoqda, ularning jamiyatimizning turli sohalarida faol ishtirok etishlari uchun barcha sharoitlar yaratilmoqda. Ayollarga bo’lgan e’tibor o‘z tarixiy ildizlariga ega, ajdodlarimiz doimo ayollarni qadrlashga, ularga nisbatan hurmat va izzatda bo‘lishga da’vat etishgan. Respublikamiz BMTning “Xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning barcha shakllarini yo‘q qilish haqida”gi Konvensiyasi, Xalqaro mehnat tashkilotining “Onalikni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi, “Mehnat va mashg‘ulotlar sohasidagi kamsitishlar to‘g‘risida”gi Konvensiyalariga MDH davlatlari orasidan birinchilar qatorida qo‘shildi. Bu hujjatlar xotin-qizlar manfaatlarini muhofaza qilish, ularning oila va umuman jamiyatdagi mavqeini mustahkamlashga qaratilgan me’yoriy-huquqiy hujjatlar kompleksining tarkibiy qismidir.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasida: “Xotin-qizlarning jamiyat hayotidagi o‘rni va nufuzini oshirish ularga yangi imkoniyatlar yaratish bo‘yicha navbatdagi qadam sifatida hayotni va ayollar muammolarini yaxshi biladigan, faol va tashabbuskor opa-

singillarimizdan iborat Respublika Xotin-qizlar jamoatchilik kengashini tashkil etishni taklif qilaman[37]” – deb ta’kidlab o’tganlar.

Shu o’rinda o’quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri bo’lib qolmoqda. Ular ijtimioiy folligining darajasi ertangi kun taraqqiyotini belgilab berishi munosabati bilan mazkur masala tobora global va dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O’quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirishda mehnat tarbiyasining o’rni benihoya katta hisoblanadi.

Mehnat - insonning maqsadga yo‘naltirilgan faoliyati bo’lib, hayot kechirishining asosiy shartidir. Mehnat tufayli inson o’zining moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini amalga oshiradi. Insonninng o‘zi esa mehnatkash bo’lib, u tufayli o’zining iste’dodi, qobiliyati, layoqatini namoyon etadi. Mehnat jarayonida insonning dunyoqarashi kengayib, bilim saviyasi oshib, o’z-o’zini jismoniy va ma’naviy jihatdan shakllantirib boradi.

O’quvchi-qizlar faoliyatining asosiy turi bu mehnat, atrof-muhitni o‘zlashtirish, biror narsani bajarish orqali orqali ham ijtimoiy, ham shaxsiy ehtiyojlarini qondiradi va o’z-o’ziga hizmat ko’rsata oladi. Shuning uchun o’quvchi qizlar ijtimoiy faolligini oshirishda mehnatga katta e’tibor bilan qaraladi. Mehnat yoshlar uchun ham zaruriyat, ham burch bo’lishi, buning uchun uyda ham, o‘quv yurtlarida ham mehnat qilish uchun sharoitlar yaratish lozim. Agar o’quvchi-qizlar kichikligidan mehnat qilishga o‘rgatilsa, o’yindan mehnat qilishga hech bir qiyinchiliklarsiz o‘tadi. O’quvchi-qizlar ijtimoiy faolligini oshirishda mehnat tarbiyasi uni har tomonlama rivojlantirishning ajralmas qismidir. Shuningdek uning har tomonlama shakllantirish vositasi, uning shaxs sifatida ulg‘ayish omili hamdir. Buyuk ajdodlarimiz mehnat tarbiyasi to‘g‘risida to‘xtalib, qimmatli fikrlarini bildirib o‘tishgan. Masalan, Abdurahmon Jomiy: «Oltin topmaginu o‘rgangin hunar, hunarning oldida xasdir oltin-zar», - degan fikrlaridan biz ko’rishimiz muminki, kasb-hunar oltindan ham yuqori turishini va albatta kasb-hunarli bo’lish lozimligini ta’kidlab o’tgan bo’lsalar.

Mutafakkirlarimizdan Alisher Navoiy: «Umrni zoye etma, mehnat qil, mehnatni saodatning kaliti bil” - deydilar. Ya’ni,ular dangasalikni qoralab jamiyatda har doim faol bo’lish lozimligini va mehnat qilish lozimligini ko’rsatib berganalar. Mehnatsevarlik fazilatlari orqali shaxs kamolotga erishishi mumkinligini targ’ib qilgan.

Fransuz adibi Anatol Franc: «Eng yaxshi axloqiy va estetik dori — mehnat», - degan fikrni ilgari suradi. Ular mehnatni eng yaxshi estetik va axloqiy dori sifatida ko’radilar va o’quvchi qizlar tarbiyasida mehnatning naqadar muhimligini alohida ko’rsatib berganlar.

Qizlarga berilgan yengil va oson mehnat tarbiyasi ularni zeriktirgani kabi ularning imkoniyatlaridan og‘ir topshiriqlar ularni bezdirishi mumkin. Mehnat tarbiyasini amalga oshirishda tizimlilik va institutizom bo‘lishiga qat’iy amal qilinishi joiz. Aks holda, har qanday qobiliyatli ular ham yetarlicha Mehnat tarbiyasi ololmasligi mumkin. Mehnat tarbiyasi uchun maktab davri eng qulay fursatdir. Birinchi navbatda, o‘qish jarayonining o‘zi og‘ir aqliy jismoniy mehnat hisoblanadi. Maktabga o‘z vaqtida kelib-ketish, o‘qish-yozishni o‘rganish, berilgan bilimlarni egallash uchun o‘quvchilarga mehnat tarbiyasi berilgan bo‘lishi kerak. Chunki o‘quv topshiriqlarini bajarish, dars o‘zlashtirish, o‘tilganlarni takrorlash, yozma ishlar bajarish, kerakli matnlarni yodlash, ko‘chirmalar olish, lug‘atlar bilan ishlay olishi uchun o‘quvchi muayyan institutizomga rioya etishi, tashkilotchilik qobiliyati va ishchanlik xususiyatiga ega bo‘lishi, ishning ko‘zini bilishi kerak. Mehnat tarbiyasida, avval aytilganidek, mehnat ta’limi va kasbga yo‘naltirish jarayonlarining ham o‘rni katta. Shuningdek, mehnat ta’limi imkon qadar xilma-xil bo‘lishi hamda o‘quvchilarning aqliy, jismoniy imkoniyatlari va jinsiy xususiyatlariga muvofiq kelishi zarur. Har bir inson u yoki bu kasbini yoki bir necha kasb - hunami egallashi mumkin. Aynan manashuning uchun ham mehnat tarbiyasini o’quvchi-qizlarga yoshlik chog’idan boshlab berib borish zarur.

Yoshlikda puxta egallagan hunar, mehnat malakalari inson umrining oxirigacha rohat — farog‘atda turmush kechirishning garovi hisoblanadi. «Hunarmandning noni butun», « Qunt bilan o’rgan hunar, hunardan rizqing unar», “Hunar bo’lsa qo’lingda, non topilar yo’lingda”, “Hunar — zar, hunarsiz — xar”, kabi maqollarda ham rizq-nasibaning butunligi hunar orqasidan bo’lishiga ishora etiladi. Hunar shunchalik katta, mangu boylikki, uni o’g’irlash ham, yondirish ham yo’q qilish ham mumkin emas. O’quvchi-qizlarning kasb-hunar egallashlari, mehnatsevar bo‘lib tarbiyalashlarida ustoz shogird an’analariga rioya etmoq zarur.

---

[37] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаати. https:/president.uz/uz/lists/view/3324.

Chunki ustoz ko'rmagan hunarmandning ishida unum bo'lmaydi. Shuning uchun ham o'quvchi-qizlarning hunar egallashlari uchun barcha shart-sharoitlarlar yaratish va ularga ta'lim va tarbiya berish bilan birga turli hil hunarlarni yoshlogida o'rgatish uchun turli to'garaklarga yoki hunarmandlarga shogirdlikka berish maqsadga muvofiqdir. O'quvchi-qizlarga asosan to'quvchilik, pazandachilik, tikuvchilik va boshqa hunarlarni shu jumladan biznes, kompyuter grafikasi va chet tillarini ham muntazam o'rgatib borish bugungi kunning talabi bo'lib qolmoqda. Bu kabi kasb hunarlarni o'quvchi-qizlarga yoshligidan o'rgatib borish orqali ularda o'ziga ishonch tuyg'usi shakillanadi, mustqil fikrlashga o'rgatamiz, kelajakda o'quvchi-qizlar o'zlarini moddiy tomondan taminlay olishlarida ham katta yordam beradi va albatta ularning ijtimoiy faolligi oshadi.

Hayotda ba'zi shunday ota-onalar ham uchraydiki, farzandning mayli, qobiliyati, qiziqishini hisobga olmasdan, uni o'zlari ma'qul ko'rgan kasbni egallashga majbur qiladilar. Ayniqsa, bu holat mustabid tuzumda tabiiy holga aylanib qolgan edi. Ota-ona farzandni kasb-hunar bilim yurtlarida, ota-bobolarining hunarmandchilik kasblarini o'rganishlariga yo'l qo'ymas, balki keyinchalik «yog'li joylarda» ishlashi mumkin bo'lgan, oliy ma'lumot olgunicha qo'llab, suyab yuradigan tanish-bilish, oshna-og'aynisi bo'lgan oliy o'quv yurtlariga majburan kiritgan. Natijada, oliy dargohni xohishsiz, qiziqishsiz bitirgan mutaxassis o'z kasbi bo'yicha chuqur bilimsiz, layoqaциз bo'lib, ota-ona hurmati uchun shunchaki mehnat qiladi yoki umuman boshqa soha bo'yicha ishlaydi. U qilgan mehnatida unum va sifat bo'lmaydi. Bunday mutaxassisdan jamiyat ham, oila ham manfaat ko'rmaydi. Hunarning yaxshi yomoni bo'lmaydi, muhimi tanlangan kasb hunarga mehr-muhabbat qo'yishdir, uning sir-asrorlarini chuqur o'rganishga intilishdir. Ota-onaning boyligi, mansabi hech kimga hech qachon vafo qilmagan. Boshga musibat tushganda, turmushda qiyinchiliklarga duch kelganda uni faqat qo'lidagi hunari mehnati asrab qoladi. Yalqovlik shon-shuhrat ketidan quvish, ishsizlik shoshma-shosharlik bir ishni tugatish, tadbirsizlik, dangasalik, mehnat madaniyatiga rioya etmaslik-hunarmandlik, mehnatsevarlik kushandasidir.

Xulosa qilib aytganda o'quvchi-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirishda mehnat tarbiyasining va albatta o'quvchi-qizlarni to'g'ri kasb-hunarga yo'naltirish muhum ahamiyatga ega. Zero, kasb-hunar inson hayotining gultojidir, oila va jamiyat farovonligining asosidir. Buni har bir yosh ongiga singdirish, ota-onaning, hunarmand ustozlarning vazifasidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. Xotin-qizlar ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish – mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning muhim omili.mavzusida respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to'plami. 26 fevral 2019 yil.
2. O.Hasanboyeva, D.Xoliqov, Rocc Kemibell, Sh.K.Toshpo'latova, M.Sh.Nurmatova. Oila pedagogikasi. T.: Nizomiy nomidagi TDPU nashriyoti, 2005.
3. A.SH. Muxsieva. Oila pedagogikasi. –T.: Nizomiy nomli TDPU nashriyoti, 2017y.
4. https://uz.wikipedia.org/wiki/Mehnat_tarbiyasi.



**QORIYEV ABDUMALIK UBAYDULLAYEVICH,**
*Namangan viloyati XTXQTMOHM o'qituvchisi*


## OILADA TA'LIM OLISH HUQUQINING "TA'LIM TO'G'RISIDA"GI QONUNDA MUSTAHKAMLANISHI


**Annotatsiya:** *ushbu maqolada oilada ta'lim olish huquqining qonuniy asoslari yoritilgan bo'lib, unda "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda oilada mustaqil bilim olishni huquqiy jihatlari ochib berilgan.*



**Kalit so'zlar.** *Oila, "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, pedagog, oilada ta'lim, mustaqil ta'lim, ota-ona, eksternat, qonuniy vakil*



**Аннотация:** *в этой статье освещаются правовые основы права на семейное образование, а в Законе об образовании излагаются правовые аспекты самостоятельное обучение в семье.*



**Ключевые слова.** *Семья, Закон об образовании, педагог, воспитание в семье, самообразование, родители, экстернат, законний представитель*

**Annotation:** *this article outlines the legal basis for the right to family education, and the Law on Education sets out the legal aspects of independent family education.*
**Keywords:** *Family, Law on Education, Teacher, Family Education, Independent Education, Parent, External, Legal Representative*

Ta'lim tizimi har bir davlatni kelajagini belgilab beradigan eng muhim tizim hisoblanadi. Ushbu masalani yaxshi tushungan davlatimiz rahbari, ta'limni rivojlantirish uchun bir qator chora tadbirlarni belgilab berdi. Prezidentimiz tomonidan so'nggi yillarda so'zlanayotgan ma'ruzalarda, tasdiqlanayotgan qonunlarda, qabul qilinayotgan Farmon va Qarorlarda mamlakatimiz ta'limini yangi bosqichga ko'tarish va uni yuksaltirish g'oyasi asosiy masala hisoblanmoqda. Ushbu g'oyani amalga oshirish uchun 2020 yil 23 sentyabrda yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun qabul qilindi. Ushbu Qonun avvalgi 1997 yilda tasdiqlangan Qonundan ko'ra kengroq yoritilgan hamda ta'limni har bir bo'g'iniga izchil to'xtalib o'tilgan.

Yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda jamiyatimizni asosi bo'lmish oilani ta'limda qanday ahamiyat kasb etishini o'rganish hozirgi kundagi dolzarb masalalardan biridir.

"Ta'lim to'g'risida"gi Qonunga ko'ra ta'lim oluvchilar, pedagog xodimlar hamda voyaga yetmagan ta'lim oluvchilarning ota-onalari yoki boshqa qonuniy vakillari ta'lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilari hisoblanadi. Ta'lim tarbiyani ishtirokchisi sifatida nafaqat o'quvchilar balki ularni ota-onalari ham ishtirokchi ekanligi nazarda tutilmoqda. Ya'ni o'quvchilarni sifatli ta'lim va tarbiya olishida ota-onani roli muhim ekanligi Qonunda asoslantirib qo'yilgan.

"Ta'lim to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasida ta'lim olish huquqi berilgan, unda bir nechta huquqlar qatori oilada yoki mustaqil o'qish orqali ta'lim olgan fuqarolarga, shuningdek umumiy o'rta ta'lim olmagan shaxslarga akkreditaцияdan o'tgan davlat ta'lim muassasalarida eksternat tartibida attestaцияdan o'tish huquqini berilishi ham keltirilgan. Bundan shunday xulosa chiqadiki o'quvchilar oilada mustaqil bilim olish huquqiga egaligi, mustaqil bilim olgach eksternat tartibida sinovdan o'tish mumkin ekanligini Qonun bilan belgilab qo'yildi.

Qonunning 15-moddasida ta'lim olish shakllari berilgan bo'lib, unga ko'ra "Oilada ta'lim olish va mustaqil ta'lim olish" shakli ilk marotaba huquqiy asosga ega bo'ldi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunning 18-moddasi "Oilada ta'lim olish va mustaqil ta'lim olish" shakliga to'xtalib o'tilgan bo'lib, unda "Davlat oilada ta'lim olishga va mustaqil ta'lim olishga ko'maklashadi. Bolalarning oilada ta'lim olishi va mustaqil ta'lim olish uslubiy va maslahat yordami ko'rsatilgan holda tegishli o'quv dasturlari bo'yicha amalga oshiriladi. Oilada ta'lim olish va mustaqil ta'lim olish tartibi, shuningdek, ta'lim oluvchilarning toifalari ta'lim sohasidagi vakolatli davlat boshqaruvi organlari tomonidan belgilanadi. Oilada ta'lim olish bolalar, oila, davlat va jamiyat manfaatlarini hisobga olgan holda davlat ta'lim muassasasi hamda ta'lim oluvchilarning ota-onasi yoki boshqa qonuniy vakillari o'rtasidagi shartnoma asosida amalga oshiriladi. Mustaqil ta'lim olish yakka tartibda amalga oshiriladi hamda ta'lim oluvchilarni kasbiy, intellektual, ma'naviy va madaniy rivojlantirishga xizmat qiladi. Oilada ta'lim olgan va mustaqil ta'lim olgan shaxslarga davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta'lim to'g'risidagi hujjatni berish davlat ta'lim muassasalarining tasdiqlangan o'quv dasturiga muvofiq eksternat tartibida amalga oshiriladi" deya izoh berilgan. Bir so'z bilan aytganda Oilada ta'lim olish qanday tartibda bo'lishi kerakligi haqidagi savol yangi tahrirdagi Qonun orqali o'z yechimini topgan. Shuningdek, Eksternat tartibidagi ta'lim olishni tashkil etish tartibi albatta O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi.

Qonunning 29-moddasida yana bir yangilik ham keltirilgan. Unda Ta'lim tashkilotlarining huquqiy maqomi sifatida Oilaviy nodavlat maktabgacha ta'lim tashkiloti shaklidagi ta'lim xizmatlari ko'rsatish mumkinligi ham ta'kidlab o'tilgan.

40-modda Ta'lim to'g'risidagi hujjat deb nomlangan bo'lib unda, bitiruvchilarga davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta'lim to'g'risidagi hujjat (shahodatnoma, diplom, sertifikat, guvohnoma) berilishi haqidagi masala keltirilgan. Ushbu moddada Davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta'lim to'g'risidagi hujjat oilada ta'lim olgan yoki mustaqil ta'lim olgan hamda akkreditaцияa qilingan davlat ta'lim muassasalarining tegishli o'quv dasturlari bo'yicha eksternat tartibida yakuniy va davlat attestaцияsidan o'tgan shaxslarga ham berilishi kerakligi bayon etilgan.

Qonunning 51-moddasida Voyaga yetmagan ta'lim oluvchilar ota-onasining hamda boshqa qonuniy vakillarining huquq va majburiyatlari berilgan. Unga ko'ra Voyaga yetmagan ta'lim oluvchilarning ota-

onasi va boshqa qonuniy vakillari jismoniy, aqliy, sensor (sezgi) yoki ruhiy nuqsonlari bo‘lgan bolalarga, shuningdek uzoq vaqt davolanishga muhtoj bo‘lgan bolalarga oilada ta’lim olish imkoniyatini berish, oilada ta’lim olayotgan bolaning fikrini inobatga olgan holda uning o‘qishini ta’limning har qanday bosqichida ta’lim tashkilotida davom ettirish to‘g‘risida qaror qabul qilish kabi huquqlarga ega ekanligini; o‘z bolalarini insonparvarlik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik, ma’naviy, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni hurmat qilish ruhida tarbiyalashi, ta’lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilarining sha’ni va qadr-qimmatini hurmat qilishi kabi majburiyatlarga ega ekanligini ko‘rish mumkin.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, o‘quvchilar va o‘qituvchilarni huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini oshirish, avvalo oiladan boshlanadi. Chunki, oilada ota-ona yoki qonuniy vakil tarbiya jarayonida qonun qoidalarga amal qilib bolaga to‘g‘ri o‘rnak bo‘lsa, bolalar albatta uni jamiyatda ijobiy jihatlarini namoyon qiladilar. Ota-onalar tomonidan Ta’lim to‘g‘risidagi Qonun har tomonlama o‘rganib chiqilsa va unga amal qilinsa, unda berilgan huquqlardan unumli foydalanib majburiyatlar bajarilsa, o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtiriladigan bilimlar bundanda samarali bo‘ladi hamda yaqin kelajakda o‘z mevasini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni “Ta’lim to‘g‘risida”. 2020 yil 23 sentyabr. https://lex.uz/docs/-5013007

**ROZIQOVA GULCHEHRA**
*Samarqand Davlat Universiteti*
*“Maktabgacha ta’lim pedagogikasi va psixologiyasi” kafedrasi o’qituvchisi*

## MAKTABGACHA TA’LIM MUASSASALARIDA OILA BILAN OLIB BORILADIGAN ISHLAR

**Annotatsiya:** *ushbu maqolada jamiyatimizda dolzarb muammolardan biri hisoblangan yoshlar ongida milliy va an’anaviy tarbiyani singdirish islohatlarini dastlabki bo’g’ini hisoblangan ota-onanig hamda maktabgacha ta’lim muassisaning o’rni qanchalik ahamiyatli ekanligi haqida yoritishga harakat qilindi. Maqolada oilaning roli muhimdir.*
**Kalit so’zlar:** *ota-ona, maktabgacha ta’lim muassasi, ta’lim-tarbiy*

**Аннотация:** *в статье обсуждаются реформы по внедрению национального и традиционного образования в сознание молодежи, что является одной из самых актуальных проблем в нашем обществе. Сделана попытка пролить свет на важность роли родителя и дошкольного учреждения, которое является первичным звеном. В статье важна роль семьи.*
**Ключевые слова:** *родители, дошкольное учреждение, образование.*

**Annotation:** *this article discusses the reforms to inculcate national and traditional education in the minds of young people, which is one of the most pressing issues in our society an attempt has been made to shed light on the importance of the role of the parent and the preschool as the primary link.The role of the family is important in the article.*
**Keywords:** *Parents, preschool, education*

*“Ta’lim-tarbiyaning birdan bir vazifasi kishi yashab turgan jamiyatning talablariga to’la to’kis javob bera oladigan va jamiyatni bir butunlikda tinchlik va farovonlikda saqlab turish uchun xizmat qiladigan mukammal insonni yetishtirishdadir”*
**Abu Nasr Farobiy**

Odamzod azal-azaldan inson nima uchun yashaydi, degan savolga javob izlaydi. Bu savolga o’zbekona javob bersak, odamzod, avvalo, farzandli bo’lish, o’zidan avlod qoldirish, parvardigor in’om etgan zuriryotning

baxtu saodatini ko'rish, ularni imon yo'liga yetaklash uchun yashaydi. U ulg'aygan makonni vatanim deya ardoqlaydi, sarhadlariga ko'ksini qalqon qilib yashaydi. Farzand shu qadar aziz, ammo ilmu odobi undan ham aziz. Shu bois farzandlar tarbiyasi barcha zamonlarda jamiyat uchun eng muhim vazifalardan bo'lib kelgan. Inson hayotining porloq bo'lishi xozirgi kunda tarbiyalanayotgan yoshlarga bog'liq. Bunday ulkan vazifani moddiy va ma'naviy boyliklarni amalga oshiruvchi maskan esa oiladir.

U ijtimoiy jarayonlarning boshlang'ich bo'g'ini sifatida murakkab tarkibiga, mazmuniga ega bo'lgan. U o'z faoliyatlarini tarbiya jarayoni bilan birga olib boradi. Maktabgacha tarbiya muassasa bilan ota-onalar jamoatchilikning hamkorlikda olib borishi kerak bo'lgan o'zimizning milliy tarbiya tizimimizni yaratishni Respublikamiz oliygohlarida ishlab turuvchi yuzlab yetuk pedagog, psixolog olimlar, minglab o'z ishining ustasi bo'lmish ilg'or tarbiyachilar ota-onalar va boshqalarning fikrlarini o'rgangan holdagina amalga oshirishimiz mumkin. Ota-onalar va tarbiyachilar qanchalik ma'naviy jihatdan boy va chuqur bilimga ega bo'lsalar, ular o'z farzandlari va tarbiyalanuvchilariga nisbatan shu qadar jiddiy va ma'suliyatli munosabatda bo'ladilar. O'zlaridagi mavjud bilim va ko'nikmalarini, ma'naviy – axloqiy fazilatlarni farzandlari va tarbiyalanuvchilari timsolida ko'rishni har qanday ota-ona va tarbiyachi orzu qiladi.Oilaning tarbiyaviy imkoniyatlari beqiyosdir. Bolaning tabiiy alomatlari va nasl-nasabi qanchalik ahamiyatga ega bo'lmasin, tarbiya hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Chaqaloq hayotining dastlabki yillarida o'rab olgan dunyoni anglab yetishni oila doirasida o'rgana boshlaydi. Ana shu muhit shaxs mohiyatini va bunday keyingi rivojlanishini belgilab beradi. Xuddi shu davrda ota-onaning bolaga nisbatan mehr muhabbatining tarbiyaviy ahamiyati kattadir. Chunki bu davrda bolaning rivojlanishi asosan hissiyotlar ta'sirida bo'ladi. Shuning uchun oilada bolani tug'ilishidan so'ng ota-onaning kichkina mavjudot mas'uliyati kattadir. Zotan, murg'akkina go'dakni to'la ma'nodagi shaxs bo'lishi uchun bu juda zarur. Shunday ekan, ota-ona mehri muhabbatisiz shaxsni to'la qonli har tomonlama rivojlantirish mumkin emas. Bola tarbiyasi ijodiy jarayon. Bolalar bilan birgalikdagi hayot – bu haqiqiy san'at bo'lib, doimo uni takomillashtirib borilsa, har qanday san'at kabi ota-onaga va tarbiyachiga quvonch baxsh etadi. Shuningdek, bolalar bilan birga bo'lish, faqatgina quvonch emas, ma'naviy kamolotni, axloqiy takomilning manbai hamdir. Ijtimoiy tarbiyaning roli va imkoniyatlari qanchalik o'sib borishidan qat'i nazar, oilaviy tarbiya zarur va uni boshqasi bilan almashtirib bo'lmaydi.

Bolalik bu insonning hissiyoti, ko'nikmasi, xulq-atvori, didlarining shakllanishi davridir. Xuddi shu davrda uning individual xususiyatlari, xarakter belgilari, axloqiy-irodaviy tomonlari paydo bo'la boshlaydi. Tilga ega bo'lib, nutqi paydo bo'lishi bilan bola kishilik tajribasini o'zlashtira boshlaydi. Ayni vaqtda oilaviy tarbiya ijtimoiy tarbiya bilan birikib ketgan bo'lib, ularni bir-biridan ajratib bo'lmaydi. Bunga qator dalillar keltirish mumkin. Mana shulardan biri: alohida olingan shaxs bilan uzoq va yaqin qarindosh – urug'lar o'rtasida turli aloqalar mavjud ekan, oilaviy munosabatlar ijtimoiy xarakterga ega bo'laveradi. Zotan, uyimizda sodir bo'layotgan barcha voqyea va hodisalar mutlaqo o'zimizning irodamiz va xoxishimiz bilan sodir bo'layotgandek tuyuladi, xolos. Vaholanki har birimizning dunyoqarashimizga, didimizga, odobimiz va qiziqishimizga jamiyat tomonidan ishlab chiqilgan axloqiy qoidalar, nihoyat, turli talablar ham doimo ta'sir, turli talablar ham doimo ta'sir ko'rsatadi, aksincha, ijtimoiy qarashlarga ega ayrim toifadagi oilalardagi qoidalar, rasm-rusumlar ham ta'sir qiladi.

Har qanday oilaning kelib chiqish jarayonini o'rganish uni jamiyat bilan va undagi o'zgarish bilan birga borishligini, ayniqsa oilaning ijtimoiy funksiyasidagi o'zgarish bilan bog'liqligini tasdiqlaydi. Bu holat oila muammosini o'rganishda muhim ahamiyat ega bo'lib, bu narsa hozirgi zamon sharoitida oilaviy siyosatning samaraliroq yo'nalishni belgilashga yordam beradi.

«Har bir inson, deb yozadi Forobiy, – o'z tabiati bilan shunday tuzilganki, u yashash va oliy darajadagi yetuklikka erishmoq uchun ko'p narsalarga muhtoj bo'ladi, u bir o'zi bunday narsalarni qo'lga kirita olmaydi, ularga ega bo'lish uchun insonlar jamoasiga ehtiyoj tug'iladi. Shu sababli, yashash uchun zarur bo'lgan, kishilarni bir-birlariga yetkazib beruvchi va ularga yordamlashuvchi ko'p kishilarning birlashuvi orqaligina odam o'z tabiati bo'yicha intilgan yetuklikka erishuvi mumkin». Xuddi mana shu ma'noda farzandning kamol topa borishi faqat o'z ota-onasiniki bo'lib qolmasdan, balki butun inson zotiga taaluqlidir.

Ayni vaqtda, bola tarbiyasi umuminsoniy ahamiyat kasb etib, umumbashariy qadriyatga aylanadi. Ana shuni anglab yetgan ota-ona va tarbiyachilar bolalari tarbiyasidagi mas'uliyatni chuqur his qila oladilar. Ota-onalar va tarbiyachilar bolada dunyoni insonga xos (fuqarolarcha) ko'rishni tarbiyalab bormog'i lozim. Ular

dunyoni fuqarolarcha, vatanparvarlarcha ko'rishni kishilar mehnati bilan, shuningdek ko'tarinki g'oyalar, bu o'rinda milliy istiqlol g'oyalari bilan qo'shila borishini o'ylab ko'rmog'i lozim. Bola tarbiyasida nima asosiy, yetakchi, hal qiluvchi ekanini ko'rish juda muhim. Bolaning miyasiga go'dakligidanoq o'zgalar manfaatini o'z manfaatidan ustun qo'yish, jamiyat manfaatini, fuqaroviy manfaat shaxsiy manfaatidan ustivor ekanligini uning ongiga singdirib borish ayni muddao bo'ladi.

Bola tarbiyasi masalasi Abu Bakr Muhammad ibn Al-Abbos Al-Xorazmiy qarashlarida ham mavjul. Uning aytishicha, «Ota-onalar ikki xil: tug'ilish otasi va ta'lim berish otasi: birinchisi, jismoniy hayot sababli, ikkinchisi ruhiy hayot sababli». Shunga ko'ra ularni uzviy birlikda olib qarash tarbiya ishida muhim ahamiyatga molikdir. Uning quyidagi so'zlari ibratlidir: «Zamondan yaxshiroq ta'lim (beruvchi) muallimni, insondan yaxshiroq ta'lim oladigan o'quvchini ko'rmadim». Uning bu so'zlaridan bir tomondan ijtimoiy muhitni bola tarbiyasi uchun hal qiluvchi ta'sirini anglasak, ikkinchi tomondan, inson shaxsi ta'lim-tarbiya natijasida kamolotga erishib borishi mumkinligini sezamiz. Tarbiyachining siyosiy yetukligi bolalarni tarbiyalash sifati uchun xalq va jamiyat oldidagi o'z mas'uliyatini anglashga, ta'lim-tarbiya vazifalarini hal etishga ijodiy yondoshishga, o'z mahoratini doimo takomillashtirib borish va ishdagi o'rtoqlarining o'sishiga ko'maklashishda yordam beradi. Tarbiyachi o'zi yashab turgan o'lka hayotini bilishi, tabiat va jamiyatning rivojlanish qonuniyatlarini tushunishi, ijtimoiy faol bo'lishi, umumiy va maktabgacha tarbiya pedagogikasini, bolalar ruhiyati va fiziologiyasini egallashi kerak. Uning pedagogik hodisalarni tahlil qilishga ilmiy nuqtai nazardan yondoshuvi bolani har tomonlama rivojlantirishni muvaffaqiyatli amalga oshirishga imkon beradi.

Tarbiyachining o'ziga talabchanligi, o'zining har bir xatti-harakatini nazorat qilib bora olishi davlatimiz maktabgacha tarbiya muassasalari oldiga qo'ygan talablarni muvaffaqiyatli amalga oshirishning garovidir. Bunga quyidagilar kiradi.

– bolaning sog'ligini saqlash va mustahkamlash,

– aqliy qobiliyatlarini o'stirish,

– jamiyatimizning, milliy madaniyatimizning g'oyaviy-axloqiy prinsiplariga mos keluvchi e'tiqod va qarashlarini tarkib toptirish,

– ona-vatanga muhabbatni, ijtimoiy faollikni shakllantirish, mas'uliyat, o'rtoqlik, do'stlik hissini, halollik, mehnatsevarlikni tarbiyalash.

Albatta, yuqorida keltirilgan sifatlarni tarkib toptirish o'sib kelayotgan yosh avlodni tarbiyalash vazifasining hamma tomonlarini qamrab ololmaydi, ammo tarbiyachi shularga asoslanib bolalarni kelajakdagi mustaqil hayotga, mehnatga tayyorlash ishini ma'lum maqsad bilan samaraliroq amalga oshirishi mumkin.

**Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:**


1. M.Inomova. Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlardan foydalanish. – T.: Fan, 1995.
1. M.Inomova. Oilada bolalarni ma`navi-axloqiy tarbiyalash. – T., 1999.
1. R.Mavlonova ba boshq. Pedagogika – T., 2001.
1. B.Ziyamuxammedov va boshq. Pedagogika . – T., 2000.
1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. – T., 1993. 222
1. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – T., 1992.

**КУБАТОВ ШАХОБЖОН,**
*докторант Национального университета Узбекистана*

# ВОПРОСЫ ПРОГРЕССИВНОГО ИСЛАМСКОГО ФЕМИНИЗМА: ДИАЛОГ ЗАПАДНЫХ И ВОСТОЧНЫХ КУЛЬТУР

**Аннотация:** *В статье представлен подробный анализ взаимосвязи между исламским феминизмом и гендерным равенством, растущей роли женщин в семейной и общественной жизни в результате глобализации исламских идей в развивающихся странах и интеграции мужских и женских ролей в семья. В то же время в статье сравниваются взгляды консервативных и либеральных исламистов на исламский феминизм и гендерное равенство.*
**Ключевые слова:** *гендерное равенство, феминизм, консервативный и либеральный ислам, исламский феминизм, андроцентрик дунёқараш, фаллогоцентризм.*

**Аннотация:** *Мақолада ислом феминизмининг гендер тенглик билан алоқадорлиги, ривожланаётган дунёда ислом ғояларининг глобаллашиши натижасида аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги мавқеининг ошиб бориши ва оилада эркак ва аёл ролларининг интеграциялашиши атрофлича таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мақолада консерватив ва либерал ислом тарафдорларининг ислом феминизми ва гендер тенглик ҳақидаги қараўлари ўзаро таққосланган.*
**Калит сўзлар:** *гендер тенглик, феминизм, консерватив ва либерал ислом, ислом феминизми, андроцентричная картина мира, фаллогоцентризм*

**Annotation:** *The article provides a detailed analysis of the relationship between Islamic feminism and gender equality, the growing role of women in family and public life because of the globalization of Islamic ideas in developing countries and the integration of male and female roles in the family. At the same time, the article compares the views of conservative and liberal Islamists on Islamic feminism and gender equality.*
**Key words:** *gender equality, feminism, conservative and liberal Islam, Islamic feminism, androcentric worldview, phallogocentrism.*

С момента распространения гендерных исследований, центральное место в которых занимает проблема социального неравенства мужчин и женщин, появляются новые перспективы, и появляется возможность определения «методологии для анализа гендерной модели религиозных феноменов» [4] и более глубинного изучения проблемы феминизма и религии. Данная тема в последние десятилетия стала популярной среди зарубежных исследователей, которые анализируют взаимосвязь, взаимодействие, взаимовлияние феминизма и религии. Этапы становления феминизма и особенности его отношения с господствующими в обществе религиозными взглядами могут существенно различаться, что находит свое отражение в литературе, освещающей эти проблемы. Немало работ посвящено теме исламского феминизма, иудейского, а также христианского. Хорошо известно, что религия — это общественный идентификатор, но в тоже время – частная и приватная сфера. Учитывая эту специфику, авторы задавались вопросом, как соединить два мощных потока, течения, влияющих на общественную жизнь – феминизм и религия [3]. Для более подробного анализа феминизма и религии, и религиозного феминизма и их влиянии на современную западную культуру, нам необходимо проследить три этапа развития феминизма, как сложившегося и объективно существующего явления, имеющего глубокие исторические корни.

Тема феминизма (феминизм – от латинского слова – femina – женщина) являлась актуальной на протяжении многих десятилетий, и не теряет своей актуальности по сей день. Традиционно принято считать, что происхождение термина «феминизм» связано с именем Шарля Фурье, и появился он в конце XVIII века. Фурье называл феминистами тех, кто был сторонником женского равноправия. К настоящему времени понятие феминизма объединяет разные явления социальной жизни и поэтому ему трудно дать четкое определение. Например, Г. А. Брандт характеризует феминизм следующим образом: «… феминизм взялся доказать, что пол не сводится только к первичным и вторичным признакам, он

пронизывает все сферы социальной и культурной жизни человека» [8]. Считается, что существует более трехсот значений данного термина [9]. А российская исследовательница Н.Л.Пушкарёва выделяет пять дефиниций феминизма: 1) Социально-политическая теория (анализ положения мужчин и женщин в «историческом прошлом и настоящем»); 2) Социальное движение за равные права и возможности женщин; 3) Оппозиция женоненавистническим теориям и действиям; 4) Философская концепция социокультурного развития, отображающая невнимательность к значению опыта женщин в понимании мира и общества; 5) Методология исследований, которая является совокупностью исследовательских практик, озвучивающих взгляд на мир и систему ценностей присущих женщинам [10]. Мнений по поводу происхождения такого явления как феминизм, и о том, где следует искать его корни довольно много. Одно из общепринятых сводится к тому, что родиной феминизма следует считать США, где во время войны за независимость (1775 - 1783), впервые были выдвинуты требования равноправия женщин. Первой феминисткой Америки она называет Абигейл С. Адамс, цитируя её знаменитую фразу: «Мы не станем подчиняться законам, в принятии которых мы не участвовали и власти, которая не представляет наших интересов» [1].

Еще один важный для становления феминизма аспект – женщина и власть. Эту немаловажную тему, также поднимает Джоанн Келли. Она подчеркивает, что все последователи феминизма так или иначе обращались к власти, в поисках сильных и властных женщин, которые могли постоять за себя. Именно это помогло бы, по мнению Келли, доказать самостоятельность женщин, способность к управлению, и к образованию. Джоан Келли вспоминает таких женщин как Жанна Д‘Арк, «... Боадицею, королеву бретонцев, учившую римлян, «что женщина может покорить их - тех, которые покорили почти весь мир...» [5].

В последней четверти XX века феминизм становится методологией и характеризуется критикой научной рациональности и объективности, и считает их «обслуживающими мужскую науку» [9]. Считается, что именно в этот период происходит перемещение центра активности женщин из США и Европы в страны второго и третьего мира – в Африку, Латинскую Америку, Азию, мусульманский мир. Кроме того, очевидно, что феминизм к этому времени становится более разнообразным, так как женщины все больше осознают свое право на проявление индивидуальности. Появление третьей волны многие исследователи связывают с глобализацией, ростом значимости СМИ в общественной жизни, новыми технологиями сверхскоростной связи (интернет, мобильная связь), уплотнением транспортных потоков (в том числе туризм), глобальным переселением народов (миграция, беженство) и кросс-культурным скрещиваниями. Этот период поднимает такие проблемы как «андроцентричная картина мира» (мужской взгляд на мир), «фаллогоцентризм» (мужское средство выражения знания). Новое направление феминизма «…предлагает учитывать особенности субъекта познания определенного пола, его (ее) ценностные ориентации» [9]. При этом стоит подчеркнуть, что в таком случае, пол исследователя влияет на его мировоззрение, что сказывается на задачах и выводах самого исследования. В этот период приходит ясное осознание того, что любое угнетение, независимо от времени и места – несправедливо[2], появляются самые разные феминизмы (эко, амазон, цветной, религиозный и т.д.), в которых главной целью остается борьба за свои социальные, политические, культурные, расовые, конфессиональные и многие другие права. Таким образом, в период развития феминистского движения (преимущественно второй и третьей волны), можно проследить путь его проникновения в различные сферы жизни общества. Наиболее значительным стало воздействие феминизма на религию и связанные с ней стереотипы и нормы женского поведения. Взаимодействие феминизма и религии также привело к развитию религиозного феминизма в современной культуре.

Вопросы положения женщины в исламском обществе спорные и неоднозначные. В век современных технологий приверженцам исламского традиционализма приходится признавать, что принятие научной и рациональной перспективы приводит к изменениям в привычном для исламского общества мышлении и поведении. Многие женщины как образованные, так и не имеющие образования, способствующие национальному развитию, принимающие участие в общественной жизни, не имеют самоидентичности, и их личности не представляют какого-либо интереса в историческом процессе, они воспринимаются лишь как инструмент усиления патриархальной системы, веря, что это предписано традицией религии. Многие мусульмане отождествляют эмансипацию женщин не с

модернизацией, а «вестернизацией». В основном это связано с прошлой колонизацией мусульманских народов западными странами и с современным влиянием Запада, как модели интеллектуальной и социальной трансформации. Занимаясь анализом положения женщины в исламском обществе, а также вопросами, связанными с исламским феминизмом, важно иметь в виду, что во многом статус женщины определяется не самими религиозными установками, а традициями, существующими в определённых этнических группах, что в свою очередь зависит от региона, где исповедуют ислам. В мусульманском обществе, как и в любом другом, происходит разделение на сферу для женщин – то есть дом, и деятельность в обществе – что относится к мужчинам. При этом важно помнить, что семья, брак – чрезвычайно важная часть исламской жизни. В правовых вопросах, как и в целом в любых вопросах, касающихся положения женщины в исламе, важно понимать о каком исламском учении идёт речь (консервативный, либеральный, реформаторский) [6]. Одна из наиболее распространенных точек зрения, что согласно Корану, женщины подвластны мужчинам в соответствии с исламскими законами. Именно с этой позиции многими исследователями интерпретируется Коран [6]. Одна из высказываемых точек зрения при трактовке Корана, что женщина должна целиком и полностью подчиняться мужу, самостоятельно она практически ничего не может сделать. Действительно можно говорить о том, что идеальная мусульманская семья предполагает покорность женщины мужу, но важно при этом целостно воспринимать все аяты Корана, относящиеся к вопросам прав женщин, и интерпретировать их следует в соответствующем социальном и историческом контексте [6].

В шариате уделяется внимание и имущественным отношениям, и вопросам наследства, и, в общем-то, в шариате содержаться нормы, которые максимально отслеживают, стабилизируют и регулируют различные стороны как общественной, так и личной, и семейной жизни. Некоторые исследователи утверждают, что даже если у женщины есть работа, и она поднимается по карьерной лестнице – она все равно будет отвечать за домашнее хозяйство [12]. Во многом становясь «заложницей» религиозных традиций, и в поисках поддержки и поиска справедливости женщина приходит к той же самой религии – «Круг замкнулся – женщина, бесправное положение которой было освящено религией, стала самой верной носительницей религиозных верований, способствовала сохранению религии, ибо ей принадлежала главная роль в воспитании подрастающего поколения» [11].

Что касается вопросов, связанных с браком, здесь также нельзя забывать о том, что эти правила индивидуальны в зависимости от традиций, существующих в той или иной этнической группе. Для женщины главное домашний быт, она может работать вне дома, но значимость этой работы невелика в большинстве случаев. Интересна следующая особенность – постепенно переходя из статуса невестки, в статус матери, а затем бабушки– свекрови, с каждым «этапом» женщина приобретает больше власти над младшим поколением, а также пользуется всё большим уважением [12]. То есть, если женщина вела себя правильно в течение своей жизни, впоследствии она может рассчитывать на уважение со стороны детей и сообщества. Обратим внимание на еще один интересный факт – «в проведении всех мусульманских и традиционных праздников главенствующая роль в семье принадлежит старшей женщине в семье», но, несмотря на это, многими исследователями брак в мусульманском обществе воспринимается лишь как сделка [7].

Подобные анализы позволят нам убедиться, что восприятие положения женщины в исламском мире зависит от господствующих традиций и региона, что в свою очередь оказывает влияние и на такое сложное и двойственное явление как исламский феминизм. Поскольку мусульманская культура с каждым годом все больше распространяется и ассимилируется в странах Запада, что приводит к активному взаимовлиянию этих двух культур, каждая из которых принимает те или иные особенности другой. Обратим внимание на то, что, несмотря на общие точки соприкосновения, все же принципы и ценности феминизма и ислама противоречат друг другу. В частности, по мнению феминисток – патриархат — значит притеснение женщин, тогда как ислам не поддерживает такую точку зрения. В современном мире многие исламские феминистки выступают за то, чтобы ислам не стоит выделять как традицию насилия и патриархата, больше, чем другие религии. Они стремятся бороться за свои права в рамках существующей традиции, отмечая роль женщины внутри своей религиозной общины, при этом объединяя «…религиозные, гендерные, политические, личностные элементы идентичности, чтобы иметь возможность устанавливать коалиции, порой противоречащие одна другой в своем

противостоянии глобализации, местному национализму, исламизму и патриархальной системе» [13]. При сравнении отношения феминизма и ислама к системе брака, подчеркивается следующее: «В то время как феминизм отрицает любого рода взаимное дополнение полов, ислам делает на этом упор через акценты на различной социальной роли мужчин и женщин. Феминизм критично относится к институту брака, поскольку он приводит к субординации женщин, в то время как ислам строго рекомендует вступление в брак, как мужчинам, так и женщинам, и институт брака в исламе является таким, что мужья и жены четко разделяют в нем свою ответственность и обязанности. Руководящая роль мужчины принимается в исламе как нечто само собой разумеющееся, в то время как феминистки считают ее тиранией» [10]. Основываясь на доступной полигамии в исламе, феминистки считают это притеснением женских прав, и призывают бороться с подобного рода дискриминацией.

Феминизм и поддержка женщины в исламе, способствует демократизации, и, что занятно, секуляризации мусульманского мира. Некоторые более радикальные феминистки склонны отрицать положительную деятельность и вклад исламского феминизма в решение общих задач движения, не желают поддерживать отношения с исламскими феминистками, так как считают, что ислам априори не совместим с идеями феминизма. Причиной такого отношения является изначально неправильное понимание ислама, и недооценка стремления женщин к открытости, в условиях мусульманского мира. Исламские феминистки, в свою очередь, зачастую исключают взаимодействие с не принадлежащими их вере (неверующими). Задача светских феминисток – научиться различать среди мусульманок тех, кто действительно продвигает и защищает женские права, и, следовательно, открыты в своей политике, и тех, кто фанатично исповедует тоталитарный исламизм.

Помимо того, что на восприятие положения женщины в исламском обществе влияют традиция, устои общества и части света, о которых идёт речь, немаловажным является и справедливое замечание о противостоянии ислама и запада и об их влиянии друг на друга: «В результате получается замкнутый круг – исламский иной начинает и в самом деле вести себя отчасти так, как описывает западный исламофоб, становится интолерантным и использует то же оружие против самого запада, обвиняя его огульно в жадности, имморализме и жестокости» [13]. И в таком случае, мы все равно говорим о взаимовлиянии одной культуры на другую. Таким образом, исламский феминизм активно развивается не только в восточных странах, но и в западных, где он (исламский феминизм) взаимодействует с господствующими традициями современной западной культуры. Исламские феминистски пытаются воссоединить в себе нормы и ценности ислама (культурные и религиозные) и транснациональное самопозиционирование. В связи с мировой политической ситуацией тема ислама в современном мире все больше интересуют исследователей, занимающихся вопросами исламского феминизма и не только.

**Список использованной литературы:**


1. Adams A. and Adams J. Discuss Women and Republican Government 1776 (letters) // URL: http://www.historytools.org/sources/Abigail-John-Letters.pdf (дата обращения: 31.10.15).
2. Gamble S. Feminism and Postfeminism. L&NY., 2006. P.43
3. Jule A., Pedersen B. T. Being Feminist, Being Christian. NY., 2006. 213 p.
4. King U. General introduction: gender-critical turns in the study of religion // King U. Beattie T. Gender, religion and diversity. Cross-cultural perspectives. L&NY., 2005. P.1.
5. Kelly J. Early Feminist Theory and the Querelle des Femmes // Kelly J. Women, History, and Theory. Chicago, 1984. P. 65-110.
6. Shan N. A. Women, the Koran and international human rights law. Netherlands, 2006. P. 2-45.
7. Блинова Е.П. Религия и женщина М., 1976. 63 с.
8. Брандт Г. А. Современный феминизм: переворот в историко-философский антропологической традиции Западной Европы // Адам и Ева. Альманах гендерной истории. 2003. № 6. С.148-198.
9. Пушкарева Н. Л. Гендерная теория и историческое знание. СПб., 2007. С.404-419.
10. Современные вопросы исламской мысли // URL: http://www.alhassanain.com/russian/book/book/philosophy_and_gratitude_library/books/sovremennie_voprosi_islamskoy_ misli/013.html (Дата обращения: 01.09.2015).

11. Стецкевич Т.А. Ислам и женщина (историографический очерк) // Проблемы изученья и критики религий востока. Сборник трудов. Л., 1979. С. 81.
12. Темкина А. Гендерный порядок: постсоветские трансформации (Северный Таджикистан) // Гендер: Традиции и Современность сборник статей по гендерным исследованиям / Под редакцией С. Р. Касымовой. Душанбе, 2005. С. 15-16.
13. Тлостанова М. Деколониальные гендерные эпистемологии. М., 2009. С.121.

**Ахмадалиев Бердиали Сайдалиевич**
*ТВЧДПИ Мактабгача ва бошланғич таълим факультети ёшлари бўйича декан ўрнибосари*

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ КЎРИНИШЛАРИ

Инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш халкимизнинг азалий орзуси бўлиб аждодларимиз маьрифат, маьнавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари қонун - қоидаларини муттасил излаганлар. Бу эса таьлим – тарбиянинг бугунги самарали кўринишларини яратиб борган.

Маьлумки, мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги таьлим тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари қилиб юқори самарадорликка эришишга уларнинг жаҳон таьлим талаблари билан мослиги ва амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ.

Таьлим тарбиядаги сифат ўзгаришлар ва юқори самарадорлик кўпроқ миллий педагогикамизнинг тарихий илдизлари ва замонавий ютуқларини талабалар онгига сингдиришни қай даражада олиб борилганлигига боғлик бўлиб, у баркамол авлод тарбиясида мустаҳкам асос бўлади.[1]

Шундай экан биз соғлом муҳит асосида ёш авлодга таьлим билан бирга тарбиянинг турли кўринишларини бериб боришимиз зарурдир. Шу сабабли таьлим олувчиларга миллий руҳда таьлим - тарбия бериш ва унинг узлуксизлигини таьминлаш орқали ҳозирги кунда таьлим тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ижобий ҳал этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Таьлим тизимини фан-техниканинг замонавий ривожланиш сурьатларига мувофиқлаштириш, унда миллий руҳиятни таркиб топтириш ҳозирги кунда жуда мураккаб, серқирра, мазмуни чуқур бўлган масаладир.[2]

Ёшларни айниқса кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни аньаналар асосида табиат, жамият, руҳият, қадриятга мухаббатини уйғотиш ва ихлосини тарбиялаш ишларини амалга оширмай миллий тарбияни шакллантириб бўлмайди.

Миллий руҳда тарбиялашнинг турли кўринишларини оила муҳитида бариб борилади. Аммо уни мустаҳкамлаш, бойитиш ва шакллантириш жараёнини бошланғич таьлим босқичи амалга оширади.

Демак, биз бу жараёнда таьлим тизимининг бош бўғини яьни, кичик мактаб ёшидаги таьлим босқичига алоҳида аҳамият беришимиз ўринли албатта.

Аввеломбор миллий тарбиянинг мазмуни нима, унинг таркиби қандай тузилишга эга эканлигини аниқлаб олишимиз лозим.

Миллий тарбиянинг мазмунини ўзбек оилаларида шу кунга қадар амал қилиб келинган ва ҳозирда ҳам қўлланилаётган анъанавий тарбия мазмуни шунинг билан бирга бугунги давр яьни мустақиллик шароитида давлат ва жамият мактаб тарбиясига қўйган талаблардан мужассамланган фазилатлар ҳосил қилади, муайян фазилатларнинг изчил турли вазиятларда турли воситалар ёрдамида сингдирилиб, тузатилиб, такомиллаштирилиб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, махалла, мактаб учун намунавий ўқувчи ўғил қиз ахлоқини ҳосил қилади. Ана шу нуктаий назардан келиб чиққан ҳолда миллий давлатчилигимиз халқимиз тарихи, ҳозири истиқлоли ва истиқболи талабларини умумлаштирган ҳолда ҳозир ўқувчиларимизда шакллантирилиши долзарб аҳамият касб этаётган фазилатлар таснифини тузиб чиқдик.[3] Бу фазилатлар бугунги кун тарбиясини ривожлантириш учун унинг мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмларидир. Улар қуйидагилар:

– ўзидан катталарга салом бериш;
– ота-онага ёши улуғ инсонларга ёр - қариндошларга мехрли бўлиш;
– жамоат жойларида йиғинларда ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш;
– атрофдагиларини нотўғри ишлардан қайтариш;
– сабрли, инсофли бўлиш;
– бошқа халқлар миллатлар вакилларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш;
– ўзга миллат вакилларининг дини, урф-одатлари, маданиятига ҳурмат билан қараш;
– ўтмиш ота-боболари ҳақида маьлумотларга эга бўлиш;
– ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш орқали ўтаётган вақтнинг қадрига етиш;
– ўзининг табиатга, жамиятга бўлган муносабатини яхши ният, яхши сўз, яхши амал асосига қура олиш;
– умуммиллий бирдамлик учун ҳаракат қилиш;
– яқинлари, яьни дўстлари қариндош-уруғлари бетоб бўлганда бориб ҳолидан хабар олиш;
– атрофидаги инсонларнинг муносабатларидаги келишмовчиликларни яхшилашга уриниш;
– шижоатли бўлиш;
– бировнинг шодлигидан шодланиш, қайғусига ҳамдард бўлиш;
– ўзидан кичикларни иззат қилиш;
– ўзи таниган ёки танимаган инсонларини ғийбат қилмаслик;
– салбий ҳарактерга эга инсонлар билан дўст тутинмаслик;
– яхши инсонларга хавас қилиш ва уларнинг ишларига тақлид қилиш;
– камтарин бўлиш орқали ўзгалар олдида неккаймаслик;
– бировларнинг олдида кулмаслик;
– камбағал болаларни камситмаслик;
– ўғил бола бўлиб қизболаларнинг, қизбола бўлиб ўғил болаларнинг кийимини киймаслик уларга тақлид қилмаслик;
– миллий аньаналарга, урф – одатларга, маданиятга ҳурмат билан қараш;
– миллий одоб -ахлоқ қоидаларига бўйсиниш;
– ватан манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўя олиш;
– она тилини, динини қадрлай билиш;
– ижтимоий ҳаётдаги моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
– атрофдагиларига нисбатан хушмуомала, ширин сўзли бўлиш;
– ўтмиш аждодларининг номини фахр билан тилга олиш;
– бир ишни бошлашдан олдин ўзидан катталар, ота – онаси, устозлари билан маслаҳатлашиш;
– ўз ватанининг миллий истиқлол ғояларини мафкураларини ҳар бир ишида кўрсата билиш;
– савдо - сотиқ муносабатларида ҳалол, чаққон, виждонли бўлиш;
– ўтмишнинг маьнавий- маьрифий ёдгорликларини асраш ва уни ҳурмат қилиш;
– илмга мудом чанқоқлик ҳиссини туйиш.

Ўзининг мустақил фикрига, тафаккурига эьтиқодига эга бўлиш ва ушбу ҳислатларнинг барчасини келажак авлодга ҳам етказиб бориш бизнинг бурчимиздир. Миллий руҳда тарбиялашнинг мазмунини кўриб чиқар эканмиз унинг таркибини ташкил этувчиларининг айрим кўринишларини келтириб ўтдик.

Миллий тарбиямизнинг мазмунини ташкил этувчи маънавий фазилатларни ўқувчи ёшлар онгига сингдириш кичик мактаб ёшида изчил равишда амалга оширилса, самараси юқори бўлади.

Бунда асосан миллий тарбиямизнинг таркибидаги маълум фазилатлардан бирини қараб ўтамиз. Масалан, ўзбек халқининг бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиши. Бу фазилат ўзбек халқининг тану – жонига сингиб кетган. Қадимдан Ўрта Осиёда турли хил миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб, жисмоний тинч – тотув ҳаёт кечирган ва бу ҳамжиҳатлик ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар истиқомат қилади, ўзбек халқи улар билан қон – қариндошлик, қўшничилик, дўстлик, ўртоқлик, ака – укачилик муносабатларини ўрнатган. Сабаби шундаки, улар туркман, инглиз, қирғиз, хоҳ рус, хоҳ қозоқ миллатига мансуб бўлсин, муҳими унинг инсон эканлиги ва қадрдон бўлиб қолганлигидадир.

Биргина ўзбек хонадонини мисол қилиб келтирадиган бўлсак, ён қўшниси бетоб бўлса, у қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар то соғайиб кетгунга қадар ундан ҳол – ахвол сўрайди, унинг

учун таом тайёрлаб, энг олдини узатади, уй – жойидаги юмушларига ёрдамлашади, уни бою – камбағал деб ажратмайди, хуллас кўлидан келган ёрдамини аямайди.

Демак, халқимизнинг кундалик турмушида намоён бўладиган, ўтмиш ота – боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бу маънавий фазилатларни келажак авлодга ҳам етказиш, уларнинг қалбига сингдириш, онгу – шуурида акс эттириш учун таълим – тизимида миллий тарбияга ҳам кенг ўрин беришимиз лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга оширишимиз керак:

Биринчидан, ота – боболаримиздан мерос бўлиб келаётган урф – одат, анъаналаримизга хос бўлган маънавий фазилатларни янада кўп ўрганиш ва келажак авлодга етказишнинг самарали ва замонавий усулларини танлаш; иккинчидан, бошланғич таълим дарсликларида (жумладан, ўқиш, она тили, одобнома, атрофимиздаги олам, мусиқа ва б.) келтириб ўтилган миллий тарбиямизга доир мавзуларни кенгайтириш ва уларни ўқувчиларга етказиб беришда инновацион технологиялардан фойдаланиш; учинчидан, миллий ўзлигимизни англаш, бой маънавий меросимизни ўрганиш орқали хозирда таълим тизимида ва тарбия жараёнида тўпланиб қолаётган муаммоларни бартараф этиш.

Шуни алоҳида таькидлаш лозимки миллий тарбиянинг мазмунини бойитувчи омиллар бугундан пайдо бўлган эмас, балки бу жараён неча асрлардан буён оила, махалла доирасида ривожланиб, сайқал топиб келмоқда. Биз эса миллий руҳда тарбия беришнинг бугунги давр талабига хос бўлган шаклларини бошланғич синф ўқувчиларининг онгига сингдириб боришимиз зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ж.Хасанбоев, Х.Тўрақулов, И.Алқаров, Н.Усманов. Педагогика. “Ношир” 2011. 3-бет
2. К.Хошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1996. 382 бет.
3. М.Қуронов. Миллий тарбия. Т.: 2007. – 112 бет. Маънавият.



**ЎТАНОВ ХУРШИД**
*Низомий номидаги ТДПУ*
*«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси*


## ЭРКИН ЖАМИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ИЛМ-ФАН ЙЎЛИДА


**Аннотация:** *мақолада илм-фан равнақи йўлида заҳмат чеккан ва тегишли соҳаларда дунё миқёсида аҳамиятга эга бўлган ихтиролар қилган олима аёллар, шунингдек ўзбекистонлик илм-фан фидоийлари тўғрисида сўз юритилади.*



**Калит сўзлар:** *илм-фан, олима аёллар, тадқиқотлар, доктор, академия, академик, илмий салоҳият*



**Аннотация:** *в статье речь идет женщинах-ученых, в том числе узбекских деятельниц науки, которые трудились на пути прогресса науки и совершили открытия в мировом масштабе*



**Ключевые слова:** *наука, женщины-ученые, исследования, доктор, академия, академик, научный потенциал*



**Annotation:** *the article deals with women scientists, including Uzbek scientists, who worked on the path of the progress of science and made discoveries on a global scale*



**Key words:** *science, women scientists, research, doctor, academy, academician, scientific potential*


Эркинлик – жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши даркор. Зеро, усиз тараққиёт йўқ, миллат ва элатлар, жинслар ва эътиқодлар ўртасида тенглик бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, табиий мувозанат бузилади.

Инсоният умрини илм-фан билан боғлайди. Янги уфқлар очиш гўё эркаклар ишидек туюлади. Олимлар орасида эркаклар нуфузи салмоқли таъсирга эгалиги ҳам ҳақиқат. Аммо фан тараққиётида аёллар ролини эътиборга олмаслик – адолатсизликдан далолат.

Дунёнинг биринчи дастурчиси, инглиз математиги, Нобель мукофотининг совриндори Ада Байрон; радий, полоний ва уран каби радиоактив моддалар том маънода ҳаётининг мазмунига айланган поляк муҳожири, икки карра Нобель мукофотининг совриндори **Мария Склодовская-Кюри; Мария Кюрининг ишини давом эттирган унинг қизи,** физика фани бўйича улкан ютуққа эришган, Нобель мукофотининг совриндори **Ирэн; инглиз биофизиги Розалинд Франклин**; асли Веналик, Германия университетининг биринчи профессор-аёли, физика бўйича Нобель мукофотининг совриндори **Лиз Мейтнер, шунингдек, Рейчел Карсон, Барбара Мак-Клинток, Элизабет Блэквэлл, Жейн Гудолл, Гипатия Александрийская, Мария Митчелл каби ўнлаб ўзларининг илмий салоҳияти билан дунёни ларзага солган олима-аёллар аллақачон жаҳон тамаддуни намоёндалари сифатида эътироф этилган ва уларнинг номи тарихга муҳрланган.**

Ўзбекистонда ташаббускор, уддабурон, масъулиятли ва юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётган хотин-қизлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ҳаракатнинг илдизи узоқ йилларга бориб тақалади.

Сўнгги 60-70 йил мобайнида Ўзбекистонда илм-фан соҳасида ўзига хос бурилиш ясаган, илмий-тадқиқот ишлари билан халқаро миқёсда эътироф этилган кўплаб республикамиз аёллари фан чўққиларини забт этганликларига тарих гувоҳлик беради. Масалан, 1945 йилда фан номзоди, 1950 йилда фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилган, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Хадича Сулаймонова ўзбек халқининг етакчи олима-аёллардандир.

1954 йилда Х.Сулаймонова Тошкент давлат юридик институти директори, 1956 йилда Адлия вазири, 1964 йилда республика Олий Суди раиси лавозимларига тайинланиб, умрининг сўнгига қадар ҳуқуқ-тартибот соҳасида раҳбарлик фаолиятини олиб борган фан арбобларидан саналади.

Юксак илмий салоҳият ва серқирра иқтидор эгаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Х.Сулаймонова ҳуқуқшунослик фани тараққиёти учун тинимсиз изланиш олиб борган, жиноят ҳуқуқи ва Ўзбекистон суд қурилиши тизимида ўзига хос мактабга асос солган олима сифатида 80 дан ошиқ илмий ишлар муаллифи ҳамдир.

Академик Хадича Сулаймонова 1956 йилда Амстердамда бўлиб ўтган социологларнинг III Халқаро конгресси, 1960 йилда Лондонда бўлиб ўтган БМТ II конгресси, 1960 йилда Софияда бўлиб ўтган юрист-демократлар Халқаро ассоциацияси YII конгресси, 1961 йилда Қоҳира ва Токиода, 1962 йилда Прагада, 1964 йилда Цейлонда бўлиб ўтган конгресслар иштирокчиси ҳамдир.

Академик С.А.Азимжонова илмий мактаби Ўзбекистон шарқшунослик фанида алоҳида ўрин эгаллайди. 1968 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган йирик олима давлатимизнинг кўплаб мукофотлари билан тақдирланган.

Археология фанига катта ҳисса қўшган Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Г.А.Пугаченкова, тарих фани ривожига беқиёс меҳнати синграган, 1963 йилда 38 ёшида докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилган, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, профессор Р.Ҳ.Аминова; филология фанлари доктори М.А.Асқарова; 1995 йилда Франциянинг “Академик Пальмо” ордени билан мукофотланган, филология фанлари доктори Ф.К.Сулаймонова; Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, тарихимизга оид қатор фундаментал асарлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимова; тарих фанлари доктори, профессор Раҳбархон Муртазаева каби ўнлаб олималаримиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон хотин-қизлари орасида олима ва шоиралар, давлат ва жамият бошқаруви фаоллари сафи кенгайди, илмий-педагог кадрлар таркиби бойиди.

Ҳозирги кунда республикамиз филолог-олимларининг 70.8 фоизи, психологларнинг – 81 фоизи, педагогларнинг – 60.7 фоизиини аёллар ташкил этади. Шунингдек, философия, политология каби ижтимоий-гуманитар фан соҳалари вакилларининг тенг ярми олима-аёлларимиздир.

1400 дан ортиқ хотин-қизлар давлат ва жамият бошқаруви тизимида раҳбар лавозимларда фаолият олиб бормоқдалар. Фан, таълим ва тарбия ҳамда санъат соҳаларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг 72 фоизини айнан хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2018 йил 8 мартдаги Халқаро хотин-қизлар байрами табригида: “Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат

қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда", - деган сўзларни алоҳида ифтиҳор билан айтган эди ("Янги Ўзбекистон" газетаси. 2020 йил, 25-январь. № 1).

Мустақиллик йилларида 2180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари бор.

Бугунги кунда хотин-қизлар орасида 6 нафар академик, 514 нафар фан доктори бор. 255 нафар иқтидорли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совринига муносиб деб топилган. 15 нафар ватандош-аёлларимиз давлатимизнинг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлишган.

Юртимиздаги олий таълим масканларида бугун 373 минг 500 га яқин ёшлар таълим олмоқда. Улардан 168 минг 470 нафарини, яъни 45,1 фоизини қизлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Жорий йилда **маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига** тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши Президентимиз томонидан шарт қилиб қўйилган.

2020 йил 24 январда Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаат қилди. Мурожаатномада қамраб олинган масалалар айнан шу муҳимликда қўйилди. Илм-фанни янги сифат даражасига кўтариш, ёшларни мукаммал билим, юксак маънавият ва маданият эгалари қилиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йил "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинди.

Республика таълим тизими, хусусан, олий таълим тизимида мавжуд муаммоларни назарда тутган ҳолда Президент қуйидаги жиддий хитоб билан Парламентга мурожаат қилди: "Биз илм соҳасида, олий таълим соҳасида қилган хатоларимизни тўғрилашимиз керак".

Мурожаатномада, шунингдек, илм-маърифат, хусусан, олий таълим, айниқса, қизлар орасидан етук мутахассис-кадрлар тайёрлаш масаласи Президентимиз томонидан бирламчи масала сифатида қўйилди. Бу соҳада чинакамига тубислоҳотлар амалга оширилиши қатъий қилиб белгиланди. Уларни Президентимиз қуйидагича изоҳлади:

– олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш давлат грантлари икки баробар кўпаяди;

– қизлар учун алоҳида грантлар ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқади.

Халқ таълими тизимда ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд, улардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, бу тизимда фаолият кўрсатаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, қолгани эса ўрта махсус маълумотга эга – ачинарли ҳол. Ана шу масалани ҳал қилиш учун 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида мактабгача таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимда бакалаврлар тайёрлайдиган 3 йиллик тизимни жорий этилди. Шунингдек, бу йўналиш бўйича сиртқи ва кечки таълим шаклида бакалаврлар тайёрлаш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Ўйлаймизки, ўзига хос инқилобий ўзгаришларни бошидан кечираётган таълим тизими, унда салмоқли ўрин тутган хотин-қизлар масаласи жамиятимиз тараққиётида бундан кейин ҳам устувор аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, жамиятимизда қарор топган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, оиласи ва яқинларининг хотиржам ҳаёт кечираётгани, танланган

соҳасида меҳнат қилиши, ўзи ва фарзандлари эришаётган муваффақиятлар - хотин-қизларнинг аксарияти учун фаровон ва барқарор келажакка ишонч бағишлайди.

Бунга ишончимиз комил.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019 йил.
2. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил, 25-январь. № 1
3. Интернет материаллари.



**Бекетов Нурсеит Алижан ўғли,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Ециркепова Балжан Талгат қизи,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

**Эргашова Фарида Аманбай қизи,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим йўналиши талабаси*


## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Юртимизнинг истиқболи, фарзандларимизнинг келажаги том маънода бугунги таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги билан белгиланади. Илм фан соҳасидаги янгиликларни таълим жараёнига олиб келиш ва жорий этиш бугунги кун ўқитувчисининг вазифасидир. Ҳар бир ўқитувчининг изланиши бугунги кун талаблари асосида ўзини тарьбиялаши ўз устида тинимсиз ишлаши илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини ўзлаштириши ва таълим жараёнида таълим самарадорлигини оширади. Илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологиялар таълим жараёнини таъсирчанлигини оширади. Ўқувчиларда билимга иштиёқ ва қизиқишини оширади. Билимларни мустаҳкам ўзлаштириш улардан амалиётда мустақил фойдаланиш кўникма ва малакларини шакллантиради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ўйинга асосланган замонавий педагогик технологияларни қўллаш таълим самарасини оширади. Ўйиндаги асосланган технологияларнинг таълимдаги ўрни, ўйин элементларининг функцияларини ўқитувчи ўқувчиларга олдиндан тушунтириб бориши керак.

Бошланғич таълимда дидактик ўйинларнинг ўрни беқиёс. Ўйин воситаси ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёни қулайлашади, муомала маданияти шаклланади, шу билан бирга ўйин кизикарли, содда, аник бўлишига, имкон борича барча ўкувчилар иштирок этишга, фаол катнашган ўкувчиларни рағбатлантиришга алохида эътибор бериш лозим.

Қуйидаги дидактик ўйинлар бошланғич синф ўқувчиларининг таълим жараёнига қизиқишини янада оширади: “Тезкор савол, жавоб”, “Сўз топ”, “Ким чаққон?”, “Сана”, “Ким тез топади?”, “Мақоллар чашмаси”, “Айланма мисоллар”, “Занжир”, “Балиқ тутиш”, “Ортиқча сўзни топ”, “Қалдирғоч”. Ўқувчилар саёҳатга борганда “Балиқ тутиш” ўйинини ўйнаши мумкин. Бунда балиқнинг иккинчи томонига турли топшириқлар бўлади. Ўқувчилар тутган балиқдаги топшириқларга жавоб топадилар. Бу ўйинни бошланғич синфларда математика, она тили , ўқиш, табиат, одобнома дарсларида қўллаш мумкин. Ўйин мақсади ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини оширади. Ўтилган мавзулар бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб боришга имкон яратади. Тўғри ва тез ўқишга, чаққон жавоб беришга ўргатади. Масалан она тили дарсларида Сўз туркумлари мавзуси юзасидан саволлар ёзилади От сўз туркумига оид 5 та сўз топинг? Ўқувчилар она, ўқувчи, китоб, дафтар, гул, булбул каби сўзларни топадилар.

"Ким чаққон?" ўйини машқи орқали ўқувчилар берилган топшириқларга ва саволларга чаққонлик билан жавоб беришга ҳаракат қилади, дарсга бўлган қизиқиши ортади. Бу ўйинда синф ўқувчилари гуруҳларга бўлинади. Керакли топшириқлар А-3 қоғозга ёзиб қўйилади, ҳар бир гуруҳга тарқатилади. Топшириқни бажариш шартлари тушунтирилади ва регламент белгиланади. Гуруҳлар бир вақтда ишга тушадилар, белгиланган вақт тугагач тақдимот ўтказилади. Вақтида тўғри бажарган гуруҳ ғолиб бўлади. "Қалдирғоч" ўйин машқи. Қалдирғоч макети унинг оғзига скрепка билан мисол ёзилган, ўқувчилар 2 гуруҳга бўлинадилар 1-гуруҳ ўқувчилари қўлларига қалдирғоч макетини олиб қўшиқнинг биринчи банди айтиб топшириқни берадилар:

Оқ қалдирғоч, кўк қалдирғоч.
Қалай – қалай учасан,
Мана бундай , мана бундай,
Мана бундай учаман

2-гуруҳ ўқувчиларига қалдирғоч макети олиб бориб берилади. У ўқувчилар қалдирғоч макетидаги карточкадаги савол ёзилган тарқатма материални олиб бориб берилган жавобини скрепка билан қистириб кўрсатади. Машқни бажариш жараёнида ўқувчилар:

Оқ қалдирғоч, кўк қалдирғоч,
қалай-қалай чўқийсан.
Мана бундай, мана бундай,
Мана бундай чўқийман, деб мисолни жавобини кўрсатадилар.

"Сана" ўйин машқи. Ўйин қоидаси бугунги сана рақамини ўқувчилар дафтарларига бир қатор қилиб чиройли ёзишлари талаб қилинади. Масалан бугун 5 декабр. Демак ўқувчилар 5 5 5 5 5 5 рақамини бир қаторга чиройли қилиб ёзадилар. Топшириқ учун бир дақиқа вақт берилади. Ўқувчилар шу вақт давомида жавоби 5 га тенг бўладиган мисоллар ёзиши шарт.

1 x 5 = 5      10 – 5 = 5
10 : 2 = 5      0 + 5 = 5
100 : 20 = 5    25 : 5 = 5 каби

Демак, ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва қизиқишлари даражаси ҳисобга олиниб борилиб дарслар ўтадиган бўлсак ўқувчиларимизнинг ўзлаштириши, ақлий ривожланишига ёрдам берувчи хусусиятлар ривожланиб боради ва самарали таълимнинг интерфаол усулларидан фойдаланиб дарслар ўтиш нафақат ўқувчиларнинг сўз бойлигини, ижодкорлик, топқирлик, чаққонлик ва инсоний фазилатларини тарбиялайди. Бугунги кун ўқитувчиси изланувчан, ижодкор бўлса , ўз устида тинмай ишласа дарслари самарали, қизиқарли ўтади. Юксак маънавиятга эга бўлган, баркамол авлодни тарбиялаб ёшларга замонавий педагогик технологиялар асосида таълим бериш мамлакатимизда таълим сохасида амалга ошираётган устувор вазифалардан биридир.

Комил инсонни вояга етказишда бошлангич таълим шубхасиз мустахкам пойдевор ролини ўтайди. Шу сабабли хар бир дарсда амалий ва ривожлантирувчи характердаги топшириклар ва машкларни , турли дидактик уйинларни куллаб, ўқувчиларнинг амалий ва ривожлантирувчи фаолиятларини турли хил куринишда ташкил этиш мухим хисобланади

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. "Педагогик технология асослари" Ж.С.Йулдашев, С.А.Усманов
2. " Халк таълими" журнали
3. " Бошлангич таълими" журнали
4. " Маърифат"газетаси
5. "Умумтаълим фанлар методикаси" журнали

# ИККИНЧИ ШЎЪБА:

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Г.У.ТУЙЧИЕВА**
*Филология фанлар доктори (DSc)*
*«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг*
*Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш*
*ва оила психологияси бўлими бошлиғи*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ МОЖАРОЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА КОНФЛИКТОЛОГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аннотация:** *мақолада конфликтология, негатив ва деструктив функциянинг позитив функцияга айлантирилиши ва конфликт ечими, медиация, унинг зиддиятларни бартараф этишда қўлланилиши тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек оилавий зўравонлик, суицид ҳолатлари кенг тарқалганини инобатга олиб, конфликтология соҳасини ривожлантириш давр талаби эканлиги қайд этилади.*
**Калит сўзлар:** *оилавий низолар, конфликтлар, конфликтология, очиқ ва ёпиқ жамият, медиация*

**Аннотация:** *в статье речь идет о конфликтологии, превращении негативной и деструктивной функции в позитивную как решение конфликта, о медитации и ее применении в предотвращении разногласий. Также подчеркивается необходимость развития сферы конфликтологии в период, когда широко распространены случаи семейного насилия и суицида.*
**Ключевые слова:** *семейные разногласия, конфликты, конфликтология, открытое и закрытое общества, медиация*

**Annotation:** *The article deals with conflict management, the transformation of a negative and destructive function into a positive one as a solution to a conflict, meditation and its application in preventing disagreements. It also emphasizes the need to develop the sphere of conflict management at a time when cases of domestic violence and suicide are widespread.*
**Keywords:** *family disagreements, conflicts, conflictology, open and closed societies, mediation*

Инсоният тарихида узоқ вақтлар конфликтларга нисбатан салбий муносабат мавжуд бўлган. Конфликт вазиятни фойдаси йўқ, асосан томонларга зарар олиб келадиган ҳодиса сифатида талқин қилинган. Конфликт кўп ҳолларда моддий, маънавий, руҳий-психологик, иқтисодий-моддий қарама-қаршилик, жиддий тўқнашув ва муросасизлик сифатида баҳоланиб келинган. Бироқ конфликтларни ўрганиш жараёни ижтимоий маконда уларнинг ўзига хос позитив хусусиятлари мавжудлиги исботлайди[38].

Дунё миқёсида конфликтология (Conflict Resolution) бизнес структуралар ўртасидаги моддий ва иқтисодий можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш йўналиши сифатида ривожланган[39]. Мазкур соҳа XIX асрнинг охири XX аср бошларида ўрганила бошланган. Дунё миқёсида эса интенсив тарзда конфликтология билан ўтган асрнинг 50 йилларидан шуғулланилган[40]. Шунга қарамай, конфликтларни ўрганиш соҳаси ижтимоий ва социологик фанлар таркибидаги янги илмий йўналишлардан биридир.

Россияда конфликтология соҳасига 1991 йили асос солинган, бироқ кенг ривожни сўнгги 10 йил ичида кузатса бўлади. МҲД да конфликтология билан сўнгги 10-15 йилда шуғулланиб келинмоқда. Ўзбекистон учун бу соҳа умуман янги йўналишдир.

Конфликтологиянинг ўрганиш предмети бу – конфликтнинг ижтимоий табиати, типлари, динамикасини ўрганиш, уни ечимга олиб келишнинг усуллари, воситалари, уларни олдини олиш механизмларини белгилаш ва амалиётга татбиқ этишдир. Конфликтология икки бош соҳа социология ва психология кесимида ривожланган.

---

[38] WIN WIN. Based on the Fighting Fair model created by Fran Schmidt and Alice Friedman. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1998

[39] Handling Conflicts. Conflicts: a positive approach. Particirant's manual. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1997

[40] Fran Schmidt. Alice Friedman. Fighting Fair. For families. Grace Contrino Abrams Peace Education Foundation. Inc., Miami, Florida, 1994

Бошқа мамлакатлар тажрибасини кўрадиган бўлсак, Россияда охирги 30 йил ичида жуда катта ишлар олиб борилди. Масалан, Россияда сўнгги беш йилда конфликтологиянинг турли йўналишларига бағишланган 600 яқин китоблар, монографиялар, ўқув қўлланмалари яратилган. Шу билан бирга барча йирик олий ўқув юртлари ва ФА қошида Конфликлар ечими бўйича марказлар ташкил қилинган. Улар жамиятдаги конфликт вазифаларни ўрганиш асосида ижтимоий прогнозлаш ишларини олиб боради. Турли ижтимоий кризис ва низолар эскалациясини олдини олиш имконияти яратади. Россия ФА Социология институти қошидаги Конфликтология маркази, Российский совет по международным делам, Российский Пагуошский комитет, Центр поддержки молодёжных инициатив, Московский центр Карнеги, Институт США и Канады РАН, Российский институт стратегических исследований, Центр конфликтологии и медиации при Смоленской торгово-промышленной палате, Центр разрешения конфликтов при Орловском университете[41] кабилар ва бошқа ўнлаб регионал университетлар қошида юзлаб илмий-тадқиқот марказлари фаолият олиб боради, факультетлар ташкил қилиниб, бакалавр, магистр мутахассисларини етиштирувчи ўқув дастурлари яратилган. Мана шундай илк марказ Россия 1991 йилли очилган, у ҳам бўлса Россия ФА Социология институти қошидаги Конфликтология марказидир[42].

АҚШда биринчи Конфликтология марказларидан бири (Neighborhood Justice of Chicago) [43] ННТ сифатида 1979 йили Чикаго шаҳрида ташкил қилинади. Бугунги кунда конфликтлар бўйича мутахассислар бакалавр ва магистр даражасида Ватерлоо университети (Канада), АҚШнинг бир қатор ОТМ да, хусусан Корнелл университетида (Scheinman Institute on Conflict Resolution), Шарқий Меннонит университетида, Жоржтаун университети, Жон Хопкинс университети, Шимолий Королина университетида, Дублиндаги Тринити коллежида, Жорж Масон университетида, Хуқуқ университетида (Англия), Тель-Авив университетида (Исроил), Жамия Миллия университетида (Ҳиндистон), Леннаус, Ланд, Упсала университетларида (Швеция), БМТ ҳузуридаги Тинчлик университетида тайёрланади ва юзлаб марказлар фаолият олиб боради. Конфликтларни ечимга олиб келиш Марказлари хорижий давлатлар, шу жумладан АҚШ, Канада, Англия, Франция, Германия, Португалия, Испания, Швеция, Норвегия, Финляндия, Австралия, Янги Зелландия каби давлатларда фаол ҳаракат олиб боради. Улардаги кўпчилик университетлар қошида конфликтология марказлари иш олиб боради. АҚШ нинг Миннесота штати Хеппенин округида жойлашган Миннеаполис шаҳрида ташкил қилинган Конфликтларни ечимга олиб келиш Маркази (Conflict Resolution Center) мана шундай амалий марказлар жумласидандир. Ёки Майамида ташкил этилган “Тинчлик таълими тадқиқотлари маркази” ана шундай ташкилотлардан ҳисобланади. 1960 йилда АҚШ нинг Мичиган университенти қошида Конфликт вазиятларни ўрганиш Маркази иш бошлади. 1970 йилдан эса АҚШ нинг миллий ҳарбий ҳавфсизлик структуралари ва ҳарбий вазирликлари таркибида ҳам сиёсий ва ҳарбий конфликтлар, улар мазмуни, манфаатлари, тўқнашувлар хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича турли конфликтологик марказлар иш бошлади.

1986 йил БМТ томонидан дунё бўйлаб Тинчлик йили деб эълон қилинди. Мана шу сана билан узвий боғлиқ ҳолда Австралияда Конфликтлар ечими бўйича халқаро Марказ махсус ташкил қилинди ва иш бошлади. Бугунга келиб юзлаб мана шундай марказлар фаолият олиб бормоқда. Мана шундай марказлар фаолиятини ишга солиш ва ривожлантириш бизнинг мамлакатимизда энг долзарб вазифалардан бири саналади.

1959 йилга келиб бу соҳада маълум ўзгаришлар қилишга эришилди. Германиядан АҚШ га кўчиб кетган социолог олим Льюис Альфред Козер ўзининг 1956 йилда илк бор инглиз тилида нашр қилинган “Конфликтларнинг ижтимоий функциялари” асарида зиддият ва низоларга бўлган умумомма муносабатини ўзгартиришга эришади. Чунки олим конфликтлар моҳиятида жуда катта рационал мағиз яширинганлигини кўрсатиб бера олган. Шундай кейингина конфликтларга нисбатан умумий ва мажмуавий тарзда “салбий” ва “ижобий” хусусият ва оқибатлар бирлиги сифатида баҳо беришга ўрганилган.

Льюис Альфред Козернинг фикрига кўра, икки хил жамиятлар мавжуд. Бири - бу ёпиқ, ёки ригид, унитар жамиятлар. Иккинчиси - очиқ, яъни плюралистик жамиятлардир.

---

[41] http://oreluniver.ru/subdivision/unpcrk

[42] http://ecsocman.hse.ru/text/21905340/

[43] http://crcminnesota.org/

Биринчи типдаги жамиятлар ўзаро қарама-қарши бўлган икки бош ижтимоий синфга бўлинади. Улар ўртасида эса доимий конфликтлар мавжуд бўлади. Жамият ҳаёти ижтимоий синф, ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг ўзаро манфаатли курашидан иборат бўлади, деб ҳисоблайди олим. Мазкур конфликтлар жамият ичида томонлар ўртасидаги мувофиқлик, мувозанат, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, толератнлик ва ҳайрихоҳликни бузади, баъзан эса уни бутунлай илдизидан кўпориб боради. Шунинг учун бундай жамиятларда томонлар қарама-қаршилиги турли хил бўҳронлар, кризисларга мойил бўлиб, инқилоблар, давлат тўнтаришлари, қуролли тўқнашувлар, ёки фуқаролик урушлари орқали янгиланиб боради.

Иккинчи типдаги плюралистик жамиятларда ҳам ижтимоий гуруҳлараро, қатламлараро зиддиятлар мавжуд бўлади. Лекин бундай жамиятларда бой ва кўп қиррали фаолият билан шуғулланувчи ижтимоий институтлар тизими ривожланган бўлиб, уларнинг бош мақсади жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий қатламлараро бирдамлик ва ҳамжиҳатлиликни муҳофаза қилишдан иборат. Бундай жамиятларда томонларни келишувга олиб келиш механизмлари иш беради, томонлар манфаатларини ўрганиш, ва улар асосида, яъни зиддиятлар энергиясини белгилаб олиш орқали мазкур энергияни жамият манфаатларига бўйсундиришга эришилади. Бу эса конфликтлар назариясини билиш асосида амалга оширилади. Чунки конфликтларда ижтимоий низо ва зиддиятлар икки турдаги бош вазифаларни амалга ошириш учун қўлланилишида ёрқин намоён бўлади. Яъни, ижтимоий конфликт биринчидан, негатив функция, ҳамда иккинчидан, позитив функцияга эга бўлади. Жамиятда бирдамлик фаолиятини таъминлаш учун позитив функциянинг барқарор, яъни доимий, мунтазам амал қилиши ва бўлишини таъминлаш тақозо этилади.

Бинобарин, конфликтологияда олимнинг фикрига кўра, негатив ва деструктив функцияни позитив функцияга айлантирилганида конфликт ечимга олиб келинади. Л.А.Козернинг ижтимоий конфликтлар борасида айтган фикрлари бугунга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган бўлиб, конфликтларни изоҳлаш ва улар моҳиятини англашда тамал тоши ролини ўйнайди ва асос бўлиб хизмат қилади.

Конфликтларни ўрганишнинг ижтимоий жиҳатдан ўта долзарблиги, конфликтлар назарияси билимлари ижтимоий кризисларнинг олдини олишда жуда катта аҳамият касб этиши конфликтлар борасидаги билимларга ЮНЕСКО нинг эътиборини тортади. Натижада, 1957 йилдаги ЮНЕСКО қошидаги Социологик ассоциациянинг Париж йиғилиши махсус равишда конфликтология масалаларига бағишланди.

Бинобарин, дунё миқёсида конфликтлогия тез суръатлар билан ривожланиб, илмлар таснифидан ўрин эгаллаган янги инновацион ғоя ва қарашлар мажмуидан иборат бўлган соҳалардан бири ҳисобланади ҳамда конфликтологиянинг куйидаги ғоявий йўналишлари мавжуд:

✓ Л.Козернинг позитив-функционал конфликт борасидаги концепцияси (АҚШ);
✓ Р.Дарендорфга тегишли жамиятнинг конфликтли модели борасидаги концепцияси (Германия);
✓ А.Туренанинг ижтимоий конфликтнинг барча учун умумийлиги борасидаги концепцияси (Франция);
✓ К.Боулдингга тегишли конфликт ичида ўзаро муносабатларнинг умумий назарияси концепцияси (АҚШ);
✓ Т.Парсонс ва Э.Мейо қаламига тегишли “ижтимоий розилик” ва инсоний муносабатлар концепцияси (АҚШ);
✓ Эрик Бернкнинг конфликтда одамларнинг трансакт анализ асосидаги ўзини тутиши назарияси концепцияси (АҚШ);
✓ М.Шерифнинг гуруҳлараро конфликтларни ўрганишда вазиятли муносабат концепцияси;
✓ Кларк Халл, Г. Линдсей, Д.Зиглер кабиларнинг конфликтда психо-динамик муносабат кўрсатиш концепцияси;
✓ Карен Хорни ва Г.Саллавенларнинг неопсихоанализ концепцияси;
✓ В.Шутцнинг конфликтда инсонлараро муносабатларнинг фундаментал ориентацияси концепцияси;
✓ Э.Эриксоннинг шахс ижтимоийлашуви концепцияси;
✓ Ж.Доллард, Л.Дуб, Н.Миллер, А.Бандура ва Л.Берковец кабиларнинг агрессиянинг фрустацион детерминацияси концепцияси;

- ✓ М.Дойчнинг конфликт конкрет воқеликка жавоб шакли эканлиги борасидаги концепцияси;
- ✓ Курт Левиннинг конфликт когнитив феномен эканлиги борасидаги концепцияси;
- ✓ Ф.Хайдернинг конфликтда структурал баланс мавжудлиги борасидаги концепциялари мавжуд.

В.И. Андреев конфликт вазиятни "яширин ва ёки очиқчасига вужудга келган ва намоён бўлган бир ёки бир неча томонларнинг ўзаро қарама-қаршилиги" деб атайди ҳамда ҳар бир томон ўз қарашлари, мотивлари, фикрлари, муаммони ечимга олиб келишнинг усул, восита ва йўлларига эгалигини қайд этади. Олимнинг фикрига кўра, конфликтларда ҳам шахсий манфаатдорлик кучли намоён бўлади[44].

А.Я.Анцупов ва А.И. Шипилов каби олимларнинг фикрига кўра, конфликтни ечимга олиб келиш ва уни бартараф этиш учун унинг мазмуни, характери ва мақсадлари, томонлар манфаатларини билиш тақозо этилади. Бу билан эса махсус фан, яъни конфликтология шуғулланади. Конфликтлар характери ва уларни ечимга олиб келиш жараёнини айнан конфликтология фани ўрганади[45].

С.Ю.Теминанинг фикрига кўра, конфликтлар унда иштирок этаётган томонлар ўртасида вужудга келадиган номувофиқликдан иборатдир. Мазкур номувофиқлик турли шахслар манфаатлари ўртасида вужудга келиши мумкин.

А. Г. Здравомисловнинг[46] фикрига кўра, конфликт бу инсонларнинг жамият ичида бўлган энг муҳим ўзаро муносабатларининг бир кўринишидир. Конфликт бу – ижтимоий борлиқда мавжуд бўлишнинг намунасидир, унинг хужайрасидир. Бу – ижтимоий амаллар доирасида унинг, яъни жамиятнинг потенциал ва актуал ижтимоий субъектларининг ўзаро муносабатга киришиш шаклидир. Бироқ уларнинг мотивацияси қарама-қарши бўлган қадриятлар, нормалар, манфаатлар ва эҳтиёжлар билан белгиланади.

Ю.Г.Запрудский эса конфликтни ижтимоий объектлар ривожланишига оид тенденциялар ва мақсадларнинг очиқ ҳола ва ёки маҳфий ҳолда турли томонга тарқалишидир деб атайди. Шунга кўра, ижтимоий кучлар зиддият вазиятида ўзаро қарама-қаршилик асосида тўғридан тўғри ва ёки билвосита тўқнашувга киришади. Бироқ, олимнинг фикрига кўра, айнан мана шундай ижтимоий кучларнинг тўқнашувга киришиши ўзига хос тарихий ривожланиш омили саналади, эскидан янги тараф қилинган қадам ва ҳаракат саналади.

А.В.Дмитриев эса конфликт, айниқса ижтимоий конфликтлар ҳақида фикр қилиб, уларни энг аввало қарама-қаршилик сифатида баҳолайди. Олимнинг фикрига кўра, конфликт томонларнинг қарши томон қарашлари, манфаатлари, территорияси, қадриятлари, ёки маданияти, яшаш тарзига қарши қилган (1) ҳужуми, ёки (2) ҳимоясидан иборат бўлади.

Медиацияни кўпчилик ҳолларда зиддиятларни шу вақтчага бўлган бартараф этиш усуллари қўл келмаганда, барча уринишлар фойдали бўлмаган ва натижага олиб келмаганда ишлатилади. Медиацияни томонларни бир-бирларини тушиниб олишга, бошқа томоннинг қарашлари, фикрлари ва қадамларини англашга кўмак берувчи восита сифатида қўлланилади. Энг қадимги вақтлардан бошлаб конфликтга кирган одамлар ўзлари масалаларни ҳал қилгандан кўра бошқа учинчи томон ёрдамида мазкур сайи-ҳаракатларни амалга оширишлари енгилроқ кечишини англаб етканлар.

Бугунги кунда ёшларда тез-тез «ижтимоий трансформация» холати кузатилмокда. Унинг хусусиятлари ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан фаоллиги, ўзини шахс сифатида мустақил ва эркин тутишга интилиши, "катталар" ижтимоий хатти-ҳаракатларига нисбатан қайсарлиги, ижтимоий зиддиятларга мойиллиги, ўз фикрини қандай бўлса ҳам ўзгаларга сингдиришга уриниши, ўзини барчадан, баъзан ота-она, яқинлари ва ўқитувчидан устун қўйиши, ўзбилармон ва қизиққонлиги, зиддиятларга киришдан чўчимаслиги, бироқ унинг оқибатларига тайёр эмаслиги, хиссий ва эмоционал беқарорлиги, ўз хиссиётларни баҳолашга ожизлик қилиши, шахс сифатида тўла шаклланиб

---

[44] Андреев В.И. Конфликтология: искусство ведения спора. Ведение переговоров и разрешения конфликтов. - Казань, 1999. - С. 82.

[45] Анцупов А.Я., А. И. Шипилов. Значение, предмет и задачи конфликтологии // Конфликтология. — М.: ЮНИТИ, 1999. — С. 81. — 551 с. — 10 000 экз. — ISBN 5-238-00062-6.

[46] Здравомыслов А.Г. Социология конфликта: Россия на путях преодоления кризиса: Учеб. пособие для студентов высших учебных заведений. — 2-е изд., доп. - М.: Аспект Пресс, 1995. - 317 с.; Здравомыслов А.Г. и др. Трудовые отношения и социальные конфликты в современной России— М.: Современная экономика и право, 2004. — 384 с.; Здравомыслов А.Г. Межнациональные конфликты в постсоветском пространстве / 2-е изд. - М.: Аспект Пресс, 1999.-286 с.

бўлмаганлиги ва бунинг оқибатида ўзини “катталардек” тутгани билан, ўз амалларига ҳар доим ҳам жавоб беришга ҳозир эмаслиги билан белгиланади.

Шу билан бирга, ёшлар атрофидаги ижтимоий маконда ҳам танглик, жамиятдаги турли иқтисодий, ижтимоий, экологик, демографик в.б. вазиятларнинг кескинлашуви ҳам уларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Мазкур таъсирлар эса ижобий, салбий ва ёки ўта салбий бўлиши мумкин.

Шунга кўра, ёшлар шахсининг шаклланиши жараёнида, яъни ижтимоий макон ва улғайиши алоқадорлигида бир қатор ўзига хос негатив тенденциялар ҳам вужудга келмоқда. Ёшлар ичида одамовулик, индивидуализм, ўз хиссиётлари ва фикрларини ичга ютиш ва яшириш, ўспиринлар ичида турли жиноятларга мойиллик, болаларга таъсир этаётган турли ташқи ахборотларга нисбатан бефарқлилик, уларни тафтиш эта олмаслик, ахлоқни бузадиган ахбротларга ружу қўйиш, зўравонлик, пофигизм, ксенофобия, қаҳри қаттиқлик, агрессия, суицид, ҳолатлари учрамоқда.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, оилавий низолар билан боғлиқ конфликтларда 63 % эр-хотинлар ўзини муҳофалаш тактикасини қўллар экан, 24 % эркаклар босим ўтказиш, ёки бефарклик билан ўзга томонни енгиш тактикасини ишлатар экан. Бироқ семинар иштирокчиларидан қарийб 90 % конфликтология соҳаси борасида умуман эшимаганлиги қайд этган. Маҳалла раисларининг хотин-қизлар ва оила бўйича маслаҳатчиларининг 90 % конфликтлар назарияси ва амалиёти бўйича ўз билим, малака ва кўникмаларининг профессионал тарзда шаклланмаганлиги қайд этган.

Бунинг ўзига хос сабабларидан бири Ўзбекистонда конфликтология кенг ривож топмаганлиги, ўқув қўлланмалари, дарслик ва китобларнинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги, конфликтология бўйича мутахассисларни етиштириб бериш тизими яратилмаганлиги, махсус марказларнинг йўқлиги билан белгиланади.

Бинобарин, ҳозирги кунда маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш тизими ходимларининг кўпчилиги профессионал тарзда конфликтология бўйича билим, малака ва кўникмалардан хабардор бўлишни истайдилар.

Конфликтлогия бўйича билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлигини ижтимоий макон ва замонавий тараққиёт омиллари ҳам тақозо этади.

Конфликтлар ҳақида гапирганда биз уни кўпроқ ижтимоий воқеликдаги агрессия, уруш, жанжал, кескинлик, жаҳл, келишиб бўлмайдиган баҳс, қарама-қаршилик, душманлик билан боғлаймиз.

Аслида эса реал ҳаётда кўпчилик ҳолларда низо ва уларнинг тўғри ечими ортида асосланган қарорларнинг қабул қилиниши, инсон ва унинг фикр, қараш ва қарорларининг ўзгариши, ўз ўзини қайта англаши, ўз қадриятларини қайта кўриб чиқиши, муносабатларнинг очиқлик йўлидан кетиши, шу билан бирга баъзи яширин бўлган муаммоларнинг муҳокама этилиши билан боғлиқ ҳолда кечади.

Турли келишмовчиликларга эътиборсизлик, айниқса ёшлар ҳаётида уларнинг истиқбол қарашлари ва тафаккурининг шаклланишига бевосита боғлиқ ҳол бўлиб, бу ҳолат баъзан уларни нотўғри йўлдан олиб кетиши ва нотўғри қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Ёшларни низолар ечимларига, низоларни олдини олишга ўргатмаслик улар характерида низоли хатти-харакатларнинг стереотиплар асосида қатъийлашуви ва мунтазам такрорланишига олиб келади. Ёшлар ҳаётида юзага келган турли низоларга эътиборсизлик уларда ўзга инсонларга нисбатан ишончсизлик хислатининг вужудга келишига асос бўлади, бунинг негизида эса одам муаммонинг ечимини қидиришга, вужудга келган низоли вазиятларда таҳлил қилишга эмас, балки фақат бировларни, низода қатнашган ўзидан бошқа инсонларни доимий айблашга ўргатилиб қўйилади.

Бугунги кунда ёшларнинг улғайиши жараёни маълум ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Ижтимоий, иқтисодий, оилавий, демографик, экологик таҳдидларнинг ортиб бораётганлиги, ранг-баранг ахборот коммуникация тизимларининг очиқлиги, бунинг натижасида эса мана шу улкан негатив ахборотнинг бевосита тафаккурга негатив таъсири ва унинг кундан-кун кучайиб бориши ёшлар ривожининг янги шарт-шароитда кечаётганлиги кўрсатади. Агар санаб ўтилган замонавий воқелик хусусиятлари катталарда стресс ҳолатини кучайтириши ҳақида умуман кўп гапирилса-да, бундай вазиятларнинг ёшлар тафаккури ва ҳаётига таъсири ҳақида қарийб гапирилмайди. Лекин бу дегани мазкур ижтимоий воқелик ёшларга таъсир этмаслигини, замонавий ёшлар мана шундай таъсирдан холи яшаяпти деганини англатмайди.

Ижтимоий маконнинг ёшлар тафаккурига ижобий ва салбий таъсири мавжуд. Агар ижобий таъсир хусусиятлари ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан фаоллиги, ўзини шахс сифатида мустақил ва эркин тутишга интилиши, “катталар” ижтимоий хатти-ҳаракатларига нисбатан мослашувчанлиги ва уларни такрорлаши билан белгиланса, салбий таъсир бугунги болаларнинг ижтимоий зиддиятларга мойиллиги, ўз фикрини қандай бўлса ҳам ўзгаларга сингдиришга уриниши, ўзини барчадан, баъзан ота-она, яқинлари ва ўқитувчидан ҳам устун қўйиши, болалар агрессияси, безбетлиги, ўзбилармон ва қизиққонлиги, зиддиятларга киришдан чўчимаслиги, зиддиятларни куч билан ҳал қилишга уриниши, бироқ турли зиддиятларнинг ранг-баранг оқибатларига эмоционал жиҳатдан умуман тайёр эмаслиги, улардан эсанкираб қолиши, натижада агрессияга ружу қўйиши, барчани ва бутун борлиқни инкор этиши, турли деструктив кайфиятларга мойиллиги билан белгиланади.

Бинобарин, бугунги кунда ижтимоий макон кескин ўзгармоқда, унинг турли парадигмалари ўзгармоқда. Бунинг натижасида зиддиятли вазиятлар кучаймоқда. Буларнинг барчаси ёшлар тафаккурига таъсир этмоқда. Ёшлар психологияси ва шахси ҳам, унинг ўсиш улғайиш хусусиятлари ҳам маълум ўзгаришларни бошидан ўтказмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, конфликтология соҳасини оилавий можаролар, ажримлар, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, суицидни ҳолатларни бартараф этиш, тинч ва тотувликда яшаш кўникмаларини жорий этиш, авлодлар ўртасидаги келишмовчиликлар оқибатларини таҳлил қилиш ва бошқа кўп йўналишларда ривожлантириш давр талабидир.

**ХОДЖАЕВ СОБИР ДЖУМАЕВИЧ**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи,*

**СОДИҚОВ ФУРҚАТ ФАТУЛЛОЕВИЧ**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими*

## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД БЎЛГАНЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** *Мақолада Жазони ижро этиш муассасалари (ЖИЭМ) дан озод бўлган шахсларнинг оилавий муаммолари социологик тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича айрим таклифлар берилган.*
**Калит сўзлар:** *жазони ижро этиш муассасалари, оила, муаммо, уй-жой, социологик тадқиқот, сўровнома, респондент, шахс.*

**Аннотация:** *В статье анализируются семейные проблемы лиц, освобожденных из учреждений исполнения наказаний на основе результатов социологического исследования. Кроме того, были высказаны некоторые предложения по решению этих проблем.*
*Ключевые слова: учреждения исполнения наказаний, семья, проблема, жильё, социологическое исследование, анкета, респондент, личность.*

**Annotation:** *The article analyzes the family problems of persons released from penal institutions based on the results of a sociological research. In addition, there were some suggestions to concerning to resolve these issues.*
**Key words:** *Penitentiary institutions, family, problem, housing, sociological research, questionnaire, respondent, personality.*

Жазони ижро этиш муассасалари(ЖИЭМ)дан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини яхшилаш, уларнинг реабилитацияси ва ҳаётга қайта мослашишини таъминлаш муҳим

ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 8 октябрь кунидаги видеоселектор йиғилишида жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашувини таъминлашга алоҳида тўхталиб ўтган эди[47]. Дарҳақиқат, бугунги кунда собиқ маҳкумларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувида бир қатор муаммолар юзага келмоқдаки, уларни бартараф этишда илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш, чуқур илмий таҳлилларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Хусусан, ЖИЭМдан озод бўлган шахсларда юзага келаётган оилавий муаммоларни ўрганиш ва уни ечимида кўмаклашиш ушбу шахсларнинг нормал ҳаёт тарзига қайтишида ёрдам беради. Инсон туғилгандан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унинг жиноят йўлига киришига жамиятдаги маълум муаммолар, ижтимоий-психологик муҳит, социал адолат тамойилининг бузилиши, ҳаётдаги тасодифий ҳолатлар ва бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Зеро, жамиятда ҳеч бир кишининг ҳаёти тўла текис штиш қатъий равишда кафолатланмаган.

Ҳозирда Ўзбекистонда ЖИЭМдан қайтганлар қуйидаги оилавий муаммоларга дуч келмоқда. Биринчидан, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларнинг оиласи атрофида ҳамда ўзига нисбатан жамиятимизда турли салбий стереотиплар мавжудлиги кузатилмоқда. Бундай салбий муносабат ўз навбатида собиқ маҳкумларнинг жамиятга мослашишини янада қийинлаштирмоқда, уларнинг ижтимоий-руҳий ҳамда моддий аҳволи ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, ЖИЭМда бўлган вақтда айрим шахсларнинг оиласи турли сабабларга кўра бузилиб кетмоқда. Учинчидан, ЖИЭМдан қайтгандан сўнг моддий етишмовчилик, ишсизлик, уй-жой, ўзаро бир-бирини тушунмаслик, соғлик ва бошқа сабабларга асосан, оилалар бузилиб кетмоқда.

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида олиб борилган қисқа муддатли лойиҳа доирасида Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳарларида ЖИЭМдан қайтган шахслар билан ўтказилган социологик сўровда, ушбу шахсларнинг қандай оилавий муаммоларга дуч келаётгани аниқланган.

Тадқиқотда 480 нафар респондент иштирок этиб, шундан 62,2 фоизини эркаклар ва 37,8 фоизини аёллар ташкил этди.

Жазони ўтаб қайтганларнинг жамиятга мослаштиришда энг муҳим жиҳат уларнинг оилавий ҳолати билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда улар оила қуриш билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келишади. Сабаби, собиқ маҳкумларга нисбатан фуқаролар онгида шаклланган стереотиплар, қўрқув ва ишончсизлик сабаб кўпчилик қамалиб чиққан кишини куёв ёки келин қилишга жазм қилмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тадқиқотда жалб этилган собиқ маҳбусларнинг 19,3 фоизи бугунги кунда уйланмаган (турмушга чиқмаган). Шунингдек, 14,3 фоизи турмушидан ажралган. Оила қурганлар эса 61,7 фоизни ташкил этди (1-расм).




**1-расм. Респондентларнинг оилавий ҳолати**

Ота-онасидан бирининг қамалиши ёки жазога тортилиши фарзандларнинг руҳияти, хулқ-атвори, тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Энг муҳими оиланинг боқувчиси қамалса, фарзандларнинг сифатли таълим олиши, беками-кўст вояга етишида муаммолар юзага келади.

Сўровнома иштирокчиларининг қайд этишича, 33,1 фоизда 2 нафар, 22 фоизида 1 нафар, 15,5 фоизида 3 нафар, 9,8 фоизида 4 нафар фарзанд бор. 19,6 фоизида эса фарзанд йўқлиги маълум

[47] https://president.uz/uz/lists/view/3883

қилинган. Агар собиқ маҳкумларнинг ижтимоий воқеликка социал адаптациясида муайян муаммолар кузатилса, ушбу ҳолат шу оилада тарбияланадиган фарзандлар келажагига ҳам таъсир қилади.

Респондентларнинг 53,6 фоизи таъкидлашича, жазони ижро этиш муассасига ҳукм қилингандан кейин оиласи ажралиб кетган инсонлар ҳақида маълумотга эга, 22,3 фоизи эса ўзларининг ҳаёти бунга яққол мисол бўлганлигини изҳор этишди.

Сўровномада иштирок этганларнинг аксарияти (75%) бугунги кунда оиласидаги муҳитни дўстона, ўзаро ҳурматга асосланганини билдирган бўлса, 6,6 фоизи оилада самимийлик йўқлигини, яна шунча миқдордаги респондентлар оилада вақти-вақти билан зиддиятлар бўлишини, 3,5 фоизи муносабатларда бегоналашув ва лойиқайдлик борлигини ва 3,5 фоизи жанжаллар тез-тез бўлиб туришини қайд этган.

Сўров иштирокчиларининг айни дамда қандай долзарб масалалар безовта қилаётгани ўрганилганда, уй-жойни ташкил этиш (27,2%), ишсизлик (20%) ва оила қуриш (7,7%) эканлигини таъкидлашган. Мазкур муаммолар ЖИЭМдан қайтганларнинг оилавий ҳаётга мослашиб кетишига тўғаноқ бўлаётганлиги тадқиқот натижаларида ўз ифодасини топди.

Дастлаб уй-жой муаммосинини таҳлил қиладиган бўлсак, сўровнома иштирокчиларининг яшаш жойлари қуйидагича кўриниш ҳосил қилди:




**2-расм. Респондентларнинг истиқомат қилиш жойлари**

Бундан кўриниб турибдики ЖИЭМдан қайтганларнинг 3/1 қисмини уй-жой масаласи қийнаб келмоқда ва ушбу шахсларнинг оиласи тинчлиги ва хотиржамлигига катта тўсиқ бўлмоқда.

Ишсизлик, моддий қийинчиликлар ЖИЭМдан қайтганларнинг нафақат оилавий барқарорлигига балки, уларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўровномада иштирок этганларнинг ҳар бешинчиси бугунги кунда ишсиз. Иш билан банд бўлмаган шахсларнинг 34,2 фоизи тўланадиган иш ҳақи камлиги сабабли бугунги кунда ишсиз. Шунингдек, 27,1 фоизи соғлиги сабаб, 15,7 фоизи касб-ҳунари йўқлиги сабаб, 15,7 фоизи қамалгани учун ҳеч ким иш бермаётганини, 4,2 фоизи таклиф қилинаётган иш мутахассислигига тўғри келмаслиги боис иш билан таъминламасдан қолмоқда.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилган ҳолда, қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин. ЖИЭМдан қайтганларнинг оилавий муаммоларини ҳал этиш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Маҳалла институти инсоний қадриятлар, эзгу ғояларни тарғиб қилувчи муассаса сифатида жазони ўтаб қайтганларнинг жамиятга мослашувини таъминлашда фаол иштирок этиши зарур. Маҳалланинг ЖИЭМдан қайтганларнинг ижтимоий мослашуви ва муаммоларини ҳал этишдаги кўмагини кўрсатиб ўтган. Масалан, респондентларнинг аксарияти (55,8%) жазони ижро этиш муассасаларидан чиққандан сўнг жамиятга ижтимоийлашуви жараёнида дуч келган муаммо ва масалалар юзасидан ўзини яшаш жойи бўйича маҳалла фуқаролар йиғини вакилларига мурожаат этган ва 43 фоиз ҳолатда муаммолар ечими тўлиқ, 21 фоиз ҳолатда қисман амалий ёрдам олган. Шу билан бирга 35,8 фоиз мурожаатчиларнинг масалалари қондирилмаган ёки эътиборсиз қолдирилган.

Сўнгги йилларда жамиятдаги рўй бераётган тез суръатдаги ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда оила институтида салбий ҳолатлар тез-тез содир бўлаётганлиги кўзга ташланоқда. Бу борада мулкий ва ижтимоий қутбланиш оиланинг деформацияланиши - таълим, маиший ва бўш вақт функциялари деформацияси билан тавсифланади.

ЖИЭМдан қайтганларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан биридир. Бу учун уларга маълум имтиёзли кредитлар бериш орқали уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш мумкин. Лекин, бу каби имтиёз билан бирга уларга нисбатан муайян талаблар ҳам қўйилиши лозим. Масалан, уч йилгача уй давлат номида бўлиб, шу вақтгача қайта жиноят қилмаса, шахснинг номига расмийлаштириш ва ҳоказо.

Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасидан қайтган маълум тоифадаги хотин-қизларни "Аёллар дафтари" рўйҳатига киритиш ва уларни ижтимоий ҳаётга тўлиқ мослашиб кетишлари учун қўллаб-кувватлаб туриш, фикримизча, уларнинг ўз ҳаётларини изга солишларига имкон беради.

Биринчи марта ва қасддан содир этилмаган енгил жиноятларни, енгил иқтисодий жиноятларни содир этган шахсларга ЖИЭМда эмас, пробация назоратида бўлиши ва энг асосийси оиласи бағрида бўлишини таъминлаш орқали, оилаларнинг бузилиб кетишини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. president.uz/uz/lists/view/3883

**БАБАШЕВ ФАРХАД АЙТМУРАТОВИЧ**
*Педагогика фанлари номзоди, доцент Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи*

## ОИЛАДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** *Мақолада оилада болаларнинг ахборот хавфсизлиги таъминлаш, уларни маънавий-ахлоқий ва мафкуравий таҳдидлардан муҳофаза қилишда таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш масалалари тўғрисида сўз юритилади.*
**Калит сўзлар:** *тарбия, ахлоқ, глобаллашув, оммавий ахборот воситалари, ахборот хавфсизлиги, ахборот ресурслари, ахборот хуружлари, оммавий маданият.*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются вопросы информационной безопасности детей в семье, взаимодействия с образовательными учреждениями в их защите от духовных, нравственных и идеологических угроз.*
**Ключевые слова:** *воспитание, нравственность, глобализация, средства массовой информации, информационная безопасность, информационные ресурсы, информационные атаки, массовая культура.*

**Annotation:** *The article deals with the issues of information security of children in the family, interaction with educational institutions in their protection from spiritual, moral and ideological threats.*
**Key words:** *education, morality, globalization, mass media, information security, information resources, information attacks, mass culture.*

*Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим вазифалардан биридир.*
**Шавкат Мирзиёев**

Ҳар қандай жамият равнақи, давлатнинг куч-қудрати таълим-тарбия тизимининг самарадорлигига боғлиқ. Ёшлар тарбияси учун биринчи навбатда оила, ота-она масъулки, бу фаолият ҳар бир фуқародан катта маънавий, ақлий, жисмоний ҳамда моддий салоҳиятни талаб қилади.

Биз шу кунга қадар шахс камолотига биологик ва ижтимоий омиллар, таълим-тарбия ҳамда шахсий фаоллик каби тўртта омил таъсир қилишини таъкидлаб келар эдик. Бугунги кунда келиб,

жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация тизимларининг мислсиз тараққиёти негизида медиа ресурслар вояга етиб келаётган авлод онги учун энги таъсирчан омил ҳисобланади.

Медиа ресурслар – бу инсон сезги каналлари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш) томонидан идрок этиладиган ахборотлар йиғиндисидир. Ахборот оқими XX асрда телевидение, радио ва, айниқса, интернет пайдо бўлиши ва глобаллашув жараёни юзага келиши билан янада кучайди.

Глобаллашув XXI асрда юксак тараққий топган мамлакатларга ҳеч қандай қирғинбарот қурол ишга солмасдан, фан, техника, технологиялар ҳамда «оммавий маданият» воситасида энди тараққиётга кириб бораётган ва улардан орқада қолаётган мамлакатларни ўзларига боғлаб қўяётганлиги билан ҳозирги замонга хос бўлган янги империяларни вужудга келтириш имкониятини яратганлиги билан инсоният тараққиётининг янги даврини бошлаганлигини ҳам ўзида ифода эттиради. Глобаллашув халқларни ўзига қарашнинг азалдан амал қилиб келган қуролларни ишга солишдан, янги «маданийлашган» услубига ўтилишидир.[48]

Ўтмишда давлатлар ўзаро урушларда инсон ресурслари, қурол-яроғлар ҳамда техника ютуқларига таянган бўлса, энди мафкуравий қуроллар, жумладан оммавий ахборот воситалари ва тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланадилар. Бунда асосий эътибор инсон онгига қаратилади. Инсон дунёқараши қанчалик тор, билимлари саёз бўлса – унинг онгига кўрсатилаётган таъсир кучи шунчалик ошиб боради. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан «мафкура полигонларининг ядро полигонларидан ҳам кучли» эканлиги бир неча бор қайд этилган эди.

Бу эса бугунги ахборолаштирилган даврда ёшлар, айниқса болаларнинг ахборот хавфсизлиги устида жиддий бош қотириш зарурлигидан, оилада ва таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг мафкуравий моҳиятини бойитиб бориш муҳимлигидан далолат беради. Афсуски, бу борадаги ютуқларимиз мақтанарли даражада эмас.

Бугунги авлодга келадиган бўлсак, улар битмас-туганмас ахборот оқимлари таъсирида қолган. Айниқса мобиль алоқа воситалари ёшларимизнинг қимматли вақтини олишдан ташқари, уларнинг дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Афсуски, кўп ҳолларда ёш авлод томонидан қабул қилинаётган хабарлар ва маълумотлар уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига салбий таъсир кўрсатади.

Ахборот хуружларининг асосий таъсир қуролидан бири «оммавий маданият» бўлиб, бугунги ёшларимизнинг хулқ-атворида айнан унинг кучли таъсирини кузатмоқдамиз. «Оммавий маданият»нинг асосий мақсади ҳам кишилар, айниқса ёш авлод онгига, тафаккурига таъсир этиш орқали уларда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ҳисларини йўқотишдан иборатдир. Р.Сафарова ва бошқа олимлар «оммавий маданият»нинг таъсирини қуйидагича тавсифлаган эдилар: «оммавий маданият» аста-секин инсоннинг ҳайвонга хос хусусиятларини кучайтириб боради. Бу маънавий-ахлоқий иллатларнинг таъсири натижасида инсонларда бир қатор ҳолатлар кузатилади:

1) ахлоқий бузуқлик – жамоат жойларида ўпишиш, шаҳвоний фильм ва суратлар кўриш;
2) зўравонлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар ва ўйинларга одатланиб қолиш;
3) ўзим бўлсам бўлди, ўзга билан ишим йўқ қабилида иш тутиш;
4) барча нарсаларга шахсий манфаат назари билан ёндашиш;
5) шахсий манфаатни ҳар нарсадан устун қўйиш – бу борада ҳеч ким билан ҳисоблашмаслик, ҳаттоки ота-она ҳурмати ва фикрини ҳам менсимаслик;
6) ўз нафсининг қулига айланиш;
7) ҳаёсизлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тубанликка муккасидан берилиши;
8) ғайриинсоний «никоҳ»лар, жинслар ўртасида ҳайвоний нафсга берилиши каби ўта салбий ҳолатлар.[49]

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Аммо, афсуски, бугунги кунда ҳам ёшлар ташкилотлари ўз контингенти бўлган ёшларни ягона ғоя асосида жипслаштирган ҳолда янги мақсадлар сари сафарбар қилишга ожизлик қилмоқда.

---

[48] Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари) [Матн]/ С.Отамуратов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 352 б. 69-бет.

[49] Ўқувчи-ёшларни «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Р.Г.Сафарова ва бошқ. – Тошкент, «Tafakkur qanoti», 2017. – 200 б. 32-бет.

Зеро, эскича буйруқбозлик услуби билан тизимга янгилик киритиб бўлмайди. Таълим муассасаларида талабалар ўзини ўзи бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги, уларнинг талаб ва ташаббуслари контракт тўловини камайтиришу-стипендия миқдорини оширишдан нарига ўтмаётганлиги фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, «оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган» ахборот ҳам болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига киради.[50]

Қонунга кўра, «Болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, болаларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш» болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бир сифатида белгиланган.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига эришиш йўллари қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик; миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш кабилардан иборат эканлиги қонун билан белгилаб берилган.[51]

Аммо, болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ота-оналар масъулиятига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Б.Сирлибоева ўсмир-ўқувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришда ота-оналарга қуйидаги амалий тавсияларни беради:

– ўсмир-ўқувчиларнинг ахборотлашган жамиятда тўғри фаолият олиб боришларини таъминлашга доир назарий ва амалий методик билимларини бойитишга эътибор қаратиш;

оилада ўсмир-ўқувчиларнинг ахборотлардан самарали, мақсадга мувофиқ ва муваффақиятли фойдаланишлари учун зарур шарт-шароит, шунингдек, уларнинг умумий ривожланиши учун қулай ахборот муҳитини яратиб бериш;

– бу борада эҳтиёж мавжуд бўлса, умумий ўрта таълим мактабларининг педагогик жамоаси, шунингдек, тегишли ва ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг педагогик, мактаб психологининг психологик ёрдамига таяниб иш кўриш;

– ўсмир-ўқувчиларнинг ахборотлар билан ишлашига йўналтирилган фаолиятларини вақти-вақти билан назорат қилиб бориш, муаммо юзага келганда умумий ўрта таълим мактаблари билан ўзаро ҳамкорликка таянган ҳолда педагогик ва психологик ёрдам олиш;

– умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган ота-оналар йиғилишларида ўсмир-ўқувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш муаммосининг устувор вазифалари юзасидан ўзаро фикр алмашишларини таъминлаш;

– оила даврасида ахборотнинг ижтимоий-шахсий аҳамияти оқибатлари, ахборот хавфи, ахборот хавфсизлиги борасида суҳбатларни ташкил этиш.[52]

Шунингдек, биз ҳам ўз ўрнида болаларни уларнинг соғлигига, маънавиятига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборот оқимларидан сақлаш мақсадида ота-оналардан ўз фарзандларининг бўш вақтини қандай ўтказаётганини, телефондан оқилона фойдаланишини назорат қилиб боришни тавсия қиламиз. Ўқувчи-ёшларни дарс машғулотларига ўз вақтида тайёргарлик кўришга, мустақил таълим олишга, доимий равишда бадиий адабиётларни мутолаа қилишга ўргатиб бориш даркор.

Юқоридаги фикрларимизга хулоса қилиб шуни қайд этмоқимизки, ота-она ўз фарзандларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун бевосита масъулдир. Фарзандининг бўш вақт тушунчасидан

---

[50] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида». Электрон ресурс: https://lex.uz/docs/3333797

[51] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида». Электрон ресурс: https://www.lex.uz/acts/52268

[52] Сирлибоева Б. Ўсмир-ўқувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш. – Т.: «Фан ва технология», 2011. 80-бет. 11-бет.

йирок бўлиши, бекорчилик ва дангасалик каби иллатларга қарам бўлишининг олдини олиш бўйича тизимли фаолият олиб боришда мактаб ва бошқа таълим муассасаларига яқиндан ёрдам бериш – уларнинг асосий бурчидир. Зеро, ота-она ва таълим муассасаси ўртасидаги яқин ҳамкорликкина ёш авлодни ахборот хуружларидан самарали ҳимоя қилиш имконини беради.

Эр-хотин, қайнона-келин, қуда-андалар, авлодлар ўртасидаги низолар, эрта турмуш қуриш, ажримлар ва бошқа ижтимоий муаммоларни бартараф қилмас эканмиз, ёш авлоднинг ахборот хавфсизлиги тўғрисида сўз юритишнинг ўзи ноўрин. Шу боисдан, жамиятимизда оилавий зиддиятларнинг олдини олиш – бизнинг асосий мақсадимизга айланиши зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида». Электрон ресурс: https://lex.uz/docs/3333797
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида». Электрон ресурс: https://www.lex.uz/acts/52268
3. Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралари) [Матн]/ С.Отамуратов. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2018. – 352 б.
4. Ўқувчи-ёшларни «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Р.Г.Сафарова ва бошқ. – Тошкент, «Tafakkur qanoti», 2017. – 200 б.
5. Сирлибоева Б. ўсмир-ўқувчиларда ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш. – Т.: «Фан ва технология», 2011. 80-бет.



**ИСАМУТДИНОВ РАВШАН РАХМОНОВИЧ**

*Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, мустақил изланувчи*


## “ХАФВСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШДИ “ХАВФСИЗ ОИЛА” МЕЗОНИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ


**Аннотация:** *мақолада “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида “Хавфсиз оила” мезонининг ўзига хосликлари ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф мақолада хавфсиз оилани таъминлашда ҳар оиланинг соғлом муҳит ва ўзаро ҳурматини шакллантириши, фарзанд тарбиясига масъулиятни ривожлантириши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, китоб ўқиш ва ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириши жиҳатларини очиб берган.*



**Калит сўзлар:** *хавфсиз маҳалла, хавфсиз оила, жиноят, ҳуқуқбузарлик, мезон, тасниф.*



**Аннотация:** *Раскрыты особенности критерия “Безопасная семья” на основе принципа “Безопасная махалля”. Также, автор поясняет особенности формирования здоровой среды и взаимного уважения, развития ответственности за воспитание детей, занятия физкультурой и спортом,чтение книг и развитие юридической грамотности в каждой семье для обеспечения безопасной семьи.*



**Ключевые слова:** *безопасная махалля, безопасная семья, преступление, правонарушение, критерий, классификация.*



**Annotation:** *The article reveals the features of the “Safe family” criterion based on the “Safe mahalla” principle. Also, the author in the article explains the features of the formation of a healthy environment and mutual respect, the development of responsibility for raising children, physical education and sports, reading books and developing legal literacy in every family to ensure a safe family.*



**Key words:** *safe mahalla, safe family, crime, offense, criterion, classification.*

Бугунги кунда жамиятда ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз қишлоқ”, “Хавфсиз туризм”, “Хавфсиз шаҳар” каби тушунчалар қўлланилмоқда. Мазкур тушунчаларининг ҳар бири маълум бир соҳа ва ҳудудини ўз ичига қамраб олиб, алоҳида йўналиш сифатида қаралмоқда.

Масалан, “Хавфсиз маҳалла” тамойилини тақдиқ қилар эканмиз биз уни шартли равишда 3 та мезонга ажратиб, ўрганишни лозим топдик (1-расм).




**1-расм. Хавфсиз маҳалла мезонлари**

Ажратилган 3 та мезон ўз навбатида тизим ости таркибий қисмларга бўлинди ва улардан бири “Хавфсиз оила” мезонининг “Хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий қилишдаги ўрни ва роли ҳақида тўхталиб ўтамиз.

“Хавфсиз оила” мезон 4 та таркибий қисмларга ажратилиб, улар тизим ости сифатида маълум бир соҳани қамраб олиш нуқтаи назаридан таснифланди (2-расм).




**2-расм. Хавфсиз маҳалла мезоннинг тизимости таркибий қисмлари.**

Биринчидан, оилада соғлом муҳит ва ўзаро хурматни шакллантириш йўналишида.

Бугунги кунда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила — соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини юритиш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Бу борада “турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда. Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда [1]”, - деб таъкидлаб ўтганлар юртбошимиз.

Кейинги йилларда аҳоли орасида оилавий ажралишлар сони камайган бўлсада, масала долзарблигича қолмоқда. Шу ўринда, статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнги

йилларда республикамизда 2016 йилда 29 340 та, 2017 йилда 31 929 та, 2018 йилда 32 326 та, 2019 йилда 31 389 та ва 2020 йилда 28 233 та оилавий ажралишлар [2] қайд қилинган.

Бироқ, бугунги кунда оилаларда соғлом муҳит ва ўзаро ҳурматни шакллантириш борасида олиб борилган ишларга қарамасдан қайд қилинган никоҳларнинг 10 фоизи ажралишлар билан якунланмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда ноқонуний никоҳ асосида яшаётганлар 16 минг 276 тани [3] ташкил қилади.

Бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлашда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш орқали мавжуд муаммоларини аниқлаш ва уларни ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда манзилли бартараф қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, оилавий низоли ҳолатларнинг олдини олишда тўғри ёндашилмаслик натижасида 2020 йилнинг 12 ойида республикада содир этилган қотиллик жиноятларининг 35,2 фоизи оила-турмуш доирасида содир этилганлиги бунга яққол мисолдир.

Масалан, оила-турмуш доирасидаги қотилликларнинг 47% эр-хотинлар, 9% ака-укалар ва 38% бошқа қариндошлар ўртасида келиб чиққан низолар сабабли содир этилган. Ушбу, жиноятларнинг 4% ўч олиш, 13% рашк, 53% муросага келиша олмаслик, 4% мол-мулк талашиш ҳамда 24% [4] бошқа сабаблар оқибатида юзага келган. Бу эса, оилалардаги низоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўришни, жиноятлар содир этилишига имкон берувчи омилларни оила хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назардан ёндашишни талаб этади.

Иккинчидан, фарзанд тарбиясига масъулиятни ривожлантириш йўналишида. Ўтган асрда жадид адабиётининг йирик вакилларидан бири Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган иборалари бугунги замонда ҳам муҳим ва долзарблигини кўрсатмоқда.

Илмий кузатиш ва тадқиқотлар инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда фаол қабул қилишини, боланинг онги, асосан, 5 — 7 ёшда шаклланишини кўрсатган. Бу эса жамиятга кириб келаётган шахснинг маънавий-руҳий олами, дунёқараши, билиму салоҳияти унинг мактаб ёшигача бўлган йилларда олган таълим-тарбиясига узвий боғлиқлигидан далолат беради.

Жумладан, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини ошириш зарурияти мавжуд бўлиб, бу эса жамиятимизда учраётган турли хил салбий ҳолатларида ўз аксини топмоқда.

Хусусан, оилавий ажралишлар оқибатида республика вояга етмаганлар ота ёки она меҳридан маҳрум бўлишига олиб келмоқда.

Шунингдек, оилавий ажралишлар билан боғлиқ бундай ҳолатларда фарзандларни назоратсиз ва қаровсиз қолишлари вояга етмаган ўсмир қизлар ўртасида эрта туғруқ ҳолатлари содир бўлмоқда. Бундан ташқари, оилада фарзанд тарбияси билан шуғулланишида ота-оналарни масъулиятни етарли даражада ривожланмаганлиги, уларни қаровсиз ва назорат қолишларига олиб келмоқда.

Учинчидан, қўни-қўшнилар билан аҳилликни мустаҳкамлаш йўналишида. Ҳозирги вақтда жамиятдаги фуқаролар ўртасида бўлаётган турли хил ижтимоий келишмовчиликлар ва зиддиятли ҳодисаларда ҳар бир оилани бир бўғим сифатида қаралганда, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда қўни-қўшни тушунчаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Қўни-қўшни тўғрисида фикр юритишдан олдин ушбу тушунча бўйича илгари сурилган таърифларни келтириш ўринлидир. Айни пайтда, манбалар, илмий адабиётларда “қўни-қўшни” ёки “қўшни” тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган таърифга кўра, “Қўшни – уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар (бир-бирига нисбатан)” [5] ҳисобланса. “қўни-қўшни эса қўни-қўшниларнинг ўзаро борди-келди муносабатлари” [6] тушунилади.

Шундан келиб чиқиб, қўни-қўшни мустаҳкамлиги ва аҳиллигини таъминлашда муносабатлар иштирокчиларини ўзаро келишмовчилик ва жанжалларни барвақт олдини олишда унга таъсир қилувчи муаммоларни асл келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш лозим.

Агарда фуқаролар ўртасида кўплаб низоли ҳолатларни кузатсак, улар асосан маълум бир объектга қаратилганлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, республикада оила-турмуш доирасида содир этилган 143 та қотиллик жиноятларнинг 7 таси қўни-қўшни ўртасида бўлиб ўтган.

Содир этилган жиноятлар сабаблари таҳлил қилинганида ер талашиш ва ўзаро келишмовчиликлар орқали келиб чиққанлиги маълум бўлган.

Шунингдек, оилавий муносабатларни барқарорлигини таъминлашда қўни-қўшниларни бир-бирига эътиборсизлиги ҳам асосий рол ўйнайди. Бу борада оилада фуқароларни бир-бири билан жанжаллашиш ҳолатларига эътиборсизлиги, уларни тартибга чақириш ва ҳуқуқбузарликнинг дастлабки босқичида олдини олиш чораларини кўриш ёки бу ҳақида тегишли масъулларга бу ҳақида хабар бериш осойишталикни таъминлашга замин бўлади.

Тўртинчидан китоб ўқиш ва ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш йўналишида. Мазкур йўналишни ёритишда уни қисмга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ, авваломбор китоб ўқиш, иккинчидан оилада ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш сифатида алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Сўнги йилларда республикада китобхонлик маданиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, республикада китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг 5 та қарори қабул қилинди, китобхонлик маданиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди [7].

Бу борада оилада китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этишда китобхонлар ўртасида “Энг китобхон маҳалла” ва “Энг китобхон оила” каби кўрик-танловларини ташкил қилиш йўлга қўйилди.

Оилада китоб ўқишни ривожлантириш ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган муҳим ва дастлабки маскан ҳисобланади.

Тадқиқотчи Д.Мўминова фикрича, турли ёш босқичидаги шахснинг китоб билан мулоқотини 5 та шаклда ифодалаб, дастлабки қарашларни оилада шаклланишини “китобхонлик саводхонлиги” [8] сифатида баҳолаган.

Олимлар ва тадқиқотчилар ҳамиша китобни ақлни чархлайдиган, маънавий юксалишга етаклайдиган манбаа сифатида таърифлайдилар. Китоб ўқиш инсон руҳиятига ва саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида сўнги вақтларда олимлар ўртасида баҳс-мунозара бўлмоқда.

Китоб орқали инсон фикран бойиши ва дунёқараши кенгайишида кўплаб фойдали жиҳатлари келтирилган. Масалан, мутолаа жиноятчиликнинг олдини олади. Ўтказилган тадқиқотдан маълум бўлишича, панжара ортида саводхонлигини оширган жиноятчилар озодликка чиққанларидан сўнг бошқа жиноятчиларга нисбатан жиноятга 30 фоиз камроқ қўл урадилар [9].

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев таъкидлашича, мутолаага қизиқиш сусайиши, ўз навбатида, аҳоли саводхонлиги даражаси пасайиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдидлардан саналади [10].

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият” принципи асосида ташкил этилмоқда. Бу борада маҳаллаларда ҳафтанинг кунларида маълум бир йўналиш бўйича ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, маҳаллаларда аҳоли вакилларини таклиф қилган ҳолда “Маънавият соатлари” ва “Ҳуқуқий билимлар”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Ёнғинлар профилактикаси”, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғиботи” кунлари ўтказилмоқда. Ташкил қилинган тарғибот тадбирлари орқали оилада ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, “Хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий қилишда ҳар оилада соғлом муҳит ва ўзаро ҳурматини шакллантириш, фарзанд тарбиясига масъулиятни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш ва ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш каби масалаларнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 март куни ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. www.uza.uz. 09.03.2018 й;
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси берган маълумотлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маълумотлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотлари;
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида; масъул муҳаррир Э.Бегматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. – Б.421.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида; масъул муҳаррир Э.Бегматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. – Б.409.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020 — 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги 781-Қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2020 й., 09/20/781/1619-сон
8. Муминова, Дилафрўз Акбаралиевна (2019) «The role of booking in barkamol individual,» Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1 : Iss. 6 , Article 81. https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/81
9. Китоб ўқишнинг 21 фойдаси ҳақида. "AdMe.ru" китоб ўқишнинг фойдалилиги борасидаги тадқиқотлар натижалари. https://kh-davron.uz/kutubxona/qoshimcha/rivoyatlar/kitob-oqishning-21-foydasi-haqida.html.
10. А.Абдуллаев. Мутолаа маданияти ва интеллектуал салоҳият. Халқ сўзи. Online. 14.02.2017.
11. https://old.xs.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/9477-mutolaa-madaniyati-va-intellektual-salo-iyat.

**А.М. ЖАББОРОВ,**
*Проф.*

**Р.Н.АЛИМАРДОНОВ,**
*ҚарДУ таянч докторант*

## ЁШ ОИЛАЛАРДА СОҒЛОМ ПСИХОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

**Аннотация:** *мақолада оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олишнинг асосий омиллари – миллий ва умуминсоний қадриятларни, эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатларни, оиланинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш тўғрисида сўз юритилади.*

**Калит сўзлар:** *оила, никоҳ, миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналар, ёш келин-куёв, оиладаги психологик муҳит*

**Аннотация:** *в статье речь идет о национальных и общечеловеческих ценностях, о необходимости укрепления отношений между мужем и женой, а также родителей и детей, об укреплении и усовершенствовании духовных, нравственных и правовых основ семьи как основных факторов обеспечения здоровых психологических отношений в молодых семьях.*

**Ключевые слова:** *семья, брак, национальные и общечеловеческие ценности, традиции, молодожены, психологическая атмосфера в семье*

**Annotation:** *the article deals with national and universal values, the need to strengthen relations between husband and wife, as well as parents and children, and the strengthening and improvement of the*

*spiritual, moral and legal foundations of the family as the main factors in ensuring healthy psychological relations in young families.*

**Key words:** *family, marriage, national and universal values, traditions, newlyweds, psychological atmosphere in the family*

Жаҳон миқёсида оила-никоҳ анъаналари ва қадриятларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш бугунги куннинг устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Шундай экан, оила-никоҳ анъаналарини комплекс ўрганиш, уларнинг ҳали яхши ўрганилмаган ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш жиддий аҳамият касб этади. Айниқса, оила-никоҳ анъаналари ва турмуш тарзининг ижтимоий-маданий, ҳудудий, этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш асосида психологик тавсифномасини ишлаб чиқиш масалалари ҳануз долзарблигача қолмоқда.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги Фармонида оила институтини ривожлантиришга доир маданий мерос, оилавий қадриятлар муаммоларига бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби вазифалар ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлиги қатъий белгиланди. Бу эса мамлакатимизда оилаларда умуминсоний, миллий қадриятларни, эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатларни, оиланинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

“Ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этник асослари” мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқод иши натижалари қуйидаги умумий хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Оила ҳаёти ва турмуши билан боғлиқ муаммо ва сир-синоатлар нафақат бугунги кунда ва ҳатто қадим-қадимдан жамиятнинг илғор кишилари: уламолар, мутафаккирлар, зиёлию-олимларни қизиқтирган ва ижтимоий турмушнинг устувор соҳаси сифатида ўрганиб келинган. Оила ҳаёти учун қимматли маълумотлар мукаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида, буюк муҳаддис уламолар ҳадисларида, тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари тариқатларида, шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида сақланиб келаётган бўлиб, улардан ёшларни оила ҳаётига тайёрлаш ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Биз тадқиқотимиз учун назарий-методологик манба сифатида ўрганган узоқ ва яқин чет эл психологиясида айнан ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этник асослари ўрганилмаган бўлса-да, лекин ёшларни оилавий ҳётга тайёрлаш, оиланинг барқарорлигини таъминлаш, ёки оила бузилишига олиб келувчи иқтисодий, ижтимоий-биологик, ижтимоий - психологик, маънавий - маданий, ҳиссий - эмоционал, тарбиявий-педагогик омиллар таъсири кенг тадқиқ этилган. Ушбу илмий ютуқларга муносиб баҳо берган ҳолда, бу далиллар ижтимоий-этник ва ҳудудий хусусиятлар чуқур сингиган ўзбек оилалари ҳаётига тўла тааллуқли деб бўлмайди.

3. Мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатлари, оилавий турмушнинг турли жабҳаларига хос муаммолар, фалсафа, тарих, этнография, социология, педагогика, психология, ҳуқуқ фан соҳаларининг вакиллари томонидан муайян даражада ўрганилаётган бўлса-да, лекин оила ҳаётига хос баъзи бир муаммолар ҳали ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Айнан, ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг ижтимоий-этник асосларини ўзбек миллий-маданий муҳити таъсирида ўрганиш ана шундай муаммолар ечимига йўл топади.

4. Оилада шахслараро муносабатлар мураккаб тизимга эга бўлиб, унинг асосий бўғинини эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар тизими ташкил этади. Бу муносабатлар келин-куёвнинг ҳаёти ва фаолиятида намоён бўлиб, унинг барқарорлигини оилавий қадриятларнинг шаклланганлик даражаси

белгилайди. Бугунги кунда оилавий қадриятлар ўзида бир қатор ижтимоий-этник жиҳатларни: жинсий муносиблик, шахс сифатида идентификациялашганлик, маиший-хўжалик, ота-она тарбиячилик, ижтимоий фаоллик, эмоционал психотерапевтик, ташқи жозибадорликни меъёрли ривожланганлигини тақозо этади.

5. Оиладаги шахслараро муносбатларда эр ёки хотиннинг етакчи рол ўйнаши ёш келин-куёв оиласидаги ўзаро муносабатларда ҳам кузатилди. Эрларда кўпроқ оилани оқилона бошқара олиш, ўзига ишонч, қатъийлик, дадиллик, мустақиллик, тиришқоқлик, фаоллик ва ғамхўрлик юқори хусусиятлар тарзида мужассамлашганда, аёллар сабр-тоқатли, тартибли, эътиборли, бўйсунувчан, иболи-ҳаёли, сарамжон-сариштали эканликларида муносабатлар самимий ва меъёрли бўлиши кузатилди. Аёллар эрларини фаол, ўзига ишонган, талабчан, муносабатларда самимий, тингловчан, фидойи ва вафодор шахс сифатида намоён бўлишини муносабатлар учун анча афзаллигини маъқуллашди.

6. Оилада эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларига хос қадриятлар тарихий шаклланган ва бир-бири билан узвий хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ёшларда меъёрли шаклланмаганлиги ёш келин-куёв муносабатларининг беқарорлашувига олиб келади. Келин-куёвнинг шахс сифатида идентифакциялашуви оила қуриш жараёни билан адаптаци**я босқичида (тахминан 4-5 йил) таъминланиши зарурат эканлиги кузатилди. Ота-онанинг маслаҳати билан шахсий мақсадни мувофиқлаштириш, «муаммолар шаклланиши» таъсиридан қочишни таъминлайди.**

7. Тадқиқот натижаларига кўра, ёш оилаларда фарзандларнинг туғилиши, ўзаро муносабатларда низолар учрамаслиги, эр-хотиннинг жинсий мослиги, севги ва меҳр-муҳаббатнинг мавжудлиги, яшаш шароитининг қулайлиги, рашк ва ишончсизликнинг учрамаслиги, ота-оналар билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатлик асосида иш тутиш, ота-она ва қариндош уруғларга яхши муносабат, оилавий ролларнинг тўғри тақсимланганлиги, феъл-атворнинг мослиги, уй ишларининг саранжом-саришта ва орасталиги оилада соғлом психологик муносабатларни таъминловчи муҳим омиллар эканлиги қайд этилди.

8. Оилавий низолар келиб чиқиши ва оиланинг бузилиб кетишида эр-хотин феъл-атворининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик асосий омиллар деб тан олинса, уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, рашк ва ишончсизлик, ота-оналарнинг келин-куёв муносабатларига ноўрин аралашуви, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, жинсий муносабатларда зарур қоидаларга амал қилмаслик (ёки хиёнат) ҳолатлари ҳам оилавий зиддиятлар келиб чиқишида муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

9. Оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашда оилавий психотерапия усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий психотерапия - оиланинг меъёрий фаолият кўрсатишини таъминлаш, оила бузилишларининг турлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш, профилактикаси ҳамда эр-хотиннинг психик ва соматик саломатлигини аниқлаш билан боғлиқ турмуш фаолияти бузилишининг диагностик ва психопрофилактик мажмуасидир. Оилавий психотерапия йўналганлик моҳиятига кўра инсонпарварлик майлларига (мотивларига) таяниб, оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашга хизмат қилади.

10. Психологик тренингдан олдин ва кейинги олинган натижалар таҳлили тренинг машғулотларининг тўғри ташкил қилинганлиги ва анча самарали кечганлигини кўрсатди. Ёш келин-куёв оиласидаги муаммоли масалаларни ечиш жараёнида муаммога реал ёндашишга, фикр эркинлигига, баҳс-мунозараларнинг ижобий ечим топишига эришганликлари, улар орасида маънавий-психологик кўринишдаги ўзаро бирлашиш, умумийлик, якдиллик пайдо бўлганлигини ифодалади. Оилавий муносабатлардаги муаммоли масалаларни ечишда корпоратив тренинглар узига хос ихчам тузилиши, илмий йўналганлиги, ҳаётий ечимлар билан асосланган тарбиявий таъсир этиш жараёни сифатида қулай ва замонавийлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

**Bayjonov Furqat Baxromovich**
*MOITI mustaqil tadqiqochisi*

# FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING JORIY HOLATI VA ME'YORIY-TASHKILIY BAZASINI MUSTAHKAMLASH YO'LLARI

**Annotatsya:** *Mazkur maqolada fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlarining joriy holati va me'yoriy-tashkiliy bazasini mustahkamlashga qaratilgan ishlar yoritilgan.*
**Kalit so'zlar:** *mahalla, qonun, chora-tadbirlar, fuqaro, boshqaruv, oila, xotin-qizlar.*

**Аннотация:** *В статье описывается текущее состояние самоуправления граждан и работа по укреплению нормативно-правовой базы.*
**Ключевые слова:** *соседство, закон, меры, гражданин, администрация, семья, женщины.*

***Resume:*** *This article describes the current state of citizens' self-government and the work aimed at strengthening the regulatory framework.*
***Key words:*** *neighborhood, law, measures, citizen, administration, family, women.*

Demokratik huquqiy davlat va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etish yo'lidan izchil borayotgan mamlakatimizda fuqarolarning davlat boshqaruvini amalga oshirishdagi ishtirokini va mahalliy ahamiyatga molik masalalarni mustaqil hal qilishlarini ta'minlovchi tashkiliy-huquqiy kafolatlar tizimini yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zero, o'zini o'zi boshqarish tizimini rivojlantirish fuqarolik jamiyatini barpo etishning nafaqat sharti, balki muhim vositasidir. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi qabul qilinishi bilan milliy davlatchiligimiz tarixida birinchi marotaba mahalla konstitutsiyaviy institut maqomiga ega bo'ldi. Asosiy Qonunning 32-moddasida fuqarolarining jamiyat va davlat ishlarini boshqarshsda bevosita hamda o'z vakillari orqali ishtirok etish huquqiga ega ekanligi, bunday ishtirok etish o'zini o'zi boshqarish, referendumlar o'tkazish va davlat organlarini demokratik tarzda tashkil etish yo'li bilan amalga oshirilishiga oid norma o'z ifodasini topdi. Konstitutsiyaning 105-moddasida esa fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organlarining huquqiy asoslari yanada mustahkamlandi. Unga ko'ra shaharcha, qishloq va ovullarda, shuningdek ular tarkibidagi mahallalarda hamda shaharlardagi mahallalarda fuqarolarning yig'inlari o'zini o'zi boshqarish organlari bo'lib, ular ikki yarim yil muddatga raisni (oqsoqolni) va uning maslahatchilarini saylashi belgilandi. Bu vazifani hal qilishda "Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga tegishli o'zgartish va qo'shimchapar kiritish maqsadga muvofiqdir.

O'zbekistonda fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish idoralari joylarda fuqarolarning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy huquqlarini ro'yobga chiqarish, ularning xavfsizligi yoki tinchligiga ziyon yetkazishi mumkin bo'lgan holatlarning oldini olish hamda fuqarolik jamiyatini shakllantirishda eng muhim o'rin tutadigan ijtimoiy institut hisoblanadi. Aynan shu sababdan hukumat tomonidan ushbu idoralarning faoliyatini muntazam ravishda takomillashtirib borish vazifasiga katta e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yilda qabul qilingan "Jamiyatda ijtimoiy-ma'naviy muhitni sog'lomlashtirish, mahalla institutini yanada qo'llab-quvvatlash hamda oila va xotin-qizlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni ayniqsa muhim ahamiyat kasb etdi. Farmonda mahalla institutini qo'llab-quvvatlash orqali jamiyatda ijtimoiy-ma'naviy muhitni yanada sog'lomlashtirish bo'yicha ko'plab chora-tadbirlar va mexanizmlar ko'zda tutilgan. Mahalla instituti faoliyatini takomillashtirish bo'yicha hukumat tomonidan olib borilayotgan sa'y-harakatlar va yaratilayotgan sharoitlar ushbu tashkilotlar faoliyati samarali bo'lsagina belgilangan maqsadlarga erishishga imkon yaratadi. Shu nuqtai nazardan fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish idoralarining faoliyatini tizimli ravishda baholab borish va uning natijalari bo'yicha ushbu faoliyatni takomillashtirish, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan chora-tadbirlar belgilash va amalga oshirish vazifasi o'ta dolzarb ahamiyat kasb etadi. Mahallalarda istiqomat qiladigan voyaga yetmagan farzandlari bor hamda kam ta'minlangan oilalarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlashga yo'naltirilgan ulkan hajmdagi moliyaviy mablag'lar ham mahalla yig'inlari orqali taqsimlanishini inobatga olinsa ushbu tashkilotlar faoliyatining samaradorligi va shaffofligi ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarning ahvoligi ham ta'sir etishi bois ham dolzarb hisoblanadi.

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish idoralarining faoliyatini baholash ushbu faoliyat natijasida mahallada istiqomat qiladigan aholining ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli, xavfsizligi, yashash sifati va turli xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari yuzasidan aniq va ob’ektiv xulosa yasash uchun imkon yaratib berishi zarur. Bu, baholash mahalla va uning aholisi uchun muhim bo‘lgan sohalar va jabhalarni to‘g‘ri belgilab olinishi pirovardida baholashning ob’ektivligini belgilab berishini ko‘rsatadi.

Baholash tizimining ob’ektivligini ta’minlash maqsadida mahalladan va boshqa tashkilotlardan olinadigan ma’lumotlarning ishonchligini tekshirish bo‘yicha aniq mexanizm ko‘zda tutililishi zarur.

To‘plangan ma’lumotlar va ko‘rsatkichlar asosida baholashni amalga oshirishda turli xatoliklar hamda ob’ektivlikka ta’sir etadigan omillarning oldini olish maqsadida baholashning bazaviy ma’lumotlarni kiritishdan boshqa barcha jarayonlari va bosqichlarini kompyuter dasturi orqali amalga oshirilishini qat’iy belgilinishi lozim.

Metodik jihatdan to‘g‘ri tashkil etilgan va ob’ektiv indikatorlarga asoslangan baholash tizimi fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish idoralarining faoliyatini tahlil qilish hamda takomillashtirish yuzasidan muvofiq takliflar ishlab chiqishga xizmat qiladi. Bu, o‘z navbatida, mazkur idoralarning oldiga qo‘yilgan vazifalarni to‘liq va samarali bajarilishi uchun zarur shart-sharoitlar shakllanishini ta’minlaydi.

Bugungi kunda mamlakatimizni barqaror rivojlantirishga erishish, xalq farovonligini oshirishga yo‘naltirilgan ijtimoiy-siyosiy, soцial-iqtisodiy o‘zgarishlar va keng ko‘lamli bunyodkorlik ishlari izchil amalga oshirilmoqda. Buni yaqqol yurtimizda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy va soцial faolligini oshirish, ularning turli soha va tarmoqlarda o‘z qobiliyat va imkoniyatlarini ro‘yobga chiqarishi uchun shart-sharoit yaratish, huquq va qonuniy manfaatlariga so‘zsiz rioya qilinishini ta’minlash, onalik va bolalikni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, shuningdek, oila institutini mustahkamlash va siyosiy patiyalar faoliyatida keng ko‘lamli ishlar, islohotlar amalga oshirilmoqda.

Bugun yurtimizda faoliyat yuritayotgan mahalla instituti xotin-qizlarning jamiyatda ijtimoiy faolligi va o‘z o‘rnini topishlari uchun izchil faoliyat olib bormoqda.

Barcha mahalla instituti ishlarning holati xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, ular bilan maqsadli ishlarni tashkil etish, oilalarda ma’naviy-axloqiy muhitni mustahkamlash va sog‘lomlashtirish hamda ularning siyosiy faolligini oshirishning samarali mexanizmlarini yaratishga to‘sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammo va kamchiliklar mavjudligini o‘rganib, ularni bartaraf etishga harakat qilishmoqda.

Ma’lumki xotin-qizlar o‘rtasida huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish, birinchi navbatda, huquqbuzarlikka moyilligi bo‘lganlar bilan yakka tartibda ish olib borish hamda jazoni ijro etish muassasalaridan ozod qilingan xotin-qizlarning ijtimoiy reabilitaцiyasi va moslashishi bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishda davlat organlari va fuqarolik jamiyati institutlari bilan yaqin hamkorlikni ta’minlashda mahalla instituti va siyosiy partiyalar muhim o‘rin tutadi. Chunki siyosiy partiyalarda faoliyat yuritayotgan ayollar qanotining o‘rni muhim ahamiyatlidir.

Mamlakatimizda huquqni muhofaza qiluvchi organlar, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari va siyosiy partiyalar hamda boshqa tashkilotlar bilan birgalikda xotin-qizlar o‘rtasida huquqbuzarliklar va jinoyatchilik profilaktikasini samarali tashkil etish, shu jumladan, ularning huquqiy madaniyatini oshirish va ma’naviy-axloqiy qadriyatlarni mustahkamlashga shaxsan javobgardir.

Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida bugun jamiyat hayotida mahalla institutini rivojlantirish borasida ustuvor bo‘lgan muhim jihatlarga to‘xtalib o‘tildi.

Xulosa qilib aytganda jamiyatimizda faoliyat yuritayotgan har bir mahalla instituti o‘z dastur, nizom va ustavlarida o‘zining ustuvor vazifalari qatorida xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish, ularda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni shakllantirish va rivojlantirish orqali jamiyatda mustahkam o‘rnini topishishida muhim poydevor vazifasini bajaradi. Shuni alohida ta’kidlash joizki mahalla instituti xotin-qizlar huquqiy madaniyatini oshirishdagi o‘rni va uning tashkiliy-huquqiy asoslari takomillashtirish va bu borada izchil hamkorlikning o‘rnatilishi, ilg‘or xorij tajribasining tadbiq etilishi bu bordagi islohotlarning ijobiy samarasini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida – T.: 2018-yil 2-fevral, PF-5325-son

2. Oʻzbekiston Respublikasining “Fuqarolarning oʻzini oʻzi boshqarish organlari toʻgʻrisida”gi Qonuni, – T.: 1993-yil 2-sentabr, 915-XII-son
3. “Jamiyatda ijtimoiy-ma’naviy muhitni sogʻlomlashtirish, mahalla institutini yanada qoʻllab-quvvatlash hamda oila va xotin-qizlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PF-5938-sonli Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, – T.: 2020 yil 18-fevral.
4. https://lex.uz/docs/3546742

**МИРАКБАРОВ ДИЛДОРА АЛИШЕР ҚИЗИ**
*ТДИУ 2-босқич таянч докторанти (PhD)*

## АЖРИМ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДАГИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** *Ушбу мақолада бугунги кунда нафақат Ўзбекисоннинг, балки бутун дунёнинг глобал муаммоларидан бири бўлмиш – ажрим ва унинг сабаблари ўрганилади. Ҳар бир жамият асосини бахтли ва мустаҳкам оила ташкил этади. Оила маънан бахтли бўлгандагина, моддий неъматлар кўзга кўринади, демографик муаммолар ҳал этилиб, ҳар бир инсон ўз соҳаси ривожи учун хотиржам фаолият юритади. Оила мустаҳкамлигига раҳна солувчи муаммоларни, сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан тўғри хулоса чиқара билиш оила ва жамият келажагини фаровон бўлишига олиб келади.*

**Калит сўзлар:** *оила мустаҳкамлиги, ажрим, маънавий инқироз, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, динийлик, дунёвийлик.*

**Аннотация:** *В статье исследуются разводы и его причины, которые сегодня являются одной из глобальных проблем не только в Узбекистане, но и во всем мире. Основа любого общества - это счастливая и крепкая семья. Только когда семья духовно счастлива, материальные блага видны, демографические проблемы решены, и каждый спокойно работает над развитием своего дела. Способность изучать, анализировать и делать правильные выводы из проблем и причин, подрывающих прочность семьи, ведет к благополучному будущему для семьи и общества.*

**Ключевые слова:** *укрепление института семьи, развод, духовный кризис, подготовка молодежи к семейной жизни, религиозное, светское.*

**Annotation:** *The article examines divorce and its causes, which today are one of the global problems not only in Uzbekistan, but throughout the world. The foundation of any society is a happy and strong family. Only when the family is spiritually happy, material benefits are visible, demographic problems are solved, and everyone calmly works to develop their business. The ability to study, analyze and draw the right conclusions from problems and causes that undermine the strength of the family leads to a prosperous future for the family and society.*

**Key words:** *consolidation the institute of the family, divorce, spiritual crisis, preparing young people for family life, religious, secular.*

Шарқ давлатлари, жумладан Ўзбекистон учун оилавий муносабатлардаги бахт – саодат, мустаҳкамлик энг олий миллий ва диний қадриятдир. Зеро, хотиржам, бахтли оиладагина комил фарзандлар вояга етади. Ўзбек халқи миллий ва диний қадриятлари, урф – одатлари асосида неча асрлардан бери оила мустаҳкамлигига бўлган эътиборини бир зум бщлса ҳам ҳам камайтиргани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустҳакамлаш, ёшлар тарбияси, тинч – осуда ҳаётимизни, муқаддас

динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда нақадар улкан аҳамият касб этаётганини уктирди.[9] Маълумки, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигидагина инсон ўзи орзу қилган бахт қасрига эриша олади.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг Ва-з-зориёт сураси 49 – оятида “Сизлар эслатма – ибрат олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт – жуфт қилиб яратдик”,[3:502] дейилган. Дунёга ибрат кўзи билан қараган инсон унда ҳар бир жонзотни, махлуқотларни, ва хатто, табиат неъматларини ҳам жуфтлик асосида яратилганини кўради. Оила ҳам жуфтлик асосида қурилади ва мустаҳкамлиги ҳам жуфт қалбларнинг бир маромда уришига, муросасига боғлиқ.

Ажрим – эр ва хотиннинг ҳаёт вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органлари томонидан ёки қонунчиликда кўзда тутилган алоҳида ҳолатларда суд қарори бўйича никоҳнинг бекор қилинишидир. Никоҳ эр – хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳни бекор қилиш йўли билан, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин.[1] Никоҳнинг бекор бўлиш шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлганини кўриш мумкин. Масалан, Шарқ мамлакатларида қадимдан то ҳозирги кунга қадар никоҳнинг бекор бўлиши кам учрайди. Чунки оила институтининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аждодларимиз жиддий қайғурганлар.[2:12]

Ҳар бир оилада тортишув ва келишмовчиликлар бўлиб туради. Икки хил оилада, вазиятда вояга етган, дунёқарашлари икки олам бўлган инсонларнинг бир – бирини тушуниши, муроса ила оила бошқаришига, табиийки, маълум бир муддат зарур. Ўзини ва ёнидаги умрйўлдошини ҳумат қилган инсон турли келишмовчилик ва хатоларга кўз юмади, муаммоларда айбдорни эмас, унинг келиб чиқиш сабабларини топиб, бартараф қилишга ҳаракат қилади.

Буюк саҳобалардан бири Абу Дардо розияллоҳу анҳу аёллари Умму Дардо розияллоҳу анҳога янги турмуш қурган вақтларида: “Ғазабим келганда сен мени рози қилишга урин. Сенинг ғазабинг келганда мен сени рози қилишга уринай. Акс ҳолда бирга яшай олмаймиз”, деб насиҳат қилганлар.[4:228]

Эр – хотин ўртасидаги меҳр, муҳаббат ва ўзаро ҳурмат каби асослар бўш ва заиф бўлса, эр – хотинлик муносабатларига хавф – хатар етиши кучаяди. Туйғулар йўқолганида эса, муносабат дарз кетади. Чунки меҳр – муҳаббат қалбни тарк этса, ўрнига нафрат жойлашади. Сўнг эр – хотин бир – бирига меҳр ва сабр – бардош билан эмас, балки қўполлик ва дағаллик билан муомала қила бошлашади. Эр – хотин биргаликдаги турмушлари давомида келиша олишмаса, икки ҳолатдан бири келиб чиқади. Ё оғир ва ёмон муносабат, уруш ва жанжал билан турмушларини давом эттиришади ёки ажрашиб, ҳар бири ўз йўлидан кетади. Албатта, бу икки йўл ҳам муаммонинг ечимини топмайди ва иккисини ҳам яхши танлов, деб бўлмайди.

Маълумотларга қараганда(2019 йил 11 февраль), дунёнинг ажрашишлар сони коэффициенти энг юқори бўлган ўн давлатига қуйидагилар киритилган: Малдива, Белоруссия, Белгия, Россия, АҚШ, Украина, Португалия, Чехия, Швеция, Венгрия.[10] Ушбу давлатларнинг аксарияти ажримларга оилани эркак киши моддий таъминламаслиги, яъни ишсизлиги, моддий қийинчиликлар туфайли аёлларнинг эркаклар билан баробар ишлаши орқали моддий мустақилликка эришганликлари ва эр – хотиндан бирининг сурункали спиртли ичимликларни истеъмол қилишини асосий сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, улардаги ажримларга нафақат моддий етишмовчиликлар, балки маънавий инқироз ҳам сабаб бўлмоқда. АҚШда сўров даврида 266та оилавий муаммолар бўйича шуғулланадиган маслаҳатчилар ўрганиб кўрилганда, уларнинг қайд этишича, уларга ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар 10та оиланинг 9таси ўзаро муносабатларда қийинчиликлар содир бўлаётганини тасдиқлайдилар. Мазкур қийинчиликлардан: коммуникатив қийинчиликлар – 86,6%ни, болалар ва уларнинг тарбияси билан боғлиқ – 45,7%ни, жинсий муаммолар – 43,7%ни, молиявий муаммолар – 37%ни, маданий муаммолар – 37,6%ни, туғишганлар билан муносабат – 28,4%ни, эр – хотин ўртасидаги ишончсизлик – 26,6%ни, хўжалик ишлари – 16,7%ни, жисмоний ҳақоратлаш – 15,6%ни ва бошқа муаммоларни ташкил этади.[7:37] Оилага бўлган масъулиятсиз муносабат давом этаверса, нафақат бу ва бошқа давлатларнинг бугунги кунига, балки келажагига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Маълумотларга кўра, ажримлар сонининг ўртача меъёрини Шарқ мамлакатларида, жумладан,

урф – одат, анъанлари ва ўзлигига содиқ бўлган Хитой давлатида кузатишимиз мумкин. Хитойда ажрим коэффициенти 20 – 29%ни ташкил этади. Бу Хитойда моддий, маънавий муаммолар бўлмайди дегани эмас. Турмуш қуришдан олдин келин – куёв танлашга масъулият билан, ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш Хитой халқининг маънавий меросларидан биридир.

Дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, оила бузилишига ёшларни бир – бирини яхши билмай туриб, шошма – шошарлик билан турмуш қуриши, характер ва дунёқарашларнинг турлича эканлигининг оилавий ҳаётда акс этиши, ёшларнинг оилага тайёр эмаслиги, оилага учинчи шахсларнинг аралашуви, хиёнат, алкогол ва гиёҳванд моддалар истеъмоли сабаб бўлмоқда. Аниқланишича, бугунги кунда дунё бўйича 42% ажримлар ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидан келиб чиқмоқда. Аксарият ҳолларда, бу оилавий ҳаётга тайёр эмаслик тушунчасини, аксарият ёши улуғ инсонлар ва бошқалар оиладаги уй – рўзғор ишларини эплай олмаслик, саранжом – саришта бўлмаслик кабиларни тушунишади. Аммо бу масаланинг фақатгина бир қисми. Асосий томонини эса эр – хотиннинг психологик ҳолати эгаллайди. Эр - хониннинг бир – бирини тушунмаслиги, тушунишга ҳаракат ҳам қилмаслиги, оилада ўзининг “мен”ини биринчи ўринга қўйиши, келишиб яшашга, уй – рўзғор, бола тарбиясида масъулиятларнинг тенг эмаслиги, бир – бирини кўнглини оғритиб, хунук сўзлар ишлатиб, ҳақорат қилиши, бир – бирининг ҳиссиётларига бўлган эътиборсизлик, моддий бахиллик, муросага келиш ўрнига жанжални ошириб юбориш каби ҳолатлар шулар жумласидан.

Социалог-психологлар бахтли ва бахтсиз оилаларда эрнинг ўзига ва хотинига бўлган муносабатларнинг хусусияларини аниқлаганлар. Улар қизиқарли фактларга эга бўлдилар. Оиладаги психолгик муҳит эр-хотин қизиқишларининг умумийлиги билан характерланади, энг муҳими уларнинг иккаласи ҳам қизиқиш билан ҳисоблаша билишларида ва эътибор бера билишларидадир. Эр-хотин катта ижтимоий муаммо ва талаблар билан яшайдиган оилаларгина бахтли бўлишлари мумкин. Оиладаги қулай ахлоқий-психологик муҳит эр-хотин ва оиланинг бошқа аъзоларида ўзига ишониш, кишиларга ишониш, қувноқлик, вазминлик каби фазилат ва туйғуларни шакллантиришга таъсир кўрсатади. Психологик муҳит кишиларнинг мувофиқлигида янада аниқ намоён бўлади. Кишилар бир-бирлари билан мувофиқлиги, аввало ҳаётнинг қадри, қизиқишлари, эмоционал кўрсатмаларининг умумий тарзи ҳамоханглиги назарда тутилади, натижада оилада бир-бирини тушуниш, бошқаларнинг қадрини ҳам, шунингдек инсонни қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Оила аъзоларида психологик қулайлик ишончлилик, ҳимояланиш, бир-бирининг муомаласидан қатноатланиш мувофиқликнинг ички мубъектив кўрсатгичидир. Кишиларнинг номувофиқлиги оила аъзолариниингг бир-бирлари билан муомалада ва ўзаро ҳаракатда бўлган эҳтиёжларининг чегараланганлигидадир.[5:25]

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси берган 2021 йил аппель ойи маълумотларига кўра, бугунги кунда Республикамизда 8,5 млн.га яқин оила истиқомат қилади. ФҲДЁ органларида 2021 йил биринчи чораги давомида 9213та ажрим ҳолати қайд этилган. Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга кўра эса, ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилоятларида бошқа ҳудудларга нисбатан ажримлар сони кўп.[9]

Муаммони ўрганиш ва унинг ечимини топиш учун шу вазиятга олиб келган сабабларни ўрганиб, таҳлил қилиш ва улардан тўғри хулоса чиқариш унинг натижасини чиройли қилишга, бошқа инсонларда шу каби ҳолатларда хато ва камчиликларга йўл қўйишнинг олдини олишга олиб келади. Мутахассислар томонидан олиб борилган сўровномалар натижасида Ўзбекистонда оила бузилишига олиб келувчи бир қанча сабаблар аниқланди:

- Оила ва оилавий муносабатлар ҳақида билимнинг етишмаслиги. Бу ҳолат эр – хотин ўртасидаги зиддият ва келишмовчиликларга сабаб бўлиб келмоқда. 2020 йил маълумотларига кўра, айнан бу муаммо ажрим сабабларининг 44%ни ташкил қилади.[8]
- Эрта турмуш қуриш. Эрта турмуш қурган инсонлар ўртасида оила масъулиятини тўлиқ тушуниб етмаганлиги сабабли тез – тез ажрашиш ҳолатлари кузатилмоқда.
- Қариндошлар ўртасидаги никоҳ. Қариндошлар ўртасидаги никоҳ эр – хотин ажримига сабаб бўлиш билан бир қаторда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар узилиши, ногирон фарзандлар дунёга келиши кўрсаткичларининг ўсишига олиб келмоқда.
- Оилага учинчи шахсларнинг аралашуви. 2020 йил маълумотларига қараганда, айнан оилага учинчи шахсларнинг аралашуви ажрим сабабларининг 15%ни ташкил қилади.[8]

- Ишсизсик ва миграция ҳолатлари. 2020 йил тадқиқот натижаларига кўра, ишсизлик, иқтисодий таъминланмаганлик ажрим сабабларининг 10%ни кўрсатса, ички ва ташқи миграция сабаби 7%ни ташкил қилмоқда.[8]
- Зарарли иллатлар. Кўплаб социолог олимларнинг фикрига кўра, оилаларнинг бузилиб кетишига гиёҳвандлик ва сурункали равишда спиртли ичимликларини истеъмол қилиш каби иллатлар сабаб бўлиши аниқланган. 2020 йил маълумотларига кўра, эр – хотиндан бирининг ичкилик ва бошқа зарарли иллатларга берилиши ажрим сабабларининг 5%ни ташкил қилмоқди.[8]
- Бефарзанлик. Статистик маълумотларга қараганда, дунё бўйича ажримларнинг 15% бефарзандлик туфайли юз берарса, Ўзбекистонда 4,7% содир бўлмоқда.[8]
- Оидаги турли кўринишдаги зўравонлик ҳолатлари 2020 йил статистик маълумотлар кўра, оиладаги зўравонлик туфайли 7% оила бузилмоқда[8] ва бошқалар.

Юқорида биз ўрганиб чиққан сабаблар Ўзбекистондаги ажрим сабабларининг айримларидир, халос. Бунда бошқа, "янгича" кўринишдаги сабаблар ҳам йилдан – йилга кўпаймоқда. Уларнинг баъзиларига ажримдан бошқа чора топилмаслиги, баъзилари шунчаки "баҳона"лигини тушуниш тафаккур қилиб кўрган одам учун қийин эмас. Одамни на моддий, на маънавий неъматлар бахтли қила олмайди, қачонки бу бахт учун ўзи курашмаса. Икки инсон бахт учун курашишдан тўхтаган захоти оила парокандаликка учрайди.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш – бу физиологик, тиббий, психологик, ҳуқуқий, ахлоқий, маънавий, маданий, гигиеник, ижтимоий, иқтисодий ва жисмоний жиҳатларни ўз ичида мужассамлаштирувчи мураккаб ва масъулиятли жараён. Жаҳон тажрибасига кўра, таълим олувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мактаб дастурларига киритилган. Хусусан, Швецияда 1942 йилдан, Чехия ва Словакияда 1960 йилдан буён "Оталик ва оналик тамойиллари", Японияда бошланғич таълимнинг ўзида "Оилавий ҳаётга тайёрлаш" курслари ва Польшада 1973 йилдан "Оиладаги ҳаётга мослашиш" махсус курслари мавжуд. Ушбу курслар ёшларни оила тўғрисидаги қонунлар, тушунчалар, оила психологияси ҳақидаги билимларга ўргатади. Мамлакатимизда ёшларни оила – никоҳ муносабатларига тайёрлаш муҳим вазифа саналади. Бу борада таълим тизимининг барча бўғинларида оилага оид тушунчаларни ёшларга ўргатиб бориш зарурдир.[2:56]

ТДИУ "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси томонидан оила мустаҳкамлиги, аёл ва экакларнинг оиладаги маънавий ва моддий ҳуқуқлари, гендер тенглик ва Ислом дини ахлоқ – одоб қоидаларига оид монография ва ўқув қўлланма устида иш олиб борилмоқда. Бу борадаги таклифларимиз шундан иборатки, олий таълим муассасалари ўқув юкламасига "Оила маънавияти" фанини киритиш зарур. Сабаби, аксарият ўзбек ёшлари талабалик даврида турмуш қуришади. Оилага оид билимларни эса оила қуришдан аввал эгалланса, бу оила мустаҳкамлигига хизмат қилади. Шунингдек, ушбу мавзулар юзасидан туркумли кўрсатувлар қилиш орқали оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда янги лойиҳа ишлаб чиқилиб, теледастурнинг илк сонлари халқ эътиборига ҳавола этилди. Бу лойиҳанинг мақсади халқимизнинг ҳуқуқий, маънавий, диний саводхонлигини оширишдир.

Маърифатпарвар жадидчи Абдурауф Фитрат ўзининг "Оила ёки оила бошқариш тартиблари" асарида "Уйланиш суннатини қабул қилган киши хотин ва бола – чақасини тарбиялаб, боқиш учун ўзини касб – корга уради, ҳаракат ва амал йўлига қадам қўяди. Ўзини ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун ҳаракат қилади. Шу йўл билан мўмин одам ўзини хорлик ва пастлик жарлигидан қутқаради. Қайси миллатнинг намоёндалари шу йўл билан тинчлик ва тотувликка эришган бўлсалар, ўша миллат ҳурмат ва хотиржамликда бўлади"[6:15], деб бахтли оила икки томонлама масъулият ва ўзаро ҳурматга асосланишини таъкидлаб ўтган.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, оила мустаҳкамлиги масаласи, ажримлар ва уларнинг олдини олишда диний ва дунёвий билимлар, умуминсоний, миллий ва диний қадриятлар асосида ҳар бир инсон ўзи ва яқинлари учун ҳаракат қилмас экан, менга нима қабилида иш тутиб, лоқайд бўлар экан бу масаланинг ечимини топиш қийин бўлиб қолаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Оила Кодекси. Lex.uz интернет сайти.
2. Акрамова Ф. ва бошқалар. Оила энциклопедияси. «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2019 йил.

3. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти, Тошкент - 1992-йил.
4. «Олтин силсила: 8-жуз: Саҳиҳул Бухорий». «HILOL-NASHR» нашриёти. Тошкент - 2018-йил.
5. Ф. Бабажанова, З. Эшонкулова. «Оила психологияси» фанидан ўкув-услубий мажмуа. Гулистон – 2015 йил.
6. А.Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари». «Маънавият» нашриёти. Тошкент – 2016-йил.
7. Файзиева М.Х. «Оила барқарорлигига шахслараро муносабатлар таъсирининг ижтимоий – психологик хусусиятлари (Эр – хотин мисолида)». Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2005 йил.
8. Маҳалла ва оилани қўллаб – қувватлаш вазирлиги томонидан берилган статистик маълумотлар. 2020 йил декабрь маълумотлари.
9. Kun.uz интернет сайти.
10. prozakon.ru интернет сайти.

**ХАЙДАРОВ ИСМОИЛ ОЛЛОҚУЛОВИЧ**
*ЎзДЖТУ доценти, психология фанлари номзоди*

## ЁШЛАРНИ ОЛИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши белгиланган. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаб, навқирон авлод вакиллари онгида эр-хотин ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида низоларни бартараф этиш усуллари, оилада мулоқот маданияти тўғрисидаги тасаввурлар шакллантирилиб борилса, оилавий низолар ва ажримлар сони камайиб бориши ҳақида мулоҳаза юритилади.*
**Калит сўзлар:** *оила ва жамият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, мулоқот маданияти, оилавий низолар ва ажримлар, соғлом оилада соғлом фарзанд.*

**Аннотация:** *Конституцией Республики Узбекистан предусмотрена роль семьи как основного звена общества и определено право семьи на защиту государства. При подготовке молодых людей к семейной жизни, существует понимание прав и обязанностей молодого поколения, путей разрешения конфликтов на основе национальных и общечеловеческих ценностей и сокращения числа семейных конфликтов и разногласий.*
**Ключевые слова:** *семья и общество, национальные и общечеловеческие ценности, культура общения, семейные разногласия и разводы, в здоровой семье здоровый ребенок.*

**Annotation:** *The Constitution provides for the basic principle of the family and the right to protect society and the state. When preparing young people for family life, there is an understanding of the rights and obligations of the young generation, ways to resolve conflicts based on national and universal values, and reduce the number of family conflicts and disputes.*
**Key words:** *family, social and national values, communication culture, family disputes and decisions, a healthy child in a healthy family, moral and legal criteria for family relations, family ethics.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Оила» жамиятнинг асосий буғини ҳамда жамият ва давлат мухофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Оиланинг муққадаслиги билан, муаммолари ва кўп қирралиги билан ҳамиша илим аҳлини ва тадқиқотчилар ақлу заковатини тўлқинлантириб келмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаб навқирон авлод вакиллари онгида эр-хотин ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, оилада мулоқот маданияти тўғрисидаги тасаввурларни мунтазам шакллантириб бориш оилавий низолар ва ажримлар сони камайишига хизмат қилади.

Оила барқарорлигига асос бўлган ҳуқуқий аҳлоқий мезонлар, ҳамма давлатларда ҳам айнан бир хил бўлган эмас. Жамият ҳаётидаги иктисодий, сиёсий муносабатлар, диний қарашлар, миллий анъаналар, тарихий шароитлар, оилавий муносабатларниннг аҳлоқий, ҳуқуқий мезонларни, айнан бир қолип билан ўлчаб бўлмайди. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқларга асосланиши белгиланган. Никоҳ умр савдоси деб ҳам юритилади, халқимизда. Никоҳ бир-бирига бегона инсонларнинг қариндошлик ришталари билан боғлайди. Шу ўринда келажакда турмуш қуришини ният қилган йигит ва қизлар ўзларини доимо турмушга ота ёки она бўлишга тайёрлаб боришлари лозим.

Бунинг учун биринчи навбатда, ўз соғликлари, танланган жуфтларининг ҳарактерини, дунёқараши ўзига қай даражада мос келиши тўғрисида қайғуриши керак. Чунки соғлом оилада соғлом фарзанд туғилади. Оила фаровонлиги ва барқарорлиги-жамият, давлат фаровонлиги ва у инсоният давомийлигини таъминлайди.

Ота-онанинг хоҳишига кўра ҳали вояга етмаган қизларни турмушга узатиш, ўғил болаларни уйлантириб қўйиш, маълум бир касб-ҳунарни эгалламасдан, меҳнат қилиш, оиладаги иқтисодий-моддий таъминотни бошқара олиш тажрибасига эга бўлмасдан, эрта уйлантириш ёки турмушга узатиш кўпгина салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Булар қуйдагиларда кузатилмоқда:

Биринчидан: ўзлари тарбияга муҳтож бўлган ёш оилалар, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялашда ота-оналик мажбуриятларини ҳис қилмаслик, ёки оилавий муносабатларга тайёр эмаслик;

Иккинчидан: оилада эр хотин вазифаларини тақсимланишидаги маънавий тайёргарликнинг етишмаслиги.

Учунчидан ёшлар, эр-хотинлик фақат нозик муносабатлар эмас, балки эрлик ва хотинлик маъсулиятини тушуниб етмаётганликлари;

Тўртинчидан ёш оиланинг мустақил маблағи бўлмаслиги ота-она қўлига қарам бўлиши ва бошқа сабаблар.

Бешинчидан: Ҳали оила борасида тажрибага эга бўлмаган ёш келинга панду насиҳат қилиб, уни йўлга солиш ўрнига арзимаган мол-мулкни баҳона қилиб, келинга ҳаддан ортиқ вазифалар юклаб, зулм қилиб охир оқибат ажралиб келиши:

Олтинчидан: Бир уйда қайнота, қайнона, куёв ва унинг ака – ука, опа – сингиллари томонидан келишиб олиб, келинга зулм қилишлари ва уни яккалатиб қўйилиши ва бошқа сабаблар ҳозирги кунда ёш оиллалар орасидаги ажралиш сонини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ҳамма инсон ҳам ҳато қилади, кечира олиш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Меҳр эса ҳар қандай муаммоларнинг оддий ечими ҳисобланади.

Қайноналар ёш келинларидан ўтган камчилик ва хатоларни кечира билишлари ҳам олижаноблик саналиб, ёшларнинг тўғри йўлга тушишига ёрдам беради. Оилада қайноналар ёши улуғ, тажрибали бўлганлари учун ёшларга имкон бериши, билмаганларини ўргатиши, бағрикенглик қилишлари даркор.

Бизнинг тажрибамиза, энг кўп кузатилаётган ажралишлар ёш оилалар орасида кузатилмоқда, Ҳаёт тажрибасини эга бўламаган оқ-қорани ҳали яхши фарқлай олмаётган ёш турмуш қурганлар орасидаги никоҳ моддий қарамлик ўзи меҳнат қилиб оила боқишга тайёр эмас эркак ёки аёл ўртасида жуда кўп келишмовчиликларни вужудга келтиради. Ёки ёш оилага учунчи шахс (қайнона-қайнота ва бошқа яқин қариндошлар) аралашуви туфайли ажралишлар кўпаймоқда.

Агар ўғил ва қизларимиз турмушга чиқиш учун қизлар 21-22 ёшда, уйланиш учун йигитлар 25-26 ёшларда бўлса, бу ёшга етганда ўғил ва қиз болалар, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълимни тугатиб, маълум бир соҳа йўналиши касбга эгалаган бўладилар. Бу даврлардаги никоҳ ҳар томонлама етилган ва мукаммал, мустаҳкам бўлиши мумкин. Чунки шу ёшга келиб фарзандларимиз анча улғайган, оқ-қорани таниган, ўзи ишлаб моаш оладиган, уй-рўзғор ташвишларини ҳис қилган, ота-она бўлиш маъсулиятини сезган ва ақил-идрок билан иш кўрадиган даражада бўладилар.

Ёшлар ҳаётига енгил–елпи қараб, баъзан ота–она билан ҳам маслаҳатлашмай оила қурадилар, орадан кўп ўтмай ажралиш тараддудига тушиб қоладилар. Бунинг сабаби ҳам оилавий муносабатларга асос бўлган маънавий омилларнинг заифлигидир. Натижада кўплаб гўдаклар етим қолиб, ота-оналар меҳридан махрум бўладилар. Ота-онасиз қолиб, меҳрибонлик уйларида катта бўлаётган болаларнинг сони кўпайиб бориши жамият ҳаётидаги маънавий инқироз янада кучайишга олиб келади.

Фуқаролар ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, уларда ҳаётий тажриба, масъулиятнинг етишмаслиги, муроса қилишни билмаслик ёки буни истамаслик, низоларда ён босиш, вақтинчалик моддий қийинчиликлар, эр-хотиннинг руҳий жиҳатдан бир-бирига мос эмаслигини оиланинг барбод бўлиш омиллари сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда оилларни мустҳка бўлиши учун қуйдаги шартлар бўлиши керак:

Эр-хотин оила учун бир хил масъул бўлади, оила ва унинг аъзолари ҳаётига тааллуқли муҳим қарорларни биргаликда қабул қилади:

– оила бюджетига уларнинг ҳар иккиси ўз ҳиссасини қўшиши вва унинг тақсимоти билан ҳам бирга шуғулланади.

– ота-оналар оилада мунтазам равишда ўғил-қизларини оилавий ҳаётга тайёрлаб боришга маъсул эканликларини ҳис қилишига ўргатиш;

– ўқув муассасаларида еигит ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш фани киритиш;

– оилаларни бир-бирига бўлган ишонч хурмат руҳини уйғотиш, эр ва хотин бир-бирининг яқинларига ширин муомилада бўлишни ўргатиш:

– оилада қизларга, уй-рўзғорни юритиш, саришта-сарамжонликка доимий амал қилишга ўргатиш;

– оиладаги аҳлоқий қоидаларни устун қўйишга, эр ва хотин бир–бирларига доимо хуш-муомила бўлшига ўргатиш;

– аёл эридан доимо ҳаё қилиши, унинг ҳузурида ерга боқиб туриши, буйруғига итоат қилиб, гапираётганда сукут сақлаши, кириб келганида ёки чиқиб кетаётганида ўрнидан туриши, унга ёқмайдиган барча нарсалардан узоқ бўлишига ўргатиш.

– аёл киши эри ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиш билан бирга, тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши керак. Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритади, қалбига қувонч бағишлайди.

– эр онаси ва аёли ўртасида ҳамда яқинларига бўлган меҳр–у муҳаббатда тарозини икки палласини тенг тутишга ўргатиш;

– эр она учун солиҳ фарзанд, аёли учун солиҳ эр сиймосини амалда кўрсатиши керак.

– куёв оилавий ҳаётнинг илк кунида онасига тушинтириб, бу келинни унга жуфт бўлишини ўзи хоҳлагани, келин излаган ҳам, совчиликка борган ҳам ўзи эканини тушунтириш.

– қайнона турмуш борасида ҳали тушунчага эга бўлмаган келинга панд-насиҳат қилиб, уни йўлга солиш ўрнига арзимаган мол-матоҳ учун рўзғор юмушларини бажаролмагани туфайли уни камситиш йўл қўймаслик.

Юқорида келтирилган шартлар асосида маҳалла институтлари ва кенг жамоатчилик иштирокида ёш оиллалар ўртасида ўқув-тарбиявий тадбирлар, трениглар, оилавий низолар ва унинг ечимлари бўйича саҳна кўринишлари, эр ва хотиннинг бурч вазифалари мунтазам тушунтириб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ана шундай машғулотлар орқали навқирон авлод вакиллари онгида никоҳ институти, никоҳ шартномаси, эр-хотин ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, оилани режалаштириш, хўжалик ва бюджет юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида низоларни бартараф этиш усуллари, оилада мулоқот маданияти тўғрисидаги тасаввурлар шакллантирилиб борилса оилавий низолар ва ажримлар сони ўз-ўзидан камайиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида таъкидлаб ўтган турмуш гўзаллиги мезонлари, фақат оила учунгина эмас, балки жамият учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки турмушдаги турли хил яхшилик ва ёмонликларни фарқлаш салбий, ижобий нарсаларни англаш, жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. - Т., 2000.52-бет
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси”. – Т., 1998.
4. Эркин Юсупов, Ўткир Юсупов. Оила – маънавият булоғи. – Т., 2003. 34-39 бетлар.
5. Г.Иномжонова. Оилавий ҳуқуқ. Ота-оналар ва болалар муносабатлари ҳақида баъзи мулоҳазалар. Тараққиёт ва қонун, 2003. №-2, 73 бет
6. Оилада болаларни маънавий –ахлокий ҳуқуқий тарбиялаш муаммолари ва ечими. – Т., 2004. 55-бет.

**МЎЪТАБАР МАХСУДОВА**
*НамДУ доценти, п.ф.н.*

## ОИЛА ФАРОВОНЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

**Аннотация:** *Ушбу мақолада оила фаровонлигига салбий таъсир этадиган психологик омиллар тўғрисида назарий фикрлар ва тадқиқотлар натижалари берилган.*
**Калит сўзлар:** *оила, оилавий қадриятлар, хиёнат, психологик мос келмаслик, ажралиш*

**Аннотация:** *В данной статье приводятся теоретические мнения и результаты исследований психологических факторов, негативно влияющих на семейное благополучие.*
**Ключевые слова:** *семья, семейные ценности, предательство, психологическая несовместимость, развод.*

**Annotation:** *In this article, theoretical opinions and research results on psychological factors that adversely affect family well-being are given.*
**Keyvords:** *family, family values, betrayal, psychological incompatibility, divorce.*

Бизга маълумки, оила жамиятнинг бир бўлаги, мустаҳкам қўрғон, муқаддас даргоҳ, Ватан ичра Ватан, инсон ўзини энг қулай ҳис қиладиган маскан сифатида эътироф этилади. Президентимиз томонидан оила ва унинг фаровонлигини таъминлаш учун доимо эътибор бериб келинади.

Оила фаровонлигига салбий таъсир этадиган омиллардан бири бу ажралишдир. Агар ажралишнинг сабабларини Россия ва Ўзбекистон оилалари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги натижаларни кўришимиз мумкин:

Россияда ўтказилган охирги тадқиқотларда никоҳ ажримларининг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар қайд этилмоқда (турли ёшли сўралувчиларнинг жами сонига нисбатан фоиз ҳисобида):

– *моддий, маиший муаммолар – 55;*
– *эр ёки хотиннинг ичкиликка ружу қўйиши – 39;*
– *ёшлар учун оилавий қадриятларнинг пастлаб кетиши – 27;*
– М@-хотин хиёнати – 19;
– *психологик мос келмаслик – 17;*
– *оилавий ҳаётнинг мазмунсизлиги – 12;*
– *бошқа бировни севиш қолиш – 11;*
– *фарзандларнинг йўқлиги – 7;*
– *бошқа сабаблар – 2;*
– *жавоб беришга қийналганлар – 6. (1. 78.)*

Республика ва вилоятлар “Оила” илмий-амалий марказлари томонидан 2018-2020-йиллар давомида никоҳ ажримларининг *сабаблари* ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бу биринчи ўринда

эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворнинг бир-бирига мос келмасликлари, рашк, хиёнат, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара олмаслиги), қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари, эрнинг дараксиз кетиб қолиши кабилар қайд этилади. Ажрим сабаблари ўрганилганда, иқтисодий қийинчиликлар туфайли оиланинг бузилиши энг охирги ўринда қайд этилади, чунки аксарият ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларда ёшлар асосан уч сабаб туфайли ажришиб кетмоқда: рашк ва хиёнат, келин-қайнона муносабатларидаги келишмовчилик ва турмуш шароитидаги ноқулайликлар. Умуман олганда, никоҳ ажримларининг бош омили ёшларни маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр эмасликларидир.

Амалда эр ва хотин ажралишга аҳд қилганда, улар ўртасида фарзанд бўлмаса, ФХДЁ идораларига мурожаат қиладилар ва уларнинг никоҳи бекор қилинади. Агар ўртада фарзанд бўлса, бу ишни судлар ҳал қилади, лекин аксарият ҳолатларда ўз-ўзини бошқариш органи бўлмиш маҳалла ва ундаги яраштириш комиссиясининг аъзолари бўлмиш фаоллар бунга аралашадилар, арзимаган сабаб билан ажримгача бораётган ёшларга жамоатчилик монелик кўрсатади. Чунки миллий менталитетда фарзандни тирик етим қилиб қўйиш катта гуноҳ ҳисобланади, шунинг учун азалдан урф бўлган тамойил борки, ёш оиланинг кейинги тақдирига катталар аралашади ва оилавий низонинг сабаблари ўрганилгач, бир қарорга келинади.

Агар оилавий низо ёшларнинг, биринчи навбатда аёлнинг ва фарзандларнинг саломатлиги, тинчлиги ва биргаликда яшашларига жиддий хавф солган ҳолларда (хиёнат туфайли бир-бирини кечиролмаслик, эрнинг тинимсиз алкогол истеъмол қилиши туфайли аёлни мунтазам қийнаши, маиший зўравонлик, оила бюджетига эркак улушининг қўшилмаслиги каби) жамоатчилик аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва маҳалланинг ўзи аёл, унинг фарзандлари тақдирини белгилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бу ишга аралашади. Жойлардаги хотин-қизлар фаоллари охирги йилларда айнан шу масалаларда ўз-ўзини бошқарув органларининг одилона фаоллигини оширишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Маҳалладаги яраштириш комиссияларининг аъзолари билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлдики, улар аксарият ҳолатларда айнан аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади, лекин аёлнинг айби ва унинг оилавий юмушларга тайёр эмаслиги, эри ва қариндошлар билан тўғри муносабатларни ўрнатишга нўноқлиги туфайли оила ажрим арафасида бўлган шароитда маҳалла маслаҳатчилари келин билан маърифий ва тарбиявий ишларни амалга оширади.

Наманган вилояти бўйича маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2019 йилнинг 10 ойи мобайнида ўрганилган ажримларнинг сабаблари турли худудларда турлича аниқланган. Жумладан, вилоят Оила маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида Чуст туманида ажралишга кўпроқ сабаб эр-хотин муносабатлари, Уйчи туманида тиббий кўрикни яхши ташкил қилинмаганлиги оқибатида фарзандсизлик, Учқўрғон туманида эса миграция натижасида хиёнатнинг келиб чиқиши, Поп туманида қайнона-келин муносабатлари, Наманган шаҳрида эса эрта турмушнинг натижасида ажаришнинг келиб чиқиши асосий омил бўлганлиги аниқланди.

Ўзбекистонда никоҳ ажримларининг имкон даражасида кам бўлиши йўлида олиб борилаётган ишлар ўзининг натижаларини бермоқда. Йил сайин судлар орқали никоҳ ажримлари сонининг камайиб бораётганлиги фикримиз далилидир.

Оилалар миқдорининг ортиб бориши охирги йилларда асосан ёш оилалар ва нуклеар типли, яъни, эр-хотин ва уларнинг фарзандлари алоҳида яшайдиган оилалар ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд оилаларнинг салкам 50 фоизи – бу нуклеар оилалар, бир хонадонда бир неча алоҳида оилалар истиқомат қиладиган патриархал оилалар жами оилаларнинг салкам 23,5 фоизини ташкил этади. Нуклеар, ёш оилаларнинг аксарияти 9 йилдан кам бўлган турмуш тажрибасига эга бўлганлар бўлиб, содир бўлаётган никоҳнинг барбод бўлиши ҳолатлари айнан шу каби оилаларга тўғри келмоқда. Яъни, илмий изланишлардан олинган маълумотларга кўра, 70 фоиздан ортиқ никоҳ ажримлари ёш оилага тўғри келади.

Нотўлиқ оила – ёлғиз онахон ёки отахонлар, эр ёки хотиннинг ўлими туфайли нотўлиқ бўлган оилалар, ёки ажрим туфайли пайдо бўладиган оила типидир. Афсуски, охирги сабаб бўйича

нотўлиқ бўлган оилалар бошқа тоифага нисбатан кўп. Ажрим бўлган оилаларнинг салкам 1% дагина болалар отанинг қўлида қолади. Қолган ҳолатларда вояга етмаган болалар оналари билан қолади. Бу оналарнинг ўртача ёши **23-24** ёшни ташкил этади, уларнинг қўлида қолган болаларнинг ўртача сони 2,5 нафардир. Ёлғиз фарзанд тарбиялаётган ёш аёлларнинг маълумотлилиги ўрганилганда, уларнинг аксарияти ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли эканлиги эътироф этилган (20,5%). Ёш турмуш қураётган қизларимизнинг 12,3%и 15-19 ёш оралиғида она бўлишади. 15-16 ёшда она бўлиш ҳолатлари ҳам хануз мавжуд.

Психологик адабиётларда ажримларнинг табиати, бу жараёнга оид қонуниятлар илмий нуқтаи назардан берилади. Масалан, *С.Крахотвил* ажрим жараёнининг қуйидаги босқичларини ажратади:

– *Бош кўтариш босқичи*: хўрланган ва норози аёл ўз фаоллигини ошириб, ажрим содир бўлмаслигининг олдини олиб учун муайян сайъи-ҳаракатларга киришади. Лекин барча ишларни хавотирлик ва ҳаяжон билан амалга оширгани сабабли, кўп хатоларга йўл қўяди ва номаъқул ишлар ҳам қилиб қўйиши мумкин;

– *Тушкунликка тушиш босқичи:* ажралишни хоҳламаган томон вазиятни бошқара олмаганлигини тан олиб, тушкунлик, депрессия ҳолатига тушади, ва энди ўзини ҳам айблай бошлайди;

– *Бўйинга олиш босқичи:* ажралишни хоҳламаган томон энди мавжуд ҳолат билан келишиб, бундай никоҳнинг бўлганидан бўлмагани маъқуллиги фикрига келади.

Албатта, шуни таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда иккала томон онгли равишда, ўзаро келишиб, бир-бирларига тана-дашном бермайдилар ва бундай ажримлар юқорида кўрсатилган босқичларсиз содир бўлади. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурилаётган давлатларда ажримлар масаласига ҳам демократик тарзда қаралади, яъни, бу икки томоннинг ёки бирининг манфаатига мос келиши инобатга олиниб, ажрим содир этилади, лекин бундай ҳолатларда, айниқса, ёш боласи билан қолган она ижтимоий-психологик ёрдамга, жамият томонидан кўрсатиладиган мададга муҳтож бўлади. Инқирозли оила ёки мушкул аҳволга тушиб қолган оналар, уларнинг фарзандлари билан психологик-педагогик ёрдам ишларини ташкил этиш асосан қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

• диагностик;
• коррекцион;
• профилактик;
• маърифий.

Инқирозли оила билан ишлаш аввало шундай ҳолатга тушиб қолган оилаларнинг талаб-таклифлари асосида, ёки у ёки бу ҳудуддаги оилаларнинг аҳволини ўрганиш натижаларига кўра амалга оширилади.

Оилага ижтимоий-психологик хизмат марказлари кимнинг буюртмаси билан фаолият бошлагани, унинг фаолияти самарасини ким мониторинг қилишидан қатъий назар, у қуйидаги тоифа инсонларга хизмат кўрасатади:

• болалар;
• ота-оналар;
• яхлит оила.

Оилада тарбияланаётган болалар муаммолари билан шуғулланадиган ижтимоий-психологик хизмат марказлари асосан улар билан диагностик ва психокоррекцион йўналишларда иш олиб боради.

***Диагностик йўналишдаги ишлар*** ўз ичига қуйидаги вазифаларни қамраб олади:

• Бола психик тараққиётида содир бўлаётган муаммолар, чекинишлар ва уларнинг асл сабабларини диагностика усуллари ёрдамида аниқлаш;

• Бола нормал тараққиёти жараёнида аниқланган муаммолари жиҳатлар ва уларни бартаарф этиш билан боғлиқ ишлар;

• Бола психик тараққиётидаги патологиялар ва уларни қисман бўлса-да бартараф этиш, келиб чиқиш сабабларини ота-онага билдириш ҳамда ҳамкорликда болага ёрдам бериш чораларини белгилаш.

Бола саломатлиги ва унинг хасталикларини психик ҳаётга алоқадорлиги бевосита эканлигини аниқлаган психолог – маслаҳатчи ота-она билан биргаликда муаммонинг ечимини излайди ва бу билан оила муҳитини яхшилашга ҳисса қўшади. Болалар ўртасида олиб бориладиган ***профилактик ишлар***

асосан аввалдан белгиланган режа бўйича амалга оширилади. Профилактиканинг мақсади – болада аномал ҳолатларнинг олдини олишдир. Албатта бунда ҳам психолог мутахассис психодиагностик воситалардан фойдаланди, лекин унинг вазифаси энг аввало болада рўй бериши мумкин бўлган патологик жараёнларнинг олдини олишдир.

Чунки оилавий низолар, оилавий муносабатларнинг издан чиқиши шу оила муҳитида тарбияланаётган боланинг асаб тизимига, психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Оиласида муаммо бўлган болалар ўртасида олиб бориладиган ***коррекцион-тузатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар*** ҳам диагностик амалиёт билан биргаликда амалга оширилади. Бунда диагностика орқали аниқланган хулқдан чекиниш ҳолатлари боланинг ёши, оилавий шароити, қизиқиш ва иқтидори инобатга олинган ҳолад малакали амалиётчи психолог томонидан амалга оширилади. Бунда бевосита бола онги ва фикрлаш тарзига таъсир кўрсатилади, шунинг учун бундай тадбирлар мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўртасида ўтказилади.

***Ота-оналар билан психологик-педагогик профилактика ишлари*** оилада эр ёки хотин томонидан бир-бирларига нисбатан ноўрин, бешавқат муносабатлар содир этилганда амалга оширилади. Шунинг учун амалиётчи психолог энг аввало эр-хотинларнинг қай бири кўпроқ айбдор ва қайси бирининг инсоний шаъни ва ҳуқуқлари паймол этилганини аниқлаши даркор. *С.Ковалев*нинг фикрича, низокаш эр-хотинларнинг дастлабки мулоқотда психологга берган маълумотлари ҳар доим ҳам ҳаққоний, объектив бўлавермайди. Психолог хизматидан фойдаланишни истаган шахснинг ўзи муаммони аниқ нимада эканлигини баён этолмайди. Масалан, эридан нолиган хотин эрнинг қай даражада ноҳақлиги ёки нима сабабдан ундан кўнгли қолганлигини аниқ айтиб беролмайди. Айниқса, бундай ҳолатларда низоли вазиятни келтириб чиқарган “айбдор” бола бўлиб чиқса, иккала томон ҳам ўзича ҳақ ва уларнинг иккисини жанжаллашишга туртки бўлган омил уларнинг фарзандини севиши бўлиб чиқади.

Рус олими *В.В.Столин* психологик хизмат марказларига норозилик билан мурожаат қилган ота-оналарнинг шикоятлари мазмунини ўрганган ва уларни тоифаларга бўлган:

1. Боласидан ташвишланган ота-онанинг мурожаати. Аслида баъзи мурожаатлар ўринсиз бўлиб, ота-онанинг ортиқча жонсараклиги, хавотирчанлиги туфайли келиб чиқади, улар ҳар эҳтимолга қарши болсини парваришлаш, тарбиялашга адашиб кетмасликдан қўрқиб психолог қабулига келади.

2. Шикоятли мурожаат ота-онанинг болага муносабатининг ўзидан келиб чиқади. Чунки аслида бола ота-она ишора қилаётган ташвишлардан, нуқсонлардан холи бўлдаи. Масалан, онанинг фикрича, боласи уни ёқтирмайди, унинг айтганларини қилмаяпти, аслида унинг ўзи болага етарли ва ўринли меҳр беролмайди.

3. Шикоят қисман ёки мутлоқ асосли, чунки болада ҳақиқатан ҳам ота-онага, яқинларига, яхши кўрган нарсаларига нисбатан нотўғри муносабат шакллана бошлаган ёки анчадан буён намоён бўлмоқда. Бу нуқсонлар асосан ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларга алоқадорлиги психолог аниқлайди.

4. Бола хулқидаги оғишлар ва уларга боҳлиқ хатти-ҳаракатлар ота-онани жиддий ташвишга солади. Лекин бундай ҳолат умуман оилавий ўзаро муносаюатларнинг дарз кетганлигини оқибати бўлиши мумкин. Бу одатда боланинг ота-онаси билан нормал муносабатда эканлигини кўрсатади, лекин хулқдаги номувофиқликлар боланинг ўқиши, интизоми, мактабдаги бурчларини тўла бажармаётганлиги билан боғланади.

5. Боланинг ота-онаси билан муносабати ёмонлигининг сабаби – асосан катталарнинг болага нисбатан адолатсизлиги оқибати ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳақиқатан ҳам боланинг психологиясида жиддий ўзгаришлар ва муаммолар бўлади ва ота-онанинг шикояти жиддий психологик тузатиш ишларини тақозо этади.

Юқоридаги каби шикоятлар ортиб борган сари охирги йилларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тўғри тарбиялашлари, ўзаро муносабатларини тўғри маромда ташкил этишлари борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундай лойиҳалардан бири “Ота-оналикнинг самарадорлиги тренинги” бўлиб, у рус олими *А. Аладьин* томонидан таклиф этилган. Бу тренинг ота-оналарда оилавий муносабатларда ўзини қандай тутиш, фарзандлар билан муносабатда қўлланиладиган энг самарали усуллар борасидаги билим, кўникма ва малакаларини оширишга йўлантирилган.

Ўзбекистон шароитида ҳам энди кенг кўлам ёзаётган хусусий ва давлат муассасалари таклиф этаётган “Оила сабоқлари”, “Ижтимоий психологик тренинглар” айнан эр-хотинларни ота-оналикка ва ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларига қаратилгандир.

“Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш” Вазирлиги, Республика “Оила” илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилаётган ишларнинг асосий мақсади ва йўналиши ҳам айнан шу каби муаммоларни жойида, оила муҳитида ечишга катталарни ва ёшларни ўргатиш, уларда соғлом муносабатлар психологиясини шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Демак, оила фаровонлигига эришиш учун оиланинг ижтимоий-психологик муҳитини яхшилаш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни изга солиш, ёш оилаларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, уларга оила илмини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Иванова Л.В. Ваша свадьба. – Смоленск: Русич, 1999. – С. 78-84.



**Mustanov U.Z.**
*Jizzax davlat pedagogika instituti “Ijtimoiy fanlar” kafedrasi o‘qituvchisi*


## BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA OILA, MAHALLA, MAKTAB HAMKORLIGI KONSEPSIYASI

Yosh avlodga zamonaviy ta’lim berish bilan birga ularni umuminsoniy va milliy qadriyatlar, yuksak iqtisodiy fazilatlar ruhida tarbiyalash, ongi va qalbini mafkuraviy va ma’naviy tahdidlardan ishonchli himoya qilish, ularda g‘oyaviy immunitet va faol fuqarolik poziцiyasini shakllantirish masalalari davlatimizning doimiy diqqat markazida bo‘lib kelmoqda.

Endilikda yoshlar millati, xalqi, qolaversa, o‘zi va oilasi manfaatlari uchun erkin mehnat qilish imkoniyatiga ega bo‘ldilar. Bunday muhim ijtimoiy o‘zgarishlar mustaqil davlatimiz Konstituцiyasida, “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksi” va boshqa qonunlarda umuminsoniy qadriyatlarga muvofiq ravishda mustahkamlab qo‘yilgan. Bularning barchasi yoshlarda yangicha tafakkurni, milliy, ijtimoiy-siyosiy ongni shakllantirishga xizmat qilmoqda.

Yosh avlodni vatanparvarlik, insonparvarlik kabi xislatlar bilan birga diniy bag‘rikenglik, yuksak ma’naviyat egasi bo‘lish hamda boshqa millatlarga nisbatan hurmat bilan qaraydigan, insoniy qadr-qimmatini e’zozlaydigan qilib tarbiyalash biz qurayotgan buyuk davlatchiligimiz poydevori bo‘lib xizmat qiladi.

Ushbu ulkan sharafli, mas’uliyatli ishlarni amalga oshirishda o‘zaro chambarchas bog‘liq uch omil – oila, mahalla va ta’lim muassasalari hamkorligi muhim ahamiyatga egadir. Ular orasidagi samarali hamkorlikni yo‘lga qo‘yish o‘smirlar orasida tartibbuzarlik, o‘g‘rilik, tanga jarohat yetkazish, nomusga tajovvuz qilish, giyohvandlik va shunga o‘xshash illatlarning oldini olishda, bugungi kunning ma’naviy yetuk yoshlarini tarbiyalashda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi.

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning 3.2 bandida ta’lim oluvchilarning o‘qishi, turmushi va dam olishi uchun shart-sharoitlar yaratish borasidagi vazifalar qal etilishida jamoatchilik boshqaruvini rivojlantirishga, 4.4. bandida esa O‘zbekiston mustaqilligi prinsiplariga sadoqatli hamda jamiyat taraqqiyotiga munosib hissa qo‘shishga qodir shaxsni shakllantirish maqsadda ta’lim muassasa-lari, ota-onalar, oila, maqalda qo‘mitalari, «Ma’naviyat va ma’rifat jamoatchilik markazi», jamoat tashkilotlari, fondlar bilan o‘zaro puxta hamkorlik qilishlariga alohida e’tibor berilgan. Bu «Oila, mahalla, maktab qamkorligi» bugungi kunning ma’naviy, ma’rifiy, mafkuraviy, tarbiyaviy zaruriyati ekanligini bildiradi. Yosh avlodni ma’naviy-axloqiy tarbiyalashda:

– xalqimizning boy milliy, madaniy, tarixiy an’analariga, urf-odatlariga hamda umumbashariy qadriyatlarga asoslangan samarali, zamonaviy pedagogik texnologiyalar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etilishi;

– umumiy hamda milliy pedagogik madaniyatni oshirish;

– mamlakatimiz fuqarolari orasida milliy mafkuraviy tarbiya ishlarini takomillashtirish «Oila, mahalla, maktab hamkorligi» konsepsiyasining asosiy maqsadidir.

Jismonan sog‘lom, ma’naviy yetuk va har tomonlama rivojlangan barkamol avlodni tarbiyalashda oila instituti, ota-onalar va fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlarining ta’lim muassasalari bilan o‘zaro hamkorligini mustahkamlash, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Mustahkam oila yili” Davlat dasturi to‘g‘risida” 2012-yil 27-fevraldagi PQ-1717-son qarorining 69-bandi ijrosini bajarish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 19-iyundagi 175-sonli qarori bilan 4 ta yo‘nalish, 25 ta banddan iborat “Oila-mahalla-ta’lim muassasasi” hamkorlik mexanizmini kuchaytirish bo‘yicha chora-tadbirlar majmuasi tasdiqlandi[53]. Uning asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

I. Oila, mahalla, ta’lim muassasalari hamkorligini yanada kuchaytirishga qaratilgan metodologik asoslarni yaratish.

II. “Oila-mahalla-ta’lim muassasasi” Jamoat kengashlarini shakllantirish va ularning faoliyatini tashkil etish.

III. O‘quvchi-yoshlar o‘rtasida g‘ayriijtimoiy harakatlarning vujudga kelish sabablari va shart-sharoitlarini o‘rganish, ularni bartaraf etishga qaratilgan chora-tadbirlarni belgilash va amalga oshirish.

IV. Barkamol avlodni tarbiyalashga doir ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarning samaradorligini oshirish va ularni mazmunan yanada takomillashtirish.

Birinchidan, fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining ko‘pgina davlat va jamoat tashkilotlari bilan o‘zaro hamkorligi mustahkamlanadi. Mamlakatimizda istiqomat qilayotgan turli millat vakillarining ibratli madaniyati va urf-odatlari bilan aholi, ayniqsa yoshlar keng tanishtiriladi, millatlararo totuvlik, bag‘rikenglik tushunchalari chuqurroq singdiriladi.

Ikkinchidan, “Yoshlar ma’naviy olamini boyitishda adabiyot va san’atining o‘rni” mavzuida o‘tkaziladigan turkum ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar jarayonida yoshlarda odob-axloq va estetik did shakllantiriladi.

Kundalik hayotda, ishda, o‘qishda, ko‘chada, turli tadbirlarda o‘zimizni to‘g‘ri tutishni bilishimiz aynan ana shu dastlabki tarbiyadan hosil bo‘ladi. Shunday naql bor: “Ota-onaning burchi faqat farzandni dunyoga keltirganligi bilan emas, balki yaxshi farzand tarbiyalagani bilan ham belgilanadi”.

Bola tarbiyasida uning ma’naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda oilaning o‘rni va ta’siri beqiyosdir. Aynan oilada milliy iftixor tuyg‘usi shakllanadi. Milliy iftixor esa insondagi yuksak ma’naviy fazilatlarni hosil qiladi. Ushbu insoniy fazilatlar esa Vatan, uning istiqboli, milliy manfaatlari bilan uzviy bog‘liqdir.

Kattalarga izzat-ikrom, kichiklarga mehr, ota-onalarga e’zoz, farzandlarga mehr-muhabbat kabi insonni inson sifatida ulug‘laydigan, ma’naviy-axloqiy jihatdan go‘zal va barkamol qiladigan qadriyatlarimiz har bir fuqaro, ayniqsa, yoshlar qalbidan mustahkam o‘rin olishi lozim[54].

Ma’lumki, xalqimiz azal-azaldan o‘zining bolajonligi, oilaparvarligi bilan ajralib turadi. Albatta, farzandga mehr qo‘yish, uning qornini to‘q, ustini but qilish bilan bir qatorda, ularni yoshlik chog‘idan boshlab tarbiya, axloq-odob, yuksak ma’naviyat, o‘z yurtiga sadoqat kabi tuyg‘ularni shakllantirish asosida voyaga yetkazish doimo dolzarb ahamiyat kasb etib kelgan. Bu masalaga e’tibor bermaslik nafaqat oila, mahallasi uchun, balki butun jamiyat rivojiga to‘sqinlik qilishi va salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkinligini ham ko‘pgina hayotiy misollarda kuzatilgan. Zero, kishining kundalik hayoti va faoliyatida moddiy va ma’naviy asoslar har doim bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lgan.

O‘zbekiston Respublikasi Oila Kodeksining 73-moddasida quyidagi qoidalar belgilab qo‘yilgan:

“Ota-ona o‘z bolalarini tarbiyalash huquqiga ega va tarbiyalashi shart.

Ota-ona o‘z bolalarining tarbiyasi va kamoloti uchun javobgardir. Ular o‘z bolalarining sog‘lig‘i, jismoniy, ruhiy, ma’naviy va axloqiy kamoloti haqida g‘amxo‘rlik qilishlari shart.

Ota-ona o‘z bolalarini tarbiyalashda boshqa barcha shaxslarga nisbatan ustun huquqqa ega.

Ota-ona bolalarining qonun hujjatlarida belgilangan zarur darajada ta’lim olishini ta’minlashi shart”.

Shuningdek, ushbu Kodeksning voyaga yetmagan bolalarning quyidagi shaxsiy nomulkiy huquqlari ko‘rsatilgan:

---

[53] Республика “Маҳалла” жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими жорий архив материаллари. Урганч, 2013 й.

[54] Маврулов А Маънавий баркамол инсон тарбияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - 80 б.

– bolaning oilada yashash va tarbiyalanish huquqi (65-modda);
– bolaning ota-onasi va boshqa qarindoshlari bilan ko'rishish huquqi (66-modda);
– bolaning himoyaga bo'lgan huquqi (67-modda);
– bolaning o'z fikrini ifoda etish huquqi (68-modda);
– bolaning ism, ota ismi va familiya olish huquqi (69-modda);
– bolaning ismi va familiyasini o'zgartirish (70-modda).

Har bir bola oilada yashash va tarbiyalanish, o'z ota-onasini bilish, ularning g'amxo'rligidan foydalanish, ular bilan birga yashash huquqiga ega, bola manfaatlariga zid bo'lgan holatlar bundan mustasnodir.

Binobarin, jismonan sog'lom, ma'naviy yetuk va har tomonlama rivojlangan barkamol avlodni tarbiyalashda oilaning roli muhim hisoblanadi.

**ИМОМОВ ИНЪОМИДДИН АБДУЛХАМИДОВИЧ**
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети умумий ва аниқ фанлар кафедраси катта ўқитувчиси*

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА УЧРАЙДИГАН ЗИДДИЯТЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАШХИС ЭТИШ

**Аннотация:** *мақолада олий таълим жараёнида юзага келадиган зиддиятларни педагогик ташхис этиш ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган.*
**Калит сўзлар:** *жамоа, талаба, қобилият, самарадорлик, механизм, фаолият, зиддият, ташхис этиш.*

**Аннотация:** *в статье дается отзыв об особенностях педагогической диагностики конфликтов, возникающих в процессе получения высшего образования.*
**Ключевые слова:** *коллектив, студент, способности, эффективность, механизм, деятельность, конфликт, диагностика.*

**Annotation:** *The article provides feedback on the features of pedagogical diagnostics of conflicts arising in the process of obtaining higher education.*
**Keywords:** *collective, student, abilities, efficiency, mechanism, activity, conflict, diagnostics.*

Ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида унинг иштирокчилари ўртасида муайян зиддиятлар юзага келади. Иштирокчиларнинг амалга оширилаётган фаолият (ишнинг бажарилиши)га бўлган муносабатлари, зиддиятни юзага келтирувчи вазиятни турлича талқин этишлари, қарши томон иштирокининг салбий ёки паст баҳолашлари, фаолиятни ташкил этишдаги шахсий ролни бўрттириб кўрсатишлари, сабабларни чуқур таҳлил қилмасликлари ва энг муҳими зиддиятни ўз ўрни, вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини белгиламасликлари педагогик зиддиятарнинг келиб чиқиши учун шароит яратади.

Кўп сонли ва турли ёшдаги субъектларга эгалик, ҳар бир субъектнинг индивидуал равишда психологик, физиологик ва жисмоний имкониятларни намоён этиши, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда турли даражада фаоллик кўрсатиши таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда у ёки бу кўринишдаги педагогик зиддиятларни келтириб чиқаради. Таълим жараёни иштирокчиларининг бошқарувчи ва бўйсунувчи (таълим муассасаси раҳбари, педагоглар жамоаси, педагог, талаба, талабанинг ота-онаси), назоратчи ва назорат қилинувчи, буйруқ берувчи ва ижро этувчи каби икки йирик гуруҳга ажралишлари ҳамда улар ўртасидаги ёш, билим, ҳаётий тажриба ўртасидаги фарқнинг катталиги эса педагогик зиддиятларнинг содир бўлишига жиддий таъсир кўрсатади.

Педагогик зиддият – бу таълим ва тарбия жараёнида унинг иштирокчилари (таълим муассасаларининг раҳбарлари, педагоглар жамоаси, талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари) ўртасида юзага келадиган ва бир-бирига мос келмайдиган манфаатлар тўқнашуви саналади. Демак, педагогик

зиддиятлар деганда педагог ва талаба ўртасидаги таълим жараёнида кузатиладиган зиддиятлар, тортишувлар келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар назарда тутилиши лозим.

Зиддият кўпинча педагогнинг талаба шахси тўғрисида нотўғри ўйлаши сабабли келиб чиқади. Бола шахси тўғрисида ижобий фикрда бўлиш педагогик зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олади. Зиддиятларга йўл қўймасликка эришиш – педагогнинг педагогик зукколигининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Педагогик зиддиятлар таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги турли соҳаларда ташкил этиладиган муносабатларни қамраб олади. Зиддиятларни уларнинг турли кўрсаткичлари бўйича туркумлаштириш мумкин. Педагогик зиддиятлар давомийлигига кўра:

1) тезда якун топадиган зиддиятлар (жуда юқори ҳиссиётли ҳаракатлар билан бошланиб, ўзида зиддиятга киришувчиларнинг чуқур салбий муносабатларини акс эттиради; бу каби зиддиятлар оғир ва фожиали якун топиши ҳам мумкин);

2) узоқ муддат давом этадиган зиддиятлар (томонлар ўртасидаги зиддиятлар етарли даражада чуқур, барқарор, мураккаб бўлган вазиятларда юзага келади; бундай зиддиятларни ҳал қилиш осон эмас);

3) кучсиз, суст кечадиган зиддиятлар (у қадар кескин тус олмаган қарама-қаршиликларни намоён этадиган зиддиятлар бўлиб, улар, одатда, зиддиятга киришаётган томонлардан бирининг фаоллиги, иккинчи томоннинг эса имкон қадар зиддиятдан қочиши билан тавсифланади; бу каби зиддиятларнинг ечимини топиш ҳам бир мунча қийин; уларнинг ечими ташаббускор томоннинг қарорига боғлиқ бўлади);

4) кучсиз, тез кечадиган зиддиятлар (ўзаро қарама-қаршиликлар, тўқнашувчиларнинг бир қадар ижобий шакли бўлиб, агарда у зиддиятга киришувчи томонлар ўртасидаги ягона зиддият бўлса, у ҳолда уни ижобий ҳал қилиш имконияти мавжуд).

Шунингдек, педагогик зиддиятлар юзага келиш вақти, биргаликдаги фаолият мазмуни, психологик хусусиятлари ҳамда намоён бўлиш ҳолати нуқтаи назардан ҳам бир неча турларга ажратилади. Яъни:

I. Юзага келиш вақтига кўра: 1) доимий зиддият; 2) муайян муддатли (бир марта ёки бир неча марта намоён бўладиган) зиддиялар.

II. Биргаликдаги фаолият мазмунига кўра: 1) таълим олиш билан боғлиқ (ўқув) зиддиятлар(и); 2) ташкилий зиддиятлар; 3) меҳнат зиддиятлари; 4) шахслараро зиддиятлар ва бошқалар.

III. Психологик хусусиятларига кўра: 1) расмий зиддиятлар; 2) норасмий мулоқот жараёнида юзага келувчи зиддиятлар [120].

IV. Намоён бўлиш ҳолати нуқтаи назардан: 1) очиқ зиддиятлар; 2) яширин (ёпиқ) зиддиятлар.

Яширин зиддият икки шахс орасида мавжуд бўлиб, маълум вақтгача улар орасида можаро борлигини беркитиб юриш мумкин. Улардан бирининг сабри чидамай қолса бу зиддият очиқ зиддиятга айланиши мумкин. Яна стихияли пайдо бўладиган ва даврий юзага чиқадиган, иғво орқали юзага келадиган зиддиятлар ҳам мавжуд. Зиддиятни бошқа тури фитна ҳам бўлиши мумкин. Фитна ташаббускор томонидан қасддан қилинган виждонсизларча ҳаракат бўлиб, шахс ёки жамоани маълум ҳаракатга мажбур қилиб, зарур.

Шунингдек, таълим жараёнининг иштирокчилари ўртасида келиб чиқадиган зиддиятлар улар негизини ҳосил қилувчи қарама-қаршиликларнинг даражалари бўйича ҳам гуруҳларга ажратилади. Жумладан: 1) қониқмаслик; 2) фикрларнинг хилма-хиллиги; 3) қарама-қаршилик; 4) жанжал; 5) душманлик.

Гарчи, педагогик зиддиятлар турлича гуруҳ ёки туркумларга ажратилсалар-да, бироқ уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ривожланиш даврида зиддиятлар бир турдаги кўринишдан иккинчи турдаги кўринишга ўтиши мумкин.

Зиддиятли вазият – бу объектив нарсалар шахс томонидан субъектив қабул қилинган педагогик жараённинг мураккаб объектив-субъектив ҳолати бўлиб, у иштирокчилар учун аҳамиятли ҳисобланади.

Таълим муассасаларида юзага келадиган зиддиятлар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– педагогнинг вазиятни педагогик тўғри ҳал қилишга касбий масъулият: ахир ОТМ – талабалар инсонлар орасидаги муносабатлар ижтимоий қоидаларини ўзлаштирадиган жамият моделидир;

– зиддиятлар иштирокчилари турли ижтимоий мавқеларга эга бўладилар (педагог–талаба), зиддиятдаги турли хулқлари шу билан белгиланади;

– иштирокчиларнинг ёши ва ҳаётий тажрибасидаги фарқ зиддиятдаги уларнинг қарашларини ажратади, зиддиятни ҳал қилишда хатолар учун турли даражадаги масъулиятни келтириб чиқаради;

– иштирокчиларнинг ҳодисаларни ва уларнинг сабабларини турлича тушунишлари (зиддиятга "педагогнинг кўзи билан" ва "талабанинг кўзи билан" турлича қарашлар), шунинг учун педагогга боланинг кечинмалари чуқурлигини тушуниш, талабага эса – ўзининг ҳаяжонларини бошқариш, ақл билан иш тутиши қийин бўлади;

– зиддият пайтида бошқа талабаларнинг кузатишлари уларни гувоҳлардан иштирокчиларга айлантиради, зиддият эса улар учун ҳам тарбиявий мазмунга эга бўлади; бу тўғрисида педагог доим ёдида тутишига тўғри келади;

– зиддиятда педагогнинг касбий ҳолати уни ҳал қилишда ташаббусни ўз қўлига олишига мажбур қилади ва биринчи ўринга шаклланаётган шахс сифатида талабанинг манфаатларини қўя билишини талаб қилади;

– зиддиятни ҳал қилишдаги педагогнинг ҳар қандай хатоси янги вазиятларни ва зиддиятларни келтириб чиқаради, унга бошқа талабалар ҳам аралашадилар;

– педагог дарсда талабалар хулқларини тахмин қилиш бўйича эга бўлган имкониятнинг озлиги; уларнинг ҳаракатлари кутилмаганлиги кўпинча дарснинг режалаштирилган боришини бузади, педагогда ғазабланиш ва ҳар қандай йўл билан "тўсиқларни" олиб ташлашга интилишини келтириб чиқаради; содир бўлган ҳодиса тўғрисида ахборотнинг етишмаслиги тегишли йўл тутишни ва шундай шароитларда мурожаат этиш оҳангини танлашни қийинлаштиради;

– бошқа талабалар ҳам вазият гувоҳлари бўладилар, шунинг учун педагог ҳар қандай йўл билан ўзининг ижтимоий мавқеини сақлаб қолишга интилади ва шу билан кўпинча вазиятни зиддиятгача олиб боради;

– педагог одатда талабанинг алоҳида ҳаракатларини эмас, балки унинг шахсини баҳолайди, бундай баҳо кўпинча талабага бошқа педагоглар ва тенгдошларининг (айниқса бошланғич мактабда) муносабатларини кўрсатади;

– талабага баҳо бериш кўпинча унинг ҳаракатларини субъектив тушуниш ва унинг мотивлари тўғрисида, шахснинг хусусиятлари, оиладаги ҳаётий шароитлари тўғрисида кам ахборотга эга бўлиши асосида қурилади;

– педагог вужудга келган вазиятни таҳлил қилишга қийналади, талабани жазолашга шошилади, талабага нисбатан ортиқча талабчанлик зарар қилмайди деб ҳисоблайди;

– педагог ва алоҳида талабалар ўртасидаги вужудга келган муносабатлар хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади; талабаларнинг шахсий сифатлари ва ностандарт хулқлари улар ўртасидаги доимий зиддиятлар сабаби ҳисобланади;

– педагогнинг шахсий хусусиятлари (жаҳлдорлик, қўполлик, қасоскорлик, мағрурлик, иложсизлик ва бошқалар) ҳам кўпинча зиддиятлар сабаби бўлади; талабалар билан ўзаро муносабатларда педагогнинг устувор кайфияти, педагогик ишларга қизиқиши, педагогик қобилияти йўқлиги, педагогнинг ҳаётий муваффақиятсизликлари, педагогик жамоадаги умумий муҳит ва ишларни ташкил қилиниши қўшимча омиллар сифатида иштирок этади. Вазиятларни ва зиддиятларни ҳал қилишда педагогнинг ҳар қандай хатоси талабаларнинг хотираларида қолади ва ўзаро муносабатларга узоқ вақт таъсир кўрсатишини эсдан чиқармаслик керак;

– дарслардаги, айниқса, ўсмир ёшлар синфларидаги зиддиятлар кўпчилик томонидан одатий, қонуний деб тан олинади;

– педагог турли ёшдаги талабалар ўртасидаги амалий ўзаро алоқаларни кучайтириб уларнинг жамоали ўқув фаолиятларини ташкил қилишни билиши керак; бундай зиддиятлар кўпроқ биринчи ўринда фақатгина фанни ўзлаштириш даражаси билан қизиқадиган педагоглар фаолиятида кўзга ташланади, аксинча, талабаларни яхши биладиган ва улар билан алоқа қилиш турли шаклларини топадиган педагог томонидан олиб бориладиган дарсларда ва бошланғич синфларда улар анча кам содир бўлади;

– одатда фанни яхши ўзлаштирмаган, хулқи "қийин" талабалар билан дарсдаги вазият зиддиятгача етиб боради. Шунинг учун педагогнинг ўзининг фойдаси учун айнан шундай талабаларни

яхширок ўрганиш, топшириқни бажаришда ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мақсадида уларга эътиборли бўлиш керак;

– хулқи учун фан бўйича ёмон баҳолар билан жазолаш керак эмас — бу ижобий натижаларга олиб келмайди, балки фақатгина педагог билан узоқ шахсий зиддият келтириб чиқаради, бу ҳолат албатта фанга қизиқишини пасайтиради;

– педагогик фаолиятда зиддиятни самарали ҳал қилишдан унинг олдини олиш осон.

Педагогик зиддиятларда ҳар қандай адолатсизликларга, ижтимоий муносабатларда якка ҳокимликнинг етакчи ўрин тутишига нисбатан муросасизлик кабилар ҳам педагогик зиддиятларнинг ўзигагина хос бўлган муҳим хусусиятлар саналади. Ҳар қандай зиддиятнинг оқибатлари талабалар шахсининг кейинги ривожланишларида ўз аксига эга бўлиб боради, шунингдек, уларнинг келгуси тақдирларига ҳам сезиларли таъсири ўтказади. Демак, мураккаб зиддиятли вазият педагог ва талабаларнинг мақсадлари, вазифалари, сабаблари ва иштирокчиларнинг шахсий имкониятларининг бир-бирига мос келмаслиги кузатиладиган бир қадар оғир шароитлардаги ўзаро ҳаракатларидан фарқ қилади. Бу ўринда бир-бирига мос келмаслиги даражаси зиддиятли вазиятнинг мураккаблик ҳамда қийинлик даражасига билан аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим муассасалари амалиёти билан танишиш натижасида педагогик зиддиятларнинг келиб чиқиш негизи турлича бўлса-да, асосий сабаблар қуйидагилар эканлиги маълум бўлади: педагогик талабни қўйишда талабаларнинг ёш, психологик, ва шахсий имкониятларининг инобатга олинмаслиги; педагогик талабнинг талабалар имкониятига мос эмаслиги; педагогик талабнинг қўйилишида барча талабаларга бирдек ёндашилмаслик; педагогик талабнинг қўйилишида талабаларга индивидуал ёндашилмаслик; ўқитувчиларнинг талабага нисбатан “адолатсиз” муносабатда бўлишлари; педагогик талабнинг талабалар хоҳиш-истак, интилиш ва қизиқишларига зид бўлиши; педагогик талабнинг қўйилишида самимийликнинг етишмаслиги, аксинча, буйруқ оҳангида баён этилиши; педагогик талабнинг қўйилишида талаба шахсига ишонч билдирилмаслик ва ҳ.к.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Анцупов А.Я. Профилактика конфликтов в школьном коллективе. – М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – С. 38.
2. Каримова В.М. Психология / Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – 205 б.
3. Кузина А.А. Воспитание конфликтологической компетентности старшеклассников. Автореферат дис.. канд. пед. наук. – М., 2007. – 176 с.
4. Тўйчиева Г.У. Ёшлар ва конфликтлар: конфликтлар ечимига ўрганиш. – Т., 2008. – 128 б.



**KARIMOVA AZIZA MAMATKARIMOVNA,**
**MA'RUFOVA MUNIRA EGAMQULOVNA,**
*SamDU "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi va psixologiyasi" kafedrasi o'qituvchilari*


## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA OILA HAQIDAGI TASAVVURLARNI BOYITISH


**Аннотация:** *maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda oila haqidagi tasavvurlarni boyitish atroglicha yoritilgan.*



**Kalit so'zlar:** *oila, jamoa, hurmat.*



**Аннотация:** *в статье раскрыты вопросы формирования представлений о семье у детей дошкольного возраста.*



**Ключевые слова:** *семья, коллектив, уважение.*

**Annotation:** *the article deals with the formation of ideas about the family in preschool children.*
**Key words:** *family, team, respect.*

Maktabgacha yoshdagi bolalarda oila haqida, uning muqaddasligi to'g'risidagi bilimlarni shakllantirish kelajakda ularning oilaning muqaddasligini tan olish va hurmat qilishga asos bo'ladi. Hozirgi kunda oilaning jamiyatda tutgan o'rnini hisobga olib, bu boradagi ishlarni jadal olib borishimiz lozim.

Tevarak-atrof bilan tanishtirish

Mavzu: Bizning oila

*Mashg'ulotning maqsadi:* bolalarda oila haqida tasavvurlarni mustahkamlash va mavzu bo'yicha yangi bilimlar berish.

Kutilayotgan natija:

– bolalar oila haqida tasavvurga ega bo'lishadi;
– oila mustahkam va tinch bo'lishi haqida tushunchalarga ega bo'lishadi;
– katta va kichik oila haqida bilib oladi;
– oila a'zolari va turar joylari haqidagi bilimlarni mustahkamlaydi.

Ko'rgazmali qurollar: Marker, bo'r, qog'oz, plastilin, rangli qalamlar, oila rasmi.

Mashg'ulotning borishi:

Tarbiyachi: – Bolajonlar, hammamizning uyimiz bor-a?

– Siz uyingizda kimlar bilan yashaysiz?

Bolalarning javobi.

– To'g'ri, bolajonlar, hammamizning uyimiz bor va biz oila a'zolarimiz bilan birga yashaymiz. Oila a'zolarimizga otamiz, onamiz, singlimiz, opamiz va ukamiz kiradi. Demak, ular oilamiz a'zolari hisoblanadi. Qani, bolalar hozir hammamiz oila a'zolarimizni barmoqlarimiz orqali sanaymiz va oilada necha kishi yashasa, barmoqlarimiz orqali ko'rsatamiz.

Bolalarning javobi.

– Bolajonlar hozir biz bir oilaning rasmini ko'ramiz. Men shu rasm orqali rustamning oilasi hikoyasini aytib beraman. {oila tasvirlangan rasmni ko'rsatadi}

Bu rasmdagi katta oila. Agar oila a'zolari to'rtta va undan ko'p bo'lsa, katta oila hisoblanadi. Bolajonlar, siz rasmda chorpoyada bobo va buvining choy ichib turganini ko'rib turibsiz. Rustam buvisiga choy uzatmoqda. Agar bobo, buvilari kimda bo'lsa, ularni hurmat qilish lozim. Ovqat pishirayotgan rustamning onasi. U shirin osh pishirmoqda. Rustamning opasi onasiga savzini tozalab bermoqda. Rustamning ukasi otasiga gullarni ekishga yordam beryapti.

– Bolajonlar, Rustamning oila a'zolari oilada necha kishi ekan?

– To'g'ri, bolalar ular etti kishi ekan. Endi bu oila kattami, kichikmi?

Bolalarning javobi.

Didaktik o'yin. „OILA"

Bolalar hozir sizlar bilan „oila" o'yinini o'ynaymiz. Faqat odamlarda emas, balki hayvonlarda ham oila bor, Hozir ularning nomlanishini o'yin orqali bilib olamiz. Men sizlarga ma'lum havvonning nomini aytaman. Sizlar o'sha hayvonning otasi va onasining nomini aytasizlar.

Tarbiyachi:

– Jo'ja. Jo'janing onasi kim?
– Tovuq.
– Otasi kim?
– Xo'roz.
– To'g'ri, bolajonlar, buzoqchaning onasi kim?
– Sigir.
– Otasi-chi?
– Buqa.
– Qo'zichoqning onasi?
– Qo'y.
– Otasi-chi?
– Qo'chqor.

O'yin shu tariqa davom etadi.

Amaliy ish.

Bolalar o'z oilasini yoki uylarini tasvirlashlari yoki plastilinda yashashlari mumkin.

Mustahkamlash uchun qisqa didaktik o'yin.

„Oila a'zolari"

O'yinning qoidasi: tarbiyachi to'p orqali oila a'zolaridan birini aytib to'pni istalgan bolaga uzatadi. Bolalar oila a'zolarini ketma-ket sanaydi. Boshqalar aytgan oila a'zolarini takrorlamasligi lozim. {oila a'zolari: ota, ona buvi, bobo, aka, opa, singil, uka, nabira, hola, amma, amaki, yanga}

Tarbiyachi mashg'ulotda faol qatnashganlarni rag'batlantiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016 yil 29 dekabrdagi —2017-2021 yilllarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PQ-2707-sonli Qarori
2. Maktabgacha yoshdagi bolalarga qo'yiladigan Davlat talablari 2018 yil
3. "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi 2018 yil



**BERDIYEV DILMUROD NOMONOVICH**

*NavDPI Jismoniy madaniyat kafedrasi o'qituvchisi*


## OILA VA XOTIN-QIZLAR O'RTASIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNI TARG'IB ETISH


**Annotatsiya:** *ushbu maqolada xotin-qizlar, yosh onalarga turli xil jismoniy mashqlarni o'rgatish, mahallalarda, oilalarda sog'lomlashtirishga doir tadbirlar tashkil qilish yoritilgan.*



**Kalit so'zlar:** *jismoniy tarbiya, sog'lom avlod, xotin-qizlar, onalar, ayollar salomatligi, tadbirlar.*



**Аннотация:** *в статье описывается обучение женщин и молодых мам различным физическим нагрузкам, организация оздоровительных мероприятий в общине и семьях.*



**Ключевые слова:** *физическое воспитание, здоровое поколение, женщины, матери, женское здоровье, деятельность.*



**Annotation:** *This article describes how to teach women and young mothers a variety of physical activities, and how to organize health activities in the community and in families.*



**Keywords:** *physical education, healthy generation, women, mothers, women's health, activities.*


Vatan uchun ham, har bir oila uchun ham eng avvalo sog'lom farzand tarbiyalanishi kerak. Hozirgi paytda statistika bo'yicha respublikamiz aholisining taxminan 30 % i salomatlik garovi bo'lgan jismoniy tarbiya bilan shug'ullanadi. Achinarlisi, xotin-qizlarning bu boradagi ko'rsatkichi 6 % ni tashkil etarkan, xolos. Sog'lom avlodni dunyoga keltirish, tarbiyalash, jamiyatga mos tarzda tayyorlash - bugungi kun onalariga ko'p jihatdan bog'liq. Demak onalar, ayollar salomatligi, ularning jismonan sog'lom, ma'nan yetukligi farzandlarimiz kamoloti va jamiyatimiz rivojining bosh omillaridir. Qadimgi qo'lyozmalar, turli xil manbalarda ajdodlarimiz uzoq o'tmishda ham jismoniy mashqlar bilan muntazam shug'ullanib kelganligidan ogoh etadi. "Alpomish", "Qirqqiz", "To'maris" eposlarida tasvirlanishicha, o'sha davrda ayollar jismoniy tarbiyaga nafaqat qiziqishgan, balki erkaklar bilan tengma-teng musobaqalashishgan. Kezi kelganda yelkama-yelka turib dushmanlarga qarshi jangga kirishgan... Barchinoy, Qaldirg'och, Guloyim va Qirq go'zal timsollari sharq ayolining jismoniy kamoloti va benazir layoqati borligidan darak berib turibdi. Albatta, jismonan kuchli inson ruhan sog'lom ham bo'ladi.

Insonning e'tiqodi kuchli, mustahkam bo'lishi bilan birga badani ham sog', chiniqqan, har qanday mashaqqatlarga dosh bera oladigan bo'lmog'i lozim. Payg'ambarimiz (S.A.V): "Kuchli mo'min kishi Olloh

huzurida kuchsiz mo‘mindan yaxshiroq va mahbubroqdir” degandilar. Salomatlikni tiklashga xizmat qiladigan mashqlar Islom dinida ham qadrlanadi. Haj safari ham kishidan har tomonlama sog‘lom bo‘lishlikni taqozo etadi. Mo‘min yashayotgan yeridan to ka’batullogacha piyoda yurib borishi va u yerda uzluksiz ka’batulloh atrofida aylanishi, Arofat tog‘iga chiqishi va ka’baga qaytishi zarur bo‘larkan. Bu birinchidan, kishidan mustahkam sog‘liq talab etsa, ikkinchidan jismoniy chiniqqan, sabr-bardoshli, irodali va chidamli bo‘lishga undaydi. Ayollar ham yuqoridagi barcha riyozatlarni Haj safari davomida erkaklar barobarida tortishlari shart bo‘ladi. Bir so‘z bilan aytganda, Islom sog‘liq uchun nimaki zarur bo‘lsa, musulmonlarga buyurgan”.

Ona bo‘lish - buyuk baxt. Ayniqsa baquvvat, sog‘lom har tomonlama yetuk farzandga ona bo‘lish yana katta sharafdir. Bunga erishish uchun bo‘ajak onalar avvalo sog‘lom va ma’lum ta’lim-tarbiya jarayonlari bilan tanishishlari lozim. Xotin-qizlar, yosh onalarga turli xil jismoniy mashqlarni o‘rgatish, mahallalarda, oilalarda sog‘lomlashtirishga doir tadbirlar tashkil qilish, tushuntirish va maslahatlar berish lozimdek ko‘rinadi. Maktablar o‘rta maxsus va oliy o‘quv yurtlari hamda ishlab chiqarish korxonalarida sog‘lomlashtirish ishlarini olib boradigan mutaxassis xodimlar tayyorlashni kengaytirish zarur. Shu bois ham maktabda o‘quvchi qizlar bilan olib boriladigan jismoniy tarbiya ishlarining ahamiyati juda katta. Maktabda olib boriladigan jismoniy tarbiya shakllariga jismoniy tarbiya darsi, darsdan tashqari olib boriladigan sog‘lomlashtirish tadbirlari kiradi. Bola maktabga kelguncha 80 % harakatda bo‘lar ekan. Faqat 20 % uxlash, dam olish, ovqatlanish va shu kabiiarga sarflanar ekan. Mana shu haftalik harakatga bo‘lgan talabning 80 %ini butun 11 yil davomida o‘quvchilarda saqlab qolishimiz lozim. Ma’lumki, maktabda jadval asosida o‘tkaziladigan haftada 2 soat jismoniy tarbiya darsi o‘quvchilarda harakatga bo‘lgan talablarning 11 %iga javob berar ekan, darsdan tashqari hamma jismoniy tarbiya tadbirlari haftalik harakatga bo‘lgan talablarning 60 %igacha qoniqtirar ekan. Demak, darsdan tashqari olib boriladigan tadbirlarga katta e’tibor berilishi lozim. Bu tadbirlardan biri turli - tuman sport bayramlaridir, ayniqsa “Balli qizlar!” bayrami juda qiziqarli o‘tadi. Bunday bayramlarni o‘tkazishdan maqsad va vazifalar:

– qizlarda harakat faolligini oshirish;
– hayotiy zarur ko‘nikma va malakalarni shakliantirish;
– sog‘lom onalarni tarbiyalash;
– xotin-qizlar orasida sog‘lom turmush tarzini rivojlantirish;
– o ‘zaro hurmat va do‘stlik fazilatlarini tarbiyalashdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. K.Mahkamdjonov, L.Inozemseva, F.Nurmatov, L.Rustamov. Sport bayramlarini tashkil qilish va o‘tkazish metodikasi (darslik). – T.: «Iqtisod-moliya», 2008.
2. R.S.Salomov, M.X.Mirjamolov. Jismoniy imkoniyati cheklangan o‘quvchilarning spor mashg‘ulotlariga moslashishi. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. Toshkent-2014y
3. D.D. Safarova. Sport morfologiyasi. – T., 2015.
4. O.Q.Musayev. Oliy o‘quv yurti o‘qituvchisining pedagogik qobiliyatlar kompleksi. Metodik qo‘llanma. Toshkent-2016



**Farmonov O‘ktam Ne’matovich**
*Maktabgacha va boshlang‘ich ta’lim fakulteti*
*o‘quv ishlar bo‘yicha dekan o‘rinbosari*


## KREATIV YONDASHUVLAR ASOSIDA BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA MATEMATIK TUSHUNCHALARNI SHAKILLANTIRISH

Muammoli masala va vaziyatlarni hal qilar ekan, pedagogning masala yechimini topishga ijodiy yondashishi unda hissiy-irodaviy sifatlarning rivojlanishiga yordam beradi. Pedagog o‘z oldiga muammoli masalalarni qo‘yish orqali mavjud bilimlari va hayotiy tajribalariga zid bo‘lgan dalillar bilan to‘qnash keladi. Buning natijasida o‘z ustida ishlash, mustaqil o‘qib o‘rganishga nisbatan ehtiyoj sezadi. Pedagogning ilmiy - tadqiqot ishlari va ilmiy yoki ijodiy loyihalarni amalga oshirishi unda kreativlik potensialini yanada rivojlantiradi.

Zamonaviy ta'lim barcha turdagi ta'lim muassasalarida faoliyat yuritayotgan o'qituvchi, pedagoglarning ijodkor bo'lishlarini taqozo etmoqda. "Kreativ pedagogika asoslari" moduli pedagogning an'anaviy pedagogik fikrlashdan farqli ravishda ta'lim va tarbiya jarayonini samaradorligi ta'minlashga xizmat qiluvchi yangi g'oyalarni yaratish, shuningdek, mavjud pedagogik muammolarni ijobiy hal qilishga bo'lgan qobiliyatini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Har qanday mutaxassisda bo'lgani kabi bo'lajak pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari uchun talabalik yillarida poydevor qo'yiladi va kasbiy faoliyatni tashkil etishda izchil rivojlantirib boriladi. Bunda pedagogning o'zini o'zi ijodiy faoliyatga yo'naltirishi va bu faoliyatni samarali tashkil eta olishi muhim ahamiyatga ega. "Kreativ pedagogika asoslari" modulining maqsadi: pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malaka oshirish kurs tinglovchilarini kreativ pedagogikaning umumiy asoslari, tamoyillari, pedagoglarda kreativlik sifatlarini rivojlantiruvchi metod, vosita va texnologiyalar bilan tanishtirish orqali ularda o'quv va ma'naviy-ma'rifiy ishlar jarayonini, talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatlarini samarali tashkil etishga nisbatan kreativ yondashish malakalarni rivojlantirish.

"Kreativ pedagogika asoslari" modulining vazifalari:

– tinglovchilarni kreativ pedagogikaning umumiy asoslari, tamoyillari, pedagoglarda kreativlik sifatlarini rivojlantiruvchi metod, vosita va texnologiyalar bilan tanishtirish;

– tinglovchilarda o'quv dasturlarini yaratish; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun materiallarni to'plash va ularni saralash; o'quv axborot (ma'lumot)larini samarali izlash; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun didaktik ishlanmalar tayyorlash; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun o'quv topshiriqlari turlarini belgilash; o'quv topshiriqlarini ishlab chiqish; o'quv topshiriqlari uchun ish qog'ozlarini hama o'quv fanlari bo'yicha joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar uchun sinov topshiriqlarini tayyorlashga kreativ yondashish ko'nikmalarini shakllantirish;

– tinglovchilarning mavzu mohiyatidan kelib chiqqan holda to'liq, g'oyaviy mazmun va ilmiy asoslarga ega, amaliy qiymatga ega o'quv materialini tayyorlay olish, ma'ruza mashg'uloti uchun mo'ljallangan matnning vizual xususiyat kasb etishi (o'quv axborotining grafik (sxema, jadval, diagramma, tasvir, giperbolik va b.) ko'rinishda bo'lishi)ga erishish, ma'ruza va amaliy mashg'ulotlar, shuningdek, reyting nazorati uchun keyslar va darajali testlar to'plamini shakllantirish borasidagi ko'nikmalarining malakaga aylanishini ta'minlashdan iborat.

Modul bo'yicha tinglovchilarning bilimi, ko'nikmasi, malakasi va kompetensiyalariga qo'yiladigan talablar

"Kreativ pedagogika asoslari" modulini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida tinglovchi:

– "kreativlik" va "Kreativ pedagogika" tushunchalarining mohiyati;
– kreativ pedagogikaning maqsadi, vazifalari, obyekti va predmeti;
– kreativ pedagogikaning tarkibiy tuzilmasi va muhim kategoriyalari;
– kreativ pedagogikaning ilmiy tadqiqot metodlari;
– pedagoglarning kreativlik sifatlari, kreativlik imkoniyatlari va malakalari;
– pedagoglar kreativ imkoniyatining muhim darajalari va ularni aniqlovchi mezonlar;
– pedagoglarda kreativlik sifatlarini rivojlantirishning samarali yo'llari va shartlari;
– pedagoglarda kreativlikni rivojlantirishga to'sqinlik qiluvchi omillar;
– pedagoglarning kreativlik sifatlariga egaliklarini aniqlash shakllari, metod va vositalari;
– pedagoglarda kreativlik sifatlarini rivojlantirish bosqichlari, metod va vositalari to'g'risidagi bilimlarga ega bo'lishi;

– o'quv dasturlarini yaratish; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun materiallarni to'plash va ularni saralash; o'quv axborot (ma'lumot)larini samarali izlash; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun didaktik ishlanmalar tayyorlash; nazariy va amaliy mashg'ulotlar uchun o'quv topshiriqlari turlarini belgilash; o'quv topshiriqlarini ishlab chiqish;

o'quv topshiriqlari uchun ish qog'ozlarini hama o'quv fanlari bo'yicha joriy, oraliq va yakuniy nazoratlar uchun sinov topshiriqlarini tayyorlashga kreativ yondashish;

– mavzu mohiyatidan kelib chiqqan holda to'liq, g'oyaviy mazmun va ilmiy asoslarga ega, amaliy qiymatga ega o'quv materialini tayyorlay olish;

– ma'ruza mashg'uloti uchun mo'ljallangan matnning vizual xususiyat kasb etishi (o'quv axborotining grafik (sxema, jadval, diagramma, tasvir, giperbolik va b.) ko'rinishda bo'lishi)ga erishish ko'nikmalarini egallashi;

– ma'ruza va amaliy mashg'ulotlar, shuningdek, reyting nazorati uchun keyslar va darajali testlar to'plamini shakllantirish;

– ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil etishda kreativlik sifatlarini to'laqonli namoyish etish;

– mavzu mohiyati va o'quv materialining xarakteridan kelib chiqqan holda auditoriya (joy)ni jihozlash;

– ma'naviy-ma'rifiy tadbir mavzusi, yo'nalishi va xarakteridan kelib chiqqan holda u o'tkaziladigan joy (xona, zal)ni jihozlashga kreativ yondashish malakalarini egallashi;

– kreativ yondashuv asosida o'quv va ma'naviy-ma'rifiy ishlar jarayoni muvaffaqiyatli tashkil etish;

– talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatini samarali yo'lga qo'yishda pedagogik kreativlik sifatlarini egallashi lozim.

Modulni tashkil etish va o'tkazish bo'yicha tavsiyalar

"Kreativ pedagogika asoslari" modulini o'qitish jarayonida:

– ma'ruza darslarida zamonaviy kompyuter texnologiyalari yordamida prezentaцион va elektron-didaktik texnologiyalardan;

– o'tkaziladigan amaliy mashg'ulotlarda texnik vositalardan, ekspress - so'rovlar, test so'rovlari, kichik guruhlarda ishlash, interaktiv ta'lim metodlarini qo'llash nazarda tutiladi.

**Adabiyotlar**


1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 488 bet.
2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 104 bet.
3. Mirziyoyeyv sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2016 yil, 56 bet.
4. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.



**МУХАМАТКУЛОВА ПАРИЗОДАБЕГИМ МАМАТЖОНОВНА**

*Студентка 4-курса ТГЮУ*

*Научный руководитель:*

**Бурханова Лейла Мариусовна,**

*доцент кафедры «Частно-правовых дисциплин»*

*Специализированного филиала ТГЮУ*


## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАТSIИ РАСТОРЖЕНИЯ БРАКА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ЭТОМ НАПРАВЛЕНИИ


**Аннотация:** *nikohni bekor qilish tahlili, rasmiylashtirish va uni qo'llashdagi muammolarning xususiyatlari juda dolzarb va talabga ega. Vaqt va amaliyotning zamonaviy talablarini hisobga olgan holda, nikohni bekor qilish bilan er-xotinning birgalikda yashashining huquqiy faktini tugatishga qaratilgan huquqiy jarayonni alohida huquqiy hujjat (nikohni bekor qilish to'g'risidagi guvohnoma) berish yo'li bilan tushunish kerak. Shu bilan birga, nikohni bekor qilishning alohida xususiyatlari va amaliy jihatlari ilmiy e'tibordan tashqarida qolmoqda, bu esa ushbu ilmiy maqolaning yaratilishiga olib keldi.*



**Kalit so'zlar:** *nikoh, nikoh tarqatish, ajralish, ma'muriy ajralish, FXDYO.*

**Аннотация:** *анализ расторжения брака, особенностей его оформления и проблем в его применении очень актуален и востребованный на данный момент. С учетом современных требований времени и практики, под расторжением брака нужно понимать юридическую процедуру, направленную на прекращение юридического факта совместной жизни супругов, путем вынесения особого юридического документа (свидетельства о прекращении брака). Но в то же время отдельные особенности и практические аспекты расторжения браков остаются за пределами научного внимания, что и обусловило создание настоящей научной статьи.*
**Ключевые слова:** *брак, расторжение брака, развод, административный развод, ЗАГС.*

**Annotation:** *analysis of the divorce, peculiarities of its design and problems in its application is very relevant and in demand at the moment. Taking into account the modern requirements of time and practice, the dissolution of marriage should be understood as a legal procedure aimed at ending the legal fact of joint life of spouses by issuing a special legal document (certificate of termination of marriage). But at the same time, certain features and practical aspects of the dissolution of marriages remain beyond scientific attention, which led to the creation of this scientific article.*
**Keywords:** *dissolution of marriage, divorce, administrative divorce, registry office.*

Институт прекращения брака, как и его заключения, является весьма востребованным и часто применимым в жизни граждан. Учитывая то, что брак меняет юридический статус граждан, каждый из граждан связывает с его прекращением определенные причины и обстоятельства. И зачастую, наличие многих таких причин не могут привести к сохранению семьи.

Результаты исследований многих ученых наглядно показывают, что падение устойчивости и ценности семьи создают серьезные проблемы для национальной безопасности государств [1].

Узбекистан характеризуется устойчивостью семей, о чем свидетельствует относительно низкий уровень разводимости [2].

Однако, на данный момент на практике увеличивается тенденция случаев разводов. Так, в Узбекистане количество разводов за период с января по март 2021 года составило 9 тысяч 213 случаев. Меньше всего разводились в Каракалпакстане (288), а самое большое количество разводов зафиксировали в Ташкенте (1331). Эти случаи приходятся на 10 243 зарегистрированных браков за этот же период времени[55]. Как вывод, около 1000 семей из более 10.000 имеют тенденцию пока что сохраниться. Такая статистика не дает повода для того, чтобы останавливаться на определенном уровне правовой работы.

Расторжение брака в административном имеет свои преимущества. И этот научный факт хоть и обсуждается, критикуется, но в целом данный порядок не будет устранен.

Преимущество данного порядка выражено также в том, что с его применением нет необходимости раскрывать дело в суде, обстоятельства, сложившиеся в личной жизни супругов, иных обстоятельств, по которым обострился конфликт.

ЗАГС на практике принимает заявления о расторжении брака от супругов, между которыми:
– нет имущественных споров;
– нет общих, совместных несовершеннолетних (малолетних) детей;
– нет усыновленных детей[3].

Весьма проблематичным является пассивность органов ЗАГСа в изучении причин желания супругов расторгнуть брак. Сотрудники ЗАГСа в основном соблюдают требования и правила регистрации актов гражданского состояния, но в то же время выполняют работу формально, без придания социально-политического значения в своей деятельности. С другой стороны, такая обязанность официально не закреплена законодателем. С этой точки зрения мы не можем утверждать, что сотрудники органов ЗАГСа поступают неправильно. Здесь скорее всего такое замечание следует сделать самому законодателю, а также в некоторых аспектах Министерству юстиции. Мы считаем, что органы ЗАГСа – подчиненная государственная структура, которая в своей деятельности многое может поменять, когда для этого будет законодательно проработана административная процедура.

[55] По данным Государственного комитета статистики // См.источник: https://stat.uz/uz/

Ввиду этого обоснованно будет утверждать, что государство в лице своих высших государственных органов власти должно работать не с благоприятной статистикой сокращения разводов, а с причинами разводов, а также практическими аспектами разграничения разводов, исходя из причин их возникновения.

Из общеизвестной и очевидной практики разводов становится ясным, что не каждое ограничение в расторжении брака может сохранить семью, не каждая бюрократическая рамка может примирить супругов. Значит, аспекты практики в этой части расторжения браков, а именно: сроки примирения, отказы в удовлетворении исковых требований супругов, а также иные процедуры, предшествующие расторжению брака, должны быть изучены.

Следовательно, органы ЗАГСа и соответствующие комиссии по укреплению семейных ценностей должны активно содействовать супругам, находящимся на стадии расторжения брака, в разрешении конфликтных вопросов своих взаимоотношений: алименты, раздел имущества. Здесь мы видим необходимым учитывать роль медиаторов, работающих при хокимияте, оказывающих свою посредническую помощь супругам как на безвозмездных началах. С материальной точки зрения любому законодателю данное предложение покажется расточительным, потому что то или иное изменение в штатной структуре государственного органа повлечет за собой необходимость обеспечивать определенные финансовые расходы. На практике многие супруги еще могут договориться между собой об алиментах, разделе имущества, встречах с детьми, если к этим переговорам им будут способствовать квалифицированные специалисты[4].

Административная процедура развода, рассматривается как более либеральный тип развода и как вершина законодательства о свободе развода[5].

В юридической науке существуют дискуссии о необходимости официально запретить административный способ расторжения брака, чтобы сократить количество разводов[6].

Данные тенденции ученые отмечают как социально необходимые. Однако мы не придерживаемся точки зрения, что расторжение брака в административном порядке (через органы ЗАГСа) необходимо упразднить. Наоборот, этот способ расторжения брака необходимо постоянно изучать и совершенствовать, особенно в направлении работы органов ЗАГСа по работе, как с лицами, расторгающими брак, так и с лицами, вступающими в брак.

Как мы уже сказали, мы не являемся сторонниками таких взглядов на поставленный вопрос (количество разводов). С введением только судебного порядка можно столкнуться с трудностями материального и организационно-правового характера, с которым будет работать намного тяжелее. Мы считаем обоснованным утверждать, что это лишь затруднит процессы по расторжению браков, и даже создаст опасность для некоторых супругов, которые страдают от домашнего, психологического или иного неправомерного влияния со стороны другого супруга.

В целом, нужно отметить, что институт расторжения брака, как и его заключения, является весьма востребованным и часто применимым в жизни граждан. Учитывая то, что брак меняет юридический статус граждан, каждый из граждан связывает с его прекращением определенные причины и обстоятельства. И зачастую, наличие многих таких причин не могут привести к сохранению семьи.

Именно поэтому, на наш взгляд, расторжение брака на современном этапе общественного развития нужно рассматривать не как негативную тенденцию общественных отношений, а как следствие несовершенства профилактической общественной работы по изучению моральных и материальных ценностей семьи. Мы считаем, что каждый гражданин должен знать о бремени ответственности за создание семьи, прежде чем ее создавать. Если работать в таком направлении деятельности, в будущем мы сможем сократить количество разводов в нашей стране.

Мы считаем, что органы ЗАГСа и соответствующие комиссии по укреплению семейных ценностей должны активно содействовать супругам, находящимся на стадии расторжения брака, в разрешении конфликтных вопросов своих взаимоотношений: алименты, раздел имущества. Здесь мы видим необходимым учитывать роль медиаторов, работающих при хокимияте, оказывающих свою посредническую помощь супругам как на безвозмездных началах. С материальной точки зрения любому законодателю данное предложение покажется расточительным, потому что то или

иное изменение в штатной структуре государственного органа повлечет за собой необходимость обеспечивать определенные финансовые расходы. На практике многие супруги еще могут договориться между собой об алиментах, разделе имущества, встречах с детьми, если к этим переговорам их смотивируют компетентные специалисты в этом деле.

Считаем необходимым, прежде всего, работать не с благоприятной статистикой сокращения разводов, а с причинами разводов, а также практическими аспектами разграничения разводов, исходя из причин их возникновения. Ведь, как показывает практика, не каждое ограничение в расторжении брака может сохранить семью, не каждая бюрократическая рамка может примирить супругов. Значит, аспекты практики в этой части расторжения браков, а именно: сроки примирения, отказы в удовлетворении исковых требований супругов, а также иные процедуры, предшествующие расторжению брака, должны быть изучены.

На наш взгляд, расторжение брака на современном этапе общественного развития нужно рассматривать не как негативную тенденцию общественных отношений, а как следствие несовершенства профилактической общественной работы по изучению моральных и материальных ценностей семьи. Мы считаем, что каждый гражданин должен знать о бремени ответственности за создание семьи, прежде чем ее создавать. Если работать в таком направлении деятельности, в будущем мы сможем сократить количество разводов в нашей стране.

Другим актуальным практическим аспектом реализации административного способа расторжения брака является применение медиации.

Следует отметить, что медиация является подходом, направленным на обеспечение взаимодействия между сторонами, помощь им в концентрации внимания на реальных аспектах спора и предложение вариантов решения проблемы, удовлетворяющих интересы и потребности супругов.

Досудебное регулирование вопросов расторжения брака, в частности медиации, является требованием времени. Данный способ разрешения конфликтов будет актуален всегда и в любой стране, и связано это с тем, что он не предполагает серьезных временных, организационных и материальных затрат, тем самым предоставляя людям как работать в данной сфере (расширять свой юридический профиль) так и обращаться к таким людям, медиаторам.

Актуален институт медиации в Узбекистане еще и потому что он не усовершенствован, он представляет собой непрекращающийся интерес, в связи с чем могут изучаться и прорабатываться иные, сопутствующие медиации сферы правовой жизни.

**Список использованной литературы:**


1. Боймирзаева, Р. Х. Конституционные основы семьи в Узбекистане / Р. Х. Боймирзаева, Хуршида Ахмедова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 45 (179). — С. 98-99. — URL: https://moluch.ru/archive/179/46397/ (дата обращения: 02.04.2021).
2. Мамадалиева Х.Х. Брак и семья в Узбекистане // Народонаселение. — 2017. — № 4. — С. 67-77. DOI: 10.26653/1561 -7785-2017-4-5.
3. По данным Государственного комитета статистики // Источник: https://stat.uz/uz/
4. Тарусина Н. Н. Брак по российскому семейному праву. - М., 2010. - С. 183.
5. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации: Учебно -практический. / Под ред. С.А. Степанова. М., 2015. 365 с.
6. Вершинина Е.В. Концепции расторжения брака в России и за рубежом: сравнительно-правовой анализ // Семейное и жилищное право, 2013. № 5. С. 8.

**BABAJANOVA DINARA ISLAMOVNA**
*TDYU Fuqarolik huquqi kafedrasi dotsenti vazifasini bajaruvchi, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori*

# ALIMENT TO'LASH TO'G'RISIDAGI KELISHUVNI FUQAROLIK-HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNING ASOSLARI

**Annotatsiya:** *maqolada aliment to'lash to'g'risida shartnoma tuzish tartibi va uning shakli masalalari tahlil qilingan. Muallif ushbu kelishuvni fuqarolik qonunchiligi nuqtai nazaridan o'rganadi va shartnomaning tekin, bir tomonlama va konsensualligini asoslaydi. Ishning xulosalari aliment to'lash to'g'risidagi bitim kontsepцuyasini, ushbu shartnomaning aliment to'lashning boshqa tartib-qoidalaridan afzalliklarini asoslashdan iborat.*

**Калит сўзлар:** *aliment, kelishuv, fuqarolik-huquqiy shartnoma, shakl, notarius, aliment to'lovchi, aliment oluvchi.*

**Аннотация:** *в статье анализируются вопросы о порядке заключения соглашения об уплате алиментов и его форма. Автор изучает данное соглашения с позиции гражданского права и обосновывает безвозмездность, односторонность и консенсуальность соглашения. Выводы по работе заключаются в обосновании понятия соглашения об уплате алиментом, преимущества данного соглашения от других порядков взыскания алиментов.*

**Ключевые слова:** *алименты, соглашение, гражданско-правовой договор, форма, нотариус, плательщик алиментов, получатель алиментов.*

**Annotation:** *The paper analyzes the issues of the procedure for concluding an agreement on the payment of alimony and its form. The author studies this agreement from the standpoint of civil law and substantiates the gratuitousness, one-sidedness and consensuality of the agreement. The conclusions of the work are to substantiate the concept of an agreement on the payment of alimony, the advantages of this agreement from other procedures for collecting alimony.*

**Key words:** *alimony, agreement, civil contract, form, notary, alimony payer, alimony recipient.*

Bugungi kunga kelib, O'zbekiston Respublikasi qonunchiligida aliment to'lash majburiyati taraflariga tegishli bitim tuzish orqali aliment to'lashning miqdori, shakli va tartibi bilan bog'liq masalalarni ko'rib chiqish imkoniyati berilgan. Aliment majburiyatlari instituti doimo oila huquqining asosiy institutlaridan biri bo'lib kelgan. Zamonaviy sharoitda aliment bo'yicha huquqiy munosabatlar juda muammoli bo'lib, davlatning diqqat e'tiborini talab qiladi.

O'zbekiston Respublikasining oila qonunchiligida aliment to'lashning ixtiyoriy tartibi ko'zda tutilgan – tomonlarning kelishuvi asosida. Qonun chiqaruvchi unga ustunlik beradi, chunki oiladagi munosabatlar shaxsiy xususiyatga ega va aliment to'lash majburiyatlari, ta'rifga ko'ra, davlat majburlovisiz bajarilishi kerak.

Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv – bu yosh institut: birinchi marta uni tuzish imkoniyati amaldagi O'zbekiston Respublikasining Oila kodeksida ko'zda tutilgan. Yuridik adabiyotlarda alimentlar to'g'risidagi kelishuv atamasi keng qo'llanilishiga va doimiy ravishda har xil jihatlarda ishlatilishiga qaramay, uni umumiy tushunishchasi va talqini mavjud emas.

Masalan, S.P. Grishaeva, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv aliment to'lashga majbur bo'lgan shaxs va ularni oluvchi o'rtasida aliment to'lashning miqdori, shartlari va tartibi to'g'risida notarial tasdiqlash shartidir [1]. E.A. Usacheva quyidagi ta'rifni beradi: «aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv – bu aliment to'lashga majburiy bo'lgan shaxs va qonun asosida undan aliment olishga haqli bo'lgan shaxs o'rtasidagi alimentni to'lash miqdori, usuli va tartibini belgilaydigan kelishuvdir» [2].

Ba'zi mualliflar alimentlar to'g'risidagi kelishuvni oilaviy huquq instituti nuqtai nazaridan ko'rib chiqadilar. Shunday qilib, L.V. Dzyubrovskaya, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv – bu tarmoq ichidagi o'ziga xos xususiyatga ega bo'lgan, belgilangan huquqlarni amalga oshirishga qaratilgan oila a'zolari yoki sobiq oila a'zolarining o'zaro roziligini belgilaydigan majburiy va dispozitiv normalarni birlashtirgan mustaqil yuridik institutdir [3].

Bizning fikrimizcha, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv aliment to'lash majburiyati taraflariga ular uchun taqdim etilishi mumkin bo'lgan eng maqbul shartlar to'g'risida mustaqil ravishda kelishish imkoniyatini beradigan xususiy huquqiy xarakterdagi nizolarni sudsiz hal qilish usulidir. Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuvining xususiyatlari quyidagilar: aliment to'lash shartnomasining sub'ektlari; notarial tasdiqlash; aliment to'lashning mustaqil tartibi va usuli; hukumat majburlashisiz ijro etish.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv fuqarolik-huquqiy shartnomasi hisoblanadi [4]. Ushbu bayonotni qo'llab-quvvatlovchi doktrinaviy mulohazalarni chetga surib, diqqatni, xususan, quyidagi rasmiy huquqiy fikrlarga qaratishi mumkin.

Aliment to'lash to'g'risidagi fuqarolik-huquqiy shartnomasi:

1. bepul: bir taraf ikkinchi tarafga biror narsa taqdim etish majburiyatini oladi;

2. bir tomonlama (bir tomonlama majburiy): bir taraf majburiy (aliment to'lash), boshqa taraf esa (aliment to'lash) talab qilish huquqiga ega;

3. konsensual: qonunda belgilangan shaklda bitim tuzilgan paytdan boshlab (shu paytdan boshlab huquq va majburiyatlar paydo bo'ladi) bitim tuzilgan hisoblanadi. [5]

O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksining 130-moddasiga muvofiq aliment to'lash majburiyati bo'lgan shaxs va uni oluvchi o'rtasida aliment to'lash to'g'risida (aliment to'lashning miqdori, shartlari va tartibi) kelishuv tuziladi. Alimentni oluvchi – qonun hujjatlarida shunday tan olingan, to'lovchi bilan oilaviy yoki boshqa munosabatlar bilan bog'liq bo'lgan jismoniy shaxs. Alimentni oluvchining (voyaga etmagan yoki ruhiy kasallikka chalingan) muomala layoqaцизligi uning qonuniy vakili (vasiy) tomonidan qoplanadi. Vasiy, aliment to'lash majburiyatining tarafi bo'lmaganligi sababli, qaramog'iga olingan shaxs nomidan bitimlar tuzadi. 14-yoshdan 18-yoshgacha bo'lgan voyaga etmaganlar, muomala layoqati cheklangan shaxs sifatida, ota-onalarining (farzandlikka oluvchilar, vasiylar) yozma roziligi bilan aliment to'lash to'g'risidagi shartnomalarni tuzadilar.

Keng yondashuvga ko'ra, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv mutlaqo har qanday shaxslar o'rtasida tuzilishi mumkin: mehnatga layoqatli yoki layoqaцизligi, aliment to'lash tartibiga rioya qilinishidan qat'iy nazar, oilaviy aloqalari bo'lgan va bo'lmagan holda. Ushbu poziцияni M.V. Antokolskaya, M.V. Vlasova, E.A. Chefranova va boshqalar qo'llab quvvatlaydi [6, 7, 8].

O'zbekiston Respublikasi Oila kodeksining 131-moddasida aliment to'lash to'g'risida kelishuv yozma ravishda tuzilgan va notarial tasdiqlanishi kerakligi belgilangan. Qonun hujjatlarida belgilangan aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv shakliga rioya qilmaslik O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida nazarda tutilgan oqibatlarga olib keladi. Aliment to'lash to'g'risida notarial tasdiqlangan kelishuv ijro varaqasi kuchiga ega.

Tuzilgan hujjat qonuniy kuchga ega bo'lishi uchun u notarius tomonidan tasdiqlanishi kerak. Aliment to'lashga majbur bo'lgan tomon o'z majburiyatlarini bajarmagan taqdirda, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv ijro varaqasining rolini bajaradi – uning asosida majburiy ravishda mablag' yig'ish mumkin bo'lgan tashkilotning buxgalteriya bo'limi orqali ishlaydi.

Notarial tasdiqlash natijasida aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv jamoat tomonidan tan olinadi [9]. Kelishuvni notarial tasdiqlash alimentlar bo'yicha huquqiy munosabatlar sub'ektlarining huquqlari va manfaatlarini amalga oshirish va himoya qilishning huquqiy kafolatlaridan biridir [10].

O.N. Nizomiyevaning fikriga ko'ra, bunday kelishuvni notarial tasdiqlash talabi, shubhasiz, kelishuv taraflarining va avvalambor aliment oluvchining huquqlari kafolatlari darajasini oshiradi [11]. Biz O. Nizomiyevaning fikriga mutlaqo qo'shilamiz, chunki kelishuvni notarial tasdiqlash kelishuvning qonuniyligini, shu jumladan tomonlarning har biri uni to'ldirishga haqli yoki yo'qligini tekshirishni anglatadi va notarius yoki mansabdor shaxs tomonidan amalga oshiriladi.

Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv tomonlarning ixtiyoriga binoan 1 yilga, 5 yilga yoki boshqa muddatga (masalan, bola umumiy ta'lim olguncha) tuzilishi mumkin. Agar bunday kelishuvning amal qilish muddati tugagan bo'lsa, unda bu aliment to'lash bo'yicha tomonlarning yangi kelishuv tuzishiga to'siq bo'lmaydi. Agar tomonlar bunday kelishuvni tuzishni istamasalar, unda qolgan muddat davomida aliment to'lashga majbur bo'lgan shaxs unga yuklatilgan majburiyatni saqlab qoladi, tomonlar ushbu masalani sud tartibida ko'rib chiqishga murojaat qilishlari mumkin. Kelishuvning amal qilish sharti sifatida umumiy muddat muhim ahamiyatga ega emas, chunki muddat belgilanmasa, kelishuv alimentni to'lash majburiyati muddati davomida tuzilgan deb hisoblanadi.

Yuqoridagilarni umumlashtirib, quyidagi xulosalarni shakllantirishimiz mumkin:

1. Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuvlar aliment to'lashga majbur bo'lgan shaxs va ularni oluvchi o'rtasida aliment to'lashning miqdori, shartlari va tartibi to'g'risida notarial tasdiqlash sharti hisoblanadi. Shu bilan birga, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv alimentni olishning eng qulay usullaridan biri bo'lib, sudsiz, shuningdek o'zaro kelishuv asosida rasmiylashtiriladi. Boshqa tomondan, aliment to'lash to'g'risidagi kelishuv, birinchidan, ijro hujjati, ikkinchidan, sudda bir xil davriy to'lovlarni undirish to'g'risidagi da'vo arizasini qabul qilishni rad etish uchun asosdir;

2. Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuvni aliment to'lashni nazarda tutadigan boshqa turdagi tartib bilan taqqoslaganda uning bir qator afzalliklari aniqlandi. O'z navbatida, bu aliment to'lash to'g'risidagi kelishuvdan tashqari aliment majburiyatlarida boshqa huquqiy tuzilmadan foydalanish maqsadga muvofiq emasligini tasdiqlashga asos beradi. Xususan, oila qonunchiligi kelishuvning mazmuniga ma'lum talablarni qo'yadi, ularga rioya qilish aliment oluvchining huquqlari va manfaatlarini ta'minlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. Гришаев С.П. Алиментные обязательства / Система ГАРАНТ, – 2011. – № 4. – С. 184 – 185.
2. Усачева Е.А. Проблемы определения предмета и субъектного состава соглашения об уплате алиментов / Актуальные проблемы российского права. – 2014. – № 8 (45). – С. 1656.
3. Дзюбровская Л.В. Соглашение об уплате алиментов – самостоятельный семейно-правовой институт / Семейное и жилищное право. – 2012. – № 6. – С. 13.
4. Гражданское право: Учебник. В 3 т. Т. 3 / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 2010. С. 569- 570.
5. Семейное право: Учебник / Гонгало Б.М., Крашенинников П.В., Михеева Л.Ю., Рузакова О.А.; Под ред. П.В. Крашенинникова. М.: Статут, 2008. С. 302 – 305.
6. Антокольская М.В. Семейное право: учебник. - М., 2002. - С. 235-237.
7. Власова М.В. Постатейный комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. - М., 2007. - С. 206.
8. Чефранова Е.А. Имущественные отношения в российской семье. Практическое пособие. - М., 1997. - С. 98, 102, 111.
9. Алексеева О.Г., Андропов В.В., Бухарбаева А.А. и др. Постатейный комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. 2014. С. 258 – 264.
10. Ксенофонтова Д.С. Нотариальное удостоверение соглашения об уплате алиментов как правовая гарантия осуществления и защиты прав и интересов субъектов алиментного правоотношения / Нотариус. Отв. ред. О.Н. Низамиева. М. Проспект, 2010. С 385 – 386.
11. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Отв. ред. О.Н. Низамиева. - М.: Проспект, 2010. С. 358 – 35.



**ХОЛОВ АКТАМ ХАТАМОВИЧ**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*
*ДБА кафедра мудири в.в.б*
*PhD (иқтисод фанлари), доцент*

**МАҲМУДОВ ШОҲРУҲ ПУЛАТ ЎҒЛИ**
*Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ*
*Иқтисодиёт факультети талабаси*


## МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН МАҲАЛЛАЛАР ТИЗИМИНИДА ИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРИЯТИ


**Аннотация:** *ушбу мақолада мамлакатимиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда иқтисодий ёндашишни маҳаллалар тизимида қўллаш зарурияти ва амалга оширишда жаҳон тажрибалари мисолида асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг*

*2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга ва халққа қилган Мурожаатномасида мавжуд муаммоларни маҳаллалар тизимида ҳал этиш масалаларига иқтисодий ёндашган ҳолда ишлар олиб борилаётганлиги, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда "драйвер"ларни аниқлаш механизми ва амалиётга жорий этиш масалалари атрофлича келтириб ўтилган. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ҳал қилиниши зарур бўлган мавжуд муаммоларни фақатгина маҳаллабай кесимда чуқур ўрганиш йўли билан ҳал қилиш юқори самара касб этади. Ҳамда, мамлакатдаги мавжуд муаммолар қаторида, иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги бандлар салмоғини оширишда маҳаллалар кесимида қандай чора-тадбирлар амалга ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар, дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш тажрибалари, машҳур иқтисодчи рлимларининг ушбу масалаларга фикр-мулоҳазалари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *маҳалла, "темир дафтар", ёшлар дафтари, аёллар дафтари, инвестицион жозибадорлик, солиқ имтиёзлари, иқтисодий фаровонлик, "драйвер" иқтисодий воситалар, бандлик, "маҳалла бюджети", ишсизлик, касб-ҳунар марказлари, субсидия, камбағаллик, ўзини-ўзи банд қилиш, тадбиркорлик, меҳнат заҳираси, иш ҳақи.*

**Аннотация:** *в данной статье обосновано необходимость решения существующих в стране проблем путем применения экономического подхода к системе махаллей и их реализация на примере мирового опыта. Также в послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к народу и Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года представлена подробная информация о ходе применения экономического подхода к решению существующих проблем в системе махаллей, об механизме выявления «драйверов» в комплексном развитии территорий и их реализации.*

*Как отметил президент, очень эффективно решение существующих проблем путем глубокого изучения данных проблем в разрезах махалли.*

*Наряду с этими проблемами в данной статье приведены предложения по увеличению доли занятых в составе экономически-активного населения, опыты стран мира по устранению социально-экономических проблем, мнения известных учёных в сфере экономики по данным задачам.*

**Ключевые слова:** *махалла, «железная тетрадь», молодежная тетрадь, женская тетрадь, инвестиционная привлекательность, налоговые льготы, экономическое благополучие, «водитель» экономические возможности, занятость, «бюджет махалла», безработица, центры профессионального обучения, субсидии, бедность, самозанятость, предпринимательство, рабочая сила, заработная плата.*

**Annotation:** *this article is based on the need to apply the economic approach in solving the existing problems in our country in the system of mahallas and the example of world experience in its implementation. In addition, the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis and the people on December 29, 2020 provides detailed information on the economic approach to solving existing problems in the mahalla system, the mechanism for identifying and implementing "drivers" in integrated development. As noted by the President, it is highly effective to solve the existing problems that need to be solved only through in-depth study in the neighborhood. Also, among the existing problems in the country, there are proposals and comments on what measures to take to increase the share of the economically active population in the community, the experience of overcoming socio-economic problems in the world, the views of prominent economists.*

**Key words:** *mahalla, "iron book", youth book, women's book, economic well-being, investment attractiveness, tax breaks, "driver", economic means, employment, "mahalla budget", unemployment, vocational centers, subsidies, poverty, self-employment, entrepreneurship, labor force, wages.*

**Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек "**маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси"дир. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вазирлик ва ҳокимликларнинг олиб бораётган ишлари натижаларига маҳаллалардаги мавжуд вазият орқали баҳо бериш мумкин бўлади.Мурожаатномада, барча идора ва ташкилотлар фаолияти нўқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топишлари зарурлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига сезиларли таъсир этиш зарурлиги ҳам такидлаб ўтилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шунингдек, Президен Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халққа қилган Мурожаатномасида мавжуд муаммоларни маҳаллалар тизимида ҳал этиш масалаларига иқтисодий ёндашувлар ҳамда бюджет мамлағларини маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги келтириб ўтилган.

Тадқиқотнинг мақсади - маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда иқтисодий воситалардан фойдаланишни кенгайтириш зарурлигини илмий асослаш ҳамда, мамлакатда олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий муносабатларда маҳалла фуқоролар йиғинларининг ўрнини чуқур таҳлил қилиш.

Мақоланинг илмий аҳамияти сифатида, маҳалла тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юлида илмий-тадқиқот ишланмалари кенг амалга оширилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти- ҳозирги кундаги давлат иқтисодий сиёсатининг кенг кўламда ушбу юналишга юналтирилганлиги, маҳаллалардаги мавжуд муаммоларга иқтисодий томондан ёндашиш оптимал усуллардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳар томонлама таҳлилни амалга ошириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Асосий қисм. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда иқтисодий усулларни қўллаш энг самарали усуллардан ҳисобланади. Бунда, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда оператив лойиҳаларни ишлаб чиқиш амалиётга бевосита тарғиб этиш зарур ҳисобланади.

Маҳаллаларда иқтисодий ҳамда демокрафик тангликни келтириб чиқарувчи дастлабки муаммо сифатида, ишсизликни келтиришимиз мумкин.

Дастлаб 1911-йилда Britannica энсклопедиясида пайдо бўлган ва 1915-йилда АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳисобида келтирилилган ушбу тушунчани таърифлашда, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қараб, иқтисодий фаол аҳолининг ўзига лойиқ иш топа олмасдан қолган ва меҳнат заҳирасига айланган қисми деб айтишимиз мумкин [1].

Мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолат бўйича, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига мувофиқ, Давлат статистика қумитаси ишсизлик даражасини 10,5% эканлигини баён этган [2].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қумитасининг маълумотлари асосида тузилган қуйидаги 1-диограммада, энг юқори ишсизлик даражасига эга ҳудудлар сифатида, ҳар бири, 11,1% кўрсаткичда Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларини келтиришимиз мумкин.




**1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича ишсизлик даражалари [3].**

Иқтисодиёт фанлари бўйича 2019-йилги Нобел мукофоти соҳибларининг амалий ишлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030-йилгача белгиланган 17 та барқарор ривожланиш мақсадларидан бири ҳисобланган қашшоқликни камайтириш масаласига тўлиқ мос келди [4].

Абҳижит Банержеэ, Эстҳер Дуфло ва Майкл Кремерларнинг тадқиқотлари натижаси сифатида, 1995 йилдан 2018 йилгача энг қашшоқ мамлакатларнинг фаровонлиги икки баравар ошди (жон бошига

тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот), болалар ўлими икки бараварга камайди ва мактабга борадиган болалар улуши 24 фоизга ўсиб, 80 фоизни ташкил этишини эълон қилишган [5].

Ушбу жаҳон тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимизга мослаштиришимиз юқори самара бериши тайин.

Мамлакатдаги иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги бандлар салмоғини ошириришда, ҳозирги кунда ҳудудлардаги реал ҳолатни кўз олдимизга келтирган ҳолда маҳаллалар тизимида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, ҳар бир маҳалла фуқоролар йиғини қошида, устоз-шогирд тизими орқали касб-ҳунар марказларини ташкил этиш. Ушбу марказларда янги ва талабгор касб ва ҳунарларни ўргатиш орқали бандликни ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномада ушбу масала бўйича қилиниши зарур бўлган амалий чора-тадбирларни келтириб ўтган. “Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил – бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак. Шу мақсадда келгуси йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади.Бунда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилади”[6].

Иккинчидан, маҳаллалар кесимида мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда маълум тармоқларга ихтисослаштириш. Бунда, ўзини-ўзи банд қилиш ҳолатини кенгайиши орқали ишсизлик даражаси камайади ва аҳоли фаровонлиги ошади.

Учинчидан, ҳар бир маҳаллалар кесимида, биснес ва психологик тренинглар ташки этиш. Юқоридагилар, аҳолининг тадбиркорликка бўлган хохиш истакларини уйғотиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва ўзларига бўлган ишончларини оширишга хизмат қилади. Бунинг натижасида, ҳудудларда тадбиркорлик муҳити яхшиланади, янги иш ўринларини ташкил топиши натижасида ишсизлик даражаси бевосита камаяди.

Республика ҳудудида 2021-йил ҳолатига кўра 9168 та фуқаролар йиғини мавжуд. Булардан, 8887 таси маҳалла фуқаролар йиғини, 161 та овул фуқоролар йиғини, 89 таси қишлоқ фуқаролар йиғини, ҳамда 41 таси шаҳар фуқаролар йиғини эканлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳолатга обектив баҳо берадиган бўлсак, Республиканинг асосан вилоятлар кесимида маҳалла биноларининг мавжуд эмаслиги, мавжудларининг ҳам кўп қисми талабга жавоб бермаслигини, етарлича техник жиҳатдан таъминланмаганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридагиларни барчаси маҳалла тизимига юклатилган маъсулиятни бажаришда қийинчиликларни тақозо этади. Ушбу ҳолатларни ижобий ўзгартириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан. Туман-шаҳар ҳокимияти тадбиркорлик субектлари билан ҳамкорликда шерикчилик асосида маҳалла биноларини қуриш. Бунда, ҳокимлик ажратиб берган майдоннинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда 2 ёки 3 қаватлик биноларни тадбиркорнинг маблағлари орқали амалга ошириш ва бинонинг маълум қаватларидан фойдаланиш имкониятини бериш.

Иккинчидан. Маҳаллий бюджет маблағларининг ҳисобидан мақсадли дастур ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич фаолият натижалари мониторинги натижасида маҳаллаларни замонавий бинолар ва техникалар билан таъминлаш.




**1-расм. Муаммоларни бартараф этишнинг иқтисодий дастаклари.**

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида ушбу масала юзасидан келгуси йиллар учун бюджет маблағларини юналтириш белгилаб берилган. "Жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларни бошлаб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади"[7].

Ҳозирги кунда маҳаллаларни янада ривожлантириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида узвий чора-тадбирлаб олиб борилмоқда. Давлат дастури доирасида ҳар бир ҳududнинг "драйвер" ларини аниқлаш ва ушбу ўсиш нўқтаси орқали ҳар бир ҳудудни комплекс ривожлантириш масаласи қўйилмоқда.

2019-йилги Нобел мукофоти ғолибларининг иши ҳудудларда "глобал қарши курашишни сезиларли даражада оширганлигини, ҳамда иқтисодиётни ривожланишини ўзгартирганлинини, Швеция Қироллик академияси таъкидлаб ўтди[8].

Авваламбор, "драйвер"ни аниқлаб олишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Механизмни яратишда ҳудудларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йирик 3 гуруҳга ажратиб олишимиз даркор:

1. Хизмат кўрсатиш тармоқлари;
2. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари;
3. Саноат тармоқларига ажратиб олишимиз зарур.

Сўнгра, бу йирик 3 та гуруҳни ҳар бир маҳаллалар кесимида класификатсия қиламиз. Бунда, тармоқларни "ўсиш нўқтаси" деб қарашимиз учун бевосита ҳудудларда 2019 йилда Нобел мукофоти совриндорлари Абхижит Банержи, Эстер Дуфло ва Майкл Кремер[9] методологиясига асосланган "кичик масштабдаги масалалар" бўйича "дала тадқиқотлари"ни ўтказиш зарур. Бунда, қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ҳудуднинг жойлашган географик ўрни, бунда, туризм ёки қишлоқ хўжалиги тармоқларида имкониятларини баҳолаш;

Иккинчидан,аҳолининг демографик кўрсаткичлари(меҳнат ресурслари сони, зичлиги, ўртача ёш даражаси)га;

Учунчидан, мавжуд қадриятлар, авлоддан авлодга ўтиб келаётган касб-ҳунарларнинг маҳаллаларда ривожланганлигига;

Тўртинчидан, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашдаги мавжуд инфратузилмага;

Бешинчидан, ҳар бир маҳаллада мавжуд интеллектуал салоҳиятни баҳолашга атрофлича эътибор қаратиш зарур.




**2-расм. Драйверларни аниқлаш индикаторлари**

“Драйвер” ларни аниқлаб олганимиздан сўнг, ушбу “ўсиш нўқталари”ни амалга ошириш ва юқори даражада ушлаб туриш масаласи долзарб ҳисобланади. Бунинг учун, қуйидадагиларни амалга оширишимиз даркор:

Биринчидан, банк ва молия муассасалари билан биргаликда, аниқланган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда кредит маблағларини ажратиш механизмрини соддалаштириш, аҳоли ва банк орасидаги “масофа”ни яқинлаштириш;

Иккинчидан, давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан худудларда аниқланган “драйвер”лар учун аниқ манзилли бевосита субсидиялар ажратиш;

Учунчидан, ушбу худудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида, аниқланган соҳаларга солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш зарур.




**3-расм. “Драйвер” ни амалга ошириш ва юқори дарада ушлаб туриш усуллари.**

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг “драйвер” ларини аниқлаб олиш, амалиётга жорий этиш ва юқори даражада ушлаб туриш, ҳудудларнинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Хулоса ва таклифлар. Маҳаллалар давлат асосини ташкил этишини билган ҳолда, мавжуд муаммоларни ҳал этишда иқтисодий усулларни ҳар бир маҳаллалар кесимида амалга ошириш самарали натижа беришини кўришимиз мумкин. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш, бевосита аҳолини камбағалликдан чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади, натижада аҳоли орасида боқимандалик ҳисини камайишига, темир дафтар, ёшлар ва аёллар дафтаридагиларнинг салмоғи кескин пасайишига ҳамда аҳолининг иқтисодий фаровонлик кўрсаткичи янада яхшиланишини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, маҳалла тизимидаги муаммоларни ҳал этишда қуйидаги иқтисодий чораларни яратиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчи. Ҳар бир маҳаллаларда “Маҳалла бюджети”ни яратиш ҳамда маблағларни ҳомийлар ва маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субектлари тўлайдиган давлат мажбурий йиғимларининг 3% миқдорини йўналтириш орқали тўлдириш. Ҳосил бўлган маблағларни маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтириш ва изчил мониторинг қилиб бориш;

Иккинчи. Маҳалла фуқоролар йиғинлари тизимидаги ходимлар ойлик маошларини белгилашда ҳудуддаги аҳолилар сони ва бажарилган ишлар, жумладан жиноятчиликни олдини олиш масалаларига эътибор қаратиш;

Учинчи. Маҳаллалар кесимида “иқтисодий ва ҳуқуқий тренинглар” ни амалга оширишни изчил йўлга қўйиш орқали аҳолининг иқтисодий ва ҳуқуқий дунё қарашларини шакллантириш;

Тўртинчи. Маҳаллаларни комплекс ривожланишда “драйвер”ларни ариқлаб олиш дастурини яратиш зарур.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ҳал қилиниши зарур бўлган мавжуд муаммолар жуда кўп. Буларни фақатгина маҳаллабай кесимда чуқур ўрганиш билан ҳал қилиш юқори самарани касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. //https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
3. https://www.britannica.com/topic/unemployment
4. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2
5. https://www.eesc.europa.eu/en/news-media/news/local-people-are-main-drivers-rural-development
6. https://president.uz/uz/lists/view/4057
7. https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/
8. https://www.nber.org/news/nobel-prize-winners-economics-2019
9. https://sdgs.un.org/goals
10. https://www.barillacfn.com/en/magazine/food-and-society/nobel-prize-in-economic-sciences-2019-fighting-poverty-on-site/



**MANSUROVA MALIKA ASQAROVNA**

*Guliston davlat universiteti doktoranti*


## YOSH OILALARDA NIZO VA AJRIMLARNING ASOSIY OMILLARI


**Annotatsiya:** *ushbu maqolada bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo‘lgan – yosh oilalar o‘rtasida ajrimlar soni ortishining asosiy omillari o‘rganilib, shu xususida fikr-mulohazalar bildirilgan.*



**Kalit so‘zlar:** *oila, jamiyat, farzand tarbiyasi, ajralish, nizo.*



**Аннотация:** *в данной статье исследуются основные факторы, увеличивающие количество разводов среди молодых семей, что является одной из самых актуальных проблем современности, и дается обратная связь по этому поводу.*



**Ключевые слова:** *семья, общество, воспитание детей, развод, конфликт*



**Annotation:** *this article examines and comments on one of the most pressing issues of today – the main factors in the increase in the number of divorces among young families.*



**Key words:** *family, society, child rearing, divorce, conflict.*


Oila – jamiyatning asosiy bo‘g‘ini, ustunidir. Birgina shu so‘zda olam-olam ma’no mujassam. Har bir insonning jamiyatda o‘z o‘rniga ega bo‘lishida, yetuk shaxs sifatida kamol topishida oilaning o‘rni beqiyos. Oiladagi tinchlik, xotirjamlik insonga quvvat, kuch bag‘ishlaydi. Oilasida baxt topgan insonning

ish-faoliyatida ham rivojlanish bo‘ladi. Ishidagi turli ko‘ngilsiz voqealar va muammolar oilasi bag‘riga kelgach unut bo‘ladi. Oila a’zolari ahl bo‘lishsa, bir-birlarini har sohada tushunib, qo‘llab-quvvatlashsa, bu oila yanada mustahkam bo‘ladi. Har bir ota-ona farzandlarining baxti-kamolini ko‘rishni orzu qiladi, shu umid bilan yashaydi. Butun umr yiqqan-terganini jamlab, o‘g‘il uylantiradi, qiz chiqaradi. To‘y bir kunda o‘tadi- ketadi, eng muhimi, yoshlarning kelgusi hayotlari baxtli o‘tishidadir. Hozirgi kunda yosh oilalarda ajralishlarning soni tobora ortib bormoqda. Bu holat hech bir insonni quvontirmaydi. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusufning “Baxtiyor oila” kitobida oila buzilishining sabablari sifatida quyidagilarni keltirganlar:

1. Oila va oilaviy munosabatlar haqida bilimning yetishmasligi.
2. Aroqxo‘rlik va giyohvandlik.
3. Yosh oilalarga ota-onaning aralashuvi.
4. Befarzandlik.
5. Oilaning buzilishiga sabab bo‘ladigan narsalardan biri zinodir.
6. Oilalarda sabr va bag‘rikenglikning yetishmasligi.

Ushbu omillarga qo‘shimcha sifatida yana ba’zi sabablar haqida fikr yuritaylik.

1. Eng asosiy va hozirda juda keng tarqalgan omillardan biri sifatida yolg‘onchilikni ko‘rsatish mumkin, ya’ni sovchilikka kelgan yigit tomon vakillarining yolg‘onni ko‘p ishlatishi yomon oqibatlarga olib kelmoqda. Juda ko‘p holatlarda ajrimlarning aybdorlari sifatida yoshlarni ko‘rsatishadi, biroq yolg‘onni to‘qishni, shu yolg‘on bilan yangi hayotni boshlashni bizga Yoshi ulug‘lar o‘rgatishmayaptimi? Bo‘lajak kuyovbolani oshirib-toshirib maqtashlari, uning ko‘ngli qizga tushganligicha davom etadi. Hattoki to‘ydan oldin berilayotgan va’dalar ham yolg‘on asosiga qurilmoqda va to‘ydan so‘ng hammasi yo‘qqa chiqmoqda. Albatta, yolg‘onning umri qisqa. To‘ygacha qizning uydagilarini rozi qilish uchun qaratilgan barcha yolg‘onlar to‘y o‘tgach ma’lum bo‘ladi. Ikki quda hamda kelin va kuyov oralarida yuzaga keladigan bunday dilxiralikni hech narsa bilan yo‘qotib bo‘lmaydi. “Yolg‘on so‘z aytmoq qilich zarbiga o‘xshar, agarchi yarasi butsa ham nishoni qolur” [1.166]

Sovchilarning hamma gaplariga ishonch hosil qilish uchun yigitning o‘zini, oilasini so‘rab surishtirishadi. Bu qadimdan davom etib kelayotgan an’analardan hisoblanadi. Avvalambor, mahallasidan, qo‘ni-qo‘shni, ish joyidan so‘raladi. Mahallada tug‘ilib o‘sgan bolani qo‘ni - qo‘shnilarichalik hech kim bilmasa kerak. Achinarli tomoni shundaki, ba’zi qo‘shnijonlarimiz bilib – bilmay yolg‘on so‘zlab gulday oilaning qizlarini baxциз qilib qo‘ymoqdalar. Mening nazarimda, bu masalada faqat rostini aytish lozim, chunki birgina haqiqat bir oilani musibatdan saqlab qolishi mumkin. Eng yomon tomoni shundaki, mabodo shu oila ajrim bilan yakunlanadigan bo‘lsa, “biz shunaqalini bilardik, yaxshilab so‘ramaganmisizlar?” deydigan paydo bo‘lmoqda. Bu ham ikki oilaning taqdiriga bo‘lgan befarqlikni ko‘rsatib bermoqda.

2. Yosh oilalarning barpo bo‘lishida shaxsiy manfaat birinchi o‘ringa chiqmoqda. Avvallari yigitning ishi bor-yo‘qligi, oilani ta’minlay olish yoki olmasligi surishtirilardi, endi esa qizning ota-onasi qayerda ishlashi-yu qanday mol-mulkka egaligi muhim hisoblanmoqda. Bundan tashqari, qizning ham o‘qimishli bo‘lgani ma’qul, negaki oilaga daromad olib keladi. Bir qarashda juda g‘alati holat hisoblansa-da, yon atrofimizda bu kabi toifadagilarning ko‘payib borayotganligidan hayratga kelamiz. Hattoki ayol kishining topgan pullari hisobiga yashab, boshini ko‘tarib yurgan erkaklar ko‘paymoqda.

Oiladagi yetishmovchilik sababli chet ellarga ishlashga ketayotgan ayollarimiz soni ortmoqda. Oilada sog‘lom, kuch-quvvati bor erkak kishi bo‘la turib zaifa ayolni pul topish maqsadida chekka joylarga jo‘natish erkaklar uchun sharmandali holat hisoblanadi. Oiladagi voyaga yetmagan farzandlar qarovsiz qolib ketmoqda. Ba’zi oilalarda erkak hatto ayoli jo‘natgan pullar hisobiga uyini qurib, uylanib olayotgan holatlar ham uchrab turadi.

Avvalambor, oilada o‘g‘il bolaga alohida tarbiya lozim. Uni g‘ururli, mard, bir so‘zli qilib tarbiyalash kerak. Yigit kishi oilani moliyaviy ta’minlay olishga ko‘zi yetgandan so‘nggina oila qurishi kerak. U ertaga rafiqasiga suyanchiq, farzandlariga har sohada yo‘lboshchi va o‘rnak bo‘lishi kerak. Oilani ayol kishi ta’minlashiga yo‘l qo‘ymasligi lozim. Albatta, ayol kishi ham qo‘lidan kelganicha oilaga yordam qilishga harakat qiladi, lekin bu degani erkak uyida o‘tirishi kerak degani emas. Erkak kishi ayol kishini avaylashi, unga og‘ir ishlarni qildirmasligi kerak.

Yigitlarimiz qalbida mudrab yotgan g‘urur va vijdon tuyg‘ularini uyg‘otishsa, yosh oilalarni saqsab qolishlari mumkin.

3. Har bir oilaning o‘ziga xos qonun-qoidalari va odatlari bo‘ladi. Oiladagi muhitning mutlaqo boshqachaligi kelinni yangi oilaga moslashishiga qiyinchilik tug‘diradi. Masalan, oilada ota yetakchi bo‘lgan, otaning so‘zi o‘tadigan oiladan buning aksi bo‘lgan ona boshchiligidagi oilaga kelin bo‘lishi ko‘plab nizolarni paydo qilmoqda. Oilani moliyaviy jihatdan ayol kishi ta’minlagan oilada xuddi shunday farzandlar kamol topadi. “Qush uyasida ko‘rganini qiladi”, - deydi dono xalqimiz. Bunday oilalarda barcha majburiyatlar kelinga yuklatib qo‘yiladi. Farzandlar ota-onadan o‘rnak oladi, kelgusida ulardek oila qurishni niyat qiladi. Shu sababli oiladagi muhit va tarbiya yosh oilalarning keyingi taqdirida muhim hisoblanadi.

4. Ajrimlarga sabab bo‘layotgan omillardan yana biri sifatida kelin va kuyov o‘rtasida o‘zaro hurmat, muhabbat, samimiylik kabi tuyg‘ularning yo‘qligi hisoblanadi. Bunga misol keltiradigan bo‘lsak, yigitning ko‘ngil qo‘ygan qiziga emas, balki ota-onasiga ma’qul kelgan qizga uylanishi kabi holatlar uchramoqda. Bunday vaziyatda yigit yo‘q joydan janjal chiqarishga urinadi va bu janjallarning oxiri ajrim bilan yakun topmoqda. Ota-onalarimiz farzandlarini ko‘ngli bilan ham hisoblashishsa yaxshiroq bo‘lardi. Butun umr birga yo‘ldosh bo‘ladigan qizni o‘g‘illari tanlashlariga ruxsat berishlari kerak. Axir, farzandining baxti ota-onaning ham baxti-ku.

5. Oilalarning buzilishini kim ham istardi? Biroq oramizda shunday insonlar ham topiladi. Bu insonlar kuyovning ota-onalari bo‘lishsa-chi. Uzoq yillardan beri bilamizki, qaynona va kelin o‘rtasidagi nizolar davom etib keladi. Hozirgi kunda qaynonalar sababli ajralayotgan oilalar anchagina. Ular aslida oilani saqlab qolishga, norasida go‘daklarni ota-ona bag‘rida katta bo‘lishiga ko‘maklashishlari lozim emasmi? O‘g‘il har qanday vaziyatda onasidan voz kecha olmaydi, uning shartlarini bajaradi va xatoliklarga yo‘l qo‘yadi.

Hattoki baxtli hayot kechirayotgan oilani ham qaynonalar buzishga, kelinini o‘g‘liga yomon ko‘rsatishga harakat qiladilar. Masalan, kelinni oilaning bir a’zosi sifatida emas, balki xizmatkori sifatida ko‘radilar. “Birovning boqib, tarbiyalab, voyaga yetkazgan qizini kelin qilishga so‘rab borgan taraf o‘g‘liga umr yo‘ldoshi topish niyatida bo‘ladimi yoki o‘g‘ilning ota-onasiga cho‘ri sotib olish savdosiga boradimi?! Shunchalik ham noinsoflik bo‘ladimi?!”[2.432] Axir, kelin ham bir oilaning erka farzandi, nevaralarining bo‘lajak onasi hisoblanadi-ku. Qaynona kelinga qanday muomala qilsa, oilaning boshqa vakillari ham shunday munosabat bildiradilar. Kelinni ota-onasini ko‘rib kelishiga ham ba’zan ruxsat berishmaydi. Kelin ham farzand, ota-onasidan xabar olib kelish uning farzandlik burchi sanaladi. Xullas, kelinning birorta xohish-istaklari inobatga olinmaydi. Tinimsiz o‘tkazilayotgan zug‘um, tazyiqlar sababli dunyoga kelayotgan farzandlarda turli nuqsonlar paydo bo‘lmoqda. Bunday holatda ham yana kelin aybdor hisoblanadi va oilaning ajralishiga sabab qilib ko‘rsatiladi. “Islom ta’limotida iloji boricha oilani mustahkamlashga amr qilingan. Boshqa birovning –agar o‘sha birov ota-ona bo‘lsa ham – xohishiga binoan oilani buzishga ruxsat yo‘q. Bu haqiqatni barcha ulamolar o‘zlarining qadimgi va yangi kitoblarida ta’kidlaganlar” [2.433]

Oilada erning ham, ayolning ham majburiyatlari va vazifalari bor. Ba’zi oilalarni kuzatar ekanmiz, kelinga qaynotasini oyoqlarini yuvishni, uni uqalab qo‘yishni ham vazifalari qatoriga kiritmoqdalar. Yaqinda bir oilaning ajralish sabablarini so‘raganimda kelinni qaynotasini yuvintirishga undaganligi, hatto har bir qilayotgan ishini qaynotasiga hisobot berib turishi lozimligini kuyov vazifa qilib beribdi. Hattoki bir uyda qaynota va kelinni yashashi lozimligi, kelin qaynotasini xizmatini qilishga majbur ekanligi aytib janjallashishlari natijasida bir oila buzilgan. Albatta, oila buzilishiga birgina janjal sabab bo‘lolmaydi. Bundan keyin yoshi ulug‘lar, mahalla oqsoqollari ishtirokida tushuntirish ishlari olib borilgan, lekin qaynona va qaynotaning diniy bilimlarining yetishmasligi natijasida so‘nggi chora, ya’ni ajrim bilan yakunlashga to‘g‘ri kelgan.

Qadim zamonlardan beri bilamizki, oiladagi qiz farzand bilan ota o‘rtasida o‘ziga xos odob-axloq saqlangan. Hattoki otaga tik qarash, gapini bo‘lish mumkin bo‘lmagan, o‘z fikrini ham ona orqali otaga yetkazish kabi odatlarimiz bo‘lgan. Kelinlarimiz qaynotasini ham otadek hurmat qilishadi, ularning xizmatini yelib-yugurib ado etishadi. Biroq hamma masalada ham me’yor bo‘lishi lozim. Kelin xizmatkor sifatida emas, qiz sifatida qaralganda bunday muammolar kelib chiqmagan bo‘lardi. Bu kabi voqealarni ko‘ramiz, eshitamiz ekan, avvalambor qaynona va qaynotalarimizda diniy ilmlar yetishmasligini ko‘rib turibmiz. Ular to‘g‘ri yo‘lni bilmay turib, farzandlarining xatosini qanday qilib to‘g‘rilaydilar. Ularni to‘g‘ri yo‘lga solishda din ulamolari, mahalla oqsoqollari, yoshi ulug‘ keksalar, maxsus mutaxassislar hamkorligini yo‘lga qo‘yish lozim. Shunday o‘rinlar ham bo‘ladiki, bunda yosh oilalarni alohida yashatib ko‘rish ham oilani saqlab qolishi mumkin.

Har bitta ajralishlar ortidagi eng og‘ir yuk norasida go‘daklar yelkasiga tushmoqda. Oilaga, farzandlariga nisbatan mas’uliyatni his qilmagan erkaklar hattoki farzandlariga aliment to‘lashdan ham voz kechmoqdalar. Axir bu bolalar ham baxtli oilaning erkatoy farzandi bo‘lishga haqli edi-ku. Eng beg‘ubor bolaligini ularga kim qaytarib bera oladi? Otasining o‘rnini kim bosa oladi?! Masalaning bu tomonini ham yaxshilab o‘ylab ko‘rish lozim.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, har bir oilani saqlab qolishda, uning baxtiyor oila bo‘lishida barchamiz birdek mas’ulmiz. Bu mas’uliyatni unutmasak bo‘lgani.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**


1. Tohir Malik. Kelinlar daftariga. 1-kitob. –T.: Davr press, 2009.
2. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Baxtiyor oila. –T.: Hilol-nashr, 2013.



**O‘taev Akram Yo‘ldoshevich,**
*Chirchiq davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi*

**Sobirova Sayyora Ravshanbek qizi,**
*TSMG-19/1gurux talabasi*


## XIVA - SHARQ MEMORCHILIGINING YUKSAK NAMUNASI

Dunyoning Qadimiy shaharlaridan biri bo‘lgan Xiva asrlar mobaynida insoniyatning ma’naviy va moddiy madaniyati taraqqiyotiga o‘zining salmoqli hissasini qo‘shib kelmoqda. Xalqaro sayyohlik markazlardan biri sanalgan Xiva bejiz butun dunyoda ochiq osmon ostidagi muzey sifatida e’tirof etilmagan. Bu shahar hududida miloddan avvalgi VI-V asrlardan XX asr boshlarigacha bo‘lgan davrlarga taalluqli 122 dan ortiq arxeologik yodgorliklar va me’moriy obidalar saqlanib qolgan bo‘lib Davlat muhofazasiga olindi[56]. Xiva shaharning qadimgi qismidagi juda ko’p arxitektura yodgorliklariga boy bo’lgan Ichan - Qal’a sharqning ekzotik shahar timsolini o’zida saqlab qolgan afsonaviy shahardir. Xiva Xorazm viloyatidagi shahar. Xiva tumani markazi. O’zbekistonning shimoli - g’arbida, viloyatning janubida, Amudaryoning chap sohilida, daryodan 40 km janubda, 91 m balandlikda joylashgan. Shahar yonidan Polvonyop (qadimgi Xeykaniq) kanali o’tgan. Maydoni 0,08 ming km$^2$. Aholisi 51,2 ming kishi (2004). Xiva - O’zbekistonning qadimgi shaharlaridan biri. Arxeologik ma’lumotlarga ko’ra, shahar mil. av. V - asrda barpo etilgan. Uning nomi shaharning qadimgi qismida joylashgan Xivaq (Xeyvaq) qudug‘i bilan bog’liq.

Ba’zi tadqiqotchilar shahar nomini xorazmiy tiliga yaqin bo’lgan qadimgi osetin tilidagi ”Xiauv” – qal’a so’zidan, boshqalari bu atamani antik davrdan Xiva hududidan oqib o’tgan Xeykaniq (hozirgi Polvonyop) kanalining o’zgartirilgan (Xeykaniq – Xeyvaniq – Xeyvaq – Xeva – Xiva) nomidan kelib chiqqan deydilar. Xorazmlik tarixchi solnomachi Xudoyberdi Qo’shmuhammad o’zining 1831-yilda yozgan ”Dili G’aroyib” asarida Xorazmning qadimgi shaharlarini nomma-nom sanar ekan, ”Bu mamlakatning yana bir qal’asi – Qal’ai Ramldir[57]. Bu qal’aga Som ibn Nuh asos solgan bo’lib, u hozirgi Xivaq nomi ila mashhurdir” deydi. Xalq rivoyatlarida ham shaharning bunyod etilishi Nuh zamonlariga borib taqaladi. Bunda Nuhning o’g’li Som bo’lajak shahar yoniga kelib quduq qazdirgan va shu bilan Xivaga asos solgan. Haqiqatan ham Xivaning Ichan qal’asida qadimgi Xeyvaq (Xivak) qudug’i saqlanib qolgan. Xiva to’g’risidagi dastlabki ishonchli ma’lumotlar X asrdan boshlab arab, fors tilidagi tarixiy - geografik manbalarda uchraydi. Istaxriy (930) Xivani o’sha davrdagi eng yirik 30 ta shahar ro’yxatiga kiritgan. U Xivani Hazoraspdan 8 farsax masofada Jurjoniya (Gurganj) yo’lida joylashganligini qayd qiladi. Muqaddasiyning ma’lumotlariga ko’ra esa Xiva bilan Hazorasp o’rtasidagi masofa 8 dovon (10 farsax)dan iborat bo’lgan. Xiva Yoqut Hamaviy (XIII – asr), Nizomiddin Shomiy (XIV – asr ) asarlarida ham karvon yo’lida joylashgan shahar sifatida eslatib o’tiladi.

---

[56] Хива “Ичан- қалъа” давлат музей-қўриқхонаси, Хоразм Маъмун академияси. Дилмурод Бобожонов, Мақсудбек Абдурасулов. Хива қадим ўтмишда ва мустақиллик йилларида.

[57] М.Матниёзов. ”Хива Хонлигида яшаган халқлар ва уларнинг хонлик ижтомоий – сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли” “Урганч”2004 – йил,10-бет

Xivaning qadimgi qismi – Ichan qal’ada 1200 m2 bo’lgan maydon qazib o’rganildi. Arxeologik ashyolarning 7 m gacha chuqurlikdan topilganligi, shaharning paydo bo’lish davri qadimiy ekanligidan dalolat beradi. Shahar tarixiy taraqqiyotining birinchi davrida Ichan qal’a o’rnida odamlar yashay boshlagan. Arxeologik materiallarning guvohlik berishicha, bu davr mil.av.V asrga to’g’ri keladi. Kulolchilik charxida tayyorlangan sopol buyumlar majmuasi, shuningdek, paxsa devor qoldiqlari shu davrga mansubdir. Mil. av. V asr oxirida Xorazm Eronning siyosiy tazyiqidan halos bo’lgach, Xivada shahar sistemasining asosiy elementlari shakllana boshladi. Mil. av. IV-III asrlarda qal’a atrofi 2 qavatli qalin devor bilan o’rab olindi. Devor oldin paxsa, uning ustiga xom g’isht terilib, bunyod etilgan. G’ishtlarning aksariyatiga tamg‘a bosilgan. Devor orasida (ichida) eni 2 metrli yo’lak bo’lgan. Devor bo’ylab, har 22–27 m masofada minoralar tiklangan. Devordagi minoralar to’g’ri burchakli bo’lgan. Qal’a devorining butun tizimi asosiy devordan 4,4–8,5 m masofadagi qo’shimcha to’siq – devor bilan o’rab chiqilgan. Devor ichi va yo’laklardan topilgan sopol buyumlar mil. av. IV-III asrlarga taalluqli. Bo’yin qismi ingichka, nozik qilib ishlangan xum va xumchalarning sirtiga och pushti rangda gul naqshi solingan. Yana bir nodir topilma – ko’zachaning sher kallasi shaklidagi dastasidir.

Qadimgi qal’a devori va yo’laklar Xiva o’sha davrda vohada yirik shaharlardan biri sifatida Xeykaniq (Polvonyop) kanali sohillari hamda sohilga yaqin hududlarni nazorat qilib turganligini tasdiqlovchi dalildir. Xiva dastlab agrarhunarmand shahar sifatida rivojlandi. Mil. av. II asrda Xivaning katta qismi qum ostida qolgach, aholi shaharni tark etdi. Ichan qal’a devorlari vayron bo’ldi. Mil. boshlarida shaharda hayot yana tiklana boshladi. Qal’a devorining g’arbiy qismida ark bunyod etildi. I-III asrlarda (Kushonlar davri) Xiva Ichan qal’a devorlari tashqarisidan qalin g’ishtin devor bilan mustahkamlandi, natijada shahar devori qalinligi 7,5– 9 m ga yetdi. Arxeologik tadqiqotlarning ko’rsatishicha, mil. IV-V asrlarda shaharni yana qum bosgan. VI-VIII asrlarda Xiva qayta tiklana boshladi. Xiva hududida zamindorlarning dastlabki ko’shklari paydo bo’la boshladi. Ichan qal’ada shunday ko’shklardan 2 tasi topilgan. Shahar Xorazmshoxdar davri (XII-XIII asr boshi) ravnaq topib, hududi kengaydi. 1220 – 1221-yillarda Xiva Chingizxon qo’shinlari tomonidan vayron etildi. Keyinroq qayta tiklana boshladi. Hunarmandchilik (kulolchilik, koshinkorlik va b.) rivojlandi. Keyingi davrda ayniqsa, XVI-XIX asrlarda shahar jadal taraqqiy eta bordi. Quyi Volga, O’rta va Yaqin Sharq shaharlari bilan savdo aloqalari o’rnatildi.

Xiva XVI asrning 2-yarmidan Xorazmning poytaxtiga aylangach, har tomonlama rivojlandi. Me’moriy qiyofasi ham o’zgara bordi. Shahardan o’zaro ko’ndalang kesishgan 2 ta katta ko’cha va 4 darvoza (Otadarvoza, Polvondarvoza, Bog’chadarvoza, Toshdarvoza) orqali Dishan qal’a (rabod) ga chiqiladi. Ichan qal’a devorining uzunligi 2200 m, balandligi 6– 8 m, tag zaminining qalinligi 5–6 m. Qal’a to’g’ri to’rtburchak shaklida qurilgan bo’lib, uzunligi 650 m, eni 400 m, jami 26 ga maydonga ega. Xivaning rabod qismi Dishan qal’a 1842-yilda Olloqulixon davrida (1825-1842) baland devor bilan o’rab olingan. O’sha davrda Ichan qal’ada 33 mahalla (machit qavm) va Dishan qal’ada 34 mahalla bo’lgan. Mahallalar nomi shu yerda yashayotgan aholining kasbkori (Chitkarlik, Elakchilik, Kulollar, Misgarlik, G’assollar) yoki shaxs lavozimi (Otamurod qushbegi, Yoqub mehtar, Yusuf yasovulboshi) bilan atalgan. Shaharda 109 katta - kichik ko’cha, 79 masjid va 120 qorixona bo’lgan.

Xivada XIX asr o’rtalarida 20 ming kishi yashagan. Shahar, asosan, XIX asrning 2-yarmidan kengaya bordi. 1874-yilda shahar ma’muriy jihatdan Qumyosqa, Kaptarxona, Ko’hnabozor, Kaltaminor, Amin chorsu, Mevaston, Qoraa’lam va Yangi qal’a mavzelariga bo’lingan. Xiva xonning ”mulki holisasi” hisoblanib shaxsan uning o’zi tomonidan boshqarilgan. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Xivada 64 Madrasa, 79 masjid bo’lgan. 1924-yilda shaharda olingan aholi ro’yxatida 4029 xonadonda 18145 kishi qayd qilingan. Xivaning ilk tarhi 1740-yilda chizilgan. Shahar tarhi uzunasiga 1 ming m, eniga 400 m bo’lib, 40 ga maydonni egallagan. Uning butun tevarak atrofi suvli xandak bilan o’rab olingan. Shaharga sharq tomondan maxsus ko’prik orqali kirish mumkin bo’lgan. Ko’prik kechalari ko’tarib qo’yilgan. Ko’prik yonidagi darvozadan boshlangan katta ko’cha to’ppa-to’g’ri Ark darvozasiga borib taqalgan. Ark shaharning g’arbiy qismida joylashgan. Shaharning asosiy ko’chasi uni 2 qism (shimoliy va janubiy ) ga ajratgan. Arkda xon saroyi, haramxona, aslahaxona bo’lib, ular mahsus qal’a devori bilan o’ralgan. Lekin, o’sha davrdagi ba’zi inshootlar chizmaga kirmay qolgan. Shaharning yana bir tarixi Rossiyadan maxfiy topshiriq bilan kelgan topograf G.N.Zelenin tomonidan 1839-yilda chizilgan. Zeleninning ma’lumotlariga ko’ra, shaharda o’sha davrda 17 ta masjid, 22 ta mahalla va 260 savdo rastasi bo’lgan. Shaharning juda aniq va mukammal bo’lgan so’nggi tarhi 1873-yilgi

rus istilosidan so'ng rus topograflari tomonidan tuzilgan va o'sha yiliyoq "1873-yilgi Xiva yurishlari" maqolasiga ilova tarzida bosilgan. Me'moriy ansamblining yaxlitligi jihatidan shahar O'rta Osiyoda yagona hisoblanadi. 1967-yilda O'rta Osiyoda ilk bor Xivaning Ichan qal'a (shahriston) qismi tarixiy - me'moriy yodgorliklar qo'riqxonasi deb e'lon qilindi. Shunday qilib arxeologik tadqiqotlar natijasida topilgan ashyoviy dalillar Ichonqal'a hududida mil.avv VI – V asrlarda kichkina manzil mavjud bo'lgan, keyinchalik, mil.avv. IV – III asrlarda esa Ichonqal'a vujudga kelgan va shahr mudofaa devori bilan o'rab olingan.

**НУРМАТ АБДУСАМАТОВИЧ СОҒИНОВ**
*психология фанлари номзоди, доцент*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

**Аннотация:** *мақолада Ўзбекистонда ўзбек оиласини илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилиши тарихи, Ўзбекистонда оила психология-сининг тадқиқ этилиши, бугунги кунда оила психологиясини ўрганишга яратилган имкониятлар, соҳага мутахассисларнинг тайёрлаш, амалиётчи психологлар бажариши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр юритилади.*
**Калит сўзлар:** *никоҳ-оила муносабатлари, оила психологияси, оилаларга психологик хизмат кўрсатиш йўналишлари, таклиф ва мулоҳазалар.*

**Аннотация:** *в статье изложены история развитии исследований проблем семьи в Узбекистане. Исследования психологии семьи в Узбекистане, современное состояния проблемы. Пролема подготовки кадров для данной отрасли. Рассматрываются основные направлении психологической службы семьи. Обсуждается основние работы практических психологов по данной направлении.*
**Ключевые слова:** *семейно-брачные отношения, психология семьи, основные направлении психологической службы.*
**Annotation:** *the article describes the history of the development of research on family problems in Uzbekistan. Research of family psychology in Uzbekistan, the current state of the problem. The training program for this industry. The main directions of the psychological service of the family are considered. The main works of practical psychologists in this area are discussed.*
**Key words:** *family-marriage relations, psychology of the family, the main directions of the psychological service.*

Ўзбек оиласини махсус илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганиш ишлари XIX асрнинг 70-80-йилларига тўғри келади. Унда Наливкинлар томонидан илк бор ўзбек оиласининг демографик жиҳатлари ўрганилган. XX асрнинг 20-30-йилларида демограф ва тиббиёт олимлари ўзбек оиласининг демографик ва тиббий нуктаи назардан тадқиқ қилганлар.

Ўзбек оиласининг психологик, ижтимоий психологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш ишлари XX асрнинг 70-80-йилларига келиб, Тошкент Давлат университети ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида психология фанлари номзодлари З.Р.Душабоев ва Ғ.Б.Шоумаровлар илмий раҳбарлигида талабаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганила бошланди. Ўзбек оиласининг этнопсихологик жиҳатларига оид дастлабки илмий тадқиқот иши натижалари, етакчи оилашунос олим Н.Н.Обозов раҳбарлигида Ю.В.Якубов томонидан чоп этилган (1981). Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек оиласининг психологик жиҳатлари психолог олимларнинг илмий тадқиқот предметига айлана борди. Бу вақтга келиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида психология фанлари докторлари, профессор М.Г.Давлетшин ва Ғ.Б.Шоумаровлар раҳбарлигида илмий тадқиқот гуруҳи ташкил этилиб ўзбек оиласининг турли жиҳатлари ўрганила бошланди. Айниқса, 1989 йилда Ўзбекистон ССР КП МҚ ташаббуси билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг "Умумий психология" кафедраси заминида Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг ўзини ўзи ёқиши (суицид)нинг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот

гуруҳининг тузилиши, Республикада оила психологиясини илмий тадқиқ этилишининг кенг йўлга қўйилишига катта туртки бўлди. Шундан сўнг, психология фанлари доктори, профессор Ғ.Б.Шоумаров раҳбарлигида кўплаб психологлар (Н.А.Соғинов, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров, Х.К.Каримов, Н.Салаева, М.С.Салаева, М.А.Утепбергенов, Р.Х.Душанов, Т.Б.Норимбетов ва бошқ.) "Оила психологияси", "Ўзбек оиласининг ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятларига бағишланган номзодлик, докторлик диссертациялари устида иш олиб бордилар ва ўз навбатида ўзига хос мактаб шаклланди. Бу даврга келиб психология фанлари доктори, профессор В.М.Каримова, Э.Н.Сатторовлар раҳбарлигида ҳам қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Албатта у вақтларда, ўзбек оиласининг ижтимоий, этнопсихологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш учун бугунгичалик шароитлар, расмий меъёрий хужжатлар мавжуд эмас эди. Сўнгги чорак асрдан кўпроқ вақт давомида масалага ёндашув тубдан ўзгарди. Аҳоли ўртасида ҳам, ҳукумат доирасида ҳам оилавий муносабатларнинг психологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш, оилага психологик хизмат кўрсатиш анъаналари, бу соҳа ходимларига муносабат ижобий тус ола бошлади. Соҳага мутахассисларни тайёрлаш, уларни психодиагностик воситалар, психологик материаллар билан таъминлаш, зарур меъёрий хужжатларни тайёрлаш ишлари амалга оширилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 472-сонли қарорида "Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2 503 нафар, халқ таълими тизимида 14 272 нафар педагог-психолог кадрлар фаолият олиб бормоқда"лиги, Республиканинг 10 та олий таълим муассасасида "Психология", 19 та олий таълим муассасасида "Педагогика ва психология" таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 5 717 нафар талаба таҳсил олмоқдалиги қайд этилган. Булардан ташқари, Республикамиз турли вилоятларидаги ОТМ муассасаларида фаолият юритаётган психологларнинг айримлари илмий даража, илмий унвонга эгалиги, бунинг устига сўнгги йилларда ҳукумат қарорлари ижроси ўларок турли расмий ташкилотларда у ёки бу соҳада хизмат кўрсатиш учун психолог кадрларнинг тайёрланаётганлиги каби ҳолатлар бугунги вазият бутунлай бошқача эканлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳеч бир ҳодиса ўз-ўзидан рўй бермайди. Табиатда, жамиятда нимадир содир бўлиши учун албатта унга нимадир сабаб, туртки бўлади. Юқорида келтириб ўтилган каби ҳукумат даражасидаги расмий ҳужжатларнинг эълон қилинишига аввало ижтимоий ҳаётимизда эришилаётган кўплаб ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим нохуш ҳолатлар, носоғлом оилаларнинг юзага келаётганлиги, ажралишлар сонининг ортиши, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатларининг кузатилаётганлиги кабилар ҳам сабаб бўлмоқда.

Булар каби расмий ҳужжатларнинг мавжудлиги, улар бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар мамлакатимизда аҳолига психологик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий томонлари яратилган, чорак асрдан кўп вақт мобайнида амалга оширилган илмий тадқиқотлар эвазига орттирилган илмий-назарий тажрибалар, яратилган қатор махсус адабиётлар республикамизда психологик хизматни жорий этишнинг илмий-назарий жиҳатлари ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Демак, ҳуқуқий асос бор, илмий ассослар, зарур Низомлар ишлаб чиқилган, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Фақат аҳолига малакали психологик хизмат кўрсата олиши мумкин бўлган мутахассис кадрлар масаласигина бир оз муаммо туғдириши мумкин.

Аҳолига кўрсатилаётган бошқа хизматлардан фарқли ўларок психологик хизмат кўрсатишнинг "бир оз муаммо"ли бўлишининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ўринда бир оз ноқулай бўлса-да, тан олиш керакки, гап психология ҳақида, психологик илмлар, психологик хизмат, оила психологияси ҳақида кетганда, одамлар ўртасида бу масалага қараш диапазони нихоятда кенгдир. Кимдир бу илмни мураккаб, қийин деб ҳисобласа, бошқа бир одамга бу ҳеч қандай қийинчилик талаб қилмайдиган, шундоқ ҳам билса бўладигандек туюлади. Бунинг бойиси бизнинг назаримизда, ҳар бир одам, касби, ёши, жинсидан қатъий назар, психика қонуниятлари бўйича яшайди, психология фани илмларидан, айниқса ўз ҳаётий тажрибасига асосланган, "Ҳаётий психология"дан (тамойил, таълимотларидан) фойдаланади. Агар масала оилавий ҳаётга оид бўлгудек бўлса, билингки одам ким бўлишидан, қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, оилада дунёга келган ва оилада шахс сифатида шаклланган. Дунёга ўз оиласидан қадам қўяди. Шунинг учун бўлса ҳам керак, у ҳақда (бу фан ҳақида, оила муаммолари ҳақида) "ҳукм чиқаришим" ("фикр юритишим") мумкин деб ўйлайди.

Агар, унинг интеллектуал коэффициенти қанчалик паст, дунёқараши қанчалик тор бўлса, ёки энг дахшатлиси, у ўз ишида, ўз соҳасида ўрнини топа олмаган бўлса, у “психологиядан билимдонлигини” “оилашунос эканлигини” кўрсатишга ҳаракат қилади. Ҳатто бу фандан “дарс ўтиши”, нимадир (китоблар, дарсликлар) ёзиши (“диссертация” ҳимоя қилиши) ҳам мумкин. Шу ўринда беихтиёр халқимизнинг “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин!” - деган нақли ёдга тушади.

Шу каби омиллар туфайли бошқа касб эгаларига қараганда, психология соҳасида “четдан” келиб қолган, тасоддифий “психологлар” нисбати кўпроқ. Бу билан амалиётчи психолог албатта махсус психологик ихтисосликка эгалигини таъкидловчи дипломли мутахассис бўлиши шарт деган фикрдан узоқмиз. Фақат, мутахассис, энг мураккаб билиш объекти бўлмиш одамни ўрганишга жазм қилар экан, бу ишга шунчаки хавас учун ёки субъектив билим доираси билангина эмас, балки жиддий ёндошгани маъқул. Одам доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлар экан, уни ўрганувчи мутахассис ҳам доимо ривожланишда, ўз устида, ўзининг касбий ўсиши устида тинимсиз ишлашда, мутахассисликка оид махсус адабиётларни мунтазам ўқиб боришга одатланиши керак. Фан тушунчаларини, таълимотларини илмий асосда билмай туриб, бу ишга киришиш, гап одам тақдири, шахснинг руҳий олами, оилавий ҳаёти ҳақида кетаётганда ҳар томонлама мулоҳазали, илмли бўлишни тақозо этади. Малакали амалиётчи психолог кадр бўлиб етишиши учун ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш бошқа ҳар қандай касб эгасига қараганда муҳимроқдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон учун “энг катта хавф” сифатида айнан кадр масаласини кўрсатганликлари ҳам бежиз эмас. “Мени энг катта хавф нимада, деган савол қийнайди. Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу. ... Бугунги иш услубимиз бугунги даражамизга мутлақо тўғри келмайди. Агар сизлар ўзгармас экансизлар, вазият ҳам ўзгармайди. ...- биз шунга муносибми ёки йўқ. Имконият ўз қўлимизда, шундан тўғри хулоса қилиб фойдалана оламизми ёки йўқми” [58]- деганларидек, ҳар бир амалиётчи психолог ўз ишига муносибми ёки йўқ, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, тўғри хулоса, таклифлар бера оладими ёки йўқми эканлиги ҳақида қайғуриши керак.

Дарҳақиқат, у ёки бу соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш, етиштириш масаласи осон иш эмас. Тайёр кадр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Кадр тайёрлаш масаласи энг жиддий, узоқ муддат, кўп куч талаб қиладиган жараён эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Лекин, бу каби муаммолар бизни ташвишга солиши керак эмас. Чунки, Республикамизда аҳоли ўртасида психологик хизматни амалга оширувчи психолог кадрларни тайёрлашни талаб даражасида хал қила олиш имконияти, шарт-шароитлари мавжуд.

Биринчидан, Республикамизнинг етакчи психолог олимлари қарийиб ярим асрки, оилаларга психологик хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, йўлга қўйиш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар. Улар изланишлари самараси ўлароқ оилаларга психологик хизмат кўрсатиш борасида дунёнинг етакчи психолог олимларининг ишлари ўрганилган, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида амалга оширилган психологик хизмат тажрибалари ўзлаштирилган, зарур илмий концепциялар, назарий ғоялар, Низомлар ишлаб чиқилган.

Республикамизда оилаларни психологик ўрганиш, унга психологик хизмат кўрсатишни жорий этилиши борасида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз бўлган яна бир жиҳат ҳам мавжудки, бу психолог олимларимизнинг ҳам ғарб, ҳам шарқ мутахассислари ишларидан бохабарлиги, улар тажрибаларини ўзлаштириш имкониятига эгалигидадир. Бу уларнинг бир ютуғи бўлса, бошқа томондан халқимизнинг бой маънавий меросга эгалиги, буюк ўтмишимизнинг, юксак қадриятларимизнинг мавжудлиги, халқимизнинг ўзига хос ижобий архетипларга эгалигидир.

Оилаларга психологик хизмат кўрсатиш, бошқача айтганда аҳоли, фуқаролар руҳий оламига психологик таъсир қилиш, унинг эътиқодлари, дунёқараши, йўналганлигини зарур оқимга солиш, энг нозик масала, табир жоиз бўлса, шахс учун ўта интим масала ҳисобланади. Махсус адабиётларда шахсга таъсир қилишнинг мумтоз тизими баён этилади. Унга кўра, шахсга таъсир қилишнинг: иқтисодий,

[58] Шавкат Мирзиёевнинг 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқидан. 55 / 15.08.2019 187124. kun.uz / ЎзбекистонПрезидент матбуот хизмати.

ҳуқуқий, маънавий-аҳлоқий, ғоявий-сиёсий, жисмоний ва психологик турлари фарқланади. Ҳозирги вақтларда психологик таъсир кўрсатиш энг муҳими ҳисобланади. Албатта бунинг ўзига хос сабаб ва омиллари мавжуд. Шунинг учун ҳам унга ўта эҳтиёткорлик ва маҳорат билан ёндошиш, бундай хизмат юқори малакавий даражада адо этилиши лозим. Акс ҳолда, халқимизда айтилганидек: "Қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиш" ҳеч гап эмас.

Шахсга психологик таъсир этишнинг энг самарали усулларидан бири, бу унинг шахсига, онг ости даражасига таъсир этишдир. Чунки, ҳеч бир шахс унга четдан бошқа бир одам таъсир кўрсатишини, бошқа бир одамнинг фикри, маслаҳати билан иш тутишни бажонидил истамайди. Шунинг учун бу ишни унинг онг ости даражасига (уни чалғитган ҳолда) таъсир этиш самарали ҳисобланади. Бу ҳолат психоанализ тамойилларига асосланган таълимотларда кенг ёритилган. Агар амалиётчи психолог психологик таъсир кўрсатилаётган шахснинг онг остига муваффақиятли таъсир кўрсата олса, унинг ишида ижобий самара бўлиши табиий.

Аналитик психологиянинг атоқли намояндаларидан бири К.Г.Юнг ўз таълимотини яратар экан, "архетип" тушунчасидан фойдаланади. Архетиплар инсоннинг онг ости кучлари бўлиб, у шу инсон мансуб бўлган элат, этнос, миллат вакилларининг бир неча авлоди давомида, минглаб йиллик ижтимоий ҳаёт мобайнида шаклланиб қолган бўлади. Улар "жамоа онгсизлиги" сифатида унинг хулқида ўз изини қолдиради. Шахсга таъсир этишда шу излардан фойдаланиш, шу изларни "уйғота олиш" ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу излар, халқимизнинг миллий қадриятларида, руҳияти қаърига сингиб кетган менталитетида намоён бўлади.

Карл Юнгнинг эътироф этишича: "Шарқ психологиясини билиш... ғарб психологиясини танқидий ва объектив қайта кўриб чиқиш учун зарур асосни шакллантиради"[59]. Шундай экан, психологиянинг ҳар томонлама ривожланиши шарқ тафаккурини ўрганишни ва тушунишни тақозо этади. Бундай имконият эса, бизда чет эллик ҳамкасбларимиздагига қараганда юқори. Чунки, психологик хизмат кўрсатилиши лозим бўлган халқимиз бундай архетипларга эга.

Сўнгги ярим асрдан ортиқ вақт давомида чет эл психологлари бу борада эътиборга молик тажрибаларга эришганлар, илмий тамойиллар, умумий қонуниятлар, механизмлар аниқланган. Умумий қонуниятлар, механизм-ларни билиш эса, айрим деталларни билмасликни ўрнини осон қоплайди. Республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий-психологик, ҳудудий хусусиятларига оид деталларни бизнинг маҳаллий кадрларимиз бошқа юрт вакилларидан яхшироқ биладилар. Агар улар тегишли воситалар билан қуроллансалар, уларга зарур илмий-назарий, илмий-услубий қўлланмалар, психодиагностик воситалар етказиб берилса, шу билан бирга уларнинг ўзлари ҳам, бу борада ўз устида мунтазам ишласалар кўзланган мақсадга эришиш эҳтимоли юқори бўлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Бугунги иш услубимиз бугунги даражамизга мутлақо тўғри келмайди. Агар сизлар ўзгармас экансизлар, вазият ҳам ўзгармайди" – деб таъкидлаганларидек, аҳолига психологик хизмат кўрсатувчи "кадрлар" ўзлари ҳам касбий ўсиш йўлини танламас эканлар, мавжуд имкониятларни ҳам бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас.

---

[59] Большая книга психологии. Личность. Теория, упражнения, эксперименты. 6-е международное издание /Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен /Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. Глава 1. Вступление. – С.22.

**УМИРЗАКОВА НАРГИЗА АКМАЛОВНА**
*Тошкент Давлат стоматология институти*

# ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАТSIЯСИ ВА ОИЛАДАГИ МУНОСАБАТЛАР ДЕФОРМАТSIЯСИ

**Аннотация:** *Ўзбекистонда меҳнат миграцияси кўпчилик учун оилани боқишнинг ягона усулига айланди. Мақолада ташқи меҳнат миграциясининг оиладаги муносабатлар деформациясига олиб келаётгани, ташқи меҳнат миграцияси нафақат оила муаммолари сонини ошираётгани, балки жамият ижтимоий ҳаётини мураккаблаштираётгани ҳақида фикр юритилади.*
**Калит сўзлар:** *миграция, оила, ташқи меҳнат миграцияси, демография, никоҳ, смс-ажралишлар.*

**Аннотация:** *в Узбекистане трудовая миграция стала для многих единственным способом поддержать семью. В статье утверждается, что внешняя трудовая миграция приводит к деформации семейных отношений, что внешняя трудовая миграция не только увеличивает количество семейных проблем, но и усложняет социальную жизнь общества.*
**Ключевые слова:** *миграция, семья, внешняя трудовая миграция, демография, брак, sms-развод.*

**Annotation:** *in Uzbekistan, labor migration has become the only way for many to support their families. The article argues that external labor migration leads to deformation of family relations, that external labor migration not only increases the number of family problems, but also complicates the social life of society.*
**Key words:** *migration, family, external labor migration, demography, marriage, sms-divorce.*

Мавзунинг долзарблиги шундаки, Ўзбекистонда меҳнат миграцияси кўпчилик учун оилани боқишнинг ягона усулига айланди. Янги шароитда оила у ерда пул маблағларининг катта қисми ишчи кучини экспорт қилиш ҳисобига жалб этиладиган мутлақо бошқача иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Меҳнат мигрантлари вақтининг катта қисмини бошқа маданият қуршовида ўтказади. Ўзбекистоннинг ҳар йили қарийб икки миллион нафар фуқароси (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига қараганда, 2018 йилда 2 384,8 минг киши хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетган.) бориб турадиган хорижий мамлакатларда (айниқса, Россия) ижтимоий жараёнлар уларнинг ватанидагидан бошқача тарзда кечади. Россия жамияти асосан анъанавий институтларнинг барбод бўлиши жараёнларини бошдан кечирмоқда. Россияликларнинг катта қисми ёлғизлик йўлини афзал кўрган ҳолда оила қуришга шошилмайди.

Демограф олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, кам таъминланган оилалар юқори даромадли оилаларга нисбатан кўпроқ фарзанд кўрадилар. Шунинг учун айтиш мумкинки, мигрантлар кўп болали бўлиб, кўп болалилик мезонига кўра, фарзандларини моддий таъминлаш учун ташқи меҳнат миграциясига кетишга мажбур бўлади.

Ташқи меҳнат мигрантларининг асосий қисмини паст малакали ишчилар ташкил этади. Демографияга оид адабиётларда паст малакали ва малакасиз ишчилар юқори малакали ишчиларга нисбатан катта оилаларга йўналтирилганлиги исботланган. Бундан келиб чиқадики, ташқи меҳнат мигрантларининг асосий қисмини кўп болали оила бошлиқлари ёки оиланинг вояга етган фарзандлари ташкил этади.

Умуман, ҳозирги демографик вазиятда миграция жараёнларининг интенсивлиги оила қуриш жараёни катта моддий ҳаражатлар билан давом этишига боғлиқ, бу аҳолини тирикчилик учун хорижга боришга мажбур қилувчи омил ҳисобланади. Келажакда аҳоли миграцияси никоҳ ва оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиб, аҳоли, айниқса ёшларнинг ажралиш даражасини оширади.

Ташқи меҳнат миграциясининг салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уни биз икки тоифага ажратдик:

1. Ўз мамлакатидаги мингрантлар оилаларига салбий таъсири:

– бола туғилишидан бошлаб “фарзанд тарбиясидек” муҳим жараёнда отанинг йўқлиги;

– аёлларнинг норасмий иш билан мажбуран шуғулланиши, бунда болаларни тарбиялашга кам эътибор берилади;

– ташқи шароитлар туфайли оилага таҳдид;

– никоҳдаги жинсий муносабатлардан қониқмаслик, бу кейинчалик оиланинг бузилишига сабаб бўлади.

2. Мигрант меҳнат қилаётган мамлакатда ташқи миграциянинг салбий жиҳатлари:

– турли хил шикастланишлар (шу жумладан, ногиронлик), ўлим;

– турли юқумли касалликларга учраш;

– феъл-атвор, шунингдек оиладаги маънавий қадриятларнинг ўзгариши;

– ёш авлод орасида алкоголизмнинг оммавий тарқалиши ва ҳоказо.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп оилалар учун меҳнат миграцияси уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш учун ягона имкониятдир. Меҳнат миграцияси натижасида муҳожир оилаларнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада яхшиланади. Оилаларнинг ташқи меҳнат миграциясидан келиб тушган маблағдан озиқ-овқат сотиб олишга, ўз оиласи ёки фарзандлар оиласини яратиш, уй-жой қуриш, маиший техникани сотиб олиш (автомобиллар, телевизорлар, видеокамералар, музлаткичлар, параболик антенналар ва бошқалар), кичик бизнес ва болаларни ўқитиш учун фойдаланилади.

Ташқи меҳнат миграцияси оилалар турмуш даражасини яхшилайди, оилалар ҳаёти, янги қадриятлар ҳақида маълумотларни киритади, дунёқарашини кенгайтиради. Бу омиллар шу билан боғлиқки, муҳожир пул маблағидан ташқари уйга янги турмуш тарзини олиб келади, уларни оилавий ҳаётга татбиқ этган ҳолда турмуш сифатини яхшилайди, шунингдек, оила аъзоларининг маънавий жиҳатдан бойиб бориши ва уларнинг сифат жиҳатдан ривожланишига ҳисса қўшади.

Бу жиҳатлар дастлабки никоҳ қуриш ёшини ўзгартиради, оилани режалаштириш имкониятини кенгайтиради. Шу билан бирга, қабул қилувчи мамлакатларда меҳнат муҳожирларининг оғир меҳнат ва яшаш шароитлари уларнинг соғлиғини ёмонлаштиради. Оғир жисмоний меҳнат, ёмон турмуш шароити касаллик, шикастланиш ва ногиронликнинг сабаби ҳисобланади. Мигрант ишчилар маҳаллий аҳоли ишлашни хоҳламайдиган ишларга жалб этилади, чунки таклиф қилинган иш ҳақи маҳаллий аҳоли учун жуда кам ҳисобланади.

Меҳнат муҳожирларининг республикадан ташқаридаги фаолияти ва уларнинг нотўғри турмуш тарзи жамият учун кучли хавф туғдиради, чунки бундай ҳаётнинг оқибатлари кўплаб ижтимоий хавфли касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида аҳоли касалланишининг таҳлили ижтимоий хавфли касалликларнинг кўпайишини кўрсатади: сил касаллиги, жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, шу жумладан ВИЧ инфекцияси даражанинг кескин кўтарилишидан жиддий ташвишни келтириб чиқаради. Афсуски, республикада касалланган меҳнат муҳожирлари ҳисоби юритилмайди, аммо амалиёт шуни кўрсатадики, касалликларнинг сезиларли қисми ўз оилаларига қайтган меҳнат муҳожирларининг соғлиғи билан боғлиқ.

Мавсумий ишчиларнинг аксарияти ўз оилаларини хорижга олиб кетишни хоҳламайдилар, чунки у ердаги маош оиланинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас, аммо ўз ватанида бу маблағ оилани боқиш учун етарли ҳисобланади.

Бугунги кунда меҳнат мигрантларининг никоҳни бекор қилиши алоҳида муаммога айланиб бормоқда. Эркаклар ишлаб юрган жойида ўзига бошқа умр йўлдоши топиши ҳолатлари учрамоқда. Уларнинг турмуш ўртоқлари учун эса эркакнинг узоқ вақт уйда бўлмаслиги ҳақиқий синов вазифасини ўтамоқда. Ушбу жараён ҳам республикада оила институтининг демографик тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда смс-ажралишлар ҳам урфга айланмоқда. Ажралишнинг бундай турида эркаклар чет элда ишлаб юриб, турмуш ўртоқларига “талоқ” сўзини смс-хабар орқали ёзиб юборади. Бунинг натижасида аёл суд қарорисиз, одатда, ҳимоясиз қолиб, ота-онасининг уйига қайтишга мажбур бўлади. Бу борада эркакларни масъулиятли бўлишга чақириб, уларга ажралишнинг бундай шакли ноқонуний эканлигини тушунтириш, бундай ҳолат билан курашиш оила масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми, айниқса ёш эркакларда меҳнат миграциясининг юқори даражаси, уларнинг бошқа мамлакатларда узоқ муддат меҳнат қилиши улар томонидан шу ҳудудда янги оила қурилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат оилалар ўртасидаги низолар, оилаларнинг бузилиши,

фарзандлар етимлиги ва қаровсизлигининг кенг тарқалган сабаби бўлиб қолмоқда. Шунингдек, миграция эр-хотин ўртасида масофавий муносабатларни юзага келтириб, тугалмас оилалар, бева аёллар сонини оширади.

Ташқи меҳнат миграцияси таъсирида оилаларнинг парчаланиши нафақат муҳожирларнинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, балки бу аёлларда туғиш миқдорини пасайтириш омили сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, мигрантлар узоқ вақт истиқомат қилувчи мамлакатда турмуш қурадилар ва фарзанд кўрадилар, бу аҳолининг туғилиш даражасини ошириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи меҳнат миграцияси нафақат оила муаммолари сонини оширади, балки жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ҳам мураккаблаштиради. Шунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017.
2. Ата-Мирзаев О. Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Ташкент, 2009. – 73.



**Sobirova Sayyora Ravshanbek qizi**
*TVCHDPI Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi yo'nalishi 2-bosqich talabasi*


## CHIZMACHILIK MASHG'ULOTLARIDA O'QUVCHILARGA MUSTAQIL GRAFIK TOPSHIRIQLAR TO'PLAMI MAZMUNINI SHAKLLANTIRISH VA TAYYORLASHNI O'RGATISH

Umum o'rtata'lim maktablari chizmachilik mashg'ulotlarida o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini yanada rivojlantirishda topshiriqlar muhim ahamiyat kasb etadi. Shunga ko'ra topshiriqlarni bajarish bo'yicha quyidagi metodik ko'rsatmalar tavsiya etiladi.

Qurilish chizmachiligidan tayyorlangan ushbu topshiriqlar kurs nazariy ma'lumotlarining asosiy qismi bo'yicha amaliy grafik ishlarni o'z ichiga oladi va umumo'rta ta'lim maktablari chizmachiligi fan dasturiga to'la mos keladi. Qo'llanma materiallari konstruktorlik hujjatlarining yagona tizimi standartlari va qurilish uchun loyiha hujjatlari tizimi talablariga mos holda tayyorlandi.

Qurilish chizmachiligidan topshiriqlar o'quvchilarning auditoriyadan tashqari mustaqil ishlari, shuningdek, o'qituvchi rahbarligi hamda nazoratida auditoriyadagi individual grafik ishlariga mo'ljallab tuzildi. Fanni o'rganishga ajratilgan vaqt byudjetini hisobga olgan holda mutaxassislik kafedrasi qaroriga asosan topshiriqlarning ma'lum qismlari individual grafik topshiriqlar sifatida mustaqil ta'limga, qolganlaridan auditoriyada bajarishda foydalanish mumkin.

Topshiriq bajarishni osonlashtirish maqsadida har bir bo'lim bo'yicha qisqacha metodik ko'rsatmalar berildi va shu topshiriqlarni bajarish namunalariga misollar keltirildi. Qurilish chizmalarini o'qish tekislikda bajarilgan chizma bo'yicha qurilayotgan obyekt yoki uning qismlarining hajmli shakllarini tasavvur qilishni ko'zda tutadi. Buning uchun bunday chizmalarni bajarish qoidalarini bilish kerak bo'ladi.

Chizma o'qish jarayonida quyidagi tartiblarga amal qilish zarur bo'ladi:

➢ chizma bilan umumiy tanishish, ya'ni, undagi tasvir va yozuvlarning soni va joylashishi haqida tasavvurga ega bo'lish;

➢ tasvirlar qanday masshtablarda chizilganligini aniqlash, gabarit o'lchamlar va bino alohida qismlarining o'lchamlarini aniqlash;

➢ binoning ichki rejalashtirilishini o'rganib chiqish;

➢ shartli belgi va yozuvlarni o‘qish, ya’ni, bino turli qismlarining shartli va soddalashtirilgan belgilashlarini o‘rganib chiqish.

Mashqlarni bajarishga kirishishdan avval qurilish chizmalarida qo‘llaniladigan ayrim atamalar bilan tanishib chiqing. Shu maqsadda turar-joy va sanoat binolarining yaqqol tasvirini diqqat bilan o‘rganib chiqish tavsiya qilinadi.

Grafik ishlar A3 (297x420 mm), A4 (210x297 mm)lik chizma listlarida yoki ish daftarida bajariladi.

Bino qismlarining nomlanishi bilan tanishib chiqqandan keyin fan o‘qituvchisi ko‘rsatmasi bo‘yicha topshiriq yoki mashqlarni bajarishga kirishing.

*Bino fasadi chizmalarini bajarish.* Binoning olddan, yon tomondan yoki orqadan ko‘rinishi (proyeksiyasi) *fasad* deb nomlanadi. Binoning ko‘cha tomondan ko‘rinishi asosiy fasad, chap yoki o‘ngdan ko‘rinishlari – ko‘ndalang fasadlar, orqadan, hovli tarafdan ko‘rinishi esa hovli fasadi deyiladi. Bino loyihalarida fasadlarni nomlashda odatda muvofiqlashtiruvchi o‘qlarning tamg‘alari beriladi. Bunda oldin chekka chap o‘q ko‘rsatilib, keyin chekka o‘ng o‘q ko‘rsatiladi, masalan, “Fasad 1 – 4” yoki “Fasad D – A” (12-shakl, *k*). Agar binoning asosiy va hovli fasadlari bir xil bo‘lsa faqat bitta fasad chiziladi va uning nomlanishida ikkala fasadning ham chekka o‘qlari ko‘rsatiladi, masalan, “Fasad 1 – 8 va 8 – 1” (1-shakl, *m*) yoki “Fasad B – A va A – B”. Bunda chizmaning o‘zida jipslashtirilgan o‘qlar 12-shakl, *a* va *c* lardagi kabi ko‘rsatiladi.

Bino fasadi bo‘yicha uning tashqi ko‘rinishi, tuzilish va arxitektura elementlarining shakli: derazalar, eshiklar, ayvonlar, peshayvonlar, chaspaklar, plastr (bir tomoni devorga kirgan qirra ustun) lar, ustunlar, tashqi o‘t o‘chirish va evakuaцuya qilish zinalari, suv oqib tushadigan tarnovlar kabilar haqida xulosa qilish mumkin.

Fasad chizmalari loyihalash bosqichlari, ishlatilish sohalari va bino o‘lchamlarini hisobga olgan holda 1:50 dan 1:400 gacha bo‘lgan masshtablarda bajariladi. Fasadning murakkab bo‘lgan qismlari 1:50 yoki 1:100 masshtablarda fragment shaklida alohida tasvirlanadi.




**1-shakl.Ishlab chiqarish binosi fasadini chizish bosqichlari**

Chizmada elementlarni batafsil tasvirlash uning masshtabiga bog‘liq bo‘ladi. Masalan, deraza, eshik va darvoza tavaqalarining qismlarga ajratilishi 1:100 va undan yirik masshtablarda bajarilgan chizmalarda ko‘rsatiladi. Mayda masshtablarda bajarilgan chizmalarda tavaqa yoki ular o‘rinlarining konturlari tasvirlanadi.

Chizmalarda fasadning ko‘rinadigan konturlari ustidan qalinligi S/3 bo‘lgan ingichka tutash chiziq bilan yurgizib chiqiladi.

Yer konturi chizig‘ining qalinligi 1...1,5 mm bo‘lib, fasad chegarasidan 20...30 mm ga chiqib turishi kerak.

Loyiha topshirig‘i bosqichida bajariladigan fasad chizmalari planshetga tortilgandan keyin quruq tush yoki akvarel bo‘yog‘i bilan yuvib bo‘yaladi. Hajmiy kompoziцuya yechimini ochib berish maqsadida fasadlarda xususiy va tushayotgan soyalar ko‘rsatiladi.

Tasvir ifodaliligini ta’minlash maqsadida binodan tashqari landshaft (manzara) yoki qurilgan shahar binolari ham ko‘rsatiladi. Bunday chizmalar badiiy grafika elementlari bilan tasvirlangan fasadlar deyiladi.

Binoning sxemalashtirilgan qirqimini bajarish ketma-ketligi.

*Ikkinchi bosqichda* - tashqi va ichki devorlar, qirqimga tushadigan pardevorlar, plandan olingan bog‘lash o‘lchamlarining konturlari muvofiqlashtiruvchi o‘qlarga bog‘langan holda ingichka chiziqlarda o‘tkaziladi, qavatlararo va chordoq orayopmalarining qalinligi, ikki yoqqa nishab tomning tepa qirrasining balandliklari ko‘rsatiladi. Peshtoq va poypeshning devordan chiqish o‘lchamlari belgilanib, chiziladi, tom nishabining chizmasi quriladi.

*Uchinchi bosqichda* tashqi va ichki devorlar, pardevorlarda joylashgan va kesimga tushadigan deraza va eshik o‘rinlari belgilab olinadi. Kesuvchi tekislik orqasidagi binoning barcha elementlari tasvirlanadi. Teshiklarning konturlari belgilanib, chiqarish va o‘lcham chiziqlari o‘tkaziladi, sath belgilarini qo‘yish uchun shartli belgilar qo‘yib chiqiladi.

*To‘rtinchi bosqichda* qirqim konturlarining ustidan qalinligi 0,6...0,8 mm likdagi chiziqlar bilan yurgizib chiqiladi. Sath o‘lchamlari, o‘qlarning o‘lchamlari va tamg‘alari qo‘yib chiqiladi, chizmaga zarur bo‘lgan tushuntirishlar yoziladi, qirqimning nomi ko‘rsatilib, keraksiz yasash chiziqlari o‘chirib tashlanadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. – T.: “SHarq,” 1997.
2. E.I.Ro‘ziev Geometrik va proeksion chizmachilik T.: “Yangi asr avlodi” 2010.
3. E.I.Ro‘ziev Muhandislik grafikasini o‘qitish metodikasi T.: “Yangi asr avlodi” 2010.
4. A.Ashirboev “CHizmachilik” kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma T.: “O‘qituvchi” 2008.
5. E.N.Semchenko “CHtenie chertejey” kasb-hunar kollejlari uchun metodik qo‘llanma. T.: “G‘ofur G‘ulom” 2007.
6. K.X.Madumarov, A.A.Norqulov “Texnik chizmachilik” kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma.

**САБИРОВА МУАЗЗАМ ШУХРАТБЕК ҚИЗИ**
*Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси 1-босқич таянч докторанти*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА НИКОҲ-АЖРАЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** *жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солаётган оила институти мавқеининг кескин тушиб бораётгани бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Жамиятда оилавий ажримларнинг ортиб бориши, нотўлиқ оилаларнинг кўпайиб бораётгани нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё жамиятини изтиробга солмоқда. Албатта, бу муаммо Ўзбекистонда ҳам кундан-кунга долзарбликка эга бўлиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ажралишлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.Оила трансформацияси жараёнидаги тарихий тенденцияларни кузатар эканмиз, жамиятнинг либераллашуви ва саноатлашувининг дастлабки босқичларида никоҳдан ажрашиш эҳтимоли ва сони ортиб бораверишини кузатилади.*

**Калит сўзлар:** *ажралиш, никоҳ, никоҳ ёши, никоҳ шартномаси, геодемография.*

**Аннотация:** *резкое снижение статуса института семьи, вызывающее большую озабоченность мирового сообщества, сегодня является актуальной проблемой. Растущее количество семейных разводов и количество незаконнорожденных семей в обществе является источником беспокойства не только для Узбекистана, но и для всего мира. Конечно, в Узбекистане эта проблема становится*

*все более актуальной. Следует отметить, что количество разводов в Узбекистане с каждым годом растет. Если мы проследим исторические тенденции в процессе трансформации семьи, мы увидим, что на ранних этапах либерализации и индустриализации общества вероятность и количество разводов возрастают.*

**Ключевые слова:** *развод, брак, брачный возраст, брачный договор, геодемография.*

**Annotation:** *The sharp decline in the status of the family institution, which is of great concern to the world community, is a topical issue today. The growing number of family divorces and the number of illegitimate families in society is a source of concern not only for Uzbekistan, but also for the whole world. Of course, this problem is becoming increasingly important in Uzbekistan. It should be noted that the number of divorces in Uzbekistan is growing every year. If we observe the historical trends in the process of family transformation, we can see that in the early stages of liberalization and industrialization of society, the probability and number of divorces is increasing.*

**Keywords:** *divorce, marriage, age of marriage, marriage contract, geodemography.*

Дунёда жуда кўп ривожланган мамлакатларни қамраб олаётган инқироз туфайли янада оилага бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бу борада оила институтларини ташкил этиш, ҳар бир демографик жараёнларни ўрганиш уларни таҳлил қилиш, оила-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни асраб қолиш, ҳозирги кун оиласининг ижитимоий-иқтисодий функцияларини янада ривожлантириш, демографик жараёнларни бошқариш долзарб вазифалардан хисобланади.

Ҳозирги вақтга келиб дунёнинг деярли барча мамлакатларида олимлар ва мутахассислар томонидан оиланинг ривожланиши, унинг таркиби, у билан боғлиқ демографик жараёнларни ўзига ҳос хусусиятлари ўрганилмоқда. Ҳорижлик муаллифлардан А.Сови, Ж.Сюттер, ва Г.Беккер каби олимлар никоҳ ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларини ўрганган. Оила-никоҳ муносабатларини Россиялик олимлардан А.Г.Вишневский, Л.В.Дарский ҳамда В.А.Борисов ва А.Г.Волков томонидан ажралиш масалалари алоҳида ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистонда эса оила масалаларининг ўрганилишини илк куртаклари сифатида Авесто асарини олишимиз мумкин. Илк тарихий тадқиқот илдизи сифатида А.Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” номли асарини таъкидлаш жоиздир. Асар оиланинг пайдо бўлиши, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва унинг ўзига ҳос бошқариш томонлари ва унга амал қилувчи тартиб қоидаларга бағишланган. Республикада 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур муаммолар билан шуғулланган олимларидан М.Қ. Қорахонов, М.Р.Бўриева, И.Р.Муллажонов, Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-Мирзаев, З.Н.Тожиева, Х.Х. Мамадалиева , Д. Эгамова ва А.А.Қаюмов ва бошқаларнинг келтириб ўтиш жоиз.

Шарқда, мусулмон мамлакатларида азалдан оила муқаддас даргоҳ саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, юртда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Оила шундай кучга эгаки, у давлат сиёсатига жуда катта таъсирини кўрсатади. Оиланинг ҳолати жамиятнинг ўз- ўзини такрор барпо этиши, яъни аҳолини такрор барпо бўлиши асосида давлатни инсон ресурслари билан таъминлай олиш, авлодлар алмашувининг интенсевлигини оптимал даражада ушлаб туриш ва сифатини таъминлаш, халқнинг асрлар давомида юзага келган давлатчилик асосларини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган ва анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолишга бўлган қобилияти билан ҳам боғлиқдир. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, мамлакатда амалга оширилаётган оилага доир сиёсатни шакллантириш ва ривожлантиришда оила институтини мустаҳкамлаш ва оила-никоҳ муносабатларини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг оила- никоҳ муносабатларига яъни кучли ижтимоий сиёсат иқтисодиётини ислоҳ қилишни ўз олдига устувор йўналиш қилиб олди. Оила муносабатларини буюк қадрият даражасига кўтариб, оилада истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг келиб чиқиши унинг умр йўлидаги ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қарата бошлади. Инсон ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишиларга ўз меҳнати билан муносиб турмуш шароитларини таъминлашлари

учун шароитлар яратиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб қувватлаш, ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш унинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сон[1]. Ажралишлар сонининг ўсиб бориши, бир томондан, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришни талаб этса, иккинчи томондан, аҳолининг мазкур тоифасининг ижтимоий фаол қатламидан тажрибасидан самарали фойдаланиш технологияларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Бизнинг ўлкамизнинг ўзига хослиги нафақат иқтисодий географик жойлашган ўрнимиз билан балки аҳолимизнинг ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистон деб аталмиш гўшада биз ҳали тушуна олмаган қонун-қоидалар талайгина. Оила муқаддас, уни асраш, ардоқлаш керак деб бизга оилада сингдирилади. Оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўлолмайди. Никоҳ аҳолининг такрор барпо бўлишида жуда катта таъсир этувчи омил ҳисобланади. "Никоҳ давомийлиги, никоҳ ёши, никоҳнинг бекор этилиши қайсидир омиллар таъсири туфайли туғилишнинг кўпайишига ёки қисқаришига олиб келувчи ижтимоий-демографик сабаблардан ҳисобланади"[2]. Ўтмишда, Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу никоҳ жараёнларига эрта ёшда киришишларидир. Айниқса, қиз болалар 15-17 ёшларида никоҳ қуришган. Қиз болаларнинг эрта никоҳга киришлари табиийки фарзанд кўриш муддатини маълум даражада узайтирган. Бу ҳол ўлканинг демографик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатган. Ишчи кучининг кўплиги, ёш оилаларнинг кўпайиши кузатилган. Қизларнинг эрта никоҳга киришишининг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бўлган. Ижобий томонлари қизларнинг демографик жараёнларда фаол иштироки бўлса, салбий томонлари эса ёш оналарнинг ўлим ҳолатлари, ногирон фарзандларнинг туғилиши, қизларнинг оналикга тайёр эмаслиги шулар жумласидандир.Ҳозирги даврга келиб, глобаллашув жараёнида, техника технология билан биргаликда ёшларимизнинг ҳам оилани режалаштириш, никоҳ ёшининг тобора кўтарилиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Аёлларнинг никоҳга кириш ёши бу оила институтининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Оилада ажралиш бўлса, бизда ҳар доим биринчи навбатда аёл киши айбдор саналади. Дунё тажрибаларига асосланиб шундай дейишимиз мумкинки, оилада ажралиш юзага келганда энг кўп қийналувчи аёл ва унинг боласи ҳисобланади.

Геодемографик омил нуқтаий назаридан таҳлил қилсак, оила институтини мустаҳкамлашда энг устувор вазифалардан бири бу аёлларнинг никоҳга кириш ёшини назорат қилишдир.

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида биринчи марта никоҳланувчи аёлларнинг ўртача ёши** (йилда, ёш)

| Вилоятлар | Жами | | Шаҳар | | Қишлоқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2015 | 2020 | 2015 | 2020 | 2015 | 2020 |
| **Ўзбекистон Республикаси** | 22,5 | 22,8 | 22,5 | 22,9 | 22,4 | 22,7 |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 24,0 | 24,4 | 24,4 | 25,0 | 23,6 | 23,9 |
| Андижон | 22,1 | 22,5 | 22,2 | 22,5 | 22,1 | 22.5 |
| **Бухоро** | 22,5 | 22,8 | 22,8 | 23,3 | 22,3 | 22,6 |
| **Жиззах** | 22,7 | 23,4 | 22,7 | 23,4 | 22,7 | 23,3 |
| **Қашқадарё** | 22,5 | 22,8 | 22,7 | 23,1 | 22,4 | 22,6 |
| **Навоий** | 22,9 | 23,2 | 22,9 | 23,4 | 22,8 | 23,1 |
| **Наманган** | 21,7 | 22,0 | 21,3 | 21,7 | 22,0 | 22,5 |
| **Самарқанд** | 22,0 | 22,3 | 21,9 | 22,4 | 22,0 | 22,2 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Сурхондарё** | 23,2 | 23,3 | 23,4 | 23,6 | 23.0 | 23,2 |
| **Сирдарё** | 23,1 | 23,5 | 23.2 | 23,7 | 23.1 | 23,4 |
| **Тошкент** | 22,6 | 23,2 | 22,8 | 23,6 | 22,5 | 23,0 |
| **Фарғона** | 21,6 | 22,0 | 21,6 | 22,1 | 21,6 | 21,9 |
| **Хоразм** | 22,8 | 23,1 | 23.1 | 23,6 | 22,6 | 22,8 |
| **Тошкент** ш. | 22.9 | 23,2 | 22,9 | 23,2 | - | - |

**Манба:** *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*

Ўзбекистонда никоҳ кўрсаткичлари ҳар минг кишига нисбатан 2015 йилда 8,6 промилле, 2020 йилда эса 9,4 промиллени ташкил этган. Аҳолининг демографик жараёнлардаги ўрнига унинг яшаш шароити ўз таъсирини кўрсатади. Никоҳ ёшининг шаҳар ва қишлоқ худудларида турли хил бўлиши бизга маълум. Шаҳар жойларида аёлларнинг никоҳ қуриш ёши қишлоқ жойларига нисбатан турли хил. Масалан, жанубий демографик жараёнларда фаол бўлган Қашқадарё вилоятида шаҳар жойларида истиқомат қилувчи аёлларга нисбатан қишлоқ жойларида никоҳ қуриш ёши нисбатан кичик. 2015-йилда шаҳар жойларида аёлларнинг никоҳ ёши 22,7 ёшни ташкил этган бўлса, қишлоқ жойларида эса 22,4 ёшни ташкил этган. Водий ҳудудларимизда эса аёлларнинг никоҳга кириш ёши нисбатан ёш, масалан Андижон ва Наманган вилоятида ўртача никоҳга кириш ёши 22 ёшни ташкил этмоқда. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу ҳудудларимиз ажралиш жараёнида ҳам фаол бўлган ҳудудлардандир. Аммо, танганинг икки томони бўлгани каби жуда кеч турмуш қўришнинг салбий оқибатлари талайгина.Дунё олимларининг фикрича ҳозирда техника технология замонида экологиянинг бузилиши натижасида 30 ёшдан сўнг фарзанд кўраётган аёлларнинг ногирон фарзандни дунёга келтириш эҳтимоли юқоридир.

Давлат бошқарувини такомиллаштиришда аёлларнинг қарашларини, оиладаги муаммоларни ўрганиб, фикрларини албатта инобатга олиниши ва юқоридагидек социологик-демографик тадқиқотлар қамровини кенгайтириш ўта зарур. Бинобарин, булар барчаси демографик жараёнлар бошқариш механизмининг қандай йўлга қўйилганлиги, аёлларнинг ва эркакларнинг оила хақидаги фикр, қарашлари, ажримлар тизимидаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, миллий ва маънавий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда оила институтини ривожлантириш, глобаллашув жараёнида ахборотлашган оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида муҳофаза қилиш, фақат соғлом оилагина соғлом жамият устуни бўлиши тўғрисидаги тушунчани аҳоли онгига сингдириш, умуман, бу соҳада йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган бўшлиқ ва муаммолар ечими юзасидан долзарб вазифаларни бажаришга қаратилган самарали давлат сиёсатини олиб бориш устувор йўналишлар бўлиб қолаверади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида- ПҚ-3808-сон 27.06. 2018.
2. Тожиева З. Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Илмий монография. – Т.: «Фан ва технология», 2010. – 18,0 босма табоқ.
3. http//rusk.ru/newsdata.
4. www.lex.uz.

**F.O.MIRZAYEVA,**
*Nizomiy nomidagi TDPU Ijtimoiy pedagogika kafedrasi dotsenti*

**M.BOYMANOVA,**
*pedagogika va psixologiya mutaxassisligi 1-kurs magistranti*

## OILAVIY MUNOSABATLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Аннотация**: *ushbu maqolada, bolalar va ota-onalar munosabati, ota-onalik munosabati va ota-onalik ustanovkalari, oilada oʻzaro munosabatlar omillari, dinamikasi, ota-ona va bolalar oʻrtasidagi munosabatning ijobiy tus olishi uchun ota-ona farzandlari bilan munosabatga kirishshda pedagogik odobga rioya qilish yoritib berilgan.*
**Kalit soʻzlar:** *Ota-ona, farzand, munosabat, odob, axloq, samimiyat, mehr, muhabbat, odat.*

**Аннотация:** *в этой статье освещаются отношения между детьми и родителями, отношение и установки родителей, факторы в семейных отношениях, динамика, педагогический этикет в обращении с детьми, чтобы обеспечить позитивные отношения между родителями и детьми.*
**Ключевые слова:** *родитель, ребенок, отношение, воспитание, нравственность, искренность, доброта, любовь, традиции.*

**Annotation:** *this article highlights the relationship between children and parents, relationship between parents, factors in family relationships, dynamics, pedagogical etiquette in dealing with children to ensure a positive parent-child relationship.*
**Key words:** *parent, child, attitude, education, morality, sincerity, kindness, love, tradition.*

Oilaviy hamda avlodlararo munosabatlar masalalarini oʻrganish borasida ilmiy tadqiqot ishlari soʻnggi yillar mobaynida butun dunyo miqiyosida jadal tus olib bormoqda. Jumladan, chet el psixolog va soцiolog olimlari, Fransiyada A.Villi, E.Dyurkgeym, P.Jane, Germaniyada T.Shrayber Amerikada K.Byuler, V.Metyuza, Dj Bruner, S.Xoll, U.Djeyms, D.Cheyni, Shveysariyada E.Klapared va boshqa koʻplab tadqiqotchilar tomonidan bu sohada bir qancha ishlar amalga oshirildi.

Bizning nuqtai nazarimizcha, bolalar va ota-onalar munosabati, ota-onalik munosabati va ota-onalik ustanovkalari kabi bir-biri bilan bogʻliq, lekin shu bilan birga bir-birini toʻldiruvchi hamda koʻpincha sinomim tarzida qoʻllaniladigan tushunchalarni bir-biridan farqlash lozim. Bolalar va ota-onalar munosabatlarining oʻziga xosligi shundan iboratki ular ikki tomonlama munosabatlardan tarkib topib, har ikki tomon ota-ona va bola munosabatlar tizimini faollik bilan shakllantiradi. Bu munosabatlar avval boshidan teng huquqli munosabatlar boʻlmasada-biroq doimo teng huquqlilikka intiladi. Bola shaxsining shakllanganligi esa bunday munosabatlarning mahsuli boʻlib hisoblanadi.

Shunday qilib, bolalar va ota-onalar munosabatlarini bevosita qarindoshchilikka ega boʻlgan kattalar hamda bolalar oʻrtasidagi munosabatlar tizimi sifatida talqin qilish mumkin: ular bola tugʻilishi bilan paydo boʻlib, ota-ona va bolaning oʻzaro ta'sirli hamkorligi jarayonida oʻzining alohida dinamikasi hamda oʻziga xoslik bilan tavsiflanuvchi mohiyatga ega boʻlib boradi. Bunday munosabatlar quyidagi uchta omil: ota-ona, bola munosabatlarining madaniy tarixiy mazmuniga ega.

Oilada bolalar bilan toʻgʻri munosabatga kirishish juda muhim ahamiyatga egadir. Oila bolalarni Vatanga muhabbat, mehnatga va xalq boyliklariga ongli munosabat, nuqsonlarga murosasozlik ruhida tarbiyalash uchun katta imkoniyatlarga ega. Oila xususan, bolaning hissiyoti va emoцional madaniyatini tarbiyalashda katta imkoniyatlarga ega.

Ota-ona va bolalar oʻrtasidagi munosabatning ijobiy tus olishi uchun ota-ona farzandlari bilan munosabatga kirishayotganlarida pedagogik odobga rioya qilmoqlari kerak. Ota-onaning aytgan har bir soʻzi ta'sir qiladigan boʻlmogʻi, soʻzning aytilish formasi, shu soʻzning formasiga mos keladigan holda chehraning ochiq yoki vajohatli boʻlishi pedagogik ta'sirning ta'sirchanligini oshiradi. Aksincha, pedagogik odobga rioya qilmaslik bolani haddan ortiq sevish yoki berahm, qattiqqoʻl munosabatda boʻlish ota-ona bilan bola oʻrtasidagi oʻzaro muomalaning buzilishiga sabab boʻladi. Ota-onalar va bolalar oʻrtasida munosabatlarning

ijobiyligini ta’minlashda xar bir bolaga alohida muomala va munosabatda bo‘lish zarur. Bunda bolaning yoshi, o‘sha davrdagi holati hisobga olinishi kerak. Bolani yoshini, ma’lum vaziyatdagi holatini yaxshiroq tushunish uchun o‘zimizni bolaning o‘rniga qo‘yib ko‘rishimiz kerak. Shunda biz bolaning ichki olamini, xohish – istagini anglab yeta olamiz.

Ota-ona va bolalar **o**‘rtasidagi ijobiy munosabatni yuzaga keltirish k**o**‘p jihatdan ota-onalarning **o**‘z bolalarini, ularning fe’l atvori, xarakter xislatlari, qiziqishlari kabilarni bilishlariga bog‘liqdir. Shu jihatdan xar bir ota-ona eng avvalo **o**‘z bolalarini har tomonlama bilishlari va shu asosda munosabatda b**o**‘lishlari lozimdir.

Keltirilgan fikrlarga asoslangan holda quyidagi xulosa va tavsiyalarni berish maqsadga muvofiq:

- Bolalarga samimiyat bilan munosabatda bo‘luvchi, lekin ularga ko‘p narsalarni ruxsat etuvchi ota-onalarning farzandlari faollik, mustaqillik, o‘rtoqlik, ijodga intilish kabi xususiyatlarga ega bo‘lish bilan birga ularda salbiy sharoitlar shakllanishiga keng imkoniyat yaratilishi mumkin.
- Bolalarga samimiyat bilan qarovchi, lekin ularni ko‘p jihatdan cheklovchi ota-onalarning bolalari xushmuomala, yon bosuvchan bo‘lib, ularda ijodkorlikka, mustaqillikka intilish kamroq namoyon bo‘ldi.
- Bolalarga sovuq munosabatda bo‘luvchi, lekin ularga ko‘p narsalarni ruxsat etuvchi ota-onalarning farzandlari ko‘pincha ota-onalariga befarq munosabatda bo‘ladilar, lekin buni xulq-atvorlarida har doim ham namoyon qilmaydilar. Shuningdek, ular odatda tortinchoq kattalarga ishonmaydigan bo‘ladilar, ijtimoiy yolg‘izlikni afzal ko‘radilar.
- Farzand bilan ota-ona o‘rtasidagi yaqin munosabat o‘z-o‘zini anglashni rivojlanishiga turtki b**o‘lishi** mumkin.

Ilgari surilgan xulosalarga muvofiq quyidagi tavsiyalarimiz ota-onalar va o‘qituvchilarga mo‘ljallangan.

- Shaxsda o‘z-o‘zini anglashni shakllanishi xususiyatlari to‘g‘risida ota-onalar va o‘quvchilar to‘liq tasavvurga ega bo‘lishlari kerak.
- Ota-onalar o‘z farzandlarining qiziqishlari imkoniyatlari va qobiliyatlarini to‘g‘ri baholashlarga o‘rganishlari lozim. Faqat shundagina ular o‘z farzandlarini o‘z-o‘zini to‘g‘ri baholash va o‘z-o‘zini rivojlantirishga o‘rgatishlari mumkin.
- Oiladagi psixologik iqlimning buzilishi bola xulqida negativ xususiyatlarni shakllantirishini inobatga olgan holda ota-onalar oilada hamkorlik muhitini yaratishga odatlanishlari maqsadga muvofiq.
- Samimiy o‘rnatilgan muloqot bola shaxsida rostgo‘ylik, saxiylik, mustaqillik sifatlarni tarkib toptiradi. Bu esa ota-onalarning o‘z farzandlari bilan bilan muntazam jonli muloqotda bo‘lishni taqazo etadi.
- O‘z-o‘zini anglash shaxsda axloqiy meyorlarni egallash omillaridan biri. Bu o‘rinda ota-onalar o‘z farzandlari uchun “yaxshi andoza”rolini bajarishi juda zarur.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: педагогика фанлари доктори дис. –Тошкент: ТДПУ, 1993.
2. Раҳимова К., Отажонова М. Болаларда маънавий тушунчаларни шакллантиришда актив методлардан фойдаланиш. / Фан ва тиббиёт. Технологиялар. 1999.
3. Йўлдошева Б. С. Ўзбекистонда ёшларни маънавий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик асослари. Пед.ф.н. ... ёзилган дисс. –Т.: 2000.
4. Воспитать человека: Сб. под ред. В.А. Березиной. – М.: Вентана-Граф, 2002.

**ДАУКАЕВА ХАЛИДА ИБРАХИМОВНА,**
*Преподаватель Международного университета туризма «Шелковый путь»*

# ВЛИЯНИЕ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА РОДИТЕЛЕЙ, ДЕТЕЙ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ СЕМЬИ

**Annotatsiya:** *ushbu maqola pandemiya va izolyaçuyaning oilaviy va oilaviy hayotga ta'sirini o'rganadi. Ijtimoiy uzoqlashish choralari odamlarning kundalik ijtimoiy hayotida keskin o'zgarishlarga olib keldi va shubhasiz, bunga katta ta'sir ko'rsatdi. Oilaviy hayot, maktab va ish kabi har xil sohalar birdaniga bir joyga to'planib, odamlar kutilmagan qiyinchiliklarga duch kelishdi. Ushbu maqolada oilalar ularni hal qilishda duch keladigan qiyinchiliklar muhokama qilinadi.*
**Kalit so'zlar**: *pandemiya, oila, ota-onalar, bola, o'spirin, karantin, izolyaçuya.*

**Аннотация:** *данная статья посвящена изучению влияния пандемии и карантина на семью и семейную жизнь. Меры по социальному дистанцированию вызвали резкие изменения в повседневной социальной жизни людей, несомненно, оказывая на нее огромное влияние. Такие разные сферы, как семейная жизнь, школа и работа, неожиданно сошлись в одном месте и люди столкнулись с определенными непредвиденными трудностями. В данной статье обсуждают трудности, с которыми столкнулись семьи в период карантина и пути их решения.*
**Ключевые слова:** *пандемия, семья, родители, ребенок, подросток, карантин, изоляция.*

**Annotation:** *This article investigates the impact of pandemic and isolation on family and family life. Social distancing measures have caused dramatic changes in people's daily social life, undoubtedly having a profound effect on it. Such different areas as family life, school, and work suddenly converged and people faced unforeseen difficulties. This article discusses the difficulties families have encountered and some suggestions how to solve them.*
**Keywords**: *pandemic, family, parents, child, adolescent, quarantine, isolation.*

С марта 2020 года Всемирная организация здравоохранения признала распространение COVID-19 пандемией [4]. Чтобы замедлить распространение COVID-19, правительства многих стран в мире, включая Узбекистан, приняли радикальные меры по минимизации социальных контактов, закрывая общественные места, требуя от людей сохранять физическую дистанцию и оставаться дома. В Узбекистане в марте 2020 года был объявлен карантин были введены меры социального дистанцирования, которые заставили всех граждан страны оставаться дома и работать по возможности удаленно.

Работа общественных мест была приостановлена (театры, кино, торговые центры, общественный транспорт). Эти меры по социальному дистанцированию (так называемая «изоляция») вызвали резкие изменения в повседневной социальной жизни людей, несомненно, оказывая на нее огромное влияние. Такие разные сферы, как семейная жизнь, школа и работа, неожиданно сошлись в одном месте, и семьи столкнулись с непредвиденным увеличением количества часов, проведенных вместе под одной крышей. Это оказало на семьи как положительное, так и отрицательное влияние.

Для семей проведение большего количества времени вместе во время изоляции помогло сблизиться друг с другом и укрепить связи, организовать совместное времяпрепровождение, найти общие интересы, больше узнать о жизни друг друга. Однако ряд факторов, характерных для кризиса COVID-19, таких как финансовая необеспеченность, беспокойство о собственном здоровье и здоровье окружающих, неопределенность в отношении продолжительности карантина, отсутствие социальной и физической активности и скука, негативно влияют на настроение и психическое благополучие человека [2]. Более того, родители, имеющие в доме детей, также испытывали стресс, поскольку им приходилось совмещать работу и семью. Это создавало определенные трудности, такие как отсутствие достаточного пространства для работы, шум и одновременная забота о семье. Родители должны были контролировать обучение детей на дому, что также было непросто и создавало много стрессовых

ситуаций. Как следствие, такое ограничение свободы являлось причиной роста напряженности, раздражительности, семейных конфликтов, а в худшем случае - домашнего насилия или жестокого обращения с детьми [10]. Так, в соответствии с источниками, В 2020 году в Узбекистане также наблюдался рост домашнего насилия [3].

Важнейшим аспектом возникновения стрессовых ситуаций являлась неопределенность. Неопределенность является одним из ключевых факторов, определяющих уровень переживаемого стресса. Поскольку всемирная пандемия COVID-19 повлияла на повседневную жизнь всех людей, уход от сопровождающей ее неопределенности представляется невозможным. Следовательно, родители могут испытывать больший стресс в сложившихся обстоятельствах, что, в свою очередь, может повлиять на их родительское поведение.

Проблемы психического здоровья родителей, такие как одиночество, безнадежность, депрессивные симптомы и родительский стресс являются факторами риска для более стрессовой домашней обстановки в семье. Самой уязвимой группой семей в период пандемии оказались семьи с низким уровнем дохода. Чтобы уменьшить влияние пандемии и карантина на уязвимые слои населения, по решению Правительства Узбекистана этим семьям была организована регулярная финансовая поддержка.

Дети и подростки также имели трудности в условиях пандемии и изоляции. Подростки стремятся стать независимыми и уделяют больше внимания общению и проведению времени с друзьями, а не со своими семьями, тогда как в условии пандемии и карантина они проводили все свое время дома с семьей, будучи оторванными от своего ежедневного общения с друзьями.

Тем не менее, введение карантинных мер также имело положительный эффект на население и семьи Узбекистана. Время, которое родители проводят со своими детьми, является важным фактором, определяющим детское развитие. Изменения в занятости родителей, вызванные пандемией COVID-19, увеличили время, которое родители начали проводить со своими детьми. Было увеличено время на уход за детьми. Но очень важно правильно организовывать досуг, чтобы проводить не только больше времени с детьми, но и проводить его более качественно.

В период, когда школы закрыты, у родителей может быть больше возможностей провести время с детьми, и это может привести к более позитивному взаимодействию между родителями и детьми. Однако сбои в работе, вызванные изменениями в распорядке дня и экономические изменения, или угроза болезни могут привести к более негативному взаимодействию.

Плюсом является то, то пандемия произошла в технологический век, и будучи изолированы друг от друга, люди имели возможность общаться, обмениваться чувствами и идеями, быть в курсе всех новостей, работать онлайн. В ответ на социальное отдаление, онлайн-контакты с родственниками или друзьями помогли справиться с ситуацией и родителям, и подросткам. Кроме того, родители и подростки назвали просмотр телепередач полезным занятием, помогающим избежать скуки и узнавать новую информацию. Другие виды деятельности, помогающие справиться с ситуацией различны у родителей и подростков. В то время как родители помогало общение с семьей, приготовление пищи, подросткам помогал отдых и прослушивание музыки.

Несмотря на усиление стресса и неопределенности вокруг пандемии COVID-19, она помогла усилить чувство социальной связанности и морали, у всех было чувство общности и равности перед данной проблемой. В семье никто не оставался дома один, и человек все еще мог общаться в режиме онлайн с другими людьми за пределами семьи.

Появилось множество вариантов удаленной работы, люди освоили новые навыки, что позволило им стать свободнее и независимее.

Пандемия показала, насколько уязвимо человечество как физически, так и психологически. Принимая во внимание все вышеперечисленные и многие не упомянутые факты, следует сделать выводы из данной ситуации.

Очень важно формировать семейные ценности и традиции и проводить вместе время не вынужденно, а запланировано и с радостью. Важно сформировать ежедневную рутину в семье, которая включает в себя совместное времяпровождение по вечерам, время без использования интернета и социальных сетей.

Дети чувствуют психологическое состояние родителей, поэтому для нормального формирования ребенка очень важно создавать в доме положительную обстановку. В разговоре с детьми о COVID-19 важно, прежде всего, нужно обеспечить открытую и благоприятную атмосферу, в которой дети знают, что могут задавать вопросы и получить ответы. Однако не менее важно не заставлять детей говорить об этом, пока они не будут готовы. Отвечая на вопросы детей, необходимо быть честными. Это может повлиять на их способность доверять родителям в будущем. Дети могут задавать один и тот же вопрос несколько раз либо потому, что им трудно понять концепцию, либо для того, чтобы получить заверения.

Важно помнить, что дети учатся, наблюдая за своими родителями, учителями, медицинскими работниками и т.д. Им будет интересно узнать, как взрослые реагируют на события и как они обсуждают эти события друг с другом. И это будет формировать их отношение к ситуации и жизни.

Важно демонстрировать спокойствие и делать все возможное, чтобы формировать их мировоззрение. В этой связи мы должны стараться не позволять нашим детям слишком много смотреть телевизор с тревожными или пугающими программами.

Очень важно, приняв во внимание все те трудности, с которыми мы столкнулись в период пандемии и карантина, создать в семье обстановку надёжности, спокойствия и взаимоуважения.

**Список использованной литературы:**


1. Bavel J., Baicker K., Boggio P., Capraro V., Cichocka A., Cikara M., et al. Using social and behavioural science to support COVID-19 pandemic response. Nature Human Behaviour. Nature Publishing Group. - 2020. pp. 460–471.
2. Cava M., Fay K., Beanlands H., McCay E., Wignall R. The experience of quarantine for individuals affected by SARS in Toronto. Public Health Nursing. - 2005. – pp. 398–406.
3. https://www.gazeta.uz/ru/2021/03/08/women/
4. http://www.euro.who.int/en/health-topics/health-emergencies/coronavirus-covid-19/news/news/2020/3/who-announces-covid-19-outbreak-a-pandemic#:~:text=COVID-19



**ОЧИЛОВ ФАРИДДУН ИЗАТУЛЛОЕВИЧ,**
*Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**АХУНОВА ДИЁРА УРУНБОЙ ҚИЗИ,**
*Бошланғич таълим йўналиши 2-курс талабаси*

**СОЛИХОВА ШУКРОНА АЮБЖОНЗОДА,**
*Бошланғич таълим йўналиши 2-курс талабаси*


## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ШАХСИЙ-ИНСОНИЙ ВА ФУҚАРОЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикамизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлаш ва таълимни ташкил этишнинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган самарали тизими яратилди ва бугунги кунда ҳам олий таълимни модернизациялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Таълим ислоҳатларидаги “мажбурий итоаткорликдан онгли инти-зомлилик” тамойили ҳозирда педагогик жараённи ислоҳ қилишдаги асосий тамойил бўлиб хизмат қилмоқдаки, бу соғлом авлодларни таълим-тарбиялаш учун педагогик жараённинг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш имконини беради. Педагогик жараёнга янгича мазмун бахш этишда педагогик жараённинг негизлари, яъни таълим

берувчи ва таълим олувчи ва унинг билиш эҳтиёжини қондирувчи, шу асосда соғлом авлодларни шаклланишида иштирок этувчи барча субъектив ва объектив омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Нима учун бугун айнан мактабгача таълим муассасалари ишларига эътибор кучайтириляпти, чунки айнан боланинг 5-7 ёшгача даврида унинг онгида зарур бўлган 70-75% ахборотлар шаклланади. Мана шу омилнинг ўзи ушбу ёшдаги таълим-тарбия ишларининг нақадар маъсулиятли эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримов шундай деган эди "Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таасуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади[60].

Шунинг учун ҳозирда бошланғич синф ўқитувчиларини олий таълим муассасаларида тайёрлаш ва кейинчалик малакасини ошириш тизимида соғлом авлод таълим-тарбияси билан шуғулланувчи педагог кадрларни маҳоратини ошириш, билим бериш сифатини такомиллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, педагогик нутқ маданияти, педагогик махорат кўникма ва малакаларини шакллантириш, таълим-тарбиянинг инновацион технологияларини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиларини олий таълим муассасаларида тайёрлаш ва кейинчалик малакасини оширишда педагогларнинг ички ва ташқи имкониятларини, билим олиш услубларини билган, аниқ эхтиёжларини ўрганган ҳолда, уларга соғлом авлодларни тарбиялаш жараёнига педагогик технологиялар асосида ёндошиш, уйғунлаштирувчи ва умумий таъсир этувчи шарт-шароитларнинг яратилиши йўл-йўриқлари тарғиб қилинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, «бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»[61].

Айниқса, педагогларнинг шахсий (инсоний) ва нисбий хусусиятларини, касбий ва фуқаролик хусусиятларини ўрганиш, улардаги демократик ва инсонпарварлик тамойиллар даражасини, илмий билим ва салоҳиятини аниқлаш, педагог фаолиятининг инновацион хусусиятларини ривожлантириш, уларнинг педагогик технологияларни ўзлаштириш даражасига эътибор қаратиш, педагогик маҳоратини ошириш каби омиллар соғлом авлодларни шакллантириш жараёнини такомиллаштиришга одилона ёндашиш имконини яратади.

Шу ўринда педагогик технологиялар соғлом авлодларни шакллантириш жараёнини бошқариш омили сифатида педагогиканинг бошқа йўналишлари каби қуйидаги таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш зарур.

• Педагогик технологияларнинг таълимий хусусиятлари – муайян фан ёки ғоялар ҳақидаги умумий-фронтал, соҳавий-тармоқли ёки алоҳида-хусусий билимлар мажмуаларини ўрганиш, уларни бошқа соҳа, тармоқ, фанлар билан алоқадорлигини таҳлил қилиш, амалий асослаш ва амалиётдаги аҳамиятини белгилаши билан характерланади.

• Педагогик технологияларнинг тарбиявий хусусиятлари – ақлий, ахлоқий, этик, маънавий, руҳий тарбия жараёнларига таъсир кўрсатади.

• Ривожлантирувчи хусусиятлари шахснинг интеллектуал салоҳияти ошади, ундаги сезги, диққат, хотира, тафаккур, идрок, темперамент, фаолият, ҳиссиёт ва ирода каби психо-педагогик жараёнларни ривожлани-шига таъсир кўрсатади.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-инсоний, фуқаролик хусусиятлари – уларнинг ўзлигини англаш, шу асосида таълим-тарбиянинг долзарб масалаларини тушуниб етиш, ўз шахсий сифатларини, нисбий кучли ва кучсиз тамонларини таҳлил қила олишга йўналтирса, касбий хусусиятлари касб маҳорати мезонлари даражасини эгаллашга, касбий бурч ҳамда касб маҳорати ҳақида қандай фикрда эканлигини таҳлил қила олишга йўналтиради. Зеро, бу хусусиятларсиз ташқаридан унинг шахс фаолиятига ҳам, шунингдек, касб фаолиятига ҳам таъсир қилиш мумкин эмас. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари малакасини ошириш муаммолари ўрганилганда

[60] Каримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч.-Т.: "Маънавият", 2008.- 53 бет.

[61] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси. Т.: "Ўзбекистон", 2018 Т.: 19-20 бетлар.

ушбу омиллар ўрганилиб, педагогик фаолиятнинг инновацион хусусиятларини ривожлантиришга эътибор қаратилади. Бошланғич синф ўқитувчиларини фаолияти инновацион хусусиятларининг асосан уч кўриниши педагог олимлар томонидан алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар акмеологик, рефлексив, креативлик хусусиятлардир.

Шундай қилиб, ушбу талаб ва хусусиятлардан кўриниб турибди,ки соғлом авлодларни шакллантириш жараёни мактабгача таълим муассасалари педагог-ходимларидан таълим мазмуни, унинг структураси, замонавий билимлар, махсус касбий кўникма ва малакалар билан қуролланиб қолмай, балки фанлар ривожи, унинг концептуал асослари, бошқа фанлар билан алоқадорлигини ўрганишни ва юксак маҳорат, инновацион хусусиятларни, бошқарувчилик қобилиятини талаб этади. Педагогик адабиётларда[62] тарбия технологиясининг таркибий қисмлари қуйидагича белгиланган:

1) тарбияни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж (рағбат);
2) тарбия мақсади;
3) тарбия мазмуни
4) тарбия беришнинг (шакли, методи, усули ва техник воситалари)
5) ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти
6) ўқувчи (тарбияланувчи) фаолияти
7) тарбия самараси

Бизнинг фиикримизча ушбу тарбия технологиясининг таркибий қисмларидан тарбия методлари ва усулларининг инновацион турларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали соғлом авлоднинг рақобатбардош тарбиясини самарали таъминлаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Тарбия мазмунининг мукаммал белгиланган қонуниятлари мавжуд бўлиб, у асрлар давомида ҳар бир даврнинг талабларига мос равишда такомиллаштирилиб келинган. Тарбия мазмунида тарбияланувчининг ёши ва ижтимоий келиб чиқишига қараб белгиланган тарбиявий мақсад ва вазифаларга мувофиқ улар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда ахлоқий сифатлари мужассамлашган.

**Д.А.АЛИМОВА**
*Тарих фанлари доктори*

## ТУРКИСТОН МИЛЛИ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ ОИЛА МАВҚЕИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

*(Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарини аҳамияти)*

**Аннотация:** *муаллиф оиладаги тинчлик ва тотувлик жамиятдаги хотиржамлик ва фаровонликни таъминлашини тўғри таъкидлайди. Бу борадаги фикрларини Абдурауф Фитратнинг "Оила ёки оила бошқариш тартиблари" китобидаги мисоллар ёрдамида асослашга ҳаракат қилади.*
**Калит сўзлар:** *оила, одоб-ахлоқ, жадидчилик, маърифатпарварлик, халқ, ички интизом*

**Аннотация:** *автор правильно утверждает, что мир и спокойствие в семье служит обеспечению стабильности и благополучия в обществе. Он старается обоновать свои мысли, опираясь на примеры из произведения Абдурауфа Фитрата «Семья или правила управления семьей».*
**Ключевые слова:** *семья, нравственность, джадидизм, просветительство, народ, внутренняя дисциплина*

**Annotation:** *He tries to smell his thoughts, drawing on examples from the work of Abdurauf Fitrat «Family or the rules of family management.»*
**Keywords:** *family, morality, Jadidism, enlightenment, people, internal discipline*

Маълумки, инсоннинг тақдири, келажак ҳаётидаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсизлиги, касб танлаши, ҳаттоки, кайфияти, унинг оилавий муҳити билан боғлиқдир. Оиланинг

[62] Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт –Т: "ФАН" 2005.-Б 22-24.

тақдири эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқлиги азалий ҳақиқат. Чунки оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бўғини, кичик бир вакили бўлиб, айнан оила заминида халқимизнинг бугунги куни ва келажаги бунёд этилади. Агар оилада тартиб-интизом бўлса, унинг аъзолари шу хислатларини хизмат жараёнига кўчиради ва ижтимоий меҳнат фаолиятларида қўллайдилар. Бу эса уларнинг ўз хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришларига сабаб бўлади. Оила бу одобу ахлоқ, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик асосида қурилган бўлиши инсонлар ўртасидаги муносабат ва мулоқотларда ўта муҳим ва шахснинг феъл-атвори, юриш-туришида алоҳида аҳамият касб этади. Агар оила ўз фарзандини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияласа, бу ҳис-туйғу унга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади. Бу фикрлари ХХ аср бошида марифат тарқатган миллий тараққийпарварларга оид. Ҳозирги даврда уларни бу масалада билдирган, орзу қилган умидлари мамлакатимизнинг мустақиллик даврида амалга ошди ва оилаларимизнинг ижтимоий ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи кўплаб муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Маълумки, оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси аждодларимиздан бизга ўтган билим ва тажриба, маданий қадриятлар ва замондошларимизнинг эришган ютуқлари негизида барпо бўлади. Бизнинг давримиз оилаларимизга замонавий технология ва жаҳоннинг юксак тараққиётга эришган ривожланган давлатларида юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги тасаввур ва қарашлар ҳамда ахборотларининг кириб келаётганлиги билан ажралиб туради. Бироқ ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг оилавий анъана ва урф-одатлари юқори маданий даражада бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” китобида ўз аксини топган. Бу соҳада тўпланган билимлар асосида ёзилган асар муаллифи Абдурауф Фитрат оила тўғрисида ўз билимларини Шарқ ва Ғарб олимларининг кўплаб илмий тадқиқотлари билан танишиб чиқиш жараёнида мустаҳкамлаб, ниҳоят оила масаласида шундай мукаммал йўриқномани дунёга келтирдики, ҳозирги кунга қадар ҳам унинг долзарблиги ва аҳамияти йўқолгани йўқ.

Китоб Бухорода 1914 йили ёзилиб, 1915 йилда чоп этилган. Асарнинг ношири Мирзо Абдувоҳид Мунзим бўлган. Ўша даврдаёқ асар Марказий Осиё ва бошқа минтақаларда кенг тарқалган. Ва жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортган.

Бу тўғрида батафсил тўхиалишдан аввал, биз Абдурауф Фитратнинг қандай етук сиёсий рахбар ва олим бўлганлигини ўнинг таржимаи холидан билиб оламиз.

Бухоро жадидчилигининг энг атоқли вакили, сиёсий арбоб, шоир ва олим, публицист ва драматург, маърифатпарвар Абдурауф Абдураҳим ўғли – Фитрат (тахаллуси) 1886 йили Бухорода хизматчи оилада туғилган. Бошланғич таълимни эски мактабда олган, сўнгра Мир Араб мадрасасида ўқишни давом эттирган. 1902 – 1903 йилларда А. Фитрат Маккага ҳаж сафарини амалга оширган, Туркияга, Ҳиндистонга ва қатор араб давлатларига ташриф буюрган. Кейинчалик Москвада, Санкт-Петербургда бўлган.

1909 – 1913 йилларда ХХ аср бошларида асос солинган «Тарбияи атфол» жамияти кўмагида Истанбулда таҳсил олган. 1911 йилда чоп этилган «Сайҳа» («Наъра») шеърий тўплами унинг фаол ижодий фаолияти маҳсули эди. Туркиядан қайтганидан кейин А. Фитрат Бухорода маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланган ва «Бухоро таълими маориф жамияти» маориф жамиятини ташкил этган. «Ёш бухороликлар» ҳаракатида фаол иштирок этиб унинг асосий мафкурачиларидан бирига айланган ва Ф. Хўжаев билан биргаликда 1920 йили илгари сурилган Ислоҳотлар дастурининг муаллифи бўлган.

У халқ хўжалигининг турли соҳаларини, айниқса, таълим тизимини яхшилаш бўйича сезиларли ишларни амалга оширган. Унинг ташаббуси билан бир гуруҳ истеъдодли ёшлар Истанбул, Берлин, Москвага ўқишга юборилган. А. Фитрат шарофати билан Бухоро мактаблари ўқув жиҳозлари билан таъминланган, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар чоп этилган.

А. Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари», «Саёҳати баёни ҳинди» («Ҳинд сайёҳи қиссаси»), «Мунозара» асарлари халқ, айниқса, ёш авлод онгида инқилобий ўзгаришлар ясаган, негаки бу асарларда жамият ўзгариши учун «Нима қилмоқ керак?» деган савол қўйилган ва «маърифатга эришиш» деб жавоб берилган.

Амирнинг жадидларга қарши уюштирган таъқиби натижасида А. Фитрат Самарқандга кўчиб келган, бу ерда 1917 йил апрелидан 1918 йил мартигача «Ҳуррият» газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. 1918 йилда Тошкентга кўчиб келган, бу ерда асосан илмий, ижодий ва маърифатчилик фаолияти билан

шуғулланган, бир нечта дарсликлар ёзган, «Чиғатой гурунги» ижтимоий-адабий ташкилотининг ташкилотчиси ва фаол аъзосига айланган.

Бухорода 1920 йилги инқилоб ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан кейин А. Фитрат маориф нозири (вазири) лавозимини эгаллаган, сўнгра 1921 – 1922 йилларда ташқи ишлар нозири бўлиб ишлаган, шунингдек, бошқа масъул вазифаларда фаолият юритган.

У қилмаган ишлари учун ноҳақ айбловлар натижасида сиёсат майдонини тарк этишга ва Москвага кетишга мажбур бўлган.

1923 – 1924 йилларда Москва ва Ленинградда яшаган, Шарқ тиллари институтида ишлаган, у ерда турк, араб, форс тили ва адабиётидан дарс берган ҳамда адабиётшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар билан шуғулланган. Ленинград университети профессори этиб сайланган. Илмий жамоатчиликка унинг манбашунослик соҳасидаги кашфиётлари, тарихий характердаги асарлари ҳам маълум.

Ўзбекистонга қайтганидан кейин А. Фитрат ўзининг маданий-маърифий фаолиятини давом эттирган ва унинг ижодий мероси «Абулфайзхон», «Бедил», «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби тарихий-адабий, фалсафий асарлар билан бойиган. Ўзбек тили қоидаларига бағишланган «Сарф» («Морфология») ва «Наҳв» («Синтаксис») асарлари уни тилшунослик билимдони сифатида машҳур қилган. Мусиқашунос сифатида ноёб манбаларга айланган «Шашмақом», «Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи», «Шарқ мусиқаси» илмий асарлари муаллифига айланган.

Абдурауф Фитрат умрининг сўнгги йилларида республиканинг илмий-тадқиқот муассасаларида, Самарқанд ўқитувчилар малакасини ошириш институтида, Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида ишлаган.

1937 йилда у «халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган ва 1938 йили Тошкентдаги Бўзсув анҳори ёқасида отиб ташланган.

Аммо Абдурауф Фитрат, сафдошлари каби халқ хотирасида абадий қолди. Чунки Абдурауф Фитрат XX аср бошларидаги миллий тараққийпарвар ҳаракат бўлган Туркистон ва Бухоро жадидчилигининг кўзга кўринган вакили эди. Миллий зиёлилар ва тараққийпарвар кучларнинг мустамлака бўлган Туркистоннинг чуқур инқирозга юз тутганлигини, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг аянчли аҳволини, уларнинг умумжаҳон жараёнларидан анча орқада қолиб кетганлигини, маҳаллий халқнинг эрк ва ҳурриятга интилишларини буғиш сабабларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётда турғунлик ва депсиниш ҳолатларини англаб етиши, уларнинг онгида жамиятни ислоҳ қилиш ғоясини туғдирди. Биринчи навбатда ислоҳот маданий-маиший ва маънавий ҳаётга тегишли эди. Жадидларнинг фикри бўйича, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир-оқибатда миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ. Бу ғоя Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида ўз ифодасини топган: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”, – деб ёзади у.

Фитрат асарда чуқур ва кенг билимларга асослангани боис ўткир мутахассис сифатида фикр юритади. У инсонларга ахлоқ-одобдан сабоқ беришга, оила тутиш қонун-қоидаларини одамларга ўргатишга ҳаққи бор, зеро, бу масалада билим даражаси бўйича, у билан замондошларидан ҳеч ким тенглаша олмас эди. Истисно тариқасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Ҳифзи сиҳати оила”, (“Оила соғлигининг ҳимояси”) мақоласини тилга олмаслик мумкин эмас, лекин Фитратнинг китобидан сўнг чоп этилган бу мақолада муаммо фақат қисман ёритилган эди. Исломшунослик фани ва дунёвий илмлардан бохабар бўлган Фитрат асарда ҳуқуқшунос, социолог, педагог ва табиб сифатида намоён бўлади. У тадқиқ қилга масалалар доираси жуда кенг бўлиб, нима учун оила қуриш керак? Саволига жавоб беришдан тортиб то ота-оналар ва болалар ҳуқуқлари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлао муаммоларини ўз ичига олади. Ўқувчи эмизикли гўдак болани боқиш ва тўғри паваришлаш тизими ҳақида ҳамда она бўлишга тайёрланаётган ёш аёлларнинг ўзини қандай тутиши кераклиги, оилада тотувликда, аҳил ва иноқ яшаш учун турмуш ўртоқлари бир-бирларига қандай муносабатда бўлишлари, оила мажбуриятларини қандай тақсимлаш зарурлигини диққат билан ўқиб зарур хулосалар чиқаради.

Абдурауф Фитратнинг фикрича, фарзандни тўлақонли камол топтириб, ўстириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан иборат куп таркибли тарбия бериш муҳимдир. Фитрат боланинг руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳиятларининг нисбати ва ўзаро боғланиши масаласига катта этибор берар экан, у бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги истеъдодли руҳшунос-педагог сифатида кўринади. "Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳини тарбиялаш лозим", – деб ёзади у. "Болалрни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўрганмоқ керак... Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмасликлари, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишини қўллаб-қувватлаши керак", – дейди. Тарбиянинг ҳар бир қисмини номлаган Фитрат меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндошади ва ота-оналари "... бу ишда уларга (болаларга – Д.А.) чидам, ғайрат ва журъат этишини,эртага бахтга эришгандан сўнг, бу бахт кечаги заҳмат натижасида юзага келганлигини тушунтиришлари лозим, шунда болалар бахт сиридан хабардор бўладилар", деб ишонтиради.

Фитрат рисоласи инсонпарварлик ҳис-туйғулари билан йўғрилган бўлиб, айниқса, бу оилада аёллар мавқеи масаласида яққол кўринади, зеро аёл – рафиқа, фарзанд ва онадир. Фитрат аёл киши ўзига эътибор ва нозикҳислик муносабатини талаб қилувчи, оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини исботлайди. Аёллар, қизлар билим олишга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ интилишлари лозим, зеро бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар; фарзандларнинг келажакда қандай шахс бўлиб вояга етишлари, уларга оналари нима бера олганликларига боғлиқ бўлади. Фитратнинг бу нуқтаи-назари ҳозирги кунимиз учун ҳам жуда муҳимдир.

Фитрат ўз қарашларини Қуръон оятлари ва ҳадислардан далиллар келтириб тушунтиради. Асар матнида келтирилган Қуръон оятлари Абдурауф Фитратнинг эркин таржимасида мазмуни ихчамлаштирилган ва баъзан мазмун баёни шаклида берилган.

Оила муаммолари ҳақида сўз юритар экан, муаллиф ўз даври ва замонасига хос бўлган таълим-тарбиянинг ноўрин ва зарарли усулларидан ҳам мисоллар келтиради. Абдурауф Фитратнинг кўп фикрлари ва хулосалари ҳозир ҳам долзарб ва замонавийлигини унинг қуйидаги фикри билан исботлайди: "Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб, хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ".

Ҳозирги давр кундалик ҳаётимизни назарга олганидек у: "Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир", дея уқтирган.

Ўйлаймизки, биз маърифатпарварларимиз билдирган фикрларга биз жиддий муносабатда бўламиз. Уларни ттажрибасини ўзлаштирамиз, чунки биз ундан ўзимиз учун, оиламиз ва фарзандларимиз тарбияси учун кўп қимматли сабоқлар олишимиз мумкин.

**ХАЙДАРОВА ХИЛОЛА ХИСЛАТОВНА**
*ЎзМУ таянч докторанти*

## ШАҲАР ҚИЁФАСИ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ТИМСОЛИДА

**Аннотация:** *мақолада шаҳардаги оилавий фаровонликнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Шаҳар ҳудудидаги оилалар фаровонлигини таъминлаш маълум кўрсаткичлар асосида қишлоқ оилалари билан таққосланган ҳолда ўрганилган. Шунингдек, шаҳардаги замонавий ва анъанавий оилалар қадриятлар кесимида солиштирилган.*

**Калит сўзлар:** *оила фаровонлиги, моддий таъминланганлик, замонавий оила, анъанавий оила.*

**Аннотация:** *в статье анализируется современное состояние благополучия семьи в городе. Обеспечение благосостояния городских семей изучено в сравнении с сельскими семьями по определенным показателям. Также сравниваются современные и традиционные семьи в городе с точки зрения ценностей.*

**Ключевые слова:** *семейное благополучие, материальная обеспеченность, современная семья, традиционная семья.*

**Annotation:** *the article analyzes the current state of family well-being in the city. Provision of the well-being of urban families was studied in comparison with rural families according to certain indicators. It also compares modern and traditional families in the city in terms of values.*

**Keywords:** *family well-being, material security, modern family, traditional family.*

Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, оиланинг фаровонлиги жамият фаровонлигини таъминлайди. Шу сабабли узоқ йиллардан бери “оиланинг фаровонлигини таъминлаш” муаммоси олимлар диққат марказида бўлиб келган. Масалан, жамиятдаги оилавий фаровонлик муаммоларини О. Конт, Э. Дюркгейм, К. Маркс, М. Мид, Т. Парсонс, М. Ковалевский, П. Сорокин каби олимлар умумназарий ёндашув асосида ўрганишган. Ундан ташқари А. Антонов, В. Белова, М. Э. Елютина, С. В. Климова, В. Борисов, Б. Бойко, Э. Васильева, А. Вишневский, А. Волков, А.А.Тараданов каби олимлар эса ушбу тадқиқотларни давом эттиришди. Ўзимизнинг социологларимиздан Н.Алиқориев, Н.Латипова, Л.Эрйигитова каби олимлар тадқиқотларида ҳам оила ва унинг фаровонлиги, чуқур таҳлил қилинган.

Оилавий фаровонликнинг чуқур ўрганилишининг асосий сабаби унинг бир нечта кўрсатгичларининг мавжудлигидадир, масалан моддий таъминланганлик, оиладаги ўзаро муносабат, фарзандларни тарбиялаш, руҳий барқарорлик, маънавий муҳит ва бошқа кўрсатгичлар.

Бугунги кунда оилаларни ҳудудий кесимда ҳам ўрганиб чиқиш жуда муҳимдир. Чунки, қишлоқ аҳолисининг ўзаро ҳамжиҳатлилиги туфайли қишлоқ шароитида оилаларнинг фаровонлик даражаси яққол намоён бўлади. Бироқ шаҳарда бундай дея олмаймиз. Зеро, кўп қаватли бинолардаги хилма хил оилалар ва бу худудда миграция жараёни кучлилиги бунга асосий сабабдир. Масалан, жорий йилда Самарқанд шаҳарида 7 та 16 қаватли ва иккита 25 қаватли уйлар барпо этилмоқда [1]. Бу эса яқин йилларда мингдан зиёд оиланинг уйли бўлиши ҳамда миграция жараёнини шакллантиришини англатади. Шаҳар худудида оилалар сонининг кўпайиши шаҳарнинг стратегик режасида уларнинг фаровонлигини таъминлаш бўйича чора тадбирларни кўпайтириш вазифасини юклайди.

Ҳар қандай оила фаровонликка интилади, бу аниқ ижтимоий ҳақиқат, у эса босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён ҳисобланади [2]. Оиланинг фаровонлиги оилавий қадриятлардан бири эркак ва аёл харакати ва мотивацияси асосида таъминланилади. Кўпгина олимлар оиланинг фаровонлигига иқтисодий жиҳатдан ёндошадилар. Бир томондан уларнинг фикри тўғри бўлиб, моддий қадриятларга эгалик қилишиниши оила фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири хисобланади. Чунки, оилавий муносабатлардаги кичик низолар кўп ҳолларда айнан моддиятга бориб тарқалмоқда. Шаҳардаги кўпгина оилалар моддий техникавий жиҳатдан яхши таъминланган бўлиб, уларнинг кўпчилигининг хонадонларида телевизор, дазмол, телефон, компютер, кир ювиш мошинаси, музлатгик каби бир қанча техника воситаларини кузатиш мумкин. Шаҳар оилаларининг фаровонлигини

таъминлашда кундалик эхтиёжидаги биргина техникавий таъминланганликга эътибор бериш ушбу муаммога фақат бир томонлама қараш демакдир. Зеро, овқатланиш, кийиниш каби кундалик эҳтиёжни таъминлаш учун ҳам оиланинг ўзини даромад манбаъи бўлиши ва бу оилавий жамғармани ҳосил қилиши лозим. Кўп ҳолларда шаҳардаги оила жамғармасини тўлдирувчилари бирдек оиланинг эркаги ва аёли зиммасида бўлади. Бироқ, айрим анъанавий оилалар тўғрисида бундай дея олмаймиз. Чунки, айрим анъанавий оилаларда эркаклар оилавий жамғармани тўлдирувилари ҳисобланади. Кўриниб турибдики, шаҳар экотизимидаги оилаларни шунингдек, замонавий ва анъанавий оилалар туркумига бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳардаги оилаларнинг анъанавий шакли оилавий муносабатларда яққол кўзга кўринади. Бундай оилавий муносабатларда анъаналар етакчи восита ҳисобланади. Замонавий оилалар муносабатлари замонавий дунёқараш асосига қурилган бўлиб, улар замонавийликни турлича талқин қилишади. Масалан, К.У. Нажмидинова "замонавий оилада, худди етук ва фозил жамият каби, бир томонлама, догматик, ҳақиқат ва тараққиётга зид, олға юриш учун тўсқинлик қиладиган одат ва интилишлар бўлмайди" деб ҳисоблайди [4].

Бугунги кунда техника воситалари замонавий шаҳар оилаларининг қадриятларига айланган. Қишлоқ ҳудудидаги оилаларда эса оддий тақинчоқдан тортиб, то уй жиҳозларигача қадрият сифатида эъзозланади. Қишлоқ ҳудудларидаги оилаларнинг кўпчилиги эски жиҳозларни ташлаш ва жиҳозларни янгилаш масалаларига кўп ҳам эътибор бераверишмайди. Хусусан, Олга Бредникова ҳамда Олга Ткачларнинг кузатуви буни яна бир бор тасдиқлайди. Уларнинг кузатувига кўра қишлоқ аҳолиси нарсаларни чиқиндига ташашда жуда диққатли бўлиб, ҳаттоки уларнинг тушунчасидаги эски буюм деган сўз янгиси билан алмашади. "Уйимдаги бирор бир латта бекорга чиқиндига чиқиб кетмайди. Агар кўйлагим эскирган бўлса, ундан фартук ёки парда, ёки латтали рўзғор сумкасини тикаман, хеч иложсиз бўлса унда уруғлур учун халтача тикаман" деб жавоб беради қишлоқ аҳолисининг бири [3]. Кўриниб турибдиги улар оддий буюмга нисбатан жуда эътиборли бўлиб, бу эса моддий эҳтиёжларга кетадиган маблағни камайтиради. Оддий буюмга нисбатан бўлган бунчалик муносабат албатта инсонларга бўлган муносабатда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Оила фаровонлигини таъминлашда оилавий тарбиянинг ҳам аҳамияти муҳимдир. Бугунги кунда ўзининг тарбиявий йўналишида оила миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзаро уйғун ҳолда олиб бормоқда. Бироқ, миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлардан устун биладиганлар ҳам йўқ эмас албатта. Бу эса шаҳар бошқарувида оғриқли нуқта бўлиб, баъзи ҳолларда ажримларга сабаб бўлмоқда. Оилада миллий ва умуминсоний қадриятларнинининг уйғун бўлиши натижасида оила фарзандлари ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий шарт шароитларда ўзларини йўқотиб қўймаслигини таъминлайди.

Кўп ҳолларда олдинлари оилалар давлат ёки жамият аъзоларидан ёрдам олишни исташмаган. Давлат томонидан ҳамда жамиятлар томонидан қўллаб-қувватланадиган оилалар камбағал сифатида «тамғаланган» лиги балки бунга сабабдир[2]. Бугун эса оилалар давлат ва жамият кўмаги зарурлигини яшираётгани йўқ ва буни очиқдан очиқ намоён этишмоқда. Энг асосийси эса давлат ва жамият томонидан оила фаровонлигини таъминлаш учун турли хил стратегик ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шаҳар аҳолисининг оилавий фаровонлиги бевосита шаҳарнинг ижтимоий қиёфасини яратишда муҳим омил бўлади. Зеро, оилалар фаровон бўлса шаҳар ҳам обод, ҳам фаровонликка эришади. Шаҳар оилаларининг фаровонлигини таъминлаш учун шаҳар экотизимида барча имкониятлар мавжуд, фақатгина оилавий муносабатларда буни тушуниб етишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Шаҳар оилаларининг фаровонлигини таъминлаш борасида бошқарув тизимига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тавсия берилади:

Ёш оилаларда моддий эҳтиёжларини тартибга солиш бўйича турли чоралар кўриш лозим. Чунки бу нарса оилавий тинчликни таъминлаш кафолати саналади.

Кўп ҳолларда оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда молиявий хайриялар ташкиллаштирилади. Бироқ, текин билимлар хайриясини шакллантириш тартибини кўриб чиқиш ва кўпайтириш лозим. Зеро, баъзи оилаларда билим олишга эҳтиёж мавжуд, фақатгина молиявий танқислик сабабли ўз қобилиятларини намоён этишга қийналишади. Бунда маърифатпарвар жадидчилар меҳнатидан ўрнак олиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Халқ сўзи. 2021 йил 16 апрель, № 77 (7857). Б.1.
2. М.Э.Елютина, С.В.Климова. Благополучие семьи: парадигма институционального подхода. Известия Саратовского университета. Нов. сер. Серия. Социология. Политология. 2013. Т. 13, № 2. Ст.22-23.
3. О.Бредникова, О.Ткач. «Грязная деревня» и «замусоренный город» (обыденные практики обращения с мусором в разных сообществах). Антропологический исследования . Форум №8 СТ.338, 344.
4. К.У.Нажмидинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Т.: Адолат, 2016. Б.31.

**Наримбетова Захия Ахмедовна,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Юлдашев Санжарбек Улуғбек уғли,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

**Масальцева Татьяна Валерьевна,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ТОЛЕРАНТЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёшавлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини муттасил излаганлар. Бу эса таълим-тарбиянинг бугунги самарали методларини яратилишига олиб келган.

Маълумки, мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги таълим – тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари қилиб юқори самарадорликка эришишга, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ва амалий ҳаётдаги ўрнини қай даражада топаётганлигига боғлиқ.

Таълим-тарбия жамият учун энг аввало ҳаётий заруриятдир. Айниқса, ёшавлодга тарбия бериш жараёнида мактаб жуда катта аҳамият касб этади. Ўқувчиларга тарбия бериш, уларга таълим бериш билан биргаликда амалга оширилади. Аммо, тарбиянинг ўз вазифаси, мазмуни, амалга ошириш усули ва воситалари мавжуд. Таълим ва тарбия жараёнининг узвийлиги таълим муассасалари олдига қўйилган энг муҳим педагогик вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчи билан ўқувчио расидаги “Ҳамкорлик педагогикаси” ва “Толерантлик” тушунчаларини қўлламай туриб, таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга ошириш, ҳар томонлама ривожланган шахсни камол топтириш мумкин эмас.

Биринчи навбатда толерантлик тарбиясини амалга ошириш тамойиллари ва воситалари илмий жиҳатдан асосланиши лозим. Толерантлик тарбиясини амалга ошириш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатдики, бу долзарб масалага ўқувчилар ва ўқитувчилар эътиборини жалб этиш мақсадида толерантлик тарбиясининг самарали метод ва воситаларини излаб топиш лозим. Шунингдек, толерантлик тарбиясининг шакллари ва технологик ўзига хосликларини ҳам аниқлаш талаб этилмоқда. Толерантлик олий даражадаги инсоний фазилат эканлигини таълимнинг илк босқичларидан бошлаб ўқувчи онгига сингдиришга эришиш лозим.

Толерантлик туйғусини тарбиялаш шунинг учун ҳам долзарбки, бугунги кунда жамият ҳаёти ва кишиларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва мустақил ривожланишни таъминлаш учун зарур бўлган иқтисодий, маънавий тушунча ва қадриятларни ўқувчиларга таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб сингдириш мумкин. У қуйидагилардан иборатдир:

– ўқувчини у ёки бу тушунча, қараш, қадриятларни эгаллашга мажбурламаслик ахлоқини ўзлаштириш;

– бошқа халқлар маданияти, дини, қадриятларига нисбатан бардошли, оқилона муносабатда бўлишни қарор топтириш;

– ўқувчини таълимнинг илк босқичларидан бошлаб атрофдагилар билан ўзаро онгли бир-бирини тушунувчанлик шартларига асосланган мулоқотга ўргатишга эришиш;

– ўқувчиларда ўзгалар фикрини бардош билан тинглаш, муаммоларни ўзаро муроса асосида ҳал қилишга ундаш кўникмасини таркиб топтириш;

– ўқувчиларда толерантлик тушунчаларини шакллантиришда тинчликсеварлик, этник, диний, сиёсий, конфессионал (диний конфессия- муайян динга эътиқод қилувчи кишилар жамоаси)[1-26] ва шахслараро келишмовчиликларга нисбатан чидамлилик, тенгҳуқуқлилик кабиларнинг туб моҳиятини ўргатиш.

Толерантлик туйғуси ҳиссий, ақлий ривожланиш, меҳнат кўникмаларини эгаллашдан иборат бўлиб, ўз ақидалари ва онгини ўзгартириш орқали шаклланадиган руҳий ҳолатдир.

Агар ўқитувчининг ўзи толерант бўлса, у ўзига ишонувчан, ўқувчиларни севадиган, уларни бардош билан тинглай оладиган, муросали, хушмуомала, мулоқот вазиятини вужудга келтира оладиган бўлади. У ўз ўқувчиларига ҳам ўзида мавжуд бўлган кўникма ва сифатларни сингдириш маҳоратига эга бўлади.Ўқитувчи психологик ва педагогик таьсир кўрсатиш натижасида ўқувчини толерант шахс қилиб тарбиялаш орқали унда қуйида келтирилган сифатларни шакллантириб боради ва давлвт учун кенг дунёқарашли фуқаро ҳамда жамият учун муносиб салоҳиятли кадрларни тайёрлайди.




Бу эса ўз навбатида жамиятда ҳар томонлама етук комил инсон шахсини тарбиялаш учун муҳим омил бўла олади. Таьлим тизимида юзага келиши мумкин бўлган педагогик-психологик ва ижтимоий конфликтларни олдини олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қаршибоев М. Миллий истиқлол ғояси ва маьнавият асослари: 9–Синф учун дарслик.
2. 3– Мусурмонова О., нашри. –Т.: Маьнавият, 2003. –26б.

# УЧИНЧИ ШЎЪБА:

# ОИЛАДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ

**РАЪНО ИСМАЙЛОВА**
*«Махалла ва оила» илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, психология фанлари номзоди*

# ОИЛАДАГИ ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация**: *ушбу мақолада оиладаги жинсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари масаласи, гендер муносабатларга оила тузилмасининг таъсири ва замонавий жамиятда оила тузилмаларининг ўзгариши, баъзи миллий урф- одат, анъана ва қадриятларнинг нотўғри талқил этилиши туфайли оилада унинг гендер тенгликнинг бузилиши ва тазйиқ ва зўравонликни содир этилишига олиб келиши ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *гендер, хуқуқ ва мажбурият, оила тузилмаси, урф-одат, тазйив ва зўравонлик*

**Аннотация**: *в данной статье рассматриваются вопросы гендерных прав и обязанностей в семье, влияния структуры семьи на гендерные отношения и изменения семейных структур в современном обществе, неправильного толкования определенных национальных обычаев, традиций и ценностей, ведущее к гендерному неравенству и угнетению в семье.*

**Ключевые слова:** *гендер, права и обязанности, структура семьи, обычаи, угнетение и насилие*

**Annotation:** *this article examines the issues of gender rights and responsibilities in the family, the influence of family structure on gender relations and changes in family structures in modern society, misinterpretation of certain national customs, traditions and values, leading to gender inequality and oppression in the family.*

**Keywords:** *gender, rights and responsibilities, family structure, customs, oppression and violence*

Жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар натижасида давлат ва жамият оила ҳаётига ва ундаги муносабатларга таъсир этиш доирасидан чиқиб кетди ва энди у мустақил равишда ўз йўлини танлайди, бу эса ўз навбатида оилавий ва гендер муносабатларининг турли хил вариантларини ишлаб чиқариш имконини берди. [63]

Кейинги йилларда олиб борилган қатор тадқиқотларда эркаклар ва аёллар ҳуқуқлари муаммолари кўриб чиқилади, бу ерда асосий эътибор уларнинг қонуний мавқеиларига, тенг ҳуқуқларни амалга оширишдаги қийинчиликларга қаратилади. Оиладаги жинсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари масаласи алоҳида долзарбдир, чунки айнан оила жамиятдаги мавжуд гендер муносабатларнинг кичик модели ҳисобланади.

Яқинда оила ўзаро муносабатлар тизими сифатида жиддий ўзгаришларга дуч келганини таъкидлаш лозим. Бу ерда муносабатлар мавжуд анъаналар асосида эмас, балки афзалликларга асосланган. Бугунги кунда никоҳ ва оилавий муносабатларда доминант турлар патриархал, матриархат ёки тенглик тарзида қолмоқда, аммо барибир оилавий муносабатларнинг асоси унинг ҳуқуқий тартибга солиниши, яъни турмуш ўртоқларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонуний даражада бирлаштиришдир, уларнинг бузилиши муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Узоқ вақт давомида оилада эркаклар ва аёлларнинг мавқеи бир хил бўлмаган ва оиланинг ўзи «кучга бўйсуниш» схемаси асосида қурилган.

Маълумки ўзбек оиласи кенгайтирилган патриархал оила тизимида бўлган. Патриархал оилада ота ваколати кучли бўлиб, аёл ва болалар отага бўйсунади.

XX-асрнинг бошларида оила ҳақида янги тушунча ва тасаввурлар пайдо бўлди, у энди тенг ҳуқуқли субъектлар бирлашмаси сифатида талқин қилинди, бу эса оила қонунчилигини тубдан қайта кўриб чиқишга олиб келди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар “Оила кодекси” билан тартибга солинади, унинг нормалари эр ва хотин тенглиги тамойилига асосланади. Оила

[63] Самыгин С.И., Верещагина А.В. и др. Социальная безопасность: Учебное пособие. - М., 2012. - С. 233

тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишни таъминлашдан иборатдир.

Оила қонунчилиги меъёрларини мазмунан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳамма меъёрлар ҳам ушбу тамойилларга мос келмайди, тенгликни бузиш эркак ва аёлга нисбатан содир бўлади. Сабаб Оила кодексинг 8-моддаси оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши бўлиб, Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади, деб кўрсатилган. Замонавий жамиятда гендер тенгсизлигини енгишга уринишларга қарамай, баъзи миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг нотўғри талқил этилиши туфайли оилада унинг гендер тенгликнинг бузилиши ва тазйиқ ва зўравонликни содир этилишига олиб келади.

Оила кодексининг никоҳ тузиш тартиби ва шартлари 2 –боби 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилиши ва диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги аниқ кўрсатилган бўлсада замонавий жамиятда тобора норасмий (шаръий) никоҳ тузиши кўпаймоқда. Бундай ҳолларда эр ва хотинни ниҳоятда катта туйғулар ва оғзаки келишув боғлайди ва қонуний расмиятчиликлар унчалик муҳим эмас. Энди жамият шахснинг шахсий ҳаётига нисбатан анча бағрикенгрок, лекин бу норасмий никоҳлар туфайли яна аёл азият чекади, чунки кўп ҳолларда эр ўз мажбуриятларидан воз кечиб, оилани ташлаб кетади ва яна аёл азият чекади.

Бундан ташқари «фуқаролик никоҳи» ҳодиса сифатида аллақачон ижтимоий институтнинг аниқ тасаввурини эгаллаган ва замонавий шароитларда шахснинг ижтимоийлашуви жараёнига сезиларли таъсир кўрсатган. Бир маънода, «фуқаролик никоҳи» нинг мавжудлиги билан ёшлар орасида нотўғри хулқ-атворнинг элементлари мавжуд бўлиб, бу ўзгарувчан жамият учун характерлидир, бу ерда бутун ижтимоий нормалар тизими қайта кўриб чиқилади. Бундай вазиятда одамга норматив хулқ-атвор чизиғини танлаш қийин бўлиши мумкин.

Ахлоқий меъёрлар кўплаб шахслар бажаришни истаган баъзи бир ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлайди, девиант хулқ-атворнинг яна бир ҳодисаси пайдо бўлади - оқланиш нормалари. Булар маданий моделлар бўлиб, уларнинг ёрдамида одамлар ҳар қандай тақиқланган истак ва ҳаракатларнинг амалга оширилишини мавжуд ахлоқий меъёрларга очиқ қарши чиқмасдан оқлайдилар.

Бошқа томондан, девиант хатти-ҳаракатлар маданиятни ижтимоий ўзгаришларга мослаштиришнинг бир усули ҳисобланади. Янги маданий меъёрлар камдан-кам ҳолларда ижтимоий гуруҳларнинг барча аъзолари томонидан муҳокама қилиш ва қабул қилиш йўли билан яратилади. Янги ижтимоий меъёрлар шахсларнинг кундалик хатти-ҳаракатлари натижасида, доимо пайдо бўладиган ижтимоий шароитлар тўқнашувида туғилади ва ривожланади. Кичкина, жуда кўп сонли шахсларнинг эски, одатий хатти-ҳаракатлар меъёрларидан четга чиқиш янги норматив моделларни яратишда бошланиши бўлиши мумкин. Аста-секин, янги ҳаётий меъёрларни ўз ичига олган анъана ва девиант хатти-ҳаракатлар одамларнинг онгига тобора кўпроқ кириб бормоқда. «Фуқаролик никоҳи» ҳам истисно эмас.

Одамларни оилавий гуруҳларга бирлашишга ундашнинг асосий сабаблари инсоннинг эҳтиёжлари. Инсон эҳтиёжлари таркиби физиологик бўлинади; экзистенсиал эҳтиёжлар (мавжудлик хавфсизлиги учун); ижтимоий эҳтиёжлар (алоқада); обрўли эҳтиёжлар (тан олиниши учун); маънавий эҳтиёжлар (ўзини англаш учун). Буни тан олишимиз ёқимли ёки ёқимсиз бўлсин, «фуқаролик никоҳи» ижтимоий муҳит томонидан санксия қилинган ушбу нормал эҳтиёжларнинг барчасини қондиришга хизмат қилади.

Жинсларнинг қарама-қарши томони, Э. Дюркгеймнинг фикрига кўра, нафақат никоҳ уюшмаси қуриладиган асосий пойдевор, балки оилада ахлоқий яқинликнинг асосий сабаби ҳамдир. Оилавий ва никоҳ муносабатларининг барқарорлигига таъсир кучи жиҳатидан у қариндошлик каби омиллардан ҳам кучлироқдир. Э. Дюркгейм гендер муносабатларини меҳнат тақсимоти нуқтаи назаридан таҳлил

қилади[64] .»Фуқаролик никоҳи» ҳодисасининг ҳозирги ҳолати, уни узлуксиз институционализация қилиш жараёни ҳақида мулоҳаза юритиб, шунингдек, ижтимоий институтларни ижтимоий муносабатлар ва алоқалар такрор намоён бўлади. Шу муносабат билан, «фуқаролик никоҳи» институти жамият талаб қилган пайтгача мавжуд бўлади.

«Фуқаролик никоҳи» (биргаликдаги яшаш) психологик муаммо сифатида эмас, балки қонуний муаммо ҳисобланади. Расмий, чинакам фуқаролик никоҳининг йўқлиги эр-хотиннинг ҳаётига салбий таъсир қилади, чунки турмуш ўртоқлар ва уларнинг фарзандларининг мулкий ва бошқа ҳуқуқлари ҳимоя қилинмайди. Шу билан бирга «фуқаролик никоҳи» деб номланган оиланинг ўзига хос психологик хусусиятларидан бири – бу «аёл - уй бекаси, эркак - боқувчи», «бюджетни бўлишиш керак», «турмуш ўртоғининг барча қариндошларига ёқиши керак» ва бошқалар каби ижтимоий стереотиплардан озод қилади.

Что касается современности, многие исследователи попытались изучать религиозные проблемы в Узбекистане в большинстве случаев с контекста женской религиозности. В работах таких известных авторов, как С.П. Поляков и Г.П. Снесарев, религиозно-общинная ритуальная обрядность в Центральной Азии, в частности на территории Узбекистана, исследовалась непосредственно в связи с религиозными женскими ритуальными практиками. Такой же подход прослеживается в работах современных исследователей – таких, как Д. Кандиоти и Н. Азимовой, Х. Фатхи, М. Камр. В этих работах как общепризнанный факт звучит такая мысль, что изучение разных аспектов религиозности в центральноазиатском обществе удобно и эффективно проводить на примере женщин, женского статуса и женской идентичности. Это часто обосновывается особой женской готовностью к восприятию ислама не так к религии, а как источника веры. Исторические корни этого феномена связаны с тем, что женщины испокон веков, будучи хранительницами очага и семьи, больше всего были связаны с разными религиозными ритуалами, верованиями и культами, кроме того «особая роль женщины проявляется даже в религиозных верованиях среднеазиатских скифов; так, дербики почитали Землю как женское божество, не приносили в жертву и не ели никакого существа женского пола, в чём можно видеть пережиточное тотемное табуирование[8]).

В современном Узбекистане характер религиозной идентичности существенным образом стала меняться, соответственно стала меняться ритуальная практика в махалля. На религиозные обряды «Бибимушкул-кушод», «Бибисешанба», о которых много писалось этнографами и историками [9] и которые представляли собой традиционную форму женских сообществ, на сегодняшний день многие женщины смотрят как пережиточные формы религиозных обрядов или как ритуалы, не входящие в рамки ислама. Сегодня женские сообщества, постоянно практикующие религиозные ритуалы, стали

называться «эхсон», т.е. «дарить, угощать во имя аллаха». Похоронные обряды, которые начинались со смертью покойника и заканчивались последним ритуалом, посвященным годовщине смерти, тоже стали называться «эхсон», а проведение этих ритуалов по старому поминальному порядку на седьмой, двадцатый и сороковой дни стало восприниматься как неисламское. Если в ритуалах «Бибимушкул кушод», «Бибисешанба» прежние отын больше всего были заняты деталями ритуала, т.е. подготовкой и раздачей ритуальной пищи, чтением «дуо», то в эхсон «новые» отын основное внимание уделяют воспитательно-просветительской работе в религиозном направлении.

В повседневной жизни современного узбекского социума эхсон становится влиятельным институтом, через который можно управлять и диктовать поведение женщин, стиль одежды, религиозный образ мышления, даже бытовой образ жизни женщин махалля. Взгляды и поведение этих фигур – отын и особо религиозных («Исломий») женщин – больше продиктованы не «традициями» и «традиционной» религиозностью, а идеологией, политикой, заимствованными представлениями о том, что такое ислам и что такое женщина-мусульманка.

В последнее время светской властью Узбекистана используются огромные духовные возможности мусульманской религии, способной открыть новые грани ее миротворческого и конструктивно-созидательного, гуманистического потенциала. Думается, что именно обращение к позитивным началам ислама, равно как и других религий, позволит успешно решить задачу по *интеграции народных умонастроений в официальную идеологию государства.* Одновременно, это позволит избавить ислам как часть духовной жизни нации от многих необоснованных нападок, порождаемых действиями его невежественных последователей.

**Список использованной литературы:**


1. Leyla Ahmad. Women and gender in Islam. Historical Roots of a Modern debate. – New Haven & London: Yale University Press. 1992.
2. Камр M. The New Woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. Seattle&London: University of Washington Press, 2006;
3. Тохтаходжаева М. XX век глазами женщин Узбекистана. Москва. Евроазия, 2007.
4. Сулаймонова Ф. Шарк ва Ғарб. Тошкент. Ўзбекистон, 1997.
5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Санкт-Петербургъ, 1865.
6. Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967.
7. Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. – Москва: Наука, 1974.
8. Farid Alakbarli. Amazons Legends in History Fearless Women Warriors in Life and Lore. // Azerbaijan international. Spring. 2005 №13.1.
9. Крэмер А. Мушкул Кушад // Ислам на территории бывшей Российской империи. Выпуск.4. Москва, 2003.



**ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА**
*фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),*
*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти*
*"Гуманитар ва ижтимоий фанлар" кафедраси доценти в.б.*


## ГЕНДЕР СТРЕОТИПЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ


**Аннотация:** *мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон хотин-қизларининг ижтимоий-маданий ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлишига сабаб бўлган омиллар ҳамда дин пешволарининг ислом шариатидан нотўғри фойдаланган ҳолда уларга етказган зарарлари баён этилган. Шунингдек, бугунги кунда тарихий жараёнлар асосида етиб келган гендер стреотипларининг салбий оқибатлари таҳлил қилинган.*



**Калит сўзлар:** *гендер, гендер тенглиги, гендер стреотиплари, эркак ва аёл муносабтлари, мусулмон аёл, ислом шариати, паранжи, илм-маърифат.*

**Аннотация:** *в статье описывается социокультурная жизнь женщин Туркестана в конце XIX - начале XX веков, факторы приведшие к нарушению их прав, причиненный им злоупотреблением исламским правом религиозными лидерами. Также анализируются негативные последствия гендерных стереотипов, возникших сегодня на основе исторических процессов.*
**Ключевые слова:** *гендер, гендерное равенство, гендерные стереотипы, отношения между мужчинами и женщинами, мусульманка, исламский шариат, паранджи, наука и просвещение.*

**Annotation:** *the state describes the socio-cultural life of Turkestan women in the late XIX - early XX centuries, factors that led to the violation of ix rights, inflicted on them by an attacker of Islamic law by religious leaders. It also analyzes the negative consequences of gender stereotypes that arise today on the basis of historical processes.*
**Keywords:** *gender, gender equality, gender stereotypes, relations between men and women, Muslim woman, Islamic Sharia, burqa, science and education.*

Бугунги кунда дунёда гендер тенглигини таъминлаш масаласида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар ҳали-ҳануз ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Бундай муаммолар кўпинча эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлик ўрнатиши ҳамда уларга нисбатан зўравонлик, куч ишлатиш каби ҳолатларда сақланиб қолмоқда.

Ўтган асрдаги дунёқараш, яъни эскилик сарқити бугунги кунда ҳам инсонлар онгида гендер стреотиплари кўринишида давом этиб келмоқда. Жумладан, гендер стреотиплари – бу турли хил жинс вакилларининг, биринчи навбатда эркаклар ва аёлларнинг хусусиятлари ва хулқ-атвори тўғрисида жамиятда кенг тарқалган фикрлардир. Гендер стреотиплари маълум бир жамиятда мавжуд бўлган гендер роллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга хизмат қилади. Хусусан, гендер стреотиплари тенгсизликни сақланиб қолишига ёрдам беради[71].

Гендер стреотиплари оилаларда эркак ва аёлга юклатилган вазифаларда намоён бўлади. Масалан, аёл оилада уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлиши, фарзандларини тарбия қилиши каби вазифаларни ўз зиммасига олади ва оилада ўзига юклатилган ролини бажаради. Натижада, у фақат оила юмушлари билан банд бўлиб, касбий етуклик жиҳатдан ўзини намоён қилиши мумкинлиги каби имкониятларига девор қўяди. Фақатгина, турмуш ўртоғининг розилиги билангина у профессионал салоҳиятини намоён қилиши мумкинлигини тушуниб, унга қарам эканлигини руҳан тан олади. Мана шу ерда гендер тенглигига путур етади.

Гендер стреотиплари нафақат бугун, балки ўтган асрда ҳам мавжуд бўлганлигини Туркистондаги ижтимоий ҳаёт ҳам исботлаб беради. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган жадид маърифатпарварларидан бири, диний ва дунёвий илм эгаси бўлган Абдурауф Фитрат ўзи яшаган давр ҳаёти, турмуш тарзи, эркак ва аёл муносабатлари хусусида қуйидаги фикрларни билдиради: “Мамлакатимиздаги хотинлар ҳар дақиқада қанчадан-қанча таҳқир ва жафоларга дучор бўлиб яшамоқдалар. Биз Туркистонликлар ўз хотинларимизни одамият доирасидан ташқарида деб ўйлаймиз ва у бечораларга одамга қилгандек муомала қилмаймиз. Хотинларимизни марҳаматга сазовор, инсофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз. Бизда хотинларни сўкиш фахр ва ғурур саналади, уриб майиб қилишни эса эркакчиликнинг фазилати деб биламиз”[72].

Ўтган асрдаги иллатлар бугунги кунда ҳам давом этиб келиши аянчли ҳол, албатта. Агар гендер тенглигига эриша олмасак, бу стреотиплар яна анча даврлар давом этиб, миллий ва диний қадриятларимизда сақланиб қолади. Натижада, келгуси авлод ўз аждодларидан нафратланиб яшашига сабаб бўлади.

Зеро, аёлни асраш, унга ғамхўрлик қилиш, моддий таъминлаш масаласи ислом динида ҳам алоҳида эътироф этилса-да, аммо Туркистонда хотин-қизларнинг турмуш тарзи шариатнинг анчагина ақидавий қарашлари остида бузилган қонунлари асосида ташкил этилганлиги, аёлларга паст назар билан қараш, уларнинг илм олишлари шарт эмас, фақат уйда ўтириб, уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланишлари керак, деган айрим чаласавод дин пешволарининг ўй ва фикрлари аёлларнинг ҳуқуқ

---

[71] https://ru.wikipedia.org/wiki/Гендерные_стереотипы
[72] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиби. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 33.

ва эркинликларини чеклаб қўйган эди. Ўша давр матбуотида “Мусулмон аёли” ҳақида нотўғри фикрлар, дискурслар бўлганлигини Оренбург газеталаридан бирида А.Фахрутдинов исмли шахс шариатдан хабари бўлмаган киши, яъни ўзи учун нотаниш кимса бўлган Ив.Подгорныйнинг “Мусулмон аёллари” номли мақоласини танқид қилиб, шариат аёлларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берганлигини шариатдан қуйидаги далилларни келтириб ўтиб, фикрини исботлашга уринади:

1. Ҳеч қайси аёл мажбуран турмушга берилиши мумкин эмас. Ҳаттоки, қизларни турмушга чиқиш масаласи бўйича ота-оналар ҳам ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслар.

2. Аёл киши юридик шахс каби мол-мулк ҳуқуқига эгалик қилиш, шахсий хўжалик юритиш, сотиш, сотиб олишда эрининг розилигига муҳтож эмас.

3. Аёлнинг мажбурияти оилавий масалалар чегарасидан ташқарига чиқмаган. Ҳаттоки, ўт қалаш ва сув ташиш ишлари эрларнинг зиммасига юклатилган.

4. Никоҳ – фақат фуқароликка асосланган. Аёл киши (бокира қиз) турмушга чиқишда хоҳлаганча шарт қўйиши, эркак томонидан бажарилмаган тақдирда, эрининг рухсатисиз ҳеч қандай ҳуқуқдан маҳрум бўлмаган ҳолда унинг уйини тарк этиш ҳуқуқига эга (бошқасига турмушга чиқиши ҳам мумкин).

5. Эрлар ўлаётиб, ўз хотинлари ва қизларини меросдан маҳрум этишга ҳақли эмаслар...

6. Никоҳга кириш пайтида эр келинга “маҳр” (қалин) тўлаши шарт. Маҳр унинг шахсий мулки ҳисобланади.

7. Ажрим пайтида эр собиқ хотинини уч ойгача, агар ҳомиладор бўлса, туғруққа қадар таъминлаб туриши шарт.

8. Агар эр хотинини таъминлашга қурби етмаса ёки унга ҳаёти учун зарур маблағ бермаса, унда хотинининг илтимосига кўра суд уларни ажратади ва хотинга бошқасига турмушга чиқишига имкон беради.

9. Шариат бўйича аёллар эркаклар билан барча сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тенглар...

10. Жанг вақтида душманлар томонга аёллар ўтганда ҳам улар омонат ҳисобланиб, ўлдирилмайдилар ва асирга олинмайдилар [73].

А.Фахрутдинов мусулмон бўлмаган киши, қандай қилиб ўзи билмаган нарса ҳақида гапириши мумкинлигини, аслида, шариатда аёллар масаласига қандай ёндашилганлигини исботлаб, Ив.Подгорныйга раддия билдирган.

Юқоридаги фикрларга янада аниқлик киритадиган бўлсак, исломий муқаддас китобларда ҳам аёлларни қул қилиш тушунчаси йўқ. Лекин исломдаги бу ҳикматларни унутган ислом маърифати ва ҳуқуқига догматик ёндашувчи жоҳил руҳонийлар – юқори мансабдорлар (қози калон, шайхул ислом кабилар) шунингдек, уларнинг маҳаллий ҳокимият тизимидаги янада чаласавод ижрочилари (чала муллалар) аёлларнинг ҳақиқатда ижтимоий, маданий ҳаётдаги иштирокини чеклашлари хотин-қизларнинг фақат оила доирасида чекланишига олиб келган. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасликларига эса, уларнинг илмсиз бўлганликларидан далолат берган. Зеро, жамиятда гендер тенглиги бўлмас экан, бундай жамиятда янгича фикрлаш ва янгича яшаш тарзига эришиб бўлмайди.

Ўтган асрда аёллар масаласи энг асосий масала бўлиб, у жамиятнинг оғриқли нуқтаси эканлиги, уларга таълим-тарбия бериш ва ичкаридан олиб чиқиш ҳақида маҳаллий олимлар томонидан кўп фикрлар ўртага ташланган. Бироқ бу масала ҳеч қандай натижа бермади, чунки ҳаракатга эга бўлмаган бу фикрлар ўз амалий натижасини кўрсатмаганлиги боис кундан-кун орқага чўзилиб бораверди.

Паранжи остида илм-маърифат булоғидан бебаҳра қолаётган аёллар ноласи матбуотга йўлланган Ханифа Ойсиеванинг “Яра очилди”, Хайрия хонимнинг “Бизга йўл беринг” каби хатларларида янгради. Масалан, “Яра очилди” номли хатда: “Бизнинг аёлларимизнинг истаклари ислом талабларига мувофиқ бўлиши керак. Аёлларга нисбатан исломнинг ҳукмларидан фойдаланиш керак. Акс ҳолда, аёлларимиз ўлса, унда миллат ҳалок бўлади, чунки миллатнинг фаровонлиги аёлларга боғлиқ”[74], – дейди Ханифа Ойсиева. Бу билан у аёллар илм нуридан бебаҳра эканликларини, уларнинг кўзлари юмуқ, нафас олишларига имкон йўқлигини ўкиниб айтганида, албатта, паранжи остида бўғилганлигини сезиш қийин

---

[73] ЎзР. МДА, ФИ-1009, рўйхат-1, иш-159, варақ-5.

[74] ЎзР МДА ФИ-1009, рўйхат-1, иш-159, варақ-17.

эмас. Шунингдек, миллатнинг асл тарбиячиси аёллар эканлигини тушуниб етган Ханифа Ойсиева: “Миллатнинг бир қисми ёзиш ва ўқишни билмагунча, қолган ярми ҳам озод бўлолмайди”[75], – деб, миллатнинг қўлдан бой берилишининг сабабини ҳам аёлларни қоронғу хонага қамалганликларида, деб билади. Демак, паранжи остидаги аёлнинг илм-маърифатдан узиб қўйилганлиги нафақат фарзандлар тарбиясига, шу билан бирга, миллат келажагига ҳам болта урганлигини кўрсатади. Хайрия хоним томонидан йўлланган иккинчи мактубда эса, “Миллат сақланиб қолинишини истаса, у ўз қизларини ўқитиши керак. Буни дин, шариат, инсоният ва замон талаб қилади”, – деб сўзини давом эттирар экан, “Бизни тарбияланг, ундан кейин эса, биздан миллатпарвар, ватанпарвар ва ҳ.к. болаларни талаб қилинг”[76], – дея, аёллар қолоқ, илмсиз замондан орқада қолган ҳолда келажак авлодни тарбиялай олмаслиги, зеро, эркак киши туғилганидан то ўлимига қадар аёл киши билан яшашини мисол келтириб ўтади. Дарҳақиқат, эркак кишига ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳий, ҳам маънавий жиҳатдан кўмак берувчи аёлларнинг ўрни унутилар экан, албатта, эркаклар ҳам аёллар каби бахтсиз яшайдилар.

Ўтган асрда Туркистонда айрим шариат пешволари ва диний ақидапарастлар томонидан динни нотўғри талқин этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқлари поймол қилингани ҳолда, уларни паранжига ўралишига, жамиятда ўз ўрнига эга бўлмаслиги ва хат-саводсиз тарзда чуқур жарга улоқтирилишига замин яратиб берган, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Ер юзида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади”[77].

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, жамиятда гендер, яъни эркак ва аёллар муносабатларининг бузилиши, нозик ҳилқат ва туйғулар соҳибаси бўлган аёлларни менсимаслик, уларга тўғри баҳо бера олмаслик инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб келган.

Шу ўринда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз: “Қиз бола – бўлғуси оила бекаси, келажагимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртага улар янги авлодимизга шундай тарбия беради”[78]. Юртбошимизнинг фикрларидан ҳам маълумки, қиз бола нафақат насл қолдирувчи, балки давлатимиз келажагини белгиловчи шахс сифатида ҳам кўз ўнгимизда гавдаланади. Биз унга қанча эътибор берсак, давлатимиз шу даражада тараққий этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан,* давлатнинг келажакдаги ўрни шу жамият аёлларининг илм-маърифатига боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим;

*иккинчидан,* ўтган асрдаги иллатлардан тўғри хулоса чиқариб, хато ва камчиликларни қайтармаслик даркор;

*учинчидан,* шариат қонунларини нотўғри талқин қилиш жамиятда хотин-қизларнинг зўравонлик қурбони бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини тушуниб етиш мақсадга мувофиқ;

*тўртинчидан,* гендер тенглиги масаласида ислом динида жуда чиройли ечим борлигини унутмаслик лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. https://ru.wikipedia.org/wiki/Гендерные_стереотипы
2. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиби. – Т.: Маънавият, 2000.
3. ЎзР. МДА, ФИ-1009, рўйхат-1, иш-159, варақ-5.
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

[75] ЎзР МДА ФИ-1009, рўйхат-1, иш-159, варақ-17.
[76] ЎзР МДА ФИ-1009, рўйхат-1, иш-159, варақ-17.
[77] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 345.
[78] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 350.

**ЭГАМБЕРДИЕВ ЭДУАРД ХАЖИБАЕВИЧ**
*Преподаватель кафедры Гражданского права ТГЮУ*

**АШИРБОЕВА МУНИСАБЕГИМ НОДИР КИЗИ**
*Студентка 1 курса факультета частного права ТГЮУ*

# СООТНОШЕНИЕ ПРИНЦИПА РАВЕНСТВА ПРАВ МУЖЧИНЫ И ЖЕНЩИНЫ В СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЯХ И ВОПРОСАХ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА С ОБЪЕКТИВНЫМИ РЕАЛИЯМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** *в статье рассматриваются вопросы соотношения основополагающих начал семейных отношений и гендерного равенства с практической ситуацией в Республике Узбекистан. Авторы разграничивают круг общественных отношений, подпадающих под понятие гендерное равенство и отождествляют с правовыми основами. Поднимаются проблемы, существующие на сегодняшний день и требующие скорейшего разрешения.*

**Ключевые слова:** *семья, гендерное равенство, принцип равенства, мужчина, женщина, обычаи, культура.*

**Аннотация:** *мақолада оилавий муносабатларнинг асосий тамойиллари ва гендер тенглиги билан Ўзбекистон Республикасининг амалий ҳолати ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилган. Муаллифлар гендер тенглиги концепциясига кирадиган ижтимоий муносабатлар доирасини чегаралайди ва қонунчилик базаси билан аниқлайди. Бугунги кунда мавжуд бўлган ва эртага ҳал қилиниши талаб қиладиган муаммолар кўтарилмоқда.*

**Калит сўзлар:** *оила, гендер тенглиги, тенглик принципи, эркак, аёл, урф-одатлар, маданият.*

**Annotation:** *the paper examines the relationship between the fundamental principles of family relations and gender equality with the practical situation in the Republic of Uzbekistan. The authors delimit the range of social relations that fall under the concept of gender equality and identify with the legal framework. The problems that exist today and require an early resolution are being raised.*

**Key words:** *family, gender equality, the principle of equality, man, woman, customs, culture.*

Место и роль крепкой и благополучной семьи в государстве сложно переоценить. Именно в семье человек формируется как личность, растет и развивается, получает воспитание. Не спроста Конституция Республики Узбекистан встает на защиту семьи и его членов. Откуда и возникают принципы семейного права такие как добровольность брачного союза мужчины и женщины, разрешение внутрисемейных споров по взаимному согласию, приоритет семейного воспитания детей, заботы об их благосостоянии и развитии, и, пожалуй, один из дискуссионных в современном мире – принцип равенства прав супругов.

Во многих цивилизациях, доктринах, религиях женщины обладали меньшим объемом прав, чем мужчины. Более 2 тысяч лет назад в период существования Римского государства (римское право считается фундаментом нынешнего гражданского права Республики Узбекистан) женщины почти не обладали правами, и с момента рождения всегда находились под властью мужчин: в момент рождения – под властью отца, при замужестве – под властью мужа, после смерти мужа – под властью сына. Такую же картину мы можем наблюдать и в доктринах исламского права, где женщина также была ущемлена в своих правах. Но всегда с развитием общества, женщинам все же предоставлялись определенные права. К примеру, в последние годы существования Римского государства происходит либерализация права, по которому женщинам предоставляется некоторый объем дееспособности. На примере мусульманства, в последнее время, также можно наблюдать как некоторые исламские страны либерализуют свои правовые нормы, предоставляя и женщинам определенный объем прав. Хотя в обоих случаях нельзя говорить о гендерном равенстве, скорее можно утверждать о гендерном неравенстве.

В нашей стране указанная ситуация обстоит иначе. Правовое равенство полов в нашей стране было установлено еще в 1992 году, когда была принята Конституция Республики Узбекистан. Так, статья 18 основного закона закрепляет равенство всех людей перед законом, а статья 46 гарантирует равенство прав женщин и мужчин. Исходя из этих основополагающих норм и возникли статьи 2 и 3 Семейного кодекса Республики Узбекистан, предусматривающие равенство прав мужчин и женщин, а также всех граждан в семейных отношениях. Можно смело утверждать об отсутствии дисбаланса прав мужчин и женщин. Однако на практике данное обстоятельство выглядит совсем иначе.

В современном мире никто не станет спорить, что физически мужчины и женщины не равны с момента рождения и в период всей жизни. Когда говорят о гендерном равенстве полов, никто не предполагает уравнять мужчин и женщин ни физически, ни биологически. Здесь и так понятно, что у каждого пола в обществе имеются свои роли, задачи, которые присущи каждому из них. Поэтому при рассмотрении вопросов гендерного неравенства мы говорим об уравнивании в правах мужчин и женщин. «Гендерное равенство» имеет социально-правовое начало, нежели биологическое или физическое.

Местный менталитет, сложившиеся многовековые обычаи и культура населения все же оказывает определенное влияние на ролевые установки женщин и мужчин в семье. Здесь мы утверждаем о разделении определенных дел между полами, то есть мужчина выполняет присущие ему по своей природе дела (содержание семьи, работа по хозяйству), точно также, как и женщина имеет определенные обязанности в семье (рождение детей и их воспитание, уборка, кухня). При этом, указанные дела распределяются не на основании закона, а по сложившимся обычаям и исходя из особенностей человеческого организма и физического развития. Видится логичным, что мужчина не станет рожать детей, а женщине трудно справиться с тяжелым грузом. Рассматривая противоположность двух полов и присущих им физических, биологических особенностей можно сделать вывод, что в семье происходит слияние этих двух противоположностей воедино. А в зависимости от того, как они смогут ужиться вместе мы говорим о формировании благополучной семьи.

Сейчас уже довольное четко можно утверждать, что гендерное равенство – один из основных признаков (атрибутов) современной семьи. Но именно в семейную сферу идеи равенства мужчины и женщины проникают наиболее тяжело. Когда речь идет о равенстве полов на производстве, никто не будет возражать о необходимости равных оплат за равный труд, о не дискриминации при продвижении по карьерной лестнице, о возможности приобретения новой профессии, о прохождении женщиной обучения и т.д. Однако понятие равенства (социального, правового) мужчины и женщины нельзя разделить на отдельные составляющие – равенство на работе, равенство в политической жизни или равенство в семье. Все системы связаны между собой. И если мы хотим получить реальное равноправие на работе, производстве или политике, то придется укреплять равенство и в семье.

О.А. Хазова отмечает, что в подавляющем большинстве случаев решение отказаться от профессиональной карьеры и целиком посвятить себя семье принимает женщина, стереотип распределения семейных ролей является устойчивым. Мужчины не склонны заниматься домашними делами, даже если свободны от работы (пенсионеры, безработные) или имеют свободный режим труда, а женщина, напротив, обременена работой или несколькими работами. Как подчеркивает Е.Ю. Мещеркина, только половина мужчин согласна, что женщины могут столько же работать, сколько они сами, но при этом мужские нормативные ожидания, чтобы женщины, несмотря на это, уделяли основное внимание дому, остаются доминирующими. Впрочем, как известно, отцовство существенно дифференцированно, вполне определенная часть мужчин активно поддерживают мать ребенка, выстраивая с нею либо партнерские, либо гендерно традиционные отношения, имеют положительную мотивацию на родительство.

Равенство полов, как принцип, состоит в том, чтобы изучать и устранять социальные барьеры, мешающие человеку проявляться как личности, а также создавать равные социальные возможности для реализации личности мужчин и женщин во всех сферах жизнедеятельности в зависимости от предпочтений автономной личности.

На данный момент требуется решение нескольких проблем, возникающих в семьях:

1. Независимость мужчины и женщины в плане выбора образования, работы, жизненного пути в целом;
2. Ненасилие физическое или моральное в семье;
3. Снижение бытового (домашнего) насилия;
4. Увеличение роли мужчины в воспитании детей;
5. Эгалитарное воспитание детей в смысле сокращения роли гендерных дифференциаций;
5. Высвобождение времени женщины от домашнего труда.

Резюмируя всё вышесказанное, необходимо часто проводить гендерную экспертизу во всех законодательных актах, для того чтобы не ущемлялись права женщин и мужчин во всех сферах жизни. Также следует ужесточить наказание за ущемление прав и свобод женщин в семье, за не предоставление права выбора в плане образования, работы. Так как многие женщины подвергаются психологическому давлению со стороны их супругов, из-за их традиционных стереотипов «второсортности» и «истинном предназначении» женщины, пора приложить усилия для глобального движения за гендерное равенство и расширить права и возможности женщин.

**Список использованной литературы:**


1. https://nko-family.ru/.Гендерное равенство и современная семья.
2. Мещеркина Е.Ю. Социологические исследования маскулинности: мужской пол в публичности и приватности // Гендерное равенство: поиск решения старых проблем. МОТ, 2003. С. 108.
3. Безрукова О.Н. Отцовство в трансформирующемся обществе: ожидания матерей и практики отцов // СоцИс. 2013. № 11. С. 120.



**МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА АБДУРАШИДОВНА**

*ТДЮУ “давлат ва ҳуқуқ назариси” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори*


## ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ


**Аннотация:** *мақолада Ўзбекистонда янгиланиш даврида аёлларга бўлган давлат эътибори ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари таҳлил этилган. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқларни яратиш имконияти бўйича хориж тажрибаси ва миллий қонунчилик қиёсий таҳлил этилган.*



**Калит сўзлар:** *хотин-қизлар, давлат, ҳуқуқ, фаоллик, ислоҳот, тараққиёт.*



**Аннотация:** *в статье анализируются вопросы внимания, оказываемого по отношению к женщинам со стороны государства и повышения социальной активности женщин в реализуемых реформах в период обновления Узбекистана. В том числе, сравнительно анализированы зарубежный опыт и национальное законодательство по обеспечению равного права между мужчинами и женщинами.*



**Ключевые слова:** *женщины, государство, право, активность, реформы, прогресс.*



**Annotation:** *the article analyzes the issues of attention paid to women by the state and increasing the social activity of women in the ongoing reforms during the period of Uzbekistan’s renewal. In particular, foreign experience and national legislation on ensuring equal rights between men and women were comparatively analyzed.*



**Key words:** *women, state, law, activity, reforms, progress.*

*“Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса – тараққиётнинг кафолатидир!”*

**Ш.М.Мирзиёев**

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий етуклиги аёлларга муносабати билан белгиланади. Хотин-қизларни ҳурмат қилиш, уларнинг жамият ривожидаги ҳиссасини муносиб баҳолаш, уларга барча масалаларда кўмаклашиш – буларнинг барчаси қадимдан халқимизга хос. Маълумки, XXI асрда инсоният жаҳон жараёнларининг глобаллашуви даврига, инсон субъективлиги ва фаол ҳаётий позиция ва ўз-ўзини англаш ҳуқуқи қадриятлари илгари сурилган даврга кирди. Замонга хос бўлган жиҳаилардан бири бу демократик давлатларни шакллантириш ва жамиятнинг фуқаролик даражасини ошириш доирасида ҳаётнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли иштирокига эҳтиёж ортмоқда.

Жумладан, янгиланаётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар аёлларнинг ижтимоий ролини сезиларли даражада оширди. Худди шундай тенденциялар Конституциянинг 46-моддасида мустаҳкамланган ва кўплаб қонунларида акс этган еркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар тамойили Ўзбекистон Республикасида ҳам долзарбдир. Бу борада Pekin Декларацияси ва эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик учун ҳаракат қилиш платформасини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг халқаро стандартларига амал қилинмоқда. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимой фаоллашувини кенг тарғиб этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича 46-сессиясида қайд этилганидек, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар энди қатъий давом эттирилиши эътирофга лойиқдир. Ўзбекистон ҳам мазкур соҳага жиддий эътибор бериш билан бирга унинг ҳуқуқий асосларини яратган давлатлардан биридир.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони айнан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш масалаларига қаратилганилиги билан эътиборлидир. Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалалари ўта долзарбдир. Шу сабабли, мазкур масаланинг илмий таҳлил этиш ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг устувор йўналишларини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур мақоланинг мақсадидир.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили** (Literature review)[79].

Маълуки, хотин-қизларнинг давлат бошқарувида тутган ўрни масалалари қадим юнон олимлари Афлотун, Арастудан бошланган бўлиб, Шарқ халқлари мутаффаккирлари Ибн Сино, Ал Бухорий, Фаробий, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида комил инсон тарбиясида аёлларнинг муҳим ўрин тутишини эканини сиёсий-ҳуқуқий қарашларида баён этишган.

«Аёллар: хотин-қизлар ибораси» ни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш жуда узоқ тарихга эга. X аср бошларидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ноқонуний мавқеи муаммоси ва XX асрнинг ўрталаригача Кристина де Писан ва Корнилий Агриппа асарларида фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ҳуқуқларининг йўқлиги таҳлил этилган. Хотин-қизлар озодлиги учун олиб борилган тадқиқотларда жамиятдаги аёлларга нисбатан адолатизликлар танқид қилинган ва ечимини топиш масалалари жавобсиз қолган. Уйғониш даврининг озодлик ғояларига мос равишда юзага келган аёллар ҳаракати аввало ёзувчи Олимпия де Гуж (1791) томонидан ёзилган «Аёллар ҳуқуқлари ва фуқаролик ҳуқуқлари Декларацияси» манифестида барча аёлларнинг қонун олдида тенглигини эътироф этган. Ш. Фурье француз инқилоби таассуротлари асосида: «Аёлларни фаоллаштириш барча ижтимоий тараққиётнинг умумий тамойилисифатида илгари сурган.

[79] Платон. Соч. - М., 1971. - Т.3, 4.1. - С.251; Там же 4.2. - С. 258 ; Аристотель. Политика. - М. - Л., 1893. - С. 34

Таълимотларда қайд этилсада, ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқлари эркакларникидан анчагина пастда эди. Замон ривожланган сари дунёда аёлларнинг ўрни ошиб борди[1]. Шунингдек, давлатчилик тарихидан маълумки, шарқ аёллари, жумладан темурийлар даврида лавлатнинг сиёсий-ижтимой тузумида ҳам муҳим ўрин эгаллашган. Жумладан, бу борада жорий йилнинг 2-3 март кунлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида "Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси", "Гуманитар фанлар" кафедраси ҳамда "Tadqiqot.uz" ҳалқаро илмий журналлар портали ҳамкорлигида ўтказиладиган "I-ҳалқаро: Янгиланаѐтган Ўзбекистонда хотин - қизларнинг илм – фан тараққиѐтидаги роли ва Гендер тенглиги" мавзуси конференция ўтказилиб, мазкур масалалар таҳлил этилгани таҳсинга лойиқ. [2] .

Кейинги даврларда аёлларнинг сиёсий-ижтимой фаоллиги ҳақида Индиана университетининг Марказий Евроосиё факультети ходими, олима Мариан Камп (Marianne Kamp) Туркистон аёллари, хусусан, ўзбек аёллари ролининг XIX асрдан буён турли ҳукумат бошқарувлари давомида ўзгариши, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақида "Ўзбекистон янги аёли: Ислом, Замонавийлик ва Коммунизм даврида паранжининг ечилиши" (The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism) номли китоб ёзган [3]. Олима Кампнинг фикрига кўра, мустамлака даври Жадидларининг хотин-қизларни илмга жалб қилиш ва уларни жамиятда ўз ўрнини белгилаш борасидаги ислоҳотлари Совет давридаги аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатларига асос бўлганди. Яъни, хотин-қизларга билим бериш ва уларни жамият ривожига ҳисса қўшишига шароит яратиш борасидаги ўй ва ҳаракатлар Совет тизими ва Коммунистик партия юзага келишидан анча олдин бошланганлиги таъкидланади. Мазкур масала файласуфлар, тарихчилар, ҳатто ҳуқуқшунос олимлардан томонидан кўп тадқиқ этилишининг сабаби: жамиятнинг асосий бўғини оила бўлиб, бугунги кунда хотин-қизларнинг,айниқса, ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи глобаллашув даврида барча давлатларни, шунингдек олимларнинг диққат марказида турган энг долзарб масалалардан бири бўлгани.

Ҳуқуқшунос олималардан, Қ.Абдурасулова, М.Ражабова, З.Эсанова, Г.Маткаримова, Г.Тўлагановаларнинг илмий тадқиқотларида хотин-қизларнинг муаммолари: оила ва никоҳ, ажрим ва мерос, уй-жой муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, хотин-қизларнинг ҳуқубузарликлари ва жиноятчилигини олдини олишда уларнинг иш билан таъминлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш масалалари тахлил этилган. Хорижий олимлар эса, ўтган асрга қадар аёлларнинг сиёсий фаоллигини тан олишмаган. XIX асрга қадар фақат ҳокимият, давлат ва сиёсат эркакларга хослиги қайд этилган. XIX аср иккинчи ярмида социал –утопислардан. Ш. Фурье биринчи бўлиб, хотин-қизларнинг жамият ҳаётида иштирокига аҳамият берган. Сен-Симон эса, уни қўллаю-қуввалаш билан бирга ечими ва йўлларини таҳлил этган. Т. Парсонс, Э. Дюркгеймларнинг ижтимой меҳнат тақсимотида жинсларнинг ўрни, И. Гоффман ҳамда Г. Зиммелнинг тадқиқотида эса, хотин-қизларнинг ижтимоийлашуви масалалари тадқиқ этилган. [4].

Тадқиқот усуллари. Илмий мақола тайёрлашда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш каби усуллар қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар:**

Юқоридагиларга асосланган ҳолда мазкур мақолада қуйидаги вазифалар:

Биринчидан, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли ортиб бораётганини аниқлаш;

Иккинчидан, давлат бошқарувида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг асосий омилларини асослаб бериш;

Учинчидан, жамиятни демократлаштириш шароитида аёлларнинг ролини оширишнинг ижтимоий-сиёсий омилларини ўрганиш;

Тўртинчидан, аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини ва мавжуд объектив шарт-шароитларини таҳлил қилиб, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг асоси сифатида уларнинг иш бандлигини аниқлаш; аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мослашуви устуворлиги ва жамиятда гендер тенглигининг ҳуқуқий асосини таҳлил этишга қаратилди.

Тадқиқот ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлайдиган масаланинг тарихи ва назариясини ўрганишда энг аввал ислоҳотлар таҳлил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил

23 сентябрь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида нутқ сўзлаб нутқида гендер масаласига алоҳида эътибор берди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”, деб мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириш орқали мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Ҳозирги даврда аёлларнинг етакчилик роли, сиёсатчи имижига бўлган эътибор кучаймоқда.

Шу боис, аёл сиёсатчи имижини, алоҳида тоифага ўтказиб, тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Аёл кишининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини белгилаб берувчи сиёсий имижини шакллантириш ва омма олдида ўзини тутиши ҳамда дастури, мақсадини кенг тарғиб этиш масалалари ҳам долзарбдир. Бу ўринда Лотин Америкаси давлатлари тажрибасида жуда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Лотин Америка мамлакатларида аёлларнинг сиёсатга кириб бориши XX асрнинг биринчи ярмида бошланган, ваҳоланки, аёллар овоз бериш ҳуқуқини тан олиш жараёни ва аёлларнинг катта сиёсатда иштирок этиши ўртасида хеч қандай боғлиқлик мавжуд эмас эди. Лотин Америка мамлакатларида аёлларнинг сиёсий бошқарув жараёнларига, ҳаттоки, номига жалб этилиши ҳам жуда чекланган ҳолатларда юз берган эди. Уларнинг парламентдаги иштироки камсонли, ҳокимиятнинг ижро ва суд бўғинларидаги юқори лавозимларга эришиш деярли мумкин эмас эди. Хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан институционал тизими бу вакиллик ҳокимиятидир. Вакиллик ҳокимиятининг барча даражадаги депутатлари вазифаси иқтисодий ўсишни инсон тараққиёти билан боғлаш, уларнинг узвийлигини таъминлашдан иборат. Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг парламентдаги аъзолиги кейинги йилларда 2 баробарга ортгани халқаро минбардан таъкидлангани ҳам бежизга эмас. Чунки аёллар муаммоси кўп бўлиб, улардан бири никохнинг бекор бўлиши билан аёллар уйсиз қолиши, алимент ундира олмаслиги масалаларини аёл депутатлар қонундаги бўшлиқларни енгишга ҳаракат қилиши табиийдир. Чунки бунга етарлича асосимиз бор.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг 49 фоизини хотин-қизлар, уларнинг қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этар экан, албатта бу йўналишда алоҳида давлат сиёсати олиб боришга тўғри келмоқда. Халқаро доирада гендер масалаларига қандай эътибор қаратилаётганига назар ташласак, дунёда гендер тенглигини таъминлашда ҳалигача қатор муаммолар борлиги кўзга ташланади. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра ҳар 10 ишловчи эркак кишига 6 та ишловчи аёл тўғри келар экан. 2019 йилнинг 24 сентябри куни ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг 74-сессиясида ҳам ташкилотнинг аёллар қаноти гендер тенглик, мамлакатларнинг барқарор тараққиётига эришиш йўлида аёллар учун ҳам муносиб ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши масалаларини бежизга ёритмади. Бош Ассамблея сессияси давомида 192 нафар нутқ сўзлаган арбобларнинг атиги 17 таси хотин-қизлар эканлиги ҳам алоҳида танқид остига олинди.

Ўзбекистон хотин-қизлар масалаларига оид халқаро мажбуриятларини виждонан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг аъзоси сифатида миллий қонунчиликка унинг нормаларини уйғунлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. 2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур қонун

давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, тазйиқлар ва зўравонликдан жабрланганларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳам қонуннинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унга боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади.

Мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларга демократик давлатлар учун хос бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этилган. Ўтган йиллар мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилган Республикамиз БМТнинг —Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақидаги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг —Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги конвенцияларига МДҲ давлатлари орасидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу ҳужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар комплексининг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай глобаллашув шароитда жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги муаммолар ўрганилгани ҳамда оилалар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилиб, имтиёзли кредит берилаётгани муаммонинг амалий ечимига қаратилган тадбирдир.

Ишлаш истаги бўлган хотин-қизларнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилганини барчамиз биламиз, унинг мантиқий давоми сифатида уларнинг бандлигини таъминлаш, аёлларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлиги, ҳунармандчилик ишлари кенг қўллаб-қувватланаётгани ҳам ҳуқуқий тартибга солинган. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, шунингдек, ўтган йили махсус рўйхатдан чиқарилган 2 минг 587 нафар диний оқим аъзоси бўлган аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилгани энг каттаислоҳотдир. Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, кам таъминланган оилаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш, республика скрининг ва репродуктив марказлари хизматларини янада ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори, Ҳукуматимизнинг 6 та қарори, 4 та фармойиши ва 12 та чора-тадбирлар дастури қабул қилинди ҳамда янгиланаётган Ўзбекистонда* хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқли меҳнат қилишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 562 сонли қонуни қабул қилинди. Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига устувор аҳамият бериш каби асосий принциплари белгиланди.

Ҳужжатда давлат жамият ва давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғликни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлаши белгилаб қўйилди. Давлат статистика органлари гендер кўрсатгичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик

ахборотни йиғиши, унга ишлов бериши, тўплаши, сақлаши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши назарда тутилди. Шу ўринда ҳақли бир савол – гендер тенгликни таъминлашга мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижобий натижаси ўларoқ, уларнинг ижроси ҳамда қонунчилик ҳужжатларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга доир масала қайси норматив асосида амалга оширилади? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 192 сонли қарорида** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси, гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг талаблари, гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қўлланиладиган ахборот, гендер-ҳуқуқий экспертизани ўтказувчи экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби бир қатор назарий-ҳуқуқий масалаларга жавоб топиш мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, бундан ташқари, “гендер”, “гендер-ҳуқуқий экспертиза”, “жинс бўйича бевосита камситиш”, “жинс бўйича билвосита камситиш” каби ушбу соҳанинг асосий тушунчаларига аниқ изоҳлар берилмоқда. Аввало ушбу тушунчаларнинг таърифлари бўлмаганлиги боис, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар келиб чиқар эди. Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига устувор аҳамият бериш каби асосий принциплари белгиланди. Ҳужжатда давлат жамият ва давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғликни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлаши белгилаб қўйилди.

Бу борада хориж тажрибасига эътибор берсак, “Гендер-ҳуқуқий экспертиза юзасидан хорижий давлатлар тажрибасида Испания. Испанияда 2007 йилда «Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, Испания ҳукумати ҳузурида гендер тенгликни таъминловчи комиссия ташкил этилган. Мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга оид стратегик режаларни қабул қилиш, аёллар ва эркакларга давлат секторидаги лавозимларда ишлашга, сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсири ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб баҳоланади.

Кейинги тадқиқот манзилимиз Австрия. Мамлакатда 2013 йилда ўтказилган федерал бюджет ислоҳотидан сўнг, парламент томонидан норматив ҳужжатларнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги «ҳақиқий» тенглик нуқтаи назаридан таҳлилини, шунингдек барча янги қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва бошқа йирик давлат лойиҳаларининг гендер гуруҳларига таъсирини баҳолаш жорий этилди. Бу эса ўз навбатида мамлакат учун қонун ҳужжатларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдаги янги қадам бўлди.

Бундан ташқари, Белгия мамлакатида «Гендер тенглик тўғрисида»ги 2007 йилда қабул қилинган қонунга биноан, давлат бошқарувига оид ишлаб чиқилаётган ҳар бир қонун ҳужжатида гендер тенглик соҳасидаги стратегик мақсадлар кўрсатилиши кераклиги, ҳар бир қонун лойиҳаси ёки таклиф қилинаётган стратегик дастур «гендер экспертиза» дан ўтиши кераклиги ва федерал ҳукумат қонунчилик актининг биринчи қисмида гендер тенглиги бўйича стратегик мақсадларни ўз ичига олиши кераклигини белгилайди. Албатта, қонунда ушбу босқичларни мониторинг қилиш ва баҳолаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамалакатимизда гендер тенглик бўйича институционал асослар ҳам кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 562 сонли қонунига асосан мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизаси турли жинс вакилларига тақдим этиладиган тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатидан келиб чиққан ҳолда соҳавий тармоқларга (соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, оилавий муносабатлар ва болалар тарбияси, ижтимоий ҳимоя, сиёсий, иқтисодий соҳаларга) ажратилган. Бу эса гендер-ҳуқуқий экспертизанинг нечоғлик мукаммал ва профессионал амалга оширилишидан далолатдир.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинди.

*Унинг исботи сифатида давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида Қўмитага хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, айниқса, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган* 13 минг нафар *хотин-қизни иш билан,* 1600 нафар *хотин-қизни уй билан таъминлаш вазифасини топширгани, ҳамда қўмита томонидан бу борада аниқ режалар белгиланиб, амалий ишлар олиб борилаётгани айни ҳақиқатдир.*

2019 йил 2 қонун қабул қилиниб, бирида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган бўлиб, бугун аёлларимиз элчи, ҳоким,сенатор, депутат ва барча соҳаларда фаолдир. Парламентда ҳам 30 фоиз аёллар сайлангани, хотин-қизларимизга катта эътибордандир.

Иккинчидан, аёллар дафтари ташкил этилиб, ҳар бир аёл шахсан ўрганилмоқда.

Учинчидан, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони, Зулфия номидаги давлат мукофотлари аёлларимизнинг давлат томонидан эътироф этилишидир. Ҳадисларда ҳам уч маротаба онангга кейин отангга яхшилик қил-деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаѐтган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опасингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, шунингдек кўплаб халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда. Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти‖ сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда. Жамият ва давлат ҳаѐтида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган «Мўътабар аѐл» кўкрак нишони таъсис этилди.

Хотин-қизлар сайлов жараёнида сайловчи, депутатликка номзод, сайлов комиссиясининг аъзоси, кузатувчи, партиянинг ваколатли вакили, ишончли вакил сифатида эркаклар қатори тенг ва эркин, очиқ ва ошкора иштирок этишлари мумкин.

“Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари” “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда алоҳида бобда мустаҳкамланди. Унга асосан хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга. Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади. Сайлов кодексининг 70,91-моддаларига асосан, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак. Номзодлар ўртасида аёллар миқдорини ошириш бўйича норма белгилаш жаҳонда қўлланиладиган усул бўлиб, Албания, Босния Герцеговиня, Македония, Греция, Черногория, Польша, Сан-Марино, Сербия, Словения, Арманистон, Қирғизистон, Испания қонунчилигида ҳам буни яққол далилини кўришимиз мумкин. Номзод аёллар учун ихтиёрий ёки мажбурий квоталар Франция, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британияда қайд қилинган.

Шу боис ҳам, ўзбек аёлларининг бугунги кундаги давлат бошқарувидаги фаоллигини мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини, яъни 29 фоизини 14 ёшгача, 28 фоизини 15-30 ёшлилар, 21 фоизини 31-45 ёшлилар, 15 фоизини 46- 60 ёшлилар, 7 фоизини 60 ёшдан катта хотин-

қизлар ташкил этиши билан бирга, сенатор, депутат, ҳоким, элчи, прокурор каби лавозимларда фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келишмоқда. Асосий қонунимиз - Конституцияда ҳам хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Ҳукумат томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишларда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг жамият ҳаётида фаоллиги орқали ўз ифодасини топаётир. Хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда эътибор кучайтирилаётганлигининг яна бошқа жиҳатлари ҳам бор. Энг катта янгилик, бир ҳуқуқшунос сифатида айтишим шартки, унча-бунча давлатда йўқ, бундай ўрнатилган тартиб, яъни кам таъминланган хотин-қизлар уй олиши учун бошланғич бадал пулини тўлаб бериш тизими янги Ўзбекистонда жорий этилган ислоҳот. Шунингдек, 2019 йил 1 майдан Нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” ташкил этилди. Марказларнинг асосий вазифалари этиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришлаш таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш ва бошқа йўналишлар бўйича амалий ёрдам кўрсатиши белгиланди.

**Шунингдек,энг қийин ва оғриқли масала ишга қабул қилишдаги ҳуқуқий асосларимизнинг қонуний ечимининг ўзи ҳар қандай аёлнинг кўнглини кўтаради. Жумладан, ЎзР Меҳнат кодексининг** 224-моддасида ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилишни рад этиш ёки иш ҳақини камайтириш таъқиқланиши белгиланган. Демак, аёлларимизни, ёш келинларимизни ҳомиладорлиги ҳамда уч ёшга тўлмаган боласи борлигини рўкач қилиб ишга олмаслик қонунбузарликдир.

Шунингдек, аёлларимизни меҳнат шароити ноқулай ва зарарли бўлган ҳамда оғир жисмоний ишлар ёки тунги ишлар, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари, хизмат сафарига жалб этишда чекловлар макур қонунининг 225-модда, 228-моддаларида **аёллар меҳнати таъқиқланадиган ишлар сифатида** белгиланган. Яна бир муҳим имкониятлардан бири бу ҳомиладор ва икки ёшгача болали аёллар ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа енгилроқ ёки зарарсиз ишга ўтказиш ҳақидаги норма 226-модда 227-моддаларда **енгилроқ ва зарарсиз ишларга ўтказиш**га қаратилган. Шу билан бирга уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга хафталик иш вақти 35-соатдан ошмаган ва аввалги иш ҳақи сақланилиши эса, Меҳнат Кодексимизнинг 228-1 ва 229 –моддалари билан қайд этилган.

Барчамизга аёнки, аёлларимизнинг энг қийин ҳолати бу оилада ногирон фарандга ғамхўрлик қилиш ҳамда уни ў тенгкурларидек шароитда тарбиялаб ўстиришдир. Мазкур муаммонинг бироз ечими сифатидамеҳнат қонунчилигимизнинг 230-моддасига кўра, 16 ёшгача ногирон болали ота-онанинг бирига ҳар ойда иш ҳақи сақланган ҳолда бир кун дам олиш куни берилиши таҳсинга сазовордир. Бундан ташқари, ҳомиладор ва бола туққан аёлларга йиллик мехнат таътили уларнинг хохишига кўра,лар истаган вақтда берилиши 231-моддада ўз ифодасини топгани, оилавий шароитларнинг яхшиланишига яратилган имконият ва шарт-шароитдир.

Шарқ аёлларининг миллий қадриятига айланган оилавий маросимлар ҳаёт мазмунига сингиб кетганки, бу жиҳатлари ҳам аёлларимига 3 (уч) кун хак тўланадиган ва камида 14 календарь кунидан иборат хақ тўланмайдиган таътил бериш масаласи қонунчилигимизнинг 232-моддасида белгиланган. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ва тарбияга эътиборнинг кучайтирилиши билан янада мустаҳкамланди. Юртимиз равнақи, фарзандларимизнинг, хусусан қизларимизнинг билимли, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишида, жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишида хотинқизларимизнинг ҳиссаси каттадир.

Юксак маънавиятли ва маърифатли, намунали одоби ва тарбияси билан эътироф этилган оналаримизнинг издошлари бугун давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, илм-фан, маданият, тиббиёт, таълим ва ҳатто ҳарбий соҳада хизматлари беқиёс. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Зеро, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг 72 фоизини

хотин-қизлар ташкил этади. “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”ни қабул қилиб, уни амалга ошириш бўйича ишлар бошланганига халқимиз ўзи гувоҳ ва иштирокчисидир. Ахир, 8-март муносабати билан 28 нафар иқтидорли қизларимизга Зулфия мукофоти ҳамда кўп йиллар давомида ўз соҳасида катта натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган опа-сингилларимиздан 297 нафари “Мўътабар аёл” нишони билан тақдирлангани минглаб аёлларга қувонч ва ишонч бахш этади ҳамда хотин-қизлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Янги Ўзбекистонда жамиятнинг демократик ўзгаришлари ҳамда гендер тенгликни таъминлаш йўлидаги баҳосини шу жамиятнинг аёлларга муносабати, яратилган имконияти ва берган шарт-шароити билан белгиланади. Бундай имконият, бундай эътибор албатта ҳар бир аёлда меҳнатга, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга, янги ғоялар устида ишлашга, ташаббускорлик кўрсатишга иштиёқ ҳамда келажакка ишонч уйғотади. Янги-янги ютуқ ва марралар сари етаклайди. Хотин-қизларни янгича ёндашув, янгича ғоя ва янгича ташаббуслар билан чиқишларига ундайди.

**1.** Хулоса ва таклифлар: (Conclusion/Recommendations).

Мазкур тадқиқотда кўтарилган мақсад: БМТ бош Ассамблеясининг 1967 йил 7 ноябрда қабул қилган Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Бутунжаҳон декларациясининг 1-моддасида “Аёлларга нисбатан камситиш, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини рад этиш ёки чеклашга олиб келадиган ҳолатлар қайд этилса ўз моҳиятига кўра адолатсизлик бўлиб, инсон қадр-қимматига қарши жиноят содир этилган ҳисобланади”, деб таъкидланган. Бу борада мамлакатимизда қатор номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди.

Жамиятда гендер муаммоларини ҳал этишнинг энг муҳим шарти-давлат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотларнинг фаол мулоқоти ва ижтимоий шериклигидир, чунки улар давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги асосий кўприкдир. Айнан ана шу кўприк хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий фаоллигини назорат қилади, шарт-шароит яратади ва қўллаб-қувватлайди. Бу эса, хотин-қизларнинг асоссий меҳнат бандлиги билан бирга турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ривожланиш стратегиясининг муҳим қисмидир.

Шу муносабат билан бундай сиёсатни амалга оширишда илм-фанни фаол жалб қилиш керак, чунки давлат бошқарувида ишлайдиган аёллар замон билан бирга ҳамнафас бўлиб фаоллигини рўёбга чиқаришида илмий асосланган махсус тадқиқотларни талаб этадики, унда социологик сўровлар, аҳолининг бунга муносабати ва хотин-қидларнинг хабардорлиги муҳим ўрин тутади. Шу боис аёлларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган назарий ва амалий қўлланмаларга муҳтожлик сезилади. Демак, бу борада ёшлар, талабалар ўртасида танловлар ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Худди шундай меҳнат муносабатларида, таълим соҳасида ҳам эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятлари тааъминланиши жамиятда аёллар ролини оширишга хизат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Зеро, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг 72 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Биринчи йўналиш - таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш бўлиб, ушбу йўналиш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани таълим муассасаларида хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасини кучайтириш, ўқитувчиларнинг кийиниш маданиятига ва одоб-аҳлоқ меъёрларига риоя этишларини таъминлаш ҳам бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Иккинчи йўналиш – таълим муассасаларида таълим олаётган қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга яъни, уларнинг турмуш қуришдаги ҳақ-ҳуқуқлари, никоҳ шартномаси, эр-хотин ўртасидаги ва бошқа оилавий муносабат тўғрисида кўникмаларини шакллантириш дозим бўлади.

Хулоса ўрнида мамлакатимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка

етказиш ҳамда тарғиб этиш зарур. Демак, сиёсий фаол, етук маънавиятли, жамиятнинг муҳим таянчи бўлган хотин-қизлар ролини янада кучайтириш учун қуйидагилар таклиф этилади: биринчидан, аёлларимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш мақсадида сиёсий партиялар дастурларини кенг жамоатчиликка етказиши лозим.

Иккинчидан, ОАВларда сиёсий, ҳуқуқий билимини оширувчи кўрсатувларни халқчил тилда етказиш зарур.

Учинчидан, - хотин-қизларнинг оилада ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Токи оилавий зўравонлик қурбонига айланиб қолмаслиги учун, қизларимизни ҳақ-ҳуқуқи билан бирга маънавий юксак бўлиши давр талабидир.

Тўртинчидан, янгиланаётган Ўзбекистонда маҳкумликдан озод бўлган аёллар ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор бериш вақти келди. Шу боис, бундай хотин-қизларнинг илм олиш ҳуқуқоини, айниқса, Олий таълимда ўқитиш масаласини ҳал этмоқ керак. Сиртқи, кечки бўлимларда ишдан ажралмаган ҳолда таълимни ташкил этиш Янги Ўзбекистоннинг янги ислоҳотларидан бирига айланар эди.

Бешинчидан, илм йўлида изланиш олиб бораётган ёш аёлларимизнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш (замонавий, инновацион усуллар асосида қисқа ўқув дастурлари асосида) ташкил этиш ўринли бўлади.

Олтинчидан, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги фаоллигини оширишга қаратилган махсус ўқув курслари ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.Ўзбекистон. 2019. -40
2. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун lex.uz/docs/4494849. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон
3. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар. https://lex.uz/docs/4494849. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон қарори. “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”. https://lex.uz/docs/4230944
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги ПФ-6188-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-со
6. Платон. Соч. - М., 1971. - Т.3, 4.1. - С.251; Там же 4.2. - С. 258 ; Аристотель. Политика. - М. - Л., 1893. - С. 34
7. Фурье Ш. Изб. соч. - М., 1951. - Т. 1. - С. 174. Parsons T. The American Family: Its Relations to Personality and to the Social Structure /Parsons T., Baies R. Family, Socialization and Interaction Process. Glencoe, IL: Free Press, 1955);
8. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. - М.: Наука, 1991; Дюркгейм Э. Самоубийство. - М.: Мысль, 1994;
9. Зиммель Г. Женская культура. Фрагмент о любви / Зиммель Г. Избранное. - М.: Юрист. - Т.2. - с.234-265;
10. Teaching sufism: ideas of bahauddin nakshbandi and its activity in Modern Uzbekistan. SRK Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna, Agzamkhadjaeva Saida Sabithanovna ...International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28 No. 12 (2019) ISSN: http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/1223.
11. “I-халқаро: Янгиланаѐтган Ўзбекистонда хотин - қизларнинг илм – фан тараққиѐтидаги роли ва Гендер тенглиги” мавзуси конференция ахборот хати. 2021 й.2-3 март.

**Эшманова Нодира Назаркуловна**
*ЧДПИ "Умумий педагогика" кафедраси ўқитувчиси*

# ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда таълим соҳасининг алоҳида аҳамияти катта ҳисобланади. Бу ишларнинг самарали бўлиши учун тарбияни ҳам бирга олиб бориш лозим. Чунки, тарбия орқали таълим тизими бошқарилади ҳамда тарбия қайси йўналишда бўлса, таълим ҳам келажакда шу йўналишни белгилайди. Шунинг учун ҳам, мазкур вазифа ёшлардаги аниқ истиқболли мақсадни амалга оширишга қаратилган. Аммо, ёшларнинг баркамол инсон бўлиб тарбияланишига ҳисса қўшадиган тўғри тарбиялаш механизмларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ёшлар баркамол авлод бўлишлари учун давлатимиз томонидан катта имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Хусусан, ушбу масалага оид бўлган давлат дастурлари қабул қилиниб, буларга мисол қилиб 2008 йилда республикамизда қабул қилинган "Ёшлар йили" ва унга оид бўлган давлат дастурларини келтириш мумкин.

Аввало, ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишиши оилада, шунингдек мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида тарбияланади. Мазкур таълим муассасаларида устоз-мураббийлар самарали фаолият юритиб, ўз хизмат вазифаларини етук қилиб бажариб келмоқдалар.

Айниқса, ҳукуматимизнинг илм-фан ва таълим соҳасидаги олиб бораётганислоҳотлари хориж алоқаларининг жадаллик билан ривожланиши иш фаолиятида катта ўзгаришларни ясади. Хусусан, замон билан ҳамнафас бўлаётган жамиятда аёллар ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқдалар ҳамда илм-фан ва таълим соҳасига чуқур кириб бориши билан бирга хорижий тажрибаларни кенгроқ ўрганишга ҳам алоҳида эътиборларини қаратмоқдалар.

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини юксалтириш, уларнинг олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлар қабул қилинган. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, кучли ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини ошириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид эзгу саъй-ҳаракатлар дунёда намуна олса арзигулик ишлар сифатида эътироф этилмоқда.

Аёлларнинг қўллаб-қувватлаш ҳам ҳамиша давлат сиёсати даражасида бўлиб келмоқда. Хусусан, бу борада жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли "**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** Фармони қабул қилинди ва шунга асосан уларга эътибор алоҳида аҳамиятга эга бўла бошлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёл-педагоглар томонидан ўқув масканларидаги таълим, давомат, билимларни ўзлаштиришни доимий таҳлил этиб бориш, ёшлар, айниқса, қиз болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини тўғри шакллантиришда ўқитувчилар жамоасига яқиндан кўмаклашиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамда ўсмир қизлар, талабалар, уй бекалари, меҳнат жамоаларидаги мутахассис аёллар учун гимнастрадалар, спорт фестиваллари, спартакиадалар ҳам мунтазам ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, аёллар турли соҳаларда ишлаб келиб, ёшларнинг билими, малакаси ва тажрибасининг ўсиши, касбий фаолиятининг муҳим қирраларини таъмишлашда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги мутахассис-ходимлар бўлишса, айримлари олим-тадбиркорлардир. Ёшларнинг маънавий ва маърифий баркамоллиги учун улар ўқитувчи-мураббий вазифасини ўтайдилар. Мазкур вазифани аёлларга хос бўлган педагог сифатида кенг талқин қилиш мумкин.

Аёл педагог сифатида ёшларни болалик давридан тўғри сўз, виждонли, меҳрибон, иқтидорли ва шижоаткор қилиб тарбиялаш ишларини амалга оширишга катта ҳисса қўшиб келади. Улар ёшларга тўғри ёзиш ва сўзлаш қоидаларини ҳам ўргатадилар. Айниқса, улар ёшларда бир-бирлари ва бошқаларга бўлган хурматни, матонатли ва иродали бўлиш йўлларини ўргатишлари билан биргаликда, уларнинг саводлилик даражасини оширишга катта ҳисса қўшиб келадилар. Чунончи, аёл-педагогларнинг

ижтимоий вазифаси ёшларда турмуш тарзи уларнинг келажакда соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган бўлиб, бунда аввало таълим ва тарбия дастлабки таъсир қилувчи восита ва омиллар бири бўлиб ҳисобланади. Улар ўзаро бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлиб, натижада келажак "бунёдкорлари" бўлган баркамол авлодни жисмоний, руҳий ва ақлий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш белгиланади.

Бугунги кунга келиб, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун аёл-педагогларнинг олдида катта мақсад турибди. Бу ҳам бўлса, улар тарбиялайдиган келажакдаги инсон, яъни бугунги кун ёшлари мамлакатимиз илм-фан равнақи ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилайдиган ҳақиқий шахс бўлиб етишишларидир. Бунинг учун аёл-педагогларимиз ўқувчи-ёшлар билан доимий яқин ва дўстона бўлишлари, қизиқарли шаклда дарс машғулотларини олиб боришлари, ёшлардаги муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечимларини топишга катта ўз ёрдамларини бериб туришлари, "устоз-шогирд" анъаналари асосида таълим тарбия бериш жараёнини кенг давом эттиришлари ҳамда намунали "ота-она" вазифасидаги етук етакчи (лидер) бўлишлари талаб этилади.

Шунингдек, аёл-педагоглар қуйидаги келтирилган вазифаларни доимий равишда бажариб келишлари талаб этилади:

– ўзаро бир-бирига алоқадор бўлган "маҳалла-оила-таълим муассасалари" ҳамкорлигида доимий ишлашни таъминлаш;

– ёшлардаги одоб-ахлоқ ва маданиятга бўлган қизиқишларини шакллантириш ва янада кучайтириш;

– турли маданий, маънавий ва маърифий йўналишлардаги тадбирларни ўтказишни йўлга қўйиш ва уларда ёшларнинг ҳаётини яратишга қаратилган жиҳатларига алоҳида эътиборларни қаратиш;

– оммавий ахборот воситалари ва матбуотларда ёшлар бўйича турли мавзулардаги чиқишларни қилиб бориш;

– ҳар бир оилада ёшларнинг фаол бўлиш жараёнларини кучайтиришни таъминлаш;

– ёшларда тиббий ва экологик мавзулардаги шахсий тарбияни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.


**ШАМСИДДИНОВА ОЗОДА БЎРИЕВНА,**
*Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги*
*Судьялар олий мактаби докторанти*

**КАРИМОВА ЗУЛФИЗАР ЛОЧИНОВНА,**
*Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги*
*Судьялар олий мактаби докторанти*


## ЭР-ХОТИН ВА БОШҚА ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ МОЛ-МУЛКДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ


**Аннотация**: *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Уй-жой кодексида оила аъзоларининг мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ва амалиётининг долзарб муаммолари кўриб чиқилган бўлиб, ҳуқуқшунос олимларнинг назарий фикрлари ҳамда қонунчилик таҳлил қилинган. Шунингдек, амалиётда оила аъзоларининг мол-мулкдан фойдаланишга оид нормаларни нотўғри квалификация қилишга оид баъзи муаммолар ҳам тадқиқ қилинган. Шу билан бирга оила аъзоларининг мол-мулкдан фойдаланиши бўйича асосланган, конструктив таклифлар берилган.*



**Калит сўзлар:** *оила аъзолари, эр-хотин, мол-мулк, турар жой, хусусий мулкчилик, узуфрукт, суперфиций, ашёвий ҳуқуқ.*



**Аннотация:** *В статье исследуются актуальные вопросы права и практики членов семьи в Гражданском и Жилищном кодексе Республики Узбекистан, анализируются теоретические взгляды ученых-юристов и законодательства. На практике также исследовались некоторые проблемы, связанные с неправильной квалификацией норм пользования имуществом членами семьи. При этом*

*были внесены обоснованные, конструктивные предложения по использованию имущества членами семьи.*

**Ключевые слова:** *члены семьи, пара, собственность, жилье, частная собственность, узуфрукт, суперфиций, имущественное право.*

**Annotation:** *The article examines the current issues of the law and practice of family members in the Civil and Housing Code of the Republic of Uzbekistan, analyzes the theoretical views of legal scholars and legislation. In practice, some problems related to the incorrect qualification of the norms for the use of property by family members were also investigated. At the same time, reasonable, constructive proposals were made for the use of the property by family members.*

**Keywords:** *family members, couple, property, housing, private property, usufruct, superficies, property law.*

Маълумки, уй-жой инсоннинг доимий ва асосий эҳтиёжи сифатида алоҳида ҳуқуқий режимга эга. Уй-жойдан фойдаланишда эр-хотинни ҳамда бошқа оила аъзоларини мулк ҳуқуқи ўзига хос хусусиятга эга. Зеро, мулк ҳуқуқи ва унинг элементлари ўзаро нисбатини аниқлаш, оила аъзоларининг уй-жойдан ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишига доир масалаларни тадқиқ этиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Бугунги кунда амалга оширилаётганислоҳотлар шароитида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқлари кафолатлари, оила аъзоларининг уй-жой ҳамда бошқа мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг моҳияти, ашёвий ҳуқуқ конструкцияларининг ривожланиш тенденциялари, замонавий цивилистика фанида мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш кун тартибидаги масалалардан биридир.

Уй-жой муаммоси дунёдаги барча давлатлар учун энг муҳим аҳамиятга молик муаммолар туркумига киради. БМТнинг ахборотномасида белгиланишича, дунёда бир миллиарддан ортиқ шахс уй-жой муаммоси билан қийналиб яшаб келмоқда, тўрт юз миллиондан ортиқ шахс эса умуман бошпанасиз, тайин яшаш жойига эга бўлмасдан яшаб келмоқда[80].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги ўз аксини топди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда хусусий мулкчиликка кенг йўл очилишига ва кишиларда мулкдорлик ҳиссининг шаклланишига катта турки берди ҳамда шахсларнинг ўз моддий ва маънавий эхтиёжларини қондиришга қаратилган имкониятларини янада ортишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1993 йил 7 майдаги қонуннинг қабул қилиниши натижасида уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи, ундан фойдаланишга доир муаммо бирмунча бартараф этилгандек бўлди.

Мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, икки ва ундан зиёд ижарачи яшаб турган бўлса-ю, улардан айримлари хусусийлаштиришга рози бўлмаган квартиралар хусусийлаштирилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган. Қонуннинг 13-моддасига асосан, турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши, хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилиши ҳақида талаб белгиланди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида оила аъзоларининг уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишга доир низоли ҳолатлар давом этди. Хусусийлаштириш жараёнида оила аъзоларининг иштироки, уларни мулкдорнинг мулк ҳуқуқини тасарруф этишга розилигини талаб қилиниши мулк ҳуқуқини тасарруф этишга таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Уй жой кодексига 2018 йил 11 октябрда киритилган ўзгаришларга кўра, уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг вафотидан кейин очиладиган мерос таркибига кирмайди (32-модда). Вақт ўтиши билан қонунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида низоли масалага нисбатан судларнинг турлича ёндашувларига чек қўйди. Чунки, уй-жойнинг иккиламчи бозори ҳам бир мунча ривожланди.

---

[80] Http//www.private.com.UNreports.activelaw.

Бу ўринда ўзига хос ёндашув кодексда оила аъзоларига таъриф берилиши билан боғлиқ. Оила кодексининг 5-моддасида оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Уй жой кодексининг 32-моддасига кўра, турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган оилали фарзандлари ва уларнинг эр-хотини, агар улар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлса, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзолари деб тан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Уй жой кодексининг 9-моддасига асосан фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб ҳисобланади.

Турар жой қуйидаги хусусиятлари мавжуд бўлганлиги учун ҳам кўчмас мулк ҳисобланади:

1.Турар жой ер билан узвий боғлиқликдир;

2. Турар-жойни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имконияти йўқ;

3. Турар жой кўчирилганда тайинланиш мақсадига кўра фойдаланиб бўлмайди;

4. Турар жой кўчирилганда шаклан ва жисман ўзгаради, турар жой, уй кўчириладиган бўлса, унинг хусусияти йўқолади, бузилиши, дарз кетиши келажакда айнан бу уйнинг шаклан ўзгаришга учрашига олиб келади. Агар бузиб, бошқа жойга қурилган тақдирда ҳам айнан ушбу материаллар билан шундай турар жой, уйни барпо этиш мумкин эмас[81].

Юқоридагилардан кўринадики, уй-жой кўчмас мулк сифатида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Гарчи, ФКнинг 209-моддасига мувофиқ, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Ер участкасига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишга тўлақонли имконият мавжуд эмас.

О.Оқюловнинг таъкидлашича, ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этишда ижтимоий ва хусусий манфаатлар ўртасида муайян зиддият вужудга келади. Ерга нисбатан ижтимоий муносабатларнинг асосий мазмуни шундаки, яхлит ҳолда халқимиз ҳам ва алоҳида ҳолда ҳар бир фуқаро ҳам бу ерлардан ҳозирда, келгусида ва келажак авлодлар томонидан ҳам эркин фойдаланишни хоҳлайди. Амалдаги қонунларда ерга нисбатан белгиланган ҳуқуқий режим худди шу ижтимоий манфаатларни таъминлашга қаратилган[82].

Бозор муносабатларининг шиддат билан ривожланиши ернинг ҳам тўлақонли фуқаролик муомаласига киритиш, олди-сотди ёки бошқа мулк ҳуқуқини тасарруф этишга доир шартномалар тузишга имкон беришни тақазо қилади. Бу эса, ўз навбатида ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини жорий этишни кун тартибидаги масала сифатида қўяди.

Қадимги Римда ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, улардан энг кенг тарқалгани бу – узуфрукт. Узуфрукт – бу ашёнинг моҳиятини сақлаб қолган ҳолда ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ва ундан ҳосил олиш ҳуқуқи ҳисобланган (Usus fructus est ius alienis rebus utendi fruendi salva rerum substantia (D.7.1.1))[83]. Ушбу ҳуқуқ кейинчалик ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда турли ўзига хосликлар билан давлатлар қонунчилигига рецепция қилинган.

Дастлаб рим ҳуқуқида шаклланган “суперфиций” атамаси аввало лотинча Superficies solo cedit (Строение следует за землёй) қоидасига зид равишда амал қилади. Мазкур ҳуқуқ ўзганинг кўчмас мулки (ер участкасидан) фойдаланишга доир ашёвий ҳуқуқ ҳисобланади. Суперфицийнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у мерос бўлиб ўтиши, гаровга қўйилиши, учинчи шахслар фойдасига бегоналаштирилиши мумкин. Бунда ижарадан фарқли равишда суперфиций мерос бўлиб ўтиши, ер участкасининг розилигисиз тасарруф этилиши билан боғлик[84].

---

[81] Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига шарҳлар./Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар док-тори, профессор И.Б.Зокиров. –Т.: ТДЮИ, 2007. 37–бет.

[82] Оқюлов О. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муомаласига ер участкаларини тўлақонли киритиш муаммолари // Юридик фанлар ахборотномаси. 2019. №2. 30-б.

[83] Памятники римского права: Законы XII таблиц. Институции Гая. Дигесты Юстиниана. М., 1997. 608 с.; Дигесты Юстиниана / отв. ред. Л. Л. Кофанов. Т. 2. М., 2002. 622 с.

[84] https://ru.wikipedia.org

Цивилист олимлар ашёвий ҳуқуқ асосан уч гуруҳга бўлинганлигига ҳам эътибор қаратган. Булар: биринчидан, ўзганинг ашёсидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут, эмфитевзис, суперфиций ва ҳ.к.), иккинчидан, ўзганинг ашёсидан муайян қийматликларни олиш (масалан, гаров ҳуқуқи, рента олиш ҳуқуқи ва ҳ.к.), учинчидан, маълум ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини олиш (масалан, кўчмас мулкни имтиёзли ёки ҳуқуққа нисбатан улушни сотиб олиш ҳуқуқи) ҳисобланган[85].

Бугунги кунда ҳам ашёвий ҳуқуқдан чекланган тарзда фойдаланишга доир муносабатлар долзарблигини йўқотмаган. Чекланган ашёвий ҳуқуқ турлари амалдаги ФКнинг 165-моддасида ўз ифодасини топган бўлсада, уларнинг айримлари хусусий эмфитевзис, суперфицийга доир қоидалар унда ифодаланмаган. Шундай бўлсада, ашёвий ҳуқуқдан чекланган тарзда фойдаланишга доир айрим қоидалар фрагментар тарзда Оила кодексида эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши (24-модда), ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатларини қўлланишида турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолишда (81-модда), Уй-жой кодексида мулкдор оила аъзоларининг, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (32-модда), фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни ижарага, арендага бериш шартномаси бўйича ижарага, арендага олувчининг ҳуқуқлари (33-модда) ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

ФКнинг 173-моддасида ашёвий ҳуқуқдан чекланган тарзда фойдаланишга доир конструкция, яъни ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи назарда тутилган. Бироқ, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш ва ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир нормалар батафсил тартибга солинмаган. Хусусан, учинчи шахсга тегишли ер участкасидан пиёда ёки транспортда ўтиш мақсадида фойдаланиш, энергетика, алоқа, сув, қувур ўтказгич тизимлари ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш ва бошқа бу каби чекланган фойдаланиш ҳуқуқини қандай тартибга амалга ошириш ёпиқ қолган. Шу жумладан, сервитутнинг шартномавий тартиби, унинг муҳим шартларини белгилаш масаласи ҳал қилинмаган.

Хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксариятида ашёдан фойдаланиш юзасидан турли ҳуқуқий конструкциялар қўлланилишини кўриш мумкин. Франция Фуқаролик кодексининг 578-624-моддаларида узуфруктга доир қоидалар назарда тутилган. Узуфруктга асосан мулкдори бошқа бўлган ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунилган. Узуфруктуарий ашёнинг моҳияти сақлаб қолинган ҳолда мол-мулкдан худди мулкдор каби фойдаланиши мумкин бўлган. Узуфрукт умрбод, муддатли ҳамда шартли белгиланган[86] ашёвий ҳуқуқ сифатида ўрнатилиши, унинг эгаси бошқа шахсга тегишли ашёдан фойдаланишга, ундан фойдаланиш натижасида фойда олишга ҳақли бўлган.

Юқоридагилардан кўринадики, француз қонунчилиги рим ҳуқуқида мавжуд бўлган узуфрукт ҳуқуқий конструкциясини қабул қилган. Айрим мутахассислар французларнинг Фуқаролик кодексидаги узуфруктдан фарқли равишда рим ҳуқуқидаги узуфрукт бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳамда ворислик тарзида бошқа шахсга ўтказилмаганлигини таъкидлайди[87].

Германия Фуқоралик Тузуклари эса, французлардан фарқли равишда ашёвий ҳуқуқ (der Nievbrauch) мустақил чекланган ашёвий ҳуқуқ бўлиб ҳисобланмасдан, балки сервитутнинг бир тури ҳисобланади. ГФТнинг § 1030 кўра, ашёга нисбатан ҳуқуқ чекланиши мумкин, чеклов кимнинг фойдасига ўрнатилган бўлса у шахс ашёдан фойдаланиш натижасида (узуфрукт) даромад олишга ҳақли[88].

Демак, узуфруктнинг моҳиятини аниқлаб олиш муҳим. Узуфрукт алоҳида ашёвий ҳуқуқ бўлиб, унинг субъекти (узуфруктуарий) чеклов ўрнатилган ашёдан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади ва ашёнинг бус-бутунлигини сақлаган ҳолда ундан фойдаланиш натижасида ҳосил ва даромад олиши мумкин.

---

[85] Гражданское право: В 4 т. Том 2: Вещное право. Наследственное право. Исключительные права. Личные неимущественные права: Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное. Под ред. Е.А.Суханова. М.: Волтерс Клувер, 2008. 74-б.

[86] Сиваракша И. В. Сервитуты и узуфрукт в гражданском кодексе Франции 1804 года : автореф. дис. … канд. юрид. наук. М., 2000. С. 19.

[87] Какаурова Н.А. Имущество и видоизменения собственности в гражданском праве Франции в XIX веке. // Сибирский юридический вестник. Вопросы теории и истории государства и права. 2010. №2. (49). 11-б.

[88] Гражданское уложение Германии. Вводный закон к Гражданскому уложению : пер. с нем. / сост. В. Бергман. М. : Инфотропик Медиа, 2015. С. 339 (Серия «Германские и европейские законы»).

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5464-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига тақдим қилинди[89].

Мазкур лойиҳада ўзига хос ютуқлар, концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Унда мулк ҳуқуқига даҳлдор бўлган конструкциялар, қоидалар ҳам ўз ифодасини топганки, ушбу ютуқларни қайд этиш албатта ўринли бўлади.

Амалдаги ФКга мувофиқ, қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) назарда тутилмаган эди. ФК лойиҳасида эса, қурилиш қилиш ҳуқуқи (суперфиций) кўрсатилган бўлиб, унда суперфиций тушунчаси, асосий шартлари, бунинг учун ҳақ олиш, суперфицийнинг тугатилиши каби моддалар назарда тутилган. ФК лойиҳасида шахсий фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи (узуфрукт) ҳам белгиланган бўлиб, узуфрукт турлари, ашёни ҳолатини аниқлаш, узуфруктуарийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, узуфруктнинг тугатилишига доир қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси - Т.: Ўзбекистон, “Адолат ” 2014. 5-модда, 5 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига шарҳлар./Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар док-тори, профессор И.Б.Зокиров. –Т.: ТДЮИ, 2007. 37–бет.
3. Оқюлов О. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муомаласига ер участкаларини тўлақонли киритиш муаммолари //Юридик фанлар ахборотномаси. 2019. №2. 30-б.
4. Памятники римского права: Законы XII таблиц. Институции Гая. Дигесты Юстиниана. М., 1997. 608 с.; Дигесты Юстиниана / отв. ред. Л. Л. Кофанов. Т. 2. М., 2002. 622 с.
5. https://ru.wikipedia.org
6. Гражданское право: В 4 т. Том 2: Вещное право. Наследственное право. Исключительные права. Личные неимущественные права: Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное. Под ред. Е.А.Суханова. М.: Волтерс Клувер, 2008. 74-б.
7. Какаурова Н.А. Имущество и видоизменения собственности в гражданском праве Франции в XIX веке. // Сибирский юридический вестник. Вопросы теории и истории государства и права. 2010. №2. (49). 11-б.
8. Гражданское уложение Германии. Вводный закон к Гражданскому уложению : пер. с нем. / сост. В. Бергман. М. : Инфотропик Медиа, 2015. С. 339 (Серия «Германские и европейские законы»).
9. https://regulation.gov.uz/ru/d/29059



**Н.Н.ШОМУРОТОВА**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, психология фанлари номзоди*


## ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХАТАРЛАРИ


**Аннотация:** *мазкур мақолада ўзбек оилаларидаги оилавий зўравонлик муаммоси муҳокама қилинади. Оилавий зўравонлик- оила аъзоларининг руҳияти ёки соғлиғига бошқа оила аъзоларидан таҳдид соладиган ҳар қандай жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик хисобланади. Жисмоний куч ишлатиш орқали таҳдид қилиш, калтаклаш, психологик ва жинсий зўравонлик оиладаги зўравонлик шакллари ҳисобланади. Энг кўп учрайдиган қурбонлар аёллар ва болалардир, шунингдек, эркаклар ҳам бўлиши мумкин.*


[89] https://regulation.gov.uz/ru/d/29059

**Калит сўзлар:** *оилавий зўравонлик, аёллар зўравонлиги, болаларга нисбатан зўравонлик, оналик депрессияси, стресс, хавф омиллари руҳий камситилиш, иқтисодий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик.*

**Аннотация:** *в статье рассматривается проблема домашнего насилия в узбекских семьях. Домашнее насилие - это любое физическое, сексуальное или психологическое насилие, которое угрожает психике или здоровью членов семьи со стороны других членов семьи. Угрозы, избиения, психологическое и сексуальное насилие с применением физической силы являются формами домашнего насилия. Чаще всего жертвами становятся женщины и дети, а также мужчины.*
**Ключевые слова:** *насилие в семье, насилие в отношении женщин, насилие в отношении детей, материнская депрессия, стресс, факторы риска, психологическая дискриминация, экономическое насилие, физическое насилие, психологическое насилие.*

**Annotation:** *this article discusses the problem of domestic violence in Uzbek families. Domestic violence is any physical, sexual or psychological violence that threatens the psyche or health of family members from other family members. Threats, beatings, psychological and sexual violence through the use of physical force are forms of domestic violence. The most common victims are women and children, as well as men.*
**Keywords:** *domestic violence, violence against women, violence against children, maternal depression, stress, risk factors, mental discrimination, economic violence, physical violence, psychological violence.*

Оила ижтимоий муносабатлар амалга ошириладиган, шахс камолотига таъсир эталдиган маскан ҳисобланади. Оиладаги мавжуд муҳит ва ундаги таъсир этувчи қадриятлар инсоннинг қандай хулқ-атворли шахс бўлиб шаклланашини белгилайди. Шу боис азалдан ота-боболаримиз ўз оилаларида бахтли ҳаётни, самимий мулоқотларни, инсоний қадриятларни устувор бўлишини таъминланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Оиладаги ҳар бир инсонни ўз ўрни ва таъсири мавжудки, бу оиладаги яшайдиган ҳар бир шахслар узвий занжир каби бир-бирларини тўлдириб туришини белгилайди.

Оила масаласига давлат аҳамияти доирасида эътибор қаратилиши миллатнинг эртасига бўлган эътиборни англатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сонли қарорларида «Соғлом оила - соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш; хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш каби ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал этиш вазифалари келтириб ўтилган. Жамият барқарорлигида оилалардаги маънавий муҳитни ижобий бўлишини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан оилалардаги зўравонлик муаммосини ҳам тез-тез кузатилаётгани ачинарли ҳол. Зўравонлик, энг аввало, шахсга қарши жиноят, шахсий эркинлик ҳуқуқларининг бузилишидир. Оилавий-маиший зўравонлик бу оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларининг мунтазам давом этиб келувчи, такрорланиб турувчи зўравонлигидир ва у асосан оила ичида рўй беради. Жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистон шароитида оилавий зўравонликни характерловчи қуйидаги асосий хусусиятлар фарқланади: зўравоннинг жисмонан кучлилиги (кўпинча эркакнинг аёлга, ота-онанинг фарзандга нисбатан зўравонлиги), зўравонликнинг бир шахсга нисбатан кўпчилик бўлиб содир этилиши (учинчи шахсларнинг аралашуви), жабрланган шахснинг муаммо билан ёлғиз қолиши (ҳуқуқий саводсизлик, ижтимоий ёлғизлик) ва жабрланган шахсга ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам бериш имкониятининг заифлиги. Социологик фанларда, илмий жиҳатдан оилавий зўравонлик муаммоси ўтган асрнинг 60-

чи йилларида ўрганила бошланган. Зўравонликнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан боғлиқ муаммолари Н.Ю. Егорова, Г.Н. Киреев, Н.И. Китаев, Н.И.Ловцовалар томонидан, зўравонлик ва аҳлоқ ўртасидаги муносабатларнинг умумий муамоларини И.А. Ильин, Р.Г. Апресян, А.А. Гусейнов, А.П. Назаретян, рус социологиясидаги психологик зўравонлик муаммоларига бағишланган изланишлар Л.С. Алексеев, О.М. Здравомыслов, И.С. Клецин, А.Б. Орлов, Е.Ю. Пискуновлар томонидан ўрганилган. Жисмоний зўравонлик бўйича тадқиқотлар Ю.М. Антонян, А.Н. Ильяшенко, К.С. Силанова, Н. Ходырев, Д.А Шестаковлар ишларида, иқтисодий зўравонлик И.Д. Горшков, И.И. Шурыгин изланишларида, жинсий зўравонлик муаммолари эса И.С. Кон, А.В. Лысов, Н.Ю. Синягин, И.А.Фурмановлар томонидан олиб борилган ўрганишларда акс этган. Американлик олим М.Страусс томонидан 1975 йилда олиб борилган уйдаги зўравонлик муаммоси кейинчалик Р. Желлз ва С. Стейнметз мутахассислар жамоаси томонидан 1985 йилда давом эттирилди. Шунингдек бу муаммо билан Л.Лерман, Л. Шерман, Р.Берк, Д.Финкелхор, К.Ёлло, Л. Берковица ва Б. Крейхлар томонидан ҳам ёритилган. Л. Берковица ва Б. Крейхни 2002 йилда биринчи марта «Агрессия: сабаблар, психология ва назорат» номли иши, «Агрессиянинг ижтимоий психологияси» номли асари 2003 йилда Россияда нашр этилган. Америка социологи Тереса де Лауретис «Зўравонлик риторикаси»ни ажратиб таҳлил қилади ва унда зўравонликнинг тушунарли ўлчамларини батафсил таҳлил қилади.

Ўзбекистонда ҳам илмий жиҳатдан зўравонлик муаммосини ўрганиш ишлари амалга оширилган бўлиб, лекин оилавий зўравонликнинг ижтимоий-психологик муаммоларига бағишланган илмий тадқоқотлар етарли эмас.

Оиладаги зўравонликдан дунё бўйича ҳар учинчи аёл жабр кўради. Аммо бу ҳолатни бошдан кечираётган одамлар кўпинча ҳеч кимга бу ҳақида айтмайдилар. Бу уларга ҳеч кимга айтмаслик билан таҳдид қилинганлиги, бундан ташқари, оилавий зўравонликни бошдан кечираётган одамлар баъзида ўзларини айблашади ёки бу ҳақда гапиришга уялишади. Зўравонлик жисмоний ва жинсий зўравонликни, молиявий, эмоционал ва психологик зўравонлик кўринишида бўлади. Таҳқирлаш, уриш, зўрлаш, оғзаки таҳдидлар, таъқиб қилиш, пулсиз қолдириш ва қасддан дўстларидан ва оиласидан ажратиб қўйиш оилавий зўравонликда содир бўладиган хатти-ҳаракатлар турларидан биридир. Оиладаги зўравонлик мураккаб жараён ҳисобланади. Биз халқаро далиллардан биламизки, асосий сабаб аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизлик, яъни куч, ресурс ва имкониятларнинг тенг тақсимланмаслиги. Аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрни ва ўзини тутиши ҳақидаги стереотипик ғоялар аёлларга нисбатан зўравонлик пайдо бўлишига замин яратмоқда. Гендер тенгсизлиги жамиятда турли кўринишда бўлади, жумладан:

– етакчи ролларда аёллар сони камроқ бўлиб, эркаклар қарор қабул қилиш устидан кўпроқ назорат қилишади;

– эркакларга бир хил ёки шунга ўхшаш иш учун аёлларга қараганда кўпроқ маош тўлаши сабабли иш ҳақи ўртасидаги фарқ;

Шахсий муносабатларда ҳам бу тенгсизлик эркак ўз шериги ва фарзандлари устидан ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқига эга эканлигига ишонади. Эркакнинг оилавий зўравонлиги уни бошдан кечирган аёллар ва болаларга жуда катта таъсир кўрсатади. Зўравонлик аёллар ва болалар фаолиятини жиддий равишда чеклаб қўйиши ва уларнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишига салбий таъсир қилиши мумкин. Оилавий зўравонликнинг ижтимоий психологик хатарларидан бири оилавий зўравонлик гувоҳи бўлиб улғайган болалар келажакда, бу амалиётни қўллаб такрорловчи бўлиб қоладилар. Болаларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонлик тўғрисидаги адабиётларда келтирилишича, баъзи инсонлар болалигидан оилавий зўравонлик гувоҳи бўлганлиги сабабли зўравонликка мойил бўлишлари, ҳар қандай зўравонликни оддий ҳолат сифатида қабул қилишлари мумкин (масалан, болалигида ёмон муносабатда бўлган одамлар, ўз навбатида, ўз фарзандларига ёмон муносабатда бўлишган; ота-оналар билан бўлган муносабатлар бу хатти-ҳаракатни катталардаги яқин муносабатларида такрорлашган). Зўравонлик ҳолатининг авлодлараро узатилишини ижтимоий тажриба ва кузатувларда ўз тасдиғини топган.

Оилавий зўравонликнинг давомийлиги вақт ўтиши билан аёлларга жуда катта психологик таъсир кўрсатади ва қуйидагича ҳаётий ритм ҳолатларининг сусайишига ёки йўқолишига олиб келиши мумкин:

– ўзига бўлган ишонч ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти;
– бирор касбда фаолият олиб бориш, молиявий мустақиллик ва узоқ муддатли хавфсизлик;
– болалар билан муносабатларда меҳрибон, жонкуяр ота-она бўлиш қобилияти;
– оила, дўстлар ва ижтимоий алоқалардаги фаоллик;
– жисмоний соғлиқ ва ҳаётдан тўйинганлик ҳиссини туйиш каби фаол турмуш тарзидаги психологик чекловларни юзага келтиради.

Оилавий зўравонликнинг болаларга бўлган таъсири ҳам сезиларли оқибатларга олиб келади. Болалар кўпинча оиладаги зўравонликни эшитишади ёки гувоҳ бўлишади ва бу ҳолат уларга қуйидагича таъсир ўтказади:

– когнитив ривожланиш ва стрессга жавоб бериш тизимларига таъсир қилувчи миянинг асаб йўлларига таъсир ўтказади [2];
– ўзини ўзи баҳолашнинг пастлиги ва мактабдаги ижтимоий муносабатлардаги қийинчиликлар вужудга келиши;
– молиявий хавфсизлигига таъсир қилади;
– руҳий саломатлик муаммолари, шу жумладан хавотир, руҳий тушкунлик, овқатланишнинг бузилиши ва баъзи ҳолатларда ўз жонига қасд қилишга уринишлар;
– тажовузкорлик, аксилижтимоий хатти-ҳаракатлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш эҳтимоли кучайганлиги;
– эрта ҳомиладорликни кузатилиши каби муаммоларни хосил қилади.

Оилавий зўравонлик қурбонига айланган шахсларда тобелик, агрессивлик, депрессиянинг кучлилиги, ҳаётий қадриятларни менсимаслик, аламзадалик ҳисси билан яшаш ва ўзига, яқинларига бўлган масъулликни тушиб кетиши, зиддиятли муносабатларни тез-тез юзага келтириши каби ижтимоий психологик муаммолар кузатилади. Бу эса барқарор ва соғлом муҳитни шакллантиришга тўсқинлик қилади.

**Аннотация:** *в статье даётся анализ взаимообусловленности показателей гендерного равенства и экономического роста. На основе становления гендерных направлений исследований зарубежных стран приводится опыт Узбекистана по обеспечению прав и свобод женщин. Раскрыты основные направления гендерного равенства, способствующие экономическому росту.*



**Ключевые слова:** *гендер, гендерное равенство, заработная плата, дифференциация, дискриминация.*

**Annotatsiya:** *maqolada gender tengligi va iqtisodiy o'sish ko'rsatkichlarining o'zaro bog'liqligi tahlil qilingan. Xorijiy mamlakatlarda gender tadqiqot yo'nalishlarini shakllantirish asosida O'zbekistonning ayollar huquqlari va erkinliklarini ta'minlash bo'yicha tajribasi namoyish etiladi. Iqtisodiy o'sishga yordam beradigan gender tengligining asosiy yo'nalishlari aniqlandi.*
**Kalit suzlar:** *gender, gtndtr tengligi, ish xaki, farqlash, kamsitish.*

**Annotation:** *the article analyzes the interdependence of indicators of gender equality and economic growth. Based on the formation of gender research directions in foreign countries, the experience of Uzbekistan in ensuring the rights and freedoms of women is presented. The main directions of gender equality that contribute to economic growth are revealed.*
**Key words:** *gender, gender equality, wage, differentiation, discrimination.*

Обеспечение гендерного равенства является одним из приоритетов работы ведущих международных организаций и финансовых институтов, таких как ОЭСР, ООН, Всемирный банк, МВФ, ЮНЕСКО, МОТ, ЕС и др.

Дискуссии по этой проблеме ведутся не одно десятилетие. Полный обзор различных мнений разных специалистов на этот счёт требует специального исследования и не может стать предметом одной статьи. В исследуемой проблеме рассматривается узкое направление взаимосвязи гендерного равенства с экономическим ростом.

Становление женских, феминистских, гендерных направлений исследований в североамериканских и западноевропейских университетах происходит с 1970-х гг., в Узбекистане этот процесс начинается после 1990 года, за этот период уже накоплен определённый опыт. В частности информация об опыте Узбекистана по обеспечению прав и свобод женщин в рамках выполнения Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года распространена среди государств - членов ООН в качестве официального документа 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН [4]. Эксперты ООН и Межпарламентского союза (МПС) подчёркивают, что тенденции, наблюдаемые в Узбекистане в этой сфере, идут в русле общемировых процессов расширения представленности женщин на самых высоких уровнях государственной власти, устранения гендерного неравенства, увеличения их числа в парламенте, правительстве и судебной власти. Согласно ежегодному докладу МПС «Женщины в парламенте» и данным организации «ООН-женщины», впервые за всю историю, по состоянию на январь 2021 года общемировая доля женщин в национальных парламентах составила более четверти - 25,5 %. [4]. В Узбекистане по итогам выборов в парламент в конце 2019 года они составили 32% депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса, 25% в Сенате. По данному показателю страна вошла в число топ-50 стран (из 190), опередив почти все постсоветские страны.

Издавна гендерные отношения покоились на экономическом, социальном и политическом превосходстве мужчины. Подобное положение вещей (называемое в науке патриархатом) рассматривается наиболее зримо и выпукло. В настоящее время обеспечение гендерного равенства является одним из факторов достижения устойчивого развития и эффективного экономического роста. Несмотря на пристальное внимание международных организаций к проблемам гендерного неравенства, не в полной мере использования потенциала и человеческого капитала женщин в экономике, большинство стран не в состоянии преодолеть барьеры по пути к равноправию мужчин и женщин.

Актуальность исследуемой темы обоснована тем, что качественные изменения социальной роли женщины в экономике, происходившие прошлом столетии и усилившиеся на современном этапе, стимулировали всё возрастающий интерес учёных к проблемам, порождённым этим процессом, которые в современной науке обозначаются гендерными проблемами. Как показывает практика, в этом процессе заложена определённая биполярность: с одной стороны, налицо позитивные сдвиги в отношении снижения нагрузки на женщину в домашнем хозяйстве, рост общего уровня интеллектуального развития в силу доступности всех уровней образования.

Но с другой стороны - всё большая вовлеченность её в общественное производство отрицательно сказывается на качественной характеристике воспроизводства рабочей силы. Несмотря на

демографический рост, имеет место падение уровня рождаемости здоровых младенцев, отказ матерей от своих детей, недостаточное внимание к развитию ребёнка. Эти и другие проблемы находятся в кругу гендерных проблем, отражающих современное положение женщины в системе общественного воспроизводства. Их исследование осуществляется в рамках гендерной экономики, основные вопросы которых в Республике Узбекистан в научном практическом измерении, актуальны не только для узкого круга учёных доказывающих, что отказ от «бесполой экономики» может дать качественно новые возможности для будущего экономического развития страны. Они также представляют интерес для всех уровней государственной власти, в том числе и правительства Узбекистана, которое чётко осознаёт, что экономический рост обеспечивается реально действующими экономическими субъектами, мотивирующими своё экономическое поведение исходя из собственных гендерных интересов, ценностей, культурных традиций.

Обеспечение гендерного равенства является одним из факторов достижения устойчивого развития и эффективного экономического роста. Несмотря на пристальное внимание международных организаций к проблемам гендерным неравенства, недостаточного использования потенциала и человеческого капитала женщин в экономике, большинство стран не в состоянии преодолеть барьеры на пути к равноправию мужчин и женщин.

Гендерный фактор в экономическом росте и воспроизводстве человеческого капитала - это во-первых, исследование влияния на этот рост более полного и равноправного включения женщин в трудовую деятельность, во-вторых, изучение способов обеспечения устойчивого повышения количественных и качественных параметров процесса воспроизводства человеческого потенциала [1].

Гендерное равенство вносит позитивный вклад в экономический рост территорий, обратная зависимость проявляется менее явно и, как правило, только в странах с высоким уровнем социально-экономического развития.

Гендерное неравенство проявляется, прежде всего, в нормах, убеждениях, ценностях, которые зарождаются во «внутренних» гендерных отношениях на уровне домохозяйства. Гендерные стереотипы на уровне домохозяйства определяют доминирующие модели гендерного неравенства в зависимости от эгалитарности общества, а также гендерное разделение труда. Данное разделение наблюдается в различных регионах мира и обусловливается большим участием женщин в неоплачиваемом репродуктивном труде, что объясняет более высокий уровень экономической активности мужчин по всему миру и снижает вклад женщин в ВВП.

Гендерное равенство предполагает наличие одинаковых возможностей для формирования, накопления, использования человеческого капитала каждого индивида вне зависимости от пола. Исследование человеческого капитала без применения гендерного подхода не представляется возможным, это обусловлено тем, что человеческий капитал - это человеческий капитал индивидов, а гендерные диспропорции в социально-экономической сфере обусловлены гендерными стереотипами, наличие которых объясняет различие в формировании, накоплении и использовании человеческого капитала у мужчин и женщин. Быстрый экономический рост в ряде стран связывают с увеличением занятости женщин в различных отраслях народного хозяйства. Наличие неиспользуемых возможностей здесь очевидно, но механизм их мобилизации не изучен. Выделение гендерного фактора как автономного и активизация его действия представляются весьма перспективным направлением развития теории экономического роста и ее практических приложений.

Исследователи гендерного равенства отмечают гендерную асимметрию во вкладе в экономический рост. Экономический рост определяется как увеличение товаров и услуг, произведенных в стране в течение года, которые оцениваются по рыночной цене с одной важной оговоркой: перечень товаров и услуг ограничивается теми, которые становятся объектами купли-продажи. Производство этих товаров и услуг классифицируется как «экономическая деятельность», вклад в которую вносят в основном мужчины. Товары и услуги, произведенные за счет неоплачиваемого домашнего труда для потребления и использования в семье, в том числе репродуктивный труд по воспроизводству человеческого капитала, который в основном выполняются женщинами, явно исключены из дефиниций экономической активности и роста, относится к категории «экономическая неактивность». Другими словами, экономический рост страны определяется и измеряется таким образом, что произвольно исключает домашний неоплачиваемый труд, который занимает существенную долю в общественном

труде и определяется как «экономическая неактивность». В Узбекистане в сфере **занятости** населения доля работающих по найму **женщин** почти в два раза ниже, чем **мужчин**. Согласно исследованию Международной организации труда, 80% населения **Узбекистана** предпочитает, чтобы в семье **мужчина** зарабатывал деньги, а **женщина** занималась домашними делами и детьми.

Разница в оплате труда мужчин и женщин также влияет на экономический рост. Страны с высоким индексом человеческого развития демонстрируют положительную динамику в гендерном развитии и достижении гендерного равенства. В Узбекистане заработная плата женщин на 35% ниже, чем у мужчин [3]. С точки зрения работодателей женщина - менее ценный актив, потому что, согласно гендерным установкам, на первом месте для неё всегда будет семья, а не профессиональный рост и личные интересы. Более того, различия в оплате труда могут быть объяснены двумя основными причинами: во-первых, женщинам платят меньше из-за того, что они сами выбирают более низкооплачиваемые работы, во-вторых, они считают себя менее востребованными работниками из-за нехватки опыта и квалификации. [1, с.52].

Стефан Класен предложил два основных направления, по которым гендерное равенство способствует экономическому росту. Первое направление - семья - опосредованный фактор, основанный на предположении о том, что, исходя из распределения репродуктивных обязанностей между мужчинами и женщинами, женщины вкладывают большие ресурсы в человеческий капитал своих детей, тем самым увеличивая производительность следующего поколения работников. Второе направление - рынок - опосредованный фактор, который базируется на предположении о том, что врожденные способности случайным образом распределяются между мужчинами и женщинами, а рынок выравнивает гендерное распределение ресурсов и возможностей и максимизирует производительность и эффективность человеческих ресурсов, имеющихся в экономике.

Данные факторы влияния гендерного равенства на экономический рост имеют разные временные рамки. Влияние на экономический рост рыночного фактора проявляется в течение более короткого периода, так как гендерное равенство подразумевает, что распределение ресурсов и возможностей в экономике зависит от уровня развития человеческого капитала индивидов, а не от проявления императива гендерных норм. Доступ женщин к ресурсам может привести к более высокому уровню инвестиций в человеческий капитал детей, но его влияние на экономический рост не материализуется в экономике и обществе, пока эти дети не присоединятся к рабочей силе. Прежде всего, данное направление отражается в повышении общего уровня образования населения, что также является важным фактором, влияющим на экономический рост.

Следующим фактором, влияющим на экономический рост, являются гендерные различия в реализации человеческого капитала, которая происходит под влиянием вертикальной и горизонтальной сегрегации на рынке труда. Всемирным банком было выдвинуто два объяснения данного экономического явления: во-первых, проявляется дискриминация по половому признаку на рынке труда, и, во-вторых, наблюдается добровольный выбор профессий на рынке труда мужчинами и женщинами, обусловленный различиями в распределении домашних обязанностей между ними.

Подводя итог, можно сказать, что женщины играют все более важную роль в современном обществе. Причем их активность в первую очередь должна поддерживаться самим обществом в силу дополнительных выгод, которые оно получает. В статье наглядно показывается, что увеличение гендерного равноправия значительно увеличивает ВВП на душу населения, что способствует экономическому росту. Поэтому обществу должно быть выгодно стимулировать более активную женскую позицию. Участие женщин в экономических процессах также стимулирует конкурентоспособность экономики, а значит, и ее развитие, создание новых технологий и как следствие - инновационность. В целом можно констатировать, что активное уменьшение гендерного разрыва будет не только увеличивать экономическое развитие общества, но и снижать скорость его воспроизводства.

**Список использованной литературы:**

1. Берн Ш. Гендерная психология. М.: ОЛМА Медиа Групп, 2002.
2. Каюмов А.А., Захирова Г.М. Половозрастные особенности занятости населения в Республике Узбекистан. Экономика и финансы, 2016.

3. Нарбаева Т.К. . www.podrobno.uz 19.03.2019.
4. Саидов А.С. Политика гендерного равенства в современном Узбекистане. «The Korea Times» 5.04 2021 www.koreatimes

**АКРАМОВА ФЕРУЗА АКМАЛОВНА**
*психология фанлари номзоди, доцент*
*Низомий номидаги ТДПУ “Психология” кафедраси доценти*

## ОИЛАДА ИЖТИМОИЙ УСТАНОВКА ВА СТЕРЕОТИПЛАРНИНГ ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРИ

**Аннотация:** *мақола олиб борилган тадқиқот натижалари асосида оилада ижтимоий установка ва стереотипларнинг гендер тафовутларини таҳлил этишга бағишланган.*
**Калит сўзлар:** *гендер, стереотип, установка, таълим олиш, оила, оила вазифалари.*

**Аннотация:** *данная статья посвящена анализу гендерных различий социальных установок и стереотипов в семье. Приведен научный анализ результатов исследования, проведенных среди членов семьи.*
**Ключевые слова:** *стереотип, установка, получение образования, семья, функции семьи.*

**Annotation:** *this article is devoted to the analysis of gender differences in social attitudes and stereotypes in the family. The scientific analysis of the research results carried out among family members is presented.*
**Key words:** *stereotype, attitude, education, family, family functions.*

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилади ва давлат сиёсатининг муҳим йуналишларидан ҳисобланади.

Асосий Қомусимиз бўлган мамлакат Конституциясининг 18,46-моддасида қатъий белгилаб қўйилган қоидалар, Оила Кодексининг 14-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар жамиятда инсонларнинг жинсидан қатьи назар кенг имкониятлар яратилишига асос қилиб олинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлили эканликлари эътироф этилган.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб турибди.

Республикамизда гендер тенглигига эришишда қуйидагиларни бажариш зарур:

1. Хотин-қизларнинг профессионал ва функционал саводхонлигини ошириш;
2. Хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини яхшилаш;
3. Хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишини кучайтириш;
4. Қиз болаларни таълим олишларини қўллаб-қувватлаш борасида махсус дастурлар яратиш;
5. Гендер тадқиқотлари ўтказиш;
6. Республика аёлларининг мақоми ва мақеини яхшилаш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш.

Ижтимоий психология ижтимоий установка муаммосини муҳим психологик таъсир механизми сифатида қарайди.

“Установка” русча сўздан олинган бўлиб, йўл йўриқ, кўрсатма, йўналиш, йўналтириш маъносини англатади. Ижтимоий установка мураккаб тизим ва табиатга эга, чунки ижтимоий установка тушунчасига муносабатлар ҳам, шахсий маъно ҳам, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам киради. Яъни, ижтимоий установка шахснинг турли ижтимоий объектларга нисбатан муносабат билдиришнинг ички механизмидир.

Фанда “стереотип” сўзи юнонча “stereos” – қаттиқ ва “typos” – из, белги, тамға маъноларига таянади.

Психология фанида ижтимоий установка ва стереотиплар намоён бўлишида омил сифатида гендер тафовутларининг юзага келиши таъкидланади. Биз тадқиқотимиз доирасидаги оила муҳитидаги ижтимоий установкалар ва стереотипларнинг намоён бўлишининг гендер тафовутларини аниқлашни белгилаб олган эдик.

Маълумки, ижтимоий ҳаётда мустақил ўрин эгаллаш учун бирор бир мутахассисликни ўрганиш, бунинг учун эса ўрта махсус ва юқори босқич ҳисобланган олий таълимни ўтиш керак. Лекин уларнинг бу имкониятларига эга бўлишлари учун жамиятда ҳар доим ҳам ҳайрихохлик бўлмайди.

Биз олий маълумот олиш имкониятини кимга: йигитгами, қизгами масаласини ижтимоий-психологик сўровнома (В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова) орқали қўйдик. Бу савол юзасидан илк ўспиринлик давридаги йигит ва қизлар ҳамда оилали катта кишилар фикрини ўргандик, яъни объект сифатида Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги Иқтисодиёт лицейида таҳсил олаётган илк ўспиринлик давридаги қизлар ва йигитлар; Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшайдиган оилали аёллар ва эркаклар фикрини ҳам инобатга олинди. Бу савол бўйича олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

*1-жадвал*

**“Олий маълумот олишда кимга имконият яратиб бериш керак?” саволи бўйича натижалар** (% да)

| Объект | “Йигитга” | “Қизга” | “Ким қобилиятли бўлса” | “Жавоб бериш қийин” |
|---|---|---|---|---|
| **Йигитлар** | 71,3 | 7,5 | 19,0 | 2,3 |
| **Қизлар** | 66,2 | 6,5 | 23,5 | 3,8 |

Жадвалдан кўринадики, аксарият респодентлар биринчи навбатда олий маълумот олиш имкониятини йигит кишига яратиб бериш кераклигини белгилашган. Бундай белгилаш ҳам йигитлар, ҳам қизлар томонидан 5 фоиз фарқ билан кўринади. Бу ўз навбатида қизлар ҳам, йигитлар ҳам анъанавий равишда мутахассислик эгаллаб, келгусида оила боқиш юмуши кўпроқ эркаклар зиммасида эканлигини англашларини билдиради. Чунки оила муҳитида отасининг оила иқтисодий таъминотида етакчи эканлигини аксарият синалувчилар болалик пайтларидан кўриб келадилар ва бу холат ўз навбатида улар тасаввурида ҳам намоён бўлади.

Қолаверса, азалдан оилани иқтисодий таъминлаш вазифасига нисбатан шаклланган установка қиз бола шахсидан кўра эркак кишига нисбатан йўналтирилганлиги билан характерланади.

Иккинчи ўринда эса “ким қобилиятли бўлса” жавоби танланганлигини кузатамиз. Бу борада қизлар фикри йигитлар фикридан бир оз фарқ қилади. Чунки лицей ўқув даргоҳида нафақат иқтидорли йигитлар, балки қобилиятли қизлар ҳам таҳсил олади. Ўзини ўзи баҳолаш асосида ўз қобилияти қай даражада эканлигини яхши англайди. Шу қобилиятига мос равишда келгусида таълим олишни давом эттириб, мутахассисликка эга бўлиш истаги аксарият қизларда кузатилади. Шунинг учун “ким қобилиятли бўлса” жавобининг танланиши қизларда кўпроқ кўринди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда қизларнинг олий таълимни давом эттиришлари тўғрисидаги фикр оила муҳитининг даражаси ва шароитига мос равишда ҳам ҳал қилинадики, бунга асосланган холда жавоб танланиши мавжуддир. Умуман қараганда лицейда тахсил олаётган илк ўспиринларнинг ота-онаси оиласи замонавийлиги, фарзанд келажаги учун унинг ўқиши мухимлигини тушуниш асосида фикрлаши ва шунга мос ҳаракат қилиши билан ажралиб туради.

Биринчи савол бўйича олинган жавоб натижаларида кўпроқ йигитларга олий таълим даргоҳида ўқиб, мутахассислик эгаллаш имкониятини яратиб бериш лозимлиги белгиланган. Қўйилган саволнинг мантиқий давоми сифатида “Нима учун қиз бола олий маълумот олиши шарт эмас?” саволининг натижаларини келтирамиз.

2-жадвалда келтирилган натижалардан кўринадики, қиз бола шахсига нисбатан олий маълумот олишига нисбатан ўзига хос установка шакллангандир. Бу установкалар унинг келгусида оила, рўзғор

ташвишлари билан кўпроқ шуғулланиши муқаррарлигини, қиз бола олий маълумот сохиби эмас, бирор касб эгаси бўлса етарли эканлиги, қиз бола оила иқтисодий холатига масъул бўлиши шарт эмаслигини таъкидлайди.

*2-жадвал*

**“Нима учун қиз бола олий маълумот олиши шарт эмас?”**
**саволи бўйича натижалар** (% да)

| **Жавоблар** | **Қиз** | **Йигит** | **Аёл** | **Эркак** |
|---|---|---|---|---|
| Қиз бола оила, бола, рўзғор билан шуғулланади | 40,6 | 35,9 | 19,0 | 32,4 |
| Касб эгалласа бўлди, олий маълумот олиши шарт эмас | 27,5 | 39,1 | 17,2 | 21,6 |
| Қиз бола турмушга чиқиши шарт | 8,7 | 14,1 | 10,3 | 10,8 |
| Оила қургач, эри ишлашга рухсат бермайди | 5,8 | 7,8 | 10,3 | 4,1 |
| Кўп қизлар дипломи билан уйда ўтиради, иш тополмайди | 10,1 | 1,6 | 5,2 | 9,5 |
| Оилани у эмас, турмуш ўртоғи боқади | 0 | 6.3 | 3,4 | 8,1 |
| Оиланинг иқтисодий ахволи етарли бўлиши мумкин | 2,9 | 1,6 | 5,2 | 1,4 |
| Бу унинг қарори бўлиши мумкин | 0 | 1,6 | 3,4 | 1,4 |
| Бошқа жавоб | 11,6 | 0 | 12,1 | 10,8 |
| Жавоб бериш қийин | 4,3 | 6,3 | 25,9 | 8,1 |

Шунинг учун «қиз бола оила, бола, рўзғор билан шуғулланади”, “касб эгалласа бўлди, олий маълумот олиши шарт эмас”, “қиз бола турмушга чиқиши шарт”, “оила қургач, эри ишлашига рухсат бермайди”, “кўп қизлар дипломи билан уйда ўтиради, иш тополмайди”, “оилани у эмас, турмуш ўртоғи боқади” жавобларининг танлаганлигини кўрамиз. Бундай натижалар эса ўз навбатида оилали ва оиласиз, йигитлар ва қизлар, эркаклар ва аёллар тасаввурлари орасида маълум даражада тафовут ва ўхшашликлар мавжуд эканлигини билдиради.

Шу ўринда биз қиз бола шахсининг олий маълумотга эга бўлишига нисбатан юзаки ёндашишни кузатамиз ва айтиш жоизки, “қиз бола оила, бола, рўзғор билан шуғулланади”, “касб эгалласа бўлди, олий маълумот олиши шарт эмас”, “қиз бола турмушга чиқиши шарт”, “оила қургач, эри ишлашига рухсат бермайди”, “кўп қизлар дипломи билан уйда ўтиради, иш тополмайди”, “оилани у эмас, турмуш ўртоғи боқади” жавобларининг юқори даражада танланиши нафақат йигитлар ва эркаклар томонидангина эмас, балки қизлар ва аёллар фикрларидан хам кўринади.

Биз бу масалага умумий тарзда ёндашар эканмиз, нима учун айнан олий маълумотга эга бўлиш кўпроқ равишда йигитлар учун зарурлигини респондентлар томонидан ажратиб берилишига эътиборни қаратдик. Шунинг учун биз “Нима учун олий маълумот олиш учун йигитга имконият яратиб бериш керак?” саволини махсус ўргандик. Натижалар 3-жадвалда берилган.

*3-жадвал*

**“Нима учун олий маълумот олиш учун йигитга имконият яратиб бериш керак?”**
**саволи бўйича натижалар** (% да)

| **Жавоблар** | **Йигитлар** | **Қизлар** |
|---|---|---|
| Йигит келгусида оила боқувчиси | 49,8 | 62,6 |
| Йигит ота-онасига хам қараши керак | 29,8 | 17,9 |
| Қиз бола оила қуриб кўпроқ оила билан банд бўлади | 24,1 | 10,8 |
| Эркак киши оила бошлиғидир | 7,3 | 10,3 |
| Эркак киши ўқиши, мутахассислик эгаллаши керак | 5,7 | 10,1 |
| Йигит киши жамиятга ва бошқаларга кўпроқ фойда келтиради | 1,0 | 2,1 |
| Йигитлар қизларга нисбатан аниқ мақсадли ва қобилиятлироқ | 1,9 | 0,2 |
| Бошқа жавоб | 2,5 | 3,2 |
| Жавоб бериш қийин | 2,5 | 1,1 |

Жадвалдан кўринадики, оилавий роллар тақсимоти, касб эгаллаш, илм олиш масаласида эркак киши учун боқувчи ролини мос деб билиш кузатилади. Масалан, “йигит келгусида оила боқувчиси” жавоби қизлар томонидан кўпроқ белгиланиши орқали (62,6 %), йигитлар томонидан эса (49,8 %) кузатиладики, бу ўз навбатида оила иқтисодий таъминоти масаласи бу бевосита эркак кишига тегишли эканлигини янада таъкидлайди. Шунингдек энг эътиборли томонини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймизки, оила иқтисодий таъминотига ва унинг боқувчиси ролига йигитларга нисбатан оила боқувчиси вазифаси қўлланилаяпти.

Жадвалдаги энг характерли томони шундаки, респондентларимиз орасида айнан қизлар оиланинг иқтисодий таъминоти келгусида эркак киши зиммасига кўпроқ юкланиши, шу туфайли қиз болага нисбатан йигит кишининг ўқиши, маълумот эгаллаши муҳимроқ эканлигини таъкидлашлари ҳисобланади.

Биз қиз бола шахси учун касб эгаллаш муҳимми, ёки олий маълумот олиш муҳимми масалаларини солиштириш мақсадида “Қиз болани олий маълумот олиши муҳимми?” саволини ҳам бердик. Бу савол юзасидан олинган натижалар 4-жадвалда берилган.

Олинган натижада қиз бола олий маълумотни эгалласа, “ҳар холда келажакда нони бутун бўлади” каби қараш ҳам йўқ эмас. Тадқиқот натижаларидан яна шундай томонлар кўриндики, оилали эркакларнинг 55,5 фоизлари “ҳа” ни танласалар, 36,5 фоизлари “йўқ”ни танлаганлар. Бу натижалар эса эркак кишилар учун қиз бола келгусида оила муҳитида аёллик, бекалик, оналик ролларини бажариши муҳимроқ эканлигини уқтиришларини кўрсатади.

*4-жадвал*

**“Қиз болани олий маълумот олиши муҳимми?” саволи бўйича натижалар** (% да)

| Жавоблар | Қизлар | Йигитлар | Аёллар | Эркаклар |
|---|---|---|---|---|
| “Ҳа” | 78,9 | 78,8 | 71,6 | 55,5 |
| “Йўқ” | 18,1 | 18,2 | 24,2 | 36,5 |
| “Жавоб бериш қийин” | 3,0 | 3,0 | 4,2 | 4,0 |

Демак, олий маълумот олиш ва касб эгаллаш масаласи юзасидан барча тоифа респондентлар биринчи навбатда оила боқувчиси сифатида эркак кишини кўрадилар ва шунинг учун ҳам йигит кишининг олий маълумот олиши муқаррар ходиса сифатида кузатилади. Қиз бола шахсига нисбатан эса бунчалик хайрихохлик кузатилмайди. Чунки у келгусида кўпроқ оила юмушлари билан банд бўлади, бола тарбияси, уйга ва рўзғорга қараш у учун кўпроқ даражада аҳамиятли деб ҳисоблаш кўринади. Бу эса қиз бола шахсига нисбатан шаклланган ижтимоий установкани билдиради.

Демак, оила муҳити ижтимоий маскан сифатида шахснинг касбий ва шахсий камолотига ўспиринлик давридаёқ установкани шаклланишига асос бўла олар экан. Шунинг учун биз оила муҳитида йигитними, қизними, мустақил оила юритишида, жамиятда ўз ўрнини топа олишида зарур шарт-шароитни яратиб беришимиз керак бўлади.

Зеро, миллатни юксалиши, давлатни ривожланиши жинсидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг шахсий, касбий, ақлий, ижтимоий улушидан таркиб топади. Шундай экан, биз жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ўз қобилияти ва имкониятини намоён этишига етарли шароит яратишимиз зарур бўлади.

**ERMATOVA GULNOZ PIRIMOVNAa**
*NavDPI, Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti*

**ERGASHEVA LOBAR**
*Maktabgacha ta'lim yo'nalishi talabasi*

## JAMIYATDA AYOLLARNING MAVQEI, HUQUQ VA ERKINLIKLARI

**Annotatsiya:** *mazkur maqolada bugungi kunda ayollarimizning huquq va erkinliklari va jamiyat hayotidagi, boshqaruvdagi roli haqida fikrlar yoritilgan.*
**Kalit so'zlar:** *ayollarni iqtisodiy, ijtimoiy haq-huquqlari, shart-sharoitlar davlat siyosati, ustuvor vazifa, ijtimoiy-siyosiy faollik.*

**Аннотация:** *в данной статье освещены права и свободы женщин и их роль в жизни общества и управлении.*
**Ключевые слова:** *экономические, социальные права женщин, условия государственной политики, приоритет, Общественно-политическая активность.*

**Annotation:** *this article covers the rights and freedoms of our women today and their role in the life of society and in management.*
**Keywords:** *economic, social rights and conditions of women, state policy, priority task, socio-political activity.*

Bugungi kun mamlakatimizda ayollarning millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy ahvoli hamda turar joyidan qat'iy nazar, barcha huquqlarini taminlash dolzarb masalalardandir. Davlatimiz tomonidan shahar va qishloqlarda yashaydigan ayollarni iqtisodiy, ijtimoiy haq-huquqlarini himoya qilish, ularning har tomonlama rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish masalasi davlat siyosatining ustuvor vazifasi sifatida belgilangan. Ayollarning huquq va erkinliklari O'zbekiston Respublikasi Konstituциyasi va qonunlarida ham inson huquqlari sohasidagi xalqaro hujjatlar singari tengligini ta'minlaydi.[90]

Tarixiy rivojlanish bosqichlariga nazar tashladigan bo'lsak, xalqimiz qadimdan ayollarni doimiy ravishda e'zozlaganliklarini ko'rish mumkin.Masalan: Mil. Avv. VI asrda To'maris jasoratiga, XIV asrda Saroymulkixonim adolatiga, XIX asrda yashab ijod qilgan Nodirabegim va Uvaysiy mahoratiga, XX asrda o'zbekning suyukli shoirasi Zulfiyaxonim shijoati va salohiyatiga tan berib sharqona hurmat bilan ardoqlab kelishgan. Ushbu an'analarga sodiq qolgan holda, mustaqillikka erishganimizdan keyin ham bu masalada alohida e'tibor qaratilib kelinmoqda. 1998-yilning "Oila yili", 1999-yilni "Ayollar yili", 2001-yilni "Onalar va bolalar yili", 2012-yilni "Mustahkam oila yili", 2016-yilni "Sog'lom ona va bola yili" deb e'lon qilinishining o'ziyoq bunga yorqin misol bo'la oladi.

O'zbekistonda ayollar huquqlari, erkinliklarining qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha izchil va tizimli siyosatning asosiy yo'nalishlari belgilab olingan bo'lib, ular quyidagilar hisoblanadi:

– birinchidan, ayollar huquqlari va manfaatlarini himoya qilish, onalik va bolalikni muhofaza qilish sohasida qabul qilingan qonun hujjatlarini bajarilishini taminlash hamda huquqiy asosini yanada takomillashtirish bo'yicha choralar ko'rish;

– ikkinchidan, ayollar huquqlarini himoya qilish bo'yicha ishlarning, ularning ahvolini doimiy ravishda har tomonlama monitoring qilish, ularning oilada, jamiyatda hamda jamoat va davlat ishlarini boshqarishdagi rolini oshirish;

– uchinchidan, ayollarning bandligini ta'minlash bo'yicha samarali choralar ko'rish va amalga oshirish, ularni ishga joylashtirish uchun har tomonlama yordam ko'rsatish, ayollar orasida, ayniqsa, qishloq joylarida tadbirkorlikning turli shakllarini rivojlantirish;

– to'rtinchidan, ayollarning ijtimoiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy faolligini oshirishga qaratilgan tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish, ayollar nodavlat notijorat tashkilotlarning mamlakatning ijtimoiy va siyosiy hayotida faol ishtirok etishi uchun ko'maklashish.

---

[90] Mo`minov A.R., Tillaboyev M.A. Inson huquqlari. T.: "Adolat" 2013, 379-bet

Yuqorida ko‘rsatib berilgan vazifalardan kelib chiqib bugungi kunda Respublikamizning barcha viloyat, shahar, tumanlarda “Ona va bola markazlari” tashkil etildi, ayollar huquqlari va manfaatlarini himoya qilish, onalik va bolalikni muhofaza qilish, ularning sog‘ligini ta’minlash bo‘yicha reproduktiv huquqlarini, ayollarning bandligini ta’minlash bo‘yicha kichik tadbirkorlik ishlariga jalb qilish, shu bilan birga ularni ijtimoiy-siyosiy va ijtimoiy-huquqiy faolligini oshirishga qaratilgan ishlar amalga oshirilmoqda.

Konstituциyamizning 18-moddasida ayollarimizning teng huquqli ekanliklari e’tirof etilgan. Unda “O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, etiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar. Imtiyozlar faqat qonun bilan belgilanib qo‘yiladi hamda ijtimoiy adolat prinsiplariga mos bo‘lishi shart”[91], deb ko‘rsatib o‘tilgan. Konustituциyadagi bu tushuncha ayollarning barcha turdagi kamsitishlarini oldini oladi va ularni jamiyatning teng huquqli a’zosi sifatida konstitusiyaviy huquqlari e’tirof etiladi. Qomusimizning 46-moddasiga muvofiq, xotin-qizlar va erkaklar teng huquqlidirlar.[92]

Ayollarning siyosiy huquqlarini ta’minlab berishda siyosiy partiyalarga parlament saylovlarida ishtirok etishi uchun deputatlikka nomzodlarning umumiy sonidan kamida 30% ayollar tashkil etishi kerakligi qonuniy mustahkamlab qo‘yilishini ham alohida ta’kidlab o‘tish lozim. Mamlakatimizda 2009-yil dekabrda Qonunchilik palatasida bo‘lgan saylovlarda 150 deputat sonidan 33 ta deputat ayol kishini, 2010-yil yanvardagi Senatda bo‘lgan saylovlarda 100 deputatdan 15 tasi ayol deputatlarni tashkil etardi.

BMTning statistika ma’lumotilariga ko‘ra parlamentlarda ayollarning vakilligi butun dunyoda asta-sekin o‘sib bormoqda va 2010-yilga kelib rekord ko‘rsatkichga-19 foizga yetdi. 2010-yil sentabr oyida New-Yorkda davlat va hukumat rahbarlari ishtirokida BMT ning Ming yillik taraqqiyot maqsadlariga bag‘ishlangan sammitida ishtirok etgan O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov, mamlakatda sog‘likni saqlash sohasini tubdan isloh qilish natijasida onalar o‘limi 2 marta, bolalar o‘limi 3 marta qisqartirishga erishilganligi, aholining o‘rtacha yoshi 67 yoshdan 73 yoshgacha, ayollarniki 75 yoshgacha uzayganligi, mamlakatda ishlayotganlarning 48 foizini ayollar tashkil etishini qayt etgan.

Bugungi kunga kelib ayollarimizning ijtimoy hayotdagi roli yanada ortib bormoqda. Bunga yorqin misol mamlakatimizda huquqiy demokratik asosda xalq davlatini barpo etish yo‘lini har tomonlama asoslab beradigan hujjat “Harakatlar strategiyasi” beshta ustivor yo‘nalishni qamrab olganligi va ana shu yo‘nalishlardan biri “Aholini ijtimoiy himoya qilish va sog‘liqni saqlash tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish” hisoblanib, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ularni davlat va jamiyat boshqaruvidagi o‘rnini kuchaytirish, xotin-qizlar, kasb-hunar kolleji bitiruvchi qizlarining bandligini ta’minlash, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish, oila asoslarini yanada mustahkamlash[93] jarayonlarini keng qamrab olishdir.

Bu islohatlarning davomi sifatida Prezidentimiz ham o‘zlarining Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomalarida “Davlat va jamiyat boshqaruvida ayollarning o‘rni va mavqeini yana-da mustahkamlash – islohotlarimizning eng ustuvor yo‘nalishlaridan biridir” deya ta’kidladi[94].

Bugungi kunda respublikamiz davlat va jamoat tashkilotlari tizimida 1 ming 400 ga yaqin xotin-qizlar rahbarlik lavozimlarida faoliyat olib borishmoqda. Ularning ulushi sog‘liqni saqlash va ijtimoiy xizmat sohasida 82 foizni, ilm-fan, ta’lim-tarbiya, madaniyat va san’at sohasida 72 foizni, qishloq xo‘jaligida 45 foizni, sanoatda 38 foizni tashkil etmoqda.

Ma’lumki, xotin-qizlar bandligini ta’minlash bugungi kundagi eng muhim masaladir. Yechimini kutayotgan muammolarning aksariyati shu masala bilan bog‘liq. Mamlakatimizda 1 millionga yaqin ishsiz ayol bo‘lib, bunga doimiy ish o‘rniga ega bo‘lmagan, mavsumiy ishlarda band ayollar qo‘shilsa, ularning soni 2-2,5 millionga yetadi. Og‘ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan yolg‘iz onalarni uy-joy bilan ta’minlash masalalari ham bugungi kundagi og‘riqli muammolardan biridir. Ammo ko‘plab xotin-qizlar mana shu masalalar bo‘yicha qayerga murojaat etishni bilmaydi.Ana shu jarayonlar 2020-yilda yuzaga kelgan pandemiya sharoitida o‘rganilib, shular asosida “Ayollar daftari” shakllantirildi va bu jarayonda xotin-qizlarni qiynayotgan ko‘plab ijtimoiy-iqtisodiy muammolar mahalliy hokimiyatlarning diqqat markazidan

---

[91] O‘zbekiston Respublikasi Konstituциyasi.-T.: “O`zbekiston”, 2018yil,. 9- bet

[92] O‘zbekiston Respublikasi Konstituциyasi.-T.: “O`zbekiston”, 2018 yil,17- bet.

[93] 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017 йил, 7-феврал, ПФ-4947.

[94] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29-dekabr

joy oldi. Bu jarayonga mahallalarda yangi tashkil etilgan "Ayollar maslahat kengashlari" ham yaqindan ko'mak bermoqda.

"Biz mamlakatimizda istiqomat qilayotgan 17 milliondan ziyod opa-singillarimiz, qizlarimiz, onaxon va momolarimizga munosib sharoit yaratib berish uchun barcha imkoniyatlarni ishga solishimiz lozim"[95], - deb ta'kidladi davlatimiz rahbari.Xotin-qizlarning davlat boshqaruvidagi rolini oshirish bo'yicha olib borgan islohotlar natijasida parlament yangi tarkibining 30 foizi ayollardan iborat bo'ldi. Viloyat, shahar va tuman hokimlarining xotin-qizlar masalalari bo'yicha maslahatchisi lavozimi joriy etildi. Endilikda, davlatimiz rahbari xotin-qizlarning jamiyat hayotidagi o'rni va nufuzini oshirish, ularga yangi imkoniyatlar yaratish bo'yicha navbatdagi muhim qadam sifatida Respublika xotin-qizlar jamoatchilik kengashini tashkil etish taklifini ilgari surdi. Joylardagi xotin-qizlar kengashlari faoliyatiga esa hokimlarning ushbu masalalar bo'yicha maslahatchilari rahbarlik qilishi belgilab berildi.

Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha respublika va hududiy jamg'armalarni yangi tashkil etiladigan kengashlar ixtiyoriga o'tkazib berish taklifi ham ushbu masalani bajarishning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmini belgilab beradi.

Xotin-qizlar kengashi xotin-qizlarning jamiyatdagi manfaatlarini va mavqeini munosib himoya qilish, ularning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotdagi rolini oshirish maqsadida xotin-qizlar tashabbusi bilan tashkil etiladigan ixtiyoriy, o'z-o'zini boshqaradigan, notijorat, mustaqil jamoat tashkilotidir. Kengashning asosiy maqsadi sifatida quyidagilarni ko'rish mumkin:

– o'zini-o'zi boshqarish mahalliy organlari va xotin-qizlar tashkilotlarining o'zaro hamkorligi;

– jamiyatda erkaklar va ayollar tengligining konstituцiyaviy tamoyilini amalga oshirish bo'yicha umumiy strategiya va davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlarini amalga oshirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish;

– siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy, psixologik va boshqa omillarning erkaklar va ayollarga tegishli konstituцiyaviy huquqlarini amalga oshirishga nisbatan ta'sirini o'rganish;

– huquqiy ehtiyojlarini amalga oshirish, erkaklar va ayollarning manfaatlari va imkoniyatlarini hisobga olish, ularni mehnat va ijtimoiy faoliyatda o'z-o'zini anglash, ayollarni yangi iqtisodiy sharoitlarga moslashtirish;

– jamiyatda oilaning rolini mustahkamlash, onalik, otalik, bolalikni muhofaza qilish, erkaklar va ayollarning reproduktiv huquqlarini amalga oshirish uchun shart-sharoitlarni ta'minlash;

– oilaning o'z vazifasini amalga oshirishi, oila hayotining sifatini oshirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish.

Xotin-qizlar Kengashining asosiy vazifalari etib quyidagilarni belgilash maqsadga muvofiq hisoblanadi:

– tuman xotin-qizlar birlashmalarini ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va fuqarolik huquqlari bo'yicha harakatlarda birlashtirish, voyaga yetmaganlarning va oila a'zolarining noqonuniy xatti-harakatlarining oldini olish, joylardagi xotin-qizlar uyushmalariga amaliy yordam ko'rsatish;

– xotin-qizlarning jamiyatdagi manfaatlarini va mavqeini munosib himoya qilish, ularning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy hayotdagi rolini oshirish.

– oilani mustahkamlash, onalikning ahamiyatini oshirish;

– bolalarni barkamol qilib rivojlantirish, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondirish, vatanparvarlik va insonparvarlik g'oyalarini tarbiyalash uchun qulay shart-sharoitlarni shakllantirishga ko'maklashish.

– antisoциal ( yashab turgan jamiyat meyyorlarini buzish va unga qarshi) harakatlarni amalga oshirishga yordam beradigan sabablar va shart-sharoitlarni aniqlashda ishtirok etish, huquqni muhofaza qilish organlarini xabardor qilish;

– bolalarning nazoraциz qolishi va o'smirlik davri jinoyatlarining oldini olishda ko'maklashish;

– notinchlikning dastlabki bosqichida oilalarni aniqlash va barcha manfaatdor idoralar va muassasalar tomonidan salbiy holatlarni bartaraf etish bo'yicha o'z vaqtida chora ko'rishda ishtirok etish;

– xotin-qizlar va bolalarning huquqlari va qonuniy manfaatlari buzilgani, voyaga yetmaganlar va noqonuniy xatti-harakatlar sodir etishga moyil bo'lgan oila a'zolarini aniqlash bo'yicha ko'rilayotgan chora-tadbirlar to'g'risida tuman rahbarini tizimli ravishda xabardor etish.

[95] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29-dekabr

Prezidentimiz xotin-qizlar kengashini tuzish taklifini ilgari surar ekan, jamiyatimiz turmush darajasining oshishi aynan ayollarga bog‘liq ekanini aniq ko‘rsatib o‘tdi.Ta’kidlash joiz, 2020-yilda O‘zbekiston Respublikasi Birlashgan Millatlar Xalqaro Tashkilotining muhim organi bo‘lgan Inson Huquqlari bo‘yicha Kengashiga a’zo bo‘lib kirdi. Bu o‘z-o‘zidan bo‘lgani yo‘q. Buning uchun mamlakatimiz inson huquqlari bo‘yicha jahon miqyosida qabul qilingan xalqaro talablar va standartlarga muvofiq ravishda qator islohotlarni olib bordi va ushbu jarayonni davom ettirmoqda. BMTning Inson Huquqlari Kengashiga a’zo bo‘lganimizdan keyingi jarayon ham o‘ziga xos murakkab vazifalarni oldimizga qo‘yadi. Bu vazifalarning eng muhimi esa, xotin-qizlarning haq-huquqi, ularning jamiyatdagi roli, turmush darajasini oshirish borasidagi amaliy harakatlardir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bugungi kunda mamlakatimizda xotin-qizlar uchun keng imkoniyat va shart-sharoitlar yaratib berilmoqda. Ayollarimiz bu imkoniyatlardan to‘laqonli foydalanib, o‘zlarini jamiyat oldidagi ijtimoiy va siyosiy vazifalarini chin dildan ado etishsa, jamiyatimiz va xalqimiz oldidagi fuqarolik burchlarini bajargan bo‘lar edilar.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Mo‘minov A.R., Tillaboyev M.A. Inson huquqlari. T.: “Adolat” 2013.
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstituцiyasi.-T.: “O`zbekiston”, 2018yil.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. 2017 йил, 7-февраль. ПФ-4947.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29-dekabr



**ZUXRA ISMAILOVA**
*Professor of Tashkent Institute of Engineers of Irrigation and Agricultural Mechanization*


## THE IMPACT OF GENDER APPROACHES ON EDUCATIONAL EFFECTIVENESS


**Annotation:** *the article covers the impact of gender approaches on educational effectiveness on the basis of statistical and scientific data, and the need to rely on the basis of the necessary knowledge for the ecologically sustainable development of women’s knowledge, competence, entrepreneurship is shown. The educational process based on Gender differences and equality contributes significantly to the development of society.*



**Key words:** *gender mainstreaming, gender-sensitive, socio-economic analysis, national and universal values, social institutions, competence, entrepreneurship is shown.*



**Аннотация:** *мақолада статистик ва илмий маълумотлар асосида гендер ёндашувларнинг таълим самарадорлигига таъсири ёритилган бўлиб, аёлларнинг билими,салоҳияти ва ишбилармонлигини экалогик жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун зарур билимларга таяниш зарурлиги кўрсатилган.. Гендер фарқи ва тенглиги асосида таълим жараёни жамия ривожланишига катта хисса қўшади.*



**Таянч сўзлар:** *гендер тенглик, ижтимоий-иқтисодий тахлил, тадбиркорлик, умуминсоний қадриятлар, гендер муносабат, гендер алоқалар, компетентлик, ижтимоий муносабатлар.*



**Аннотация:** *в статье на основе статистических и научных данных рассматривается влияние гендерных подходов на эффективность образования, а также показана необходимость опоры на необходимые знания для экологически устойчивого развития женских знаний, компетентности, предпринимательства. Образовательный процесс, основанный на гендерных различиях и равенстве, вносит значительный вклад в развитие общества*



**Ключевые слова:** *гендерный равенство, гендерно-чувствительный, социально-экономический анализ, национальные и общечеловеческие ценности, социальные институты, компетентность, предпринимательство.*

## I. INTRODUCTION

It is not surprising that the information age of the 21st century is recognized as such. Nogaku believes that society develops and finds progress, relying on the knowledge and entrepreneurship of the individual. And the educational process, organized on the basis of Gender differences and equality, makes an important contribution to the development of society, it will be able to field as a necessary component of the cultural, socio-economic and environmentally sustainable development of the pupil's personality.

In our country, by the end of the last century, thoughts about gender differences and similarities in the educational process began to be put forward. The fact is that gender is an approach that has arisen as a continuation of feminist theory.

At the conference of UNESCO on October 9, 1998, it was recognized that the purpose of the higher education system is the restoration of society free from violence and oppression. It is noted that in order to achieve this goal, it is necessary to re-develop educational programs using new pedagogical technologies and modern methods. In the newly developed training programs, equality of men and women, as well as gender factors of all subjects were taken into account. These initial attempts, based on world practice, were supported by the UN Development Programme, UNESCO, the Open Society Foundation. As a result, the course of gender studies was introduced into the programs of Moscow State University, Kharkiv University and a number of higher educational institutions of the CIS countries.

Materials of the special session of the UN General Assembly on the theme of "women-2000: gender equality, development and peace" in 2000, recent studies prepared by the World Bank indicate that there is an inalienable link between economic development and gender equality. The important role of this problem in the development of society can be clearly seen in the example of increasing interest in this area in Germany and other European countries in recent years. In some higher education institutions of Uzbekistan, starting from 2001, initiative teachers give lectures covering one or more aspects of gender Research in the form of special courses. Experiments in this regard have shown that students ' interest in gender Research is strong.

## II. THE MAIN PART

The study of gender studies in higher educational institutions of our republic is not only the formation of the future thinking of specialists on the basis of the latest analytical achievements in the world, but also the promotion of further development of this sphere in the science of Uzbekistan, undoubtedly. Gender differences and similarities are based on taking into account the similarities and differences in the educational activities of girls and boys in the educational process. This, in turn, will

help to ensure the effectiveness of the educational process. He or she determines the im-cones of the pupil's personality of this gender.

Studies aimed at taking into account gender differences and similarities between boys and girls are carried out in practice on a somewhat wider scale in gender pedagogy and psychology. This is especially evident in the direction of sexual education and the consideration of spiritual opportunities in this process. Sex-based education is a collection of educational, educational tools that have a comprehensive impact on the preparation of the student for the future life.

Today, gender differences and identity recognition in the educational process are recognized as a natural pedagogical phenomenon. However, there is no scientific interpretation of this phenomenon in didactics. It is clear to all specialists that it is impossible to ensure the effectiveness of the educational result without taking into account the peculiarities of gender differences in the educational process. In particular, psychologists have achieved a number of achievements in this area.

The term Gender was introduced into scientific consumption by American psychologist scientist Stoller in 1968 year, which means "sex". Although sexual relations were previously also actively studied in psychology, the emergence of a new term has created new currents in Social Sciences. Such branches of science as" Gender history"," gender psychology"," gender sides of philosophy"," gender anthropology"," gender sociology "and later" gender pedagogy " were formed.

The concept of "Gender " primarily covers the socio-psychological and pedagogical aspects of the relationship between a man and a woman, a boy and a girl. This concept is connected with new social views and culture. Gender conception is developing in the CIS region as a category of socio-economic analysis.

Currently, a number of achievements have been achieved in the implementation of the gender Research course in Russia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Ukraine and other republics of the former Union to the educational programs of higher education institutions. One of the most important achievements in pedagogical science today is the opening of opportunities for teaching on the basis of gender equality and differences. This phenomenon also has a special value in terms of humanization of Education.

The Constitution of the Republic of Uzbekistan establishes the legal basis for ensuring gender equality in the educational system. On the basis of the new amendment of the law "on Education adopted" in 2020, equal rights of sons and daughters of all educational institutions, choosing a profession are ensured. In the 2004-2005 school years, the number of boys and girls studying at the school was almost the same, with 51% of boys and 49% of girls. In the system of secondary special and vocational education, this discrepancy increases. In academic lyceums, the number of boys is 64% and girls 36%, while in vocational colleges the number of boys is 53%, girls 47%.

The number of male children entering higher educational institutions is also higher than that of female children. This is due to the fact that women and girls with higher education have fewer opportunities to work than men. Because it is assumed that parents believe that the funds spent on their studies will be effective and will have a negative impact on the family budget. In Uzbekistan, there are problems of gender balance in the higher stages of education, including academic lyceums and higher educational institutions. Since the first years of independence, the Government of Uzbekistan has made significant efforts to eliminate this trend and raise the status of women on all fronts. In the educational process, it is considered as one of the urgent issues to understand the position of boys and girls in society and in the family, to properly prepare them for the life of the family and society. In this sense, the Government of Uzbekistan fully joins the decisions adopted in the final

documents of the fourth World Conference on the status of women, which was held in Beijing on September 4-15, 1995. Indeed, in paragraph 12 of this decision:

"We affirm our participation in broadening women's opportunities and improving their situation, including thinking, e'tiqod, religion and views, ensuring that moral, spiritual, spiritual and intellectual requirements are met individually or together with others, and that as a result, their life in society is fully manifested in the formation of their potential in accordance with their own desires and desires."

In paragraph 27, the ideas of "promoting non-stop economic growth by providing women with basic education, continuing education, training in literacy, vocational training and primary medical humanitarian work " are described.

Paragraph 30: "to create broad opportunities for women and men to receive education and medical care and to ensure equal treatment in these areas, to improve the sexual and reproductive health of women, as well as to improve their level of knowledge» thinking about.

## III. DISCUSSION

The problem of Gender attracts the attention of philosophers, sociologists, anthropologists, linguists, literary critics, psychologists and educators. The psychological aspects of gender are well-known psychologists Z. Freud, T. Parsons, R. Staller, Sh. Bern, A. Bandura, Simona de Beaver, A. Klima, S. Mining, A. Usmanova, I.S. Klesina, E. Gaziev, O.Abdusattorova, X. R Haydarova, sociological aspects E.Goffman, R.Xaf, A.Kolstkorova, A. Zdravomislova, A.A. Tyomkina, G.K. Zaitsev and A.G. Zaitsev, G.B. Urazalieva, philosophical aspects of Keith West, D. Zimmerman, S.G. Ayvazova, I. Jerebkinas, aspects related to anthropology E.RYarskaya-Smirnova, some aspects of pedagogy L. Shustova, P. Repkina, R. Safarova, G. Lit up in the works of Akramova.

The educational system is of particular importance in society not only as a factor of technological and socio-economic development, but also as an important strategic tool for spiritual and economic development. Therefore, in our independent country, great attention is paid to the sphere of education every year. This task is entrusted to all stages of the educational system: from pre-school educational institutions to the higher stages of Higher Education.

Despite the variety of approaches and points of view in relation to the designation of gender, it is possible to distinguish two concepts. These conceptions are as follows:

1) gender social structure theory;
2) gender system theory.

The approach to gender from a social point of view will be as follows: from a biological point of view, gender is a set of tasks that are inherent in a particular society to the gender that is decided on, and the specific behavior of both the boy and the girl children, the different manifestations associated with the social norms of interaction.

The concept of interaction between boys and girls is called R.Introduced by Hof, the boy and the girl represent the spiritual and cultural images of children. In accordance with this approach, gender is represented as a measure of the social relationships that are decided in a particular society.

The study of socio-humanities by students in the higher education system promotes the development of social activity of student-girls on the basis of gender approach. The idea of national independence, fundamentals of meaning, sociology, cultural studies, history of Uzbekistan, pedagogical history, religious studies, which are taught in the higher education system, create an opportunity to increase the social activity of students and perfect the process of adaptation to society. Gender theory approaches in the educational process from a different point of view to the issue of distinguishing characteristics inherent in boys and girls. In this approach, the main differences between the sexes are manifested in their social originality. These differences are formed in society by means of social institutions, norms and cultural views. Bunda is important in the social aspects of gender differences.

Gender stratification is the basis of the development of the socio-pedagogical system of humanism in society and education system. At present, the social activist of students and students-girls of social insitutes in society such as family, education, religion, culture-educational importance in the development of gini increases the effectiveness of this process. One of the most important achievements in pedagogical science today is the opening of opportunities for teaching on the basis of gender equality and differences.

This phenomenon also has a special value in terms of humanitarian education. In the process of realization of this goal, the first task is to improve the existing educational programs using new pedagogical technologies and modern methods. In the improved curricula, it is important that the equality of boys and girls is determined on the basis of gender equality and differences in all disciplines.

Such educational process new educational tools-methodical materials and didactic work- requires the creation of lanes. In turn, educational and methodical materials should be selected in connection with the means of control.

## IV.CONCLUCIONS:

The reforms carried out in the Republic are giving positive results in the economic, social, political, cultural and educational development of our society among the most developed countries of the world. Such changes are carried out consistently in the educational system, as in all spheres.

After the country gained its independence, the main task was to restore our values, to realize ourselves, to form a national idea and ideology in the worldview of students, to rebuild the educational system, to prepare specialists that meet all mature and modern requirements.it is important that it is determined on the basis of RG. Such educational process new educational tools-methodical materials and didactic work - requires the creation of lanes. In turn, educational and methodical materials should be selected in connection with the means of control.

At present, radical changes are taking place in the socio-economic and spiritual life of Uzbekistan, the issue of organizing the educational process on the basis of gender equality and differences of the individual should also become a component of pedagogical processes and research.

With the help of the educational materials provided taking into account Gender equality and differences, students ‘ observability, design, hypothesis, prediction skills are consistently formulated.

After all, the regulation of social and educational relations between girls and boys has an important pedagogical significance. Because training through its processes, social relations between male and female members of society are decided in perspective.

**References:**

1. A new revision of the national program of Personnel Training. // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2020
2. Decree of the president of the Republic of Uzbekistan on measures to ensure more effective organization of the process of acquisition of rights over land parcels and other immovable property as part of the South Caucasus pipeline expansion project more ... // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2004, 21-th, Article 251; 2014 y., 29-th, Article 356.
3. Hof R. The emergence and development of gender studies. / Gender, tender, culture. // Ed. by E. Schore K. Haider. - M.: 1999. - pp. 23-53.
4. Bock G. History, history of women, history of the sexes. / THESIS: women, the family. 1994, No. 6. - C. 170-200.
5. Report on the Millennium Development Goals. Uzbekistan 2006. UN Office in Uzbekistan. Tashkent.
6. Uzbekistan-Beijing Platform and action program (PPHD), the UN Convention "on the elimination of all forms of discrimination against women" (CEDAW), the Millennium Development Goals (MDGs) on the basis of achieving gender equality. Support for civil initiatives Marthe trip. Tashkent.
7. Ismailova, Z., Khimmataliev, D., Khashimova, M., Fayzullaev, R., & Sadikova, F. (2019). The role of modern women in society and family. Opcion, 35(Special Issue 21), 734–751
8. Karabaevna, Z., & Raximovich, B. (2019). The use of innovation technologies in the formation of students' professional competences. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 9(1), 6898–6902. https://doi.org/10.35940/ijeat.A2996.109119
9. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85

**Ташпулатова Дилором Мукимовна,**
*ТВЧДПИ, Бошлағнич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Саломова Моҳинисо Хайрулла қизи,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

## БЎЛҒУСИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ-МАТЕМАТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Миллий таълим тизими модернизацияси шахсга йўналтирилган таълим модели шакллантирилишини, ўқувчиларнинг амалий фаолиятига доир ўқув жараёнига кириб боришни тақозо этиб, бу назарий билимларни долзарблаштиради, мактаб ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини очиб беради ва мустақилликни шахсий фазилат сифатида шакллантиради.

Замонавий бошланғич синф ўқитувчилари ушбу вазифаларни ҳал этишга тайёрланган бўлиши лозим.Бошқача айтганда, бўлғуси педагог ташкилий жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам бошланғич таълимнинг интегратив характерини, ўзининг бўлғуси касбий фаолиятининг интегратив йўналганлигини аниқ ҳис қила олиши зарур. Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида услубий-математик фанларни интеграциялаш заруратиунда касбий компетентликни шакллантириш самарадорлигини белгилаб берувчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, интегратив ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилгандагина бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг услубий-математик тайёргарлиги самарали бўлади. Мазкур ёндашув асосида интеграция тушунчаси ётади. Илмий адабиётларда интеграция деганда кўпинча қандайдир

унсурларнинг бир бутунга бирлашиб, бунинг натижасида аввалги алоҳида унсурларга хос бўлмаган янги хусусиятларни пайдо қилиши жараёни тушунилади. Бунда янги хусусиятлар пайдо бўлишига олиб келувчи унсурлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай қилиб, интеграция айни бир ўқув материалида у ёки бу соҳага оид умумлашма билимларнинг ўзаро уйғунлашиб кетишини ўзида акс эттиради.

Қайд этиш жоизки, илмий адабиётда педагогикинтеграция мақсадлар, тамойиллар ва таълим мазмуни яхлитлигининг олий шакли сифатида ҳамда ўқув фанларининг ўзаро алоқаси асосида йириклаштирилган педагогик бирликлар яратиш сифатида кўриб чиқилади. Биз, назаримизда, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига математикани ўқитишда ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга имкон берувчи услубий-математик ўқув фанлари (математика, математика ўқитиш методикаси, психология, дидактика ва б.)интеграциясиникўриб чиқамиз.

Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик амалиёти шуни кўрсатадики, мутаносиб таълим жараёни доирасида интеграциянинг учта асосий йўналиши мавжуд: психологик-педагогик, психологик-услубий, фан-услубий. Қайд қилиш керакки, психологик-педагогик интеграция масалалари қатор муаллифлар томонидан тадқиқ қилинган. Хусусан,Воронеж давлат педагогикуниверситети профессори

Н.И. Вьюнованинг докторлик диссертациясида (1998 йил) мазкур муаммо батафсил таҳлилга тортилган. Психологик-услубий интеграцияга келсак, у меъёрий услубий курслар доирасида амалга оширилади, чунки интеграциянинг ушбу тури кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитишнинг исталган фан услубиятидаги (жумладан, математикани ўқитиш услубиятининг ҳам) “тизимга солинган” мажбурий интегратив унсур саналади. Бошқача айтганда, мазкур ҳолда фандаги ички интеграция ҳақида сўз бормоқда. Биз фанлараро интеграцияга эътибор қаратамиз. Бу маънода, бизни фан-услубий, айнан эса услубий-математик интеграция, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида услубий-математикўқув фанларининг аҳамияти ва ўрни муаммоси қизиқтиради.

Жамият иқтисодий тараққиётининг янги тури мутахассисларга янги талаблар қўяди, уларнинг орасида фаолиятни ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан кенг миқёсда муваффақиятли ташкил қилишга имкон берувчи тизимли шаклланган интеллектуал, ўзаро фикр алмашишга имкон берувчи, муайян кўникма тусига кирган, ўзини ўзи ташкил этувчи ва маънавий фазилатлар кўпроқ устуворликка эга бўлмоқда. Ўқитишга анъанавий “билим” ёндашуви замонавий жамият талабларини қондиришга қодир эмас. Компетентликка йўналтирилганлик ғояси таълимнинг мақсади ва мазмунини янги шарт-шароитлар ва истиқболлар билан бир мутаносибликка келтиришга уринишдан иборат. Компетентликка йўналтирилган ёндашув: касбий-педагогик таълимда билимни эслаб қолишга йўналганликдан билимни ўзлаштиришни ташкил этиш ва уни амалий қўллай олиш кўникмасини шакллантиришга ўтиш; фаолият объекти (предмети) яккаҳукмронлигига “барҳам бериш”; таълим стратегияси асосига ишга жойлашиш ва бажариладиган касбий вазифалар имкониятларини кенгайтириш фойдасига мослашувчанликни оширишни қўйиш; таълим жараёни натижаларида фанлараро-интегратив талабларни асосий ўринга чиқариш; таълим мақсадларини касбий фаолият соҳасида қўлланилиш вазиятлари билан янада чамбарчас боғлаш; мутахассис (бўлғуси ўқитувчи) фаолиятини чексиз хилма-хил касбий вазиятларга ва ўзгарувчан ҳаётий вазиятларга йўналтириш имконини беради.

Шундай қилиб, қайд қилинган таълим ёндашуви бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларини кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига математика ўқитиш учун самарали тайёрлашнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлади.

Бўлғуси мутахассисда касбий компетенциялар шаклланиши унинг эҳтиёжлари ва мотивлари тизимига боғлиқ саналади. Эҳтиёжлар ва мотивлар тизими кўп жиҳатдан нафақат одам фаоллиги йўналиши ва даражасини, балки унинг шахсиятидаги ўзига хосликни ҳам белгилаб беради. Эҳтиёжлар ва мотивлар иерархияни ташкил этиб, у шахс фаолиятининг барча соҳаларида уни тавсифлайди ҳамда ўз олдига муайян масалаларни қўйиш ва уларни амалга ошириш учун саъй-ҳаракатларни жамлашга туртки беради. Турли мотивларнинг ўзаро нисбати касбий таълим мазмуни ва технологиясини, мутахассиснинг ижодий шахсини шакллантириш бўйича бутун жараённи ташкил этиш шартларини танлашни тақозо этади.

Илмий адабиётда мотивларнинг икки гуруҳи ажратиб кўрсатилади: мақсадга эришиш мотивлари ва билишга оид мотивлар.

Биринчи гуруҳда билиш фаолияти фақат мақсадга эришиш воситаси ҳисобланиб, билиш фаолиятининг ўзидан ташқарида бўлса, бошқасида – унинг ўзи мақсад саналади (ички мотивлар).

Бинобарин, номаълум янги билим билиш фаолияти мақсади билан устма-уст тушса, бунга билиш мотивацияси дейиш мумкин, мақсадга эришиш мотивациясида эса билиш фаолияти мақсадга эришиш воситаси ҳисобланади .

Ўқитиш жараёнида ўқитувчи талаба мотивациясини шакллантиради. Талаба ўз хатти-ҳаракатларини интенсив мушоҳада қилиши туфайли ўқув жараёнида билиш ва мақсадга эришиш мотивлари фаол равишда бир-бирини тўлдириб туради, бунда билишга қизиқишни фаолиятнинг мустақил таълим мотиви сифатида белгилаш мумкин.

Билиш мотивацияси бўлғуси мутахассис шахсининг касбий мотивацияси ва йўналганлигини ривожлантириш жараёнида бошланғич нуқта сифатида намоён бўлади.

Ўқув фанини билишга фаол қизиқиш бўлажак касбига қизиқиш билан уйғунлашган ҳолда касбий шаклланиш самарали бўлади.Шундай қилиб, мотивация талабани нафақат билиш фаолиятини фаоллаштиришга туртки беради, балки бутун мутахассис тайёрлаш жараёнини ўзига қамраб олиб, бу жараён чуқур мулоҳазакорлик ва мақсадга йўналган тарзда амалга ошишини таъминлайди.

Шу тариқа, агар фақатгина билим берилса ва кўникма шакллантирилса, бироқ бунда педагогик фаолият эҳтиёжлари ҳамда мотивлари ривожлантирилмаса, мутахассис тайёрлаш ҳозирги талабларга мутаносиб бўла олмаслиги ойдинлашади.

# ТЎРТИНЧИ ШЎЪБА:

# ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**ИБРАИМОВ ХОЛБОЙ ИБРАГИМОВИЧ**
*педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети "Педагогика ва психология" кафедраси профессори.*

# ОИЛАДА МИЛЛИЙ ФАЗИЛАТЛИ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

**Аннотация:** *мазкур мақолада оилада миллий фазилатли шахсни тарбиялашга доир айрим фикр ва мулоҳазалар баён этилган.*

**Калит сўзлар:** *оила, миллий фазилат, тарбия, миллийлик.*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются идеи по воспитанию личности национального характера в семье.*

**Ключевые слова:** *семья, национальный характер, воспитание, национальность.*

**Annotation:** *the article discusses the ideas for the upbringing of a national character personality in a family.*

**Key words:** *family, national character, upbringing, nationality.*

Инсон ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиши жараёнида ўз авлодларининг миллий қадриятларини ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи ва бойитувчидир. Ўзининг ана шундай инсоний бурчларининг ҳар бир шахс томонидан мукаммал бажарилиши ижобий тарққиётнинг бой ва ранг-баранг маданий оқимларини ҳосил қилади. Ана шу нуқтаи-назардан ҳар бир инсон ўзида тарихий, ижтимоий, маданий-миллий кўрсаткичларни мужассамлаштирувчи тарбиянинг маҳсулидир.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи. Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён [1]. Турли халқларнинг бир-бирини танишда, билишда, бевосита ва билвосита миллатлараро мулоқатларда инсоннинг ўзига хос – миллий жиҳатларига эътибор берилган. Қадим замонларда тарихчилар, сайёҳлар, қомусий билимга эга мутафаккирлар (Страбон, Абу Райҳон Беруний, Миклухо Маклай, Руи Гонсалес де Клавихо, Х.Вамбери ва бошқалар) қолдирган асарлар, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий таълимотларда ҳам бошқа халқлар ҳаётини сиёсий ўрганиш йўналиши мавжуд эди. XIX асрга келиб чет эл ижтимоий фанларида бошқа халқлар миллий-маданий хусусиятларини тадқиқот қилувчи культурантропология ва социология махсус фанларга айланиб, "бошқа дунё кишиси" муаммосини ўргана бошлади.

Бу эса аслида, бошқача тарбия – миллий тарбиянинг тизим, услублари, мақсадларидаги хусусиятларини илмий нуқтаи-назардан ўрганиш даври бошланганлигини англатар эди.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади [2].

Миллийлик – бу аввало умуинсоний бойлик. Ёки, умуминсоний қадрият миллийликсиз мавжуд бўла олмайди. Миллийлик – бу умуминсонийликни лўнда, муайян намоён бўлишининг ва ҳатто мавжудлигининг шартидир. Демак, миллийлик табиий ва шу сабабдан – бирламчи, умуминсонийлик – миллийлик орасидаги умумийлик, уйғунлик, шу сабабдан у ҳосиладир. Шунинг учун ҳам биз "барча халқлар бир – бирига ўхшайди", ё аксинча, "ҳеч бир халқ бир – бирига ўхшамайди" деган фикрларни исботлаш учун кўплаб мисоллар келтира оламиз. Айнан ана шу "ўхшашлик" – умуминсонийликни, "ўхшамаслик" эса халқнинг ўзига хослиги – миллийлигини, беназирлигини ташкил қилади. Уларнинг бир – бирига ўхшашлик сабаблари – онгли мавжудот: ҳам биологик; ҳам ижтиомий бирлик сифатида шаклланганлиги, тараққиёт босқичларининг бир – бирида такрорланишидир. Уларнинг ўхшамаслик сабаблари ана шу тараққиёт қонунларининг турли замон ва маконда, табиий ва иқлимий, ижтимоий шароитларда ўзига хос кечганлигидадир [3].

Оила миллий турмушнинг назарий ва амалий манбаи сифатида ёшларга миллий ғоя ва мафкура қарашлари тўғрисидаги маълумотларни бериш, уларда мазкур қарашларга нисбатан хайрихоҳлик, фазилатини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, ўғил-қизлар ота-оналаридан

ўзлаштирган маънавият, мафкуравий қарашларни синтез қилиш асосида мафкуравий эътиқодга эга бўладилар, уни мустаҳкамлайдилар. Мазкур ҳолат миллий ғоя ва мафкура асосларининг янги мазмун билан бойитилишини кафолатлайди. Мафкуравий қарашлар ўртасидаги бирлик туфайли авлодлар орасидаги ҳамфикрлилик, ўзаро ишонч, ижтимоий мақсад бирлиги, юксак фазилатлиликнинг қарор топишига замин яратади.

Ўзбек миллий тарбия тизимини ислом динининг педагогик меросисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тарбия мавзусидаги ҳадислар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олганлиги билан комплекслик касб этади *(1*-жадвал).

*1-жадвал*

**Ҳадислар ва миллий фазилатлар уйғунлиги**

| Ҳадислар | Миллий фазилатлар |
|---|---|
| Ораларингизда салом беришни кенг тарқатинглар, бир - бирларингга меҳрларинг зиёда бўлади. | Миллий одоблилик |
| Гарчи боши майиздек қора қул бошлиқ қилиб тайинланса ҳам, унга итоат қилинглар | Маъсулиятлилик |
| Тежаб сарфлаган камбағал бўлмайди. | Тежамкорлик |
| Қўлидаги овқат мойларини ювмай ухлаган одамга бирор офат етса ўзидан кўрсин. | Озодалик |
| Агар уч киши бўлсаларинг учинчи кишини қолдириб, иккиталаринг гаплашманглар - то одамларга қўшилгунча, ажратиб қўйиш уни хафа қилади. | Хушмуомалалик |

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Улар ўзбек халқининг минг йиллар давомида тўплаган, неча-неча авлодларнинг тарбиявий тажрибаси негизида юзага келган. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон фуқароларига хос фазилатлар саналади.

Ушбу жараённи янада такомиллаштириш йўлида қуйидаги ишларни амалга ошириш ниҳоятда зарур:

– миллий маънавият ва одоб-ахлоқ анъаналарига риоя қилиш, халқ маданий меросига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

– анъанавий ва замонавий тарбия методларини билиш ҳамда уларни мазмунан ва шаклан бойитиш;

– халқнинг миллий тарбиявий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи тарбия воситаларини ривожлантириб, улардан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

– республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданияти ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

– оилавий миллий тарбия методикасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш лозим. Бунда ўзбек халқи, шунингдек, республика ҳудудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси ғояларини таълим ва тарбия тизимига узвий равишда жорий этилиши бугунги кундаги муҳим педагогик масалалардир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм: Педагогика назарияси. (М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар) – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007. – 380 б.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000. – 66-бет.
3. Сатторов М. Ўзбек удумлари: миллатнинг кенжа бўғинига. — Т.: Фан, 1993. - 48 б.

**МОҲИРА ХОЛИҚОВА**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти*
*Маҳалла институтини мустаҳкамлаш бўлими бошлиғи,*
*фалсафа доктори, доцент*

# ШАХСИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ПОТЕНЦИАЛИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада постиндустриал ахборот асри ва ижтимоий-маънавий таҳдидлар контекстида оила институтининг ривожланиш тенденциялари, хусусан, шахс ижтимоий компетенцияларини шаклланишида оиланинг роли ҳамда педагогик потенциали ҳақида сўз боради.*
**Калит сўзлар:** *оила, шахс, компетенциялар, глобаллашув, таҳдидлар, маънавий муҳит.*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются тенденции развития института семьи в контексте постиндустриальной информационной эпохи и социально-духовных угроз, в частности, роль и педагогический потенциал семьи в формировании социальных компетенций личности.*
**Ключевые слова:** *семья, личность, компетенции, глобализация, угрозы, духовная среда.*

**Annotation:** *the article examines trends in the development of the institution of the family in the context of the post-industrial information age and social and spiritual threats, in particular, the role and pedagogical potential of the family in the formation of social competencies of the individual.*
**Key words:** *family, personality, competencies, globalization, threats, spiritual environment.*

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.
**Жорж Сантаяна**

Болаларни бугунги кун учун эмас, балки келажак учун, эҳтимол инсониятнинг энг яхши ҳолати учун тарбияламоқ лозим.
**Иммануил Кант**

Ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир.
**Демокрит**

Шахснинг маънавий-аҳлоқий камолотида оилавий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Фарзанд тарбияси ота-онанинг бош вазифаси ва биринчи масъулиятидир. Тарбия шахснинг маънавий ва ақлий қиёфасини, қолаверса, бутун тақдирини белгиловчи омил ҳисобланади. Исломиятнинг буюк элчиси Муҳаммад (с.а.в.) «Ота-***она*** ўз фарзандига одобдан буюк мерос бера олмас», дея марҳамат қилдилар.

Шарқ тамаддуни комил инсон ғоясига катта эътибор билан қараган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Хожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, шайх Саъдий, Хусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоийдек мутафаккирларнинг асарлари диққат марказида инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти масаласи ўртага ташланган.

Машҳур мутакаллим, “ҳужжат ул-ислом” Имом Муҳаммад Ғаззолий “Кимёи Саодат” асарида шахс камолоти хақида фикр юритиб, “аввалги илм ўз нафсини танимоқдир”, дейди. Абу Наср Форобий инсониятнинг барча қобилиятлари туғма ирсий ва ҳаётда орттирилган бўлишини, бола тарбиясида ҳар иккисини эътиборга олиш зарурлигини уқтиради. Абу Али ибн Сино “Тадбири манзил” асарида оилавий тарбия масалаларига кенг тўхталиб, боланинг аҳлоқий тарбияси унинг илк ривожланиш давридан бошланиши зарурлигини, оилада тарбияни тўғри олиб бориш оила бахтининг муҳим асоси эканини эътироф этади. Аллома бола ахлоқининг шаклланишида эр-хотиннинг ўзаро муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишлари ижобий таъсир кўрсатишини, ота-оналар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тарбия қонуниятларини мукаммал ўзлаштирмоғи лозимлигини уқтиради. Хусайн Воиз

Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида футувватнинг қуйидаги сифатларини санаб ўтади: тилни беҳуда гаплардан тийиш, қулоқни ножўя, номақбул сўзлардан озод қилиш, бўхтону ғийбатлардан беркитиш, халққа озор берадиган ишлардан ўзини тортиш, бориш ман этилган жойларга бормаслик ва ҳ.

Шахс маънавий-аҳлоқий камолоти, интеллектуал салоҳият, ижодий қобилият, ҳаётий тасаввурлар, ижтимоий кўникмаларни таркиб топтириш оилавий тарбиянинг муҳим масалаларидир. *“Ота болаларни бино қилиш, уларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан бирингина бажарган бўлади. У болаларини одамзод қаторига қўшмоғи, жамиятга — фаол кишиларни, давлатга — гражданинни етиштириб бермоғи керак”*, дея таъкидлаган эди француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо.

Оиладаги маънавий муҳит, шахслараро муносабатлар боланинг тарбиясида жуда катта роль ўйнайди. Улуғ мутафаккир Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида «Аллоҳ таоло инсонларни асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши билан ёмонни, фойда билан зарарни, оқ билан қорани ажратадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги бу қобилиятни камолга етказиш тарбия билан бўлур. Қуш уясида кўрганини қилар», дейди.

<u>Соҳа экспертлари ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига оид муҳим кўникмалари сифатида қуйидагиларни санаб ўтадилар:</u>

– оилада ижобий муҳитни яратиш;
– соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
– педагогик такт, муомала маданиятига риоя қилиш;
– боланинг шахсий маконини ҳурмат қилиш;
– тарбияда боланинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
– бола тарбиясида қатъиятни, изчилликни намоён қилиш;
– боланинг нуқтаи назарини ҳурмат қилиш;
– болаларга шахсий ибрат бўлиш;
– болалар билан ишонч ва самимият руҳида гаплашиш;
– исталган эътирозни бола шахсига эмас, унинг муайян ҳатти-ҳаракатига қаратиш;
– боланинг ҳаётида фаол иштирок этиш, унинг қизиқишлари, маслаги, орзу-истаклари билан қизиқиш;
– болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;
– фарзандларга оила ҳаётида иштирок этишга имкон бериш;
– болаларнинг иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш;
– болага дўст, хобби, кийим, мусиқа танлаш эркинлигини бериш;
– мумкин бўлган ишларнинг қатъий чегарасини белгилаш;
– боланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини уқтириб бориш;
– бола билан уни қизиқтирадиган мавзуларда суҳбат қуриш;
– бола билан муносабат тактикасини ўзаро ишонч ва ҳурмат асосига қуриш;
– болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш;
– болаларни қўшимча таълим олишига шарт-шароит яратиш;
– болаларда гигиеник, экологик билим ва кўникмаларни ривожлантириш;
– таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокамасида иштирок этиб бориш.

Фарзанд тарбиясида оилавий тарбиянинг муҳим унсурлари – асослаш, тушунтириш, маслаҳат, ибрат, шахсий намуна, қўллаб-қувватлаш, мақтов, далда, қоидалар белгилаш кабилардан ўз ўрнида фойдаланиш лозим.

Цивилизация ривожланган сари инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланди ва гуманистик ғояларнинг ҳимояга муҳтожлиги сезилмоқда. Дунё ҳамжамиятини қийнаб турган глобал муаммолар сифатида очлик, қашшоқлик, чучук сув танқислиги, пандемик касалликлар билан бирга маънавий ҳатарлар - гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, шахслараро муносабатларда ҳурмат, кенгфеъллик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларининг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. ЮНЕСКОнинг “XXI аср таълими” бўйича халқаро қўмитаси дастурида

инсоният олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида биргаликда яшашни ўрганиш ҳамда шахс сифатида ноёб, ягона, такрорланмас бўлишни ўрганиш кабилар алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.[96]

Улкан ижтимоий ҳодисаси бўлган глобаллашув ҳамда постиндустриал жамият босқичи сифатида "ахборот жамияти" (Э. Гидденс, П. Друкер, А.Турен, Г. Маклюэн, Д. Белл, Й. Масуда) контекстида ёшларнинг маънавий-руҳий камолоти ва ижтимоийлашуви алоҳида аҳамиятга эга. [97]

Маданий-иқтисодий трансформация, ҳаёт суръатларининг мислсиз тезлашуви, саноат инқилоби, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайиши, тамаддунлар симбиози билан боғлиқ феномен бўлган глобаллашувнинг инсоният тараққиёти йўлидаги улкан имкониятларини эътироф этиб, унинг инсоният хавфсизлиги ҳамда давлатларнинг миллий манфаатларини таъминлашга хатар солувчи маънавий таҳдидларни инкор этиб бўлмайди. Бугун ер юзида сиёсий, иқтисодий мақсадлар кўзланган уринишлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари ва яшаш тарзи издан чиқаётгани, хусусан, оила маънавияти жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Оиланинг педагогик потенциали доирасида қуйидаги ижтимоий ҳаёт учун зарур компетенцияларни шакллантириш шахсий ривожланиш стратегияси учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади:

- инсон ҳуқуқларига ҳурмат;
- юксак ахлоқий фазилатлар;
- миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш;
- фаол фуқаролик позицияси;
- глобал тафаккур;
- креатив тафаккур;
- экологик маданият;
- эмпатия;
- жамият қабул қилган оҳлоқ-одоб қоидаларига амал қилиш;
- **маънавий меросни асраб-авайлаш**;
- ён-атрофда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан огоҳлик ва муносабат билдира олиш;
- **нутқ ва маданиятлараро мулоқот компетенциялари**;
- жамият ҳаётида фаол иштирок этиш;
- ҳаётий мақсадлар қўя олиш;
- медиа-ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш;
- умуммаданий компетенциялар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. – М.: Весь мир, 2004.
2. Drucker P.F. The Future of Industrial Man. Piscataway: Transaction Publishers, Rutgers The State University, 2009.
3. Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Издательство ЮНЕСКО. 1996г.


[96] Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Издательство ЮНЕСКО. 1996.
[97] Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Весь мир, 2004.

**Гимазутдинов Радик Галимович,**
*ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Манзуров Абдулазиз Хуршид угли,**
*Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт талабаси*

# ТАЛАБАЛАРДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Аннотация:** *Мақолада талабаларни табақалаштирилган таълим асосида жисмоний сифатларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги ёритилган.*

**Таянч тушунчалар:** *таълим, дифференциация, техника, олий таълим, муассаса, жисмоний маданият, жисмоний сифат, талаба, ривожланиш, табақалаштирилган таълим.*

Таълим жараёнида талабаларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакалар ҳамда компетенциянинг ривожланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, талабаларда куч сифатларини бошқаришда одатда учта кўрсаткичлар гуруҳи ҳисобга олинади:

1. Асосий: а) ҳаракатланишнинг ҳар қандай моментидаги кучнинг оний қийматлари, хусусан максимал куч; б) ўртача қувват;

2. Интеграл - куч импульси;

3. Дифференциал - куч градиенти ва бошқалар.

Максимал куч жуда аниқ, аммо тезкор ҳаракатларда у ҳаракатнинг якуний натижасини нисбатан ёмон тавсифлайди (масалан, максимал итариш кучи ва сакраш баландлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нолга яқин бўлиши мумкин). Механика қонунларига кўра, куч таъсирининг якуний таъсири, хусусан, унинг ҳаракати натижасида эришилган жисмнинг тезлигининг ўзгариши, куч таъсирида аниқланади. Демак, талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш, уларнинг фанга оид компетенцияларини оширишга хизмат қилади. Ёки, агар куч доимий бўлса, у ҳолда импульс кучнинг ҳаракатга келадиган вақтига мос бўлиши, куч импульсининг сонли ҳисоб-китобларида интеграция жараёни амалга оширилиши, шунинг учун бу кўрсаткич интеграл деб номланиши, айниқса тез-тез куч импульси перкуссия ҳаракатларини (боксдаги мушт ва бошқаларни) бошқаришда ишлатилишини билган талабанинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тасаввурлари, хулқ-атвори ва дунёқараши адекват ҳолатда ривожланади.

Табақалаштирилган ўқитишнинг тарбиявий вазифаси, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Ўқитиш жараёнида тарбиянинг иккинчи омили ўқитувчи ва талабаларнинг муносабатлари, психологик муҳит, ўқиш жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, талабаларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади.

Техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантирувчи вазифаси талабанинг жисмоний сифатлари, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топади. Ўқитиш жараёнида талабани жисмоний ва ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш, жисмоний топшириқларнинг муҳим белгиларини ажрата билиш, фаолият мақсади ва усулларини аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текшириш малакасини ривожлантиришга эришилади. Масалан, талабаларда чидамлиликни ривожлантириш - машқларни узоқ вақт давомида самарадорлигини бузмасдан бажариш қобилиятини ўстиришдан бошланади. Спорт амалиётида кўплаб машқлар қўлланилади ва улар хилма-хил (тузилиши, давомийлиги, мувофиқлаштириш мураккаблиги ва ҳ.к) кўринишга эга. Шунинг учун, улар турли хил чидамлилик турлари (умумий, тезкорлик, куч ва бошқалар) ҳақида гапириш мумкин. Чидамлилик икки хил ўлчанади: ўзига хос бўлмаган (шахснинг самарали рақобатлашиши ёки чарчоқнинг кучайиши шароитида машқ қилиш имкониятлари асосида) ва ўзига хос (натижалари ушбу потенциал имкониятларнинг амалга оширилиш даражасини кўрсатади).

Шундай қилиб, техника олий таълим муассасаларида талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш босқичлари 4 та асосий қисмдан иборат:

– ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;
– билимларни мустаҳкамлаш;
– тушунчаларни ҳосил бўлиши;
– компетенциялар, спорт анжомлари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. Ҳар бир босқич учун талабаларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади. Жисмоний маданият ўқитувчиси раҳбарлигида талабанинг ўқув материалларини режали равишда билиб олиш жараёнидир. Бу жараённи билиш босқичидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки компонентарга) ажратиш мумкин. Талаба билмасликдан билиш, уддасидан чиқа олмасликдан уддалай олиш, малакалар ҳосил қилиш йўлидан бориб, ушбу босқичлардан ўтиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.-Тошкент, 2017 йил, 7-январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз. Тошкент:Ўзбекистон,- 2017.-б.
5. Абдуллаева Ш. А. Спортчиларнинг тарбияланганлик даражасини ташхислаш методлари.-Тошкент:Камалак, 2019.-134 б.
6. Абдуллаев А. Талаба ва спорт.-Тошкент: Молия, 2015.-168 б.
7. Аграновский М. А., Лукин Н. С., Качашкин В. М. Современная силовая тренировка.-М.: Физкультура и спорт, 2019.-248 с.
8. Бернштейн Н. А. Биохимические особенности скелетной мускулатуры.-Киев: Вища школа, 2016.-214 с.
9. Bohnishc S. Einige philosophisch-methodologische Fragen- Berlin, 2016.- 175 p.
10. Bloom B. S. A Taxonomy of Eucational Objektives Handbook.- Harvow, 2017.- 83 p.



**ЮЛЧИЕВА Д. Х.**
*«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти*
*кичик илмий ходими*


## ОИЛАДА БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШДА ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ


**Аннотация:** *ушбу мақолада асосан оила муҳитини яхшилаш бўйича Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллий қадриятларимиз асосида қилинган ишлар, оила нимага асосланиб қурилиш ҳамда оилада барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-педагогик тарбияни фарзандларга чуқурроқ сингдириш бўйича нималарга кўпроқ эътибор бериш керак эканлиги ёзилган.*



**Калит сўзлар:** *оила, қадрият, институт, эрта турмуш, оилавий етуклик, барқарор муҳит*



**Аннотация:** *в этой статье рассказывается о проводимых в стране масштабных реформах, направленных на улучшение семейного окружения, исходя из наших национальных ценностей, на чем строить семью и на что обращать больше внимания, чтобы обеспечить стабильность семьи.*



**Ключевые слова:** *семья, ценности, институт, ранний брак, семейная зрелость, стабильная среда*

**Annotation:** *this article tells about the large-scale reforms being carried out in the country aimed at improving the family environment, based on our national values, on what to build a family on and what to pay more attention to in order to ensure the stability of the family.*
**Key words:** *family, values, institution, early marriage, family maturity, stable environment*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3808-сонли қарори доирасида белгиланган асосий йўналишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур Концепция Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Моҳият-мазмунини миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва манфаатларини ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида: бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланмоқда, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги қарор топмоқда. Бу эса, оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар негизида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Оила қандай барпо этилмоғи лозим, унинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини нима ташкил этади, оила тарбияси қандай қонуниятлар асосида вужудга келади, сингари саволлар кишилик тарихининг барча даврларида долзарб масала бўлиб келган, десак хато қилмаймиз. Оила, оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбаларни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

биринчи босқич – Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунгача мавжуд бўлган таълимотлар (яҳудийлик, зардўштийлик, буддавийлик, христианлик);

иккинчи босқич – IX-XII асрларда, яъни ислом Уйғониш давридаги таълимотлар (Қуръони карим, ҳадислар, панднomalар, мутафаккирларнинг таълимотлари: Форобий, Беруний, Ибн Сино);

учинчи босқич – XIV-XV асрлар, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида мавжуд бўлган таълимотлар;

тўртинчи босқич – хонликлар давридаги таълимотлар (XVI-XIX асрлар);

бешинчи босқич – Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдаги таълимотлар (XIX аср 60 йилларининг охири ва 1917 йилнинг октябрь инқилоби давригача мавжуд бўлган таълимотлар);

олтинчи босқич – иттифоқ давридаги таълимотлар (1917 йил октябрь инқилобидан 1991 йил август ойигача мавжуд бўлган таълимотлар);

еттинчи босқич – Мустақиллик даври, яъни 1991 йилнинг сентябрь ойидан ҳозирги давргача.

Шу жиҳатдан, миллатимиз ва халқимизнинг оила – инсонларнинг никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган табиий-биологик турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳдир. Унинг ижтимоий, иқтисодий, демографик каби асосий вазифалари бор. Дунёдаги барча халқлар учун оиланинг моҳияти ва вазифалари бир хил кўринишга эга. Аммо, жамият ҳамда даврдан келиб чиққан ҳолда шаклланган ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний, миллий муносабатлар турмуш тарзи, урф-одатлар, диний эътиқод, миллий қадриятлар сифатида ҳар бир оилага ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини унинг тарихи, маънавияти, маданияти, ўзига хос урф-одатлари, анъаналарисиз тасаввур қилиш қийин. “Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”. Қадриятлар – маънавий камолот асоси “Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси” . “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”. “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган

тушунча", - деган таърифлар берилган. Бу эса, ўз навбатида, қадриятларнинг аҳамиятини кўрсатмоқда. Миллий қадриятлар – миллат учун аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ хослик шаклидир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор кучайди. Бу она юртга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги билан тавсифланади. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш, изоҳлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Шундай бўлса-да, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган "Ҳаракатлар стратегияси" – ислоҳотларнинг янги босқичи бўлиб, унда аҳолини, оилаларни маънавий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш етакчи ўринни эгаллайди. Шу ўринда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қадриятлар асосида давлат идоралари ходимларининг уйма-уй юриб, халқ дардини тинглаш, оғирини енгил қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари йўлга қўйилди. Инсон ҳуқуқларининг демократик қадрият сифатидаги аҳамияти яна шундан ҳам иборатки, хотин-қизлар ўзларини жамиятнинг муҳим бир қисми ва сиёсатнинг субъекти эканлигини, давлат ҳаётида яратиладиган барча имкониятлар эркаклар билан бир қаторда аёллар учун ҳам яратилиши лозимлигини, ўзларини давлат ҳаётининг ва қарорлар қабул қилинишининг муҳим иштирокчиси сифатида тушунишларига имкон яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оилада барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашда ўзбек оилалари тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда тарбияланаётган соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий–аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборатдир. Дунёнинг барча тараққий этган давлатлари қаторида юртимиз ёшларининг таълим-тарбияси, уларни касб-ҳунарга оид билим ва кўникмаларини эгаллашга йўллаш, болалар меҳнатини ташкил этиш муаммолари долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада, айниқса, "Баркамол авлод" болалар мактаблари фаолиятини назарда тутиш муҳим. Бу мактаблар ўқувчиларнинг имконияти ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишларини чуқур, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Барча оилалардаги таълим-тарбия турлари ҳам миллий қадриятларимиз асосида ижтимоий маънавиятимизни шакллантиришга хизмат қилади. Хаттоки олий ва ўрта махсус таълим муассаларимизда ҳам таълимнинг тарбия билан уйғунлик тамойили асосида белгиланганлиги юқорида келтирилган фикримизга мисол бўла олади. *Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолининг ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан фарқланиши оилавий муносабатларда, турмуш тарзида, ислом ақидалари асосида қадриятларга амал қилишлари оилаларнинг барқарорлигида таъминлаш мақсадларида яққол намоён бўлади.*

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020-йил 18-февралдаги ПФ-5938-сонли Фармони. www.lex.uz
2. "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2020-йил 18-февралдаги ПҚ-4602-сонли Қарори. www.lex.uz
3. Мирзиёев Ш. М. "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-3808-сонли қарори (2018 йил 27 июн)
4. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлок. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

6. Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар / Тузувчи: А.Зуннунов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
7. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
8. К. Нажмиддинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Тошкент: "Адолат", 2016
9. Комилов Т., Абидова С. "Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти". ЎзР ФА, "Фан", 2000.Б.20.

**Худойбердиева Зумрад Худойбердиевна,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчи*

**Равшанбекова Бегойим,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

**Аннотация:** *Таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш таълим олувчиларнинг ҳаётий фаолият учун зарур бўлган тайёргарлик даражасини аниқлаш, таълим сифатининг жаҳон таълим стандартлари билан рақобатбардошлигини таъминлаш ва халқаро тадқиқотлар натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради. Мақолада бошланғич синфларда математика фанини ўзлаштириш даражасининг халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлигини аниқлаш бўйича таҳлилий изланишлар олиб борилди.*
**Калит сўзлар:** *таълим сифати, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар, математика.*

**Аннотация:** *Организация международных исследований в области оценки качества образования позволяет определить необходимый уровень подготовленности обучаемых к жизнедеятельности, обеспечить конкурентоспособность качества образования на уровне мировых образовательных стандартов, внедрить результаты международных исследований в образовательный процесс. В статье были проведены аналитические исследования по определению гармоничности уровня усвоения математической науки в начальных классах с международными программами оценки.*
**Ключевые слова:** *качество образования, международные исследования по оценке качества образования, математика.*

**Annotation:** *The organization of international research in the field of education quality assessment allows us to determine the necessary level of readiness of students for life, to ensure the competitiveness of the quality of education at the level of world educational standards, to introduce the results of international research into the educational process. In the article, analytical studies were conducted to determine the harmony of the level of assimilation of mathematical science in primary classes with international assessment programs.*
**Keywords:** *quality of education, international studies on the assessment of the quality of education, mathematics.*

Жанубий Кореяда ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача қабул қилинган «Incheon declaration» да «таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш» [1, 48 б] га алоҳида эътибор берилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишида «умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ... математика, физика, кимё,

биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш» [2] вазифалари белгилиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги № 997 сонли «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил етиш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарорида халқаро тадқиқотларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тадбири доирасида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда халқаро тадқиқотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кўзда тутилган [3].

Жаҳонда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолашнинг халқаро дастурлари (PISA, TIMSS) бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Математика таълимининг ривожланиш тенденцияларининг кўрсатишича, ўқитишнинг замонавий шакллари ва технологиялари глобал миқёсларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, ўқувчилар саводхонлигини халқаро баҳолаш дастурлари, **ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш математик тасвирли масалалар тизимидан фойдаланишни** тақазо этмоқда. Халқаро баҳолаш дастурлари юзасидан тадқиқотларда берилаётган топшириқларнинг учдан бир қисми тасвирли масалалар ёрдамида тақдим этилади. Умумий ўрта таълим мактабларида математикани ўқитиш амалиётида чизмаларнинг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, ўқувчиларни тасвирли масалалар ечишга ва мустақил масалалар тузишга ўргатиш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан ўрганишни талаб қилади.

Амалдаги давлат таълим стандартларининг малака талаблари, фан ўқув дастури, мавжуд дарсликлардаги мавзулар мазмуни ва манбалари, шунингдек, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар материаллари, ривожланган хорижий давлатларда умумий ўрта таълимнинг бошланғич таълимида математика фани бўйича ўқув дастурларининг ўзаро тавсифий таҳлили асосида тасвир кўринишидаги ахборотлардан ўқув материаллари сифатида фойдаланишда объектларни тасвирлашнинг перспектива қоидаларига амал қилиш, амалий характердаги топшириқлар ва улар учун ҳаётий муҳим намуналардан фойдаланиш, объектлар ва моделлар тўғрисидаги ахборотларни интеграция қилиш зарурати аниқланди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг хотиралари кўпроқ кўргазмали-образли характерга эга бўлиб, идроки амалий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлади. Ўқув материалларининг тасвирий ифодаланганлиги амалий кўникмалар ҳосил қилишга хизмат қилади. Математика дарсларида ахборотларнинг турли кўринишларидан кенг фойдаланилади. Масалан, она тили дарсларида матн кўринишидаги ахборотлардан кенг фойдаланилса, тасвирий санъат дарсларида графиклардан, тасвирлардан кенг фойдаланилади ва ҳ.к.

Шунингдек, халқаро баҳолаш дастурларида мувваффаққиятли иштирок этишда ўқув материалларидан фойдаланиш бўйича айрим жиҳатларга аҳамият қаратилиши лозимлиги аниқланди:

– тасвир кўринишидаги ахборотлардан ўқув материаллари сифатида фойдаланишда обектларни тасвирлашнинг перспектива қоидаларига амал қилиниши лозим;

– муҳим аҳамиятга эга бўлмаган баъзи тасвир кўринишидаги материалларнинг берилиши топшириқни бажаришда камчиликларни йўл қўйишга олиб келиши мумкин;

– ўқув материалларида ахборотларнинг турли кўринишларидан фойдаланиб маълумотларни ўқиш, солиштириш ва тақдим этишга ўргатиш, шунингдек, турли кўринишда берилган маълумотларни таққослаш ва улардан фойдаланиб масалалар ечишга ўргатиш лозим;

– янги мавзуни тушунтиришда зарур ахборотларнинг етарли бўлиши;

– ҳар бир мавзуни тушунтириш ва мустаҳкамлашда амалий характердаги топшириқлар бериш;

– амалий характердаги топшириқлар учун ҳаётий намуналардан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим соҳасида давлат бош буюртмачи бўлиб, у битирувчиларга талабни жамиятнинг эхтиёжидан келиб чиқиб белгилайди. Кишилик жамияти доимий ривожланишда бўлиб, унда эришилаётган ютуқлар таълим самарадорлиги билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, жамиятда эришилган ютуқлар таълимда ўз аксини топиб боради. Яъни, кишилик жамияти ва таълим жараёни доимо қайтар аълоқада бўлади. Бунда, таълим жараёнини зарур ахборотлар билан таъминлаш таълим ва шу билан бирга кишилик жамиятининг ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Демак, Математика фанини ўқитиш жамият эхтиёжларидан келиб чиқиб, унинг талабларига жавоб берувчи математик тайёргарлик даражасига эга битирувчиларни тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Бошланғич синф «Математика» фан дастури ва «Математика» дарсликлари ўрганиб чиқилиб қуйидагича хулосага келинди: математика дарсларида, айниқса бошланғич синфларда, матн кўринишидаги ахборотлар (масалалар матни), график кўринишдаги ахборотлар (масала ёки мисоллар график кўринишида берилиши мумкин), тасвирлар (масалан, масалаларнинг қисқа шартини тасвирлар ва шартли белгиларда ифодалаш), жадваллар (масалан, жадвалда берилган ҳарфли ифодалар асосида сонли ифодалар тузиш ва уларнинг қийматларини ҳисоблаш) дан фойдаланилади. Бу эса ўқув материалининг амалий кўникмалар ҳосил қилиш имкониятини тақдим этади. Матнли ахборотлар ва сонли ахборотлар билан бирга тасвир кўринишидаги ахборот (расмлар, жадваллар, графиклар, диаграммалар) лардан фойдаланиш ўқув материалларининг кўргазмалилиги, ёрқинлигини таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, кўп ҳолатларда ўзлаштирилган ахборотлар миқдори (ҳажми) таълим самараси сифатида қаралиб, таълим натижаларини баҳолашда ўзлаштирилган ахборотлар миқдори ҳисобга олинада. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ахборотлашган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган ахборотларни тегишли соҳалар ҳамда ҳаётий фаолиятлар давомида қўллай олиш даражаси билан белгиланади. Бир қанча илмий тадқиқот ишларида ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда таълимнинг натижасига аҳамият берилиши ва бунда ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ахборотлар ҳажми эмас, балки турли вазиятларда мазкур ахборотларни қўллай олишига эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган [4; 53-б.]. Демак, таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларда бериладиган материалларда эътибор берилиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлардан яна бири таълим олувчиларнинг ўзлаштирган ўқув материалларини ҳаётий фаолиятларда қўллай олишини баҳолашидир.

Халқаро баҳолаш дастурларида муваффаққиятли иштирок этиш таълим олувчилар саводхонлигини баҳолаш методологиясининг ҳам етарли даражада такомиллаштирилганлиги билан боғлиқ

Аввало баҳолаш нима ва нима учун керак?

Баҳолаш – ўлчаш жараёни бўлиб, бунда билим, кўникма, компетенциялар ўлчанади. Баҳолаш таълимий мақсадларга қай даражада эришганлигини намойиш қилиш имконини беради.

Амалдаги таълим жаранида ўқувчиларни баҳолашда чорак давомида олинган баҳолар асосида чораклик баҳо чиқарилади. Чораклик баҳолар асосида йиллик баҳо аниқланади. Бу ўрта арифметик асосига қурилган. Яъни таълим жараёнида шакллантирувчи (форматив) баҳолаш (ўрганиш учун баҳолаш) дан кенг фойдаланилади. Шакллантирувчи (форматив) баҳолаш ўқувчилар ўрганиш жараёнининг қайси босқичида эканлиги, кейинги қадамлари қандай бўлиши кераклиги ва мақсадга қандай эришишлари мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, шакллантирувчи (форматив) баҳолаш ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан ишлатиладиган далилларни йиғиш ва талқин қилиш жараёни ҳисобланади.

Шакллантирувчи (форматив) баҳолаш (ўрганиш учун баҳолаш):

– дарс пайтида бериладиган топшириқлар, савол-жавоблар;
– дарс пайтида ўтказиладиган назорат ишлари;
– ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини кузатиш;
– уйга берилган вазифалар ва бошқалар ҳисобланади.

Шакллантирувчи (форматив) баҳолаш қайта алоқа имкониятлари кўпроқ. Шунингдек, амалиётда бериладиган топшириқларнинг мураккаблиги ёки соддалигига қаралмасдан бир хил балл бериш йўлга қўйилган. Халқаро баҳолаш дастурларида бериладиган топшириқларнинг яна бир муҳим жиҳати топшириқларнинг даражасига қараб турлича балл берилишидир.

Аммо бугунги кунда хулосаловчи (сумматив) баҳолаш имкониятларидан умумий ўрта таълимда кенг фойдаланилмайди. Хулосаловчи (сумматив) баҳолаш – таълим дастури ёки унинг бир қисми сўнгида эришилган натижани расмий баҳолашдир.

Таълим сифатини баҳолаш амалиёти юзасидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Халқаро баҳолаш дастурларида муваффаққиятли иштирок эташ форматив ва сумматив баҳолашнинг чегараларини белгилаб олиш ва умумий ўрта таълимда сумматив баҳолашни йўлга қўйишга ҳам бевосита боғлиқ. Контентни баҳолашга асосланган ёндашувдан кўникмани баҳолашга асосланган ёндашувга ўтиш зарурати хам бугунги кунда ўз ечимини кутаётган масалалардан бири ҳисобланади.

**Адабиётлар**

1. Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea). – 48 p.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. № 6(766), 70–модда // www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 8-декабрдаги № 997 сонли «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил етиш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2018. 09/18/997/2289-сон / www.lex.uz
4. Усаров Ж.Э. Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш. Пед. фан. док. (DSc) ... дис. – Тошкент, 2019. – 267 бет.

**НОРҚУЛОВ ҲУСНИДДИН ДЎСБЕКОВИЧ**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти*
*катта илмий ходими, пед.фан.ном.доцент*

**САРИБАЕВА УМИДА САТТАРОВНА**
*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*
*«Психология» кафедраси доценти*

## ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада давлатимиз сиёсати марказида оила ва миллий қадриятлар туриши, оилалар имкон қадар давлат томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиб келинаётганлиги, миллий қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хил кўринишларга эга эканлиги каби масалалар ёритилган.*
**Калит сўзлар:** *оила, миллий қадриятлар, тарбия, оила маънавияти, ота-она муносабатлари, оила мустаҳкамлиги, глобал жараён, жамият мустаҳкамлиги, ахлоқ-одоб.*

**Аннотация:** *в этой статье рассматриваются такие вопросы, как семья и национальные ценности в центре нашей государственной политики, тот факт, что семьи максимально поддерживаются государством материально и духовно, тот факт, что национальные ценности различны по своей природе.*
**Ключевые слова:** *семья, национальные ценности, воспитание, семейная духовность, родительские отношения, стабильность семьи, глобальный процесс, социальная стабильность, мораль.*

**Annotation:** *this article addresses issues such as the family and national values at the center of our state policy, the fact that families are supported as much as possible by the state materially and spiritually, the fact that national values are different in nature.*
**Keywords:** *family, national values, upbringing, family spirituality, parental relations, family stability, global process, social stability, morality.*

Жамият ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, яъни инновацон жараёнлар, рақамли телевидение, радио ва матбуотнинг мавқеи кун сайин тараққий этиб бораётганлиги натижасида урф-одат ва анъаналарнинг сусаётганлиги миллий қадриятларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳар бир жамият урф-одатларнинг халқ орасида янада тараққий этишидан ва қадриятга айланишидан манфаатдордир.

“Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”[1]. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Мамлакатимизда кечаётган глобал жараён халқнинг маънавиятига таъсир кўрсатиб, миллий урф-одат ва қадриятларни ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган *урф-одат, маросим ва байрамлар каби қадриятлар ёшлар онгига* миллий ғояни сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Халқ томонидан шакллантирилган анъана ва урф-одатлар тарихий аҳамиятга эга бўлиб, даврлар ўтиши билан улар барқарорлашиб, сайқаллашиб бораверади ва инсоният учун қадриятга айланади. Шунингдек, анъана, маросим ва урф-одатларни такомиллаштиришда энг аввало оиланинг, маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари ва улуғларининг ўрни каттадир.

Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи анъаналар маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Жумладан, “Наврўз” байрами шарқ халқининг миллий-маънавий қадриятларидан ҳисобланади [2]. Муаллиф келтирганидек, урф-одат ва анъаналар қадрият даражасига етиши учун маълум бир босқичларни босиб ўтиб, халқнинг қалбидан, онгидан чуқур жой олиши керак бўлар экан.

Миллий қадриятлар оилавий турмушимизнинг ободлигини таъминлайди. Уларни оилада фарзандлар онгига сингдириш муҳим бўлиб, улар илмий-техникавий, таълим-тарбия, интеллектуал, тиббий хизмат, миллий мерос, маданият, санъат, адабиёт, тил, халқ ҳунармандчилиги ва бошқалар ҳисобланади. Миллий қадриятлар – миллатнинг тили, урф-одатлари, тарихи ва бошқа кўринишларида намоён бўлади.

“Комилликка элтувчи китоб”ида “Кишини қуршаб турган чексиз кўп нарса ва ҳодисалар, шу жумладан миллий маънавият ичидан ҳам, муайян шахс ёки ижтимоий гуруҳ, ё конкрет бир миллат, ёҳуд бутун инсоният учун алоҳида аҳамиятга, қадрга эга бўлганларини қадрият дейилади”[3], - деган фикрни илгари суради. Миллий қадриятлар бу - халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш, дўст ва яхши қўшни бўлиб тинч ва тотувликда, яқин ҳамкорликда яшаш, оила, маҳалла, эл-юрт, Ватан туйғуларини муқаддас билиш, ота-она, маҳалла аҳлига, қариндошларга ҳурматда бўлиш, она тилига муҳаббат, уни севиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, аёл зотига эҳтиром кўрсатиш ва уни қадрлаш, сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва шу кабилардир.

Миллий қадриятлар ўз ўрнида табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ахлоқий турларга бўлинади. Жумладан, оилада фарзандларга илм ўргатиш орқали миллий-маънавий, ахлоқий қадриятлар ҳам сингдириб келинмоқда. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий хулосалаш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш натижасида белгиланади.

Шунингдек, оилада ота-она фарзандлари билан ўзаро муносабатларида нутқий лаёқатини оширишга ҳаракат қилишлари орқали ўз фикрларини ахлоқ меъёрларига риоя қилган ҳолда суҳбатлар, ҳикматлар, мақоллар, ҳаётий мисоллар келтириш орқали тушунтиришлари жуда муҳимдир. “Тарбияни ким қилур?” “қайда қилинур?” деган саволга биринчи жавоб: - уй тарбияси. Бу Она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. “Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир”[4]. Демак, инсоннинг энг соф туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оилада ота-онанинг қалб қўридан чиқадиган меҳр-муҳаббати, ширин сўзи орқали шаклланади ва қадрланади.

Шу йўналишда ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, **“Ҳозирги кунда оилаларда бўлган низоли ҳолатлар қадриятларнинг кескин ўзгаргани сабабли учрамоқда”** деб берилган саволга респондентларнинг **76%и** “Ҳа, ҳозирги кунда оилада қадриятлар йўқолиб кетмоқда” деб, **14%и** “Йўқ қадриятларнинг бунга алоқаси йўқ” деб жавоб берган бўлса, **10% и** эса “Қадриятларнинг ўзгариши табиий ҳол” деб жавоб беришган.

Демак, юқоридаги натижалардан кўриниб турибдики, аксарият респондентлар оиладаги низоли ҳолатлар глобаллашув даврида миллий қадриятларимизнинг йўқолишига олиб келишини тушуниб етишган.

Шунингдек, **“Ўзбек оилаларида қайси қадриятлар устунлик қилади”** деган саволга респондентларнинг **37%и** “меҳр-оқибат”, **10%и** “муҳаббат”, **5%и** “бойлик”, **15%и** “катталарга ҳурмат”, **13%и** “шукроналик”, **20%и** эса “бошқалар” деб жавоб беришган. Демак, ўзбек оилаларида қайси қадриятлар устунлик қилади деган фикрга меҳр-оқибатнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатишган.




**1-расм. Респондентларнинг ўзбек оилаларида қайси қадриятлар устунлиги %.**

Тадқиқотдан кўринадики, қадриятларнинг йўқолиб кетмаслиги ва уларни керакли даражада сақлаб қолиш учун ёш авлод ўртасида ушбу қадриятларни тарғиб қилиш зарур. Оилада миллий қадриятларни фарзандлар онгига мустаҳкам сингдириш учун ота-оналар маъсулият билан меҳр-оқибатли масалаларни кўпроқ тарғиб қилишлари керак. Чунки, келажакда бу қадриятларнинг қанчалик даражада сақланиб қолиниши ота-она ҳамда ёш авлодга боғлиқ бўлиб қолади.

Миграция оилада миллий қадриятларга салбий таъсир кўрсатади. Чунки, ота-оналарнинг сафарда бўлиши боланинг овқатланиши, таълим олиш даражасига салбий таъсир қилиши ҳамда депрессия ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Бу оилавий қадриятларнинг ўзгаришига қайсидир маънода ҳам таъсир кўрсатмоқда.

“Миграция жараёни ўзбек оилаларда қадриятларнинг ўзгаришига қандай таъсир ўтказади?” деган фикрга сўровнома иштирокчиларнинг 72%и “Ота-она бошқа давлатга кетганда фарзандлари тарбиясига ҳеч ким қарамайди ва қадриятлар ўз ўзидан йўқолиб кетади” деб, 16%и “Миграцияни қадриятларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ота-онлар фарзандига масофадан туриб ҳам тарбия бериши мумкин” деб жавоб берган бўлса, 12%и “Жавоб беришга қийналаман” деб фикрини билдиришган.

Оиладаги қадриятларни сақлаб қолишда ота ва онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Меҳр-шавқат, раҳимдиллик, инсонпарварлик, муҳаббат, поклик, софдиллик каби қадриятларни ўзбек оилаларида сақлаб қолиш учун болаларга керакли даражада тарбия бериш керак. Шу қадриятлар оилада сақлаб қолинса, келгусида болалар шу қадриятлар асосида оилаларни қуришади. Оиладаги муҳит оила аъзолари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб шаклланади, оиладаги ўзаро муносабатлар эса миллий қадриятларнинг янада мустаҳкам бўлишига замин яратади.

Оталик меҳри инсон қонига, томирига, ҳужайрасига сингиб кетган ирсий, маънавий қадриятдир. Отани тарбиясини олган бола ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади. Ҳам қиз тарбиясида, ҳам ўғил тарбиясида отанинг масъулияти юқори бўлади.

Сўровнома иштирокчиларига “Отанинг фарзандлар тарбиясида қандай ўрни бор деб ўйласиз?” деб берган саволга 61% и “Ота тарбияси фарзанд учун жуда муҳим” деб, 8% и “Ота тарбия берадими ёки она унинг аҳамиятли жойи йўқ, асосийси фарзанд тарбия кўриши керак” деб, 27% и “Ота орқали фарзанднинг ижтимоий мослашуви қийинчиликсиз ўтади. Ота тарбиясини олган бола ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади” деб, 4% и эса “Ота берадиган тарбияни она беролмайди” деб жавоб беришган.




**2-расм. Респондентларнинг отанинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни %**

Сўровномада иштирок этганларга **“Оилада низоли ҳолатларни бартараф этиш учун исломий қадриятларни ўрни қанчалик муҳим”** деб берган саволга **96%и** “Муҳим” деб, **“4%и** эса “Исломий қадриятларни тушунмайман” деб жавоб беришган. Демак, респондентларнинг **96% и** низоли ҳолатларни бартараф этишда исломий қадриятларнинг ўрни муҳим деб жавоб беришган. Албатта, ушбу фикрларга қўшилган ҳолда ислом дини энг мукаммал дин у яхшиликка, эзгуликка ва адолатга таянади.




**3-расм. Респондентларнинг оилада низоли ҳолатларни бартараф этиш учун исломий қадриятларнинг ўрни муҳимлиги %**

Сўровнома иштирокчиларига **“Оилаларга кўпроқ ўзбек миллий қадриятлари устуворлик қиладими ёки исломий қадриятлар? Улар орасида қандай фарқ мавжуд?”** деб берилган саволга респондентларнинг **66%и** “Ўзбек оилаларда миллий ва исломий қадриятлар сингиб кетган” деб, **15%и эса** “Исломий қадриятлар устунроқ” деб, **12%и** “Миллий ва исломий қадриятлар ўртасида ҳеч қандай фарқ мавжуд эмас”деб, **7%и** эса “Миллий қадриятлар устунроқ” деб жавоб берганлигини кўриш мумкин.




**4-расм. Респондентларнинг оилаларда кўпроқ ўзбек миллий қадриятлари устуворлик қиладими ёки исломий қадриятларга оид қарашлари %**

Бу дегани ислом дини қадриятларининг ўрни паст даражада эканлигини кўрсатмайди. Чунки, миллий қадриятларимизга ислом дини қадриятлари қоришиб кетган. Инобатга олинадиган яна бир муҳим нарса борки, оилавий психолог иш олиб борган айнан миллий ва ислом дини қадриятларига таянган ҳолда ўз фаолиятини олиб бориши керак. Шундагина ижобий натижага эришса бўлади.

Хулоса ўрнида келтириш мумкинки, ўзбек оиласида миллий қадриятлар асосида оилавий муносабатлар тартибга солиб келинади, шунинг учун ҳар бир шахс бу нарсани инобатга олиши шарт. Кейинчалик оилада қадриятларнинг йўқолишини олдини олиш учун оиланинг пойдовери нимага асосланиб қурилганлигини тушуниб етиш керак бўлади.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

– Ҳозирги кунда оилаларда бўлаётган низоли ҳолатларнинг бўлиб туриши натижасида оилавий қадриятлар қисман йўқолиб кетмоқда. Оиладаги низоли ҳолатлар қанчалик кўп давом этаверса, миллий қадриятларимизнинг йўқолишига ёки қадрсизланишига олиб келиш мумкин.

– Ўзбек оилаларида меҳр-оқибатли бўлиши масаланинг устунлик жиҳатини намоён қилмоқда. Шу билан бирга қадриятнинг бошқа турлари ҳам масалан, “муҳаббат”, “бойлик”, “катталарга ҳурмат”, “шукроналик” ва бошқа турлари ҳам келтирилмоқда. Демак, ўзбек оилаларида қайси қадриятлар устунлик қилади деган фикрга меҳр-оқибатнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатмоқда.

– Оилада низоли ҳолатларни бартараф этиш учун исломий қадриятларнинг ўрнини ҳам айтиб ўтиш керак. Чунки низоли ҳолатларни ислом масалалари орқали ҳал этиш кўпроқ самаралар беради.

– Ўзбек оилаларга миллий ва исломий қадриятлар сингиб кетган. Исломий қадриятлар устунлиги келтирилган бўлса, миллий ва исломий қадриятлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлиги борасидаги тушунчалар борлиги аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами). – Т; “Ўзбекистон”, 1997.Б.198; Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎзР. ФА, “Фан”, 2000.Б.20; Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. –Т; “Ўзбекистон”, 1997.Б.48.
2. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. – Т; “Ўқитувчи” 1999. Б.140.
3. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т; “TURON-IQBOL” нашриёти, 2006. Б.73.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992. 26-б.



**Abdullayev Abduqayum Abdulxayevich,**
*TVChDPI Maktabgacha ta’lim kafedrasi mudiri dotsent*

**Ilesbaeva Aliya Murod qizi,**
*Maktabgacha ta’lim talabasi*

**Jaylauova Perizat Baxit qizi,**
*Maktabgacha ta’lim talabasi*


## O‘QITUVCHINING MA’NAVIY QIYOFASI, PEDAGOGIK VA AXLOQIY MADANIYATI

Shaxs va mutaxassisning kasbiy yetukligi oliy ta’lim muasssasidagi yaxlit pedagogik tizimning mahsuli hisoblanadi. Bo‘lajak mutaxassislarni tayyorlashning samaradorligi oliy ta’lim tizimi o‘qituvchisi shaxsi va uning kasbiy hamda axloqiy madaniyati bilan chambarchas bog‘liqdir. Axloqiy madaniyatni tarkib toptirish, yosh avlod ongida axloqiy qadriyatlar va ideallarni shakllantirish oliy o‘quv yurtidagi axloqiy tarbiya tizimining asosiy vazifasidir. Bu jarayonni hal etishda ijtimoiy, maxsus ihtisoslik fanlari yetakchi o‘rin tutadi. Bunda o‘qitishning imkoniyatlariga yetarlicha ahamiyat qaratish muhimdir. O‘rtaga qo‘yilayotgan vazifalarni bajarish ko‘p jixatdan bo‘lajak o‘qituvchilarining pedagogik va kasbiy madaniyatiga bog‘liq. Yoshlarga

faqatgina bilim berish bilan chegaralanmay, ta'lim-tarbiyadan ko'zlangan maqsadga erishish, talabalarning xilma-xil faoliyatini uyushtirish, ularni bilimli, yuksak madaniyatli, odobli, e'tiqodli, mehnatsevar, barkamol inson sifatida tarbiyalash o'qituvchi zimmasiga yuklatiladi.

O'qituvchi o'zining fidokorona mehnati bilan yosh avlodni o'qitish va tarbiyalash sifatini oshirishga katta hissa qo'shayotgan ijodkordir. So'nggi yillarda pedagogika oliy o'quv yurtlari hamda kollejlarida o'qituvchilar tayyorlashni yaxshilash borasida bir qator ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda.

Ayniqsa, pedagogik mahoratni egallash hamda o'zlashtirilgan nazariy bilimlarini amaliyotda qo'llash masalasiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Darslarda olib borilayotgan ta'lim-tarbiya jarayonida bo'lajak o'qituvchilarda bu kabi xususiyatlarni tarkib toptirish va rivojlantirish imkoniyati mavjud. Ta'lim jarayonida muammoli mavzular, baxs-munozaralardan foydalanish yaxshi samara beradi.

O'qituvchi kasbiy faoliyatida gnostik, kommunikativ-ta'limiy, amaliy rejalashtirish vazifalarini bajarish asnosida bir qator metodik malakalar egallanish zarur.

Chunonchi, o'quv materialini metodik jihatdan tanqidiy tahlil qila olish, lisoniy qiyinchiliklarni aniqlash, chet tili va ona tili hodisalarining o'xshash va tafovutli jihatlarini topish maqsadida taqqoslash, talabalarga mo'ljallangan lingvistik axborotning hajmi va mazmunini aniqlash, til hodisalarni tahlil qilish, umumlashtirish kabilar.

Ushbu malakalarni muvaffaqiyatli shakllantirishda lingvodidaktik qiyosiy tahlil metodlarini, til tajribasining interferentaцияsi va ijobiy ta'siri qonuniyatlarini bilish, til va nutqda "norma" tushunchasini anglab yetish yuksak ahamiyat kasb etadi.

Shuningdek, o'qituvchi pedogogik kasbiy madaniyatini shakillantirishda sharqning buyuk allomalarining ijodiy, ayniqsa ta'lim-tarbiya haqidagi g'oyalarini o'rganishi talabalar axloqiy madaniyatini rivojlantirishda katta ahamiyatga ega.

Beruniy "…bilim olishda, ilmlarni egallashda shaxsda intilish, qizqish va muhitning ahamiyatini e'tirof etadi, barcha illatlarning asosiy sababi ilimsizlikda" deb uqtirgan.

Beruniyning ta'kidlashicha, inson kamlotiga to'rt narsa muhimdir, bu – ma'rifat, ilm-fanni e'tirof qiluvchi-irsiyat, ijtimoiy muhit va to'g'ri tarbiyadir. Yana u inson kamolga yetishi uchun eng muhim omil – o'qituvchining ilm-ma'rifatli bo'lishi bilan birga yuksak ahloqli bo'lishi ham kerakligini e'tirof etadi.

Ibn Sino ham ta'lim-tarbiya masalalariga alohida e'tibor qaratib, «…bolaga bilim berishda birdaniga kitobga band qilib qo'ymaslik, ta'limda oddiydan murakkabga borishi orqali bilim berish, mashqlarning bola yoshiga mos bo'lishi, jamoa bo'lib o'qitishga e'tibor berishi, bilim berishda bolaning qiziqishi, moillar va qobiliyatini hisobga olish, o'qitishni jismoniy mashqlar bilan qo'shib olib borish zarur»ligini ta'kidlaydi.

Ibn Sino o'kuvchilarga ma'sulyat, burch, muomalada jiddiylik kabi kishining ma'naviy qiyofasini ko'rsatuvchi xususiyatlarga e'tibor berish zarur deb hisoblaydi.

Biz dars jarayonida o'rta asr Sharq mutafakirlarining ana shunday boy ma'naviy merosidan oqilona foydalanishimiz va o'qitish jarayonini tashkil qilishda psixologiya va fiziologiya manbalariga suyanib ish ko'rishimiz zarur.

Zero, o'qtuvchi berilgan nazariy bilimlarni amaliyotga tatbiq etishi, amaliy mashg'ulotlar o'tkazishi, tarbiyalashi, bilim va malakallarini chuqur egallashi, o'z ustida tinmay ishlashi, bilimlarini takomollashtirib borishi lozim.

Bugungi kunda darslik qanchalik mazmunli bo'lmasin, ta'limda o'qtuvchi asosiy o'rin egallaydi. U o'z pedagogik mahorati va yaxshi fazilatlari bilan talabalarga namuna, yaxshi tarbiya ko'rgan, chuqur bilimli va ma'rifatparvar inson bo'lishi kerak.

Shuningdek, ahloqiy madaniyatga ega bo'lgan ustoz sifatida faoliyat ko'rsatishi maqsadga muvofiqdir.

Oliy ta'lim tizimida o'qituvchining ma'naviy qiyofasi, pedogogik va ahloqiy madaniyatining yuksak bo'lishi talabalarning ahloqiy madaniyati yuksak, dunyo qarashi keng, pedogogik faoliyatining muvaffaqiyatli, inteliktual jihatdan salohiyatli, zamon bilan hamnafas bo'lishlarini ta'minlaydi.

**Шамиева Ойбаҳор Равшановна**
*НавДКИ, Психология фанлари номзоди, доцент*

**Эрматова Гулноз Пиримовна**
*НавДПИ, Мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси*

## АМИР ТЕМУРНИНГ ОИЛА БОШҚАРУВИДАГИ ИБРАТЛИ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** *мазкур мақолада Амур Темурнинг аёлларга, оила бошқаруви ва соғлом авлод тарбиялашга бўлган муносабати ҳақидаги қимматли фикрлар ёритилган.*
**Калит сўзлар:** *оила бошқаруви, соғлом фарзанд, ҳақгўйлик, адолатпарварлик, фидойилик, ватанпарварлик, садоқатлилик, одамийлик фазилатлари.*

**Аннотация:** *в данной статье освещены ценные мысли Амира Темура о его отношении к женщинам, семейному управлению и воспитанию здорового поколения.*
**Ключевые слова:** *управление семьей, здоровый ребенок, справедливость, справедливость, самоотверженность, патриотизм, лояльность, человеческие качества.*

**Annotation:** *in this article, valuable thoughts of Amur Temur about his attitude towards Women, Family Management and upbringing of healthy generation are reflected.*
**Keywords:** *family management, healthy child, truthfulness, Justice, self-sacrifice, patriotism, loyalty, humanity qualities.*

Мамлакатимизда бугунги кунда аёллар ва соғлом авлод тарбиясига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши ва ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан биридир.

Аёлларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволи ҳамда турар жойидан қатъий назар, барча ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам ҳеч кимнинг назаридан четда қолаётгани йўқ.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти ҳам: «Қачон аёл бахтли бўлади? Авваломбор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса»-деган фикрларни билдириб, аёлларимизнинг мамлакатимиз равнақига қўшган ҳиссалари аввало оилада соғлом ва баркамол фарзанд тарбиялашда эканлигини айтиб ўтганлар [1, 2-б].

Дарҳақиқат, кўҳна тарихга назар ташласак, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг аёлларга ва соғлом фарзанд тарбиялашга бўлган муносабатлари ҳам диққатга сазовордир.

Соҳибқирон аёлларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлган. У ўтказган мажлисларда ҳеч қачон хотин-қизлар ҳақида уятсиз, ҳақоратли сўзлар айтилмаган. Аёлларни жуда эъзозлаган. Агар бирор-бир киши аёлларни ҳақорат қилса қаттиқ жазолаган [2,14-б]. Айниқса Сароймулкхоним соҳибқироннинг суюкли рафиқаси ва маслаҳатгўйи бўлган. Уни «маҳду-улё»- яъни улуғ беланчак соҳибаси, деганлар. Бу унвон ҳаммага эмас фақат нуфузли маликаларгагина берилган, лекин Сароймулкхоним соҳибқирон саройида бу унвоннинг якка-ю-ягона эгаси бўлган. У сиёсий, маиший ва бошқа масалаларни ҳал этишда бевосита давлат ишларига кўмаклашган.

Темур бобомиз нафақат давлат бошқарувида, балки оила бошарувида ҳам тўғри тадбирлар қўллай олган. Фарзандлари, қизлари ва ўғиллари тарбиясини тажрибали энагаларга, момоларга юклаган. Масалан, бир ойлик набираси Улуғбек мирзони Бибихоним (Сароймулкхоним)нинг тарбиясига топширган [3,60-б]. Фарзандлари ва набираларига ҳарбий санъат сирларидан ҳам таълим берган ва шу билан чегараланиб қолмасдан ўзи билан ҳарбий юрушларда ҳам олиб юрган. Бу билан болаларини суяги қотиб кўзи пишишини хоҳлаган, дунёни кўришини, ҳаётни билишини ва чиниқишларини истаган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек фарзандлари ва набиралари ҳамиша ўз туққан оналари қўлида эмас, балки Сароймулкхоним, Туман оқа (опаси) сингари нуфузли маликалар қўлида тарбияланганлар.

Улар яхши ахлоқли инсон бўлиб етишишлари, билим олишлари, муомала маданияти-ю, ҳарбий сирларни эгаллашлари ва давлат ишларини бошқаришни ўрганишлари учун қулайликлар яратган ва бу жараённи кучли назорат қилган. Улар вақти-вақти билан соҳибқирон ўтказадиган хос хонадон мажлисларида иштирок етишган ва бу мажлисга киришдан маҳрум этилган шахзодалар учун жазолардан бири ҳисобланган[4, 208б].

Набираларини нуфузли маликалар қўлида тарбия кўриши - биринчидан, уларнинг яхши тарбия олишлари, иккинчидан,- бўлжак салтанат эгаларини ўз назоратида бўлишлари, учинчидан - мамлакатнинг турли вилоятларини бошқараётган уларни оталарини ҳам назоратда бўлишларини учун бир восита бўлган. Ўғиллари ва набираларини иқтидори ва салоҳиятига қараб бошқарувдан лавозим берган ва уларни ўз мартабаларига яраша иш тутишларини назорат қилган. Агарда хизмат вазифасини суйистимол қилса, жавобгарликка тортган. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин.Масалан, Агар ўғилларидан бири тожу-тахт учун давогарлик қилиб бош кўтарса, уларни ўлдиришга, қўлларини боғлашга ёки бошқа бир жазо, тана жароҳати етказишга уринмаслиги назорат қилган, токи улар ўз давосидан кечмагунча асирликда ушлаб туришларини ва шунинг билан бирга тожу-тахт учун талашмасликлари қаттиқ тайинлаган. Бу молу-давлат бизга емас оллоҳга тегишли деган ва бунинг учун уруш чиқишини истамаган. Набиралари ёки қариндошларидан бири унга қарши чиқса, уларни гадо ҳолига солишини айтган [ 5,103-б].

Бундан ташқари шаҳзода ва маликаларни салтанатдаги бой кутбхонадан фойдаланишларини таъминлаган.Улар эса Темур бобомизнинг бой кутубхонасида мутолаа қилганлар. У кутубхонада барча: илоҳиёт, ҳадис, тарих, география, фалсафа, фиқҳ, тиббиёт, фалакиёт, риёзот ва бошқа фанларга оид китоблар бўлган. Жумладан у ерда Хоразимий, Абй Райҳон Беруний, Саъдий Шерозий ва Ҳасриддин Тусийларнинг бебаҳо нодир асарлари сақланган.

Бобомиз ўғиллари, набираларини уйлантирмоқчи бўлиб келин излаш ишни давлат юмушлари билан тенг кўрган. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирган. Хос яъни керакли одамлар орқали соғ-саломатлигини, жисмонан камолотини, насли-насабси, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги суриштирган ва шундан кейингина у барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурган. Соҳибқирон қизлари, ўғилари, куёвлари, келинлари туруш-турмушидан хабардор бўлган. Масалан, ўн етти ёшда турмуш ўртоғидан айрилган келини Хонзодахонимни тақдири уни қаттиқ ташвишга солган. Уни ғамдан чалғиши учун унга совға-саломлар жунатган. Уни қизи ва ўғли ўрнида кўриб авайлаган. Озор чектириб қўймаган. У билан суҳбатлашганда унинг ғамига шерик бўлиб кўзларидан ёш оққан [5, 82-б].

Темур бобомиз ва унинг авлоди аёл зотини улуғлаганларини яна бир неча мисоллар билан қайд эта олмоғимиз мумкин. Буни биз Сароймулкхоним учун барпо етилган «Боғи Чинор», Туман оқага аталган «Боғи биҳишт», кичик малика Тўқалхоним шарафига барпо етилган «Боғи Дилкушо», «Боғи Шимол» эса набираси Бека Султон номига бунёд этилганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, Сароймулкхоним номига атаб Бибихоним мадрасасини ҳам қурдирганлар.

Бизга маълумки бобомизнинг шоҳ асари «Темур тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Амир Темур таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида фикрлар баён этилган. Иккинчи қисми эса машҳур жаҳонгирнинг фарзандларига аталган ўзига хос васият, панд-насиҳатлари ва ўгитларидан иборат [7, 162-б].

Ҳақиқатан ҳам «Темур тузуклари»нинг иккинчи қисмини қуйидаги: «Мамлакатларни фатҳ этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набраларим...» жумлалар билан бошланган [7,64-б]. Темур бобомиз фарзандлари ва набираларига давлат юритиш бобида ўзи қўллаган ишларни бир неча қонун-қоидаларга бўлган ва салтанатни бошқариш ҳақида қўл ёзмани қолдирган. Фарзанд ва набираларини эса шунга мувофиқ иш юритишларини истаган. Бобомиз ўзи тузган ўн икки тузукни ўзига шиор қилиб, шундай салтанатга эришган.Фарзандлари ва набиралари мана шу ўн икки тузук асосида давлат ва салтанатни унга амал қилган ҳолда бошқаришлари, шунинг билан бирга ўзлари ва давлатни эҳтиёт қилишларини таъкидлаган.

Ўн бирта тузук кўпроқ давлат бошқаруви ва турли тоифадаги инсонлар билан муомала-муносабат ҳақида бўса, ўн бирринчи тузук еса фарзандлари, қариндошлари, ёру-биродарлари, қўшнилари ва дўстларида эътибори, меҳр-муҳаббати ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримов ҳам бу ҳақда «Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимда қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озуқа бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканлигига кўп ишонч ҳосил қилганман...»- деган фикрларни бидирганлар [9, 45-б].

Темур бобомиз олиб борган сиёсати ва оиласи, фарзанд тарбиясига бўлган эътибори бугунги кунда ҳам ёшларимизни баркамол шахс қилиб тарбиялашимизда ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун асосий манбаалардан бири бўлиб келмоқда.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, соҳибқироннинг аёлларга ва соғлом авлод тарбиясига бўлган эътибори унинг авлодларида инсоний фазилатлар, ҳақгўйлик ва адолатпарварлик, фидоийлик ва варанпарварлик, меҳрибонлик ва садоқатлилик, эл ғамини ейиш ва бошқа одамийлик фазилатлари мужассам бўлган. Мана шу тарбия натижасида унинг сулоласи беш юз йил ҳукмронлик қилган бўлса ажаб эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Амир Темур бобомиз бой маънавий меросини қайта–қайта ўқиганимизда янги мазмунни уқиб оламиз. Соҳибқироннинг ҳар бир олиб борган ишлари бугунги кунда ёш авлодни тарбиялашдек улуғвор вазифани адо этишимизда ўз самарасини беради.

**Адабиётлар**


1. Халқ сўзи газетаси, 2013йил, 7 декабр 2-бет.
2. Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи.-Т.:1992.
3. Борибой Ахмедов Амир Темурни ёд етиб.-Т.: «Ўзбекистон» 1996.
4. Muhammad Али Амир Темур чамани. Т-.:»Ўзбекистон» 2006 .
5. Темур Тузуклари.-Т.: «Ўзбекистон» 2011.
6. O`zbekiston Milliy Ensiklopediyasi 8-tom, 162-bet
7. Амир Темур ўгитлари: (Тўплам). Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. - Т.: Наврўз, 1992.-64б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.: -2008 й.



**Хуррамов Эшмахмат Эшқулович,**
*ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Мадиёрова Муҳаббат Шарфиддин қизи,**
*Мактабгача таълим гурух талабаси*

**Темирова Дилсоз Зафаржон қизи,**
*Мактабгача таълим гурух талабаси*


## КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА МАКТАБГА ЧИҚИШ ҚЎРҚУВИ ВА ХАВОТИРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Боланинг мактабга қабул қилиниши энг муҳим шахсий янгиланиш - ўқувчининг ички позициясининг пайдо бўлиши билан бўлиқ.

Ички позиция - бу боланинг билим олишга йуналтирилганлигини, унинг мактабга бўлган ҳиссий ижобий муносабатини, яхши талаба қиёфасига мос келишга интилишини таъминлайдиган мотивацион марказ. Боланинг мактаб ўқувчиси сифатидаги ички позициясини акс эттирувчи энг муҳим эҳтиёжлари қондирилмаган ҳолларда, у доимий ҳиссий тангликни бошдан кечириши мумкин: масалан мактабдаги муваффақиятсизлик, доимий кутишлар, ўқитувчилар ва синфдошларнинг ўзига нисбатан ёмон муносабати, мактабга боришни дарсларга қатнашишни қўрқуви ва истамаслиги.

Қўрқув - бу инсоннинг онгида унинг ҳаёти ва фаровонлиги учун ўзига хос таҳдидни самарали акс эттириш; ташвиш - бу яқинлашиб келаётган таҳдидни ҳиссий жиҳатдан кучайтирган туйғуси.

Қўрқувдан фарқли ўлароқ, ташвиш ҳар доим ҳам салбий қабул қилинадиган туйғу эмас, чунки бу қувончли ҳаяжон, ҳаяжонли кутишлар шаклида бўлиши мумкин. Шахсиятнинг ақлий тузилиши, ҳаётий тажрибаси, ота-оналар ва тенгдошлари билан бўлган муносабатларига қараб, ҳиссий жиҳатдан бола хавотир ва қўрқувни бошдан кечириши мумкин. Ҳисобга олинмайдиган, ноаниқ ташвиш ҳолати ташвиш, баъзи нарсалар ёки фикрлардан қўрқиш, ҳисси туғдиради.

Қўрқув ва хавотир учун бирлаштирувчи принцип - бу ташвиш ҳисси. Бу болани совол жавоб қилганда йўқолиб қолиши, саволга жавоб берадиган тўғри сўзларни топа олмаслиги, титроқ овозида гапириши ёки умуман жим бўлиб қолишида намоён бўлади. Ичкарида ҳамма нарса совиб кетгандай туюлади, танаси «қўрғошин билан тўлдирилади», юрак соҳасидаги оғриқлар, палмалар намланади. Суҳбатдаги талаба жуда кўп кераксиз ҳаракатларни амалга оширади ёки аксинча, ҳаракатсиз, чекланган бўлади. Бундай аломатлар тананинг психофизиологик функцияларининг ҳаддан ташқари кучланишини кўрсатади. Қўрқув ёшга боғлиқ ва невротикдирдир. Ёшга боғлиқ қўрқувлар ҳиссий сезгир болаларда ақлий ва шахсий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Улар қуйидаги омиллар таъсири остида, қоида тариқасида, пайдо: ота-оналар қўрқувлар мавжудлиги; бола билан муносабатларда безовталик, хавф-хатарлардан ортиқча ҳимоя қилиш ва тенгдошлари билан мулоқот изоляция; ота-оналар томонидан кўп тақиқлар; оилада барча катталар учун кўп рўёбга таҳдидлар; шу жинс бир ота-она билан рол аниқлаш учун имкониятлар йўқлиги (асосан ўғил болалар); ота-оналар ўртасидаги можаро муносабатлар; қўрқинчли турдаги руҳий травма: тенгдошлар ва катталар билан мулоқот қилиш жараёнида қўрқувлар билан психологик инфекция. Невротик қўрқувлар катта ҳиссий интенсивлиги ва кескинлик билан ифодаланади; узоқ муддатли курс ёки қатъийлик; белги ва шахснинг шаклланишига салбий таъсир; бошқа невротик касалликлар ва тажрибалар билан муносабатлар; қўрқув объектини олдини олиш, шунингдек, янги ва номаълум нарсалар; қўрқувни бартараф этишда нисбий қийинчилик.

Неуротик қўрқув узоқ муддатли ва ҳал қилинмайдиган тажрибаларнинг натижаси бўлиши мумкин. Бу болаларнинг ота-оналари билан муносабатларда сезгир, ҳиссий қийинчиликларни бошдан кечираётганида содир бўлади, уларнинг оилавий қиёфаси оиладаги ҳиссий тажрибалар ёки низолар туфайли бузилади. Бундай болалар хавфсизлик, ҳокимият ва муҳаббат учун катталарга ишонишлари мумкин эмас. Талабанинг ижтимоий роли, унга масъулият, бурч, бурч ҳиссини юклаш, «битта бўлмаслик» қўрқуви пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бола ўз вақтида бўлмаслик, кечикиш, нотўтўғри иш қилиш, қораланиш ва жазоланишдан қўрқади. Бошланғич мактаб ёшида «битта бўлмаслик» қўрқуви максимал даражада ривожланиб боради, чунки болалар янги билимларни олишга, ўқув вазифаларига жиддий муносабатда бўлишларига ва олган баҳолари ҳақида қайғуришга ҳаракат қилишади.

Турли сабабларга кўра, академик юк билан кураша олмайдиган биринчи синф ўқувчилари охир-оқибат ундерачиеверс тоифасига киради, бу эса ўз навбатида неврозларга ва мактаб фобиясига олиб келади.

Бу қўрқувнинг қалбида хато қилиш, аҳмоқона иш қилиш ва масхара қилиш қўрқуви бор. Энг муҳими, бундай болалар доскага жавоб беришдан қўрқишади. Бу кенгашда уларнинг ҳимоясизлиги тўла намоён бўлади[98].

Баъзилар дарс тайёрлашда хато қилишдан даҳшатга тушадилар. Бу ота-оналар уларни синчиклаб текшириш ва шу билан бирга хатолар ҳақида жуда драматик бўлган ҳолларда содир бўлади. Ота-она болани жазоламаса ҳам, психологик жазо ҳали ҳам мавжуд. Бошланғич мактаб ёшида, бир белгиси бир фаолият муайян натижасида фақат бир баҳолаш эмас. У субъектив равишда бола томонидан унинг бутун шахсиятига баҳо сифатида қабул қилинади. «Яхши ўрганмаганинг учун ёмонсан», дейишади болага.

Баъзи ҳолларда мактаб қўрқуви тенгдошлари билан тўқнашиш, улар томонидан жисмоний таҷовуздан қўрқиш оқибатида келиб чиқади. Бу ҳиссий сезгир социокултурал ва педагогик жиҳатдан қаровсиз болалар учун хосдир. Кўпинча, бундай қўрқув болани ёши ўзгарганда ўзгаради ва ўз характерини ўзгартиради, баъзан у бутунлай йўқолади. Лекин, узоқ белги олиб, у бола, уларнинг ҳис-туйғулари билан енгиш, уларни назорат қилиш учун қодир кучсиз ҳис қилиш сабаб бўлади.

[98] Дусавицкий А. К., Портная Е. А. Об особенностях развития мотивов учения младших школьников. М., 1979, с. 69-100

Шундай қилиб, ёш талабаларнинг қўрқувларининг аксарияти ўқув фаолияти соҳасида ётади: “нотўғри бўлиш” қўрқуви, хато қилишдан қўрқиш, ёмон из олишдан қўрқиш, тенгдошлари билан зиддиятдан қўрқиш.

Мактаб қорқуқлари болани психологик қулайликдан, таълим қувватидан айиради, балки болалар неврозларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хавфсизлик – боланинг эмоционал камчилиги намоён бўлишининг нисбатан йўлсиз шаклидир. У ташвишлар, юқори ташвишлар, ўзига нисбатан жамон муносабатни кутиш, ўқитувчилар, ўқитувчилар томонидан салбий баҳоланишдан иборат. Болани доимий равишсизлиги, тўлиқ эмаслиги ҳисобланади, ўз ҳаракати, қарорлари тўғри эканига ишонмайди.

Психологлар болаларнинг хавфсизлигини бартараф этишнинг иккита усулини ажратмоқда.

– Фарзандлар учун оғир вазиятларда ҳаракат қилишнинг конструктив усулларини ишлаб чиқиш ва бундан ташқари ташвишлар, ташвишлар билан шуғулланиш имконини берадиган амалларни эгаллаш.

– Ўзига ишончни мустаҳкамлаш, ўзига нисбатан баҳолаш ва ўз фикрини ривожлантириш, инсоннинг «шахсий ўсиши» ҳамда кам кўриш.

Кичик ўқувчиларнинг мактаб хавфсизлигини бартараф этиш учун қуйидагилар зарур:[99]

– Мактаб ўқувчисининг ички позицияси билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларнинг кучини осонлаштириш, камайтириш. Бу нафақат қаноатсизлик-қаноатсизлик нуқтаи назаридан эмас, балки гипертрофланган эҳтиёжлар, эмоционал жадал реакцияларни туғдириб, фаолият, мулоқотнинг самарали кўникмаларини шакллантиришга тўсқинлик қилади.

– Фаолият кўрсатиш, мулоқот қилиш бўйича тезкор кўникмаларни ривожлантириш ва бойитиш, янги юқори даражадаги кўникмалар болаларга мотив амалга оширишнинг ноқонуний амалга оширилган усулларидан воз кечишга имкон беради.

Шахсий таълим сифатидаги хавфсизликнинг қарама-қаршилик хусусиятини ҳисобга олиб, рақобатбардош таълимларни муваффақиятли равишда “мустаҳкамлаш ” мақсадида мактаб вазиятларида бундан ташқарини олиб ташлаш бўйича ишларни амалга ошириш ва кичик ўқувчиларнинг хавфсизлигини олиб ташлаш учун кўплаб усуллар мавжуд ҳисобланади.

**ХУДОЁРОВА ОЙСОАТ**
*педагогика фанлари номзоди, доцент*

**МУРАДОВ ИКРОМ**
*А.Авлоний номидаги ХТМЎИБИТИ илмий ходими*

**МЕЙЛИЕВ ШЕРДОР**
*Яккабоғ туман ДСИ бошлиғи*

## БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада миллий, маънавий ва диний қадриятларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсири, ўзига хос йўналишлари, мазмуни ва моҳияти акс эттирилган бўлиб, улардан фойдаланишнинг асосий қоидалари ва йўллари кўрсатилган.*

**Калит сўзлар:** *миллий, маънавий, диний қадриятлар,ёшлар маънавияти, ахлоқий қиёфа, эзгулик, бунёдкорлик, эзгулик ва юксалиш*

**Аннотация:** *в статье отражены роль и влияние национальных, духовных и религиозных ценностей в воспитании молодежи, их конкретные направления, содержание и сущность, показаны основные правила и способы их использования.*

[99] Е.Л.Савиной «Тревожные дети», М-1996

**Ключевые слова:** *национальные, духовные, религиозные ценности, молодежная духовность, нравственный образ, доброта, творчество, добродетель и восхождение.*

**Annotation:** *This article reflects the role and impact of national, spiritual and religious values in the education of young people, their specific directions, content and essence, and shows the basic rules and ways of their use.*

**Keywords:** *national, spiritual, religious values, youth spirituality, moral image, kindness, creativity, kindness and ascension.*

Маълумки, комил инсонни тарбиялашда миллий, маънавий ва диний қадриятларнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Миллий қадриятлар – миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланадиган, кишиларнинг онги ва ҳаёт тарзига ўзига хос реаллик сифатида таъсир қиладиган, миллатдошларниншг ўзаро муносабатларида фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўладиган, миллатнинг моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида натижа сифатида юзага келадиган, миллатнинг ижтимоий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб борадиган, доимий янгиланиб турадиган, ворислик орқали авлоддан-авлодга ўтадиган, мерос қоладиган қадриятларни ифодалайдиган тушунчадир[100].

Маънавий қадриятлар - бу инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига, жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор бўлиб, одамларни тарбиялашга, уларнинг баркамоллигини таъминлашга, миллатлар ва жамиятларни эзгулик ва бунёдкорликка ундашга хизмат қиладиган қадриятлар тизими ҳисобланади[101].

Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. **“Дин” арабчадан ўзбек тилига кириб келган сўз бўлиб, “эътиқод, ишонч” деган маъноларни англатади.** Мутафаккир Алишер Навоий фарзандни ёшлигиданоқ тарбия қилинмаса, унга одоб маданияти ўргатилмаса, катта ёшга кирганда, қайта тарбиялаш қийин кечади. Вақт ўтиб унда характер шаклланиб бўлади дейди. У эркак ва аёлларнинг яхши маънавий сифатларини улуғлайди, ақлли, ахлоқли ота-онагина фарзандига яхши тарбия бериши мумкинлигини кўрсатади.

Абу Али Ибн Сино ҳам ақлий тарбияга фанлар асосларини эгаллаш орқали эришилишини таъкидлайди. У билим олиш методларнни эгаллашда мантиқий фикрлашга, шахсий кузатиш натижалари ва тажрибага асосланиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларни илгари суради. Унинг мактабда болаларга таълим-тарбия бериш борасидаги ғоялари бугунги кунда ўзининг юксак аҳамиятини йўқотмаган.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, миллат маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб қолган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да, Қуръони Карим ва Хадисларда, тасаввуф фалсафасида, Шарқ мутафаккирлари асарларида шунингдек, халқ оғзаки ва ёзма нжодиёти, халқ ёдгорлик обидалари, насихатнома, панднома ва васиятномаларда комил инсон ғояси ўзининг теран ифодасини топган. Авесто-“Ҳаёт йўриқномаси” деб аталган китоблар тўплами бўлиб, халқимизнинг милоддан олдинги даврдаги ҳаёти, дунёқараши, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва қадриятлари, ғоялари, диний қарашлари ҳақида маълумот берувчи тарихий манбадир.”Авесто” китобида шундай дейилади: “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман, Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман”[102]. Мазкур китоб соғлом авлод ғоясини амалга ошириш борасидаги фикрлари билан катта аҳамиятга эгадир.

Абу Наср Форобийнинг қайд этишича, инсон ўзида комиллик сифатларини таркиб топтириш учун. биринчи навбатда, илмий билимларни эгалламоғи лозим, шунингдек у шахс ақлий ривожланишининг асоси сифатида идрок қилиш ва фикрлаш қобилиятларининг аҳамиятини алоҳида қайд этади. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахтга эришиш ҳақида” каби асарларида баркамол шахсни тарбиялаш ишларининг мазмуни, мақсади, вазифалари, йўллари ҳамда воситалари тўғрисида

---

[100] Назаров Қ.Н. “Аксиология. Қадриятлар фалсафаси” –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2011.-Б. 12

[101] Назаров Қ.Н. “Аксиология. Қадриятлар фалсафаси” –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2011.-Б. 91.

[102] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: Шарқ, 2001.-Б.34.

сўз юритади. Абу Наср Форобий “ўқитиш” ва “тарбиялаш” тушунчаларига биринчи бўлиб таъриф берган олим саналади. У инсоннинг мукаммал зот эканлиги, унда ақлнинг пайдо бўлиши ва унинг қудратли куч эканлиги тўғрисидаги ғояларида: “Тил ва тушунча соҳиби бўлган тирик зот инсондан ортиқроқ мукаммал бўлган тирик зот йўқдир”дейилади[103].

Берунийнинг қайд этишича, “инсоннинг баркамоллиги унинг амалий кузатишлари натижаси асосида шаклланган ҳолда ақлий фаолияти негизида юзага келади. Демак, инсон шу асосда ташқи оламни, борлиқни ўрганади, билимларни эгаллайди, ҳақиқатга яқинлашади, ҳақиқат эса борлиқ тўғрисидаги тасаввурларнинг ҳаққонийлигини талаб қилади. Берунийнинг таълим ва тарбия тўғрисидаги қарашлари “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Минералогия”. “Геодезия” ва бошқа асарларида ўз аксини топган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ас-жомеъ ас-саҳиҳ” бўлиб, унда буюк аллома томонидан жами тўпланган 600 минг ҳадисдан, фақат 7275 та энг “саҳиҳ” ҳадислар баён этилган[104].

Ундан намуна келтирамиз:-“Ҳаё иймондандир”, “Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар”, “Нонни ҳурматланглар”, “Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир”, “Отага итоат қилиш – Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш – Аллоҳга осий бўлишдир”[105].

Шунга алоҳида эътиборни қаратиш керакки, ота-она фарзандларига яхши тарбия бериб, муносиб раҳбарлик қила олсагина оилада тартиб интизом, меҳнат ва ором, ўзаро ҳурмат, одоб ва ахлоқ, ахиллик, бирдамлик, тинчлик бўлади. Тарбияли ота-она фарзандларига доимо тўғри йўлни кўрсатадиган устоздир. Улар болаларга ёшлигиданоқ нима яхши, нима ёмонлигини ўргатиб, тўғри тарбия берадилар. Фарзандлар эса шу оиланинг ор-номуси учун курашиши, шаънига доғ туширмаслиги, ҳамма вақт оилага, Ватанига, дўстларига содиқ, садоқатли бўлиб қолиши зарур.

Соғлом бола кучли, гўзал ҳам маърифатли бўлади. Маърифатли бола кўп китоб ўқийди, тафаккури чархланади, ҳар қандай нарсани онгли англаб, мулоҳаза қиладиган бўлади. Тинимсиз фойдали илм ва гўзал хулқни эгаллаган бола саодатга эришади. Боланинг билими ва иқтидорини тўлиқ намоён бўлишида ота-онанинг хамда тарбиявий муҳитнинг таъсири кучлидир. Ота-она ҳамиша гўзал ахлоқли бўлиб, ваъдага вафо қилиши, сўз ва иш бирлигига амал қилган холда адолатли бўлиши, фарзандлари билан чиройли, мазмунли суҳбатлар уюштириши, боланинг ақлий ва руҳий ўсишига эътибор қаратиши зарур. Улар бола тарбиясида жуда зийрак бўлиб, фарзандининг ўзи эмас, иши хато эканлигини тушунтириши лозим.  Оилада фарзандларга сингдирган тарбия уларда Ватанга, ота-онага содиқлик, фидойилик, меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, соғлом дунёқараш, хулқ-атвор, одоб-ахлоқ каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиради. Хулоса шуки, таълим-тарбия жараёнида миллий, маънавий ва диний қадриятлар уйғунлигида бола қалбига ёшлигиданоқ эътиқод уруғни сочиш асосида қалби тоза, беғубор, илмли, дунёқараши кенг соғлом болани тарбиялаш вазифасини муваффақиятли амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Фарзандларимиз қанчалик жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлса улар бахту-саодатли, ҳеч кимдан кам бўлмайдилар. Ўз келажагини ўзи барпо этади ва ҳамманинг хавасини келтирадиган, энг муҳими ақлли, фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга бўлиб, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадиган мукаммал илм соҳиблари бўлиб вояга етадилар. Болаларни миллий, маънавий ва диний қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масалаларини муваффақиятли амалга ошириш барчанинг бурчидир. Айниқса, фарзандларнинг инсонлар билан хушмуомалали, ростгўй, илм-ҳунарли, ватанига содиқ бўлиши, ватанини асраб-авайлаши, унга жонини беришга тайёр инсонлар этиб тарбиялашга ота-она масъулдирлар.

Фарзандларнинг ёмон хулқ ва сўзлардан, қабиҳ иш ва ёмон одатлардан асраб уларнинг ахлоқини гўзал ва пок бўлиши учун ҳам ота-она жавобгардир. Оилада боланинг қандай инсон бўлиб шаклланиши биринчи навбатда ота-онага боғлиқ. Улар аввало, болага чиройли тарбия бериши керак. Демак,

---

[103] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.- Б. 144.

[104] Ал – Бухорий, Абу Абдулоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4 – китоб. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.- Б. 5.

[105] Ал – Бухорий, Абу Абдулоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4 – китоб. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.- Б. 17, 18, 20, 36

оилада ҳамма бир-бирига чиройли ва хушмуомала бўлиши катта аҳамиятга эга. Шундагина тарбия топаётган бола ҳам гўзал сўзлашув одобига амал қилиб улғаяди.Тарбияда энг муҳим восита бу меҳр ва ширинсўзлик билан тарбиялашдир. Бу икки восита бир бўлиб, болани шакллантиради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. - Т.: Шарк, 2001.
2. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. Ал - Бухорий, Абу Абдулоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. 4 – китоб. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
4. Назаров Қ.Н. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. –Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2011.



**Соатов Элмурод Махмарайимович,**
*ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Хусенбаев Аҳмаджон Ғаипназар ўғли,**
*Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт талабаси*

**Яндашашева Дурдона Кимсанали қизи,**
*Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт талабаси*


## ЁШ СПОРТЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРЛАШ

Ёш спортчиларни жисмоний тайёрлаш спорт машғулотларининг энг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланиб, организмни ҳар томонлама ривожлантириш, соғликни мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятларни такомиллаштириш ва тайёргарликнинг барча бошқа турлари учун мустаҳкам функционал база яратишга йуналтирилган жараён сифатида тушунилади.

Замонавий спорт спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигига юксак талаблар қўяди. Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

1) Спортдаги ютуқларнинг ўсиб бориши ҳар доим спортчидан жисмоний қобилиятлар ривожининг янги даражасини талаб қилади:

2) Жисмоний тайёргарликнинг юқори даражаси машғулот ва мусобақа юкламаларини оширишнинг зарурий шарти.

Қўлланиладиган воситаларнинг таъсир кўрсатиш хусусияти ва йўналишига кўра жисмоний тайёргарликни умумий жисмоний тайёргарлик, ёрдамчи ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик турларига бўлиб ўрганилади.

Ёш спортчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги юксак натижаларга эришиш учун пойдевор, зарур асос ҳисобланади. У қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1) ёш спортчилар организмнинг функционал имкониятларини ошириш;

2) жисмоний сифатлар - куч, тезкорлик, чидамкорлик, эпчиллик ва эгилувчанликни ривожлантириш;

3) ёш спортчилар организмнинг жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни йўқ қилиш.

Умумий жисмоний тайёргарлик таркибига нихоятда турли-туман воситалар киради; улар сирасида снарядлар билан бажариладиган, шерикликда, махсус қурилмаларда амалга ошириладиган машқлар, ҳар хил спорт турлари - акробатика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, сузиш ва бошқаларга хос умумривожлантирувчи машқлар бор.

Ёш спортчиларнинг ёрдамчи жисмоний тайёргарлиги махсус жисмоний қобилиятларни ривожлантиришга йуналтирилган самарали фаолият учун зарур булган функционал асосни юзага келтиришга мўлжалланади. У махсус йуналишга эга бўлиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

1) спортчининг танланган спорт турига хос ҳаракат фаолиятларида намоён бўладиган функционал имкониятларини ривожлантириш;

2) организмнинг юқори даражадаги махсус юкламаларга чидамлилиги қобилиятини такомиллаштириш;

3) тикланиш жараёнларининг кечиш шиддатини орттириш.

Ёш спортчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги танланган спорт тури буйича мусобақа фаолиятининг хусусиятлари қўядиган талабларга катъий риоя қилган холда жисмоний қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган. Ёш спортчиларни махсус жисмоний тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

1) танланган спорт тури учун хос бўлган жисмоний қобилиятларни такомиллаштириш;

2) танланган спорт тури буйича муваффақиятли техник-тактик такомиллашув учун зарур бўлган ҳаракат кўникмаларини чуқурлаштириб ривожлантириш;

3) ихтисослаштирилган машқларни бажаришда кўпроқ қатнашадиган алоҳида мушак гуруҳларини танлаб ривожлантириш.

Ёш спортчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик ҳаракат кўникмалари тизимидаги энг муҳим ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилади. Шунинг учун махсус жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари сифатида мусобақа машқлари уларнинг спортчи организмига таъсирини кучайтирувчи ҳар турли мураккаблаштирувчи унсурлар билан биргаликда қўлланилади.

Жисмоний тайёргарликнинг барча турлари муайян ўхшашликларга эга. Ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги спорт ихтисослиги билан чамбарчас боғлиқ. Машқ жараёнида жисмоний тайёргарликнинг бирор турига етарлича баҳо бермаслик оҳир-оқибат спорт маҳоратининг кучайишига тўсқинлик қилади. Ёш спортчиларнинг машғулотларида умумий жисмоний тайёргарлик ва махсус жисмоний тайёргарлик воситалари нисбати қўйиладиган вазифалар, спортчиларнинг ёши, малакаси, уларнинг алоҳида хусусиятлари, машғулот жараёнининг босқич ва даврлари, организмнинг айни пайтдаги холатидан келиб чиқиб ўзгартирилади. Спортчининг малакаси ошиб борар экан, махсус жисмоний тайёргарлик воситаларининг ҳиссаси ортиб, умумий жисмоний тайёргарлик воситаларининг ҳажми шунга мувофиқ тарзда камайиб боради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Вайцеховский С.М. Книга тренера. - М.: Физкультура и спорт. 1971.
2. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. - Киев, Олимпийская литература. 2002.
3. Зациорский В.М. Физические качества спортсмена. – Изд. 2-е. – М.: Физкультура и спорт. 1970.
4. Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: “Инсан”, 2000.
5. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. - Т.: УзДЖТИ. 2001.

**ХУДОЁРОВА ОЙСОАТ,**
*педагогика фанлари номзоди, доцент*

**ЎТАНОВА УМИДА,**
*МРДИ фалсафа фанлари номзоди, доцент*

**АЛИҚУЛОВ ХУСНИДДИН,**
*ДСҚ ҳузуридаги Фискал институти бош мутахассиси*

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ОИЛА ВА МАКТАБНИНГ МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** *болалар тарбиясида оила, мактаб ҳаётининг ўрни, таъсири ва масъулияти масалари акс эттирилган. Шунингдек,болаларнинг одоби, ўқув тарбиявий ишларига масъулият билан қарашнинг энг муҳим жиҳатлари, усуллари, йўллари ва воситалари аниқланган.*
**Калит сўзлар:** *илм, ақл, қобилият, ижодкорлик, масъулият, ҳаёт, мактаб, оила, ижод, соғлом турмуш тарзи, фарзанд тарбияси, мутаҳкам оила, Ватан туйғуси, эзгу ният, яратувчанлик.*

**Аннотация:** *отражены роль семьи, школьной жизни, влияния и ответственности в воспитании детей. Также определены важнейшие аспекты, методы, способы и средства детского этикета, ответственный подход к воспитательной работе.*
**Ключевые слова:** *наука, интеллект, способности, творчество, ответственность, жизнь, школа, семья, творчество, здоровый образ жизни, воспитание детей, крепкая семья, чувство родины, добрые намерения, творчество.*

**Annotation:** *the role of family, school life, influence and responsibility in the upbringing of children are reflected. It also identifies the most important aspects, methods, ways and means of children's etiquette, responsible approach to educational work.*
**Keywords:** *Science, intelligence, ability, creativity, responsibility, life, school, family, creativity, healthy lifestyle, child rearing, strong family, sense of homeland, good intentions, creativity.*

Гўзал ҳаёт кечираётган ва соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимиз ва унинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Оила муқаддас даргоҳ. Унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Инсонга хос чинакам фаровон, бахтли ҳаёт давом этади. Болалар тарбиясида оила, мактабнинг ўрни, таъсири ва масъулияти беқиёсдир. Маълумки, ҳаётда масъулият тарбияси энг залворли масаладир. Илм бериш ва уни эгаллаш ҳамда ҳаётга масъулият билан ёндашишдаота оналар, тарбиячилар, ўқитувчиларнинг фарзанд тарбиясига тўғри ёндашуви, ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда муносабатда бўлиши, ҳаётдаги ўз вазифаларини чуқур тушуниб етиши талаб этилади. Бунда фарзандлар масъулиятли, мустақил фикр ва эътиқодли, онгли дунёқараш, ирода ва маънавияли инсон бўлиб етишадилар. Оила ва мактабда болаларнинг одоби, ўқув тарбиявий ишларига масъулият билан қарашда қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

– болаларнинг хулқи, феъл-атворидаги ўзгаришлар, муомала муносабати, тенгдошлари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш;

– боланинг ўқув меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, топшириқларни бажариш ва ўзлаштиришида фаолиятли ёндашув тамойиллар асосида инновацион таълим технологиялардан кенг фойдаланиш орқали мустақил ижодий фаоллигини ошириш;

– оиланинг маънавий, иқтисодий таъминланиши, соғлом турмуш тарзини қарор топишида болаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларнинг акл, заковатини бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига йўналтириш орқали юксак натижаларга эришиш;

– болалар тарбиясида ота она ва ўқитувчилар ҳамкорлиги, илғор иш тажрибалари натижаси ва меҳнатининг самарасини таъминлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, амалиётга татбиқ этиш орқали улкан муваффақиятларга эга бўлиш зарур ҳисобланади. Худди шу йўналишдаги ишларни

муфаффақиятли амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирилган фикрлари эътиборга лойиқ.

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”.

Биринчидан, ёшавлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

Учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз[106]”.

Ҳақиқатан ҳам фарзандларни тўлақонли камол топтириб ўстириш учун уларга кўп таркибли таълим тарбия бериш муҳимдир. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Болаларни қатъий интизомга ўргатиш оила мустаҳкамлигига асос бўлади. Маълумки, ҳар қандай фарзанд учун ота - онанинг меҳрибонлиги, эътибори зарур. Бу борада қуйидаги савол- жавоб усулидан фойдаланиш мумкин:

Савол: Ҳар бир ота онанинг эзгу орзуси нима?

Жавоб: Комил фарзандни вояга етказиш.

Савол: Комил инсонни тарбиялашга қандай эришилади?

Жавоб: Асосан тўрт нарса - ҳалол ва меҳрибон ота - она, қаттиққўл ва талабчан устоз, самимий ва содиқ дўст, маърифат ва илм орқали эришилади. Савол: Энг бахтли ота - она ким?

Жавоб: Турмушда, комил инсон тарбиясида нафақат ўз фарзандига,балки ўзгаларга ҳам ибрат бўла олганлар.

Савол: Комил устоз ким? Жавоб: Ўзида зоҳирий ва ботиний гўзалликни мужассам этган зот.

Савол: Нимадан юмшоқ ва нимадан қаттиқроқ нарса йўқ бу дунёда?

Жавоб: Она меҳридан ва ота қаҳридан. Савол: Тарбиячи ким?

Жавоб: Аввало, болаларни севувчи, маърифатли ва фидоий инсон.

Савол: Аксарият ота она йўл қўядиган хато нима?

Жавоб: Фарзандидан унинг имкониятидан ортиқча бўлган нарсаниталаб қилиш ёки айтарли ҳеч нарсани талаб қилмаслик.

Савол: Инсон учун энг яхши нарса нима?

Жавоб: Гўзал ахлоқ, тарбия, гўзал хислат билан ном чиқариш.

Савол: Инсон учун энг ёмон нарса нима?

Жавоб: Ахлоқсизлик, тарбиясизлик, ялқовликдир.

Савол: Қандай одамни ақлли одам деб аташ мумкин?

Жавоб: Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхши ўйлаб, сўнгра шу ишга киришган одам.

Савол: Яшашдан мақсад нима?

Жавоб: Аввало, Аллоҳ розилига эришиш, Аллоҳ берган амалларни бажариш ва Аллоҳ рози бўладиган тарзда яшаш, қайтарганларидан қайтиш, Сўнгра, эл юрт билан ҳамоҳанг яшаш, унга садоқатли бўлиш, она Ватанига муносиб хизмат қилиш орқали ўзини мамнун, бахтли ҳис этиш.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий таълимоти мисолида қараганда: Инсоннинг яшашдан асл мақсади завқли, лаззатли, ҳузур ҳаловатли, бахтли саодатли умр кечиришдан иборатдир, деган ғоя унинг фалсафий таълимотида устуворлик қилади. Шу боис ул зот “Инсонниг моҳияти ҳақиқий бахт саодатга эришув экани, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт ва саодатга эришади” деб уқтирган эди[107].

---

[106] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

[107] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-бет.

Хулоса шуки, оила деб аталмиш қўрғонда авлодлар камол топади. Бу қўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш мамлакат ва дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимизнинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Ҳар жиҳатдан тарбияли ва ибратли ота оналар оила барқарорлигини таъминлайдилар. Бу йўналишда кўплаб вазифаларни ҳал этиш тақозо этилади. Айнан оила масъулиятини оширишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

– оилада ота-оналарнинг билим савиясини ошириш, уларнинг болаларга маънавий- психологик таъсир кўрсата олиш тажрибасини такомиллаштириш;

– оилада миллий қадриятлар асосида ўзбекона ахлоқ қоидаларига кўра, соғлом, ижтимоий-руҳий муҳитни яратиш, оилани муқаддас деб билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш, “Мустаҳкам оила маҳалла таянчи”, “Мустаҳкам оила жамият тараққиёти гарови” мавзусида семинар тренинглар ўтказиш, “Оила жамиятнинг муҳим бўғини”, “Маънавият оиладан бошланади”, “Оиланинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти”, “Ватан равнақи оиладан бошланади” каби мавзуларда видеоконференциялар, ижодий кеча, танлов ва тадбирларни самарали ташкил этиш;

– “Оилам менинг қутлуғ боғим”, “Менинг оилам” мавзуларида шеърлар кўриги ҳамда расмлар фотосуратлар танловини ўтказиш, “Бахтли оила”, “Оила болалар нигоҳида” мавзуларида кўчма фотокўргазмалар ташкил этиш;

– “Мустаҳкам оилани барпо этишда ота оналар бурчи”, “Ота оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчи”, “Биз ягона жамоамиз, биз ягона оиламиз” каби мавзулар бўйича театрлаштирилган кўринишларни ташкил этиш орқали болаларнинг бўш вақтларини фойдали ўтказиш;

– Оилада соғлом, баркамол авлод тарбиясининг самарали ва замонавий йўлларини топиш, “Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман” мавзусида кўплаб махсус ишланган фильмларни ёшлар хукмига ҳавола этиш, “Оила муқаддас” мавзусида суҳбатлар уюштириш;

“Сиз оилангизда фарзандларингиз тарбияси учун масъулсиз” мавзусида буклетлар, мақолалар ва брошюралар тайёрлаш ва улардан кенг фойдаланиш ва ҳоказо.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006.



**ХУДОЁРОВА ОЙСОАТ**
*педагогика фанлари номзоди, доцент*

**ҚУЛДОШЕВА ГУЛБАҲОР**
*Тошкент Тиббиёт Академияси, психология фанлари номзоди, доцент*

**МУРАДОВ ИКРОМ**
*А.Авлоний номидаги ХТМЎИБИТИ илмий ходими*


## ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ


**Аннотация:** *болалар тарбиясида оила ҳаётининг ўрни, таъсири ҳамда иймон тушунчаси, унинг маъноси, таркибий қисмлари ва ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган. Оилада болаларни иймонли бўлиб тарбияланишининг асосий қоидалари, усуллари, воситалари, йўллари ўрганилган. Шунингдек, болаларнинг ҳаёти, келажагини тўғри белгилаш юзасидан илмий методик тавсиялар берилган.*



**Калит сўзлар:** *Масъулият, илм, ақл, ижодкорлик, қобилият, тафаккур, ҳаёт, мактаб, оила, соғлом турмуш тарзи, Ватан туйғуси,ишонч, диёнат, виждон, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр, камтарлик, фарзанд тарбияси, мутаҳкам оила,бунёдкорлик, юксалиш.*

**Аннотация:** *отражены роль, влияние и понятие веры в воспитании детей, ее значение, компоненты и особенности. Изучены основные правила, методы, средства и способы воспитания детей верующими в семье. Также есть научные и методические рекомендации по правильному определению жизни и будущего детей.*

**Ключевые слова:** *Ответственность, знания, интеллект, творчество, способности, мышление, жизнь, школа, семья, здоровый образ жизни, чувство родины, доверие, религия, совесть, честность, порядочность, доброта, смирение, воспитание детей, крепкая семья, творчество, восхождение.*

**Annotation:** *the role, influence and concept of faith in the upbringing of children, its meaning, components and peculiarities are reflected. The basic rules, methods, means and ways of raising children to be believers in the family have been studied. There are also scientific and methodological recommendations for the correct determination of children's lives and futures.*

**Keywords:** *Responsibility, knowledge, intelligence, creativity, ability, thinking, life, school, family, healthy lifestyle, sense of homeland, trust, religion, conscience, honesty, integrity, kindness, humility, child rearing, strong family, creativity, rise.*

Ёш авлодни соғлом фикрли, иймон эътиқодли, Ватан ранақи учун комил инсон этиб тарбиялаш ота..онанинг олий мақсади ва бурчидир. Оилада болалар тарбияси тўғри йўлга қўйилган бўлса, фарзандлар ҳам меҳрибон, раҳм шавқатли, инсонлар ҳурматини ўз ўрнига қўядиган, ўз Ватанига садоқатли, элу-юрт учун жонини фидо қиладиган ватанпарвар бўлиб ўсади. Миллатимиз учун қалби тоза, уйғоқ, илмли инсонлар зарур. Юртбошимиз "Биз фарзандларимизни Имом Бухорий ҳадислари, Яссавий ҳикматлари, Термизий ўгитлари, Нақшбанд таълимоти асосида тарбиялашимиз керак" деганларидек, уларни жамиятга фойда келтирадиган, халқига хизмат қиладиган диёнатли комил инсон этиб тарбиялашимиз шарт ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз фарзандини баркамол, Ватанига содиқ, халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишини орзу ният қилади.

Бугун давлатимиз томонидан илм фан таълим ва тарбия маданиятни ривожлантириш учун қанча куч қанча маблағ керак бўлса қандай имконият зарур бўлса ҳаммаси яратилмоқда. Маълумки, донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади. Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий маънавий мероси биз учун доимо ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши ва миллий таълим тизимимиз ана шундай руҳда бўлиши лозим. Шу ўриндаайтиш жоизки, Президентимиз томонидан акс эттирилган фикрларда олам олам маъно бор.

"Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади"[108].

Мавзуни ёритишда аввало, иймон тушунчаси ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. "Иймон" нинг маъноси тасдиқ этиш, ишонишдир, дил билан тасдиқлаб, тил билан иқрор бўлишдир. Иймон одамнинг инсонийлиги, юксак эътиқоди ҳисобланади. Иймонли инсон ўзгаларнинг мол-мулкига ва ҳақига хиёнат қилмайди. Иймонли инсон ориятли, ор-номусли, шарм-хаёли, виждонли, андишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар соҳиби бўлган комил инсондир.

Болаларнинг тўғри сўз, ҳалол, пок, ҳаёли, инсофли, меҳр-оқибатли, камтар, диёнатли, иймонли ва ватанпар бўлиб тарбияланишида ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди хам шу руҳда камол топади. Бинобарин, бу ота-онанинг фарзанд тарбияси олдидаги масъулияти ва бурчини тўғри ва пухта англаши, билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, иймон тушунчаси ва унинг белгилари ҳақида болаларга

[108] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

кенг қамровли тушунчаларни бериш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний илмий меросида тарбиянинг инсон маданий, маънавий камолотидаги аҳамияти устувордир. “Иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик, бировни нг ҳақига хиёнат қилмаслик, адолатпарварлик, сахийлик, оққўнгиллик, хушфеъллик, мардлик, назокатлилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, халқни, миллатни, Ватанни жон танила севиш, илмни қадрлаш, табиатни эъзозлаш, диний, ахлоқий, миллий, маънавий қадри ятларга ҳурмат каби ажойиб инсоний хислат ва фазилатлар ёшлар қалбида ўз ўзидан шаклланмайди. Буларнинг ҳаммаси оила, ота она, жамоатчилик тарбиясининг ижтимоий муҳим таъсири, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг оқибати ва маҳсулидир[109]”.

Ота-боболаримиз, халкимиз қадимдан ор-номусли, ориятли булиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, оналари ва фарзандларининг топталишини ўзлари учун ор деб билганларки, бунда ор-номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари акс этади. Диёнатли ва виждонли бўлган бола ўзининг кундалик фаолияти, феъл-атвори учун авввало ўзи олдида, колаверса оила, жамият ва ватан олдида маънавий масъулиятни ҳис этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,меҳр–шафкатли, ҳалол ва пок болада моддий ва маънавий ёрдам курсатиш туйгуси кучли бўлади. Ҳалоллик бу меҳнат эвазига топилган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган камтар инсонлар ҳамиша хотиржам ва соғлом бўладилар. Камтарлик одамни безайди, обрусини оширади, дўстларини кўпайтиради. Камтарлик - инсон ички маънавий дунёсининг намоён булиши билан белгиланади. Оиладаги мавжуд маънавий муҳит, самимий муносабат, маданий эстетик муомала, мулоқот яхши тарбия таъсирида болалар меҳрибон, раҳмдил, бағрикенг бўлиб вояга етадилар.

Хулоса шуки, Боланинг дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади. Оилада ота-она фарзандларини тўғри сўзли, ростгўй этиб тарбиялаб, яхшиликка етакласа, бу яхшилик инсонни фақат эзгуликка чорлайди. Оиланинг тинч, тотув бўлиши ва фарзандларнинг яхши тарбия кўришида ота-онанинг ҳалоллиги, одоб-ахлоқи, атрофдагиларга ва меҳнатга муносабати билан барчага ибрат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.Тарбияли ота-она фарзандларига доимо тўғри йўлни кўрсатадиган устоздир.

Оилада яхши тарбия олган одобли, иймонли бола ўз саломатлигига бефарқ бўлмайди, ота-онага меҳр, оила аъзоларига самимий муносабат ва ҳурмат кўрсатади. Ота-боболарининг ҳикматли сўзлари, ахлоқ-одоб тўғрисидаги қимматли фикрларидан сабоқ олади. Катталарнинг панду-насиҳатларини диққат эътибор билан тинглаб, унга амал қилади. Доимо фойдали иш билан шуғулланиб, меҳнат билан чиниқади ва соғлом бўлиб вояга етади. Энг муҳими улар ўзбек халқининг миллий фазилатларини ўзлаштириб, яхши хулқ атворли инсон сифатида маънавий савияси юксак, пухта билимли, юксак тафаккур эгаси бўлиб етишадилар. Бунда болаларнинг ўз ҳаёти ва келажакдаги истиқболли йўлини тўғри белгиланишида қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

– болаларнинг китоб ўқишга қизиқишини ошириш орқали уларнинг соғлом ғояарга нисбатанишонч-эътиқоди,гўзалликни ҳис этиш ва яратиш туйғусини кучайтириш;

– болаларнинг ота-онага озор бермаслик, уларга жаҳл билан бақириб гапирмаслик, қўпол сўзлари билан дилларини оғритмаслик,ноқобил, безори, дилозор, бемеҳр, беодоб бола бўлмаслик, ножўя хатти-ҳаракатлар қилмаслик, тили ёки қўли билан бировга озор бермаслик,хеч қандай инсонга ёмонликни раво кўрмаслик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш;

– болаларни одоб қоидаларига риоя этган ҳолда доимо ота онанинг хизматида бўлиб, уларнинг дуосини олишга одатлантириш;

– болаларнинг меҳрибон, ширинсуҳан, дилкаш, ҳалол, ростгўй бўлиб ўсиши, илм ўрганиши ва турли касб хунарларни эгаллаши, гўзал ахлоқ ва ҳиссиётларга эга бўлишини таъминлаш ва уларнингтўғри ривожланиши ҳамда келажак йўлини мустақил белгилаб олишига эришиш лозим. Натижада ҳар қандай фарзанд иймонли, эътиқотли, кучли, чаққон, ҳар қандай машаққатларга бардошлик, жону тани соғ бўлиб ўсади.

---

[109]Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967, 41 бет.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1967.

**САИДКУЛОВ НУРИДДИН АКРАМОВИЧ,**
*Гулистон давлат университети ўқитувчиси*

## ОИЛА ТАРБИЯСИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада давлат ва жамиятнинг юксак тараққиётини таъминлашда ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш самарадорлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий жараёнлардан хабардорлигини оширишнинг таъсирчан механизмлари шакл ва усуллари, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишалари таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *тараққиёт, ёшлар, сиёсий маданият, йўналиш, ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар, ёш оила, ёш мутахассис, ёшлар тадбиркорлиги.*

**Аннотация:** *в статье анализируется эффективность формирования политической культуры молодежи в обеспечении высокого развития государства и общества, формы и методы действенных механизмов повышения их осведомленности о политических процессах, приоритеты развития молодежной политической культуры на высоком уровне. новый этап развития.*

**Ключевые слова:** *развитие, молодежь, политическая культура, направление, государственная молодежная политика, молодежь, молодая семья, молодой специалист, молодежное предпринимательство.*

**Annotation:** *the article analyzes the effectiveness of the formation of the political culture of young people in ensuring the high development of the state and society, the forms and methods of effective mechanisms for increasing their awareness of political processes, the priorities for the development of youth political culture at a high level.*

**Key words:** *development, youth, political culture, direction, state youth policy, youth, young family, young specialist, youth entrepreneurship*

Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар кўпайиб бормоқда. Натижада, бугунги кунда “оммавий маданият” тушунчаси пайдо бўлиб, у ўсиб келаётган авлод дунёқарашида турли хил ёт унсурларни шаклланишига таъсир этиб келмоқда. Хусусан, ижтимоий тармоқларни ёшлар орасида кенг тарқалиши, табиий равишда бу ҳолатни илмий жиҳатдан асосли тарзда ўрганиш, тадқиқ этиш заруратини туғдирмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш жамият маънавий ҳаётининг юксак даражада бўлишини, инсоннинг ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий, маърифий етуклигини тақозо этадиган тарихий заруриятдир. Халқнинг маънавий-руҳий етуклиги бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омиллар ҳозирги даврда қуйидагича намоён бўлмоқда:

1. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга имконият берувчи омиллар:

– давлат томонидан яратилган имкониятлар;

– оила, маҳалла, таълим муассасаси, ёшлар ташкилотининг фаолиятида ижтимоий шерикчилик механизмининг фаол ишлаши;

– ёшлар ташкилотлари томонидан ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар;

– ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

2. Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар:

– ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги;

– ота-оналар ва жамоатчилик томонидан ёшларга нисбатан эътибор ва маъсулиятнинг йўқлиги;

– ёшлар ўртасида турли хил турдаги зарарли иллатларнинг кенг тарқалиши (наркомания, ичкилик, фоҳишалик);

– ёшлар ўртасида эрта никоҳ қуриш ҳолати;

– деструктив ғоялар ва ғарб маданиятига интилиш.

Албатта ёшларни жамиятда сиёсий ва ижтимоий мавқеини ошириш ҳам давр талаби ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатда ёшлар сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, жамиятда ёшларга яратилаётган барча имконият ва шарт-шароитлардан ёшлар унумли фойдаланиши келажакда ёшларни баркамол инсонлар бўлиб етишишида катта аҳамият касб этади.

Ёшларни комилликка етакловчи куч ва воситалар жамиятдаги муаммоларни олдини олишга қаратилиши, ёшларни маънавий баркамолликка етакловчи сифатида намоён бўлади. Ўзбекистонда авлоддан-авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятлар ҳамда ўзига хос анъаналар сақланиб қолган.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти даражаси асосан сиёсий маданияти таъсирида шаклланади ва ривожланади. Ёшлар сиёсий маданиятни шакллантиришда ижтимоий адолат муҳим шарт-шароит вазифасини ўтайди. Бошқача айтганимизда, жамиятда ижтимоий адолат принципларига риоя қилинганидагина замон талабларига жавоб берувчи, сиёсий маданиятли шахсни шакллантириш имкони яратилади. Шу боисдан «адолат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи лозим».

Объектив адолат ижтимоий принципларига амал қилинганида эса шахснинг давлат сиёсатидан ва ижтимоий тузумдан қониқиши кучайиб боради. Бунинг интиҳосида унинг сиёсий фазилатлари шаклланиб ва ривожланиб боради. Ниҳоят, адолатнинг сиёсий принциплари шахс сиёсий малакасининг ошишига, сиёсий ҳуқуқларининг кенгайишига ва шу кабиларга сабаб бўлади.

Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик жамият барпо этилишининг бошланиши, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов асарларида инсонпарвар, демократик жамият қуриш назариясининг ишлаб чиқилиши ва тарғиб этилиши фуқароларнинг қурилаётган жамият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирди.

Ёшларнинг бугунги кунда келажакка ишончи ортиб бораётгани мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки юртимизда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилик қисмини 15 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ташкил этади. Шу боисдан мамлакатимиз ёшларида келажакка ишончнинг ортиб бориши сиёсий ижтимоийлашув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун ёшларнинг креатив қобилиятлари (ижодий тафаккури)ни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур йўналишдаги илмий изланишларнинг натижалари катта ижтимоий аҳамиятга эга экани тадқиқотчиларни ижодий тафаккурни, креатив қобилиятларни ривожлантириш учун мўлжалланган хилма-хил услубий ёндашувлар ва махсус методикаларни ишлаб чиқишга рағбатлантирмоқда. Шу сабабли, бугунги кунгача турли концептуал асослар негизида услубий ишнинг ҳар хил шаклларига таянган кўплаб муаллифлар шахс интеллектуал соҳасида креативлик сифатининг даражасини оширишга ёрдам берувчи восита сифатида турли методикаларни тавсия этадилар.

Ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг усуллари сифатида бугунги кунда кўпгина муаллифлар таклиф этаётган услубий ечимларда когнитив ёндашув устуворлиги сезилади. Кўпчилик муаллифлар ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарали усуллари сифатида креативлик асосини ташкил этувчи билиш жараёнлари (ижодий хаёл, танқидий тафаккур ва ҳ.к.)ни фаоллаштиришга мўлжалланган машқ ва топшириқлардан иборат методикаларни таклиф этадилар. Креативлик қобилиятини ривожлантириш воситаси сифатида қатор муаллифлар турли материаллар асосида ижодий хаёлни машқ қилдиришга мўлжалланган методикаларни таклиф этадилар. Жумладан, Е.П.Роговнинг амалий қўлланмаларида таклиф этилган, гуруҳий шаклда ўтказилиши кўзда тутилган машқларда, масалан,

тренинг иштирокчиларидан бири қандайдир фантастик вазиятли савол (масалан, “Агар одамлар бир-бирининг фикрини ўқий оладиган бўлиб қолганда, Ердаги ҳаётда қандай ўзгаришлар рўй берар эди?” деган савол)ни ўртага ташлаш, гуруҳнинг қолган аъзоларига ўзларининг имкон қадар ранг-баранг жавобларини шакллантириш вазифаси берилиши мумкин.

Юқоридаги қисқача таҳлилдан кўриниб турганидек, ёшларда тафаккур креативлигини ривожлантириш кўзда тутилган методик воситаларнинг аксарияти одамдан ижодий ёндашувни талаб қилувчи топшириқлардан иборатдир. Бу ерда турли билиш жараёнлари ёки коммуникатив кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи машқ ва машғулотлардаги ёндашувга аналогик ҳолатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Маълумки, бу тоифа амалий машғулотларнинг кўпчилигида вазифа ва топшириқлар тегишли жараённи фаоллаштирадиган мазмунда бўлади. Масалан, корректур синов методикасини коррекцион-ривожлантирувчи мақсадда қўллаш тавсия этилиши топшириқ шартига кўра одам бир текис фонда яққол ажралиб турмайдиган бирор шаклни аниқлаши учун атроф-муҳитнинг чалғитувчи таъсиридан чекланиб, муайян соҳада диққатини жамлашга мажбур қилинишига асосланади. Худди шунингдек, хотирани ривожлантириш мақсадига хизмат қилувчи методикалар турли мнемик жараёнларни фаоллаштирувчи, хавотирланиш психокоррекциясида қўлланувчи услубий воситалар ташқи хулқ-атворда дадиллик ҳиссини сунъий намоён этиш ёки эмоциоген омилга нисбатан когнитив установкани ўзгартиришга йўналтирилган психологик техникалардан иборат бўлади.

Албатта, тавсифланган услубий ёндашув тегишли психик жараён, ҳолат ва хусусиятнинг ички табиати, намоён бўлиш ва ривожланиш хусусияти ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Аммо, назаримизда, ижодий тафаккур, креативлик қобилиятини ривожлантириш ҳақида гап кетганда, юқорида тавсифлаб берилган ёндашув билан чегараланиш когнитив жараёнлар мисолида бўлганидек юқори самарадор амалий ишнинг етарлича кафолати бўла олмайди. Бунинг асосий сабаби, бизнинг фикримизча, бошқа билиш жараёнларига нисбатан ижодий тафаккурнинг шахс хусусиятлари билан ўта чуқур ва мураккаб муносабатда эканлигидадир.

Дарҳақиқат, юксак ижодий қобилиятларни намоён этувчи ижодкорни биографик манбалар асосида ҳам бевосита эмпирик текширув асосида ҳам ўрганиш натижалари қайта-қайта улар нафақат интеллектуал сифатлари билан, балки шахс хусусиятлари соҳасидаги бетакрор индивидуаллиги билан ажралиб туришини тасдиқламоқда. Бу ҳолат ижодий тафаккурни ривожлантириш йўналишидаги мазмунида ҳам акс этишини қатор муаллифларнинг дастурларига асос бўлган илмий қарашларда ҳам қайд этилади. Масалан, Б. Клегнинг ижодий тафаккурни ривожлантириш бўйича интенсив курси муаллифнинг креативлик даражасига етиш беш омил – маданий муҳитнинг ижобий таъсири, махсус методикалардан унумли фойдаланиш, шахс сифатида ривожланиш, ментал энергия ва юмор ҳиссининг юқори даражада ривожланган бўлиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурларга асосланади. Шу сабабли, назаримизда, тафаккур креативлигини ривожлантиришга қаратилган амалий иш самарадорлиги нафақат методик воситаларнинг маҳсулдорлиги, балки шакллантирувчи таъсир объекти бўлган одамда тегишли шахс хусусиятлари қанчалик таркиб топган бўлишига ҳам боғлиқдир.

Юқоридаги таҳлилий мулоҳазалар ва уларга асос бўлган илмий далиллар интеллектуал ҳиссиётларни ҳис этишга мойилликни кучайтириш орқали шахснинг ижодий фаолликка интилиш даражасини ошириш мумкинлиги ҳақидаги фаразга асос бўлмоқда. Бироқ, ушбу фаразни текшириш учун ўтказиладиган эмпирик изланишлар натижаларига қараб, таклиф этилаётган ёндашувнинг амалий самарадорлик даражаси ҳақида қуйидаги якуний хулосани чиқариш мумкин бўлади:

– ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга имконият берувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб ҳисобланади;

– ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мамлакатда ёшлар сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, жамиятда ёшларга яратилаётган барча имконият ва шарт-шароитлардан ёшлар унумли фойдаланиши келажакда ёшларни баркамол инсонлар бўлиб етишишида катта аҳамият касб этади;

– ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти даражаси асосан сиёсий маданияти таъсирида шаклланади ва ривожланади;

– мамлакатимиз ёшларида келажакка ишончнинг ортиб бориши сиёсий ижтимоийлашув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Бунда ёшларнинг креатив қобилиятлари (ижодий тафаккури) ни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади;

– ёшларда ижодий тафаккурни, креатив қобилиятларни ривожлантириш учун мўлжалланган хилма-хил услубий ёндашувлар ва махсус методикаларни ишлаб чиқиш мақсадга муовифиқдир;

– ёшларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг самарали усуллари сифатида креативлик асосини ташкил этувчи билиш жараёнлари (ижодий хаёл, танқидий тафаккур ва ҳ.к.)ни фаоллаштиришга мўлжалланган машқ ва топшириқлардан иборат методикаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.
2. Турдиева Р. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. -5-6-б.
3. Рустамова М. Ёшларда тафаккур маданиятини шакллантиришнинг фалсафий жиҳатлари. - Т.: Меҳнат, 2000. -38 б
4. Каримов И. А. Ўзбекистан ижтимоий — снёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 10 б.
5. Рогов Е.П. Настольная книга практического психологоа: Учеб. пособие: В 2 кн. 3-е изд. – М.: Гуманит. Изд. центр. ВЛАДОС, 2000. – Кн. 2: Работа психолога со взрослыми. Коррекционные приёмы и упражнения. С. 377.



**ХУДОЁРОВА ОЙСОАТ,**
*педагогика фанлари номзоди, доцент*

**МУРАДОВ ИКРОМ,**
*А.Авлоний номидаги ХТМЎИБИТИ илмий ходими*

**МУРАДОВА ФЕРУЗА,**
*Низомий номидаги ТДПУ талабаси*


## ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ


**Аннотация:** *замонавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва таъсири, технологик харитаси акс этган. Шунингдек, ўқув жараёнини самарали ташкил этишнинг асосий тамойиллари, йўллари, усуллари, шакллари, воситалари аниқланган. Энг муҳими ўқитувчининг инновацион фаолияти ва таълим технологиялари юзасидан илмий тавсиялар берилган.*



**Калит сўзлар:** *Ўқитувчи, ахлоқий баркамоллик, компетентлик, инновацион фаолият, рақобат, яратувчанлик, ватанпарварлик, ақлий салоҳият, ижодкорлик.*



**Аннотация:** *в статье отражены особенности современного обучения, интерактивные методы, место и влияние инновационных технологий, технологическая карта. Также определены основные принципы, пути, методы, формы, средства эффективной организации образовательного процесса. Наиболее важными являются научные рекомендации по инновационной деятельности учителя и технологии обучения.*



**Ключевые слова:** *педагог, нравственное совершенство, компетентность, инновационная деятельность, соревнование, творчество, патриотизм, интеллектуальный потенциал, творчество.*



**Annotation:** *the article reflects the characteristics of modern teaching, interactive techniques, the role and impact of innovative technologies, technological map. Also, the basic principles, ways, methods,*

*forms, means of effective organization of the educational process are identified. The most important thing is given scientific recommendations on the innovative activity of the teacher and educational technology.*

**Keywords:** *Teacher, ethical perfection, competence, innovative activity, competition, creativity, patriotism, intellectual potential, creativity.*

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришни муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчига, унинг ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданиятига боғлиқ. Бу ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифани амалга оширишда ўқитувчи қандай ўқитиш кераклигини назарий-амалий жиҳатдан билиши лозим. Маълумки, ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан дарсда кўринади. Ўқитувчилик - катта санъатдир. Бу санъатга ўқитувчилик касбига чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савияси, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб борувчи, мустакиллик ғояси ва мафкураси билан пухта куролланган ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар инсонларгина эриша оладилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг шахсий фазилатлари: ахлоқий баркамоллик, яъни саховатпешалик, меҳрибонлик, талабчанлик, маънавий поклик, қаноатлилик, ростгўйлик, садоқатлилик, покизалик, зийраклик, андишалилик, вазминлик, сабр-бардошлилиги билан бирга унинг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиб, ўзининг нутқ маданиятига кўра, теварак-атрофдаги инсонларга намуна бўла олиши муҳимдир.

Табиийки, моҳир ўқитувчи ўзининг шахсий фаолиятини ўзи таҳлил этиб боради. Педагогик компетентлигини ривожлантириш учун фаолият давомида педагогик вазифа ва мақсадларини ўзгартириб, янги вазифаларни қўллаш асосида ўқувчи шахсига моҳирлик, донолик, ижодий дадиллик, чуқур илмий тафаккур билан ёндашади. Педагогик маҳорат ва компетентлик ўқитувчидан қатъият, тиришқоқлик, тадқиқотларни олиб боришга интилиш, янги вазиятга мослашиш, самимийлик, тўғрилик, ҳалоллик, куч, ўткир ақл-идрок талаб этади.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади[110]”.

Бугунги кунда ўқитувчи маънавий жиҳатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган, ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва миллатимизнинг буюк сиймолари ҳаёти ва ижодий меросини теран билиши лозим. Айниқса, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида давлатимизнинг буюк келажаги бўлган ёш авлодга чуқур билим беришда ўқитувчи юксак қобилият ва ишчанлик билан онгли, ижодий ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнига методик билимларини самарали қўллай олиши керак. Бунинг учун ўқитувчидан қуйидаги бурч ва масъулиятлар талаб этилади:

– энг аввало, ўқитувчи юксак ҳис-туйғу ва тажриба, нотиқлик санъатига эга маданиятли ,маърифатли, ижодкор, таълим-тарбия фаолиятида ташаббускор ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахс бўлиши;

– ўқитувчи ўз меҳри, эстетик ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ёшлар ички дунёси билан боғлай олиши ва уларнинг меҳри, ҳурматига сазовор бўлиши;

– ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга холисона баҳо бера олиши;

– замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот-коммуникацион технологиялар янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиб, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириши ва ҳоказо.

[110] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

Ўқитувчилар унутмасликлари керакки, кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди. Ўқитувчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши ҳамда технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёнининг ташкил этиш технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Педагогнинг инновацион фаолияти – бу ўз ичига янгиликни таҳлил этиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш демакдир.Инновацион фаолиятни тўғри ташкил этиш, таълим жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш, ҳал этиш, унга доир қарор қабул қилиш ҳамда танлаб олинган қарорни амалга ошириш ва уни баҳолаш имконини яратади, муаммоларни эса самарали ҳал этади. Янги педагогик технологияларнинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади.

Инновацион таълим ўқитувчи фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул қуришга, ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқув жараёнини самарали ташкил этилиши ўқитувчининг инновацион фаолияти, ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданиятига бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда. “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак[111]”.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири-ўқитувчи шахсидир. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда янгиликларни идрок этишга инновацион шайликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш йўналишлари муҳимдир. Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутади. Инновация ўқув жараёнига янгилик олиб кириш, ўқув жараёнини ўқувчи эҳтиёжи, хоҳиши ва истакларига мослаштириш, ўқувчини мустақил мутолаага ўргатиш демакдир. Инновация – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимида шаклланган янгича ёндашувдир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилади ва таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади ва таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижа сифатида ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатларини жорий этишни ўзининг стратегик вазифаларидан бирига айлантирди. “Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас[112]”. Шу нуқтаи назардан шахсда инновацион тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш усулларини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Маълумки, инновациянинг мақсади – сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижа олишдан иборат. Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: новация амалдаги назария доирасида амалга

[111] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. 30 сентябрь 2020 йил.

[112] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.

оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” 30.09. 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017.



**А.Х.АБДУЛАЗИЗОВ,**

*Наманган давлат университети доценти*


## ОИЛА ТАРБИЯСИДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ


**Аннотация:** *ушбу мақолада юз бераётган жараёнлар мутолаанинг функционал ўзгаришларини ижтимоий ҳодиса ва унинг келгуси тараққиёти муқобилларини башорати сифатида илмий мушоҳада қилишга бағишланади. Муаллиф китобхонлик, унинг афзалликлари, оилада мутолаа маданиятини таркиб топтириш масалалари хақида фикр юритади.*



**Калит сўзлар:** *юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга ёшлар, оммавий маданият, оилада мутолаа маданияти,мутолаага интилиш, мутолаанинг функционал ўзгаришлари,мутолаа социологияси*



**Аннотация:** *данная статья посвящена процессам научного наблюдения за функциональными изменениями чтения как предсказанию социальных явлений и альтернатив его будущего развития. Автор размышляет о чтении и его преимуществах, формировании культуры чтения в семье.*



**Ключевые слова:** *молодежь с высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, массовая культура, культура чтения в семье, стремление к чтению, функциональные изменения чтения, социология чтения*



**Annotation:** *the processes taking place in this article are devoted to the scientific observation of functional changes in reading as a prediction of social phenomena and alternatives to its further development.*



**Key words**: *youth with high intellectual and spiritual potential, mass culture, culture of reading in the family, striving for reading, functional changes in reading, sociology of reading*


Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев миллатнинг ёшларида китобхонлик ва мутолаа маданиятига эътибор қаратиб, «...юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга ёшлар дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун ...» [1] давлатимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлаган эди.

Жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳолати ва аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар XX аср охирларида мутолаанинг асосий вазифалари ҳам ўзгаришига, хусусан, уларнинг - ахборот бериш, ўргатиш ва рекреатив функцияларга айланишига олиб келди. Юз бераётган жараёнлар мутолаанинг функционал ўзгаришларини ижтимоий ҳодиса ва унинг келгуси тараққиёти муқобилларини башорати сифатида илмий мушоҳада қилишни талаб қилмоқда.

Глобаллашаётган дунёдаги ҳаёт лавҳаларининг жадаллашувини мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштириб юборди. Бу ҳол ҳаётимизга интеграциялашган тараққиётни олиб кирса, иккинчи томондан ижтимоий–маънавий ҳаётимизда ёшлар орасида салбий ҳолатларни тарқалишига олиб келмоқда. Айниқса адабиёт ва санъатда мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятлар, ахлоқий меъёрларга зид бўлган, ёшлар тарбиясига акс таъсир кўрсатувчи “бадиий маҳсулотлар” кўпаймоқда. Бу ҳол ёшларнинг маънавий эхтиёжларининг трансформациялашуви шароитида ёшларнинг турмуш тарзи ва аҳлоқида китоб феномени, шахснинг бадиий эҳтиёжининг пасайишини кўрсатмоқда. Афсуски ёшларимиз орасида “оммавий маданият”га хос мусиқа, комекс, видео-роликлар томоша қилиш ёки ижтимоий тармоқда вақт ўтказишга майллик китоб мутолаасидан устунлик қилмоқда. Шу сабабли, китобхонлик ва мутолаа маданиятини мамлакатимиз ёшлари ҳаётида сиёсат даражасига кўтарилиши ўрганилаётган мавзуни долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Китобхонлик, унинг афзалликлари, оилада мутолаа маданиятини таркиб топтириш масалалари улуғ мутафаккирларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг асарларида ёритилган . Хусусан, XX аср бошларида яшаб ижод этган маърифатпарвар зиёли Абдулла Авлоний, «... ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, молояъни каби беҳуда сўзлар билан ўткармай, ҳар хил китоб, ғазита ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур»[2] дейди.Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, ўзбек халқида мутолаага интилиш доимо юқори бўлиб келган дейиш мумкин. Чунки, аҳолининг саводхонлик даражаси анча паст бўлган даврларда ҳам, одамларнинг бир жойга тўпланиб, турли китобларни биргаликда ўқиш, ёддан шеърхонлик, ғазалхонлик ёки маснавийхонлик, достонхонлик кечалари, баҳру-байт айтишувлари уюштириб турганликларини ўзига хос мутолаа жараёни дейиш мумкин.

Кўп асрлар давомида китоб болаларнинг ривожланиши ва таълимининг асосий манбаи бўлиб келган ва уйда овоз чиқариб ўқиш бўш вақт ўтказишнинг энг оммабоп машғулотларидан бири бўлган. Кино ва телевидениенинг пайдо бўлиши билан оилавий китобхонликнинг ривожланаётган роли орқага сурилиб, болалар филмлари, мултфилмлари ва ўқув-кўнгилочар теледастурларига жой берди. Бугунги кунда оммавий ўйинлар, ўйинчоқлар ва электрон воситалар ишлаб чиқарадиган бутун бир саноат мажмуаси яратилди. Улар хотира ва ақлни ўргатишади, эпчиллик ва нозик восита маҳоратини ривожлантиради ва болада кўплаб фойдали кўникмаларни сингдиради. Кўриниб турибдики, ушбу ёрқин ва хилма-хил фонда анъанавий қоғоз китоб ўз аҳамиятини қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотди. Бироқ, болалар психологлари, ўнлаб йиллар ўтгач, яна оилавий ўқишнинг бола учун фойдалари ҳақида фаол равишда гапира бошладилар.Маълум бўлишича, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишига эътибор қаратиш орқали замонавий ота-оналар жуда муҳим бир нарсани - ахлоқий тарбияни етишмаётганини таъкидламоқдалар. Зеро, айнан оилада инсоннинг шахсияти, унинг дунёқараши, ўзини тутиши ва турмуш тарзи шаклланади. Ва бу борада ҳеч қандай «хаёлий» электрон ўйинчоқ боланинг энг нозик ҳиссий торларига етиб боришда, уни раҳмдил қиладиган, ҳамдард бўладиган ва тўғри хулосалар чиқарадиган оддий китобни ўрнини боса олмайди.

Ҳеч кимга сир эмаски, цензуранинг бекор қилиниши билан дунё классиклари ва бизнинг замондошларимизнинг дурдона асарлари қаторида бефойда, ҳатто зарарли адабиётлар матбуотда пайдо бўла бошлади. Агар биз оилавий ўқиш ҳақида гапирадиган бўлсак, унда китоблар эхтиёткорлик билан танланиши кераклигини таъкидламоқчимиз. Бу классик адабиёт бўлиши шарт эмас - замонавий ёзувчи ва шоирларнинг ёрқин, қизиқарли ва истеъдодли асарлари жуда кўп. Асосий шарт шундаки, улар ижобий ва мулоҳазали бўлиши керак. Ва, албатта, биз боланинг ёшига қараб, унинг тушунчаси учун мавжуд бўлган китобларни танлашимиз лозим. Бугунги тезкор дунёдаги ҳаёт лавҳаларининг жадаллашувини мамлакатимиз ҳаётида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлаштириб юборди. Бу ҳол ҳаётимизга интеграциялашган тараққиётни олиб кираётган бўлса, иккинчи томондан ижтимоий–маънавий ҳаётимизда ёшлар орасида ёт ғояларга берилиш ҳолатини тарқалишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг қарори халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларда таълим муассасаларига ўз вақтида ва мақбул нархларда етказилиши, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан таржималар қилиш фарзандларимизда болаликдан китобга, жумладан, электрон китоб

ўқишга кўникмаларни шакллантириш, жамиятимизда мутолаа ва медиа маданиятини юксалтириш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда[3].Бу вазифа мутолаа социологияси доирасида ҳал этилиши мумкин.Мутолаа социологияси маданият социологиясининг йирик бўлими ҳисобланади. Собиқ иттифоқ даврида, XX асрнинг 70-йилларида у мустақил йўналиш сифатида ажралиб чиқди. Ҳозирча илмий жамоатчиликда унинг мақоми тўғрисида ягона фикр шаклланмаган. Тадқиқотчилар мутолаа социологиясини мустақил фан (И.А.Бутенко, В.Д.Стельмах), социологиянинг мустақил назарияси (А.Л.Маршак) ҳамда кутубхонашуносликнинг бўлинмаси (В.В.Скворцов) деб қарамоқдалар. Бу қарама-қаршиликларга бир неча омиллар сабаб бўлмоқда:

1. Кўплаб тадқиқотлар мутолаа ҳодисасини маънавий маданиятнинг мураккаб тизимидаги алоҳида унсур сифатида баҳолаб, унинг шу тизимдаги ўрнини аниқлашга бағишланмоқда.

2. Мутолаа социологиясига собиқ иттифоқ давридан қолган анъаналарга мос равишда, асосан кутубхонашуносликнинг амалий тадқиқотлар базасини шакллантирувчи тармоқ сифатида қаралмоқца (кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фондларини тўлдириш йўналишларини аниқлаш, китобхонлар билан ишлаш шакл ва усулларини такомиллаштириш ва китоб тарғиботи, аҳолининг китобхонлик даражасини ошириш ва шу каби ҳолатларни амалий тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш). Ваҳоланки, ривожланган давлатлардаги мутолаа социологиясида бошқа ижтимоий-маданий жараёнларни изоҳловчи назарий қоидалар мутолаа маданиятини таҳлил қилишга ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

3. Бугунги кунда мутолаа социологиясининг ривожланиши билан бирга амалий тадқиқотлар кўламининг кенгайиши, махсус социологик тадқиқот секторларининг кўпайиши натижасида кутубхонашунослик социологияси ҳам кенг тараққий этиб бораётир [4].

Гарчи бу соҳаларнинг тадқиқот объекти умумий бўлса-да (яъни кутубхонадаги мутолаа жараёнлари ва китобхон), мутолаа социологияси барча ижтимоий ва демографик гуруҳларга хос китобхонларни, кутубхонага келиш-келмаслигидан қатъи назар ўрганса, кутубхонашунослик социологияси кутубхоналарнинг китобхонлик соҳасига алоқаси бўлмаган муаммоларни: кутубхонанинг ижтимоий институт сифатидаги ўрни, унинг вазифалари ва аниқ ижтимоий-маданий жараёнлардаги иштироки, тузилмаси, ходимлари, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ва ҳоказоларни ҳам ўрганади. Ўзбек халқининг ментал хусусиятларини эътиборга оладиган бўлсак, ижтимоий муносабатларнинг барча даражасида оила институтининг ўрни юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, шахсда, жумладан ўсмир-ёшларда ҳам мутолаа маданиятини шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёсдир.Маълумки, ўсмирлик даврининг муҳим жиҳатларидан бири - бу ёшда шахс оиласидан ва яқинларидан мустақил бўлиб шакллана боради ва жамиятнинг кенгроқ қатламлари, жараёнлари таъсирига туша бошлайди. Болалар мутолаасидан фарқли равишда, ўсмирлар мутолаасида ижтимоий муҳит, хусусан аҳолининг умумий мутолаа маданияти, ОАВ ва умуман давлат ва жамиятнинг мутолаа ҳодисасига муносабат йўналиши ва даражалари каби ҳолатлар ҳам таъсир қилади.

Шу боисдан, ўсмир-ёшлар мутолааси ҳақида гап кетганда ушбу жараёнга давлат ва жамиятнинг эътибори, ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги, махсус мутолаа хизматининг ташкил этилганлиги ва бу субъект манфаатлари ва қизиқишларини қондира олаётганлиги билан боғлиқ ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.Шунингдек, ўсмир ёшида шахсга яқин атрофдагилар, хусусан тенгдошлари ва ўқитувчиларининг таъсири сезиларли бўла бошлайди. Ўсмирлик даврида тенгдошларнинг бир-бирларига таъсири даражаси юқори эканлигини эътиборга олган ҳолда, бу даврда мутолаа маданиятини таркиб топтиришда индивидуал таъсир кўрсатиш технологиялари билан бирга, оммавий ва гуруҳий таъсир кўрсатиш усулларидан ҳам кенг фойдаланиш, яъни фақат бир шахснинг эмас, балки бутун гуруҳнинг мутолаа маданиятини ўстириш лозим бўлади деб ўйлаймиз. Ўсмирлар маънавияти тадрижий ривожланиб борувчи фаол жараён эканлигини эътиборга олган ҳолда, ўсмирлар тарбиясига масъул ижтимоий институтлар - оила, таълим муассасаси, маҳалла ва бошқалар уларнинг китобхонлик маданиятини мақсадли ва режали равишда шакллантириб боришлари лозим деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 146

2. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. - 31-бет.
3. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, ПҚ - №3271
4. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. - Т.: Фан, 2004.-194 6.



**МУҲИТДИНОВА ДИЛДОРА АЛИШЕР ҚИЗИ,**
*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ходими*


## ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНШ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ


**Аннотация:** мақолада оила ҳақида, оиланинг муқаддас даргоҳ эканлиги, у ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил қилиши ҳақида сўз юритилади. Оила тарбияси ҳақида гап кетганда, аввало оиланинг ўзи нима экани, унинг ички қурилиши, инсоният тараққиётида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида гапирилади. Оиладаги тарбия нималар асосида қурилиши, бу асоснинг тарихий йўли, ўтмиш аждодларимизнинг оилавий муносабатлар борасидаги изланишлари ёритиб берилади. Ҳар бир оиланинг ўз мактаби, анъаналари, урф-одатлари ҳақида гап боради. Оила аъзолари, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гап боради.



**Калит сўзлар:** оила-жамиятнинг асоси, эр-хотин муносабатлари, ота-она ва фарзандлар муносабати, оиладаги тарбия, миллий ва умуминсоний қадриятлар, оила мактаби,оилани қўллаб-қувватлаш, оила барқарорлиги, оилада шахснинг шаклланиши.



**Аннотация:** в статье говорится о семье, о том, что семья - это самое святое, составляющая основу любого общества. Когда мы говорим о семейном воспитании, в первую очередь мы говорим о том, что такое семья, ее внутреннем устройстве, о ее роли и значении в развитии человека. В исследованиях раскрыты на чем строится основа семейного воспитания, исторический путь возникновения этого основания, исследования наших предков в области семейных отношений. Говорится что в каждой семье есть своя школа, традиции, обычаи. Отмечается роль и важность национальных и общечеловеческих ценностей во взаимоотношениях между членами семьи, родителями и детьми.



Ключевые слова: семья основа общества, супружеские отношения, отношения между родителями и детьми, семейное воспитание, национальные и общечеловеческие ценности, семейная школа, поддержка семьи, стабильность семьи, формирование личности в семье.



**Annotation:** the article talks about the FAMILY, the fact that the family is a sacred place and it is the basis of any society. When we talk about family upbringing, first of all we talk about what a family is, its internal structure, its role and importance in human development. What is the basis of family upbringing, the historical path of this foundation, the research of our ancestors on family relations. Each family has its own school, traditions, customs. It discusses the role and importance of national and universal values in the relationship between family members, parents and children.



**Key words:** family-society foundation, couple relations, parent-child relationship, family upbringing, national and universal values, family school, family support, family stability, formation of personality in the family.


*Оила - ҳар қандай жамият ва ҳар қандай цивилизациянинг асосидир*
**Рабиндранат Тагор**

Оила - муқаддас даргоҳ. Оила - никоҳ муносабатлари билан чамбарчас боғланувчи, шу тариқа эр-хотин муносабатларини тартибга солувчи, жамият ичида кичик жамият сифатида шаклланиб, жамиятнинг асосини ташкил этувчи пойдевордир. Оила жамиятнинг таянчи, унинг бирламчи

ядросидир. Оила тарихи Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлангани ҳақида ривоят қилинади. Зеро, оила - икки инсоннинг чин муҳаббати, меҳру оқибати асосига қурилади, ривожланади, фарзандлар туғилади, шу тариқа ижтимоий тараққиёт вужудга келади. Дунёдаги ҳар бир инсоннинг ўз табиати, хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир инсон ўзи бир дунё. Оила ана шундай икки оламнинг бирлашуви асносида қурилар экан, унинг ўзига хос қирралари намоён бўлади. Икки инсон бир бутун бўлиб битта оила муҳитини ташкил қилади. Ҳар бир оиланинг ўз анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари шаклланади. Шу оилада туғилган фарзандлар ана шу оила қонун-қоидалари асосида тарбияланади. Оила мактаби ўз фарзандини жамиятга тайёрлаб беради. Фарзандлар айнан мана шу оилада жамиятнинг бутун бўйи-бастини ҳис қилади, уни англайди ва қабул қилади. Бинобарин, оила тарбияси, оила муҳити, оила қонун-қоидалари, урф-одат ва анъаналари фарзандларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан жамиятимиз оилага-унинг асоси бўлган эр-хотин олдига қатор вазифаларни қўяди. Бу жиҳатдан жамиятимиздаги оила мактабларининг, оила институтларининг йигит-қизларни оилага тайёрлаш, оила тутиш, уни баркамол оила даражасига кўтариш борасида энг яхши дастурлар асосида изчил изланишлар олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Оила ҳақида гап кетганда, аввало, оиланинг ўзи нима экани, унинг ички қурилиши, инсоният тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Оила-бу инсон учун энг азиз бўлган одамлар – ҳар қандай шароитда суянчиқ бўладиган, қўллаб-қувватлайдиган, меҳр берадиган, асраб-авайлайдиган, ҳаёт йўлларида ёнма-ён одимлайдиган яқинлардир. Доим хаёлнинг бир четида турадиган, хурсандчиликни бўлиша оладиган, қийинчиликларда ёрдам берадиган яқинлардир. Оила деганда ҳар бир инсоннинг кўз олдига биринчи галда ота-она, эр- хотин, фарзандлар келади. Бир сўз билан айтганда, оила таянч бўладиган, умид берадиган, ҳаётнинг мазмунини ифода этадиган гўшадир. Ана шу оила кичик бир давлатдир. Жамиятнинг бир бўлагидир. Тарихга назар соладиган бўлсак, азал-азалдан янги оила қурилаётганда, аввало ота-онадан розилик олинганининг гувоҳи бўламиз. Ота-она розилигини олган ёшлар бир-бирлари олдида бурч ва масъулиятларини сидқидилдан бажаришга ваъда берганлар. Чунки инсон ҳаёти оила деб аталган пойдевор устига қурилади. Ҳар бир инсоннинг шаклланиши мана шу оиладан бошланади. Халқимизда оилани асраш азалдан муқаддас вазифа саналган. Бу туйғу асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Оилада ўсаётган ўғил-қиз ўз яқинларини тез таниб олади, уларга тақлид қилади, ўрганади, ўрнак олади. Оиланинг муқаддас экани ёшлигидан уларнинг онгага сингиб боради. Шу боис ҳам урф-одатлар, анъаналар, маданиятимиздан озуқа олган фарзандларимиз тафаккурига ёшлигидан ота-онани ҳурмат қилиш, оқибатли бўлиш, меҳр-муҳаббат улашиш, ўз оиласи учун қайғуриш ҳисси сингиб боради. Муқаддас заминимизда қадимдан миллий урф-одатлар ва анъаналарни ёш авлоднинг онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънан етук инсон қилиб тарбиялашда оила муҳим ўрин тутган. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўли, ўгитлари, тажрибалари ёшларимизни тўғри йўл танлашларида йўлбошчи бўлган.

Ҳар бир оилада тарбия нималар асосида қурилиши жуда муҳим. Оиланинг тинчлиги, фаровонлиги, гуллаб-яшнаши аввало эр-хотин муносабатларига бориб тақалади. Эр-хотин муносабатлари фарзандларнинг қай даражада комил инсон, шахс бўлиб етишишларини белгилаб беради. Оила тинчлиги фарзандлар тинчлигининг гаровидир. Эр-хотин ўртасидаги муроса ва тотувлик улар ўртасида муҳаббат, иноқлик ва меҳрибонлик туйғуларини ҳам пайдо қилади. Ҳар бир инсон миллати, тили, динидан қатъий назар бахтли ва саодатли яшашга интилади ва бунга ҳақли бўлади. Бу юксак орзуга етишишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Шу омиллар ичида энг асосийси - ҳаётимизга мазмун берадиган ва уни янада ёруғ қиладигани оила бахтидир. Оила мустахкам бўлса, жамият , мамлакат ҳам мустаҳкам, барқарор бўлади. Бу эса кўп жиҳатдан эр-хотин муносабатлари асосига қуриладиган барқарорликдир. Оилада эр-хотин ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти бирдир. Эр-хотин оила тинчлиги, фаровонлиги, хотиржамлиги, фарзандлар тарбияси ва саломатлиги олдида баробар жавобгардирлар. Зеро, “эр-хотин бир тутун” дир. Оиладаги эр-хотин муносабати миллий ва умуминсоний қадриятларга суянганда оиладаги тарбия тўғри йўналишда эга бўлади. Оиладаги тарбиянинг миллий қадриятларга суяниши унинг тинчлиги ва фаровонлигига янада гаров бўлади. Оила жамиятнинг бир бўлаги экан, унинг асоси юксак даражада миллий ва умуминсоний қадриятлар билан суғорилган бўлиши лозим.

Оила, оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбааларга назар соладиган бўлсак, бу борада салафларимиз томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган, сайқалланган бой меросининг улкан

тарбия мактаби эканлигига гувоҳи бўламиз. Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунигача мавжуд бўлган таълимотлар(яҳудийлик, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик); IX-XII асрларда, яъни ислом Уйғониш давридаги таълимотлар (Қуръони карим, ҳадислар, пандномалар, мутафаккирларнинг таълимотлари: Фаробий, Беруний, Ибн Сино); XIV-XV асрлар, яъни Амир Темур ва темурийлар даврида мавжуд бўлган таълимотлар; XVI-XIX асрларда, хонликлар давридаги таълимотлар; Марказий Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдаги таълимотлар (XIX аср 60 йилларининг охири ва 1917 йилнинг октябрь инқилоби давригача мавжуд бўлган таълимотлар); Иттифоқ давридаги таълимотлар (1917 йил октябрь инқилобидан 1991йил август ойи давригача мавжуд бўлган таълимот) ; Мустақиллик даври, яъни 1991 йилнинг сентябрь ойидан ҳозирги даврагача бўлган таълимотлар.

Миллатимиз ва халқимизнинг 3000 йил аввалги кўҳна маданиятидан сабоқ берувчи, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал улуғланган "Авесто" ёзма ёдгорлигида оила мустаҳкамлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотин мажбуриятлари, никоҳ тузиш ва бекор қилиш қонун-қоидалари батафсил кўрсатиб ўтилади. Асарнинг махсус бобларида Ахура Мазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга даъвати, мурожаатлари келтирилади. Туркий халқларга хос урф-одатларга кўра, никоҳ қатъий қонун-қоидалар асосида ташкил этилган. Оилада қариндош-уруғлар, оқсоқоллар, кекса чол-кампирлар маслаҳати ва йўл-йўриқларига риоя этилган. "Авесто" да зардўштийликнинг олтин қоидаларидан бири – оила муқаддас саналгани боис, айрим сабабларга кўра, яъни иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилиги, ота-она билан муроса қила олмаслик каби баҳоналар билан никоҳ бекор қилинишига йўл қўйилмаган.

Туркий халқларнинг яна бир ёдгорлиги "Ирқ битиги" да рамзий лавҳаларда оила ҳаётининг турли манзаралари, бахт ва бахтсизлик тушунчалари таҳлил этилган.Гарчи , баъзи манзаралар оддий , содда туюлсада, лекин уларда қадимги давр одамларининг оила муҳитидаги маънавий-аҳлоқий принциплари акс этади. Битигда инсоннинг қадр-қиймати, бурчи, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, яратувчилик салоҳияти энг аввало оиладаги ўрни билан белгиланиши таъкидланади. Оилавий ҳаёт, оила тарбиясининг тарихий асослари ҳақида сўз юритилганида, диний қадриятлар ва халқ педогогикасига оид манбалар муҳим аҳамиятга молик эканини эслаш жоиз. Ислом дини оилавий муносабатларнинг ҳаёт ҳақиқатларига, адолат туйғусига ва инсонпарварликка асосланган маънавий мезонларни яратди. Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ҳақ-ҳуқуқини белгилади, оналик бурчига, болалари учун мураббийлик фаолиятига юксак эътибор берди. Қуръонда баён қилинишича, муслималар маънавий жиҳатдан эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, жисмоний жиҳатдан заиф бўлганликлари учун асло камситилмасликлари лозим. Чунки аллоҳ эркакни эрларга хос, аёлни эса аёлларга хос хусусиятлар билан яратди. Бу ҳақда Қуръоннинг бир қатор сураларида оятлар келтирилади: "Эр ўзлари ва оиласига тааллуқли барча нарсалар тўғрисида доими хотини билан бамаслаҳат иш қилиши лозим, чунки улар сўзсиз равишда тенг шерикдирлар" (3-сура, 159-оят).

Оиланинг жамиятда тутган ўрни, оила тарбияси, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек оиланинг поклиги ва мустаҳкам бўлишига оид қимматли фикрлар ҳадисларда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳадисларда ислом динига хос инсонпарварлик ва адолат мезонлари намоён бўлади, никоҳнинг илоҳийлиги, оиланинг муқаддаслиги таъкидланади, эр ва хотин ўртасидаги бурч, поклик, иффат, ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш туйғулари улуғланади. Ҳадислар халқ донишмандлиги намуналари бўлиб келган оғзаки ижод намуналари ҳамда халқ педогогикасига кучли ижобий таъсир этиб келган, бойитган.

Халқнинг оилавий-маиший ҳаёт тарзи, ахлоқ-одобга чорлавчи ҳаётий йўл-йўриқлари, ибратли, мазмунга тўлиқ оғзаки ижод намуналари авлоддан-авлодга , оғиздан-оғизга ўтиб, такомиллашган чинакам ҳаёт мактабидир. Халқ данишмандлигини намоён этувчи оғзаки ижод намуналари бўлмиш машҳур ҳинд масаллар қомуси "Калилла ва Димна", Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" , Носир Хисравнинг "Саодатнома", "Рўшноинома", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк", Кайковуснинг "Қобуснома", Саадийнинг "Гулистон", "Бўстон" каби асарларида оила тарбияси ижтимоий турмушнинг энг муҳим масалалари сифатида талқин этилади.Оила тарбияси жамиятдаги тарбия жараёнининг энг муҳим, энг нозик нуқталаридан экани Амир Темур даврига оид тарихий манбалар мазмун-моҳиятида янада яққол кўзга ташланди. Соҳибқирон жамиятни олға етакловч, ривожлантирувчи ички омил – оила эканини жуда теран ҳис этган. Амир Темур насл-насаб тозалиги, авлодлар давомийлиги, фарзандларни аҳли солиҳ этиб

тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берган. Амир Темур раиятнинг тинч-осуда ҳаёт кечириши, хонадонларнинг дахлсизлигини, янги барпо бўлаётган оиланинг ҳар жиҳатдан бенуқсон ва поклик асосига қурилишини давлат аҳамиятига молик масала деб қараган. Соғлам авлод мамлакат келажагини таъминловчи асосий омил эканини яхши англаган.

Жамият ва оила муштараклиги, оила ва кишилик жамоалари диалектикаси сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоини ҳам кўп ўйлантирган муаммоларидан экани сир эмас. Мутафаккир шоирнинг барча асарларида инсонпарварлик, эзгулик ғоялари илгари сурилади. У фарзанднинг ота-она олдидаги бурчини "мажбурият" деб атайди. Ота-она эса фарзанд учун ҳар қандай сир-синоат, машаққат-меҳнатга тайёр туриши, фарзанд келажаги учун барча мушкулотларни енгиб ўтиши ҳам қарз, ҳам фарз эканини уқдиради.

Тарихнинг бурилиш паллаларида жамият пойдевори бўлган оила ва унинг тақдири ҳақида жадид маърифатпарварларининг хизматлари алоҳида ўз ўрнига эга. Жадидчилик намоёндалари инсон ва мамлакат тақдири, уларнинг келажаги, ютуқ ёки камчилиги, юксалиш ёки таназзули оилавий муҳит билан узвий боғлиқлигини чуқур ҳис қилдилар. Ҳамда оиланинг жамиятда тутган мавқеи, оила тарбияси ва маънавияти хусусида илмий тадқиқотлар яратишга киришдилар.Жадидчилик намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар томонидан эълон қилинган қатор мақолаларда жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқ бўлиши атрофлича таҳлил этилди. Маърифатчилар жамият тақдири оила муҳитига боғлиқ бўлса, оила маданиятининг ўзи кимга ва нимага боғлиқ, деган саволни ўртага қўйдилар. Уларнинг фикрича, агар оилада соғлом турмуш тарзи устивор бўлиб, фарзанд ҳар жиҳатдан тўғри тарбия топган бўлса, у шубҳасиз ўзидаги ижобий фазилатларни хизмат жараёнига кўчиради, ижтимоий меҳнат фаолиятида қўллайди, натижада жамиятдаги барча муносабатларга таъсир ўтказади. Зеро, оиланинг гўзал одоб-аҳлоқ, хушмуомалалик, самиймийлик, меҳнатсеварлик, илм-маърифатга ҳурмат асосига қурилиши ғоят муҳим масала бўлиб, бу ижтимоий муносабатларга мунтазам таъсир этиб, унга куч-қувват бериб турувчи ягона омилга айланади. Бу ўринда Махмудхўжа Беҳбудийнинг "Сағирлар ҳақинда", Ҳифзи сиҳати оила" (Оила соғлиғининг ҳимояси), Абдусалом Азимийнинг "Таълим ва тарбия", Ибратнинг "Миллатни ким ислоҳ этади?", Абдурауф Фитратнинг "Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари", Мирмуҳсиннинг "Аҳволи зоримиз" каби "Ойна" журналида чоп этилган мақолалари оила тарбиясига оид муҳим муаммоларни кўтариб чиққанини таъкидлаш зарур.Жадидчи маърифатчилар янги давр ва янги тузум учун курашни оилани ислоҳ қилишдан бошламоқ лозим, деб ҳисоблайдилар.

Оила ҳаётининг шаклларини жиддий ўрганиш XIX асрда бошланган. Ю.И.Семеновнинг "Никоҳ ва оиланинг келиб чиқиши" номли асарида таъкидланишича "Оила шаклланишининг тарихий босқичида ишлаб чиқариш фаолияти яхши бўлиши учун нафақат ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум тизими бўлиши талаб қилинган, яъни хусусий мулкчилик муносабатлари, тақсимлаш ва балки ишлаб чиқариш бирлашма аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган". Оила бўйича кўтарилган дастлабки илмий масалалар И.Баховен, Л. Морган, М. Ковалевскийлар ишлари билан боғлиқ.

М. Ҳолматовнинг ёзишича: "Оила мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, фарзандлар онгига оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит - соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир". Шу ўринда, таъкидлаш керакки, Шарқ халқлари ҳаётида замин, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғ, умуман олганда, давлат мустақиллигига садоқат, инсонга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик каби тушунчалар кенг маъно касб этади.Агар инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб ҳисобласа, халқни ўйласа ва унинг манфаати йўлида меҳнат қилсагина, маънавий аҳлоққа алоқадор бўлади.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-аҳлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасидаги масаладир. Бунда, аввалом бор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларимиз тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қизларимиз онгида оналик, ўғилларимизда эса ота бўлиш иасъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш оилаларнин ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва отлада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда. Бинобарин, оила фаровонлиги миллат фаровонлигининг асосидир. Ҳаёт, тараққиёт доимий юксалишда, янги-янги марралар сари одимлайверади. Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир етук мутахассис ёшлар Ватанимиз ривожи йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли кучдир.

XX асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаб жамиятда юзага келган глобал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар натижасида одамлар маълумотлилик даражасининг ўсиши, аёлларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаол иштирок этиши, меҳнат фаолияти таъсирида оила шароитида эр-хотин муносабатларининг ўзгариши, ўз навбатида, оила-никоҳ муносабатларига таъсир кўрсатди. Бу ҳақда М.Н. Шмелев шундай фикр билдиради: “ жамиятнинг бир бўлаги бўлмиш оила ўз ривожланишининг турли босқичларини ўтишида ҳаракат стратегияларининг ўзгариши, ташқи тарихий шароитларга бевосита боғлиқ бўлади” Бугунги кунда оилада жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли инсонни вояга етказиш устивор аҳамият касб этади. Бунинг учун аввало, оила тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак. Оила тарбияси деганда, бола ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган ижтимоий ҳаётга тайёрлашга, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган фаолият тушунилади. Шарқ аҳлоқшунослигидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, оила тарбияси боланинг туғилган кунидан бошланади, унинг тўла мустақил, индивидуал ва ўзига хос бўлгунича узлуксиз давом этади.

Оилавий тарбиянинг асосий намунавий шакли – эр-хотиннинг ўзаро иззат-ҳурмати, хушмуомала ва ширинсўзлиги, бир-бирига ёрдам бериши ва ҳамжиҳатлигидир. Бу болалар тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга.Фарзанд айтилган насиҳатни эсидан чиқариши мумкин, бироқ кўрганини ҳеч қачон эсидан чиқармайди. Олимларнинг таъкидлашича, оила тарбияси мазкур оиланинг мустаҳкамлигини сақлашда, ундаги муносабатларни аниқ мақсадларга қаратиш ва йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Оила қуришдан мақсад болалар тарбияси билан боғланган бўлса, эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа ҳамда оила учун зарурий нарсаларни – уйнинг шинамлиги ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлсагина, оилавий муносабатлар янада мустаҳкамланади. Оила тарбияси асосан ота-оналар ва оиланинг ёши катта аъзолари томонидан амалга оширилади. Оила тарбиясида муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг бирдамлик ва тенгликка эришиши, куч-ғайратларини бирлаштиришларига боғлиқ. Бу борада Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги қаҳрамонларнинг бир-бирларига бўлган муомала-муносабатлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапиришлари мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалар катта эътибор берганларини ёдга олишимиз мумкин.

Маънавият, аҳлоқ-одоб ва маърифат – маданий мероснинг таркибий қисмлари бўлиб,уларда халқимизнинг даҳолик қудрати, дунёқараши, маънавий-руҳий қиёфаси, эзгулик, яхшилик ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган бўлади. Бинобарин, маданият, маънавият, аҳлоқ, маърифат, мерос ғоят кенг қамровли тушунчалар бўлиб, унда тарихан таркиб топган муайян халқнинг кўп асрлар давомида тўплаган моддий ва маънавий бойликлари, тили, сўз санъати, қадриятлари, бой тарихи, тарихий ёдгорликлари, анъана ва расм-русмлари умумлашган ва мужассамлашган бўлади.

Оила тарбияси ана шу умумлашма ва мужассамлик заминида мавжуддир. Оила тарбияси – бу умумий ижтимоий тарбия жараёнининг шундай босқичики, у инсоннинг кейинчалик бутун умри давомида оладиган маърифат ва ҳаёт сабоқлари учун асос, замин, пойдевор вазифасини ўтайди. Оила тарбиясида оиланинг барча аъзолари иштирок этадилар, бир-бирларига ўз билим, тажрибаларини ўргатадилар. Бу жараён бир умрга давом этадиган жараёндир. Бу жараён катта турмуш мактаби, малака ва хислатларни тайёрловчи даргох. Шу нуқтаи назардан оила тарбияси: иқтисодий билимлар бериш; хўжалик юритишни ташкил этиш; ахлоқий талаблар, нормалар, қоидаларни ўрганиш ва шакллантириш; касб-ҳунар ўргатиш; меҳнатни тўғри ташкил қилиш; эстетик дидни шакллантириш; ҳуқуқий билимларга эга бўлиш; диний таълимот бериш; соғлом турмуш тарзига ўргатиш; оила қуришга тайёрлаш; бурч ва вазифаларни билишга ўргатиш; тиббий билим бериш; гигиена ва санитария қоидаларини ўргатиш; руҳий-эмоционал мувозанатни тарбиялаш; ўзини идора этишга

ўргатиш; бошқаларга зарар етказмасликка ўргатиш; сокинлик ва мулойимликка ўргатиш каби кўплаб йўналишларда ўқитувчилик қилиши шарт ва лозим бўлган улкан ўқув маскан - оила институтидир. Бундан ташқари, халқимизнинг миллий-маданий мероси моҳиятини ташкил этувчи умрбоқий анъаналар, ҳалоллик, ор-номус, ростгўйлик , шарм-ҳаё, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, эзгулик, самимийлик, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар ҳам мана шу оилада сингдирилади. Оила ўзининг тарихий мазмун-моҳиятига кўра ҳар бир халқ ва миллат учун ўзига хос табиятли хусусиятларни ҳам ўзида намоён этиб боради.

Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларидан бири – оилада ёши улуғ қария ва момолар, бобо ва бувиларнинг юксак мавқе ва мартабага эгалиги бўлиб, улар ҳамиша иззат-икром қилинади, барча масалаларда улардан изн олиб, сўнг иш бошлашга амал қилинади. Ўзбек оиласига хос мазкур хусусият, қадрият бугунги кунда янада сайқалланиб бораётгани кўзни қувонтиради.Оила тарбияси ҳар қанча ўзига хос бўлмасин, у асосан, ягона манбаадан озиқланиб, ўсиб, ўзгариб боради. Бу манбаа миллий-маданий меросдир. Оила шу мероснинг ажралмас бир бўлагидир. Ҳар бир оила жамиятда пайдо бўлиб, шу жамият ичида яшайди, шунга кўра оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий-маърифий муносабатлар билан белгиланади ҳамда улар таъсирида такомиллашиб бораверади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, оила - жамиятнинг муҳим ҳужайраси бўлиб, жамиятнинг нормал ривожланиши, аҳолининг кўпайиши, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий тарбиясини, инсоннинг табиий эҳтиёжлари – севги, муҳаббат ва мулоқатни таъминлайди. Ўзбек халқи оилавий турмуш, эр-хотин муносабатлари, уларнинг вазифа ва бурчлари, сифат ва фазилатлари акс этган муқаддас диний манбаалар, ўзбек халқ оғзаки ижоди, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва маърифатпарвар зиёлилари асарларида жамланган қимматли маълумотларга эга. Улардан ҳозирги ёшларни оилавий турмушга тайёрлашда ва оилавий турмуш амалиётида самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари бугунги кунда оила тарбияси йўналишида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзаро уйғунлик касб этган.Ўз анъаналарини аждодларнинг бой тажрибалари асосига қурган ва уларни мунтазам бойитиб боришга одатланган, соғлом маънавий-аҳлоқий муҳитга эга бўлган оила ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам ўзлигини йўқотмайди ва ҳамиша ўз даври билан ҳамнафас ва ҳамкор бўла олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. К.У. Нажмиддинова. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқ маданиятининг ўрни. - Т.: Адолат, 2016. - 224 б.
2. С.Махсумов. Оилавий қадриятлар-жамият мустаҳкамлигининг асосий шарти. // Халқ сўзи газетаси, 2021 йил 1 май.
3. Э.Умаров, М.Абдуллаев. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ НМАК, 2005. 128 б.
4. М.Холматова. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари: ф.ф.д.дис. – Тошкент, Тошкент Давлат аграр университети, 1998. - 270 б.
5. Т.Махмудов. Авесто ҳақида. – Тошкент, Шарқ, 2000, - 32 б.
6. И.Каримов. Тарихий хотираларсиз келажак йўқ.//Мулоқот. – Тошкент, 1998. 5-сон, 5-6.
7. Авесто – тарихий-адабий ёдгорлик. - Тошкент.: Шарқ НМАК, 2001, 3-20 бетлар.
8. Қуръони Карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). - Т.: Чўлпон, 49 б.
9. Б.Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. Никоҳ китоби. - Тошкент: Адолат, 2000. 645-бет.
10. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 261-262-бетлар.

**Jabborova Onaxon Mannopovna**
*TVChDPI boshlang'ich ta'lim kafedrasi mudiri*

# BOSHLANG'ICH 4-SINF O'QUVCHILARINING MATNNI O'QISH VA TUSHUNISH DARAJASINI BAHOLASHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

O'zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo'lidan borayotgan bir paytda ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi va harakatga keltiruvchi kuchi har tomonlama rivojlangan barkamol insonni tarbiyalashdan iboratdir.

Ta'limning bugungi vazifasi o'quvchilarni kun sayin takomillashib borayotgan axborot-ta'lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko'rsata olishga, axborot oqimidan oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir.

Ta'lim tizimida zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar egallanayotgan bilimlarni o'quvchilar tomonidan o'zlari qidirib topishlari, mustaqil o'rganib, ularni tahlil qilishlari, o'z bilimlarini baholashlari, to'g'ri xulosalar chiqarishga qaratilgan. Bunday o'quv-tarbiya jarayonida o'quvchi markaziy ishtirokchiga aylanadi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da rivojlantiruvchi ta'limni amalga oshirish masalasiga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, pedagogik texnologiyalardan foydalanish shaxsni rivojlantiruvchi ta'limni amalga oshirish imkoniyatini kengaytiradi.

Pedagogik texnologiyaning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, ularga;

– o'quvchining dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod qilish va izlanishga majbur etilishi;

– o'quvchilarning o'quv jarayonida fanga bo'lgan qiziqishlarini doimiyligini ta'minlanishi;

– o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishlarini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondashgan holda kuchaytirilishi;

– pedagog va o'quvchilarning hamkorlikdagi faoliyati muntazam tashkil etilishi kiradi.

O'qituvchi va o'quvchining maqsaddan natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan bo'lib, bunda ishlatiladigan texnologiya o'quvchilarning bilim saviyasi, guruh tabiati va sharoitga qarab tanlanadi.

Boshlang'ich (4-sinf) sinfda o'qish savodxonligini oshirishda, o'quvchilarning o'qish natijalariga aynan ta'sir qiluvchi omillarni aniqlab olish zarur. Bu o'qituvchiga o'rgatishi kerak bo'lgan materialni tez va oson yo'l bilan o'quvchilarga yetkazishda yordam beradi. O'quvchilar matnni o'qib, tushunishlarida va qiynalmasdan hikoya qilishlarida dars berishning zamonaviy - "Muammoli vaziyat", "Rolli o'yinlar", "Zinama-zina", "FSMU", "Sinkveyn", "Assesment", "Bumerang", "Zanjir" usullaridan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Har bir o'quvchini bir darsni o'zida eshitib, tahlil qilish imkoniyati kamdir. Shuning uchun "Kichik guruhlarda ishlash" usuli ushbu muammoni hal qilishga yordam beradi. Bunda sinf xonasidagi o'quvchi partalarini joylashuvini o'zgartirish shart emas. Har ikkita parta ketma-ketligida guruhlar tashkil etiladi. Guruhlarga berilgan topshiriqlarni o'quvchilar bajarib bo'lishgunga qadar o'qituvchi aylanib har bir guruhdagi faollik darajasi kam bo'lgan o'quvchilarni aniqlaydi. Va ularni bu noqulaylikdan halos qilish uchun mavzuga oid tuzilgan test savollarini hozirlaydi.

Masalan: G'afur G'ulomning "Shum bola" asari

1) Darsning tashkiliy qismi o'tkaziladi

2) "Bumerang" usulidan foydalanib ekranda "Shum bola" asarining videoroligidan parcha qo'yiladi. Ushbu parchadan o'quvchilar bugungi mavzuning nomini topishadi.

3) O'qituvchi muallif ijodi va "Shum bola" kitobi taqdimotini tez, tushunarli qilib o'tkazadi. So'ngra asar tahlil qilinadi.

4) "Kichik guruhlar bilan ishlash" usulini qo'llagan holda o'quvchilarni guruhlarga bo'ladi.

5) "Zanjir" usulini qo'llagan holda har bir guruhga konvert tarqatiladi. Konvertda 5 qismga bo'lib solingan "Shum bola" asarini bo'laklari bo'ladi. Guruhdagi jamoa ishtirokchilari asarning har bir bo'lagi bilan tanishib ketma-ketligini topib joylashtirish vazifasi beriladi. Ushbu jarayonga vaqt belgilanadi.

6) O‘quvchilar vazifani bajargunga qadar guruhlardagi faollik darajasi kam bo‘lgan ishtirokchilar o‘qituvchi tomonidan o‘rganiladi.

7) Har bir guruh o‘z ishlarini taqdimot qilishadi.

8) Guruhlardagi aniqlangan o‘quvchilarga test ko‘rinishidagi topshiriqlar beriladi.

**1-topshiriq**

“Shum bola” asari qahramonining xarakteriga izoh bering.



**2-topshiriq**

“Shum bola”asarining qahramoni o‘rnida bo‘lsangiz siz qanday yo‘l tutgan bo‘lar edingiz



9) Guruh ishtirokchilarining natijalari e’lon qilinadi.

**Foydalanilagan adabiyotlar ro‘yhati:**


1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrdagi 997-sonli qarori
2. “Ta’lim va tarbiyada innovaцion pedagogik texnologiyalar” R.Ishmuhamedova, M.Yuldashev Toshkent-2013
3. “Zamonaviy dars” O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi A.Avloniy nomidagi xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti Toshkent-2007
4. “O‘qish” kitobi 4-sinf darsligi Toshkent - 2017



**МУХИТДИНОВА ДИЛДОРА АЛИШЕР ҚИЗИ**

*London School of Business and Finance магистранти*

*“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти илмий ходими*


## ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАЙЁРЛАШДА МАҲАЛЛА ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИ


**Аннотация:** *мақолада ёшларнинг ижтимоий ҳаётга изчил тайёрлаш жамиятимизнинг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланади, ёшлар ҳаётида маҳалла ва оиланинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Бугунги кун ёшларининг замонга яраша илғор, тезкор, ақлли, илмли, интеллектуал жиҳатдан етук, ватанпарвар, инсонпарвар бўлиб вояга етишишларида маҳалла ва оила ҳамкорлиги олдида турган қатор вазифалар ёритиб берилади.*



**Калит сўзлар:** *Ўзбекистон ёшлари, ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маҳалла ва оила ҳамкорлиги, ота-она масъулияти, тарбия, муаммолар ечими, янгича қарашлар, илғор фикрли ёшлар.*



**Аннотация:** *в статье подчеркивается, что систематическая подготовка молодежи к социальной жизни является важной задачей общества, обращается внимание на место и значение*

*махалли и семьи в жизни молодежи. Раскрывается сущность задач, стоящих перед махаллей и семьей по воспитанию современной молодежи активной, быстрой, умной, знающей, совершенной в интеллектуальном отношении, патриотами, гуманными людьми.*

**Ключевые слова:** *молодежь Узбекистана, подготовка молодежи к социальной жизни, сотрудничество махалли и семьи, ответственность родителей, воспитание, решения проблем, новые точки зрения, креативно мыслящая молодежь.*

**Annotation:** *the article emphasizes that the systematic preparation of young people for social life is an important task of society; attention is drawn to the place and significance of the mahalla and the family in the life of young people. The essence of the tasks facing makhallas and families in educating modern youth as active, fast, smart, knowledgeable, intellectually perfect, patriots, humane people is revealed.*

**Key words:** *youth of Uzbekistan, preparation of youth for social life, cooperation of makhalla and family, parental responsibility, upbringing, problem solving, new points of view, creative thinking youth.*

Ўсиб келаётган ёшларни ижтимоий ҳаётга изчил тайёрлаш доим долзарб масала бўлиб келган. Ёшлар масаласи, ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг тарбияси, билим олиши, шахс сифатида шаклланишина фақат давлатимиз балки, дунё ҳамжамиятининг асосий эътибори қаратиладиган мавзусидир. Ёшлар тарбияси барча даврларда муҳим масала бўлган. Айнан шу жиҳатдан ёшларни ҳаётга тайёрлаш ўзининг кўп минг йиллик тарихига, тажрибасига эга. Бугунги кунда дунё бўйича 15 ёшдан то 24 ёшгача бўлган ёшлар 1.2 миллиардни ташкил қилади. Демак, дунё аҳолисининг 16 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ҳисоб бўйича 2030 йилга бориб бу рақам яна 7 фоизга ошади ва дунё ёшларининг сони 1.3 миллиардга бориб етади. Бу рақамлар шунчаки сонлар эмас, балки жуда катта кучга эга. Ёшларга комил шахс бўлиб етишишлари учун имкон яратиб берилган тақдирда, улар дунёни гуллатишга қодир улкан кучга айланади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиши, ижтимоий тенгликка эришиши, толерантлиги, соғлом турмуш тарзининг кенг тарғиб этилиши – буларнинг бари ёшлар имкониятидан тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон давлати бутун дунё ҳамжамиятининг бир бўлаги сифатида ўз юрти фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишларига катта эътибор беради. Бугун Ўзбекистон муҳим ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Яқин йигирма йил ичида бугунги болалар ва ўсмир-ёшлар Ўзбекистоннинг асосий ривожлантирувчи кучига айланадилар. Ёшлар Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янги поғонага олиб чиқувчи авлод бўлади.

Айнан ана шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Президентининг 2019 йилнинг 8 октябридаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2021 йилнинг 18 январидаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 23- сонли қарори, 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши катта воқеа бўлди. Бу қарорлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси олдига, айниқса ёшлар билан иш олиб борувчи ташкилотлар - олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, маҳалла ва оила зиммасига катта масъулият юклади. “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти олдига қатор вазифаларни қўйди.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон ёшларига оид давлат сиёсатининг 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдақлаш тўғрисида” ги қарор ҳақида тўхталар экан, ёшларни ижтимоий ҳаётга тўғри тайёрлашда таълим-тарбия муассасалари, ота-она ва маҳалланинг узвий боғлиқлиги масаласига алоҳида урғу беради. Дарҳақиқат, бу борада чуқур мулоҳаза юритиб, изчил дастурлар бўйича иш олиб бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, таълим-тарбия жараёни жамият бошқарувининг муҳим бўғинидир. Бу борада узил-кесил ишлаб чиқилган қолип мавжуд эмас. Таълим-тарбия масаласи доимий ва тинимсиз изланишни, ривожлантирилишни тақазо этади. Бу соҳада боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, таълим-тарбия дастурлари бўйича шуғулланувчи институтлар, маҳалла, ота-она баробар ва ҳакморликда иш олиб боришлари лозим. Бу борада юқорида қайд этилган ҳар бир жамоа ҳам ўз йўналишида, ҳам бошқа ташкилотлар

билан ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Бироқ, ёшлар тарбиясини амалга оширишда маълум муаммолар мавжудлиги ва ёшларни ҳаётга тўғри тайёрлашда уларнинг сезиларли даражади тўсиқ бўлиб келиши ҳам бор гап. Жамият ташкилотлари ёшлар тарбияси билан ўз вақтида ўзига хос равишда шуғулланишлари даркор. Бироқ, бунинг ўрнига масъулиятдан четлашиб, бу муҳим масалани бир-бирига солса, яъни: боғча мактабга, мактаб маҳаллага, маҳалла ота-онага ишониб қолса, катта муаммолар келиб чиқади. Юқорида қайд этилганидек ҳар бир ташкилот, муассаса, ота-она ўз бурчи ва масъулиятини сидқидилдан адо этган тақдирда ва ҳамкорликда иш олиб боргандагина бу муаммолар ечим топади.

Шу ўринда ёшлар тарбияси борасидаги баъзи муаммоларга урғу бериб ўтишни ўринли деб топдим:

1. Тарбияда ота-онанинг роли муаммоси. Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандлари олдидаги масъулиятларини боғча ва мактабга юклаб қўядилар. Ота-оналар иши кўплигини, фарзандига вақт ажрата олмаётганини баҳона қиладилар.Баъзи ҳолларда эса болани қандай тўғри тарбия қилишни билмайдилар ёки ўз болаларига тўғри тарбия беришга руҳан тайёр эмасдирлар. Бироқ, барча инсоний қадриятлар гўдакка туғилган дақиқаларидан бошлабоқ сингдирилиши лозим. Бу жиҳатдан болага энг комил ўрнак албатта ота-онадир.

2. Мактаб эса турли юкламаларга кўмилиб қолиб, бола тарбияси билан шуғулланишни истамайди.

3. Болага ота-онанинг тўғри тарбияси муҳимлиги асос бўлса, ташқи дунёдан оладиган таассуротлар таъсири ҳам жуда муҳим. Бугунги кунда болаларнинг дунёни интернет, реклама, социал тармоқлар орқали билиши, ўрганиши уларнинг хаётига ижобий ё салбий таъсир ўтказишини белгилаб беради. Айнан ана шу ерда болалар тарбиясига путур етказувчи нотўғри информациялар узатилиши катта муаммодир. Янгиликнинг барчаси ҳам фойдали бўлавермайди, деган ақидага мувофиқ ота-оналар ўз фарзандларининг қизиқишларини назорат қилишлари даркор.

4. Компьютер орқали билиш. Албатта компьютер– жуда муҳим ва керакли ўрганиш имкониятидир. У кўплаб билимларга калит бўла олади, вақтимиз тежамкорлигини таъминлайди, дунёни билишга ёрдам беради. Бугун мультимедия техникасисиз, электрон презентацияларисиз, компьютер технологияларисиз билим олиш мумкин эмасдек ҳисобланида. Бироқ, жонли мулоқат, тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ўзаро дилдан суҳбатлашиш, ўқувчиларнинг ўз қўллари билан чизган расмларига баҳо бериш, ёки берилган мавзуда ёзилган баён ёхуд иншони ўқиб, фикр-мунозара билдириш орқа планга ўтиб қолгандек. Асосий иш дастурларимиз ҳисоботида “инновацион” технологияларнинг тарбияга берувчи “эффект” и ҳақидаги гапирамиз. Назаримда, бугун тарбиячи ва ўқитувчиларнинг “... фалончи авторнинг ... шу номли асарини топиб ўқинг....” дейишининг ўрнига “...фалон мавзу ҳақида интернетдан маълумот топиб келинг....”, “...презентация тайёрланг...” дейиши ёшларнинг эмас балки, тарбиячиларнинг , ўқитувчиларнинг муаммосидир.

5. Маҳалла билан ота-она ҳамкорлигининг сустлиги муаммоси. Баъзи оилалар ўз оиласи ичидаги муаммоларни маҳаллага кўтариб чиқишдан ор қиладилар. Маҳалла катта куч эканини англаб етмайдилар. Оила жамиятнинг бир бўлаги сифатида доим маҳаллага суяниши, маҳалладан кўмак олиши мумкинлигини тушуниб етмайдилар. Бу ҳолатлар маҳалла фаоллари аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини етарли даражада олиб бормасликларидан далолат беради.

Ўзбекистон ёшлари мамлакатимизнинг келажагини, тақдирини ҳал қилувчи куч экан, давлат тақдирини бемалол ишониб топшира оладиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бугунги кунда муҳтарам президентимиз ва Ўзбекистон давлати ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга катта эътибор қаратмокда.

Президентимиз фармонига асосан “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти фаолиятининг ташкил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Маҳалла ва оила” илмий текшириш институти зиммасига юклатилган кўп қиррали вазифалардан бири албатта ёш авлод ҳаёти билан боғлиқ масалалардир.

Ёшларда фуқаролик тушунчасининг ривожланишида маҳалла ва оиланинг роли ниҳоятда катта. Шу нуқтаи назардан ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда маҳалла ва оила ўз фаолияти билан муҳим аҳамият касб этади. Бу борада маҳалла ва оила дастурларида асосий урғу ижтимоий муносабатлар, янги қадриятлар, янги талаблар ва меъёрлар мажмуаси асосида ёшларнинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатишга қаратилади.

Ёшларни ижтимоий ҳаётга изчил тайёрлашда маҳалла ва оила олдида турган муҳим масалалардан бири таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ёшлардаги инсоний муносабатлар ва қарашларни тўғри ривожлантиришдан иборатдир. Бу борада амалга ошириладиган ишлар ёшларнинг ҳаётини изчил ўрганиш, таҳлил қилиш, солиштириш, уларнинг муаммоларини, қизиқишларини, талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади, албатта. Бу борада асос бўлиб ҳисобланувчи омиллар:

– ёшларни аждодлар меросини қадрлашга ўргатиш;
– умуминсоний қадриятларни англаш ва қадрлашга ўргатиш;
– ёшларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш;
– миллий қадриятларни қадрлашга ўргатиш;
– илмий ва диний билимлар мажмуасини баробар сингдириш;
– иннавацион техник билимлар мажмуаси;
– иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қарашлар илғорлигини ошириш;
– ирқий, диний тенглик тушунчасини сингдириш;
– табиат билан инсон уйғунлиги тушунчасини сингдириш.

Маҳалла ва оиланинг таълим муассасалари ҳамкорлигида ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда тўсиқ бўладиган муаммоларни ўрганиб чиқиш ва уларни бартараф этиш йўллари:

– саводсизликк барҳам бериш;
– турли диний-экстремистик оқимларга қарши курашиш;
– маданий онгсизлик ва ҳуқуқий онгсизликка барҳам бериш;
– ёшларни катталар томонидан таҳқирланишига барҳам бериш;
– кичик ва ўсмир ёшдаги қизларнинг камситилишига, таҳқирланишига барҳам бериш;
– таълим ва тарбия муассасаларидаги тартибсизликларга барҳам бериш;
– ирқий ва диний тенгсизликларга барҳам бериш
– ҳуқуқий тенгсизликка барҳам бериш:

Таълимий-тарбиявий йўналишлардаги янги дастурлар асосида ёшларни тарбиялашда маҳалла ва оиланинг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириши мақсадга мувофиқ:

– ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
– таълим-тарбия муассасалари ходимлари ва ота –оналар ҳамкорлигини кучайтириш;
– мунтазам равишда психолог кўриги ўтказиб туриш;
– таълимнинг касбий йўналтирилганлигига эътибор бериш;
– тарбияси оғир ёшлар билан алоҳида шуғилланувчи гуруҳ – педогоглар, психологлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар комитети ҳамкорлигини ошириш;
– кам таъминланган оилалардаги ёшларга ғамхўрликни кучайтириш;
– таълим олишга имконияти бўлмаган ёшлар билан шуғилланиш, имкониятлар яратиш;
– ота-онаси чет элларда бўлган ёшлар билан алоҳида шуғилланиш.

Бундан ташқари маҳалла, оила, олий ва ўрта таълим муассасалари ҳамкорликда қуидагиларга эътибор қаратади:

– ёшларни ўқув жараёнидан ташқаридаги бўш вақтидан унумли фойдаланишларини уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ташкиллаштириш;
– адиблар, олимлар, халқ қаҳрамонлари, меҳнат қаҳрамонлари, хизмат кўрсатган давлат арбоблари, бизнесменлар билан суҳбатлар уюштириш, уларнинг намунали ҳаётларидан ўрнак олишга ўргатиш;
– ёшларнинг иқтисодий, сиёсий қарашларини шакллантириш учун илмий изланишлар уюштириш;
– жаҳон маданияти намояндаларининг асарлари билан таништириш ва саҳна асарлари ташкиллаштириш;
– таълим жараёнида рағбатлантирувчи кўрик танловлар, ўзаро беллашувлар уюштириш;
– ота-оналар, маҳалла вакиллари, ўқув муассаса ташкилотларининг ёшлар билан биргаликда саёҳатлар, хайрия кечаларини уюштириш.

Бугунги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий портлашлар, янгиланишлар, эврилишлар даврида кузатилаётган ўзгаришлар ёшлар ҳаётида ижобий натижа беришида албатта

маҳалланинг, оиланинг таъсири, уларнинг ҳамкорлиги, иштироки, қўллаб-қувватлаши ниҳоятда зарур ва муҳимлиги муқаррардир.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш энг муҳим талабдир. Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислоҳатларга бефарқ бўлмаган, юрт келажаги учун муносиб фарзанд бўла оладиган, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахс сифатида тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш ҳам ота-она, ҳам маҳалла, ҳам таълим-тарбия муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон давлати ёшларга оид давлат сиёсатини аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма-босқич олиб борар экан, бу борада маҳалла ва оила ҳамкорлигига суянади. Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, руҳан ва ақлан соғлом қилиб тарбиялаш маҳалла ва оила ҳамкорлиги зиммасидаги энг долзарб ва шу билан бирга энг шарафли вазифадир.

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари дунёқарашида янгича қарашлар, янгича қадриятлар, янгича интилишлар ўз аксини топмоқда. Бугунги кун ёшлари жонли ҳаётга чанқоқ, ўзига ишонган, ўз мақсади сари интилувчан, ижтимоий тезкор фикрловчидирлар. Шу бугунгача мамлакатимизда парламент томонидан ёшлар ҳаётини мукаммаллаштиришга оид 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, 30 дан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини янада теранроқ белгилаб берилганининг ёрқин мисолидир. Мамлакатимиз равнақи ёшларимиз қўлида экан, давлатимизнинг ёшлар ҳаёти борасидаги жонкуярлиги, ғамхўрлиги, раҳнамолиги ўзининг самарали меваларини беришига катта умид қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни” мавзусидаги ёш олимлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд-2015.
2. Организация работы с молодежью. Учебное пособие. Москва-Берлин. 2015.
3. Актуальные проблемы социологии молодежи, культуры, образования и управления. Екатеренбург-2014.
4. “Ўзбекистон ёшларига оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини ривожлантириш тўғрисида”ги 23-сон қарор.18.01.2021.
5. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 10 июндаги 367-сонли қарор.



**Абдуллайева Барно Пулатовна,**
*Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси*

**Назарова Сурайё,**
*БОТ-19/1 гуруҳ талабаси*


## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Кейинги пайтларда педагогика фани соҳасида “педагогик технология” тушунчасининг қўлланиш доираси тобора долзарб аҳамият касб этиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. “Технология” атамасининг “техника” сўзи билан чамбарчас боғлиқлиги, асли саноатга хос терминлигини инобатга олган ҳолда бошланғич таълимда қўллаш ўринли ёки ножоизлиги тўғрисида баҳс-мунозара юритиш ҳам мумкин. Бироқ аксарият олимлар ўқув-тарбия жараёнида ҳам маълум бир технологияларнинг мавжудлиги, унинг зарурият эканлигини эътироф этишмоқда.

“Педагогик технология” борасидаги бир-бирини инкор этувчи қарама-қарши фикрлар, ҳар хилликлар бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, педагогик технологияларга ўқувчи-

талабаларнинг муайян такрорланувчи кетма-кетликдаги амалларни бажаришлари орқали ўз олдига қўйган мақсадларига эришишларини таъминлашга хизмат қиладиган, педагогик ва иқтисодий жиҳатдан асосланган якуний натижаларни олиш манбаи сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида турли ва бир хил шароитларда такрор ва кўп марта қўлланиш- такрорийлик, ўқув-тарбия жараёни сифатини диагностика қилиш, босқичма-босқич турли синовларини амалга ошириш ҳамда қўйилган мақсадларнинг кафолатланган натижаларига эришиш хусусиятига эгалиги қайд этилади.

Материалларни ўзлаштириш алгоритмига асосланган ўзлаштириш асослари мустақил ўз-ўзини ривожлантиришга мўлжалланган кўплаб дидактик ўқув қўлланмаларида педагогик технологиялари элементлари кўпроқ кўзга ташланмоқда. Реал амалиётда эса бошланғич таълимда зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш технологияларининг илмий-услубий жиҳатдан тўлақонли асосланган ягона технологиялари асослари ишлаб чиқилмаганлиги ёки аксарият педагогларнинг ундан хабардор эмаслиги боис кўпроқ хусусий муаллифлик технологиялари орқали амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг эътирофича, ҳар қандай педагогик технологияда ўз ифодасини топиши шарт бўлган учта даража мавжуд:

1. методологик
2. умумлашган технологиялар
3. конкрет-методик.

Агар методологик даража илмий педагогик тафаккур ҳамда жамият ишлаб чиқариш кучларининг яхлит ривожланишини ўзида акс этса, умумлаштирилган педагогик технологиялар даражаси кенг кўламли ўқитиш жараёнини назарда тутади.

Мазкур технологиялардан ҳар қандай ўқув предметини ўқитишда фойдаланиш имкони мавжуд. Бундай технологияларга ахборот, таълимни дастурлаш, модуль, мақсадли таълим, диалог ва бошқаларни киритиш мумкин. Ва ниҳоят, конкрет-методик даража маълум бир педагог томонидан қўлланадиган ва бошқалар ўқитувчилар томонидан қўлланишга яроқли технология, педагогик метод, воситалар, уларни қўллашнинг амалий усуллари таҳлилини амалга ошириш имконини беради. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, умумлашган технологиялар умумпедагогик назарияларни ифодалайди, фақат учинчи даража- конкрет-методик технологиялар амалий фаолиятда қўлланилиши мумкин.

Технологияларни кечиш жараёнидаги ўзига хосликларига кўра ҳам турларга бўлиш мумкин. Буларга мақсадларга эришиш (мақсадни белгилаш ва ўз олдига қўйиш ҳамда уни амалга ошириш), мақсадни қўйиш турлари, маданий-модул типидаги технологиялар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўқитишнинг педагогик технологияси билан таълим методларининг ўзаро чегараларини ажратишда педагогик технологияларга яхлит ишлаб чиқариш тизими сифатида қараш мумкиинлиги эътироф этилади. Бунинг учун кутилаётган самарали педагогик натижага эришишда технологияларнинг барча зарурий шартларига амал қилиш талаб этилади.

Бошланғич таълимда педагогик технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Болаларнинг турли машқ ва топшириқларни бажаришга ўргатиш бетакрор (базан бири-биридан кескин фарқ қилади) жараён бўлганлиги боис технологиянинг айнан такрорланиши, шунингдек, кафолатланган педагогик натижаларга эришиш тўғрисида гапиришда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Аниқроқ қилиб айтганда, ишлаб чиқилган технологияларнинг бошланғич синф ўқитувчилари томонидан айнан қўллаш ҳар доим ҳам самара беравермайди. Чунки бошланғич синф ўқитувчилари фаолияти, улар амалга оширадиган машғулотлар ижодий характерга эгалиги, вариативлиги, ҳар бир дарснинг шароити, болаларнинг тайёргарлик даражаси турлича бўлиши табиий.

Педагогик технологияларни амалиётга татбиқ қилиш самарадорлигини белгиловчи шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. ўқувчиларнинг ўзига хос қобилият, темперамент, характер, ёш хусусиятлари сингари психофизиологик жиҳатларга эгалиги. Ҳар бир боланинг фақат ўзига хос сараланган сифат ва фазилатлари, балки уларнинг алоҳида ривожланиш хусусиятларига эгалигини ҳам унутмаслик керак бўлади;
2. ўқитувчи ва унинг ўқитиш сифати(компитентлиги, тайёрланганлик даражаси);
3. таълим муассаси ва синфдаги психологик микромуҳит;

4. Ўқитувчининг ўқувчилар билан тил топа билиш, уларни ўз ортидан эргаштира олиш, болаларни машғулотга тўлалигича сафарбар қила олиш қобилияти.

Технологияларни амалиётга самарали татбиқ қилишда ҳамма учун бир хил шароит яратиш ўта мураккаб жараён. Педагогика фаолиятнинг мураккаб ва ўзига хос ижодий жараёни саналади, айни бир хил педагогик воситалар ҳар хил шароитларда турли натижаларни бериши мумкин. Бу эса ўз навбатида, педагогик технологияларни қўллашни барча учун мажбурий қилиб қўйиш ёки ягона қатъий технологиялар тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини англатади.

Ҳозирги шароитда педагогикада жуда кўплаб технологиялар қўлланилмоқда. Уларнинг аксариятидан она тили таълими жараёнида ўқитувчилар, тўгарак раҳбарлари ўқувчиларни мустақил ва ижодий фаолиятга ўргатиш жараёнида самарали фойдаланиб келишмоқда.

Демак, педагогик технологияларни амалиётга татбиқ қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи-мусиқа раҳбарининг технологияларни билиш ва улардан амалда фойдаланиш билан боғлиқ методик тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Бунда педагогик технологияларнинг давр синовидан ўтганлиги, барча элементларининг тўғри амалга оширилиши, таълим субьектларининг ўзаро муносабатлари қўлланилаётган технологиянинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади. Таълим-тарбия мақсадларига тўла мос келадиган, ижодий ёндашув асосида яратилган педагогик технологиялар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ қилиш она тили таълим сифатининг ошишига, ўқитувчининг касбий камол топишига хизмат қиладиган ўз хусусий технологиялари заҳирасини яратиш имконини беради.

**KARIMOVA AZIZA MAMATKADIROVNA,**
*SamDU "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi va psixologiyasi" kafedrasi o'qituvchisi*

**XAKIMOVA MARHABO O'ROQOVNA,**
*SamDU "Maktabgacha ta'lim pedagogikasi va psixologiyasi" kafedrasi o'qituvchisi*

## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI OILAVIY AN'ANALAR ASOSIDA TARBIYALASH

**Annotatsiya:** *maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarni oilaviy an'analar asosida tarbiyalash atroglicha yoritilgan.*
**Kalit so'zlar**: *an'ana, qadriyat, milliy*

**Аннотация:** *освещаются вопросы воспитания детей дошкольного возраста на основе семейных традиций.*
**Ключевые слова:** *традиции, ценности, национальное*

**Annotation:** *highlights the issues of upbringing children of preschool age on the basis of family traditions.*
**Key words:** *traditions, values, national*

An'ana - bu jamiyatda ijtimoiy hodisa bo`lib, kishilarning ongida, hayotida barcha sohalarni qamrab olgan, o`z o`rnini topgan, ajdodlardan - avlodga o`tib turadigan, takrorlanadigan oila hayotida qo`llanadigan umumiy tartib, qoidalar va tajribalar yig`indisi deb ta'riflash mumkin.

Oilaviy an'analar esa ijtimoiy, ommaviy hodisa bo`lib, oila hayotining barcha yo`nalishlarini qamrab olgan ya'ni turmush tarzi, mehnat, ahloq - odob, madaniyat, ma'naviyatlarida o`z o`rnini olgan, avloddan avlodga o`tib turadigan, takrorlanadigan, qo`llanadigan oilaviy tartib - qoidalar yig`indisi deb tushunish zarur. Oilaviy an'analarning hayotda tadbiq qilinish hajmi, ko`lami, doirasi ijtimoiy an'analarga qaraganda

nisbatan torroq yo`nalishga ega. Shu nuqtai nazardan yondoshganda oilaviy an'analar davlat miqiyosidagi ta'lim - tarbiya muassasalari, mehnat jamoalari an'analaridan shakli, mohiyati, mazmuni hamda o`ziga xos milliy xususiyatlari bilan ajralib turadi.

O`zbek xalqining oilaviy an'anlari o`ziga xos milliy xususiyatlarga ega. An'analar oilaning turmush tarzini bezab, ifodalab uning qadr - qimmatini yuksaltiradi. Har bir oilaviy an'ana o`z shakli, mazmuni, maqsadi va vazifalarni nazarda tutadi. Oilaviy an'analar o`z milliy mazmuni, shakli, mohiyati hamda xususiyatlari bilan bir - biridan farqlanadi. Yosh avlodning muntazam tizimli uzluksiz, shakllanishida to`g`ridan to`g`ri kuchli tarbiyaviy ta'sir etuvchi milliy tarbiya vositasidir. Oilaviy an'analar xalqning boy axloq - odobi, madaniyati, ma'naviyati ijtimoiy, oilaviy tajribalari bilan uzaro uzviy bog`langan va ularni o`ziga xos tarzda aks ettiradi. O`zbek oilasining oilaviy an'analari quyidagi yo'nalishlarda o'z aksini topgan:

- aqliy;
- axloqiy;
- mehnat;
- nafosat;
- huquq;
- iqtisodiy;
- ekologik.

"Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalarning rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari"da ikkinchi asosiy rivojlanish sohasi "Ijtimoiy-hissiy rivojlantirish" bo'lib, unda bolalarning axloq me'yorlarini o'zlashtirishi, jamoada o'zini tutish, kattalar va tengdoshlar bilan muloqot kabilarni o'z ichiga oladi. [1:12]

"Ilk qadam" davlat o'quv dasturining tamoyillaridan biri- maktabgacha yoshdagi bolalarni milliy qadriyatlar asosida tarbiyalashdan iborat ekanligidir.[2:4]

Maktabgacha yoshdagi bolalar:

- mehmondo'stlik qoidalari;
- mehmondorchilikda o'zini tutish;
- barchaga salom berish;
- kattalarga hurmat va kichiklarga mehribon bo`lish;
- hol - ahvol so`rash;
- kerak bo'lganda yordam berish;

Oilada bolalarga singdirilayotgan barcha g`oya, tajribalar, yangi udumlar, urf - odatlar, ma'naviy - axloqiy qadriyatlar oilaviy an'analar orqali o`tadi hamda ularni barkamol etib shakllantirishga xizmat qiladi. Oilaviy an'analar maktabgacha ta'lim tashkilotlarida atrof-olam, nutq o'stirish, badiiy adabiyot bilan tanishtirish kabi mashg'ulotlar jarayonida berilayotgan maktabgacha yoshdagi bolalarga bergan bilimlarni hayotga tadbiq etishda yaqindan yordam beradi. Yangi avlod o`tmish ajdodlarning hayotdagi barcha tajribalarini muayyan darajada oilaviy an'analar vositasida davom ettiradi. Tarbiya jarayoni ko`p qirrali bo`lib aslida keksa avlodlar bilim, tajribalarini, ko`nikma va odatlarini yosh avlodga berib, uzatib borishdan ham iborat. Shuning uchun oilaviy an'analar maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda, oila tarbiyasining maqsad va vazifalarini amalga oshirishda milliy tarbiya vositasi bo`lib ijtimoiy tarbiyaga xizmat qiladi. Oilada bolalarni tarbiyalashda oila hayotida to`planib kelinayotgan milliy an'analardan maqsadga muvofiq ravishda foydalanish amaliy ahamiyatga ega.

Haqiqatan ham, jamiyat ijtimoiy hayotida ulug` ajdodlarimiz tomonidan oila turmushida milliy, tarixiy, mehnat, axloqiy - ma'naviy tajribalarning yangi avlodga meros bo`lib an'analar shaklda o`tishi maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalaydigan milliy vositaga aylanib qolishi tabiiy bir holdir. An'analarning eng qimmatli jihatlari maktabgacha yoshdagi bolalarni oilaviy va ijtimoiy hayotga tayyorlashda milliy tarbiya vositasi bo`lib xizmat qilmog`i lozim ekanligidir.

Oilaviy an'analar maktabgacha yoshdagi bolalarni barkamol etib tarbiyalashda xalqning asrdan asrga, ajdodlardan avlodlarga o`tib kelayotgan milliy ma'naviy - axloqiy qadriyatlariga aylansa, yanada mukammalroq, amaliyroq ahamiyat kasb etadi. Chunki oilaviy qadriyatlar o`zbek xalqi tomonidan qadrlanib, e'zozlanib kelinmoqda va shunday bo`lib qolaveradi. Oilaviy an'analar ma'anviy - axloqiy qadriyatlarga aylangandagina ularning ta'lim - tarbiyaviy qadr qimmati, o`quvchi - yoshlarni shakllantirishdagi amaliy ahamiyati yanada ortadi.

Shuning uchun ham oilaviy an’analar maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda va oilaviy hayotga tayyorlashda tarbiya vositasi bo`lib qolaveradi.

**Adabiyotlar ro’yxati**

1. Maktabgacha yoshdagi bolalarga qo’yiladigan Davlat talablari 2018 yil
2. “Ilk qadam” dsvlat o’quv dasturi 2018 yil

**MUSAYEVA NAFISA QUDRATOVNA,**
*NavDPI Maktabgacha ta’lim kafedrasi o‘qituvchisi*

**MURODULLAYEVA GULLOLA,**
*Maktabgacha ta’lim yo‘nalishi 2-kurs talabasi*

## OILADA ILK YOSHDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH

**Annotatsiya:** *ushbu maqolada ilk yoshdagi bola nutqining o‘z vaqtida, to‘g‘ri, aktiv rivojlanishi, nutqni o‘z vaqtida shakillanishiga to‘sqinlik qiluvchi sabablar va bartaraf etilishi haqida fikrlar bayon etilgan.*
**Kalit so‘zlar:** *nutq, go‘daklik davri, ilk yosh, to‘g‘ri nutq, faol muloqot.*

**Аннотация:** *в статье описаны своевременное, точное, активное развитие речи на первом году жизни, причины, препятствующие своевременному формированию речи, и идеи, как ее устранить.*
**Ключевые слова:** *речь, младенчество, ранний возраст, правильная речь, активное общение.*

**Annotation:** *this article describes the timely, accurate, active development of speech in the first year of life, the reasons that prevent the timely formation of speech, and ideas on how to eliminate it.*
**Keywords:** *Speech, infancy, early age, correct speech, active communication*

*«Tilda insonni va uni o‘rab turgan olamni bilish uchun bitmas-tuganmas hamda xali qo‘l tegmagan imkoniyatlar mavjud, biroq unga tilni tavsiflash orqali emas, balki uni o‘rganish vositasida erishish mumkin»*

**V.A.Zveginsev**

Til birliklari nutqni hosil qiladi, ya’ni har bir inson o‘z fikrini boshqalarga til orqali, til birliklari orqali bayon qiladi, boshqalar fikrini til orqali egallaydi, tushunadi. Ya’ni nutq tevarak-atrofdagi voqea-hodisalar haqidagi fikr mulohazalarni boshqalarga yetkazishdir. Shuning uchun til va nutq inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Maktabgacha ta’limda bolalar nutqida so‘zlarni grammatik va leksik jihatdan tog‘ri anglashi, nutq o‘stirish usullarini bilish, nutiq tovush madaniyatini shakilantirish har bir yosh guruhda bolalar nutqini o‘stirish va so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilish vazifalarini to‘g‘ri hal etish imkonini beradi, bolalarni maktabga tayyorlash vazifasining bajarilishini ta’minlaydi. Ilk yoshidagi davr bolaning jismoniy va ruhiy tomondan tezkorlik bilan (intensiv) rivojlanish bosqichi hisoblanadi. Bu yoshda markaziy nerv sistemasining rivojlanishida sezilarli o‘zgarishlar sodir bo‘ladi va miya fiziologik jihatdan yetilib bo‘ladi.

Ilk yoshdagi bola nutqining o‘z vaqtida va to‘g‘ri rivojlanishi aktiv rivojlanishning asosidir. Nutq vositasida bola bilan kattalar o‘rtasida turli munosabatlar o‘rnatiladi. Yaxshi rivojlangan nutq ruhiy jarayonlarning (xotira, tafakkur, xayol va boshqalar) rivojlanishiga, bolalarning maktabgacha ta’lim davridagi va undan keyingi faoliyatlariga katta ta’sir ko‘rsatadi. Bolalar nutqining rivojlanishi bilan kattalar nutqining tarbiya vositasi sifatidagi roli ortib boradi. Bolaning uch yoshgacha bo‘lgan davri uning nutqi, tafakkuri va bilish faoliyatining rivojlanishi uchun eng qulay bosqich hisoblanadi. «Bu davrga kelib miyaning nugq bo‘limi anatomik tomondan yetilib bo‘ladi, bola ona tilining asosiy grammatik shakllarini egallaydi, ko‘p so‘z to‘plamiga ega bo‘ladi. Agar uch yoshgacha bo‘lgan bolalar nutqiga yetarlicha e’tibor berilmagan

bo‘lsa, u vaqtda kelgusida yo‘l qo‘yilgan xato va kamchiliklarni bartaraf etish uchun katta kuch va g‘ayrat sarf etishga to‘g‘ri keladi»[113], – deb ta’kidlaydi o‘zining tadqiqotida M.M.Kolsova.

Yangi tug‘lgan chaqaloqlar tug‘ilgan davridan dunyoni tanishga intiladi, u kuzatish bosqichida bo‘ladi. Ular ko‘proq o‘ziga jalb qilgan odamga qarab емоционal harakatlar bilan muloqatning ilk ko‘rinishlarini namoyon qiladi. Bu davrdagi bolalar bilan muloqot qanchalik ko‘p bo‘lsa bolada shuncha erta nutq shakllanadi. Chaqaloqlik davri tugab go‘daklik davri boshlanishida bolalar har xil tovushlar chiqara boshlashi, 3 oyligidan “gu-gulash” va “chuchulash” davri boshlanadi. Bu davrda bola yaqinlari suyub, erkalashlariga nisbatan tushunarsiz tovushlar chiqaradi, 4-6 oyligida ilk bo‘g‘inlarini ayta boshlaydi, 10-11oyligida ilk so‘zlarini talaffuz qila boshlashi va bola 1yoshga yetganda 5-10 ta so‘zni to‘liq ayta olishi lozim.

Bola bilan ota-onasi va yaqinlarining faol muloqoti bu davrni qisqartirishga sabab bo‘lishi mumkin. Kuzatuvlarimiz shuni ko‘rsatadiki, bolaga doimiy e’tibor va so‘zlarni to‘g‘ri aytib muloqot qilinishi natijasida 3 oylikda yuzaga keladigan “gu-gulash” davri qisqarishi, bolada erta nutq alomatlar paydo bo‘lishini ko‘rishimiz mumkin. Bunga qaramasdan bolalarda nutqni o‘z vaqtida va to‘g‘ri shakillanishiga to‘sqinlik qiluvchi sabablar bisyor:

– irsiy omillar: ota-onaning kech til chiqarganliklari, nutqiy nuqsonlar bilan gapirishi;
– bolaga e’tiborsizlik qilish: ota-onaning farzandi bilan suhbatlashmasligi, muloqotga kirishmasligi;
– ortiqcha mehribonlik: ota-onasi va yaqinlarining farzandiga nisbatan mehrning ortib ketishi;
– katta yoshli kishilarning bolalarni erkalatib so‘z va iboralarni chala ayishlari sabab bo‘lishi mumkin.

Bolada nutqning to‘g‘ri shakllanishi atrofdagilar nutqiga, asosan, oiladagi nutqqa va to‘g‘ri nutq muhitiga bog‘liq. Ota-onalar - bu bola uchun nutq odati. Shuning uchun nafaqat nima deyishni, balki qanday aytayotganiga ham diqqat qaratish muhimdir. Birinchi kundan boshlab, chaqaloqning nutqini uyg‘oting:

– bolaga imkon qadar ko‘proq gapiring - so‘zlarni aniq, sekin, ammo hissiy jihatdan talaffuz qiling;
– kundalik nutq bilan cheklanmasdan, qilayotgan barcha harakatlaringizni ovoz chiqarib bajaring;
– bolalar uchun mo‘ljallangan qofiyali, she’rlarni o‘qing - bularning barchasini ritmik va quloqqa yaxshi singib ketadigan qilib aytish maqsadga muvofiqdi;
– birgalikda, aniqrog‘i, farzandingiz yaxshi ko‘rgan kitobdagi rasmlarni o‘rganing, kuzating va rasm yuzasidan savollar bering;

Bu jarayonlarda bola avvaliga, faqat siz so‘ragan narsani ko‘rsatib beradi va davomli suhbatlardan so‘ng sizdan keyin takrorlashga harakat qila boshlaydi.

Sog‘lom bolani tarkib toptirish juda ko‘p omillarga bog‘liq bo‘lib, bolaning kamolot mezonlaridan biri uni psixikasini va nutqini har tamonlama rivojlantirishdir. Bolaning psixik taraqqiyoti unda sezgi, idrok, diqqat, xotira, nutq, hayol va tafakkurning rivojlanishi bilan uzviy bog‘liq. Bolaning ruhiy kamolotining ko‘p jihatlari nutq bilan bog‘liq ravishda rivojlanadi, bola muloqotga kirishishi ya’ni tengdoshlari va kattalar bilan bo‘ladigan muloqotlari jarayonida juda ko‘plab ma’lumotlarga ega bo‘ladi va o‘zining ruhiyatini keyingi rivojlanish bosqichiga ko‘tarib boradi. Shuning uchun, bola hayotining dastlabki birinchi oyidan tarbiya faqat uni parvarish qilish bilan chegaralanmasligi kerak. Bolaning ilk yosh davridan eshitish qobiliyatini tarbiyalash, shuningdek, bolaning emosional sohasi – jilmayish, kulish, va ovoz tonini uyg‘otish lozim. Bularning hammasi birgalikda nutqining rivojlantirishga xizmat qiladi. Bolalarda nutq faoliyatining rivoji o‘zgalar nutqini oqilona idrok qilish va tushunish imkonini yaratadi, shaxslararo muomila ko‘lamini yanada kengaytiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**


1. L. Mirjalolova. Bolalarni gapirtirib o’ynaladigan o’yinlarga nutqiy jihatdan tayyorlash. T.: 2005 .
2. Shodiyeva Q. Maktabgacha yoshdagi bolalami to‘g‘ri talaffuzga o‘rgatish. -T .: 0‘qituvchi, 1990.
3. M. M. Kolsova. Rebyonok uchitsya govorit. M., 1973, 5- bet
4. Qodirova F.R., Kadirova R.M. Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi. -T.: Istiqlol, 2006.
5. E.G‘oziev. Tafakkur psixologiyasi. T.: O‘qituvchi, 1990.
6. Internet saytlari.


[113] M. M. Kolsova. Rebyonok uchitsya govorit. M., 1973, 5- bet

**G.P.ERMATOVA**
*Navoiy davlat pedagogika instituti*
*Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti*

# OLIADA MILLIY QADRIYATLARLARIMIZ ASOSIDA BOLALARDA SOTSIAL INTELLEKTNI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOIY PSIXOLOGIK ASOSLARI

**Annotatsiya:** *mazkur maqolada umuminsoniy, milliy qadriyatlar va ulardan oilada bola tarbiyasida eng yaxshi tarbiya vositasi sifatida muhim ahamiyat kasb etishi haqida qimmatli fikrlar yoritilgan.*

**Калит сўзлар:** *milliy an'analar, qadriyatlar, xalq og'zaki ijodi, maqol, matallar, tarbiya vositasi, o'zaro hurmat, bir-birlarini qadrlash, dono fikrlari, eng yaxshi turmush tajribalari.*

**Аннотация:** *в данной статье освещены ценные размышления об общечеловеческих, национальных ценностях и их значении как наилучшего средства воспитания ребенка в семье.*

**Ключевые слова:** *национальные традиции, ценности, устное народное творчество, пословицы, поговорки, средства воспитания, взаимоуважения, уважения друг к другу, мудрые мысли, лучший жизненный опыт.*

**Annotation:** *this article highlights valuable reflections on universal, national values and their significance as the best means of raising a child in the family.*

**Keywords:** *national traditions, values, oral creativity of the people, Proverbs, mats, means of upbringing, mutual respect, honoring each other, wise thoughts, best living experiences.*

Mamlakatimizda oila va bola tarbiyasiga juda katta e'tibor qaratilib, oilaga doir islohotlar olib borilmoqda.

Ko'hna tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak oila muqaddas dargoh va birinchi tabiya maskani sifatida faoliyat ko'rsatib kelayotganligini guvohi bo'amiz.

Darhaqiqat, inson dunyoga kelib ilk olgan sabog'i va tarbiyasini barchamiz uchun muqaddas bo'lgan oiladan ola boshlaydi. Har bir oilaning esa o'z oldiga qo'ygan eng ezgu maqsadlaridan biri: yosh avlodni barkamol shaxs etib tarbiyalashdir.Bu jarayonda ularni o'zligini anglashi, hayotda o'z o'rinini topishiga zamin hozirlashdir. Bu muqaddas maqsad va vazifani ado etish har bir ota-onadan juda katta ma'suliyat va e'tiborni talab etadi.Shu bilan birga shaxsiy namuna bo'lishga undaydi.

Bu tarbiya jarayonida avlodlarimiz tomonidan qoldirilgan boy merosimiz, milliy an'analarimiz, qadriyatlarimiz asosiy omil, ta'sirchan vositadir.Masalan: bola dunyoga kelgan kundan boshlab oila davrasida bo'ladi. Oilada esa katta yoshdagilar ota-ona va buvi-bobolari bolaga dunyo, tevarak-atrof haqida tushunchalar bera boshlaydilar.Bola tarbiyasida oilaviy an'analar asosiy tayanch bo'ladi. Chunki bolalarga bu an'analar ilk yoshlikdan boshlab o'rgatiladi va to'g'ridan-to'g'ri sigdiriladi.Xo'sh oilaviy an'analarga o'z ichiga nimalarni qamrab oladi.

Oilaviy an'analar: har bir oilada uning a'zolari o'rtasida o'zaro hurmat, bir-birlarini qadrlash, o'zaro hamjihatlikda fikr yuritish, hamkorlikda harakat qilish, bir-birlari bilan murosa qilish, mehribonlik, rahmdillik, mehr-oqibat, sabr-bardoshlilik, insonsevarlik, olijanoblik, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat kabi ma'naviy qadriyatlarni mujassamlashtirish mumkin. Bunday qadriyatlarning oilada e'zozlanishi o'sib kelayotgan yosh avlod shakllanishida o'ta muhimdir. Shu asosda har bir oila a'zosining iste'dodi va salohiyati to'la ro'yobga chiqishi uchun sharoit yaratiladi.[114]

Yuqorida oilaviy an'analar haqida ma'lumotlar keltirdik.Lekin an'ananing kelib chiqishi va u qanday ma'noni anglatishiga to'xtalmadik.Keling an'anaga biroz urg'u beraylik. "An'ana" asli arabcha so'zdan olingan bo'lib, uzoq zamonlardan beri avloddan-avlodga, otalardan-bolalarga, momolardan-onalarga, onalardan-bolalarga o'tib, davom etib kelayotgan urf-odatlar, axloq mezonlari, qarashlar va boshqalardir[115].

---

[114] N.K.Usmonova Oila tarbiyasi milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o'rni.T.: "Adolat" 2016 yil, 92-bet

[115] Qarshiboyeva S., Majidov J., Sharafitdinov Oilada Bolalarni xalq og'zaki ijodi namunalari asosida tarbiyalash T.: 2018 yil, 20-bet

An’ana ijtimoiy va madaniy merosdir.Ular iqtisodiy, milliy, kasbiy, jangovar, ilmiy, oilaviy an’analar sifatida jamiyatda, ijtimoiy guruh o‘rtasida keng yoyilgan jarayondir. Shuning uchun ijtimoiy hayot va an’analarni o‘rganish, ularning mazmunini bilish, odamlarning xulqi va xatti-harakatlariga ta’sir etishini tadqiq etish muhim ahamiyatga egadir.

An’analarning kelib chiqishi va shakllanib borishi murakkab jarayondir. Bunda xalqimizning dono fikrlari, eng yaxshi turmush tajribalari, tarbiyadagi axloq mezonlari, yaqinlarni, insonlarni hurmat-izzat qilish va qadrlashda o‘z ifodasini topgan. Shuning uchun ham yosh avlod ajdodlarimiz tomonidan tarixiy sharoitda vujudga kelgan ilg‘or an’analarni o‘zlashtirishi, unga rioya etishi va uni eng yaxshi tajribalari asosida boyitishi nihoyatda zarurdir.

An’analar o‘zbek xalqining asrlar mobaynida to‘plagan xalq og‘zaki ijodi bilan chambarchas bog‘liqdir.U xalqimiz ma’naviy madaniyatining oltin xazinasi hisoblanadi. Ajdod-avlodlarimiz o‘zlrining hayot tajribalari asosida to‘plangan, shakllangan dono fikrlarini keyingi avlod vakillariga og‘zaki hikoya qilish, alla, doston, ertak (ushuk), afsona, asotirlar, rivoyatlar, topishmoq, maqol, matallar shaklida yetkazib berishga harakat qilganlar[116].

Xalq og‘zaki ijodida inson hayotining hamma qirralari aks etgan. Ularda ota-onalarning bolalarni tarbiyalash, parvarish qilish borasidagi yo‘l-yo‘riq va usullari ham o‘z ifodasini topgan. Shuning uchun ham hozirgi paytda tarbiyaga ta’sir ko‘rsatuvchi xalq og‘zaki ijodiga bo‘lgan e’tibor kuchayib bormoqda.

Xalqimiz o‘zlari tomonidan yaratilgan dostonlar, afsonlar, ertaklar, topishmoq, maqol va matallardan oilaviy tarbiya jarayonida keng qo‘llaganlar. Bolalarni ota-onalarining, oiladagi katta yoshdagi insonlarning gaplariga, pandu-nasihatlariga quloq solishga, ularning maslahatlariga amal qilishga va doston, ertak qahramonlaridan namuna olishga o‘gatganlar.

Xalq og‘zaki ijodiyoti namunalaridan biri bo‘gan maqollardir Masalan:

*Inson – odobi bilan,*
*Osmon – oftobi bilan.*

*Odobli o’g’il – ko’kdagi yulduz,*
*Odobli qiz – yoqadagi qunduz.*

*Ota oldidan o’tma,*
*Odob oldidan ketma.*

*Otang bolasi bo’lma,*
*Odam bolasi bo’l.*

*Yaxshi bola – otaga quvvat,*
*Yomon bola – uqubat.*

*Husn husn emas, odob husn.*

*Bola- aziz, odobi undan aziz*[117].

Bu maqollarda o‘zbek xalqining tarbiyaga oid qarashlari o‘z ifodasini topgan. Bu e’tiqod yillar davomida ular ongiga singib ketgan[118]. Bola tarbiyasi, inson odobi, odobli farzand, ota-onani hurmat, inson husni odobi bilan go‘zal ekanligi haqida juda yaxshi tarbiya vositasi sifatida ma’lumotlar keltirilgan. Ota-onalar farzand ko‘rish, ularni sog‘lom o‘stirish bilan birga, ularning odobli bo‘lishlarini ham orzu qilishgan. Bola tilga kirishi bilanoq axloqiy tarbiyaning alifbosi bo‘lgan salomlashishni o‘rgatishgan. Bolalar uyga kirishda, o‘zidan kattalar bilan uchrashganda, yo‘lda ketayotganda o‘ng qo‘lini ko‘ksiga qo‘ygan holda

[116] Qarshiboyeva S., Majidov J., Sharafitdinov Oilada Bolalarni xalq og‘zaki ijodi namunalari asosida tarbiyalash T.: 2018 yil, 21-bet
[117] O‘zbek xalq maqollari.2005 yil, 225-bet
[118] Farmonova M.Qadriyatlar-ma’naviy kamolot asosi T.2019 yil, 20-bet

"Assalomu alaykum" deb so'rashadilar. Bu ham xalq tarbiyashunosligining azaliy o'lmas sabog'i bo'lib, o'zbek xonadonida mustahkam o'rin olgan.

Xalqimiz o'zining an'anaviy tarbiya uslublarida bolalardan kattalarga birinchi bo'lib salom berishni, kattalar suhbatiga aralashavermaslikni, ularni turli savollar bilan charchatmaslikni, kattalar o'z joylariga o'tirgunga qadar o'tirmaslikni, uyga mehmonlardan so'ng kirishni, lekin eshikni birinchi bo'lib ochib, ushlab turish, ularga yordam berish kabi odob qoidalariga rioya etishni har doim talab qilgan.

Ota-ona dasturxondagi taomga qo'l uzatmaguncha hech kim qo'l uzatmagan. Dasturxon atrofida o'tirganda choyni yoshi kichiklar quyishgan. Piyolani o'ng qo'liga ushlab, chap qo'lini ko'ksiga qo'yib, piyolani oluvchiga uzatgan. Dasturxon atrofida o'tirganlar ovqatini yeb bo'lsa yoki biror yoqqa bormoqchi bo'lsa, faqat yoshi katta kishilardan kechirim va ruxsat so'rab, keyin joyidan turganlar. Bunday qoidalarga rioya qilgan bolalargina, tarbiya ko'rgan bolalar sifatida baholangan. Bolalar xulq-atvoriga qarab ota-onalarning tarbiyaviy iqtidorlariga baho berilgan.

Bu muqaddas dargohda kelajak kishisi kamolga yetadi. Keksalar ko'pincha "Bug'doy eksang- bug'doy olasan, arpa eksang - arpa olasan»" deyishadi. Shuning uchun ham kelajagimizning qanday bo'lishi bugun qanday hayot kechirayotganimizga, bolalarimizga qanday tarbiya berayotganimizga, ular qalbini qanday tuyg'ular, qanday orzular bilan to'ldirayotganimizga bog'liq.

Oilada bolalarni tarbiyalash uchun xalq pedagogikasi qo'l kelishini yaxshi biladilar. Ularda xalqning ilg'or ananalari urf-odatlari, ertak va maqollari, qo'shiq va dostonlari, topishmoq va matallari mujassamlashgan bo'ladi. Xalq og'zaki ijodida aqliy, axloqiy va jismoniy kamolot, ilm va hunarga muhabbat, insonparvarlik va mehnatsevarlik, rostgo'ylik va mardlik kabi tarbiyaning hamma tarkibiy qismlari mavjud.

Xalqning donoligi shundaki, u bolalarning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olib, oilaviy tarbiyani xalq faoliyati va o'gitlari bilan chambarchas bog'liq holda olib borilgan.

Oilada ota-ona sifatida asosiy faoliyatimiz bola tarbiyalash bo'lib, bizning bugunimiz va ertamizning negizini ana shu tashkil etadi. Oiladagi tarbiya orqali milliy adriyatlarni bola xulq-atvori va ongiga singdirish muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, bejizga xalqimizda, "Qush uyasida ko'rganini qiladi" degan naql mashhur emas. Agar oiladagi ahillik oilalarning mustahkamligining garovi bo'lsa, o'z navbatida mustahkam oila mahallalarning obodligi va tinchligi, aholining totuv yashashi uchun zarurdir. Bu esa yurt tinchligining garovidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. N.K.Usmonova Oila tarbiyasi milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o'rni.T.: "Adolat" 2016 yil, 92-bet
2. Qarshiboyeva S., Majidov J., Sharafitdinov Oilada Bolalarni xalq og'zaki ijodi namunalari asosida tarbiyalash T.: 2018 yil, 20-bet
3. Qarshiboyeva S., Majidov J., Sharafitdinov Oilada Bolalarni xalq og'zaki ijodi namunalari asosida tarbiyalash T.: 2018 yil, 21-bet
4. O'zbek xalq maqollari.2005 yil, 225-bet
5. Farmonova M.Qadriyatlar-ma'naviy kamolot asosi T.2019 yil, 20-bet

**И.З.НАСИРОВ,**
*т.ф.н., доц. Андижон машинасозлик институти*

**И.И.ЗОКИРОВ,**
*Домброва Гурнича Бизнес академияси (Польша)*

# ОИЛАВИЙ МУҲИТДА БОЛАЛАРГА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ ЎРГАТИШ

**Аннотация:** *оилада ота-она ва болаларнинг ўртасида ижодий алоқаларни ўрнатиш йўллари баён этилган. Оиладаги ижодкорлик-кундалик ҳаётнинг бир қисми бўлиб, унда кундалик турмуш тартиби, ишлар ва оилавий вазифаларни ижодкорона бажарилади. Масалан, уйларни безаш, овқат пишириш, томорқада экинлар етиштириш ёки уни бегона ўтлардан тозалашга озгина фантазия қўшиш- бу ишларнинг қизиқарли, яъни ижодий бўлишига олиб келади.*
**Калит сўзлар:** *интернет, ота-она, бола, ахборот оқими, ғоя, фантазия, яратиш, ижодкорлик, ғайритабиий, одатий, нисбий, яхши, фойдали, кундалик ҳаёт, келажак.*

**Аннотация:** *описаны способы установления творческих связей между родителями и детьми в семье. Творчество в семье- это часть повседневной жизни, в которой повседневные порядок, работа и семейная деятельность решаются творчески. Например, украшение домов, приготовление пищи, выращивание и прополка сельскохозяйственных культур в саду с добавлением немного фантазии, что может быть забавным, то есть творческим.*
**Ключевые слова:** *интернет, родители, ребёнок, поток информаций, идея, фантазия, создание, творчество, неестественный, обычный, относительный, хороший, полезный, повседневная жизнь, перспектива.*

**Annotation:** *the ways of establishing creative ties between parents and children in a family are described. Creativity in the family is a part of everyday life in which daily routines, work and family activities are handled creatively. For example, decorating houses, preparing food, growing and weeding crops in the garden with a little imagination added, which can be fun, that is, creative.*
**Key words:** *internet, parents, child, information flow, idea, fantasy, creation, creativity, unnatural, ordinary, relative, good, useful, everyday life, perspective.*

Замонавий болалар- ўспиринлар энди мусиқа ва санъат мактабларига унчалик қизиқиш билдирмаяптилар. Уларнинг аксарият фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва компьютер ўйинларига йўналтирилган бўлиб, бу кўплаб ота-оналарни ташвишга солмоқда. Болалар ва ўспиринлар иқтидорли бўлишлари ва тобора ўсиб бораётган ахборот оқимида моҳирлик билан ҳаракат қилишлари учун оилада уларга маълумотларни осон, тез идрок этиш, таҳлил қилиш ва янги технологияларни ўзлаштириш ҳамда турли вазиятларда ғайриоддий ечимларни топишни ўргатиш керак. Бундан ташқари болаларда мустақил равишда предметларни фантазия қилиш, яратиш ва ясаш қобилиятини шакллантириш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси ижодкорлик деб юритилади.

Ижодкорлик (креативлик, инглизча “cretiity”- яратувчанлик сўзидан олинган)- бу таърифлаш осон бўлмаган сўз. Агар инсон қандайдир бир ғайритабиий ва шу билан бир вақтда аҳамиятли ва фойдали нарса яратган бўлса биз уни “ижодкор” деймиз.

Ғайритабиийлик мезони- одатийлик мезони сифатида муҳокамага муҳтож. Масалан, ғоя қанчалик ғайритабиий ва у қандай даражада одатий- деб берилган саволларга муҳокама давомида жавоб берилиши керак.

Бу мезонларнинг ҳар иккалалари ҳам нисбий бўлганлиги учун, ижодкорлик тушунчасининг ўзи ҳам нисбий.

Бу дегани ҳар қандай фаолиятни озми- кўпми даражада ижодий деб, аташ мумкин. Ижодкорлик қобилияти одамда бор ёки йўқ бўлиши мумкин бўлган хусусият эмас. Ижодкорлик- бу контекстда қараш зарур бўлган бир қатор жараёнлардир. Шу жараёнларнинг биттаси ёки бир нечтаси кўникиб қолинган

фаолиятларга янгилик олиб киради. Масалан, бундай ҳаракатлар қаторида масалани аниқлаштириш ва шакллантириш мумкин бўлган турли ечимларни ишлаб чиқиш ва баҳолашни кўрсатиш мумкин [1].

Ижодкорлик тушунчасининг ягона таърифини йўқлиги шу билан боғликки, одамлар "ғайритабиий", "яхши" ва "фойдали" деб нимани аташ мумкинлиги ҳақида ягона фикрга эга эмаслар, шу сабабли бу тушунчалар жуда нисбий. Кузатувчининг позициясига бутунлай боғлиқ. Шу сабабли нима учун ижодкорлик тутқич бермайдиган, сирғалиб чиқиб кетадиган муҳокама предмети эканлигини осон тушуниш мумкин. Ғоя ёки қандайдир бир фаолият натижаси ижодий деб эътироф қилиниши учун биринчи навбатда уни атрофидагилар ғайритабиий, яхши ва фойдали,- деб тан олишлари зарур. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ижод тушунчасида вақтлар ўтган сайин муҳим ўзгаришлар рўй бермокда. Масалан, бизнинг замонамизда энг, монументал ҳисобланувчи Ернинг айланиши ҳақидаги тушунча ўз вақтида "аҳмоқона фикр"- дейилган эди.

Гарднер ижодга берган таърифида яна бир шартни қўшди. У ижод одами албатта узлуксиз равишда ижодий масалаларни ҳал қилиши ва ижод маҳсулотларини яратиши шарт деб ҳисоблади. Бу қўшимча шарт ижодий жараёндаги "омад" тушунчасини сиқиб чиқаради, чунки узлуксиз натижани ҳисобланаётганда фавқулодда ва жуда кам бажарадиган ҳаракатларни эътиборга олинмаслиги керак. Лекин биз қайси таърифни танлаб олмайлик, барибир барчамиз ижодга эҳтиёж сезамиз ва у билан у ёки бу даражада шуғулланамиз. Ижодий фаолият бизнинг кундалик ҳаётимизни жозибалироқ қилади: фан ва санъатни ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди: усиз математика ва бошқа фанларни тараққиёти мумкин эмас. Биз ҳар доим мураккаб фикрни ифодалаганимизда ёки оққоғозни матн билан тўлдирганимизда ижод билан шуғулланамиз. Агар биз шу ишни самарали ва ғайриодатий тарзда удаллай олсак, бизни тўлақонли "ижод кишиси"- деб аташ мумкин.

Ижодкорликни қандай қилиб оиланинг севимли машғулотига айлантириш мумкин. Бунинг учун ота-она ва бола муносабатларига ижодий тус бериш керак, яъни ота-она боланинг севимли машғулотларини ижодий машғулотларга айлантиришга ҳаракат қилишлари керак.

Масалан боланинг компьютерда ишлашини- "вақтни беҳуда сарфлаш" деб ҳисобламаслик ва аксинча боланинг бу ишларини қайси соҳада қўллаш мумкинлигини топишга интилиш керак.

Шунда ота-она ва боланинг ўртасида ижодий алоқаларни ўрнатишга муваффақ бўлинади. Ахборот соҳасидаги ушбу янги йўналиш барча оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни дўстона қилади ва янги ривожланиш векторига эга бўлади, чунки энди улар биргаликда вақт ўтказиш учун умумий хоббига айланади.

Оиладаги ижодкорлик- кундалик ҳаётнинг бир қисми бўлиб, унда кундалик турмуш тартиби, ишлар ва оилавий вазифаларни ижодкорона бажаришдир. Масалан, уйларни безаш, овқат пишириш, томорқада экинлар етиштириш ёки уни бегона ўтлардан тозалашга озгина фантазия қўшиш- бу ишларнинг қизиқарли, яъни ижодий бўлишига олиб келади.

Келинг, қандай қилиб ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини янада қизиқарли, яъни ижодий қилишни кўриб чиқайлик? Ижод- кундалик ҳаётда сиз бажараётган ишларни ўзгартириб бажариш бўйича тажриба қилишингиз мумкин ва керак. Ахир, ижодкорлик сизга ишларни бажаришда муқобил ечимни топишга, танлов қилишга, муаммоларни ҳал қилишга ва натижаларни баҳолашга ўргатади. Ижод- бу озгина ғайриоддий гўзаллик ва илҳом билан тўлдириб бажарилган ҳар қандай ишдир [2].

Одам ўз тасаввури билан мутлақо ҳамма нарсани яратиши мумкин. Психотерапевтлар ижодкорлик ҳамма учун ва айниқса болалар учун фойдали эканлигини исботладилар, чунки у ҳаммани қўрқув билан қандай курашиш кераклигини ўргатади ва ҳиссиётларни уйғотади. Ижодий қобилият тобора кўпроқ инсон учун ҳам, жамият учун ҳам муваффақиятнинг муҳим омилларидан бири сифатида келтирилади. Ижодий жараён барча ҳислар- кўриш, эшитиш, тегиниш, ҳидлаш ва таъмни ўз ичига олиши мумкин. Бу вақтда мияда янги фикрий боғланишлар вужудга келади ва ўрнатилади. Ижодкорлик ўзингизни ва атрофингиздаги дунёни билишга ёрдам беради Бу, айниқса, болалар учун жуда муҳимдир. Улар жуда ажойиб маълумотларни ўзлаштирадилар, шунинг учун улар олинган билимларни қандай ишлашни ўрганишлари керак. Ҳаракат, тасвир, ранг, чизиқ, хаёл- буларнинг барчаси ёрдамида болалар ўзларини ифода этадилар

Уйингизда илҳомлантирувчи муҳитни қандай яратиш керак? Буни оила аъзоларини ижодий жараёнга эҳтиёткорлик билан жалб қилиш учун қилинг. Ҳар куни уйнинг бундай жойларидан ўтаётганда улар, албатта, ўз қўллари билан бирор нарса қилишни хоҳлашсин.

Ижодкорлик- болаларда кундалик ҳаётда, келажакда фойдали бўладиган қуйидаги кўникма ва қобилиятлар шакллантира боради:

– фазовий фикрлаш;
– математик ва физик маҳорат;
– ижодий ва мантиқий фикрлаш;
– тасаввур қилиш ва зукколик;
– масъулият ва меҳнатсеварлик;
– лойиҳалаш қобилияти;
– когнитив қизиқиш;
– муваффақиятга интилиш ва ўз имкониятларига ишониш ҳисси;
– жамоада ишлаш қобилияти.

Ҳозирги замон психологлари шундай хулосага келишдики, Эйнштейн, Мария Кюри ва Моцарт каби ижодий гигантларда "ҳеч қандай ғайритабиийлик" мавжуд бўлмай, уларнинг ижодини кундалик одатий жараённинг давоми деб қараш мумкин. Вайсберг ҳар доим ижодни "оддий ҳохиш"- деб қарашни ҳимоя қилар эди. Бунга мисол тариқасида у темир ва симлардан ясалган абстракт скульптуралари билан машҳур бўлган рассом Александр Кальдера (1898-1976) нинг биографиясини келтиради [3]. Ёшлигида Кальдера симлардан ўз синглисига безаклар ясаган. Унинг ота-оналари рассомлар бўлиб, фарзандаларига санъат дарсини ўтишар ва бола ёшлигидан отасининг скульптуралари ва онасининг чизган расмлари билан ўралган эди.

Ижодий жараёнда биз кўп ҳам бирор- бир нарсани исбот қилишга ҳаракат қила бермаймиз, балки барча имкониятларимиздан фойдаланиб, муаммонинг ечимини илгарилатишга уринамиз. Гипотезлар, фаразлар ёки провакацион ғоялардан фойдаланиб ижодий кескин интилиш (ревок)ни амалга ошириш мумкин. Айрим ҳолларда ахборот етакчилигида биз етишмаётган тафсилотларни ўйлаб топишга мажбурмиз.

Ижодий фикрлаш жараёнида фаразлар ва тахминларни илгари суриш ахборотлар олишга ва ғояларни пайдо бўлишига янги йўллар очади.

Фақат ахборотларни таҳлил қилишгина, янги ғояларни пайдо бўлиши учун етарли эмас. Бунда ақл фойдаланишга олдиндан тайёр қилиб қўйилган, яъни эски ғояларнигина кўриши мумкин. Шунинг учун фаразларни илгари суриш санъатини ривожлантириш зарур. Уларни диапазони етарли даражада кенг, яъни тўла асосланган тасдиқдан тортиб то кўп ҳолларда ҳатто тўғрига ўхшашликка ҳам даъво қила олмайдиган абсурд фаразларгача бўлиши мумкин.

Абсурд ғоя муаммога бошқа томондан нигоҳ ташлашга имкон беради. У янги йўлларни таклиф қилмайди, лекин эски ва топталган йўллардан чиқаради. Ижодий фикрлаш- янги яратувчан конструктив ғоялар (айрим ҳолларда мантиқ чегарасидан чиқувчи)ни интеллект, интуиция ва ижодий тасаввур ёрдамида генерациялаш ва рўёбга чиқариш жараёнидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Aysacheva Z.A., Ibroximova M.M., Nasirov I.Z. Parallel management of educational and scientific materials for students// Proceedings of the ICECRS "Generating knowladge through research" 04 aprel 2019 JL.Monopahit 666B, Sidoarjo, Jawa Timur 61215, Indonesia ISSN: 2548-6060. P. 298-305.
2. Насиров И.З. Техник ижодкорлик асослари. Ўқув қўллнма. Андижон: "Step by steep print" 2020- 124 б.
3. Lipman J., Aspinwall M. Alexander Calder and his magical mobiles. New York: Hudson Hills Press; Whitney Museum of American Art, 1981.

**Б.Х.НАРЗУЛЛАЕВА,**
*Тошкент шаҳар 328-мактаб ўқитувчиси,*
*мустақил тадқиқотчи*

# МАҲАЛЛА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА ОИЛАДА МАЪАНВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА МУТАХАССИС ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** *маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис фаолиятини такомиллаштириш вазифалари, мамлакатимиз тарихида хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолияти ва замонавий намунали оиланинг мезонлари тавсия этилган.*

**Калит сўзлар:** *оила, маҳалла, хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, фаолият, иқтисодий-ижтимоий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, соҳалар*

**Аннотация:** *в данной статье излагаются рекомендательные задачи по совершенствованию работы специалистов по работе с женщинами в махаллях и укреплению духовно-нравственных ценностей в семьях, роли женщины в истории нашей страны и критериям современной образцовой семьи.*

**Ключевые слова:** *семья, махалля, женщины, социальная активность, деятельность, социально-экономическая, социально-политическая, духовно-нравственная сфера*

**Annotation:** *the tasks of improving the work of a specialist in working with women in the neighborhood and strengthening the spiritual and moral values in families, the role of women in society in the history of our country and the criteria of a modern exemplary family are proposed.*

**Keywords:** *family, neighborhood, women, social activism, activity, economic-social, socio-political, spiritual-moral, spheres*

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳатлар натижасида юрт истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор маҳаллада фаолият юритаётганларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёни кўламини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги (2021 йил 3 феврал) Фармонида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва оиланинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш мақсадида камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ўсишнинг пойдеворини яратишда маҳаллаларда “Аёллар” ва “Ёшлар” дафтарига киритилган фуқароларга ер майдонлари ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар ажратиш амалиёти йўлга қўйилади. Фармонда “Марказ-Маҳалла-Фуқаро” тамойили бўйича давлат хизматлари орқали кўрсатиб боришини таъминлаш бўйича ва “Бир зиёли-бир маҳаллага маънавий ҳомий” ғоясини амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда (2018 йил. 2 февраль). Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги қайд этилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллаий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимини жорий этилди ва мутахассис лавозими ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан бўлиш тасдиқланади.

Ҳалқимиздан азал-азалдан "маҳалла-Ватан ичра Ваатндир" , "Отанн-маҳалланг, онанг-маҳалланг",- деган ҳикматлар бежиз тилга олинмаган ва уларга изчил риоя қилиб келинган. Дарҳақиқат, маҳалла-фуқароларни, биринчи навбатда, ўғил-қизларни одоб-ахлоқ, ор-номус, бирдамлик, умуман миллий анъана руҳида тарбиялаш ўчоғидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектр бўлиб ўтди. Ушбу йўналишда режалаштирилган чора-тадбирлардан бири: "Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш". У маҳалладан тортиб республика даражасигача қирқ мингдан ортиқ ходимни бирлаштиради. Вазир – "Маҳалла" жамғармасига, вазирнинг биринчи ўринбосари – "Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш" жамоат фондига, Кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосар "Нуроний" жамғармасига раисликни ҳам бажаради.

"Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида"ги ва юқоридаги фармонда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилган.

Республикамиз 1991 йил мустақиликка эришгандан кейинги йилларида маҳалланинг маҳалла тушунчаси, ишларини ташкил этиш, унинг моҳияти ва мақсади ҳамда ўзини-ўзи бошқариш, унинг ваколатлари, маҳалла оқсоқолининг ва хотин-қизлар кенгашининг вазифалари бўйича А.М.Мелиев, Т.Шукуров, Н.Абдуллаев, Д.Ғуломова, Т.Саттаров, Ф.С.Аюповлар томонидан назарий ва амалий ишлар қилинган.

Педагогика, психология олимларидан О.Мусурмонова томонидан оила, оилани турлари, оилани ўрганиш алгоритми, О.Сафаров, Н.Маҳмудовлар оила маънавияти, М.Куронов оилада миллий тарбия, В.Каримова, Э.Ғозиев, М.Давлетшинларнинг оила психологияси масалалари ўрганилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш мутахассис фаолиятини вазифалари тўлиқ очиб берилмаган, бу алоҳида тадқиқот муаммолари сифатида ўрганилмаган.

Бизлар қуйидаги илмий-тадқиқот вазифаларини белгилаб олдик:

– мамалакатимиз тарихида хотин-қизларни жамиятдаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– халқимизнинг миллий ва маданий анъаналарини тиклашда хотин-қизларнинг ўрни;

– Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш ва оиаларада маъанавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиснинг педагогик-психологик оптимал принципларини ишлаб чиқиш;

– замонавий намунали оиланинг мезонларини ва тадқиқот, натижасида тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. Б-39.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони. // Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 2 февраль.
3. Баркамол авлодни тарбиялашда "Оила, маҳалла ва таълим муассасалари" ҳамкорлиги Концепцияси. Т. 2012 йил.

4. Сафаров О., Маҳмудов М. “Оила маънавияти”.-Т.: Маънавият. 1998 йил. 191 бет.
5. Куронов М. Миллий тарбия. - Т.: Маънавият. 2018 й. 163 б.
6. Мелиев Х.А., Буранова Ш. Маҳалла, оила ва мактабгнача таълим ташкилоти ҳамкорлик тизими ишларини такомиллаштириш. Жиззах ш. 2021й. ЖДПИ, Таҳририй-нашриёт бўлими. Монография. 108 б.

**АЗИЗА МУХСИЕВА,**
*Низомий номили ТДПУ доценти,*
*педагогика фанлари номзоди*

## ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада оилада болаларни маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялашнинг миллий хусусиятлари, оиланинг ижтимоий мавқеи ҳамда ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясида этнопсихологик ва педагогик ғояларга танишлари ўсиб келаётган авлодда миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларга содиқлик ҳиссини тарбиялашдаги ўрни ёритиб берилган. Жамиятнинг тараққий этишида оилавий тарбиянинг аҳамияти таҳлил этилган.*

**Таянч сўзлар:** *оила, миллий қадриятлар, баркамол шахс, тарбия, миллий ғурур, миллий тарбия, инсонпарварлик, миллий маданият, она меҳри, маънавий-ахлоқий фазилатлар.*

**Аннотация:** *в статье освещаются национальные особенности воспитания детей в семье, социальный статус семьи и роль знакомства родителей с этнопсихологическими и педагогическими идеями в воспитании у подрастающего поколения осознания национальной идентичности, верности национальным ценностям в воспитании детей. Анализируется значение семейного воспитания в развитии общества.*

**Ключевые слова:** *семья, национальные ценности, гармоничная личность, воспитание, национальная гордость, национальное воспитание, человечность, национальная культура, материнская любовь, духовно-нравственные качества.*

**Annotation:** *The article highlights the national characteristics of raising children in the family, the social status of the family and the role of acquaintance of parents with ethnopsychological and pedagogical ideas in the upbringing of the growing generation of awareness of national identity, loyalty to national values. The importance of family education in the development of society is analyzed.*

**Key words:** *family, national values, harmonious personality, upbringing, national pride, national upbringing, humanity, national culture, motherly love, spiritual and moral qualities.*

Мамлакатимизда педагогика фани тараққиётида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти миллий қадриятларни тиклаш, уларни чуқур ўрганиш, асраб-авайлаш ҳамда бойитиш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий ҳаракатга уйғун тарзда миллий педагогик ёндашувларни тадқиқ қилиш, оилада шахсга тарбия бериш борасидаги Шарқ ва Ғарб тажрибаларини ўзаро мувофиқлаштириш, миллий-этник қарашларга таянган ҳолда мавжуд ютуқларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигида акс этади. Айни вақтда бу йўлда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, оилада миллий тарбия имкониятларини ўрганиш, халқнинг бой педагогик тажрибасини тадқиқ этиш асосида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Оилаларда ташкил этилаётган тарбия ўзининг туб моҳиятига кўра миллий хусусиятларни намоён этиш билан бирга ижтимоий мақсаднинг амалга ошишига хизмат қилади. Шу боис педагогика фанида оила тарбияси ижтимоий педагогиканинг муҳим йўналиши сифатида ўрганилади. Мамлакатимизнинг

тараққий этиш йилларида оила муаммолари ва оила тарбиясини ташкил этишда самарадорликка эришиш масалаларининг тадқиқ этилишига давлат сиёсати даражасида аҳамият бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "**Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас**[119]" – деб таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур ғоялар, давлат сиёсатини ёритувчи манбаларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, мурожаатномада оиланинг жамиятда тутган ижтимоий мавқеи, унинг демократик ва инсонпарварлик ғояларига асосланувчи жамиятни барпо этишдаги роли аниқ ифодалаб берилган. Чунончи, оила – маънавий-ахлоқий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий маданиятимизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оилани «тарбия ўчоғи» сифатида фарзандларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш миллий тарбия самарадорлигини таъминлашнинг муҳим тамойил эканлигига эътиборни қаратди. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро хурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Оила муҳитида ташкил этилаётган тарбиявий фаолиятнинг миллий тарбия ғояларига асосланиши шубҳасиздир. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбия деганда ҳам миллий, ҳам замонавий талабларга мос анъана ва тажрибалар воситасида амалга оширилаётган тарбия жараёни тушунилади.

Оилада маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида миллий тарбия асосларидан ўринли фойдаланиш, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясида этнопсихологик ва педагогик ғояларга таянишлари ўсиб келаётган авлодда миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларга содиқлик ҳиссини тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида ота-оналарнинг самарали методик ёндошув асосида иш кўришлари фарзандларда миллий менталитетга хос сифатларни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий тарбия асосларини авлоддан-авлодга узатиш имконини беради. Сўнгги йилларда педагогика ва психология йўналишларида олиб борилган илмий изланишлар ҳамда аҳоли, шу жумладан, ёш ота-оналар ўртасида ташкил этилган ижтимоий сўровлар натижаларининг қайд этишича, уларнинг аксарияти миллий тарбия асослари, хусусан, фарзандлар тарбиясини йўлга қўйишда миллий-методик ғоялардан фойдаланиш тажрибасига эга эмасликларини кўрсатди.

Оила тарбиясини самарали ташкил этишда уларнинг мазмунида илғор, таъсирчан, болаларда ўз-ўзига ишонч, олға интилиш, тиришқоқлик, ҳар бир фаолиятни ташкил этишда қатъиятли бўлиш, улардаги хавотир ва қўрқув ҳиссини бартараф этиш, мустақил фикрлаш олиш, ўз қарашларини эркин баён эта олиш ва уни исботлай билиш каби сифатларни тарбиялашга ёрдам берувчи тарбия методларидан кенг фойдаланишга имкон берувчи педагогик шартт-шароитларни илмий асосда ўрганиш ўзига хос давом этади.

Оила ва уни бошқариш масалалари Абдурауф Фитрат томонидан яратилган «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарининг асосий ғояси сифатида танланган бўлиб, унда муаллиф асосий эътиборни уйланиш, умр йўлдоши танлаш, оилавий ҳаётни йўлга қўйиш, оила аъзоларининг аҳил бўлишлари, оилавий фаровонликни таъминлаш шартлари, фарзанд тарбияси, ота-оналарнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳоказоларга қаратади. Асарда, шунингдек, оила тарбиясини йўлга қўйишда қўлланилувчи услублар борасида ҳам сўз юритилади. Тушунтириш, ҳикоя қилиш, намуна кўрсатиш, рағбатлантириш, болани ҳақоратлаш ва қўрқитишдан сақланиш каби услублардан фойдаланиш оилада болалар тарбиясини ташкил этишда самарали эканлигига эътибор қаратилади. Муаллифнинг қайд этишича, «эртак орқали бўлса ҳам уларга (болаларга) доим фидокор одамлар ҳақида, мурувватли шахсларнинг феъллари ҳақида, мўмин ва Аллоҳдан қўрқувчи одамлар ҳақида ҳикоя қилиб, яхши амалларнинг фойдасини эслатиб туриш лозим. Деву пари, жин ва чўлу биёбон алсастилари ҳақидаги қиссаларни

---

119 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаати. https:/president.uz/uz/lists/view/3324.

болаларга айтманглар. Ёмон хулқ ва ишёқмасликнинг зарарлари ҳақида болаларга айтиб бериш ва зеҳнига буни жойлаш ота-она учун ажибдур. Бундай ҳисса ва ҳикоялар вақт ўтиши билан эсларидан чиқса, таъсири зеҳнларида қолади ва ҳаётларига катта таъсир кўрсатади»[120].

Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш кўпгина омиллар таъсирида таркиб топади. Бу омилларнинг асоси оилавий муносабатлар характери, ота-оналарнинг шахсий намунаси, улардаги умумтаълим даражаси ва савияси ҳамда уларнинг педагогик маданияти ва оилавий ҳаётнинг ташкил этa олишидан иборат. Маънавий-ахлоқий тарбия – одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, унинг феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин.

Хулоса қилиб айтганда, оиланинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи, оилада болаларни маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш, фарзандлар тарбиясини ташкил этишда қўлланилувчи услублар, оиланинг муқаддаслиги ва жамиятнинг асоси, оилада амалга оширилаётган тарбия мазмунида фарзандларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий камолоти жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омил эканлиги эътироф этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаати. https:/president.uz/uz/lists/view/3324.
2. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 1998. – 80-81-бетлар.
3. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар. - Т., 1995.



**ХИДИРОВА НАРГИЗА ЎРИНОВНА**
*тарих фанлари номзоди, етакчи илмий ходим,*
*ЎзМУ “Ижтимоий фанлар” факультети*


## ЎЗБЕК ХАЛҚИ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИДА ЕТИМ БОЛАГА МУНОСАБАТ МАСАЛАЛАРИ


**Аннотация:** *мақолада ўзбек миллий урф-одат ва анъаналари асосида шаклланган етим болага муносабат масалалари халқ оғзаки ижоди ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Эртак, достон, мақолларда акс этган жиҳатлар, ислом шарий қоидалари асосида шаклланган етим болага муносабат масалалари ўрганилган.*



**Калит сўзлар:** *етим бола, халқ оғзаки ижоди, архив ҳужжати, урф-одат, анъана, она, ота, хола, қариндош.*



**Аннотация:** *в статье анализируются вопросы обращения с детьми-сиротами, сформированные на основе узбекских национальных обычаев и традиций, на основе фольклорных и архивных документов. Изучались аспекты, отраженные в сказках, былинах, пословицах, вопросы лечения ребенка-сироты, сформированные на основе норм исламского шариата.*



**Ключевые слова:** *ребенок-сирота, фольклор, архивный документ, обычаи, традиции, мать, отец, тетя, родственник.*



**Annotation:** *the article analyzes the issues of treatment of orphans, formed on the basis of Uzbek national customs and traditions, on the basis of folklore and archival documents. The aspects reflected*


---

[120] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 1998. – 80-81-бетлар.

*in fairy tales, epics, proverbs, issues of treatment of an orphan child, formed on the basis of the norms of Islamic Sharia, were studied.*

**Keywords:** *Orphan child, folklore, archival document, customs, traditions, mother, father, aunt, relative.*

Маълумки, ўзбек халқи орасида азалдан турли хил анъана ва урф-одатлар кенг тарқалган. Улар одамларнинг кундалик турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётдаги иштироки, ўзига хос менталитети, ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидаларни ўзида ифодалайди. Ушбу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. Хусусан, етимнинг бошини силаш, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, унга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш анъанаси ҳам қадимдан шаклланган. Лекин афсуский ушбу анъаналарнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, манбалари аниқланиб ҳозирги кунгача тизимли равишда илмий тадқиқ этилмаган. Айниқса, ўрта асрлар даврида яшаган етим болаларнинг аҳволи, уларга оид қонун-қоидалар масаласи кўпчиликни қизиқтирса-да, бу борада ҳам амалга оширилган тадқиқот ишларини топиш қийин. Борлари эса аллақачон олтин фонддан жой олиб, нодир тадқиқотлар рўйхатига киритилган[121].

## Етим бола ва халқ оғзаки ижоди

Барча халқларда бўлгани каби ўзбек халқи орасида ҳам турли хил эртаклар, мақоллар, достонлар, топишмоқлар кенг тарқалган. Улар оғиздан-оғизга ўтиб ҳозирги кунгача халқнинг бебаҳо бойлиги сифатида асраб келинмоқда. Хусусан, ўзбек халқи оғзаки ижодида етим бола образи алоҳида ўрин тутади. У кўплаб ривоятлар, эртаклар ва ҳикояларнинг асосий қаҳрамони сифатида гавдаланади. Айниқса, онасидан етим қолган қиз ва ўгай она тўғрисидаги эртакларда икки қаҳрамон бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Қиз оқила, одобли, меҳрибон бўлса, ўгай она, аксинча, бераҳм ва золим аёл қиёфасида кўз олдимизга келади. Бунга ўзбек халқ эртакларидан бири «*Зумрад ва Қиммат*»ни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу эртак етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар орасида ҳозиргача жуда машҳур. Албатта, *Зумрадга* ўхшаган эртак қаҳрамонлари асрлар давомида болаларда меҳнатсеварлик, меҳрибонлик каби хислатларни шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Отаси ёки онасидан етим қолган ўғил бола эртак қаҳрамони сифатида камдан-кам учраса-да, улар халқ эпосларининг асосий қаҳрамонларидир. Жумладан, Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган «Гўрўғли» достонини ана шундай достонлар қаторига киритиш мумкин. Бу достондаги асосий образ Гўрўғли бўлиб, у нафақат ўзбек, умуман, Ўрта Осиё халқлари, балки Сибирь татарлари, Булғор турклари, озарбайжонларнинг ҳам эпик қаҳрамонидир[122]. Ушбу достоннинг бир неча хил вариантлари Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Достонда келтирилишича, Гўрўғли олти ойлик ҳомиласи билан вафот этган *Биби Ҳилолдан* туғилиб, қабр ичида дунёга келади. У дастлаб онасини, кейин Рустам деган чўпоннинг биясини эмиб улғаяди. Кейинчалик уни Рустам чўпон ўз тарбиясига олади. Гўрўғли бақувват, ақлли, паҳлавон йигит бўлиб етишади. У ўз қаҳрамонликлари билан халқ олқишига сазовор бўлади. Ушбу достонда қадимги туркий халқларга хос отни эъзозлаш, унга ўзгача меҳр кўрсатиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Асар қаҳрамони билан унинг оти ўртасидаги ўхшашликлар жуда чиройли тарзда тасвирланади. Жумладан, Гўрўғлининг оти Ғиркўк етти кунлигидаёқ онасидан етим қолади. Бу от Гўрўғлини ўз сути билан катта қилган биядан туғилган эди. Шу боис Гўрўғли унга алоҳида меҳр кўрсатиб парваришлайди[123].

Гўрўғлида халқ орзу қилган юксак ахлоқий тушунчалар мужассамлашган бўлиб, у идеал образдир. Хусусан, унинг ғайритабиий равишда туғилиши, болалиги каби воқеалар ниҳоятда бадиий тўқима ва фантазияга бой тарзда тасвирланади. Достоннинг ушбу қисмлари бахши томондан жонли тарзда айтилганда юракларни сел қилиб, одамларни ҳаяжонга солган. «Гўрўғли» достонига ўхшаган достонлар асрлар давомида ўтмиш билан келажакни боғловчи, одамлар қалбига меҳр уруғларини

[121] Ушбу мавзуга оид ишлар қаторига А.Л. Троицкаянинг тадқиқотини киритиш мумкин. Қаранг: Троицкая А.Л. Сагира в Кокандском ханстве (XIX в.) // Исследования по истории культуры народов Востока. Москва-Ленинград. 1960. – С.271 – 279.

[122] www. Kitob.uz

[123] www.kitob.uz

қадовчи бир восита вазифасини бажарган. Шунингдек, улар болаларни мард, жасур, садоқатли қилиб вояга етказишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбек халқи оғзаки ижодида мақоллар ҳам муҳим ўрин тутади. Улар халқ донолиги ва ҳозиржавоблигини ўзида ифода этиш билан бирга, қайсидир маънода амалий ҳаётдаги улкан тажрибани ҳам кўрсатади. Жумладан, ўзбек халқи оғзаки шевалари ва адабиётида ҳозиргача мақоллар вазият ҳамда юз бераётган воқеаларга қараб қўлланилади. Хусусан, етим бола ҳақида ҳам кўплаб мақолларни учратиш мумкин. «*отасиз етим гул етим, онасиз етим ўл етим*». Ушбу мақолни бир томондан юқорида келтирилган *Зумрадга* ўхшаган қизларнинг тақдиридан келиб чиқилган хулоса тарзида ҳам қабул қилиш мумкин. Иккинчи томондан ёш болани тарбия қилишда онанинг меҳри, фидойилиги отаникидан бироз устун деган маънони ҳам уқиб олиш мумкин. Ахир онани бутун меҳр-муҳаббати болага кўкрак сути орқали киради-да. Хусусан, ислом уламолари ҳам ўз амалий иш тажрибаларидан келиб чиқиб, шунга ишора қилишади: «*онанинг сути кўкрагидан тўкилгай, ул жой эса дилга яқиндир. Дил эса меҳрибонлик мавзеси ва муҳаббат жойидир. Шунинг учун она фарзандга меҳрибон бўлгай. Отанинг суви орқасининг устухонидан тўкилгай ва ул сув келадиган жой дилдан узоқроқдир*»[124]. Бу ерда болаларни тарбия қилишда отанинг ҳам ўзига хос ўрнини эътироф этиш зарур. Бундан ташқари «*Етимча етти кулча*», «*Етимнинг оғзи ошга етганда бурни қонабди*» (ва бошқалар) каби мақоллар ҳам мавжуд. Мақоллар асосан кундалик ҳаётда маълум бир ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар бобо ёки буви, ота ёки она томонидан тез-тез қўлланилган. Бу эса болаларни хушёр, камтар бўлишга ундаш билан бирга кундалик ҳаётда юз бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олишга, вазиятни тўғри баҳолашга ёрдам берган.

Юқорида келтирилганлардан ташқари Ўрта Осиё халқлари урф-одат ва анъаналарига кўра етимнинг ҳақига хиёнат қилиш оғир гуноҳ деб қаралади. Бундай қарашлар албатта ислом дини омили билан боғлиқ. Ҳаттоки етим боланинг отаси ёки онаси вафот этса, қадимги урф-одатга мувофиқ дафн маросимига келган одамлар дастурхонга қўл узатмаганлар. Бу ҳам етимнинг ҳақидан тийилишнинг бир белгиси ҳисобланарди[125]. Шу боис «*сағирнинг эшигидан ўтсанг, чанг юқса, кавушингни қоқиб ўт*» «*етимнинг ҳақи етти дарёни қуритади*», «*сағирнинг ҳақи – тангрининг ўқи*» деган мақоллар кенг тарқалган.

**Етим болаларга оид архив ҳужжатлари**

Ўрта Осиё ҳудудида ташкил топган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига тегишли архив фондларида етим болаларга оид ҳужжатлар ҳам учрайди. Ушбу ҳужжатларнинг катта қисми XIX – XX аср бошларига оиддир. Ҳужжатлар мазмуни ва тузилиши жиҳатдан турли хил бўлиб, уларни қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:

1. Етим болани фарзандлик ёки *васийликка* олиш;
2. Етим боланинг меросий мулкидан фойдаланиш;
3. Етимларнинг никоҳи;
4. Саройда тарбияланган етим болалар.

Юқорида келтирилган ҳужжатларнинг асосий қисми *қозилик* тизимида расмийлаштирилган. Қозилик ҳужжатларида асосан ота-онаси, отаси ёки онаси йўқ болаларга нисбатан сағир (арабча – кичик, гўдак, ёш бола) термини қўлланилади. Ушбу сўз Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек ва тожиклар орасида етим деган маънода қўлланилган[126]. X – XIII асрларга оид айрим қозилик ҳужжатларида арабча етим (йатимун-يتيم) терминининг ўзи ҳам учрайди. Ота-онаси бор, лекин вояга етмаган болаларнинг исми ёнига ҳам камдан-кам ҳолларда *сағир* сўзи қўшиб ёзилган. Шу боис бу масалаларни ҳужжатлар мазмунига қараб бир-биридан фарқлаш мумкин.

Қозилик амалиётига кўра етим болани парвариш қилиш ва тарбиялаш асосан яқин қариндошлар зиммасига юклатилган. Бу ҳуқуқ, энг аввало, ота вафот этган бўлса, онага ёки она вафот этган бўлса, отага берилган. Агар ҳар иккаласи вафот этган бўлса, болани она томондан бувиси тарбия қилишга ҳақли бўлган[127]. Бундай ҳолат болани ўз онаси тарбия қилишга қабул қилмаган ёки она номаҳрам

---

[124] Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг ўзбекча шарҳи. – Б.528.
[125] Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Тошкент. 2001. – Б.92.
[126] Троицкая А.Л. Сагира в Кокандском ханстве (XIX в.) // Исследования по истории культуры народов Востока. – С. 271.
[127] Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг ўзбекча шарҳи. – Б.523.

(бегона) эрга турмушга чиққан вақтларида ҳам амалга оширилган. Шунингдек, бу ерда боланинг ёши ҳам ҳисобга олинган. Бола ҳали ёш, эмизикли бўлса, ота ёки она томонидан бувисининг тарбиясига топширилган. Улар қандайдир сабаб билан болани қабул қилмаса, у она томондан холаси ёки ота томондан аммаси қарамоғига берилган.

Етим боланинг қариндошлари (айрим ҳолларда бегоналар) томонидан фарзандликка олиниши махсус ҳужжатлар орқали расмийлаштириб қўйилган. Ушбу жараёнда боланинг ота ва она томонидан яқин қариндошлари, болага талабгор бўлган шахслар, гувоҳлар ва *қози* иштирок этган. Болани фарзандликка олаётган шахсларга нисбатан ҳам ўзига хос талаблар қўйилади. Хусусан, ақлан соғлом, маълум бир ҳаётий тажриба эга, ахлоқий жиҳатдан тарбияли ва имкон қадар ёши улуғ кишилар бундай ишларга лойиқ деб топилганлиги кузатилади.

Болани фарзандликка олиш ва унга васийлик қилишда юқорида айтилганидек, мерос масаласи ҳам ҳисобга олинган. Яъни унда меросий мулкни бегоналар қўлига ўтиб кетмаслиги ҳам назарда тутилади. Лекин ҳанафий уламолар ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандга она томоннинг энг яқин қариндошлари биринчи ўринда даъвогар деб билган ва шунга яраша ҳукмлар чиқаришган. Агар ота ва она қариндошлари ўртасида васийлик масаласида тортишувлар келиб чиқса, у имкон қадар келишув йўли билан ҳал этилган. Хусусан, болани она томондаги қариндошлар васийликка олса, уларни назорат қилиш учун ота томон қариндошларидан бир киши вакил сифатида тайинланган[128].

Ота ўз фарзандларига яқин қариндошларидан бирон кишини *васий* сифатида тайинлаб васият қилиши ҳам мумкин бўлган. Болаларнинг васийси баъзи ҳолларда қозилар томонидан ҳам белгиланган. Бу қуйидаги икки ҳолатда юз беради: Биринчидан, болаларга ота-она томонидан васий тайинланмаган бўлса, иккинчидан, тайинланган васий етим болаларнинг ҳақига хиёнат қилса. Чунки васийликка олинган болаларга тегишли мол-мулк қозилар томонидан рўйхатга олинган ва унинг сарфланиши ҳам назорат қилинарди. Васий этиб тайинланган шахслар белгиланган маълум бир муддатда етим болаларнинг мол-мулкидан сарфланган харажатлар ҳақида қозига ҳисобот бериб борган. Ҳозиргача мен танишиб чиққан Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига оид қозилик ҳужжатларида ушбу ҳисоб муддати аниқ келтирилган эмас. Лекин Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли бўлган ҳудудларда фаолият юритган қозилар васийлардан ҳар шанба ҳисоб олганлигини айтиб ўтади. Ўз навбатида, бу ҳисоботлар махсус дафтарларга (балки «сағир дафтарлари»га ҳам) ёзиб борилган ва йил охирида қозилар мажлисида кўриб чиқилган. Бу мажлисда у-тўрт қози йиғилиб васийларнинг ишларини тафтиш қилган. Қозилар ҳисоб даврида васийлардан маълум бир миқдорда ҳақ олган бўлса керак. Чунки ҳисоботлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, ёзиб борилган. Васийнинг ўзи ҳам етим болалар мол-мулкига тегишли махсус дафтар юритган бўлиши керак. Улар ҳам «сағир дафтарлари» қаторига кирганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси Миллий Архивида ана шундай дафтарлардан бири сақланади[129].

Саройда тарбияланган етим болалар турли табақага мансуб эди. Улар ўз табақаси ва иқтидорига қараб сарой девонхонасида (котиб ёки бирон кичикроқ лавозим эгаси), омборхона, хазина, мактаб ва ҳарам (ичкари)да хизмат қилган. Улар орасидан ов қушларини ўргатувчи моҳир овчилар, ҳунармандлар ҳам етишиб чиққан[130].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Ўзбек миллий урф-одат ва анъаналари асосида шаклланган етим болага муносабат масаллаларини тизимли илмий тадқиқ этиш;

2. Ислом дини қонун-қоидалари ва маҳаллий одатларда акс этган етим болага муносабат масалаларини тарихий ракурсда ўрганиш ва ёш авлодга етказиш;

3. Етим болаларга оид қўлёзма манба ва архив ҳужжатларини илмий истеъмолга киритиш.

[128]Маҳмудхўжа Беҳбудий. Сағирлар ҳақинда. Ойна журнали. 1915 йил. №15. – Б.204.
[129]ЎзР МА. Фонд-И-125. 2-рўйхат. Ҳужжатлар жилди №582. Ҳужжат №13.
[130]ЎзРМА. Фонд-И-1043. 1-рўйхат. Ҳужжат №.2856.

**TURSUNOV RAMZIDDIN ABDUHALIL O'G'LI,**
*Namangan davlat universiteti Yuridik fakulteti 3-bosqich talabasi*

# MILLIY QADRIYATLAR HAMDA MA'NAVIYAT RUHIDA SHAKLLANTIRILGAN OILADA IJTIMOIY MUHIT VA TARBIYA MASALASI

**Annotatsiya:** *ushbu maqola jamiyat hayotida oilaning ro'li hamda ahamiyati, oilaning mustahkam bo'lishida milliy qadryatlar va ma'naviyatning o'rni, milliy qadryatlar ruhida tarbiyalangan oilada ijtimoiy muhit va tarbiya masalalariga bag'ishlangan.*
**Kalit so'zlar**: *nikoh, oila, ijtimoiy tarmoq, messenjer, qadryat, ma'naviyat, tarbiya*

**Аннотация:** *статья посвящена и значению семьи в обществе, националных ценностей и духовности в устойчивости семье, воспитанной в духе национальных ценностей.*
**Ключевые слова:** *брак, семья, социальная сеть, мессенжер, духовность, воспитание*

**Annotation:** *this article is devoted to the of the family in society, the of national values and spirituality in the stability of the family, the social environment and upbringing in the family brought up in the spirit of national values*
**Key words**: *marriage, family, social network, messenger, value, spirituality, upbringing*

Oila azal azaldan jamiyatning asosiy bo'g'ini, muqaddas maskan sifatida qaralib kelinadigan hamda insoniyat taraqqiyoti va mavjudligining zaruriy sharti bo'lgan bo'g'in hisoblanadi. Oila nafaqat ikki jins vakili bo'lgan kishilarning erkin ittifoqi, balki muayyan ijtimoiy hodisa hamdir. Sharq xalqalarida ayniqsa, oilaga jiddiy masala sifatida qaraladi. Shu qatori bizning yurtimizda ham. Qadim qadimdan biz yashab kelayotgan diyorda yashab kelgan insonlar oila, uning o'rni va ahamiyatiga juda katta e'tibor bilan qarab kelishgan. Davlat tarkibi viloyatlar, viloyat shaharlar, shaharlar mahalla, mahallalar esa oilalardan boshlanishi hech kimga sir emas. Shu nuqtai nazardan kelib chiqib aytadigan bo'lsak, oila jamoiyat taraqqiyoti hamda rivojida juda katta harakatlantiruvchi kuchga va ahmiyatga ega bo'lgan bo'g'in hisoblanadi. Daryolar kichik-kichik jilg'alardan boshlanishi, uning ulkan dengizlarga borib quyilgani singari, har qaysi millat va davlatning dastlabki negizi ham bevosita oilalar hisoblanadi. Yurtimizda ham Oila masalasi, ularga yordam hamda qo'lllab quvvatlash, ularning tinch hamda osoyishtaligi uchun zarur shart sharoitlarni yaratiush tizimiga kata e'tibor qaratiladi. Xususan, mamlakatimizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov oila masalasiga to'xtalar ekan, uning jamiyat hayotidagi o'rni haqida shunday fikr bildiradi: "Oila sog'lom ekan – jamiyat mustahkam, jamiyat mustahkam ekan –mamlakat barqarordir"[131]. Asrlar davomidagi davlatchiligimiz tarixidan milliy fenomen sifatida o'rin olgan hamda taraqqiy etgan oila instituti sohasidagi tajriba natijasi o'laroq, mamlakatimiz bosh qomusi – Konstituциyamizda ham oila masalasiga alohida e'tibor natijasi sifatida, maxsus XIV bobning Oila bobi deb nomlanishi ham unga bo'lgan munosabatning yorqin ifodasi hisoblanmadi. Bu holat jahon hamjamiyati tomonidan ham ko'plab e'tiroflarga sabab bo'lgan deyish mumkin.

Bugungi kunda ko'plab jihatlarda jamiyat taraqqiy etayotgan bo'lsa, yana ba'zi jihatlarda o'zligni boy berish hollarini ham ko'rish mumkin. Bu jarayonlar oila insitituga ham ta'sir etmay qolmaydi. Xususan, hozirgi kunda jamiyatning turli qatlamlari o'rtasida, deyarli ko'pincha oilalarning buzilish hollarini uchratish mumkin. Sabab sifatida esa oddiy-elementar hodisalar keltirilayotganligini ko'rish mumkin. Bu jarayonlarga sabablardan biri, yangi davr yoshlarining yod g'oyalar, milliy ma'naviyatimiz hamda ahloq normalarimiz, mental xususiyatlarimiz hamda qadryatlarimizga zid bo'lgan fikrlar, axborotlarning umumiy oqimidan faol tarzdagi istemolchi sifatida bahramand bo'layotganligi, uning bevosita yoshlar dunyoqarashi hamda fikrlashiga ta'sir qilayotganligi, axbort filtri vazifasini o'tovchi ma'naviy immunitet mavjud emasligi hisoblanadi. Bu holat yoshlarni o'z an'analariga sodiqlik ruhidan ayirgan holda, ma'naviy tubanlik va inqirozga tomon ketishiga sabab bo'lmoqda. Bu nafaqat odob-ahloq normalarni, balki barqaror rivojlanish, millatning ichki ijtmoiy muhiti, demografik tizimiga ham ta'sir ko'rsatadi.

---

[131] Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. I. Karimov. Toshkent 2008. 36-37-betlar

Axborot oqimi hozirgi kunda shu qadar shiddatli tarzda amalga oshmoqdaki, uning yo'lini to'sish yoki undan chetda qolish huddi tabiiy ehtiyojlarsiz yashash singari bo'lib qoldi. Tanganing ikki tomoni bo'lgani singari bunda turli tuman axborotlar oqimi inson ongi va dunyoqarashini boshqa bir o'zanga hech qanday qiyinchiliklarsiz bura olmoqda deyish mumkin. Shuningdek, ushbu jarayonlarga yangidan yangi texnologiyalarning yaratilishi, xususan mobil aloqa vositalari, internet, ommaviy ijtimoiy tarmoqlar, messenjerlar, yengil hayot tarzi kabi holatlar ham o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmayapti. Shu xususida, Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 2000-yilda mamlakatimiz bo'yicha nikohdan ajrimlar soni **19903** tani tashkil etgan bo'lsa, 2019-yilda bu ko'rsatkichlar **31389** va 2020-yilda **28233** tani tashkil qilmoqda. Bu ko'rsatkich qayd etilgan nikoh holatlarining anchayin qismini tashkil etishi achinarli holat hisoblanadi.

Mashxur Amerikalik siyosatchi hamda jamiyatshunos yozuvchi Patrik Jozef Byukennon o'zining uzoq yillik izlanishlari hamda aholi demografik o'sish suratlari haqidagi tadqiqotlari natijasida yozgan "G'arbning xalokati" asarida, bevosita muayyan bir va yoki har qaysi mamlakat va millat taqdiri, uning kelajagi, millat sifadia saqlanib qolishi hamda ertangi kun uchun zamin yaratishi oilaga, uning milliy hamda umuminsoniy qadryatlarga amal qilishida ekanligi, oila instituti o'z ahamiyatini yo'qotgan taqdirda butun bir millat ham butunlay yo'q bo'lib ketishiga aniq dalil hamda statistik ma'lumotlar bilan misol keltiradi. Bunda asosiy hal qiluvchi vosita oila ekanligiga alohida urg'u beriladi. Shuni alohida aytib o'tish kerakki, mazkur asar muallifi sharq xalqlarining o'z milliy hamda ahloqiy qadryatlariga sodiq ekanligi natijasi o'laroq oila instituti o'zining jamiyat hayotida yuksak va mustahkam o'ringa ega ekanligi dunyo hamjamiyati uchun o'rnak olsa arzigulik ekanligini ta'kidlab o'tadi. Bu ham bevoasita oilaning jamiyat taqdirida o'rni hamda ahamiyati beqiyos ekanligining yorqin isboti hisoblanadi. Mamlakatimizda ushbu masalalar hamda jamiyatda oila hamda uning muammolari bilan shug'illanuvchi maxsus insitut, oila ilmiy tadqiqot markazi tashkil etish hamda uning faoliyati to'g'risida fikr bildirar ekan, davlat rahbari: "Hammamiz yaxshi tushunamiz, bugungi tez o'zgarayotgan, ziddiyatli davrda oilaviy masalalarni ilmiy asosda chuqur o'rganmasdan turib, ijtimoiy hayotdagi ko'plab murakkab savollarga javob topish qiyin"[132] deb haqli ravishda ta'kidlaydi.

Har qaysi davrda ham jamiyatning qaysidir soxasini tadqiq qilish, uning muammo hamda kamchiliklarini o'rganish va unga yechim topish shu davr ijtimoiy hayotining harakterli jihati hisoblanadi. Mamlakatimiz Prezidenti oila masalasiga to'xtalar ekan: "Biz uchun muqaddas bo'lgan oila asoslarini yanada mustahkamlash, xonadonlarda tinchlik-xotirjamlik, ahillik va o'zaro hurmat muhitini yaratish, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni aniq mazmun bilan to'ldirishdan iborat bo'lmog'i zarur"[133] deb ta'kidlaydi. Hozirgi kunda yurtimizda oila mustahkamligini saqlashda aholi orasida, ayniqsa yosh avlod qalbida uzoq yillar davomida shakllanib kelgan milliy qadryatlarimiz, xususan oila instituti borasida, uning muqaddasligi hamda jamiyat kelajagini belgilab beruvchi eng muhim omil ekanligi borasidagi fikrlarni singdirib borish samarali vosita hisoblanadi. Jamiyatda ahloqiy va milliy tamoyillarning shakllanishi hamda ma'naviy qarashlar bilan muhofaza qilinganligi unda sodir bo'ladigan har xil salbiy jihat hamda oqibatlarni oldini olish va kamaytirish kabi ijobiy natijalarga olib keladi deyish mumkin. Uzoq yillik tarixiy tajriba ham buning yaqqol tasdig'i hisoblanadi. Milliy an'ana va qadryatlar ruhining singdirilishi yangi oilalarda millat taqdiriga daxldorlik hamda uning istiqboli uchun, kelajak uchun oilaning o'rni hamda ahamiyati nechog'lik muhim ekanligini anglab yetishga zamin yaratadi deyish mumkin. Xususan bu masalada asosiy e'tibor qaratiladigan jihat sifatida oila va mahalla institutlari hamkorligida yangi turmush qurish arafisida turgan yoshlarni oila masalasida, uning muqaddas va qadrli e'kanligi, milliy mental xususiyatlarimiz va milliy qadryatlarimizda oilaning ahamiyati va "oila ma'naviyati" borasida o'qitish bilan shug'illanuvchi mahalla qoshidagi maxsus o'quv kursalarini tashkil etish va qisqa muddat davomida asosiy tushuncha va mezonlarni singdirish, ushbu vazifa doirasida mahallalarda yashovchi yoshi ulug' insonlardan hayot tajribalarini jamoatchilik asosida yoshlarga yetkazish tizimini joriy qilish lozim. Bu bevosita jamiyat hayotida oilaning ro'lini kuchaytirish hamda ajrimlar sonini qisqartirishda samarali natija beradi deyish mumkin.

Milliy qadryatlar va ma'naviy tamoyillar hamda me'zonlar asosida shakllantirilgan hamda birlashgan oilada o'zaro ijtimoiy muhit hamda tarbiya jarayoni ham bevosita ma'naviyat va milliy ruhda bo'lishi shubhasiz. Azal azaldan ma'lumki, milliy an'ana va qadryatlarimiz ruhida tarbiyalangan har bir inson

[132] Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Sh. Mirziyoyerv. Toshkent 2018. 464-bet

[133] Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning asarlari va ma'ruzalaridan olingan fikrlar. Toshkent-2019. 96-bet

jamiyatga daxldorlik, yuksak insoniy hamda umumbashariy qadryatlarga hurmat hamda ehtirom ruhida shakllanadi hamda ushbu fazilatlarni bevosita hayot faoliyati davomida amliy jihatdan ham, namoyon qiladi. Bu ham o'rnak ham ibrat asosida oilaviy ijtimoiy muhitda o'z aksini topadi deyish mumkin. Birinchi Prezidentimiz ham bejizga: "har qaysi millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, hech shubhasiz, oilaning o'rni va ta'siri beqiyosdir"[134] deb ta'kidlamagan edi. Darhaqiqat, unib o'sayotgan yosh avlod uchun tarbiya va ma'rifat o'chog'i bu hech shubhasiz oiladir. Shuningdek, milliy qadryatlar asosidagi tarbiya tizimi ham bevosita eng dolzarb hamda bugungi davr uchun muhim masalalar qatoriga kiradi. Jamiyatning va davlartning ertasi bo'lgan kelajak avlod tarbiyasida oilaning o'rni beqiyos hisoblanishini inobatga oladigan bo'lsak, bu jihatlarda ham yuqorida ta'kidlangan fikrlar o'z isbotini topadi deyishimiz mumkin.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, qaysiki jamiyat va millat o'z taraqqiyotini belgilar, ertangi kunidan umid qilar ekan, birinchi navbatda asosiy e'tiborni yoshlarga, ular tarbiyasiga qaratishi, agarki o'zligini saqlab qolmoqchi bo'lsa ular ma'naviyatiga va milliy qadryatlarga bo'lgan munosabatiga e'tibor qaratishi lozim hisoblanadi. Ushbu jarayonlarga qaratilgan e'tibor ta'siri ostida shakllangan oilalar esa o'z samarasini millatning porloq kelajagi tomon intilishida namoyon qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Sh. Mirziyoyev. Toshkent-2018.
2. Milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning asarlari va ma'ruzalaridan olingan fikrlar. Toshkent- 2019.
3. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. I. Karimov. Toshkent-2008.
4. G'arbning halokati. Patrik Jozef Byukenon. 2000.
5. Stat.uz/uz/demography2. Davlat statistika qo'mitasi rasmiy sahifasi



**TOSHPO'LATOVA NAIMAXON OBIDDINOVA,**
*Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani*
*28-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi*

**QORIYEV ABDUMALIK UBAYDULLAYEVICH,**
*Namangan viloyati XTXQTMOHM o'qituvchisi*


## TA'LIMDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVGA ASOSLANGAN TA'LIMNING O'RNI


**Annotatsiya:** *ushbu maqolada kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim va tayanch kompetensiyalarga to'xtalib o'tilgan hamda tarix darslarida tayanch kompetensiyalarni shakllantirish yo'llari yoritilgan.*


**Kalit so'zlar:** *ta'lim, metodologiya, prinцip, kompetensiyaviy yondashuv, kommunikativ kompetensiya, axborot, matematik savodxonlik.*



**Аннотация:** *в этой статье основное внимание уделяется обучению на основе компетенций и основным компетенциям, а также обсуждаются способы развития основных компетенций на уроках истории.*


**Ключевые слова:** *образование, методология, принципы, компетентностный подход, коммуникативная компетентность, информация, математическая грамотность.*



**Annotation:** *this article focuses on competency-based learning and core competencies, and discusses ways to build core competencies in history lessons.*


---

[134] Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. I. Karimov. Toshkent 2008. 33-betlar

**Keywords:** *education, methodology, principle, competency approach, communicative competence, information, mathematical literacy*

Bugungi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarining tez sur'atlarda jadal rivojlanishi kuzatilmoqda. Ta'lim-tarbiya jarayoniga umumta'lim fanlarini o'qitishning prinцipial yangi metodologiyasi sifatida kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'limni joriy etish siyosiy, umumdavlat va didaktik ahamiyatga ega bo'lgan hodisa hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli Qarorida Davlat ta'lim standartlarining asosiy prinsiplari berilgan. Unda bir qator talablar belgilab qo'yilgan. Hususan, "O'quvchilarda fanlarni o'rganish va ta'lim olishni davom ettirish uchun tayanch va fanlarga oid umumiy kompetensiyalarni rivojlantirishning ta'minlanganligi" prinsipi umumiy o'rta ta'lim muassasalarida olib borilayotgan fanlarni o'qitish orqali o'quvchilarda hayotiy ko'nikmalarni ya'ni kompetensiyalarni shakllantirishni nazarda tutadi.

Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim nima? Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim – egallangan bilim, ko'nikma va malakalarni o'z shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy faoliyatlarida amaliy qo'llay olish layoqatini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim bo'lib, o'quvchilarda mustaqil fikrlash, faol fuqarolik poziциyasiga ega bo'lish, tashabbuskorlik, axborot-kommunikaцiya texnologiyalaridan o'z faoliyatida oqilona foydalana olish, ongli ravishda kasb-hunar tanlash, sog'lom raqobat hamda umummadaniy ko'nikmalarni hosil qiladi. Kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni alohida shakllantirishni emas, balki ularni kompleks ravishda egallashni taqozo etadi. Shunga ko'ra, o'qitish metodlari ham o'zgaradi.

Hozirgi kunda umumiy o'rta ta'lim sifatini tubdan o'zgartirishda ta'limdagi kompetentцiyaviy yondoshuv muhim ahamiyat kasb etadi. "Kompetensiya" tushuncha lotincha "campetere" - munosib bo'lmoq so'zidan kelib chiqqan bo'lib, u Yevropada birinchi marta 1596 yilda Vikipediya lug'atida ishlatilgan. Hozirda Vikipediyada elektron lug'atda "kompetensiya" tushunchasi bu xodimning lavozim talablariga muvofiq ishlash qobiliyatidir, deya izohlangan. "Kompetensiya", "kompetentlilik" tushunchalari tilshunoslikda ilk bor XX asr o'rtalarida N.Xomskiy tomonidan qo'llangan bo'lib, tilni ishlatish jarayonida «faoliyatga yo'naltirilgan bilim, ko'nikma va malakalar majmui sifatida», ta'lim sohasida esa "kompetensiyaviy yondashuv" sifatida talqin etilgan bo'lib, ta'limda natijaviylikni ko'rsatuvchi omillar sifatida qayd etilgan [1, 34-42-b.].

Kompetensiyalar ikkita asosiy turga: tayanch va xususiy kompetensiyalarga bo'linadi. Mamlakatimiz ta'lim tizimida o'quvchilarda shakllantiriladigan tayanch kompetensiya sifatida Kommunikativ kompetensiya, Axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi, O'zini o'zi rivojlantirish kompetensiyasi, Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi, Milliy va umummadaniy kompetensiya, Matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyasi belgilab qo'yilgan.

Ushbu tayanch kompetensiyalarni shakllantirishda tarix fani o'qituvchilari quyidagilarga e'tibor qaratishi lozim:

Kommunikativ kompetensiyani shakllantirishda o'quvchilarga mavzuni gapirtirish, tezkor savol-javoblar qilish, o'quvchilarni bir-biri bilan baxslashtirish, muammoli savollarni qo'yib uni tahlil qilish kabi usullardan foydalanish kerak.

Axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi shakllantirish uchun tarix fanidan o'quvchilarga mustaqil ishlash uchun media mahsulot (video, audio, taqdimot va gipermatn)lardan foydalanib qidirib topadigan mavzuli topshiriqlar, tarixiy filmlar, qiziqarli savollardan berib borish maqsadga muvofiq. Ushbu topshiriqlar o'quvchilarda axborot-kommunikaцiya texnologiyalaridan samarali foydalanishga oid bilimini rivojlantiradi.

O'zini o'zi rivojlantirish kompetensiyasini shakllantirish uchun har bir pedagog darslarida juftlikda, jamoada yoki yakka tartibda ishlashga odatlanishi, "Juftini top", "Zanjir", "Tarixiy alifbo", "T-jadvalli o'yin" kabi ta'limiy o'yinlar, "3x4", "Kichik guruhlarda ishlash", "Intervyu" kabi interfaol metodlardan foydalanib o'quvchilarni kreativ fikrlashini, intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishga e'tibor qaratish lozim.

Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasini shakllantirish uchun avvalo o'qituvchi pedagoglarni o'zi mamlakatimizda ro'y berayotgan o'zgarishlarda faol bo'lib, jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishi orqali o'quvchilarga o'rnak bo'lishi, har bir darsni boshida 5 daqiqa ma'naviy-siyosiy daqiqani o'tkazishi, darsdan bo'sh vaqtda ota-onasi va tengdoshlari bilan muhokama va tahlil qilishi uchun hayotiy voqealardan, buyuk muhaddislarning hadislaridan foydalanish tavsiya etiladi. Ushbu kompetensiyani shakllantirishda tarix

fanidan o‘tkaziladigan darslarni tarbiya va huquq fanlari bilan integraциyalashgan holda amalga oshirish ham ijobiy samara beradi.

Milliy va umummadaniy kompetensiyasini shakllantirishda Vatanimiz tarixida o‘chmas iz qoldirgan qahramonlar To‘maris, Shiroq, Spitamen, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik kabi buyuk ajdodlarimiz haqida keng ma’lumot berish, ilm-fan, din va madaniy sohalarda yetuk hizmat qilgan allomalimizdan ibrat olishga chaqirish lozim. Vatanparvarlik deganda nafaqat davlat manfaatlari balki shu yurtda yashayotgan barcha millat va elatlarni, yoshu-qarini, erkak-u ayolni dini va irqidan qat’iy nazar teng ko‘rib, ular bilan yagona xalq sifatida birlashish lozimligini o‘quvchilarga anglatish darkor.

Matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo’lish kompetensiyasi talablarini bajarishda “T-jadval”, “BBB”, “Toifali sharx” “Venn diagrammasi”, “Nilufar guli” kabi grafikli organayzerlardan unumli foydalanish hamda 9-11-sinf jahon tarixi darslaridagi ilm-fan va madaniy taraqqiyotga oid mavzular orqali o‘quvchilarda yangilik va ixtirolarga qiziqishni uyg‘otish lozim. Bunda Youtube, Facebook kabi internet saytlaridan ham foydalanib borish kerak.

Xulosa qilib aytganda, ta’lim sifatini amalga oshirish uchun hamda o‘quvchilarni mustaqil dunyoqarashini shakllantirish uchun, umumiy o’rta ta’lim tizimida faoliyatli yondashuvga asoslangan ta’lim bugungi kun talablariga mos kelishi uchun, o‘quvchilar tomonidan olinayotgan har qanday axborotni tahlil eta olish uchun ta’lim muassasalarida fanlarni o’qitishda kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta’lim joriy etilmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Зимняя И.Н. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Ж.Высшее образование сегодня, №5. – Москва, 2003.

**BO’STONOV ABDUQAHHOR SODIQOVICH,**
*Namangan viloyati XTXQTMOXM katta o’qituvchisi*

## O`QUVCHI -YOSHLAR TARBIYASIDA OILA VA IJTIMOIY MUHITNING O`RNI

**Annotatsiya:** *maqola muallifi yoshlar tarbiyasida davr va uning husisiyatlari, oila va ijtimoiy muhitning muhimligiga, yoshlar ta’lim-tarbiyasida ularning hayotiy qiziqishlari va mo`ljallari hisobga olinishi kerakligiga e’tabor qaratgan. Hozirgi paytda mamlakatimizda tarbiyaviy ishlarning dolzarb masalalari, Tarbiya sohasidagi faoliyatning asosiy tamoyillari va yo`nalishlari ko`rsatilgan.*
**Kalit so`zlar:** *ijtimoiy muhit, yoshlar, tarbiya, oila, glaballashuv, ota-ona, pedagoglar, jamiyat, qadriyatlar, tamoyil.*

**Аннотация:** *автор статьи рассматривает влияние времени и его особенностей, семьи и социальной среды, необходимости учёта жизненных интересов молодых людей на обучение и воспитание молодежи. А также освещает актуальные вопросы образовательной работы в нашей стране на современном этапе и основные принципы и направления в сфере Воспитания.*
**Ключевые слова:** *социальная сфера, молодёжь, воспитание, семья, глобализация, родители, педагоги, общество, ценности, принцип.*

**Annotation:** *the author considers the influence of time and its features, family and social environment, the need to take into account the vital interests of young people on the education and upbringing of young people. It also covers topical issues of educational work in our country at the present stage and the main principles and directions in the field of education.*
**Keywords:** *social sphere, youth, education, family, globalization, parents, teachers, society, values, principle.*

Har bir inson taraqqiyotning ma’lum bir bosqichidagi jamiyatda, ya’ni zamon va makonda yashaydi, davr va ijtimoiy muhit shaxs shakllanishida asosiy rol o’ynaydi. Yoshlar tarbiyasida davrning hususiyatlari va

talablaridan kelib chiqish zarur. Hozirgi davrning asosiy hususiyati bu – globallashuv va o'ta axborotlashgan jamiyatda yashayotganligimizdir. Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoev so'zlari bilan aytganda, "bugungi kunda shiddat bilan o'zgarib borayotgan hayot oldimizga qo'yayotgan bir-biridan murakkab va muhim masalalarni hal qilish haqida o'ylar ekanmiz, ularning yechimi aynan ta'lim-tarbiya bilan, yoshlarning dunyoqarashini zamonaviy bilim, yuksak ma'naviyat va ma'rifat asosida shakllantirish bilan bog'liq ekaniga yana bir bor ishonch hosil qilamiz"[135].

O`quvchi yoshlar tarbiyasida, ularni kelgusida mustaqil yashashga tayyorlashda, jamiyatda o`z o`rnini topishida oila muhiti birinchi o`rinda turadi. Ta'kidlash lozimki, oila va mahalladagi katta yoshlilar barchasi o`zlari bilgan-bilmagan, tushungan-tushunmagan holda pedagog, psixolog, tabib, kasb o`rgatuvchi usta, huquqshunos va boshqa ko`plab ijtimoiy-kasbiy vazifalarni bajaradilar. Bundan xulosa shuki, ota-onalarda va umuman oila muhitida pedagogik-psixologik savodxonlikni oshirish lozim. Oilada va jamiyatda zamonaviy pedagogik savodxonlikni oshirishning bir qator yo`llari mavjud. Fikrimizcha, ulardan eng samarali va ommabop shakli – o'zbek xalqining milliy mentalitetidan, etnopsixologik hususiyatlaridan kelib chiqib, hozirgi davrning muhim hususiyatlarini hisobga olgan holda oila pedagogikasi uchun umummamlakat miqyosida foydalaniladigan ijtimoiy-tarbiyaviy dasturlar ishlab chiqish, shu dasturlar asosida telemashg'ulotlar olib borishdir.

Ta'lim-tarbiyada yoshlarning hayotiy qiziqishlari va mo`ljallari albatta hisobga olinishi kerak. Bunda masalaning ikki jihatini bilish va e'tiborga olish zarur. Birinchidan, o`quvchi va talaba yoshlarning hayotiy qiziqishlari va mo`ljallari ularning ehtiyoj va maqsadlari bilan bog`liq ekanligi. Ikkinchidan, yoshlar hayotiy qiziqishlari va yo`nalishlarini istiqbolli tarzda to`g`ri shakllantirish masalasi. Bu avvalo, ta'lim-tarbiyada (nafaqat ta'lim muassasalarida) shakllanadi. Ya'ni, o'quvchi, farzand o'zicha nimaga qiziqsa va nimani xohlasa, shu narsaga yo'naltirish emas, balki unda hayotiy (avvalo kasbiy) motivlarni maqsadga muvofiq istiqbolli shakllantirish lozim.

Bizning fikrimizcha, hozirgi glaballashuv sharoitida tarbiyaviy ishlarning dolzarb masalalari quydagilardan iborat:

– fuqarolarda O'zbekiston Respublikasining yoshlarga oid qonun hujjatlari va ular asosida ishlab chiqilgan tarbiyaviy ishlarning huquqiy-me'yoriy asoslari bo'yicha bilim darajasini oshirish;

– tajribali pedagoglar va mutaxassislar tomonidan yoshlar tarbiyasiga oid huquqiy-me'yoriy hujjatlarni yanada takomillashtirish bo'yicha takliflar va tavsiyalar ishlab chiqish;

– bolalar va yoshlar tarbiyasiga qo'yilayotgan asosiy talablar ta'lim muassasasida, oilada va ko'chada har doim ham bir-biriga mos kelavermaydi. Shundan kelib chiqib, olib borilayotgan tarbiyaviy ishlarning, shuningdek, bu yo'nalishda ta'lim muassasasi-oila-mahalla hamkorligidagi ishlarning uzviyligi, uzluksizligi va izchilligini ta'minlash masalasi. Zotan, bugungi kunda mamlakatimizning yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, ta'lim muassasalari, yoshlar va boshqa tashkilotlarning samarali faoliyatini tashkil etish vazifasi qo'yilgan[136];

– nazariyotchi olimlar va tajribali amaliyotchi pedagoglar hamda psixologlar hamkorligida yoshlar muammolarini, ularning hayotiy mo'ljallari, ehtiyoj va qiziqishlarini maxsus o'rganilishi lozim. Aniqlangan xulosalar asosida tarbiyaviy ishlarni ham tashkiliy-boshqaruv jihatdan, ham mazmun-mohiyatan to'g'ri yo'lga qo'yish lozim;

– kattalar va bolalar o'rtasida, ya'ni ota-ona va farzand, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi o'zaro munosabatlarda ziddiyatli holatlarni pedagogik-psixologik jihatdan tadqiq qilinishi kerak. Ota-onalar bilan ishlashda oiladagi shaxslararo munosabatlar va ularning bola shaxsi shakllanishiga ta'siri haqida pedagogik-psixologik bilimlardan foydalanish kerak.

– ma'naviy-ma'rifiy targ`ibot ishlari samaradorligining ilmiy asoslangan monitoringini ta'minlashga qaratilgan soцiologik tadqiqotlar o`tkazishni muntazam yo`lga qo`yish[137];

---

[135] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston o'qituvchi va murabbiylariga bayram tabrigi. "Ma'rifat", 2017 yil 78-son.

[136] O`zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" Farmoni.

[137] O`zbekiston Respublikasi Prezidentining " Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko`tarish to`g`risida" 3160-sonli Qarori

Har bir shaxs jamiyatda uyg`un yashashi, jamoaga sig`ishi uchun uning hatti-harakatlari, shu jumladan fe'l-atvori u yashayotgan jamiyatda amal qilayotgan qadriyatlarga, umumqabul qilingan ijtimoiy, ma'naviy-axloqiy normalarga va ustanovkalarga mos bo`lishi kerak. Tarbiya jarayoni tahlil qilinsa uning asosini qadriyatlarni shakllantirish tashkil qilishi ma'lum bo`ladi[138]. Qadriyatlar esa dastlab oilada shakllana boshlaydi. Ming yillar mobaynida shakllangan milliy qadriyatlarimiz hozirgi davrda yaratilgan madaniy-ma'naviy boyliklar bilan qo'shilib, taraqqiyotimizni tezlatadi, g'oyaviy va ma'naviy poklanishni ta'minlashga ko'maklashadi. Qadriyatlarning barcha turlari insonning farovon hayot kechirishi, erkin yashashi, ma'naviy-axloqiy kamol topishi uchun xizmat qiladigan vositalar bo`ib hisoblanadi.

Tarbiya masalasi bir jihatdan olib qaralsa, juda jo`n va oddiy, uni hammamiz har doim har joyda bajaramiz. Bu borada go`yo hamma narsani bilamiz. Ammo, tarbiya ishining o`ziga xos tomoni shundaki, u "igna bilan quduq qazish" ga o`xshaydi. Bu borada "har kuni, har soatda fidoiy bo`lish, o`zini tomchi va tomchi, zarrama-zarra buyuk maqsadlar sari charchamay, toliqmay tinimsiz safarbar etib borish, bu fazilatni doimiy kundalik faoliyat mezoniga aylantirish" talab etiladi.[139]

Mamlakatimiz taraqqiyotining hozirgi davrida oila jamiyat taraqqiyotining faol subyekti, yoshlar tarbiyasining asosiy o`chog`i sifatida baholanmoqda. Oilada inson kamoloti uchun eng muhim bo`lgan omillarning barchasi mavjud. Bolaning shaxs sifatida shakllanishida oilaning o`rni va imkoniyatlari juda katta. Bu borada boshqa birorta ijtimoiy tuzulma oilaning o`rnini bosolmaydi. Oilada an'analar, tajribalar, qadriyatlarning vorisiyligi yaqqol namoyon bo`ladi.

Biz kattalar, o'qituvchilar ko'pincha farzandlarimizga, o'quvchilarimizga nazorat qilinishi, ta'sir o'tkazilishi kerak bo'lgan ob'yekt sifatida qaraymiz. Natijada, bolalar asosiy diqqat-e'tibori va harakatini o'z-o'zini rivojlantirishga emas, balki tashqi ta'sirlardan, ya'ni kattalardan himoya qilishga qaratadi[140].

Ma'naviy – ma'rifiy tarbiya sohasidagi faoliyatimizda quyidagi tamoyillar asosida ish olib borish muhim ahamiyatga ega:

– Oddiylik va doimiylik. Tarbiyaviylar ishlar mazmun-mohiyatan o'quvchining yoshi, psixofiziologik hususiyatlariga mos bo'lishi lozim. Shu bilan birga oila muhiti, mahalliy ijtimoiy muhit albatta diqqat e'tiborda bo'lishi talab etiladi. Ma'naviy – axloqiy tarbiya jarayoni uzluksiz, izchil va sobitlik bilan olib borilsagina, o'quvchi yoshlar qalbi va ongiga yetib boradi.

– Tarbiya ishida rasmiyatchilikka, to'rachilik va shiorbozlikka yo'l qo'ymaslik tamoyili. Aks holda o'zimizni o'zimiz aldagan bo'lamiz. Asosiy e'tibor jarayonning o'zigagina emas, pirovard natijaga, samaraga qaratilishi kerak.

Tizimlilik, fikr, so'z va amal birligi, shaxsiy o'rnak ko'rsatish tamoyili. Tarbiyaviy jarayon kontseptual asosda, yaxlit tizim va aniq chora-tadbirlar ko'lamida, barcha bosqich va yo'nalishlarda, ijtimoiy hayotning barcha sohalarini qamrab olgan bo'lsagina ko'zlangan natijaga erishish mumkin[141].

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, nafaqat yuqori darajada bilimli, shu bilan birga, yaxshi tarbiya ko'rgan, keng dunyoqarashli, o'z hayotiy poziциyasiga ega bo'lgan, ma'naviyati yuksak yoshlar har qanday murakkab muammolarni hal etishga qodir bo'ladi. Shu bois o'quvchilarni dunyoni to'g'ri idrok etishga o'rgatishda sifatli ta'lim bilan birga samarali tarbiya beradigan tizim ham nihoyatda zarur. Ta'lim-tarbiyaning jamiyat rivojidagi yuksak mavqeini to'liq anglatish orqali bilim olish va tarbiyali bo'lishga intilishni yosh avlod uchun eng muhum vazifaga aylantirish zarur. Bugungi kunda dunyoda globallashuv jarayonlari kuchayib, tinchlik va barqarorlikka yangi tahdid va xatarlar tobora ko`payib bormoqda. Bunday murakkab va tahlikali vaziyat ta'lim-tarbiya sohada amalga oshirilgan ishlarni tanqidiy baholab, uning faoliyatini zamon talablari asosida takomillashtirishni taqozo etmoqda.

**Foydalanilgan dabiyotlar royxati**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston o'qituvchi va murabbiylariga bayram tabrigi. // "Ma'rifat", 2017 yil 78-son.

[138] "Xalq ta'limi" jurnali 2015 yil 5-son, B. 58
[139] Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: Ma'naviyat, 2008. –B. 165-166
[140] "Маърифат" газетаси, 2013-йил 13-март, 21-сон.
[141] "Маърифат" газетаси, 2012-йил 4-апрель

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" Farmoni. 2017 yil 7-fevral.
3. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko`tarish to`g`risida" 3160-sonli Qarori.
4. "Xalq ta'limi" jurnali. 2015 yil 5-son, B. 58
5. "Маърифат" газетаси, 2013-йил 13-март, 21-сон.

## FARZAND TARBIYASIDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING ILMIY MEROSIDAN FOYDALANISH YO`LLARI

**JO`RAYEVA IQBOLXON PO`LATOVNA**
Namangan VXTXQTMOHM o`qituvchisi

**Annotatsiya:** *ushbu maqolada oilada farzand tarbiyasida sharq mutafakkirlarining ilmiy merosidan foydalanish yo`llari haqida berilgan.*
**Kalit so`zlar:** *tarbiya, oila, Sharq mutafakkirlari, ma'naviy barkamollik.*

**Аннотация:** *в этой статье представлены способы использования научного наследия восточных мыслителей в семейном образовании.*
**Ключевые слова:** *воспитание, семья, мыслители Востока, духовное совершенство.*

**Annotation:** *this article provides ways to use the scientific heritage of Oriental thinkers in the family education.*
**Keywords**: *cash, family, thinkers, spiritual perfection.*

Tarbiya har qanday jamiyatini muhim vazifasidir.Tarbiya – bu shaxsning ijtimoiy ma'naviy va ishlab chiqarish faoliyatiga tayyorlash maqsadida uning ma'naviy, jismoniy kamolotiga muntazam ravishda ta'sir ko'rsatish jarayonidir.

Bugungi globallashuv davrida farzand tarbiyasi eng dolzarb mavzulardan biridir. Qadim davrlardan to hozirgi zamonamizgacha yaratilib, avlodlarning ezgu ishlariga xizmat qilib kelgan boy axloqiy, siyosiy, huquqiy merosimizni, milliy qadriyatlarimiz, urf-odatlarimizni o'rganib, xalqqa etkazish, kelajak asoslarini yaratishga xizmat qildirish muhim vazifalardan biri bo'lib, ulug' allomalarimizning axloq, xulq-odob, ta'lim-tarbiya masalalariga oid asarlari, dono va ibratli so'zlari, pand-nasihatlari yosh avlodni barkamol insonlar qilib tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega.

Avloddan-avlodga shakllanib o`tayotgan axloqiy qarashlar va ularning ijtimoiy-ma'naviy ildizlari, jahonda va mintaqada axloqshunoslik ilmining turli yo'nalishlari va ularda ma'naviyatga oid muammolarning in'ikos topishini o'rganish orqali O'zbekistonda ma'naviy-axloqiy tarbiya masalalarini jahon axloq ilmi yutuq va kamchiliklarini qiyosiy tahlili va xalqimiz ma'naviy-axloqiy merosiga tayangan holda hal qilish yo'llarini izlab topish va ularni hayotga tatbiq etish ushbu fan yo'nalishining asosiy maqsadi hisoblanadi. Shu asosiy maqsadning ijrosi yo'lida quyidagi vazifalarni amalga oshirish ko'zda tutiladi:

Tarbiya kishilik jamiyati paydo bo'lishi bilan boshlandi va rivojlanib bordi. Bola tug'ilishi bilanoq ota-onasining parvarishi orqali atrof-muhit bilan tanishadi. Insonning shakllan ishiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan muhitdan ya'ni ichkilikbozlik, giyohvandlik, kashandalik va boshqa illatlardan himoya qilish esa nihoyatda murakkab jarayon. O'zbek halqining yosh avlodni hayotga tayyorlashda qo'llagan usul va vositalari, tadbir shakllari, o'ziga xos urf-odati va an'analari, tarbiya g'oyalari va hayotiy tajribasi yillar davomida mukammallashib keldi . Hali tarbiya muassasalari bo'lmagan davrdayoq, qabila a'zolarining bolalarda mehnatsevarlik, jangovorlik, axloq-odob, nafosat, do'stlik, mehr – shafqatlilik, insonparvarlik xislatlarini shakllantirish va o'stirish sohasidagi aql – idroki va usullari o'sha davrdagi hayotiy tajribaning mevasi sifatida ijtimoiy hayotga bog'liq holda shakllandi va rivojlandi. Bola, asosan, oila muhitida tarbiyalanib, inson sifatida shakllanadi. Tarbiya esa hayotning eng muhim tergagi, ya'ni tayanchi hisoblanadi. Har bir

bolani shunday tarbiyalash lozimki, u, avvalo, yaxshi o‘qishi va so‘ngra esa, yozishni o‘rganishi bilan eng yuksak pog’onaga ko‘tarilsin. Ma’lumki, sharqning buyuk allomalari ta’lim va tarbiya masalalariga alohida e’tibor berishgan.

Farobiy bilimidan ma’rifatli yetuk odamning obrazini tasvirlar ekan, bunday deydi: «Har kimki ilm hikmatni o’rganmagan desa, uni yoshligidan boshlasin, sog’ – salomatligi yaxshi bo’lsin, yaxshi ahloq va odobi bo’lsin, so’zining uddasidan chiqsin, yomon ishlardan saqlangan bo’lsin, barcha qonun – qoidalarni bilsin, bilimdan va notiq bo’lsin, ilmli va dono kishilarni xurmat qilsin, ilm va ahli ilmdan mol – dunyosini ayamasin, barcha real moddiy narsalar to’g’risida bilimga ega bo’lsin»p[1].

Bu fikrlardan Farobiyning ta’lim – tarbiyada yoshlarni mukammal inson qilib tarbiyalashda xususan, aqliy – axloqiy tarbiyada aloxida e’tibor berganligi ko’rinib turibdi, uning e’tiqodicha, bilim, ma’rifat, albatta yaxshi axloq bilan bezatmog’i lozim, aks holda kutilgan maqsadga erishilmaydi, bola yetuk bo’lib yetishmaydi.

Farobiyning mantiq va mantiqiy fikrlash haqidagi va umuman barcha qarashlari insoniyat uchun eng katta boy meros hisoblanadi. Bu merosdan qanday foydalanish esa, albatta, foydalanuvchiga, uning bilim saviyasiga bog’liq bo’ladi.Farobiy asarlarini o’rganish orqali ko’p narsalarga erishish mumkinligi, tabiatni bilish cheksizligini va limning brogan sari ortib borishi haqida o’ziga xos fikrga ega bo’lib boradi. Shu bilan birga insonning fikrlash doirasi kengayib, olgan bilimlari rivojlanib boradi.

Ibn Sino bola tarbiyasi va tarbiya usullari haqida qimmatli fikrlarini bildirgan. **Ibn Sino** bolaning axloqiy tarbiyasi haqida bildirgan fikrlarida uy – ro’zg’or tutish masalalari xususida ham so’z yuritadi. Bolani tarbiyalash oila ota – onaning asosiy maqsadi va vazifasidir. O’z kamchiliklarini tuzatishga qodir bo’lgan ota – ona tarbiyachi bo’lishi mumkin. Abu Ali Ibn Sino ham mazkur ustuvor masalalarga doir bir qancha asarlar, o‘zidan boy ilmiy meros qoldirgan. Ibn Sino bolani maktabda o‘qitish oila jamiyatning asosiy instituti hisoblanishi, u tarbiya o‘chog‘i sifatida shaxsning shakllanishida muttasil ishtirok etadi.

Axloqiy tarbiyada eng muxim vositalar bolaning nafsoniyatiga, g’ururiga tegmagan holda, yakkama – yakka suxbatga bo’lish unga nasixat qilishdir.

Ibn Sino bolada axloqiy xususiyatlarni mehnat, jismoniy aqliy tarbiya bilan o’zviy birlikda shakllantirishni, uni inson qilib kamol toptirishda asosiy omil deb biladi.

Yusuf Xos Xojibning uqtirishicha har bir kishi jamiyatga munosib bo’lib kamol topmog’i kerak. Buning uchun u tug’ilgan kundan bolab zarur tarbiyani olmog’i lozim. U qobil qizning tarbiyasi haqida fikr yuritar ekan, ularning o’zlariga xos xususiyatiga e’tibor berishni ta’kidlaydi[2].

Farzandlar tarbiyasi nihoyatda erta boshlanmog’i shart. Shundagina ularning noo’rin xatti – harakatlariga berilishining oldi olinadi.

Mirzo Ulug’bekning oila muhiti sog’lom avlodni yetishtirish haqidagi fikrlari shundan iboratki, alloma uqtirishicha, bolaning bilim olishiga bo’lgan qiziqish, xavasini oshirishda u tarbiyalanayotgan muxit muxim o’rinni egallaydi. Oilada ota – onalar ayniqsa o’qimishli ota – onalar o’z farzandlarining haqiqiy inson bo’lib kamol topishiga aloxida e’tibor berishlari lozim.

Alisher Navoiy bolaning voyaga yetishida, kamol topishida tarbiyaning kuchi va qudratiga alohida e’tibor beradi. Tarbiya natijasida bolaning foydali va yetuk kishi bo’lib o’sishiga ishonadi. Yosh bolaning juda kichik yoshidan boshlab tarbiyalamoq zarur. Tarbiya insonga o’zida yaxshi odat va fazilatlar xosil qilishga yordam beradi. U odam shaxsi kishilar bilan munosabatda, ayniqsa kishilarning bir – birlariga bo’lgan ruxiy ma’naviy ta’sirlari natijasida tarkib topadi deb voyaga yetkazishda asosiy omillardan biri tarbiya ekanligi o’qtiradi.

Voiz Al – Koshifiyning o’qtirishicha insonni ta’lim – tarbiya orqali qayta tarbiyalash aqliy qobilyatni o’stirish mumkin. Koshifiy o’zining pedagogik qarashlaricha bolalarda mustaqil fikrlash qobiliyatini o’stirish masalasiga aloxida e’tibor beradi. Ota – onalar muallimlardan bu masalaga aloxida axamiyat berishni talab etadi. Bu masalada oilaviy hamda tashqi muxit muxim o’rin tutadi. Bola to’g’ri so’zli, vadaga vafodor, yaxshi xulqli qilib tarbyalanishi kerak.

Jaloliddin Davoniy ota – onaning bolani tarbiyalashdagi axamiyatiga keng to’xtalgandi. Uning fikricha oila tarbiyasida ota ham, ona ham teng huquqli, teng ishtirok etishi bolaning yaxshi xulq – odob qoidalarini muayyan bir kasbni egallashiga ko’maklashishi ilm – fan va kasb – hunar egallashining moddiy asosi bo’lmishoziq – ovqat, kiyim – kechak, kerakli buyum va jixozlarni yetkazib berish uchun jozibalik ko’rsatishi kerak.

Sharq mumtoz adabiyotining buyuk namoyondalaridan biri Muslixiddin Sadi Sheroziy Sheroz shaxrida 1184 yilda tug'ildi. Sadining fikricha, oila, bolaning baxti, kelajagi uchun zamin yaratuvchidir. Oilada asosiy tayanch otadir. U ma'suliyatli tarbiyachidir. Ota o'z bolalarini tarbiyalashi, o'qitishi, hunarga o'rgatishi, jismonan chiniqtirishi kerak.

Sadining pedagogik qarashicha bola qobiliyatli va kamqobiliyatli bo'lishi mumkin. Qobiliyat o'z – o'zidan rivojlanmaydi. Uning rivojlanishi uchun bolani tarbiyalash kerak, tarbiya bo'lmasa, boladagi qobiliyat so'nadi, tarbiyani 3 asosiy – aqliy, nafosat va jismoniy mehnat tarbiyasiga bo'ladi. Adib bolani tarbiyalash vazifasini ularning ota – onalariga, ya'ni oilaviy tarbiyaga kata e'tibor beradi.

Sadi ota – onalarga xarakterini hisobga olgan holda axloqiy tarbiyani bolaning yoshligidan boshlashni tavsiya etadi, xarakter shakllangach, bolaga ta'sir etmaydi.

XIX asr o'zbek ijtimoiy va adabiy xayotning yirik vakillaridan biri Komil Xorazimiy o'z asarlarida ma'rifat axloqiy kamolot, vatanparvarlik g'oyalarini olg'a surdi.U ilm-ma'rifatning xalq, jamiyat farovonligiga, insonning axloq kamolatida tutgan o'rni, axloqiy va nafosat tarbiyasini uzviy birligi xaqidagi pedagokik fikrlarini xam bayon etadi.

Komil Xorazimiyning fikricha ilm-xunar, ilm-ma'rifat inson axloqiy kamoloti, ijtimoiy ma'naviy xayotning rivoji uchun xizmat qilishi kerak. Kamtarlik eskirmaydigan, eng go'zal insoniy fazilatdir. Bu fazilatlarga ega bo'lganlar obro'-e'tiborli komil insonlardir. Kamtarlik insonni turli noxushlikdan xijolatdan saqlaydi.

Xulosa qilib aytganda, Farobiy, Ibn Sino, Munis Xorazmiy kabi sharq mutafakkirlarining boy ilmiy merosidan har bir ota-ona farzand tarbiyasida yosh va individual psixologik hususiyatlaridan kelib chiqib foydalanishlari ularning komil inson bo`lib voyaga yetishiga yordam beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Shoumarov G`. Oila psixologiyasi. – T.: Sharq, 2010.
2. https:/tt.me/ertaklar_uzz

**ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ МИРЗАҲМЕДОВ,**
*Наманган давлат университети таянч докторанти*

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ИННОВАТSIОН ЁНДАШУВ

**Аннотация:** *пандемия даврида дунё мамлакатлари тараққиёти янги таълим-тарбия қобиғи, яъни онлайн тарбия маконини пайдо қилди. Бугунги инновацион капитал дунёда ривожланиб келаётган давлатлар аҳолиси пул топиш ва истемолчилик жамиятида яшаш кайфиятини ошиб кетиши ёшлар маънавиятида трансформация муҳитини келтириб чиқармоқда. Ёшларни онг ва қалбини иффатли сақлаб қолиш кундан кунга тарбия меҳнатини оғирлашиб бораётмоқда. Бундай вазиятда бола тарбияси оддийликдан қочиб инновацион ёндашиш янги (оилавий) ювенологик иммун муҳитини яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала ҳисобланди.*

**Калит сўзлар:** *глобаллашув, ёшлар, тарбия, инновация, таҳдид, интернет, миллий ўзлик.*

**Аннотация:** *во время пандемии развитие стран мира создало новую образовательную оболочку, то есть онлайн-образовательное пространство. Сегодняшний инновационного капитального мира создает атмосферу трансформации в духе молодежи, поскольку у населения развивающихся стран мира растет желание зарабатывать деньги и жить в обществе потребления. Сохранять целомудрие в умах и сердцах молодых людей с каждым днем становится все труднее. В таком ситуации подход к детей инновационный воспитанием и созданию новой (семейной) ювенильной иммунной среды всегда считался актуальным вопросом.*

**Ключевые слова:** *глобализм, молодежь, воспитание, инновации, угроза, интернет, национальная идентичность.*

**Annotation:** *during the pandemic, the development of the world's countries created a new educational shell, that is, an online educational space. Today's innovative capital world creates an atmosphere of transformation in the spirit of youth, as the population of the developing world is growing the desire to earn money and live in a consumer society. Keeping chastity in the minds and hearts of young people is becoming more difficult every day. In this situation, the approach to children's innovative upbringing and the creation of a new (family) juvenile immune environment has always been considered an urgent issue.*
**Keywords:** *globalism, youth, upbringing, innovation, threat, online, national identity.*

Глобаллашув замонга инновацион муҳит яратиб, давлатлар ўртасидаги муносабатларни янги поғонаси онлайн шаклига ўтказди. Дунё мамлакатлари тараққиёти янги таълим-тарбия қобиғи, яъни онлайн тарбия маконини келтириб чиқармоқда. Инсоният тарихида совуқ уруш тугаб уни янги гибрид кўринишлари пайдо бўлаётгани дунё халқларини таҳликага солиб қўймоқда. Дунё давлатлари ўртасидаги низо ва урушларни гибрид онлайн шакли ёшлар маънавиятида "йўқ қилиш" назарияси ва технологияларини синаб кўриши, ривожланиб чиқаётган давлатлар учун кучли таҳдидга айланмоқда. Масалан, "Овертон ойнаси"га кўра [4], исталган нарсани, ҳаттоки илгари ақл бовар қилмаган нарса ва ҳодисаларни қонунийлаштириш (хаётийлаштириш ёки табиийлаштириш) ва ҳаттоки, бутун бошли миллатлар учун "қадрият" даражасига олиб чиқиш мумкинлиги ёки «ФФФ» назариясида эса 3 босқичли йўқ қилиш назарияси: Биринчи босқичда жамият аъзолари аввал футбол фанатига айлантирилади. Иккинчи босқич - «фиеста» - жамият аъзоларини фақат кўнгилхушликка, изтироб чекмасдан, фақат ўйин-кулгуга ўргатади. Учинчи босқичда – жамият аъзолари «Ф» – фаҳшни эҳтиёжмандлаштиради.

Бугунги инновацион капитал дунёда ривожланиб келаётган давлатлар аҳолиси пул топиш ва истемолчилик жамиятида яшаш кайфиятини ошиб кетиши ёшлар маънавиятида трансформация муҳитини келтириб чиқармоқда. Яъни ёшлар феноменининг кашфиётчилик қобилияти кескин суръатда тушиб кетиши, истемолчилик кайфияти эса 99 %га ошиб кетишга гувоҳи бўлишимиз мумкин. Давлат келажагини белгиловчи ёшларни онг ва қалбини иффатли сақлаб қолиш кундан кунга тарбия меҳнатини оғирлашиб бораётгани ҳар бир ота-онанинг тарбияда кескин инновацион ёндашиш кераклигини талаб этмоқда. Бундай вазиятда бола тарбиясида оддийликдан қочиб инновацион ёндашиш, янги (оилавий) ювенологик иммун муҳитини яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала ҳисобланмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшларнинг маънавий тарбияси «Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», дея таъкидлади [3].

**Таҳлил ва натижа.**

Жамиятимиз ёшларини эҳтиёж ва хохиш-истаклари замонавий ҳаётда юқори ижтимоий мақомга эга бўлиш ҳисобланиб, бу фаолиятини тўғри йўналтириш учун таълим ва тарбияда чет эл тажрибасидан миллий хусусиятни сақлаган ҳолда унумли фойдаланиш, миллат келажагини белгиловчи ёшлар иммун тақдирини сақлаб қолиш орқали ёшларда турли хил гибрид иллат ва тахдидларни шаклланишини олдини олган бўламиз. Масалан, Япон тажрибаси: оилада ота-она ўз фарзандини "Икудзи" номли тарбия бериш усули билан вояга етказади. Бунда инсон табиятида ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпаварлик сифатларини шаклланиши кузатилган.

**Япония тажрибаси:** "Икудзи" тарбия технологияси:

Япон оилаларида дунёга келган фарзандга нисбатан беш ёшгача фарзанд − пошшо, ўн беш ёшгача − қул, ўн беш ёшдан кейин − дўст сифатида муносабат бўлишади. Айниқса, бу фақат педагогик таълим бериш мажмуи бўлибгина қолмай, янги авлод таълим олишига йўналтирилган фалсафадир [2].

**Она ва бола бирдамлиги:**

Японияда она «амаэ» деб номланиб, маъноси «амаэру» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «эркалаш», «ҳомийлик қилмоқ» маъноларини англатади. Японияда она образи касблаштирилган, япон аёлини оналик касбига ҳеч ким халақит бермаслик керак. Япон аёлнинг асосий мажбурияти − оналикдир, ўзини бутунлай оилага бағишлаши япон аёли учун табиийдир. XX асргача япон аёли бола тарбияси ва хонадон ишлари билан шуғулланишган бўлса, бугунги кунда замонавий япон аёллари бола тарбиясидан ортгандан сўнг таълим олишади, ишлашади ва саёҳат қилишади. Японияда ўз мажбуриятларини бировнинг зиммасига юклаб қўйиш тартиби бўлмаганлиги учун кичкинтой бир ёшга тўлмагунига қадар она ва бола − бу бир бутунликни ташкил қилади. Она қайерга бормасин, нима иш қилмасин, чақалоқ доим она билан бўлиши зарур. «Амаэ» − ўз фарзандининг йиллар давомида сояси айланади, мунтазам жисмоний ва руҳий муносабат, болада онага бўлган мустаҳкам обрў-эътибор негизига айланади.

**Бола – пошшо:**

Икудзи нуқтаи-назарларига кўра, беш ёшгача болага фариштадек муносабатда бўлишади. Япон боласига хеч нарса маън қилинмайди. Натижада япон боласи ўзининг билим орттириш дунёсида эркин ҳаёт кечиради. Она бола қилаётган ҳамма нарсани меҳр, сабр ва ғамхўрлик билан қабул қилади.

1994 йил Америка ва Япония ўртасида болаларга тарбия ҳамда билим бериш бўйича тафовут илмий-текшириши ўтказилган. Олим Азума Хироши икки хил маданият вакиллари она-боласидан пирамида-конструкторини йиғиш шартини эълон қилди. Натижада, япон она аввал конструкторни ўзи йиғиб, буни ўз фарзандига кўрсатган. Кейин боласидан ўзи − мустақил равишда йиғиб кўришини сўраган. Боланинг қўлидан келмаса, она яна бир маротаба ясаб кўрсатиб берган. Американиклар эса конструкторни ясашдан аввал, унинг ясалиш алгоритми хақида боласига тушунтирган, сўнгра она-бола конструкторни биргаликда ясашни бошлашган [5].

Педгогик усулларнинг сезиларли фарқини Азума ота-оналикнинг «тушунтирувчанлик» тури дея шарҳлади. Яъни, япон аёллари ўз фарзандларига муомала ва иш-ҳаракатлари орқали «тушунтиришади». Шу билан бирга фарзандларига ёшлигиданоқ ўз ҳиссиётларга, яқинлари ва ҳатто буюмларга ҳам эътиборли бўлишни ўргатишади. Шўх кичкинтойни ҳеч қачон иссиқ чойнак олдидан ҳайдашмайди, болакай куйиб қолса, «амаэ» иш-ҳаракатлари билан банд бўлиб эътиборсизликдан унга оғриқ етказганини эслатиб ундан узр сўраб қўяди. Бошқа мисол: эркаланиб кетган болакай ҳамма ўйинчоқларини синдириб ташлаганда рус ёки ўзбек оналар қандай йўл тутадилар? Тахмин қилиш мумкинки, қўлидан ўйинчоқни тортиб олиб, уни сотиб олиш учун қанча меҳнат қилганлиги ҳақида «маъруза» ўқиб, кейин жисмоний жазо билан бошқа қимматбаҳо ўйинчоқ олиб бермасликни айтади. Япон аёли эса ҳеч қандай чора қўлламайди. Фарзандига «Сен унинг жонини оғритяпсан» дейди холос. Буни натижасида, япон болаларида «Мен» тимсоли ҳамда «яхши» − тарбияли ва чин дилдан севувчи ота-она фикри шаклланади.

**Бола – қул:**

Япон жамиятида жамоа бўлиб яшаш ва жамоавий қизиқишлар барча нарсалардан устун урф-одат ҳисобланиб, айнан шу сабабларга кўра болаларга 5 ёшгача ушбу гуруҳ аъзоси бўлишни ўргатишади. Доим ўзгарувчи тарбиячи ёки махсус тайёрловчи мактаб ўқитувчиси ҳам мураббий ёки тарбиячи ролини эмас, «йўналтирувчи» вазифасини бажаради. Яъни болани онгида оилавий тарбия механизми ва ота-она идеалига зарар келтирмайди. Япон болакайларининг севимли машғулоти командада бажариладиган спорт ўйинлари, эстафета ва хор қўшиқларини куйлашдир.

**Бола – дўст:**

Япон фарзанди 15 ёшдан кейин тўлақонли шаклланиб вояга етган шахс саналади. Икудзи –тарбия бериш шакли билан ватанига содиқ, қонунларга риоя қилувчи тарбияли фуқарони катта қилишда ёрдам беради.

**Таклиф ва тавсия.**

• жамият ижтимоий комиллик талабаларини шакллантириш ва ривожлантириш керак;

• ёшлар қўлидаги смартфон ва замонавий қурилмаларга таълим-тарбиявий дастурлар яратиш керак;

• оилада фарзандни тарбиясида жинс субектига ҳам эътибор бериш керак;

• тарбия маскани сифатида фақат оила сақланиб, маҳалла ва таълим муассасалари йўналтирувчи масканга ўтиш керак;

• фарзанд идеалида ота-она образини сақлаб қолиш керак;

• ёшларни тарбиясида мустақиллик ғоясини сақлаган холатида миллий хусусиятдан келиб чиқиб, тарбияни тизимли технологиялаштириш керак;

• мактаб ўқувчилари смартфон ва замонавий қурилмаларида дарс жадвал ва фан дарслари бўйича дастурлар яратиш керак;

• келажакда ўғил бола тарбиясида намунали ота бўлиш хусусиятини, қизболада эса она бўлиш хусусиятини сақлаб қолиш зарур.

• ўқувчи-талабаларни таълим формасини ғурурлантирувчи ва фахрлантирувчи шаклини танлаш керак (Масалан: матрос ёки учувчиларни кейим формаси).

•

**Хулоса.**

Хулоса қилиб, Японияда ёшларни тарбия кайфиятини йўқолиб қолмаслиги учун мактаб ўқувчиларига кўп асрлар давомида яшаб келаётган миллат миллий ўзлиги ва қадриятларни ифодаловчи Шодо ва хайку шеърий санъатини дарс машғулотларидан ташқари ўргатилади. Францияда эса таълим соҳасида дунёдаги энг яхши архитекторлар чиқан мамлакат сифатида дарс машғулотларидан ташқари ўқувчиларга дизайн ва архитекторлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш учун тўгараклар ташкил қилинади. Италияда қўшимча дарсларни таълим соҳасида ўзгачалиги рассом ва хайкалтаршлар ватани мақомини сақлаб қолиш учун ҳам дарс машғулотларидан кейин ўқувчиларга тўгараклар ташкил қилинади. Россияни тарихдан мудофа эхтиёжи юқорлиги ва таълим тизимида харбий лицейларни ташкили орқали ёшларда ватанпарварлик ва жанговорлик руҳини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қўшимча дарсларни ташкил қилади.

Оилавий тарбияни жамиятда йўқолиши ёшларни ватанга содиқлик кайфиятини ўлишга олиб келади. Эр-йигитни харбий хизматга бормаса давлат куч-қудрати кучсизланади. Давлатга нисбатан уруш ва босиб олиш кайфият пайдо бўлади. Оилавий тарбияни қиз болада йўқолиши она бўлиш, халол турмуш ўртоғ бўлиш кайфияти ўлади. Бундай жамият ва давлат халокатга учрайди. Шу сабаб, ёшларни оилада хуш феъл ва эзгу фазилатли қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида қўл-оёғи, тил-сўзи, кўзи-қулоғи иффатли авлодни тарбиялаш ёки бир фарзандни вояга етказиш энг буюк жасоратдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев, Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. - 508 б.
2. Японларда болалар тарбияси қандай? URL: https://farzand.uz/post/yaponlarda-bolalar-tarbiyasi-qanday [кўрилган муддати:22.04.2021]
3. Шавкат Мирзиёев: ёшлар тарбияси – энг муҳим масалалардан. URL: https://soglom.uz/archives/8338 [кўрилган муддати:22.04.2021]
4. “Овертон ойнаси” ёхуд “йўқ қилиш технологияси” URL:http://info.islom.uz/jamiyat/item/86-overton-ojnasi-jo-ud-j-ilish-tekhnologiyasi.html [кўрилган муддати:22.04.2021]
5. Как правильно растить детей или секреты японского воспитания! URL:https://hronika.info/obwestvo/21135-kak-pravilno-rastit-detey-ili-sekrety-yaponskogo-vospitaniya/ [кўрилган муддати:22.04.2021]

**ТУРДИЕВА НАРГИЗА МАРДОНОВНА,**
*Международный университет туризма “Шёлковый путь”,*
*старший преподаватель*

# РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ НАТSIОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СЕМЕЙНОМ ВОСПИТАНИИ

**Annotatsiya:** *maqolada milliy qadriyatlarning oila tarbiyasidagi o'rni va ahamiyati, oilaning jamiyatdagi o'rni ochib berilgan. Ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalashda mahalla muhim o'rin tutadi. Mahalla bugungi kunda nafaqat fuqarolarning siyosiy qarorlarni qabul qilishda ishtirok etishini ta'minlovchi asosiy bo'g'in, balki yoshlarning mamlakat ijtimoiy hayotidagi faolligini oshirishga va ma'naviy rivojlangan yoshlarni tarbiyalashga qodir yagona tizimdir.*
**Kalit so'zlar:** *oila, ta'lim, axloqiy tarbiya, urf-odatlar, marosimlar, urf-odatlar, milliy ta'lim, mahalla, islom.*

**Аннотация:** *статья раскрывает роль и значение национальных ценностей в семейном воспитании, роль семьи в обществе. Большую роль в воспитании духовно – развитого поколения является махалля. Махалля сегодня это не только основное звено, обеспечивающее участие граждан в принятии политических решений, но и единственная система способная повысить участие молодёжи в социальной жизни страны и воспитать духовно – развитую молодёжь.*
**Ключевые слова:** *семья, воспитание, нравственное воспитание, традиции, обряды, обычаи, народное воспитание, махалля, ислам.*

**Annotation:** *the article reveals the role and significance of national values in family education, the role of the family in society. The mahalla plays an important role in the upbringing of the spiritually developed generation. Today, the mahalla is not only the main link that ensures the participation of citizens in political decision-making, but also the only system that can increase the participation of young people in the social life of the country and educate spiritually developed youth.*
**Keywords:** *family, upbringing, moral education, traditions, rituals, customs, folk education, mahalla, Islam.*

Введение: Семья – это самое главное, что есть у каждого из нас. В Республике Узбекистан издревле почитают и берегут семейные узы как одно из богатств народа, ибо здоровое общество и сильное государство формируются на основе прочной семьи.

Семья – это главный социум общества, на ней основывается общество и государство. Семья – это не только ячейка общества, это своеобразное мини государство со своими правами и законами. В Узбекистане основным составляющим общества является семья. Узбекские семьи в течение веков выполняют функцию хранилища и обогащения таких понятий, как честь и совесть, доброта и милосердие.

Основная часть: Придавая особое внимание семье, определяя ее место и роль в обществе, необходимо признать, что семья является базовой ячейкой общества, которой свойственны свои экономические, культурные, морально-этические отношения, сложившиеся между членами семьи. А ведь основная часть семей в Узбекистане состоит из нескольких поколений. А управлять и сохранить ее - немалый труд. В Узбекистане насчитывается более 4 миллионов семей, из которых 2,2 миллиона в сельской местности, и средний состав ее 5-7 человек. В республике более 12% семей имеют 10 и более детей. Многодетность является характерной особенностью узбекской семьи. Воспроизводство населения, продолжение человеческого рода является основной функцией семьи, свойственной только узбекской семье. Эта важная миссия семьи – репродуктивная – определяет и другие не менее важные ее функции: экономическую, хозяйственно-бытовую, коммуникативную, воспитание и социализацию подрастающего поколения, и, конечно, протекторную и рекреационную для всех членов семьи. Каждая семья, в которой рождаются дети, несет огромную ответственность перед обществом, осуществляя их

воспитание. Образованные, хорошо воспитанные, здоровые дети – это огромное достижение старших поколений, это достояние общества, строящее свою независимость. А ведь большую часть населения Узбекистана составляют дети и подростки, которых насчитывается более 10 миллионов. Правильное воспитание будущего поколения это гармонично развитая, здоровая будущая ячейка нашего общества.

На Востоке во все времена особое почтение воздавалось семье, семье клановой, традиционной. Семья священна, и потому она неприкосновенна. Являясь неоспоримой ценностью общества при любых формах государственного строя, узбекская семья проявляет и поныне удивительную жизнеспособность, – в то время как в западных обществах наблюдается нарастающий кризис института моногамного брака и семьи. В чём причина жизнеспособности традиционной узбекской семьи? В первую очередь в нашем государстве и большую роль для развития полноценной семьи играет махалля.

Духовно и физически здоровая, гармонично развитая личность может формироваться только в здоровой и благополучной семье. Здоровая атмосфера и благополучие в семье – основа духовного совершенства всего общества. В повышении духовной жизни народа место и значение исторически сложившейся махалли, основанной на родственных и близких отношениях, считается бесценной. Махалля сегодня это не только основное звено, обеспечивающее участие граждан в принятии политических решений, но и единственная система способная повысить участие молодёжи в социальной жизни страны и воспитать духовно – развитую молодёжь.

Сегодня нам нужна молодёжь с глубокой духовностью, обладающая самостоятельным мышлением. Решение этой важной стратегической задачи на сегодняшний день требует эффективного совместного действия семьи, махалли, общеобразовательных учреждений и институтов гражданского общества, так как духовность, мировоззрение, навыки, связанные с представлениями и верой молодёжи, формируются именно в семье, в махалле.

Совершенствование духовного воспитания в семье и махалле считается одним из его основных вопросов, это всегда отмечалось нашими великими предками. Усиление духовно- нравственного воспитания остается актуальной задачей для каждого периода. Демократические ценности общества нашли своё отражение в семье, махалле такие как, толерантность и милосердие. Поэтому большую роль в формировании благополучной семьи играет махалля.

Формирование чувства преданности народу и стране с детства занимает особое место в воспитании. Для этого с ранних лет жизни ребенка необходимо знакомить его с материальным миром и использовать формы, соответствующие нашим национальным традициям.

Система воспитания, созданная народом Узбекистана, на протяжении многих исторических эпох всегда служила могучим средством передачи социального опыта, накопленного прежними поколениями. Узбекская народная педагогика обладает исключительно богатым фольклорным материалом: эпические поэмы, разнообразные сказки, песни, пословицы и поговорки, загадки. Все они имеют непреходящее познавательное и воспитательное значение, не утратившее своей актуальности и в настоящее время.

Жизнь и подвиги наших великих предков, не жалевших себя во имя чести и достоинства, донесла до нас наша история. Тумарис боролась с захватчиками, защищая честь и достоинство своей семьи. Легендарный полководец Амир Тимур больше всего ценил семейные традиции и семейные достоинства. Великий Мангуберды оберегал честь своей матери. Алпомыш отправился в далёкие края, чтобы спасти свою возлюбленную.

Великий узбекский педагог Абдулла Авлоний сказал: «Воспитание для нас вопрос жизни и смерти, чести и бесчестия, счастья и отсутствие его. Если ребенок вырастет воспитанным, свободным от коррупционного поведения и приученным к хорошим манерам, каждый окажется приемлемым, счастливым человеком. Если он вырастет без дисциплины и морали, он станет невежественным, позорным миром, который не слушает советов и совершает всевозможные злые дела». Этими словами великий мыслитель хочет сказать, что воспитание в семье это главная ценность будущего поколения. А хорошее полноценное воспитание можно получить в здоровой и гармонично – развитой семье.

Ребёнок большую часть времени находится в семье. Во время общения с родными и близкими у ребёнка с первых дней жизни начинает формироваться структура личности. Он видит, как родители относятся друг к другу, к окружающим, как мать относится к отцу, на основе этого у ребёнка

складывается внутренний мир, своя система отношений. Нравственный климат семьи складывается и таких составных, как гармоничное взаимоотношение супругов, их взаимопонимание. И в этом процессе огромную роль играет мать, являющаяся хранительницей очага, доброты и уюта. До сих пор сохранилась традиция петь колыбельную «Алла». Хотя младенец не понимает суть «Алла», но ласковая нежная мелодия тепло воздействует на него. Когда ребёнок повзрослеет, он поймёт суть и смысл «Алла», наставления и пожелания матери. Отношения, обстановка, тёплая атмосфера в семье – вот что важно для ребёнка, как для будущего полноценного успешного человека. Основатель узбекской литературы Гафур Гулям говорил, что именно от родителей зависит, каким вырастет ребёнок, займёт ли в обществе достойное место. А также сказал, что важно контролировать ребёнка во время учёбы, воспитать в нем любовь к труду, и опираться на проверенные веками традиции народной педагогики. Поведение родителей, отношения между отцом и матерью, уважение к родным и близким – важные факторы, обеспечивающие формирование ребёнка.

Отказ от чуждых нашему национальному быту « боевых» игрушек, мультфильмов, кинофильмов является требованием времени. Игры, игрушки, художественные книги, мультфильмы, созданные на основе национальных сказок, отражающие восточную воспитанность и позитивные стремления человечества, считаются основным средством правильного формирования внутреннего мира ребенка. По этой причине необходимо сохранение священности, единства семьи, воспитание детей патриотами, гуманными, высокодуховными и развитыми. Здесь в целях объединения стремлений всех участников воспитательного процесса и сотрудничества имеет значение координация деятельности широкой общественности.

Заключение: В заключении хочу обобщить вышесказанное. Во - первых, в формировании духовно – развитого, гармоничного поколения играет огромную роль наши национальные ценности. В первую очередь в воспитании будущего поколения является мать - хранительница очага и уюта в доме. Мать сама должна быть воспитанной, образованной, духовно – развитой женщиной, чтобы воспитать полноценную личность, это очень важно.

Во – вторых, махалля. Махалля – это важная ячейка общества. «Это целая система отношений между жителями одного квартала, улицы. Она существенно повлияла на становление и развитие узбекских традиций, быта. В некотором роде, это форма общины только на меньшей территории, махалля является самой маленькой административной единицей в системе местного самоуправления. Она также выполняет функцию контроля посредством разветвлённой сети из добровольных «помощников» она всё видящая, всё слышащая и всё знающая» (Абдувахид Сулейманов).

В - третьих, в воспитании ребёнка большую роль играет педагогика наших великих предков, наша история. Наша незабываемая история должна быть примером для каждого. Родители должны заставлять читать книги наших великих мыслителей, так как на великой истории рождается великая личность. Например, узбекский писатель Абдулла Кадыри в своих произведения писал, об узбекской семьи, о гостеприимстве, об этике семьи, о уважении старших, о родственных тёплых отношений, о уважении к женщине – матери. Как не прочитав, произведения великих узбекских писателей можно сформировать и воспитать в себе достойную личность.

**Список использованной литературы:**


1. Топилдиев О.Р. «Роль семьи, махалли и образовательных учреждений в воспитании молодёжи» 2015. Ташкент «Педагогика»
2. Абдувахид Сулейманов «Моя улица – моя махалля» Stend Land Bruch 2019. Ташкент
3. Абдуллаев Д. Семейная психология, основа мышления. 2015. Ташкент.
4. Абдулла Авлоний.» Гулистан или этика в Турции». Ташкент 1992.
5. Исматуллаева Г.Э. Традиции и ценности в узбекских семьях. Молодой учёный №5 2015. Москва
6. Сафиязова Д.Ж. «Влияние национальных традиций на воспитание детей в узбекских семьях» Санкт – Петербург-2013. Народное образование и педагогика за рубежом.

**БОБУР ҒИЁСОВ,**
*ТДТУ доценти, тарих фанлари номзоди*

# ОИЛА ИНСТИТУТИДА ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОРИ МАСАЛАСИ

**Аннотация:** *мақолада Ўзбекистонда ёшлар тарбиясида Шарқ мутафаккирлари илмий-маърифий меросидани самарали фойдаланиш, уларни миллий ғоя ва миллий маънавий мерос асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари таҳлил қилинади.*

**Калит сўзлар:** *ёшлар тарбияси, баркамол авлод, миллий ғоя, истиқлол мафкураси, Ўрта Осиё мутафаккирлари, маънавий ва маданий мерос, миллий ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварли руҳида тарбиялаш.*

**Аннотация:** *в статье анализируются вопросы эффективного использования научно-просветительское наследие мыслителей Востока, их воспитание в духе патриотизма на основе национальной идеи и национального духовного наследия.*

**Ключевые слова:** *воспитание молодежи, совершенное поколение, национальная идея, идеология независимости, просвететили Центральной Азии духовное и культерное наследие, национальное самосознание, национальные и общечеловеческие ценности, патриотизм.*

**Annotation:** *the article analyzes the issues of effective use of the scientific and educational heritage of the thinkers of the East, their education in the spirit of patriotism on the basis of the national idea and national spiritual heritage.*

**Key words:** *education of youth, a perfect generation, national idea, ideology of independence, enlightened Central Asia's spiritual and cultural heritage, national identity, national and universal values, patriotism.*

Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, оилада ота-она ўз фарзанди тарбиясида асосий ўринни эгаллайди. Оила – муқаддас даргоҳ, у жамиятнинг муҳим бир бўғинидир. Оила мустаҳкам, маданиятли, миллий қадриятларимизга асосланган, онгли ва билимили фарзандларни жамиятга етказиб бера олсагина, унинг мавқеи юқори бўлади ҳурмати ошади. Шаркда азал-азалдан давом этиб келаётган ажойиб анъаналаримиз, удумларимиз ва қадриятларимиз борки, уларга тан бермасдан илож йўқ. Хусусан, йигит ё қиз яхши амаллари, ахлоқ одобини намоён эта олса унга “отангга раҳмат” дейишади, агар бадҳаракатлари, ахлоқсизлигини кўрсатса “падарингга лаънат” иборасини қўллашади.

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ўзининг жуда бой ва қадимий тарихига эга. Бу ўлка инсон маданияти дастлабки куртак отган кўҳна заминлардан бири саналади. У бутун тарих давомида умумбашарий қадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу ҳол ана шу сарҳадларда минг йиллар давомида қад кўтарган ва тарих тақозосига кўра бирин-кетин фаолият кўрсатиб ўтган ўнлаб давлатларнинг серқирра ва мазмундор тажрибасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Ота-она ўз фарзандининг тарбияси, одоби билан туғилган унинг кезларидан бошлаб шуғулланиши лозим. Негаки, бу оила қурган инсонларнинг асосий бурчи ва вазифасидир. Бунинг учун аввало ота-оналарнинг ўзлари юқори маънавият ва маданият соҳиблари бўлмоғи, саводхон ва ҳушхулқ бўлишлари талаб этилади. Оилада фарзанд камол топар экан, уни дунёга келтирган инсонлар овқат ейиш маданияти, суҳбат қилиш маданияти, ўзидан катталарга ҳурмат ва эътиборли бўлиши, китобга ва илмга меҳр қўйиш, тарихимизни ўрганиб бориш, Шарқ маданияти ва қадриятлари, буюк ва бетакрор маданий меросимиз ва ҳоказолар юзасидан сабоқлар бериб бориши ҳаётий аҳамият касб этмоқда. Ота-она ўз фарзандига тарих илми ҳамда бадиий адабиётга меҳр уйғотмас экан, хеч қачон муносиб фарзандни тарбиялай олмайди. Зотан, “илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган” [142], юртбошимиз

[142] Шавкат Мирзиёе: Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга. UZA/UZ/UZ/POSTS/ 25.12.2020.

Мирзиёев Ш.М. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олимлару уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу азим заминда яратилган, сайқал топган”.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим ота-оналар фарзанд тарбияси масаласида “ниҳоятда бандлиги ва вақти озлигини” рўкач қиладилар. Вақти келиб фарзанди номақбул иш қилиб қўйса ё жиноят содир этса, мен бехабар қолибман, хизмат билан бўлиб эътибор бермаган эканман” дея пушаймон бўладилар. Энди, психологик тадқиқотлар кўрсаткичларига эътибор қаратсак: “йўлбарс ўз боласи вояга етгунига қадар ҳар куни 20 соат вақт ажратар экан (ҳужум қилиш, ҳимояланиш, бошқа ҳайвонлар билан муносабатлар ва ҳоказолар), йўлбарс ўргатувчиси эса 16 соат, юртимиздаги ота-оналар эса бор-йўғи 12-15 дақиқа вақт ажратар экан (бу қисқа мулоқотлар асосан, кечки овқат вақтида, болам қўлингни ювиб келдингми, ўқишга қатнаб турибсанми, телефонинг ҳисобида пул борми? сингарилар билан чекланиб қолган”.[143] Энди бошқа бир факт:АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон ўз қизи Челси тарбияси ва ўқишни ўзлаштиришига ҳар куни камида бир соатдан вақт ажратар эди. Ҳозирги даврда давом этаётган мураккаб глобаллашув жараёнида вояга етаётган фарзанд икки дилемма ўртасида қолиб кетмоқда: ё ота-она ўз фарзандини баркамол инсон сифатида ўқитиш, билим бериш ва жамиятга фойдали инсон сифатида шакллантириш ё бўлмаса глобал таҳдидлар, ахлоқсизлик, ҳаёсизлик ва оммавий маданиятнинг салбий жиҳатлари таъсирига берилиб кетиш, айрим кезларда турли диний оқимлар ва террористик гуруҳлар сафига кириб кетиш ҳолатлари барчамизга айндир. Ачинарли ҳолат шундаки, кўп ота оналар ўз фарзандига 500 доллар нарҳдаги уяли телефонлар олиб беришяпти, лекин 5000 сўм турадиган фойдали китобларни сотиб олиб беришни ўзларига эп кўрмаяптилар. Расмий фактларга самимий муносабатда бўлган ҳолда тан олайлик, юртимизда бузилиб кетаётган ёш оилаларнинг миқдори кишини ташвишга солмай қўймайди. Айрим маҳаллаларда ажрашган ёш оилаларнинг миқдори 40% дан ошган. Буларнинг асосий сабаблари турмушга тайёр бўлмаган ёшларнинг муқаддас даргоҳ ҳисобланган оилага енгилтаклик-ла муносабат, оила қуришга тайёр эмаслик кўзга ташланаяпти. Бу бахтсизликларнинг асл сабаблари яна ота-она, қолаверса оила тарбиясининг суст эканлигига бориб тақалади.

Оилада катта ғоявий-тарбиявий ҳамда ахлоқий бўшлиқ натижасида вояга етаётган ўқувчи ё талаба ўқув муассасаларига келганидан сўнг, пировардида асосий юк педагоглар ва мураббийлар елкасига тушмоқда. Натижада ўқув даргоҳларидаги ёшлар ўқишга келмайди, келса ҳам доскага чиқиб тўрт қатор жумлани бехато ёза олмайди ва устозлар билан сен эмас мен, дея талашиб тортишади. Асосий қонунимизда таъкидланганидек, “ота-оналар ўз фарзандларини боқиши ва вояга етгунига қадар тарбиялашга мажбурдирлар”.[144] Лекин кўпгина ота-оналар ўзларининг ана шу мажбуриятларини бажармаяптилар. Оммавий ахборот воситалари ўз-ўзини бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоатчилик ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва педагоглар ушбу масалада аллақачон бонг уриб келмоқдалар. Бироқ, ижобий ўзгаришлар анча оз.

Тўғри, фарзанд тарбиясига жиддий аҳамият қаратаётган ота-оналар оз эмас. Улар ўз фарзандларининг қизиқишлари, иқтидори ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қўллаб-кувватламоқдалар, спортга, ҳунар сирларини ўрганишга, санъатга, илм-фан чўққиларини эгаллашга бўлган интилишла-рида қамарбаста бўлаяптилар. Ушбу саъй-ҳаракатлар, албатта ўз самара-ларини бемоқда. Ҳозирги даврда юртимизни “полвонлар мамлакати”, “чемпионлар юрти”, дея атаётганликлари бежиз эмас. Мамлакатимизнинг халқаро мавкеини юксакларга кўтаришда ёш авлоднинг буюк хизматларини асло камайтириб бўлмайди.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий мерос шу қадар улкан, шу қадар қамрови бениҳояки, уни яхлит идрок этишга уринган ҳар қандай илм соҳибининг ақлини шошириб қўяди. Жаҳоннинг бирорта минтақаси Марказий Осиёда етишиб чиққан доно мутафаккирларимиз, олимлар ва кашшофларимиз миқдорида мутафаккирлар етиштириб чиқарган эмас. Маънавий меросимиз таркибий қисмлари ўртасидаги ички уйғунлик, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва мавкеи аниқ ифодасини топмаса, турли соҳа мутахассислари алоҳида тадқиқотларини бир жойга жамлаш билан иш битмайди, яхлит манзара ҳосил бўлмайди. Жаҳонга машҳур бобокалонларимиз – Ўрта Осиё

[143] Бобур Ғиёсов. Оила мустаҳкамлигининг муҳим омили. // ‘’Гулистон”. 2019/6. 27-бет
[144] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (64-модда). - Т.: Ўзбекистон, 2016.

мутафаккирлари қолдирган илмий ва маънавий мерос тарихимизни, қолаверса ўзлигимизни англашда муҳим ҳаётий аҳамият касб этмоқда. Айниқса ёшлар онгига миллий ғоя, истиқлол мафкураси ҳамда бой маънавий меросимизнинг асл моҳиятини сингдиришда кўп томонлама саъй-ҳаракатлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Истиқлол туфайли ардоқли ва шодиёна аёмимиз "Наврўз" бор бўй-басти билан тикланди, пировардида Мустақиллик шарофати билан тантанавор нишонланадиган энг ардоқли халқ байрамига айланди.

Дарҳақиқат, халқнинг юзлаб йиллар мобайнида яратган асарларни ўрганмай, маънавий ва маданий меросни англамай ва тушуниб етмай, миллий ўзликни англаб етмай, қолаверса умуминсоний қадриятлар уммонида ўз мавқеини аниқлаб олмай туриб асл ватанпарварларни тарбиялаб бўлмайди,"[145]-дея мулоҳаза юритади таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов. Ёшлар ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни баркамол инсон бўлиб етишишига ҳисса қўшиш, ёшларда миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғуларини сингдириб бориш, уларнинг онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни, Она-Ватанимизга ва жонажон халқимизга содиқликни шакллантириб бориш бизнинг олдимиздаги муҳим вазифалардан биридир. Кўп асрлардан буён Буюк Ипак йўли вазифасини бажариб келаётган минтақамизнинг халқаро аҳамияти ортса ортиб бояптики, асло камаяётгани йўқ. Миллий ва умуминсоний қадриятларимизнинг камол топаётган фарзандларимиз онгига сингдириб борилиши ҳам мудофаа қудратимизнинг юксалишида ўз аҳамиятига эгадир.

1990-йилларда жаҳондаги айрим сиёсий доиралар ғаразли мақсадларини кўзлаган ҳолда ўша даврдаги ёш давлатимиз, эндигина шакллланаётган давлатчилигимизга қарши муфкуравий хуружларни амалга оширишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин "Хизб ут-таҳрир", "Ваҳобийлик" ва "Нур" деб аталмиш экстремистик гуруҳлар қабиҳ режаларини амалга ошира олмадилар. Чунки мамлакатимиз раҳбариятининг доно ва бунёдкорлик сиёсати, қўллаган тезкор чора-тадбирлари туфайли ўз вақтида уларнинг манфур фаолиятига зарба берилди. Ҳукуматимиз, албатта, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли дўстона муносабатларни ривожлантириш тарафдори. Лекин, давлатимиз дўстона муносабатларга раҳна солувчи мафкуравий хуружларни амалга оширишга интилувчи сиёсий кучларнинг қонунчилигимизга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларига чек қўя олади. Дарҳақиқат ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маънавий баркамоллик ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга қалқон бўла олади, олий мақсадлар сари етаклай олади.

Ҳар бир халқнинг миллий ва диний қадриятлари ўзи учун азиз, уларни камситишга хеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу билан бирга бир халқ удуми иккинчисиникига мос келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳар ким ўз менталитетини, ўз миллий қадриятларини ёт унсурлар таъсиридан ҳимоя қилишга ҳақлидир. Маънавият – нафақат ижобий ҳислатлар мажмуи, балки ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилувчи иммунитет ҳамдир. Маънавияти бутун инсонлар ташқаридан келаётган турли исёнкорлик руҳидаги даъватлару тарғиботларга алданиб, эргашиб кетмайдилар. Ироқда ва Ливияда юз берган хунрезликлару давлат тўнтаришлари, ҳозирги Сурия Араб Республикаси ёки Украинада намоён бўлаётган сиёсий бўҳрону парокандаликлар глобал таҳдидларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатди. "Араб баҳори" дея аталмиш қабоҳат ва залолат ушбу мамлакатларнинг бошига озмунча кулфат келтиряптими?! Халқ хўжалиги-чи, озмунча зарар кўрдими?! Ҳалок бўлган бегуноҳ болалар, аёллар ва қарияларда нима айб? Сохта ғоялар ва мафкуралар орқали амалга оширилган ва шу кунларда юз бераётган фуқаролар урушлари араб халқларига барқарорлик, тенглик, фаровонлик, хавфсизлик ва осойишталик олиб келаётгани йўқ.

Бизнинг ҳар биримиз – ўзбек диёрининг ҳар қайси фарзанди тарихда ким эдигу, яқин ўтмишда ким бўлиб қолганимизни аниқ ва равшан тасаввур қила билишимиз лозим. Ватанни севмоқ учун аввало унинг шонли кечмиши, яхши ёмон кунлари, аждодлар ўтмишини ва кўхна тарихини муфассал ўрганмоқ керак. Чунончи, Ватанни севмоқ учун тарих ва адабиёт билан ошно бўлиш шаклланиб бораётган баркамол инсон учун ниҳоятда муҳимдир. Тарих ва адабиёт инсон онги ва тафаккурида бир-бири билан уйғунлаша олувчи, ҳамоҳангликда ноёб хазинага айлана олувчи бебаҳо маънавий бойликдир. Бундай маънавий бойлик инсонни олий мақсадлар сари етаклашда қамарбаста бўла олади.

[145] Абдухалимов Б.А. "Байт аль-хикма" и научная деятельность среднеазиатских ученых в Багдаде.// Автореферат диссертации на соискании ученой степени доктора исторических наук. - Т., 2001. С.3.

Истиқбол сари дадил йўл олган Ўзбекистон Республикасининг келажак кунлари фаровон бўлмоғига, унинг бағрида ҳақиқат нурлари тўла порламоғига, ҳар бир инсоннинг орзу-умидлари ушалмоғига ҳар биримиз, албатта ишонмоғимиз керак. Фақат ишонишгина эмас, бу йўлда ҳалол меҳнат, яхши ният билан самарали фаолият кўрсатмоғимиз муҳим аҳамият касб этади. Элни деб, юртни деб яшаган ҳар бир инсоннинг тақдири ёрқин, топгани бахту саодат, эришгани камолот чўққиси бўлади. Халқимизнинг маънавий юксалиши нафақат юртимиз гўзаллиги, балки давлатимизнинг ижобий халқаро имиджини намоён этади. Шак-шубҳа йўққи, келажакда улуғвор тарихий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси – халқимиз ўз ғояларига доимо содиқ бўлиб қолади.

**БЕКНАЗАРОВА ЛОЛА,**
*Қарши давлат университети*
*психология фанлари номзоди, доцент*

## ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ОИЛА РАВНАҚИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Аннотация:** *ушбу мақолада оиланинг ижтимоий инситиут сифатида ривожланиши, оилавий муносабатлар, оилавий турмушнинг асосий мақсади, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни, боланинг шахс сифатида ўзини англаши ҳамда Шарқ мутаффаккирларининг оилада фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлари мужассамлашган.*
**Таянч сўзлар:** *оила, феномен, ота-она, фарзанд, тарбия, шахс, муносабат, халқ, миллат, маънавий мерос, қадрият, хулқ-атвор, ўз-ўзини англаш*

**Аннотация:** *в статье рассматриваются вопросы развития семьи как социального института, семейных отношений, основных целей семейной жизни, роль родителя в воспитании детей, восприятие ребенком себя как личности, взгляды восточных мыслителей на воспитание детей в семье.*
**Ключевые слова:** *семья, феномен, родитель, ребенок, воспитание, личность, отношение, люди, нация, духовное наследие, ценности, поведение, самосознание*

**Annotation:** *the article discusses the development of the family as a social institution, family relations, the main goals of family life, the role of the parent in the upbringing of children, the child's perception of himself as a person, the views of oriental thinkers on the upbringing of children in the family.*
**Key words:** *Family, phenomenon, parent, child, upbringing, personality, attitude, people, nation, spiritual heritage, values, behavior, self-awareness*

Оила феномени дунёдаги энг умрбоқий қадриятлардан бири ҳисобланади. Оила инсониятнинг ибтидоий ҳаётидан маданийлашган, цивилизациялашган ҳаётга ўтишини таъминлаган энг муҳим омиллардан бири. Оила ўзига хос ижтимоий институт сифатида жуда узоқ тарихий даврни босиб ўтганлиги ва такомиллашганлиги билан ижтимоий аҳамияти ҳамда вазифалари ортиб боради. Оила доимо ривожланиб борувчи, такомиллашувчи, янги мазмун, моҳият билан бойиб борувчи маскан бўлиб, дунёда бирорта инсон ўзини оиласиз тасаввур эта олмайди. Шунинг учун ҳам оила феноменига қизиқиш катта.

Оила ижтимоий инситиут сифатида, инсониятнинг онгли ҳаёти билан қадам бақадам мавжуд, ҳамда жуда қадимий тарихга эга бўлсада, бироқ уни шакллантириш, ривожлантириш, бирлаштириш, жипслаштириш, оила аъзоларининг ягона мақсад сари сафарбар этишнинг ягона ташхиси ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Ўзбек миллий характерида оиланинг буюк қадрият эканлигини эътиборга олган ҳолда унинг мустаҳкамлиги ва софлигини сақлаб қолиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини тўлиқ англаб етиш энг муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Оила ва оилавий муносабатлар айниқса, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро алоқалари жамият юзага келган илк даврлардан буён энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Жамият ривожланиб

борган сари бу муаммонинг аҳамияти янада ортиб бораверади. Чунки инсоният томонидан эришилган ютуқлар айнан, оила муҳитида ота-она ва фарзандлар муносабатлари тизимида бошқа ҳар қандай ижтимоий инситутлар орасидаги узвийлик сифатида олиб қаралганда кўпроқ даражада ўзлаштирилади ва анъанавий маънавий мерос тарзида авлоддан авлодга ўтади. Шундай экан, у ёки бу жамият халқ ва миллатнинг истиқболи кўп жиҳатдан шу муносабатларнинг ҳолатига боғлиқ. Бунинг учун оиладаги ички муҳитнинг ҳар томонлама соғлом, маънавий мустаҳкам бўлишига эришиш лозим.

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилик жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади- бу фарзанд кўриш орқали шахслараро муносабатлар аҳволини қайта тиклаш, шунингдек, авлодлар билан аждодлар ворислигининг давомийлигини ҳамда ер юзида инсониятнинг тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир. Дарҳақиқат оила–ҳар бир шахснинг илк ёшлигидан бошлаб шаклланувчи инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар, минг йиллар давомида таркиб топувчи ўзбек халқининг маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир.

Оилавий муносабатларни қадимги халқлардан қолган муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижодиётида, шарқнинг буюк мутафаккирлари асарларида, ўзбек халқнинг шахслараро муносабатлардаги одоб-аҳлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар моҳияти тўғрисидаги қимматли манбаларда ҳам учратиш мумкин.

Ақлан етук, аҳлоқан пок, жисмонан бақувват фарзандлар эса яхши оилаларда камол топади. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий, аҳлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятига молик масаладир. Чунки ижтимоий ҳаётда юз берадиган барча ўзгаришлар, яъни ундаги ютуқ ва камчиликлар мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Шунга кўра оила ва оилавий тарбия масалалари ҳар доим ҳам долзарб муаммо сифатида эътироф этилади. Айниқса, бола шахсида ўз-ўзини англашнинг таркиб топишида ота-она томонидан берилаётган тарбиянинг таъсири муҳимлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ота-оналарнинг болага муносабати ўзининг ўзига муносабатидан олдин келади, унинг бошқалар томонидан англаниши ўзини ўзи англашдан олдин келади. Бошқалар муносабатларининг ички кечинмаларга ўтиши одамлар билан ўзаро таъсирлашув ва биргаликдаги фаолият жараёнида амалга ошади. Бироқ бошқанинг фикрини қабул қилиш феноменининг аҳамиятига доир иккинчи нуктаи назарга кўра, тўғридан-тўғри ўзлаштириш эмас, балки бошқа одамларнинг муносабатларига таяниб, ўзини баҳолаш, ўзига муносабатини шакллантириш қобилиятининг юзага келишидан иборатдир.

Бошқа одамлар баҳоларини ўзлаштиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд: тўғридан-тўғри сўзли шакл ва хулқ-атвор шакли. Мазкур механизмлар болани тарбиялаётган катталар томонидан тарбиявий мақсадда онгли ҳам, онгсиз ҳолда ҳам ишга туширилиши мумкин.

Ўзини ўзи англаш ва баҳолаш жараёни хусусиятларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон психология фанида ҳам муайян илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, уларда ўзини ўзи баҳолаш жараёнининг ижтмоий-психологик омиллари, ўсмирларнинг ўзини ўзи баҳолашига оилавий муҳитнинг, ўртоқлари даврасининг, мактаб таълимининг, ота-онанинг ва ниҳоят шахсга хос бўлган индивидуал-психологик хусусиятлар, яъни интилиши, мақсадлари ва ҳаётий позицияларининг ўрни масаласи илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

Профессор В.М.Каримованинг тадқиқотларида оила бола шахсининг шаклланиши ва унинг ижимоийлашувига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади деб таъкидланади. Шу билан бир қаторда унинг кўрсатишича, боладаги ўзи тўғрисидаги барча тасаввурларнинг шаклланишида у тарбияланаётган оиладаги муносабатнинг хусусиятлари, оила типлари ва ота-оналик мақомларининг улар томонидан қай даражада англанишининг роли каттадир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида оила ва оилада фарзанд тарбиясига катта эътибор берганлар. Зеро ёш авлод тарбияси инсониятнинг келажак тақдирини белгилайдиган, уларни ижобий мезон билан қуроллантирадиган сифатлар бўлганлиги учун ҳам мутафаккирлар бу муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилиб келганлар. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Умар Хайём, Аҳмад Югнакий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг қатор асарларида болаларни оилада тарбиялаш масалаларига доир маълумотлар келтирилган.

Абу Наср Форобийнинг уктиришича инсоннинг барча қобилият ва фазилатлари икки томонга эга. Биринчиси туғма ирсий табиий ҳислатлар бўлса, иккинчиси тажриба, амалиёт, шароит таъсирида таркиб топадиган ҳислатлардир. Шунингдек бола тарбиясида бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳислатларни ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлайди.

Оилада бола тарбияси масаласи Абу Бакр Муҳаммад ибн Ал-Аббос Ал-Хоразмий қарашларида ота-оналар икки хил, туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли. Шунга кўра уларни узвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Унинг, "Замондан яхшироқ муаллимни инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим" деган сўзларидан бир томондан ижтимоий муҳитни бола тарбияси учун ҳал қилувчи таъсирини англасак, иккинчи томондан инсон шахси таълим натижасида камолотга эришиб бориши мумкинлигини сезамиз.

Беруний ота-оналарга қарата боланинг мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан қаттиқ ғазабланиш, қўрқиш ва хафаликдан, уйқусизликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, уларни ҳоҳлаган ва фойдали нарсасини топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилади. Ота-онанинг болага турли муносабати турлича хулқларни келтириб чиқаради. Яхши хулқларнинг пайдо бўлиши, бола руҳиятига таъсир қилибгина қолмасдан, унинг физиологик ўсишига ҳам ёрдам беради. Ёмон хулқ эса турли мижоз бузилишиларига олиб келади. Аксинча бола организмидаги ўзгаришлар унинг руҳиятидаги хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мутафаккир бола хулқ-атворининг мўътадиллиги натижасида тан ва руҳ соғломлиги келиб чиқишини ҳам илмий асослаб беради.

Ибн Сино оилада бола тарбияси анча мураккаб ва нозик бўлиб, уни боланинг ёшлигидан бошлаш ва изчиллик билан олиб бориш лозимлигини уқтиради. У она алласининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталиб "Алла" икки вазифани бажаради дейди. Биринчиси уни тебратиш орқали болага жисмоний ором бағишлайди; иккинчиси бешикни бир маромда тебратишдан онанинг меҳри жўш уради, боласига бўлган муҳаббатидан онанинг орзу умиди юрак туридан силкиниб чиқади. Бу ўзига хос қўшиқ боласига қасидадек янграйди ва у фарзандининг мурғак қалбига бутун шуурига сингиб боради. Шу тарзда болада ўзи англамаган ҳолат пайдо бўлади. У аста-секин бу ёруғ оламни англай бошлайди. Ана шу англашдан ўрганиш бошланади. Худди шу ўрганиш тарбияланишдир. Зотан ўрганиш сезишдан келиб чиқади. Ибн Сино ана шу ҳолатга эътиборни қаратиб "ёш боланинг сезгирлик қуввати катта одамга тенг келади" деган фикрни билдиради.

Юсуф Хос Хожиб "Қутадғу билиг" асарида бола тарбияси ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзади: "Фарзанд қанчалик билимли, ақлли, ҳушли бўлса, ота-онанинг юзи шунчалик ёруғ бўлади". У бола тарбиясида отанинг маъсулиятига асосий эътибор беради. "Кимнинг ўғил қизи эрка бўлса –деб ёзади у - унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди. Ота болани кичиклигида бебош қилиб қўйса болада гуноҳ йўқ барча жафо отанинг ўзида. Ўғил – қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади. Ота болаларни назорат қилиб турли ҳунарларни ўргатса, улар улғайгач ўғил қизим бор деб севинади, ўғил қизга ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу ҳунар билан уларнинг феъл-атворлари гўзал бўлсин". Бола аста-секин ҳунар ўрганиб ҳаётдан таълим олиб, билимдон бўлади, чинакам инсоний гўзалликка эришади.

Оилада бола тарбияси буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий меросида ҳам муносиб ўринни эгаллайди. У ўзининг қатор асарларида таълим-тарбия масалалари умуминсоний ғоя эканлигини ўртага ташлайди. Унинг фикрича жамиятнинг етуклиги унинг тақдири ва келажаги ёшлар камолоти билан боғлиқдир, шунга кўра бола тарбияси ота-оналар олдида турган олижаноб вазифадир.

Алишер Навоий ота-оналарнинг яхши сифатларини улуғлайди. Бундай сифатларнинг уларда жамулжам бўлиши бола тарбиясида муҳим роль ўйнашини кўрсатиб ўтади. Масалан унинг хотинлар ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир: "Яхши хотин дейди Навоий – оиланинг давлати ва бахти унинг осойишталиги, ундан уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги, ундан ҳуснли бўлса кўнгил озиғи, хушмуомала бўлса жон озиғидир. Оқила бўлса рўзғорда тартиб-интизом бўлади. Беандиша шаллақи бўлса кўнгил ундан озор чекади, ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азобланади. Агар майхўр бўлса уй ободлиги йўқолади, ақлсиз бўлса оила расво бўлади". (10)

Давоний ота-онанинг бола тарбиялашдаги унинг дунёқарашини таркиб топтиришдаги ролини алоҳида таъкидлаган. Унинг эътиқодига кўра бола тарбиясида ота ҳам она ҳам тенг иштирок этиши,

иккови ҳам баровар маъсулият сезиши лозим. Ота боланинг гўзал фазилатларини эгаллашига, севган касбини пухта ўрганиб олишга ёрдам кўрсатиши, камолотга етишини, илм-фан касб-ҳунарни эгаллаши учун моддий база ҳисобланган озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш устида ҳам бош қотириши керак. Давоний отанинг бола тарбиясидаги ролига катта баҳо берса ҳам, барибир, тарбия масаласида асосий қийинчилик онанинг зиммасига тушади, деб ҳисоблайди. Чунки у ҳомиладорлик машаққатини, туғиш азобини бошдан ўтказади. Она боланинг яшашига сабаб бўладиган, биринчи қувватни ўз баданидан беради, узоқ вақт эҳтиёткорлик билан асрайди, бола тарбияси билан шуғулланади ва ўзининг чексиз меҳр-шафқатини болага фидо қилади.

Ота-она болага биринчи ўринда оддий аҳлоқ нормаларини сингдиришга юриш, туриши, ейиш, ичиш, қоидаларига ўз қилмиши учун маъсулият сезиши ёмон қилиқлари учун уялишга ўргатиши лозим. Шундай қилиб, Давоний болаларнинг тарбияси билан шуғулланиш ота-оналарнинг асосий бурчи эканлигини қайд этади.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, оила ва унинг маънавий мероси шахсга оилада бериладиган таълим-тарбия ўзига хос бўлиб, бу жараёнда асосий таъсир объекти сифатида ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Шу боис, бола шахсининг камолотида ўз-ўзига бўлган муносабатни таркиб топишида оила ва оилавий тарбиянинг муҳим ўрин эгаллашини янада такомиллаштириб боришда ўзбек халқининг маънавий меросидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Абдурауф Фитрат. Оила. - Т.: Маънавият, 2000. 112-бет.
2. Абу Райхон Беруний. Ҳикматлар. - Т., 1973. 174-бет.
3. Абу Носр Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. - Т., 1993. 224-бет.
4. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Танланган асарлар тўплами 13 т., - Т., 1996. 224-бет.
5. Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. Нашрга тайёрловчи Хайруллаев М.
6. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. – Т., 2006. 172 бет
7. Узоқов Х., Ғозиев Э, Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Т.: Ўқитувчи. 1992.



**Д.ШУКУРОВА,**
*ҚаршиДУ психология кафедраси ўқитувчиси*


## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ


**Аннотация:** *ушбу мақолада болалар тафаккурини шакллантиришда ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш ва боланинг жамиятга, одамларга, ўзига бўлган муносабатлар тизимида миллий тафаккурини шакллантиришни таркиб топтиришга қаратилади.*



**Калит сўзлар:** *ота-она, фарзанд, оила, таълим-тарбия, ақлий фикр, дунёқараш, тасаввур, тафаккур, нутқ, фаолият, миллий, ахлоқий хусусият*



**Аннотация:** *эта статья посвящена нравственному воспитанию в формировании мышления детей, формирование национального мышления в системе взаимоотношений ребенка с обществом, людьми и самим собой.*



**Ключевые слова:** *родитель, ребенок, семья, образование и воспитание, умная мысль, мировоззрение, воображение, мышление, речь, деятельность, национальная, нравственная особенность.*



**Annotation:** *this article is devoted to moral education in the formation of the thinking of children, the formation of national thinking in the system of the child's relationship with society, people and himself.*



**Key words:** *parent, child, family, education, mental thinking, outlook, imagination, thinking, speech, activity, national, ethical, peculiarity.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқларида шундай сўзларни келтириб ўтганлар: “Бола ота-она қўлида бир омонатдир”,-дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнинг тақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бугунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”.

Оиладаги тўғри ва асосли тарбия инсон умрининг асосли пойдеворидир. Инсон фазилати, ҳаёт гўзаллиги ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги узлуксиз меҳнати ақл-идрок билан узоқни билиб иш кўришига боғлиқдир.

Болаларнинг асосий фаолиятлари ўйин, уй юмушларига ёрдам бериш, ўқиш ва шу кабилардан иборат бўлиб, уларнинг ақлий тарбиясини шакллантиради ва уларнинг миллий ахлоқий хусусиятини ўстиради. Болаларнинг ақлий фикрлаши ўйин ёки катталар билан шуғулланаётганда, уй юмушларини бажараётганда, ота-онаси билан бўлган мулоқотда, сайр қилганда ривожланиб боради. Ота-оналар атрофдаги нарсаларга, табиатда бўлаётган ўзгаришларга болалар эътиборини қаратиб, уларни тўғри англаш ва таққослашга ўргатади. Шу асосда боланинг сўз бойлиги ва дунёқараши кенгайиб боради.

Болалар тафаккурини шакллантиришда ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг моҳияти боланинг жамиятга, одамларга, ўзига бўлган муносабатлар тизимини ўзида таркиб топтиришга қаратилади. Масалан, катталарга ҳурмат, саломлашиши одоби, тозаликка риоя қилиш, дастурхон атрофида ўтириш кабилар. Инсоннинг ахлоқий фазилатлари боласликдан бошлаб қанчалик ривожланиб борса, фикрлар доираси шунчалик кенгайиб боради. Бола катталар билан қанчалик кўп муносабатда бўлса, унинг атроф-муҳитни идрок қилиши шунчалик ривожланиб боради. Бу жараёнда катталар томонидан бола кўзга ташланадиган иш қилмаса ҳам, у тиришиб ҳаракат қилгани учун ҳам уни рағбатлантирилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Оилада меҳнат фаолиятларига тақлид қилиш даставвал болаларнинг миллий ўйинлари, “меҳмон-меҳмон”, “дастурхон безатиш”, каби ўйинларида намоён бўлади. Болалар бу билан чекланиб қолмайдилар. Улар катталар меҳнатида бевосита иштирок этиш учун ҳаракат қила бошлайдилар.

Боғча ёшидаги болаларнинг меҳнатларига баҳо бериб бориш уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашда катта рол ўйнайди. Болалар кучлари етадиган ишларни бажараётганларида кўп хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Лекин бундан болаларни меҳнатга жалб қилмаслик керак, деган маъно келиб чиқмайди. Болаларга бирор юмуш буюрилганда, уни қандай бажараётганликларини назорат қилиб туриш, сабр билан тузатиб туриш керак, шундагина оилада миллий урф-одатларга нисбатан ҳам фикрлаш яъни тафаккур қилиш жараёнлари шаклланиб боради.

Ота-оналарнинг иш билан банд бўлиб, фарзанд тарбиясига вақт ажрата олмаётганликлари бизнинг жамиятимизда ҳам мавжудлигидан кўз юма олмаймиз. Баъзи оилаларда болалар оталарининг дам олиш куни қачон келишини ҳисоблаб юришлари ҳам бу фикримизнинг энг оддий далили бўла олади. Айрим ота-оналар ҳар қандай иш шароитида ҳам фарзандаларига вақт ажратишнинг уддасидан чиқади. Бундай ҳолат иш тартиби билангина боғлиқ бўлиб кўринса-да, аслида ота-она, фарзанд, оила ва жамият келажаги билан боғлиқдир. Айниқса, оилавий сайр ўзаро яқинлик, аҳилликни янада ортишига сабаб бўлади. Бир-бирини тушуниш, бир-бирининг иши, ташвиши, ютуғидан хабардор бўлиш оилавий сайр чоғида рўй бериши мумкин. Рангларга бой, гўзал, хушманзара табиат инсон дидини, нутқи, тасаввур ва тафаккур қилиш фаолиятини ўстиради. Бундай сайр давомида уй-рўзғорга оид гапларни келишиб олиш, эртанги кун режаларини тузиш ёки ўқилган китоблар ҳақида баҳслашиш мумкин. Уйқу олдидан оилавий сайр қилиш-тинч, оромли уйқу бахш этади. Дам олиш кунларини, меҳнат ва ўқув таътилларини самарали ўтказа билиш саломатлик ва узоқ умр кўриш каби фикрларни янада шакллантиради.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, оилавий тарбия бола шахсини тўғри йўлга солувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ахлоқий, ижтимоий, эмоционал, хулқий ва бошқа сифатларига оила асос солади, шакллантиради ва камол топтиради.

Ўзбек оилаларида миллий тарбия ва миллий тафаккурнинг ривожланишида ўзига хос ҳикматли сўзларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Масалан, “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Нима эксанг, шуни ўрасан” мақолларида бола тарбиясига эътибор қаратилганлиги.

Шунингдек, бола тафаккурини шаклантиришга хос кўникма ва одоб, эътиқод, дунёқараш,ижобий ҳис-туйғулар вақт ўтиши билан бола хулқида мужассамлашиб боради. Бола хулқ-атворига қараб ота-она томонидан ишлатилган мақтов ёки танқид усулларни тўғри қўллай олиш уларнинг тафаккури ва дунёқарашини шаклланиб бориш имконини яратади.

Демак, мақсадга йўналтирилган мақтовли сўзлар бола шахсига тез таъсир кўрсатувчи омил бўлиб, бола руҳини бақувват қилади, қон айланишини яхшилаб, кислород миқдорини оширади ва соғлом фикрлаш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Рустамова А., Фозилова В. Оилашуновлик. – Т., 2004.
2. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти миллий ғурур. – Тошкент, 2001.



**ЭРГАШЕВА САЙЁРА,**
*Қарши давлат университети ўқитувчиси*


## ОИЛА ТАРБИЯСИГА ХОС ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ


**Аннотация:** *Мақолада шарқ мутафакирларининг оилада фарзанд тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни, маънавий ва ақлий ҳислатлари, оиланинг ижтимоий муҳити ҳақида қимматли фикрлар баён этилган.*



**Калит сўзлар:** *оила, фарзанд, тарбия, ота-она, қадрият, муомала маданият, ижтимоий – муҳит, соғлом фикр, миллат*



**Аннотация:** *В статье собраны ценные размышления восточных мыслителей о роли национальных ценностей в воспитании детей в семье, духовных и интеллектуальных качествах, социальной среде семьи.*



**Ключевые слова:** *семья, дети, воспитание, родители, ценности, культура поведения, социо-среда, здравый смысл, нация.*



**Annotation:** *The article contains valuable reflections of oriental thinkers about the role of national values in raising children in the family, spiritual and intellectual qualities, and the social environment of the family.*



**Key words:** *family, children, upbringing, parents, values, culture of behavior, socio-environment, common sense, nation.*


Шарқ мутафаккирлари ўз илмий меросларида оила ва оилада фарзанд тарбияси масалаларига катта эътибор берганлар: Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг қатор асарларида оилада фарзанд тарбияси масалалари ўртага қўйилган ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Шарқда оилаларнинг мустаҳкам бўлишига тарихан жиддий ва катта эътибор берилган: оила қуришда икки томоннинг розилиги, насл-насаби, дину диёнати, мол-дунёси ва ҳусни инобатга олинган; оила оёққа тургунча ота-она, яқин қариндошлар ўз кўмак ва маслаҳатларини аямаганлар; оилада фарзандни комил тарбия қилиш учун 3 нарсага асосий диққат қаратилган: - яхши исм қўйиш ва соғлом ўстириш; - соғлом фикр ва мушоҳадали этиб тарбиялаш; - ахлоқва меҳнат тарбиясини ўргатиш; оилаларнинг мустаҳкам бўлишида ота-она, қўни-қўшни ва қариндош-уруғ ибрати муҳим аҳамият касб этади. “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Имом ал-Бухорий (810-870) бир ўринда ота–она фарзандига зулм қилса ҳам фарзандлари уларга яхшилик қилаверишлари керак, деб таъкидласа, бошқа бир ўринда “Қайси бир мусулмон фарзанд савоб умиди билан эрталаб ота–онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатнинг иккита эшигини очади. Оила ва оилада бола тарбияси жуда муҳим. Фарзандларингизни иззат–икром қилиш билан бирга аҳлоқ-одобини яхшилангиз. Болаларингизни сузишга ва ўқ отишга ўргатинглар, қиз фарзандларингиз уйда тикиш, бичиш ишлари билан шуғуллангани яхши.

Агар ота–она бирданига чақириб қолишса, аввал онага жавоб қил, Ота–онаси қарғаганни тангри қарғайди. Кимнинг гўдаги ёш бўлса, уни гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин. Ҳеч бир ота–она ўз фарзандига хулқу–одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, деган фикрларни илгари сурган.

Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг (824-892) оила ва оилада бола тарбияси ўртасидаги “Ота-она ва фарзанд бурчи”, “Ота-онани, оилани ва қариндошларни ҳурматлаш” ва ҳоказо каби нодир ҳадислари бизгача етиб келган. Ат-Термизий ҳам “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одабини ҳам яхшилангизлар, ёки, ота-оналарингизга қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай муомалада бўлади” каби ҳадислари билан ҳадис илмининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган сиймолардан бири ҳисобланади.

Абдурауф Фитрат 1916 йилда «Оила» номли фалсафий асарини ёзган бўлиб, унда оилавий хаётни ислохотидан бахс юритилган ва адиб нажот йўлларини ахтариб ҳалқларнинг умуминсоний қардошлик ғоясини тарғиб этган. Фитрат оилани ижтимоий вазифалари деб, «Авлод тарбияси», «Фикрий тарбия», «Ахлоқий тарбия» каби қисмларга бўлади.

Инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисоблаган. Агар, яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакамига бахтсизликка, хатто, халокатга айланишини уқтирган. Шунинг учун мактаб тарбияси билан бир каторда оила тарбиясига ҳам катта аҳамият берган. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу холда мактабнинг таълим-тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди.

Оилада бола тарбияси масаласи Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий қарашларида ҳам мавжуддир. Унинг айтишича, “Ота-оналар икки хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли”. Шунга кўра уларни узвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Унинг қуйидаги сўзлари анчайин ибратлидир: “Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ талим оладиган ўқувчини кўрмадим”. Унинг бу сўзларидан бир томондан ижтимоий муҳитни бола тарбияси учун хал қилувчи таъсирини англасак, иккинчи томондан инсон шахси таълим натижасида камолотга эришиб бориши мумкинлигини сезамиз.

Оилада бола тарбияси масаласи Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий қарашларида ҳам мавжуддир. Унинг айтишича, “Ота-оналар икки хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли”. Шунга кўра уларни узвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Унинг қуйидаги сўзлари анчайин ибратлидир: “Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ талим оладиган ўқувчини кўрмадим”. Унинг бу сўзларидан бир томондан ижтимоий муҳитни бола тарбияси учун хал қилувчи таъсирини англасак, иккинчи томондан инсон шахси таълим натижасида камолотга эришиб бориши мумкинлигини сезамиз.

Беруний тан ва руҳ поклиги масаласини ҳам ўртага ташлайди. Оилада тозалик, поклик ва тартиблилик мавжуд экан, у ерда маънавий поклик ҳам бўлади. Бу фикрни-танани тоза тутиш билангина чеклаб бўлмайди, балки кўп ҳаракат қилишга чақиради. Бу ҳаракат меҳнат қилиш демакдир. Унинг қалб ва ҳаракат ҳақидаги фикри инсоннинг тани билан руҳи поклигини бир бутунлиги тўғрисидаги ғоя билан боғлиқдир. Бу нарса бола тарбияси жисмоний соғломлик билан маънавий-ахлоқий бойлик ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ҳақидаги бугунги кун талаби билан ҳамоҳангдир. Беруний ота-оналарга қарата боланинг мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан болани қаттиқ ғазабланишдан, қўрқиш ва хафаликдан, уйқусизликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, уларни хоҳлаган ва фойдали нарсасини топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклигини уқтирилади. Беруний бола тарбиясида ирсият муҳит ва тарбия таъсирини бирдек муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Беруний ахлоқий тарбияга мусулмон дини талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Ахлоқийлик яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш натижасида намоён бўлади ва шаклланади. Унинг бу фикри ўз даври учун янги ва илмий башорат эди.

**Бола, асосан, оилада тарбияланади. Оила ўз муҳити орқали боланинг дунёқарашига ва хулқига доимо ўз таъсирини ўтказиб туради. Ибн Сино таъбирича, ота-она бола тарбиясини унга исм қўйишдек олийжаноб вазифадан бошлайди. А.Авлоний эса бу соҳада биринчи навбатда боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигини таъкидлайди. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлса, тарбия эса амалий иш ва тажриба воситасида амалга оширилиши билан таркиб топишини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.**

**Юқорида келтирилган фикрларга кўра, бугунги кунда ҳам миллий қадриятларимиздан оилада боланинг жисмонан соғлом, ахлоқан пок, меҳнатсевар, маданиятли интеллектуал салоҳиятли бўлиб ўсиши учун кенг фойдаланишимиз лозим. Ўқув тарбиявий муассасаларнинг тарбия борасидаги ишлари қанчалик яхши йўлга қўйилишидан қатъий назар, тарбия масалаларини оила ҳал қилади. Боғча ва мактаблар болага таълим берса ва тарбияласа, ота-оналар фақат тарбиялабгина қолмай, улар билан бирга яшайдилар ҳам. Шу сабабли оиланинг таъсири кучли ва узоқ давом этади. Ота-оналарнинг фарзанд учун фидойи бўлишлиги ўзбек миллатига хос бўлган ажойиб фазилатдир.**

Хулоса қилиб айтганда, маърифатли оилада тарбия топган фарзанд, инсон қадрини, миллат қадриятларини, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин. Бу, шубҳасиз, ота-оналар ва мустақил, буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -160 б.
2. Қосимов Б., Долимов У. Маърифат дарғалари. -Тошкент, 1990.-176 б.
3. Ғозиев.Э.Ғ. Муомала психологияси. - Тошкент: Университет, 2001. -140 б.

**Р.ЭРНАЗАРОВ,**
*Қарши давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси*

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ЁНДАШИШ

**Аннотация:** *мақолада оилада ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келиши, болалар тарбиясининг тўғри олиб борилиши, индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *оила, тарбия, муомала, муносабат, мулоқот, муҳит, характер , қизиқиш, индивидуал-психологик хусусият, эмоционал ҳолат*

**Аннотация:** *в статье проанализированы взоимоотношения между родителями и детьми в семье, направленные по правильному пути; возникновение здоровой среды в семейных взаимоотношениях, првильное воспитание детей, способствующих формированию индивидуально-психологических особенностей*

**Ключевые слова:** *семья, воспитание, общение, среда характер, интерес, индивидуально-психологических особенностей*

**Annotation:** *the article analyzes the relationship between parents and children in the family, directed along the right path; the emergence of a healthy environment in family relationships, proper upbringing of children, contributing to the formation of individual psychological characteristics*

**Keywords:** *family, upbringing, communication, environment, character, interest, individual psychological characteristics*

Буюк маърифатпарвар Авлонийнинг фикрича, одам туғилишидан ёмон хулқ билан туғилмайди. Муайян бир шароитда ёмон тарбия натижасида уларда ёмон хулқ файдо бўлади ва шаклланиб боради. Инсондаги қобилиятни камолга етказиш тарбия билан амалга ошади. Авлонийнинг таъкидлашича, агар инсон яхши тарбия топиб, ёмон хулқлардан сақланса, гўзал хулқларга одатланиб, вояга етса, у барчанинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган бахтиёр инсон бўлиб шаклланади. Агар аксинча бўлса, унинг ҳар қандай бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил, ёвуз бир одам бўлиб етишишига олиб келади.

Авлоний тарбиянинг барча хусусиятларини таҳлил қилар экан, биринчи навбатда, тарбиянинг амалга ошириш вақтига катта аҳамият беради. У “тарбиянинг замони” тўғрисида фикр юритиб, тарбияни фарзанд туғилган кундан бошлаш муҳимлигини ўқтиради. Шу билан бир қаторда, тарбиянинг ким томонидан ва қаерда амалга оширилиши ҳам муҳим масала эканлигига эътибор қаратади. Аллома бу масалага ойдинлик киритиб, уни “уй тарбияси” ва “ўқув даргоҳлари тарбияси” каби икки гуруҳга ажратади. Уй тарбиясида онанинг тарбияси муҳим эканлигини кўрсатади [1,].

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади [ 2, 52].

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслдар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини тан олишимиз даркор. Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади”[146].

Дарҳақиқат, оилада ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишига, болалар тарбиясининг тўғри олиб борилишига, болаларда ижобий фазилатларнинг ва индивидуал-психологик хусусиятларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида юзага келаётган турли хил стрессли ҳолатларнинг юзага келиши натижасида жамиятимиз учун ёт бўлган иллатлар ва шахслараро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ота-оналарнинг болалар психологиясини, уларга хос муносабатларни билмасликлари туфайли содир этилаётганлиги, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонларини психологик педагогик қонуниятларини очиб беришни тақозо этади.

Оилавий муносабатларда шахслараро муносабатларнинг издан чиқиши болалар тарбиясида ва уларнинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, болалар билан тўғри муносабатга киришишда оилада тарбияланаётган болаларга таъсир доираси ижтимоий доира каби кенгдир. Оила болаларни ватанга муҳаббат, меҳнатга ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга муросасизлик руҳида тарбиялаш учун катта имкониятларга эга бўлиб, хусусан, боланинг ҳиссиёти ва эмоционал ҳолатларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Оилада, айниқса, катта ёшли кишилар, 12-15 ёшли болалар билан тўғри муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳар қандай бола улғайган сари катталар буйруғини ва кўрсатмаларини ёқтирмайдиган бўла боради. Бу буйруқ ва кўрсатмалар кўпинча қаршилик кўрсатиш, ҳатто, оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундай вазиятларда болага нисбатан муомала тарзини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Буйруқ ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керак, токи бола ана шу қилиниши керак бўлган фаолиятни бажариши шарт эканлигини онгли тарзда тушуниб етсин. Шундай ҳолатдагина бола ҳар бир ишни онгли тарзда бажаришга одатланади.

[146]Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

Агар катта ёшдаги болага панд-насиҳат қилинаверса, унинг ғашига тегиш билан стрессга мойиллик даражасини орттириш мумкин. Айни ҳолларда боланинг қалбига кира оладиган педагогик, психологик усулларни қўллаш яхши самара беради.

Ота-оналар ёки оиланинг катта ёшли аъзолари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўстона муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланиши кабилар юзага келади. Оилада болаларга таъсир этиш сифатини ошириш учун оилада катта ёшли аъзоларнинг болага қўядиган талаблари ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан ишнинг бир бўлиши лозим. Оилада бундай бирликниинг бўлмаслиги бола ҳулк-атворига салбий таъсир кўрсатиб, уларда кўпроқ ахборот узатиш билан боғлиқ бўлган психологик стресс ҳолатини вужудга келтиришга сабаб бўлади. Шу нарсани таъкидлаш керакки, бола билан муомала ва муносабатга киришишда уларнинг психологиясига эътибор бермаслик, оиладаги носоғлом психологик муҳит - бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида килинадиган хатти-ҳаракатлар боланинг характерида одам ёқтирмаслик, тез ҳиссиётга берилиш, иродасизлик, қўрқоклик, асабийлик, ёлғончилик, меҳрсизлик, қўполлик маънавий заифлик ҳислатларининг таркиб топиши билан уларда стресли ҳолатларнинг янада кескинлашиб бориш имкониятини оширади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муомала-муносабатга киришаёттанларида педагогик одобга риоя қилмоқлари даркор. Ота-онанинг айтган ҳар бир сўзи таъсир қиладиган бўлмоғи, сўзнинг айтилиш формаси, шу сўзнинг формасига мос келадиган ҳолда чеҳранинг очиқ ёки важоҳатли бўлиши педагогик-психологик таъсирчанликни оширади. Аксинча, психологик-педагогик одобга риоя қилмаслик, болани ҳаддан ташқари ортиқ севиш ёки бераҳмлик, қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш ота-она билан бола ўртасидаги ўзаро муомала муносабатининг бузилишига сабаб бўлади.

Ота-оналар ва болалар ўртасида муомала муносабатларининг ижобийлигини таъминлашда ҳар бир боланинг психологик хусусиятларига хос муомала ва муносабатда бўлиш зарур. Бунда боланинг ёши, психик жараёнлари, индивиудал-психологик хусусиятлари, психик ҳолатлари оиладаги тарбиявий муҳитнинг миллий психологик қонуниятлари ҳисобга олиниши зарур. Болани ёшини, маълум вазиятдаги ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ўзимизни боланинг ўрнига қўйиб кўришимиз керак. Шунда биз боланинг психик оламини, хоҳиш-истагини англаб ета оламиз. Боланинг психик олами, ҳаяжон ва қувончларини, ўй-хаёлларини ўзимизда ифодалаб кўришимиз эса болаларни тушунишда бош мезон бўлиб хизмат қилиши лозим.

Юқорида келтирилган фикрларга кўра, ўзбек халқининг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари билан боғлиқ боланинг хулқи ва дунёқараши шаклланишида оилада қарор топган соғлом муҳит аввало, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги, оилавий миллий қадриятларни эъзозлашига боғланади. Бундай ҳолатларни тўғри талқин этиш оилада тарбияланаётган болаларда турли хил стрессли ҳолатларни олдини олишга замин яратади. Бунинг учун ҳар бир ота-она ёки оила аъзоларининг замонавий оила психологиясига хос саводхонлик даражасини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Авлоний А. Танланган асарлар. - Тошкент: Маънавият, 2-жилд, 1998.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч, - Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ғозиев Э.Ғ. Ёш даврлар психологияси. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1998.
4. Ғозиев Э.Ғ. Муомала психологияси. – Тошкент: Университет, 2001.

**Наримбаева Лола Кузебаевна,**
*МБЖТ 20/2 талабаси*

**Махмудова Окила Анваржон Кизи,**
*МБЖТ 20/2 талабаси*

## БОҒЧА ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19-июль 2017- йилдаги 528-сон қарорига асосан Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом қабул қилинди. Низомда мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини мақсад ва вазифалари, моддий-техник таъминоти аниқ белгилаб берилган ва кўрсатилган. Мазкур Низомнинг аҳамиятли томони шундаки, мактабгача тарбиянинг тўғри ташкил қилиниши ва олиб борилиши инсон ҳаётининг кейинги босқичлари учун ниҳоятда аҳамиятли ва долзарбдир.

Шунинг учун ҳам мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришни амалга ошириш учун тарбиячиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шаклларини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “ 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони, 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори ва юқоридаги фармонлар асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари малакасини ошириш, уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутади.

Мактабгача тарбия муассасасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим, тарбиячи энг аввало ёш даврлари ва болалар психологиясини яхши билиши лозим. Ривожланиш психологияси, болалар психологияси, ёш даврлари психологияси каби фанларнинг асосий тушунча ва тамойилларини тўғри тушуниб олиш, бу тушунчаларни тўғри идрок этиш болалар билан ишлашда уларнинг психик ривожланиш қонуниятларини тўғри, тўлиқ, тизимли тушунишга имкон беради.

Ривожланиш – ҳозирги ҳолатдан янги босқичга ўтиш, оддийдан мураккабига, қуйидан юқорига ўтиш.

“Психикани ривожланиши” – психик жараёнларнинг миқдор, сифат ва тузилиши бўйича қайта ўзгаришларда номоён бўладиган вақт бўйича қонуний ўзгаришидир[147].

Ривожланиш ва психикани ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик ва умумий қонуниятлар ҳар бир ёш босқичининг ўзига хос миқдор ва сифат ўзгаришларини, шунингдек кризисларини ҳам ифодалайди.

Шахснинг ҳар бир ёш босқичига хос бўлган сенсор, ақлий, иродавий томонлари бўлади; улар ўртасидаги ўзаро таъсир ҳам ўзгаради, бундай ўзгариш умумий ривожланишга, хулқни бошқаришга таъсир кўрсатади. Ҳар бир ёшда ҳам, инсоннинг ривожланишида, айниқса болаликда таълим ва тарбия тизими, шахснинг фаоллиги ҳал этувчи роль ўйнайди[148].

Инсон қанча йил умр кўриб яшашидан қатъий назар унинг психологик шаклланишига мактабгача ёш даври стимул вазифасини бажаради. Айнан ривожланишнинг мазкур босқичида ота-она ва тарбиячилар томонидан кўрсатилган психологик ва тарбиявий таъсир кейинчалик инсондаги ҳарактер хусусиятларининг ривожланишига, ахлоқий сифатларни таркиб топишига сабаб бўлиши мумкин.

Психологик таъсир боланинг ҳарактери ва хулқига таъсир кўрсатиш бўлса, тарбиявий таъсир орқали болаларнинг билиш жараёнлари, қобилият ва истеъдодини, дунёқарашларини ўстиришга ҳаракат қиладилар. Боғча ёшидаги болаларнинг яна бир муҳим хусусиятлари шундаки, жуда қизиқувчан бўлишади, қизиққан нарсасини чукуррок билишга тиришади, қизиқарли машғулоти билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса, ўз навбатида, боланинг диққати, идроки, иродаси каби муҳим психик жараёнларини ривожланишига ҳамда мустаҳкамланишига ёрдам беради.

---

[147] З.Т.Нишонова. “Ривожланиш психологияси”. Т.: Шарк – 2010, 3-б.
[148] П.Юсупова. “Мактабгача тарбия педагогикаси”. Т.: Ўқитувчи - 1993.26-б.

Бола предметлар билан мулоқотга киришар экан дунёни англай бошлайди ва бу ўз-ўзидан билиш жараёнларини жадал ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу даврда болада тафаккур ва нутқнинг ҳам жадал ривожланиши кузатилади. Билиш жараёнлари ҳам дифференциялашган (фарқланган, ажратилган) бўлади. Боғча ёшидаги болаларга хос бўлган “нимага?”, “қачон?”, “нима учун?”, “қаерда?” каби саволлар уларнинг атрофдаги предметлар ва динамикадаги ҳодисаларни кузатётганларини ва шу орқали фикр билдираётганини билдиради. Айнан мазкур даврдаги болаларнинг етакчи фаолияти сюжетли-ролли ўйинлар бўлгани учун ҳам уларнинг ўйин фаолиятида катталарга тақлид, ота-она ва оила аъзоларининг ролларини ўйин фаолиятида номоён қилиш ҳоллари учрайди. Боланинг шахс сифатида шаклланаётганини унинг хатти-ҳаракатлари ва феъл-атвори билдириб туради.

Айнан тарбиячиларнинг тарбияси ва оила муҳити таъсирида бола ўз хоҳиш ва истакларини ижтимоий мақсадларга йўналтиради, ўзини ва ўртоқларини хулқ-атворини баҳолашга ҳаракат қилади. Бунда катталарнинг китоб, эртак, хикоялар ўқиб эшиттириши, болаларга ҳам содда хикоялар тузишлари учун топшириқлар бериши, сайрларни тўғри ташкил қилиши, расм чизишга, бошланғич ўқув фаолиятига жалб қилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, айнан фаолиятни тўғри бажаришга йўналтириш орқали бола шахсида, дунёқарашида, билиш жараёнларида ўзига хос тараққиёт, ижтимоий нормаларни қабул қилиш кўникмалари шаклланади.

Боғча ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларини ривожланишида оила ва боғча муҳитидаги тўғри ташкил қилинган таълим-тарбия жараёни, тенгдошлари билан ўзаро муносабатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу даврда болалар турли тушунчаларни англашни бошлайдилар. Ўйин фаолиятида, боғчадаги турли тарбиявий машғулотларда иродавий сифатлар бола хулқида номоён бўла бошлайди. Болада онглиликнинг, дунёқарашнинг ўсиши орқали ўзига қўйилган талабларнинг моҳиятини тушуна бошлайдилар. Катталарнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали турли вазиятларни солиштириш ва содда хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўла борадилар. Айнан боғча ёши даври инсондаги мавжуд умумий ва шахсий қобилиятларни ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар давридир.

Тарбиячилар томонидан тўғри ташкил қилинган шакллантирувчи ва ривожлантирувчи машғулотлар бола психикасига ижобий таъсир кўрсатиб, уларда машғулотларга қизиқишни янада оширади. Бунда турли кўргазмалардан, қўл-бармоқларининг нозик ҳаракатларини (моторикани) ривожлантирувчи машғулотлардан, масалан: пластлиндан буюмлар ясаш, ортиқчасини топиш, турли моторик ҳаракатли машқларни бажариш, тақлид усулини қўллаш орқали (нутқ ва эшитиш тизимини ривожланишига ёрдам берувчи) бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Ҳар бир ўз касбини яхши кўрган тарбиячи энг аввало, болаларни яхши кўрсагина, улар билан тез тил топишади ва албатта уларнинг руҳий оламига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ҳар бир тарбиячидан касбий компитентликни оширишни, ўз устида мунтазам ишлашни талаб этади. Эртангимиз эгаси бўлган фарзандларимизни психологик хусусиятларини билсак, уларга таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланган боғча таълимида тўғри таълим-тарбия берсак, келажакда улардан буюк инсонлар етишиб чиқиши учун замин яратган бўламиз.

## ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:


1. ”Илм-фан ютуқлари-тараққиётнинг муҳим омили”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30-декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан номоёндалари билан учрашувдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2016 йил 31- декабрь.
2. З.Т.Нишонова ”Ривожланиш психологияси”.Т.: Шарқ-2010.438-б
3. Д.А. Нуркелдиева, Я.Е. Чичерина “Илк, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни психологик, педагогик ва логопедик текшириш”.Т.: Янги аср авлоди -2007. 103 б.
4. П.Юсупова ”Мактабгача тарбия педагогикаси” .Т.: Ўқитувчи-1993. 264 б.

**АБДИНАЗАРОВА НИЛУФАР**
*Қарши давлат университети ўқитувчиси*

## ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ

**Аннотация:** *мақолада ўзбек халқининг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таркиб топишида оилада болаларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш назарда тутилган.*

**Таянч сўзлар:** *оила, ота-она, фарзанд, миллий қадрият, миллий руҳ, умуминсоний, таълим-тарбия, инсонпарварлик, муҳит*

**Аннотация:** *в статье предусмотрено, что духовное богатство узбекского народа основано на национальных и общечеловеческих ценностях, организации воспитательного содержания детей в семье на основе общечеловеческих и национальных ценностей на основе гуманных принципов и духовно-нравственного воспитания молодежи.*

**Ключевые слова:** *семья, родители, дети, национальные ценности, национальный дух, человечность, образование, человечность, окружающая среда.*

**Annotation:** *the article stipulates that the spiritual wealth of the Uzbek people is based on national and universal values, the organization of the upbringing of children in the family on the basis of universal and national values on the basis of humane principles and spiritual and moral education of youth.*

**Key words:** *family, parents, children, national values, national spirit, humanity, education, humanity, environment.*

Мустақил Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади ва ўзини аямайди. Оилавий муносабатлар инсон шахсининг ривожланиши ва ижтимоийлашувида асосий омил ҳисобланади. Оила инсон шаклланадиган дастлабки ижтимоий муҳитдир. Оилавий муносабатлар натижасида шаклланган хусусиятлар инсоннинг атрофдагилар билан бўладиган мулоқотига асос бўлади. Оилада ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатларида миллий психологик билимларнинг қўлланиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшларни миллий рухда тарбиялаш масаласига эътибор ҳар доимгидан ҳам кучайтирилди. Ёшлар тарбиясига миллий руҳни сингдириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Миллий руҳ шахсни шаклантиришда муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Болаларни миллий рухда тарбиялаш жараёнининг мазмуни ва ўзига хослиги шарқ мутафаккирларидан Абу Носир Фаробий, Абу-Райхон Беруний, Ибн-Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва бошқаларнинг таълим-тарбияга оид асарлирида ўз ифодасини топган. Мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид асарлари қадрият сифатида миллий тарбиянинг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган миллий руҳни шакллантиришда муҳимдир.

Оилада болалар оладиган тарбиянинг энг биринчиси одоб-ахлоқ тарбиясидир. Бу болаларни гўдакликдан бошлаб тўғри тарбиялашдан бошланадир. Бу ҳақида Ибн-Синонинг ўзининг “Тиб қонунлари” асарининг 1-жилди “Фарзанд тарбияси» бўлиб, болаларни тарбиялашнинг ана шу муҳим жиҳатига бағишланади.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятлардан таркиб топади. Асрлар давомида халқнинг маънавий эхтиёжлари асосида шаклланган қадриятларда олға сурилган илғор ғояларни ўз онгида шакллантирган, уларнинг моҳиятини амалий фаолиятида намоён қила оладиган, ёшларгина мустақил республикамиз тарраққиётига ўз ҳиссасини қўша олади.

Бу эса ўз навбатида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни оиладан бошлашни талаб этади. Мазкур вазифани амалга ошириш вазифаси таълим-муассасалари

зиммасига юклатилган, аммо, барчамизга маълумки ҳар қандай тарбия аввало оиладан бошланади. Бу мақсадларни амалга оширишда оила етакчилик қилиши лозим. Таълим тарбия олдига қўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашни назарда тутади. Маънавий-ахлокий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаклари, эътиқоди, аҳлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий босқичига эга, ҳаёт синовидан ўтган, авлоддан-авлодга ўтиб ижтимоий тараққиетда хизмат қилувчи ижтимоий ходисадир. Шунингдек, жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларини ифодалувчи ва сақловчи кудратли омилдир. Демак, таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг устуворлигига эришиш ёш авлод тарбиясининг омилидир.

Жамиятимизда юксак маънавий комолотга эришган оилалар ҳам талайгина. Ўзбекистонни, ўзбек халқини дунёга танилишига ҳисса қўшаётган ёшлар бизнинг назаримизда ана шундай оилалардан етишиб чиқмоқда. Жуда кўплаб ота-оналар ўз фарзандларини миллат шарафини юқори даражага кўтариш мақсадида фарзандларини тарбиялаб вояга етказадилар. Ва албатта кўпчиликлари ўз орзу мақсадларига эришадилар.

Яна бир муҳим масала – ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатишдир. Тарихимизда ахлоқий қадриятларнинг сарчашмалари узоқ-узоқ даврларга бориб тақалади. Зардуштийлик таълимоти исломнинг ахлоқий тамойиллари халқ педагогикасининг ахлоқ-одобга доир ўгитлари ҳам тарбия мезонлари бўлиб ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳати бу инсон омили масаласидир. Мазкур омил ахлоқий ва ақлий камолот муаммосидир. Ана шу омил ватан миллат манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, инсонда фидоийлик, миллий ифтиҳор туйғуларини камол топтиради.

Оилада болаларни миллий қадриятлар асосида тарбиялашнинг яна бир муҳим жиҳати – бу уларни меҳнат қилишга, ишбилармонлик, тадбиркорлик, хусусий мулкчилик хислатларини ўргатишда адолатлилик, эътиқодлиликни таркиб топтиришдир. Бу эса ёшларда Ватан, халқ манфаати учун фидоийлик кўрсатишда энг муҳим фазилатлар бўлиб ҳисобланади.

Бу муҳим вазифаларни амалга оширишда баъзан маълум негатив ҳолатлар ҳам юз бериши шубҳасиздир. Чунки, оилада, таълим муассасаларида тарбия жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлардан самарали фойдалана олмасликдир.

Оилада болаларнинг миллий қадриятлар асосида тарбиялаб, уларнинг онгида миллий руҳни шакллантиришнинг таълим-тарбияга хизмат қилишига дахлдор яна бир хусусияти ёшларга унинг меҳр-мурувват, хайр-эҳсон хислатларини сингдиришдан иборатдир. Мазкур фазилатлар ҳам жамият тараққиёти, Ватан равнақи билан боғлиқдир. Оилада, таълим муассасаларида бу фазилатлар ёш авлод онгига сингдирилса, улар эртанги мутахассис сифатида Ватанимизни обод этиш, халқими фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўша оладиган бўлиб вояга етадилар.

Оилада миллий қадриятлардан тарбия жараёнида фойдаланишнинг яна бир жиҳати уларнинг ёш авлодда миллий ғурурни шакллантириш билан боғлиқ масалалардир. Ҳар бир ёшга шу ватанда яшаш туйғусини, она-замин, еру осмонни севиш, атроф-олам барчаси инсонга хизмат қилишини ҳис этиш ва бундан ғурурланиш туйғуларининг пайдо бўлишига ундайдиган қадриятлар санъат ва тарихий асарлар, бадиий адабиёт, халқ оғзаки ижоди, кино, театр ва бошқаларда ўз ифодасини топган ва булар ёш авлод онги ва қалбига бевосита самарали таъсир этади. Демак оилада болаларни миллий руҳни шаклланишига хизмат қилувчи барча омилларни хисобга олиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А.Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Боймуродов. Н. Амалий психология .- Т.: Янги аср авлоди, 2009. 316 б.
3. Ғозиев. Э.Умумий психология. – Т.: Университет, 2010. -544 б.

**ORIFOVA SABOAT YAKUBOVNA,**
*Namangan viloyati XTXQTMOHM katta o'qituvchisi*

## OILADAGI RUHIY MUHITNING O'SMIR TARBIYASIGA TA'SIRI

**Аннотация:** *ushbu maqolada o'smir yoshidagi bolalar tarbiyasida oiladagi ruhiy muhitning ta'siri masalalari xususida fikr mulohazalar bildirilgan.*
**Tayanch so'zlar:** *oila, ruhiy muhit, o'smirlik yoshi, shaxs, o'zgarish,munosabat.*

**Аннотация:** *в данной статье высказана точка зрения вопросов влияния духовной атмосферы семьи на воспитание детей-подростков.*
**Ключевые слова:** *семья, духовная атмосфера, подростковый возраст, личность, изменение, отношение.*

**Annotation:** *this article expresses the point of view of the issues of the influence of the spiritual atmosphere of the family on the upbringing of teenage children.*
**Key words:** *family, spiritual atmosphere, adolescence, personality, change, attitude.*

Ma'lumki,oila ijtimoiy institut sifatida hozirgi paytda bir qator o'zgarishlarni boshdan kechirmoqda. U bugun juda ko'plab ta'sirlar qurshovida qolmoqda. Xususan, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va ma'naviy sohadagi o'zgarishlar, oilaviy ajrimlarning ko'payishi va boshqalar oilaviy tarbiya ta'sirchanligining susayishiga olib kelmoqda. Bular o'z navbatida oilaviy muhitning buzilishiga, farzandlar tarbiyasidagi nuqsonlarning kelib chiqishiga zamin yaratmoqda. Oqibatda oilaviy tarbiyaga bog'liq bo'lgan bolalar va o'smirlarda hissiy zo'riqishlar natijasida stress holatlari va jinoiy ishlar ko'rsatgichi ortib bormoqda.

Tadqiqotchilarning ta'qidlashlaricha, bolalar va o'smirlar o'rtasida sodir etilayotgan jinoyatchiliklarning 60% dan ortig'i bevosita yoki bilvosita oilaviy muhitning nosog'lomligiga bog'liq holda sodir etilmoqda.

Oilalarda nosog'lom psixologik muhitning mavjudligi oilaviy munosabatlar noxushligi, oilaviy ajralishlar, ota-onalardan birini yo'qligi, oilaviy tarbiyadagi yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar bolalar va o'smirlar tarbiyasida o'ziga xos muammolarni keltirib chiqaradi. Ma'lumki, oilaviy tarbiya bola hayotida muhim o'rin tutadi. Oilaning bolalarga tarbiyaviy ta'sir doirasi ijtimoiy ta'sir doirasi singari o'ta kengdir. Oila bolalarni Vatanga muhabbat, ota-ona va atrofdagilarga sadoqat, mehnat va xalq boyliklariga ongli munosabat, nuqsonlarga murosasizlik, yuksak axloqiy va ma'naviy sifatlarni shakllantirishda, turmushga, ijtimoiy faoliyatga nisbatan psixologik va amaliy jihatdan tayyorlashda katta imkoniyatlarga egadir. Biroq, keyingi yillarda oilada farzandlarimizni tarbiyalashda, ularni kamol toptirishda bir qator muammolar, nuqsonlarga duch kelinmoqda. Tabiiyki ushbu muammolar bolalar va o'smirlar xulq-atvoriga, shaxs sifatida shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Kuzatishlarga qaraganda, keyingi yillarda oilalarda turli xil sabablarga ko'ra, xususan yurtimizda kechayotgan islohotlar, bozor munosabatlariga o'tish, kishilarda kundalik turmush tashvishlariga barham berish, qiyinchiliklarni yengib o'tish va kelajakka nisbatan yangicha qarash layoqatining yetishmasligi va shu kabilar oilada farzandlar tarbiyasiga e'tiborning biroz susayishiga sabab bo'lib, ota-onalar farzandlari bilan kam muloqotda bo'lishga to'g'ri kelmoqda. SHu boisdan yurtimizda oiladan tashqarida farzandlar kamoloti, tarbiyasi bilan mashg'ul bo'ladigan turli xil mashg'ulotlarga, (sport, kasb-hunar) to'garaklarga nisbatan bo'lgan ehtiyojning ortib borayotganligi kuzatilmoqda.

SHu o'rinda ta'kidlash lozimki, bu borada mamlakatimizda olib borilayotgan tadbirlar maqtovga sazavordir. Joylarda foydalanishga topshirilayotgan sport inshoatlari, zamonaviy talablarga javob beradigan ta'lim maskanlarining bunyod etilishi, yoshlarimizning bo'sh vaqtlarida shug'ullanishlari uchun turli xil to'garaklarning barpo etilishi bu yo'nalishda amalga oshirilayotgan ishlarning namunasidir. Ammo bu sohada hali qilinadigan ishlar ham bisyordir.

Oilada yetarlicha tarbiya ko'rmagan bolalar turmush qiyinchiliklaridan qoqiladi. Turli xil nizoli vaziyatlarga duch keladi. Tarbiyasizlik o'smirni yaxshi o'rtoqlaridan, davralardan ayiradi. Oqibatda o'smir uchun birdan-bir yo'l nosog'lom xulqli o'smirlar davrasiga qo'shilib ketish bo'lib qoladi. Qarabsizki, o'smirda jinoyatchilik xulqining kelib chiqishi uchun shart-sharoit yaratiladi.

Bolalar va o'smirlarda hissiy zo'riqishlar va xulq og'ishining kelib chiqishiga sabab bo'luvchi oilaviy tarbiyaga bog'liq bo'lgan omillardan yana biri "oilaviy tarbiyada primetiv (eskirgan, noma'qul) usullardan foydalanish" bo'lib hisoblanadi. Bunday tarbiya usulida tarbiya o'ta qattiqqo'llik, avtoretar, bolalarning fikr va qarashlarini inobatga olmaslik asosida olib boriladi. Bunday usulda bolalarni tarbiyalashning noto'g'ri ekanligini bugun hayotning o'zi ko'rsatib turibdi. CHunki, bugungi yosh mustaqil fikrlashga intiluvchan, o'z qarashlariga ega bo'lgan, aqlan yetuk yoshlardir. Bunday yoshlar bilan hisoblashish, ularning fikr va mulohazalarini eshitish, kerakli joylarda maslahat berish yaxshi natijalar berishligini unutmasligimiz kerak.

Oilaviy tarbiyada qo'pollik, andishasizlik, haqorat, do'q-po'pisa va jismoniy jazolash singari usullardan foydalanish ko'pincha bolalar va o'smirlarning uydan qochishiga, biron ish qilib qo'yib ota-onasidan qo'rqqanidan ko'chalarda daydib yurishiga, qaerlardadir tunab qolishiga olib keladi. Bunday bolalar oila muhitiga nisbatan ijtimoiy psixologik dezadaptацuyalanish jarayoniga duch keladilar. Oqibatda o'ziga ma'qul bo'lgan oiladan tashqari guruh yoki ko'cha muhitini qabul qiladi. Bu muhit o'zining xarakteriga ko'ra, bolaga salbiy yoki ijobiy ta'sir qilishi mumkin.

Oilaviy tarbiyada bolalar va o'smirlarning yosh va individual-psixologik xususiyatlarini inobatga olmasliklari holati ko'pincha ko'zlagan tarbiyada teskari natija beradi.

Ma'lumki, balog'at yoshi hisoblangan (12-14 yosh davrida) o'smirlik davrida keskin psixofiziologik o'zgarishlar sodir bo'ladi. Ushbu o'zgarishlar o'smir ruhiyatiga ham o'z ta'sirini o'tkazadi. Bu o'smirda tajanglik, serzardalik, injiqlik, ta'sirlanuvchanlik holatlarining kelib chiqishiga sabab bo'ladi. O'smir ruhiy dunyosida paydo bo'lgan bunday o'zgarishlar balog'at davri o'tishi bilan bir me'yorga kelib qoladi. SHuning uchun ota-onalar o'smirlar tarbiyasiga alohida e'tibor berishlari, ularda kechayotgan psixofiziologik o'zgarishlarni hisobga olishlari maqsadga muvofiqdir. Ko'pincha oilaviy tarbiyada bolalarning yosh va individual-psixologik xususiyatlarining inobatga olinmasligi ularning noto'g'ri, yomon yo'llarga kirib ketishlariga sabab bo'ladi. SHu boisdan ota-onalar oilaviy tarbiyada, farzandlari bilan bo'ladigan shaxslararo munosabatlarda, ular bilan muomala qilishda shaxs va yosh davri xususiyatlarini hisobga olgan holda ish tutsalar oilaviy tarbiyaning samarasi yuqori bo'lishligini ta'minlagan bo'lar edi.

Tadqiqot natijalaridan ma'lum bo'lishicha, ota-onalarda bolalarning yosh va individual psixologik xususiyatlari va oilada bolalarni milliy ruhda tarbiyalash to'g'risidagi bilimlarning yetishmasligi hamda tarbiya jarayonida milliy qadriyatlardan foydalanish borasidagi kamchiliklar bolalar tarbiyasida jiddiy nuqsonlarning kelib chiqishiga sabab bo'ladi.

Oilada ota-onalar ko'pincha farzandlari biron bir yomon ish qilib qo'ysa, uni qattiq jazolash, taqiqlash va ularni uydan chiqarmay qo'yish usullari orqali tarbiyalamoqchi bo'ladilar. Farzandi o'zlariga yoqadigan ishga qo'l o'rsa uni haddan ortiq maqtaydilar va mukofotlaydilar. O'zlari qo'llayotgan usullarni qay biri to'g'ri, qay biri noto'g'ri ekanligini anglab yetmaydilar. O'zlaricha tarbiya shunday beriladi deb o'ylaydilar. Natijada o'zlari bilmagan holda bolalarining tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatadilar. Shuning uchun ota-ona eng avvalo oilada bolalarni tarbiyalash to'g'risidagi nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'lishi lozim bo'ladi. Buning uchun esa ular tarbiya to'g'risidagi pedagogik va psixologik kitoblarni, gazeta va oynomalarni ko'proq o'qishlari zarur bo'ladi.

Kuzatishlarimizga asoslanib hamda o'smirlarda hissiy zo'riqishlarni oldini olish va turli salbiy oqibatlarning oldini olish maqsadida bir qancha tavsiyalar ishlab chiqdik.

Xususan, ota-onalar bola bilan munosabatlarda quyidagilarga e'tibor berish tavsiya etiladi:

1. Bolaga nisbatan munosabat bildirishda uning o'quv faoliyati ko'rsatkichlarini bosh mezon qilib olmaslik va shu tariqa uning uchun o'quv faoliyatini xavotirlanish omiliga aylantirmaslik maqsadga muvofiq;

2. Bolani tarbiyalashda shaxs bilan bog'liq hissiy zo'riqishlarni yuzaga kelishiga zamin yaratmaslik maqsadida qo'rqitish usulining tezkor samaradorligini suiste'mol qilmaslik, og'zaki tushuntirish va o'rnak bo'lish orqali yondashish usulining imkoniyatlaridan kengroq foydalanish zarur;

3. Bolani imkon boricha qo'llab quvvatlab, rag'batlantirish usullaridan kengroq foydalanish;

4. Ota-ona va yaqinlarining mehrini xis qilib turishini ta'minlash;

5. Bolaga haddan tashqari ko'p talab qo'ymaslik, bola xulq-atvoridagi, o'zlashtirishidagi faqat salbiy jihatlarga e'tibor bermay, balki ijobiy taraflarini ham ko'ra olishga ahamiyat berish;

6. Kun tartibiga qat'iy rioya qildirish;

7. Bolani qiziqqan faoliyati bilan shug'ullanishga sharoit yaratib berish orqali o'z imkoniyatlaridan foydalanishga o'rgatish;

8. Turli hayotiy vaziyatlarda o'z o'zini boshqarishga va o'zini qo'lga ola bilishga o'rgatish kabilar.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, yosh avlod shaxsini shakllantirishda oilaviy munosabatlarni, ya'ni oilaning ma'naviy dunyosini takomillashtirish uchun unga zarur ruhiy xotirjamlik, ibratli ruhiy munosabat, o'zaro totuvlik yaratilgan bo'lishi zarur. Oilaviy munosabat - ya'ni ota-onalar o'rtasida o'zaro munosabatda hamjihatliq, mehr-oqibat, o'zaro hurmat, shirinsuxanlik, bir-biriga g'amxo'rlik mavjud bo'lsa bunday muomala-munosabat bola tarbiyasiga ijobiy ta'sir qiladi. Ular o'z farzandlariga chinakkam baxt va quvonch hadya etadilar.

Oila a'zolarining did-farosati, qiziqishi, mayllari, intilishlari o'zaro bir-biriga munosib bo'lsa, oilaning inoq, kechirishlariga, oilaviy munosabatlarning mustahkam bo'lishiga tayyorlaydi. Natijada esa, yosh avlodni mukammal shaxs bo'lib shakillanishida ijobiy rol o'ynaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. B.M.Umarov – psixologiya fanlari doktori, professor. Bolalar va o'smirlarda xulq og'ishi va uni oldini olish yuzasidan maslahatlar. – Toshkent, 2011.
2. Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. – М.,1967, с.67-68.
3. www.uzedu.uz



**Гимазутдинов Радик Галимович,**
*ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Мухитдинов Илес Элер угли,**
*Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт талабаси*


## СПОРТ- ЁШЛАР ВА МИЛЛАТ РУҲИЯТИДА

Болалар спорти юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги остида қулоч ёймокда. Чунки Ўзбекистон ўзининг бахтини фарзандлари соғлигида куради. Мустақил ватанимизнинг биринчи ордени «Соғлом авлод учун» деб аталиши, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг тузилиши, қолаверса, 2000 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

«Соғлом авлод деганда нимани тасаввур қилиш керак», - деган саволни ўртага ташлар экан, давлат раҳбари бу саволга жавобни шундай ифодалаганди: «Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади». Ўйлаб қаралса, бунинг қат-қат ҳикмати очилаверади:

Биринчидан - спорт билан шуғулланган йигит-қизлар ҳисобига милла- тимизда ростгуй, ҳалол, ғирромликка қарши турувчи, душманга қирон келтирувчи йигит-қизлар кўпаяверади;

Иккинчидан - болалар, фуқароларнинг бўш вақти бекор вақтдан фойдали вақтга айланади.

Учинчидан - спорт билан шуғулланиш ёшларимизнинг кўзи, қулоғи орқали мияга ўрмалаб кирмоқчи бўлиб гир айланаётган информацион хуружларга вақт қолдирмайди. Демак, спорт айниқса ёшларнинг бўш вақтлари зарарли вақтга айланишидан ҳимоя қилади. Бу ғалаба спорт бўйича олиб борилаётган сиёсатимизнинг навбатдаги тантанаси бўлди.

Спорт йигит-қизларни бахтли бўлишга ўргатади (демак, бахтли қилади). Қандай қилиб? У одамга ўзи севган соҳасида муттасил машқ қилиб, чиниқиб, қийналиб, аниқ мақсадга эришишни ўргатади. Чунки қийналмаган одам бахтни ҳис қила олмайди. Чунки бахт-қозонилган ғалабадан кейин юради. Демак, бахтнинг формуласини мақсад-машқ-чиниқиш-ғалаба-бахт деб тузсак бўлади. Бу формулани фан, қишлоқ хўжалиги, бизнес, компьютер технологиялари, журналистика - истаган

соҳага қўллаш мумкин. Оддий бир мисол спорт ҳақида гап чиқиб, масъул лавозимда ишлаётган бир юртдошимиз шундай деди:

Спортда гап кўп. 6-синфгача жуда ёмон ўқийдиган, бебош бола бўлганман. 6-синфдан бошлаб эркин кураш секциясига қатнаша бошладим. Тренеримиз жуда қаттиққўл эди. Машғулотни бошлашдан олдин ҳар биримизнинг кундалигимизни текширарди. Бир-икки марта «2», «3» баҳо олиб келган эдим, машғулотдан чиқариб юборди. Менга эса кураш жуда ёқар эди. Шу-шу бўлди-ю, 7-синфдан бошлаб «4» ва «5»га ўқий бошладим. Спорт мени масъулиятга ўргатди. Мактабни аъло баҳолар билан битириб, шу йили институтга кириб, уни қизил диплом билан битирдим. Ҳа, спорт билан шуғулланиш одамни ўз кучини тўғри баҳолашга, тўғри ишлатишга ўргатса, спортни томоша қилиш одамни худбинликдан даволайди. Одам бошқа бир одам учун мухлислик қила бошлайди. Уни «биз», «бизникилар» деб ўйлашга, жамоада фикрлашга ўргатади. Мен шахсан бунинг гувоҳи бўлганман.

Бир соҳада матонат кўрсатган киши уни ҳамма соҳага қўллайди. Матонатли одамлари қанча кўп бўлса, уларни кўраётган миллатда ҳам матонатга мойиллик (ўзи билмаган ҳолда) орта боради. Чунки спорт ўз мухлисларига ғалаба руҳини, ғалаба учун кураш руҳини юқтиради. Демак, спорт бу-фақат мускулнинг эмас, балки ғоя, фикрнинг массажи ҳамдир.

Спортчи танишларингиз бор. Уларнинг характерларини бир умумлаштириб кўринг-а. Улар оптимист. Ҳарактери, гапи, сўзи танти. Қийинчиликларга муносабати бошқача, ғолибларникидай, фикрлари олға кўтарилган қадамдек шахдам. Улар муаммолардан нолишмайди, аксинча, уларни ҳал қиладилар. Чунки шунга қодир руҳ қудрат, иродани улар спортдан олишган. Бироз қайсарлик қилсалар, ранжиманг. Бу улардаги мустақил фикр, қарашнинг очиқ, содда, ҳалол ифодаси. Спортчилар «Ҳа» дедими, шу ишни оҳирига етказади. «Йўқ» дедими, шу ишни қилмайди. Спортчига курашда ҳеч ким ёрдам бермайди. У ўз ҳаққи, солимини ўз қўллари билан кучаниб, тортишиб олади. Ўз бахтини ўзи яратади.

Дунёнинг кўзи, қулоғи «Ўзбек», «кураш» деган сўзларга ўрганди. Албатта, биз спорт билан бошқаларни тан олдириш учун эмас, аввало ўзимиз учун, ўзимизни кучли, иродали, соғлом қилиш учун шуғулланамиз. Аста-секин ўзбек спорти ҳам кенгая боради. Ўзбек азалдан болаларини адолатли, жасур, эпчил, чаққон қилиб камол топтириш, мардлик руҳида тарбиялашда ўйинлардан, миллий спорт турларидан фойдаланиб келган. Тўп ўйин, чиллак, қулоқчўзма, тупалак, варрак учириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Европа технократлашган ҳаётдан зерика бошлади. Унинг Шаркдаги инсоний турмуш тарзига, санъат, мусиқа, фалсафаси, анъаналарига қизиқиши орта бормоқда. Дарвоқе, жаҳон ўзбек курашини нега севиб қолди? Чунки кураш бошқа кураш турларидан инсоний тушунчаларга қурилганлиги билан инсон зотига иссиқроқ, якинроқ туради. Ўзбек курашида икки инсон, икки полвон беллашади. Бошқа яккакурашларда ҳаракатлар учун очко берилса, курашда улар «мардлик», «ҳалол», «чала» деб баҳоланади. Бирида баҳолар ракамлар билан берилса, курашда маънавий-ахлоқий тушунчалар билан баҳоланади: ҳалол, чала ва ҳакозо. Агар биз ўзимизга ўзимиз содиқ бўлиб маҳкам турсак, кўп ўтмай Европа Ўзбекнинг инсонпарвар спорт анъаналарини ўрганишга ружу қўяди.

Япон дўстларимиз ҳам ўз фарзандларининг киберлудоманияга берилиб, ҳаракатсизликдан соғликларини йўқотаётганлигини кўриб, чора қидира бошладилар. Ёш японлар соғлигини сақлаб қолиш давосини қидириб- қидириб... Ўзбекистондан, Жиззахдан, Форишдан топдилар. Қишлоқдаги болаларимиз «замонавий эмас» деб ўйнамай қўйган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб олиб кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатмоқдалар. Чунки болаларни спорт билан шуғулланишга мажбур қилиб бўлмайди. Замонавий спорт ўйинларида инсоний руҳ жозиба, завқ камлиги учун болалар қизиқмаётган эмиш. Буларнинг бариси - инсоний руҳ жозиба, завқ Ўзбек миллий спорт ўйинларида мужассам эмиш. Бу – Япониялик педагогларининг фикри.

**Наримбетова Захия Ахмедовна,**
*ТВЧДПИ, Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Сытина Наталья Владимировна,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

**Бахромбекова Лайло Фарход қизи,**
*Бошланғич таълим йўналиши талабаси*

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ОҚИЛОНА МАҚСАД МЕЗОНЛАРИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натижаларга олиб келади. Таълим усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифаларидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклларини сақлаб қолган ҳолда, уни турли туман замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтаришга олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттриб уларнинг таълимжараёнида фаоллигини муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик – кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни оммавий машқларини мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу усуллар қўлланилганда таълим берувчи таълимолувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Интерфаол усулларни қўллаш бўйича умумий методик тавсиялар:

Биринчи қоида: ишлаш учун жойни тайёрлашга жиддий қараш керак. Бу аввалига бекорчи кўрингандек оддий масала эмас. Синф хонаси ёки аудиторияни шундай тайёрлаш керакки, бунда иштирокчилар кичик ёкиката гуруҳларда ишлаш учун ўтиришга осон бўлиши керак. Яъни, таълим олувчиларга жисмонан қулай шароит яратилиши керак. Машғулотда кимдир гуруҳга тескари ўтириб қолиб, бошқаларга бошни ёнбошга буриб ўтириши ёмондур. Шунинг учун столни шундай қўйиш керакки, улар ўзига керак вазиятда кичик гуруҳ билан осон муносабатда бўлиши керак. Ижодий иш учун материаллар олдиндан тайёрланган бўлса яхшидир.

Иккинчи қоида: Жараён ва регламентга жиддий муносабатда бўлиш лозим. Бу ҳақда бошидан келишиб олиш керак ва уни бузмаслик лозим. Масалан, ҳамма тингловчилар ҳар бир нуктаи назарга сабрли бўлиб, сўз эркинлигини, уни қадрини ҳурмат қилишлари керак.

Учинчи қоида: ўкивчиларнинг гурухларга бўлинишига жиддий эътибор беринг. Аввалига уни ўзини хоҳишига кўра бўлиши керак. Кейин тасодифан танлаш тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи қоида: Ўқувчиларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада ишга жалб қилинган бўлиши керак.

Бешинчи қоида: ўқувчиларнинг руҳан тайёргарлигига кўмаклашиши лозим. Гап шундаки, машғулотга келганларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу иш шаклига бевосита киришга руҳан тайёр эмаслар, бунга маълум даражада хулкнинг анъанавийлиги таъсир кўрсатади. Бу борада машқ қилишлар, таълим

Олувчиларнинг ишда фаол иштироклари учун доимий рағбатлантиришлар, таълим олувчининг ўзини намоён этиш учун имконият яратиш фойдали бўлади.

Олтинчи қоида: Интерфаол усуллар асосида машғулотлар ўтказилганда гуруҳда таълим олувчилар сони кўп бўлмаслиги керак. Иштирокчилар сони ва ўқитиш сифати бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Одатда агарда ишда иштирокчилар сони 30 кишидан ошмасагина, иш самарали бўлади. Фақат шу шартбажарилганда, энг мақбул таркиби 4-6 кишидан иборат. Кичик гуруҳларда самарали иш олиб бориш мумкин. Ахир кимнинг тинглаш хар бир гуруҳга муаммони баён этиш билан, чиқишга имкон бериш мумкин. Интерфаол ўқитиш таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатларни кўзда тутади ва шунинг учун у аудитория билан ўзаро муносабат ўрнатишни билиши керак.

Оқилона мақсадмезонлари

1. Аниқлик
2. Ҳисоблаш имконияти
3. Эришиш
4. Бажариш эҳтимоли
5. Вақтда чегараланганлик

Таълимнинг ҳар бир алоҳида қисми якунида иштирокчиларни айнан нимага ўқитишни хоҳлашингизни аниқлаб олинг. Ҳатто таълим мақсадлари берилган дарслик асосида ишлаётган бўлсангиз ҳам аниқ режаларингизни яна бир бор ўйлаб кўриш ва иштирокчилар таълимини турли қисмлар билан қанчалик боғлиқ эканлигини кўриб чиқиш керак.

Мавжуд таълим мақсадлари таърифларига ижодий ёндашинг. Баъзан тарифлар китобхон ёки иштирокчи учун тушунарсиз тилда тузилган бўлади ва асосан таълим жараёни билан эмас фанни ўқитиш билан боғлиқ бўлади. Мақсадлар иштирокчилар учун янада тушунарли бўлиши керак. Бунинг учун сиз таърифлар шаклини ўзгартиришингизга тўғри келади. Таълим мақсадлари дастурингизни «йўл давомида босқичлар» вазифасини бажариши керак. Дастур, эҳтиёж ва интилишларга жавоб бериш, бермаслигини аниқлаш учун иштирокчилар максадларга ўз эътиборларини қаратадилар.

«Нима учун» деган саволга жавоб беришга тайёр бўлинг. Ҳар бир мақсадни нима учун дастурга киритилганлигини изоҳлашга тайёр бўлинг. Хуш, нима бўпти каби жавобга ҳам тайёр бўлинг. Иштирокчилар, ҳамкасблар ёки ташқи кузатувчилар бирор бир мақсад мазмунини ҳеч ким тушунмаётган бўлса, барча ушбу максадга эришишга етарли даражада жиддийлик билан ёндашиш учун сиз қўшимча равишда тушунтиришингизга тўғри келади.

«Буни менга қандай фойдаси бор» деган саволга ўз жавобингизни ўйлаб қуйинг. Ўқувчилар у ёки бу куникма ва қобилиятга эга бўлишдан ўзи учун қисқа ва узоқ муддатли фойдани кўра билса улар ушбу максадга эришишга кўпрок интиладилар. Бажара олмайдиган ишларни ваъда килманг. «Тушуниш ва билиш» сўзларини ишлатманг. Улар уни тушунганлигини қандай биламиз. Улар уни тушунаётганликларини қандай намоён қилишлари мумкин. Ушбу саволларнинг сўнггисига жавоб, таълим мақсадларини янада самарали ифодалаш усулларини белгилаш масаласига аниқлик киритади.

Баҳолаш мезонларини олдиндан ўйлаб қўйинг. Кандай қилиб улчаш мумкинлигини тушуниш осон бўлса, мақсадларни таърифлашни бошлашингиз мумкин. Мақсад таърифларини олдиндан текшириш. Сиз мақсадларни етарли даражада равшан қилиб тушунтирганингизга ишонч ҳосил қилиш учун, гуруҳ иштирокчиларига қўйидаги саволни беринг: бу ерда нима ҳақида гап кетмоқда, шунингдек мақсадларингиз таърифини ҳамкасбларингизда синаб кўринг. Ўзингиз таълимнинг якуний мақсадини аниқ тасаввур қилмасангиз бирор нарсани ўргатишга уринманг. Баҳолаш мумкин бўлмаган мақсадларни белгиламанг. Бирор бир таълим мақсадини белгилашга етарли асос мавжуд бўлса, демак унга эришиш эҳтимоли ва баҳолашнинг бирор бир усули албатта мавжуд бўлиши керак.

Хулоса шуки, юқоридагилардан, ўқув мақсадлари педагогик жараённи ташкил этувчи қисмларнинг энг муҳими, етакчиси эканлиги кўриниб турибди. Педагогик жараён ўзининг қанчалик мураккаблиги ва давомийлигидан қатъий назар, у энг аввало мақсадни аниқлашдан бошланади.

**ЭРГАШЕВ ҲАСАНБОЙ АКБАРАЛИ ЎҒЛИ,**
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети*
*Халқаро ҳамкорлик бўлими катта офицери*

# ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** *ушбу мақолада асосан оила муҳитини яхшилаш бўйича Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қилинган ишлар, оила нимага асосланиб қурилиш ҳамда оилада тарбияни фарзандларга чуқурроқ сингдириш бўйича нималарга кўпроқ эътибор бериш керак эканлиги ёзилган.*

**Калит сўзлар:** *ислоҳотлар, парадигмалар, қатлам, биринчи президентимиз, оила, бола, силсила, Марказий Осиё, Чор Россияси, ислом дини.*

**Аннотация:** *в этой статье в основном написано о том, чему следует уделять больше внимания масштабным реформам, проводимым в республике для улучшения семейной среды, проделанной работе, построению семьи на основе того, что сделано, и более глубокой интеграции образования в семье в детей.*

**Ключевые слова:** *реформы, парадигмы, страта, первый президент, семья, ребенок, сериал, Центральная Азия, Царская Россия, религия ислам.*

**Annotation:** *this article is mainly written about what should be given more attention to the large-scale reforms carried out in the republic to improve the family environment, the work done, building a family on the basis of what has been done, and the deeper integration of family education into children.*

**Key words:** *reforms, paradigms, stratum, the first president, family, child, series, Central Asia, Tsarist Russia, the religion of Islam.*

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Мазмун-моҳиятини миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва манфаатлари ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида: бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланмоқда, шунингдек, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги қарор топмоқда. Бу эса, оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар негизида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Биринчи президентимиз И.А. Каримов оиланинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида қуйидагича тўхталиб ўтган: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади» [1] , деган эди.

Оила – никоҳ муносабатларини, уруғ ичи муносабатлари ва уруғлараро муносабатларни тартибга солиш зарурияти билан юзага келади. Оила жамиятнинг таянчи, унинг биринчи ва бирламчи қисми ҳисобланади. Онгли оила бўлиб яшаш дунёдаги барча жонзотлар орасида фақат инсон зотига хосдир.

«Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали

жамият талабларини англайди, ҳис этади» [2]. Шунинг учун ҳам, оила муаммолари, унда юритиладиган таълим-тарбия масалалари азал-азалдан барча ижод аҳлининг диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда. Оила қандай барпо этилиши лозим, унинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларини нима ташкил этади, оила тарбияси қандай қонуниятлар асосида вужудга келади каби саволлар кишилик тарихининг барча даврларида долзарб масала бўлиб келган, десак хато қилмаймиз.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ оила қадриятига бўлган эътибор жудаям живожлантирилди. Бунинг исботи сифатида жудаям кўп оиланинг фалсафий-илмий мазмун-моҳияти ҳақида ҳамда оиланинг таянч тарбияси хусусида бир қатор асарлар, мақола ва тадқиқотлар амалга оширилганлигини, шунингдек, оиланинг соғлом ва баркамол авлодни шакллантирувчи асосий бўғин экани, бу муҳим вазифа эса, ўз-ўзидан ота-она, фарзандлар ва нуроний кексалар силсиласини яхлит бир жараён сифатида олиб ўрганилгандагина, кутилган самараларни беришлиги исботланди.

Хулоса қилиб айтганда, оила тарбияси тўғрисида, оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбалардан кўпроқ ўрганган мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бунда асосан, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунгача мавжуд бўлган таълимотлар (яҳудийлик, зардўштийлик, буддавийлик, христианлик), IX-XII асрларда, яъни ислом Уйғониш давридаги таълимотлар (Қуръони карим, ҳадислар), хонликлар давридаги таълимотлар ва Марказий Осиёни Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдаги таълимотларни ўрганиш айнан миллий ва умуминсоний қадрятларни оила муҳитига нечоғлик катта таъсир ўтказиши тўғрисида батафсил маълумот беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. И.А.Каримов - Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 52–53-б.
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
3. https://library.ziyonet.uz; https://lex.uz



**BEKOVA SHAMSIYA DJABBAROVNA,**
*QarshiDU, psixolodiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*


## OILADA BOLA TARBIYASINING PSIXOLOGIK – PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI


**Аннотация:** *maqolada oilada bola tarbiyasining milliy psixologik-pedagogik jihatdan yondashish ya'ni yosh avlodga maqsadga muvofiq tarbiya berish uchun ota-onalar tarbiyasining vazifasi, maqsadi, vositalari shart-sharoitlari yuzasidan har tomonlama bilimga ega bo'lishlari farzandlarining yoshi va o'ziga xos psixologik xususiyatlarini e'tiborga olish ko'zda tutilgan.*



**Kalit so'zlar:** *xalq, millat, milliy, ma'daniy meros, ta'lim-tarbiya, pedagogic-psixologik, ota-ona, farzand, hurmat, e'tibor, muhit, yosh davri, xususiyat.*



**Аннотация:** *в статье учтены отечественный психолого-педагогический подход к воспитанию детей в семье, возраст и специфические психологические особенности детей для комплексного понимания роли, цели, средств и условий родительского воспитания подрастающего поколения. предназначен для получения.*



**Ключевые слова:** *народ, нация, национальность, культурное наследие, образование, педагогико-психологический, родитель, ребенок, уважение, внимание, окружающая среда, возраст, характер.*



**Annotation:** *the article takes into account the national psychological and pedagogical approach to child rearing in the family, age and specific psychological characteristics of children to have a comprehensive knowledge of the role, purpose, means and conditions of parental upbringing for the younger generation. intended to receive.*



**Keywords:** *people, nation, national, cultural heritage, education, pedagogical-psychological, parent, child, respect, attention, environment, age, character.*

O‘zbek xalqining ko‘p asrlik boy madaniyati va tarixi bor. Mazkur madaniy meros jamiyatdagi jamiki ma’naviy boyliklarni o‘z ichiga qamrab oladi. Dono xalqimiz «Bola -boshidan, nihol - yoshidan» degan naqlni bejiz aytmagan. Ayniqsa, O‘rta Osiyo xalqlari pedagogikasi va psixologiyasi ma’naviy-madaniy tarixi boy merosga ega bo‘lib, ularning mohiyati, mazmuni xalq ijodiyotida, ilg‘or mutafakkirlarning asarlarida aks etgan. Hatto bir necha asrlar ilgari At-Termiziy, Ismoil Buxoriy kabi allomalarning inson ma’naviy olamini boyitadigan durdona yodgorliklari, hususan, «Qur’oni karim» mazmunini yoritadigan suralaridan yoshlarimiz, farzandlarimizni bahramand etish lozim.

Ma’lumki, yosh avlodga maqsadga muvofiq tarbiya berish uchun ota-onalar ham tarbiyaning vazifasi, maqsadi, vositalari shart-sharoitlari yuzasidan har tomonlama bilimga ega bo‘lishlari farzandlarining yoshi va o‘ziga xos psixologik xususiyatlarini e’tiborga olgan holda ish yuritishlari lozim. O‘zbek oilasida bola tarbiyalashning ishontirish, tushuntirish nasihat, ibrat-namuna ko‘rsatish, yaxshi fazilatlarni mashq qilish rag‘batlantirish, tanbeh bsrish, ogohlantirish, jazolash kabi usullari qo‘llaniladi. Oilada bola tarbiyasining o‘ziga xos qoidalari mavjud bo‘lib ota-onalar ulardan o‘rinli foydalanishlari lozim.

Oila a’zolarining did-farosati, qiziqishi, mayllari, ehtiyojlari, intilishlari o‘zaro bir-biriga munosib bo‘lsa, onaning inoq, ahil turmush kechirishlariga, oilavyy munosabatlarning mustahkam bo‘lishiga puxta zamin hozirlaydi. Muayyan darajada shart-sharoitlarning mavjudligi, ota-onaning o‘zaro bir-birlarini tushunib turmush kechirishlari, maqsad va vazifalardagi birlik, yuzaga keladigan ziddiyatlarni birgalikda bartaraf eta olishlari mustahkam oila muhitini shakllantiradi.

Oilada qat’iy intizom va kun tartibining bo‘lishi bolalar tarbiyasiga ijobiy ta’sir qiladi. Bolalarning bilim olishdagi yutug‘i, axloqi, salomatlik darajasi ko‘p jihatdan oilada qaror toptirilgan oqilona rejimga bog‘liq. Shuning uchun ota-onalarning o‘zlari ham bu borada ibrat ko‘rsatishlari, oqilona tuzilgan oila rejimiga qat’iy amal qilishlari, farzandlarga ham o‘rgatishlari darkor. Bu narsa, ayniqsa, qiz bolalar tarbiyasi uchun juda zarurdir. Chunki u katta bo‘lgach, nihol kabi boshqa uyga kuchib o‘tadi - oila quradi.

Oilada bola tarbiyasi ikkiyoqlama ahamiyat kasb etib, faqat farzandlariga ruhiyat va ma’naviyat bilimidan saboq berish bilan qanoatlanib qolmasdan, balki o‘zlari ham tarbiya sehrlari, xususiyatlari, holatlari mohiyati va ma’nosi yuzasidan yangi-yangi ma’lumotlardan xabardor bo‘lib turishlari kerak.

Bola tarbiyasi ota-onalardan maxsus pedagogik va psixologik bilimlar, alohida ko‘nikmalar bo‘lishini qat’iy ravishda talab qilmasa-da, doimiy yuz berayotgan tarbiya muammolarini to‘g‘ri hal qilish ustida fikr yuritishni taqozo etadi. O‘z farzandlariga ajoyib, go‘zal, orzu qilgudek tarbiya berish imkoniyatiga ega bo‘lgan ota-onalar umrlarini rohat va farog‘atda o‘tkazadilar, bolalaridan hamisha olijanoblik, mehribonlik, yaxshilik ko‘radilar, dillari aslo jarohat azobini sezmaydi; o‘kinish hissiga duchor bo‘lmaydilar. Bu borada, oilada otaning rahbarlik va yo‘lboshchilik roli to‘g‘risida ulug‘ insonlar, buyuk siymolar hikmatli so‘zlar aytishgan. Jumladan, bobokalon shoir Alisher Navoiy farzandlarni o‘z ota-onalarini qadrlashga da’vat etib: «Birisin oy angla, birisin quyosh»,- deya madh etar ekan, otani quyoshga o‘xshatadi.

Muhammad Payg‘ambar qoldirgan hadislardan birida: «Otangning do‘sti bilan do‘stlik aloqasini davom ettirishing otangga qilgan yaxshiliging hisoblanadi»,- deyiladi. Xalq orasida «bir ota unta o‘g‘ilni boqishga qurbi yetadi, biroq o‘nta o‘g‘il bitta otani boqa olmaydi» degan naqlda chuqur ma’no bor. Demak, ota yo‘lini davom ettirish, uni qadrlash o‘g‘il uchun farzandlik burchidir.

Ota - oila boshlig‘i, posbonidir. Zero, oilaning har bir ko‘z ilg‘amas yumushlaridagi muammolarning miridan-sirigacha aralashib, unga faqat to‘g‘ri yo‘l ko‘rsatib turishdek insoniy masuliyat ota yelkasida turadi. Buni mohiyat jihatdan tushungan erkak o‘z ma’nosida ota hisoblanadi; aksincha, bu mu’tabar so‘zga faqat isnod keltiradi. Shu o‘rinda otaning oiladagi obrusi masalasi atrofida fikr yuritish joizdir. Ota obruni dastlab oilada mustahkamlaydi. Xotini, bola-chaqasi orasida obru topgan ota jamoat orasida ham, shubhasiz, e’tibor topadi, obru orttiradi.

Tasavvurimizdagi izzat-ikromga sazovor otalar hayotning har bir katta va kichik detallarida ham bosh mexanizmlik rolini o‘taydigan, yagona figura sifatida gavdalanuvchi murabbiylardir. Bularsiz hayoti kechgan oilani oila hisoblamaymiz. Chinakam insoniy tarbiya iplarini oilada pishiq va mustahkam etuvchi va yigiruvchi ham yagona ota; uning ruhiy hokimligi, erkaklik g‘ururi, olam-olam oriyati esa, haqiqiy ideal desa bo‘ladi. Ha, bunday otalarning ulug‘vor siymosi butun borlig‘imiz, hayotimiz uchun haqiqiy izzat-hurmat nimaligidan dalolat beruvchi yagona namunadir.

Ota oilada o‘z farzandlariga har tomonlama: yurish-turishda, nutq odobida, so‘z madaniyatida, o‘zaro muomala jarayonida, eng muhimi amaliy ish faoliyatida to‘g‘rilik va haqoniylik, samimiylik va xolislik yuzasidan namuna ko‘rsatmas ekan, bunday oiladagi otada na burd, na hurmat va na obru bo‘ladi. Bunday ota «hurmat» va «obru» degan mu’tabar so‘zlardan yiroqlashib, dastlab xotini oldida, qolaversa farzandlar orasida beburd, tuturuqsiz, qadr-qimmациз, omonat bir begona shaxsga aylanib qoladi. Boshqacha qilib aytganda, bunday otalar qadrsizlanadi.

Oilada obrusiz ota tarbiyasini olgan bola ko‘pincha o‘g‘ri, muttaham, bosqinchi, yo‘lto‘sar va g‘irt bezori bo‘lib yetishishi shubhasizdir.

Murg‘ak tasavvurli bola ilk tarbiyani oilada oladi. Bola tarbiyasining ilk saboqlari haqida atoqli o‘bek pedagogi Abdulla Avloniy o‘zining «Turkiy guliston yoxud Axloq» kitobida quyidagi ibratli o‘gitlarni aytgan edi: «Tarbiyani tug‘ilgan kundan boshlamak, vujudimizni quvvatlantirmak, zehnimizni ravshanlashtirmak lozim».

Bola ota-onaning og‘ushidan, iliq nafasidan, qalb haroratidan bahra olib o‘sadi. Olam sirlarini farzand dastavval o‘zining nuri- diydalaridan o‘rganadi. Shuning uchun ota-onani birinchi tarbiyachi muallim deyishadi.

Oilada farzand tarbiyasini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yishning asosiy vositasi uning ma’naviy olamida e’tiqodni shakllantirishdir. Bunga bolani faqat ishontirish yo‘li bilan erishish mumkin. Shuning uchun ota-ona o‘g‘il-qizlarni tarbiyalashda ularni qurqitishda yoki asossiz buyruq berishga tayanmasdan ish tutishi kerak. Binobarin, oilaviy va pedagogik tarbiyada otaning obrusi adohida ahamiyat kasb etadi. Shu sababli oilada ota obrusi muammosini keng jamoatchilik hukmiga havola qilish maqsadga muvofiqdir.

Turmush tajribalaridan shu narsa ma’lumki, ota-onaning obrusi davlat va oila a’zolari oldida javobgarlikni his qilishdan boshlanadi. Agar ota-ona o‘z ishi, o‘z burchi uchun javobgar ekanligini his qilsa va unga amal qila olsa, bu ularning obrusidir. Ular o‘zlarining xulqida, xatti-harakatlarida bularga rioya qilsalar, yetarli obru qozona oladilar.

Ota va ona obrusi butun hayot davomida kundalik ibratli xulqi, axloqi, intizomi, kamtarligi, ishbilarmonligi bilangina qo‘lga kiritiladi. Ibrat-namuna, zahmat, chin ezgu-niyat evaziga yuzaga kelgan obru haqiqiy obru hisoblanadi. U farzandlar diqqat-e’tiboriga mehr-muhabbat bilan yugriladi. Natijada oila a’zolari totuv, osoyishta, inoq hayot kechiradilar; oilada farzandlar orzu q ilguday, zamona ruhiga mos tarbiya oladilar. Ular ota-onalari bilan behad faxrlanadilar va shu tuyg‘u bilan yashaydilar. Bu o‘z navbatida, yoshlarda kelajak hayoti uchun, turmush uchun ibratli axloq ko‘nikmalarini tarkib toptiradi.

Oila tarbiyasi jarayonida bolalar ongiga singdiriladigan axloqiy qoidalar, urf-odatlar, an’analarga rioya qilish yo‘l-yo‘rig‘i zerikarli, quruq nasihatgo‘ylikdan iborat bo‘lib qolmasligi lozim. Aksincha, eng yaxshi omillardan biri – aniq hayotiy omillarni tashkil qilish orqali to‘g‘ri tushuncha va tasavvurlarni hosil qilishdir. Ushbu vazifani amalga oshirish uchun hayotiy misollardan, badiiy adabiyot materiallari, mashhur kishilar haqidagi xotiralar, esdaliklar va ularning tarjimai hollaridan foydalanish yaxshi natija beradi. Ota-onalar farzandlariga xalq marosimlariga to‘g‘ri munosabatni tarbiyalash, chunonchi, milliy to‘y, uloq, milliy kurash, navro‘z bayrami, sayllarni o‘tkazish yo‘llari va ularda ishtirok etish qoidalari to‘g‘risida tushuncha berish zarur. Shuningdek, ota- onalar, oilaning katta yoshdagi a’zolari kichik yoshdagilarini mehmon kutish, dasturxon bezash, mehmonga borish, ovqatlanish qonun-qoidalaridan xabardor qilishlari lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Azarov Yu.P. Oila pedagogikasi. – T: O’qituvchi, 1988.
2. Hoshimov K. va boshq. Pedagogika tarixi. – T: O’qituvchi, 1996.
3. Zunnunov A. tahriri ostida. O’rta Osiyoda pedagogic fikrlar taraqqiyoti. – T: Fan, 1996.

**F.R.ABDURASULOVA**
*Nizomiy nomidagi TDPU «Ijtimoiy pedagogika» kafedrasi o'qituvchisi*

**Z.Z.MUXSUMOVA**
*1-bosqich pedagogika va psixologiya ta'lim yo'nalishi talabasi*

## OILA- MA'NAVIY TARBIYA O'CHOG'I

**Аннотация:** *ushbu maqolada oila, oila haqidagi turli xil fikrlar, oilaning asosiy jihatlari, tarbiyaning turli xil tomonlari, hozirgi zamon oilalarining farqli jihatlari, ajrim mummolari va ularni bartaraf etish usullari, farzand tarbiyasi muhimligi yoritib berilgan.*
**Kalit so'zlar**: *oila, oila bardavomligi, qadriyat, komil inson, zardushtiylik, Avesto, Amir Temur, tarbiya, farzand, ota-ona, Alisher Navoiy, mahbub ul-qulub.*

**Аннотация:** *в данной статье освещаются понятие семьи, различные представления о семье, об основных аспектах семьи, о различных особенностях воспитания, о различиях между современными и историческими семьями, о разводе и методах его предотвращения, о важности воспитания детей.*
**Ключевые слова:** *семья, семейное благополучие, ценность, совершенный человек, зороастризм, Авеста, Амир Темур, воспитание, ребенок, родители, Алишер Навои, Махбуб уль-Кулуб.*

**Annotation:** *this article covers the concept of the family, various ideas about the family, the main aspects of the family, the various features of upbringing, the differences between modern and historical families, divorce and methods of preventing it, and the importance of raising children.*
**Keywords:** *family, family well-being, value, perfect person, Zoroastrianism, Avesta, Amir Temur, upbringing, child, parents, Alisher Navoi, Mahbub ul-Kulub.*

Oila bu hayot va kelajak poydevoridir. Yangi oila paydo bo`layotgan davrda, qaysi zamon bo'lishidan qat'iy nazar ularni bu jihatlari o'zgarmas qoladi. Chunki o'tmish va kelajakni oilasiz tasavvur qilib bo'lmaydi, aks holda hayot oilasiz tanazzulga yuz tutgan bo'lar edi. Oilaning bardavomligi- bu birinchi navbatda, oila qurayotgan insonlar ko'p yillar davomida birga hayot kechirib, hayotning qiyinchiliklarini birga yengib o'tishlari kerakligi bo'lsa, ikkinchidan, oila milliy qadriyatlar va urf-odatlarni o'zida mujassamlashtirganligidadir. Milliy qadriyatlarimiz, barcha ajdodlarimizning o'gitlari, pand- nasihatlari, o'zbekona tarbiyaning ildizlarini o'z ichiga oladi.

Oilada tarbiyaga azaldan katta e'tibor qaratilgan, buni turli tarixiy manbalar va qo'lyozmalarda keltirilgan oila borasidagi qarashlarda ko'rishimiz mumkin. Bunga misol qilib, qadimgi zardushtiylik dini "Avesto" kitobining oltin qoidalardan biri bu oila muqaddasligi hisoblanadi. Bundan tashqari mazkur kitobda ota-onaga bo'lgan hurmatning muhimligi va ayollarning axloq-odoblariga alohida to'xtalib o'tilgan. Bizga ma'lumki, Islom dinida ham oila masalasiga doir ko'p oyat va hadislar mavjud. Dinimizda oilada ayol kishi juda ardoqlanadi, shuningdek oilani pokligini, mustahkamligini saqlashda ayol kishining o'rni muhim ahamiyatga egaligi ko'pgina hadislarda keltirib o'tilgan. Erkak kishi esa oilaning boshi bo'lib, unga oilaning har tomonlama mustahkamligini, hamda iqtisodiy tomondan ta'minlash ma'suliyati berilgan. Shuningdek, ota-onaning oilada naqadar muhim o'ringa ega ekanliklarini "Ota rozi- Xudo rozi", "Jannat onalarning oyog'i ostida" degan so'zlardan anglashimiz va ularning ko'ngillarini og'ritish juda katta gunohligi ko'p marotaba takrorlanishidan tushunishimiz mumkin.

Buyuk tarixiy shaxslardan biri Amir Temur ham oilaning davlat darajasidagi masala deb qaragan. Biz buni uing o'z farzandlari va nabiralariga kelin tanlashdagi qo'ygan talablarini quyidagi fikrlaridan bilishimiz mumkin: " O'g'illarim, nabiralarim va yaqinlarimni uylantirmoqchi tashvishida kelin izlamoqqa e'tibor berdim. Bu ishni davlat yumushlari bilan teng ko'rdim. Kelin bo'lmishning nasl-nasabini, yetti pushtini surishtirdim. Hos odamlar orqali sog'liq-salomatligini, jismonan kamolotini aniqladim. Kelin bo'lmish nasl-nasabi, odob-axloqi, sog'lom va baquvvatligi bilan barcha qusurlardan holi bo'lsagina el-yurtga katta to'y tomosha berib, kelin tushurdim"[149]. Amir Temurning bunday yuqori talabchanlik bilan kelin tanlashining asosiy sababi, mamlakat kelajagini ta'minlovchi sog'lom va yetuk kelajak avlodni yaratish istagidir.

[149] Alqarov I.Sh., Mamatqulova R.Sh. Oila tarbiyasining pedagogiкasi Toshkent – 2007y.13-bet

“Tarbiyaning yana biri ota-onani hurmat qilish, buni bajarish uning uchun majburiyatdir. Bu ikkisiga hizmatni birdek qil, hizmating qancha ortiq bo’lsa, ham kam bil. Otang oldida boshingni fido qilib, onang boshi uchun butun jismingni sadaqa qilsang arziydi!”. Mazkur go’zal fikr buyuk shoir va davlat arbobi Alisher Navoining farzandning ota-ona oldidagi majburiyatlari hisoblanadi. Navoiy shu majburiyatlarni yoshlar chuqur anglashlari va ularning ota-onalarini hurmatini joyiga qo’yishlari kerakligini, bu ularning farzandlik vazifalari ekanligini ta’kidlagan. Navoiyning asarlari ichida “Mahbub ul-qulub” ya’ni “qalblarning sevgisi” asari turmush madaniyati, odob-axloq, sevgi-muhabbat borasida o’ziga xos fikrlarni jamlagan.

Hozirgi davrga kelib, oila va turmushga haqidagi fikr va qarashlar bir muncha o’zgargan, ammo albatta, o’z o’zagida aynan shu mulohaza va jihatlarni saqlaydi. Qarashlarning o’zgarganligiga yorqin misol sifatida hozirda qizlarning ta’lim olishi individual rivojlanishiga katta e’tibor qaratilib, bugungi davr ayollari mustaqil hayot kechirishi, tadbirkorliklik bilan shug’ullanishi oddiy holatga aylangan. Hozirgi zamon oilalarida qadriyatlarga bo’lgan munosabat va tarbiya usullarida o’zgarishlar mavjud. Qadriyatlarga munosabatning o’zgarishi deganda oilalarning ajrashish holatlari oldingi davr bilan solishtirilganda katta farqni ko’rish mumkin. Bunga ko‘ra, olti oy davomida 12 ming 810 ta, o‘tgan yilning shu vaqtiga nisbatan 3 ming 151 ta kam oilaviy ajralishlar ro‘yxatga olingan. Mamlakatimizdagi mavjud oilalarning 0,03 foizining taqdiri ajralish bilan yakun topgan. Yuzaga kelgan mazkur ajrimlar natijasida joriy yilning o‘zida Respublika bo‘yicha 8 ming 725 nafardan ortiq voyaga yetmagan bolalar ota yoki ona mehridan mahrum bo‘lgan. Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi tomonidan joriy yilning shu vaqtiga qadar 15 ming 413 ta ajrim yoqasiga kelib qolgan oilalarning 9 ming 980 tasi ya’ni, 60 foizi yarashtirildi. Shuningdek, 11 ming 985 ta nikohi qonuniy rasmiylashtirilmagan oilalar aniqlanib, ularning 5 ming 960 tasi yoki 57,8 foizining nikohi qonuniy rasmiylashtirildi.[150] Mazkur 2020 yil statistikasiga nazar tashlaydigan bo’lsak, bu holatning sababi aynan oila muqaddasligiga va oila qurishga bo’lgan yengil munosabatni olsak bo’ladi. Bu sonlarning kamayishi uchun quralayotgan yosh oilalar bilan to’liq tushuntirish ishlari olib borilishi, bunga mahallalardagi raislarning ma’sul bo’lishi darkor. Aynan shu sababdan bugungi kunda yangi oila qurish ostonasida bo’lgan yoshlar FHDYO bo’limiga ariza topshirishga borgan vaqtlarida ular bilan psixolog uchrashuv o’tkazishi va ularning mosligini tekshirgandan so’ng nikoh qurishga ruhsat berishi yo’lga qo’yilgan.

Oilada farzand tarbiyasi bu dolzarb va asosiy masala hisoblanadi. Chunki bir farzandni voyaga yetkazib, uning o’z hayotiga ma’suliyat bilan yondashib, elga xizmat qiladigan mustaqil fikr egasi bo’lishi uchun har tomonlama tarbiyalanib, puxta ta’lim olishi kerak.

Prezidentimiz aytganlaridek: “Oila men uchun muqaddas. Muqaddasligi shuki, avvalambor qayerda ishlashidan qat’i nazar, kim bo‘lishidan qat’i nazar agar oilada tarbiya, oilada muhit, oilada halollik, munosabat, tarbiyaga alohida e’tibor bermasa, hech qachon natija bo‘lmaydi. Shuning uchun men farzandlarimning tarbiyasiga juda katta e’tibor beraman. Har bir farzandimga ham, nevaramga ham alohida o‘zimning munosabatim bor. Har bir nevaramning alohida xarakterini bilaman, orzusini, istagini bilaman”[151]. Darhaqiqat, har bir farzand bu alohida hech kimga o’xshamaydigan dunyo egasidir, shu sababdan eng ma’qul tarbiya uslubi, muqaddas Islom dinimiz va milliy qadriyatlarimizga ko’ra tanlangandagina katta samara beradi.

Hulosa qilib aytganda, oilani bir go‘zal bog‘ga - farzandlarni esa uning bir-biridan shirin- shakar mevalariga o‘xshatish mumkin. So‘lim bog‘ aro pishib-yetilgan, ko‘zni quvontiradigan ne’matlarni ko‘rganda inson qalbi yayraydi, bahri dili ochiladi. Sog‘lom oila jamiyatning mustahkam poydevori. Ma’naviyat va ma’rifat, salomatlik nuqtai nazaridan nazar tashlasak, oila insoniyat naslini pok saqlovchi, sha’ni va odamiyligini ta’minlovchi asosiy vosita, yuksak tarbiya o‘chog‘idir. Oila rishtasining asosini esa albatta, oila a’zolarining bir-biriga bo‘lgan mehr- muhabbati tashkil etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Alqarov I.Sh., Mamatqulova R.Sh. Oila tarbiyasining pedagogiкasi. –Toshkent. 2007.
2. https://zarnews.uz/uz/f86
3. https://www.gazeta.uz/oz/2018/07/25/prezident/.


[150] https://zarnews.uz/uz/f86
[151] https://www.gazeta.uz/oz/2018/07/25/prezident/

**N.X.VOXIDOVA**
*TDPU Ijtimoiy pedagogika kafedrasi professor v.b., pedagogika fanlari nomzodi;*

**M. SAYDAZIMOVA**
*Toshkent shaxrining 131 maktab o'qituvchisi*

## OILA MA'NAVIY- AXLOQIY TARBIYA MASKANI SIFATIDA

**Аннотация:** *maqolada oila jamiyat uchun yetuk va komil shaxslarni tarbiyalovchi maskan ekanligi, oilada farzandlarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashga e'tibor qaratish zarurligi hamda ma'naviy-ahloqiy tarbiyada muvaffaqiyatga erishishning ayrim jihatlari bayon etilgan.*
**Kalit so'zlar:** *oila, tarbiya, jamiyat, jihat, shaxs, farzand, muvaffaqiyat, kodeks, bola, huquq, qonun jamiyat, davlat, omil, ma'naviy-ahloqiy tarbiya.*

**Аннотация:** *в статье рассказывается о том, что семья является местом воспитания зрелых и зрелых личностей, о необходимости уделять внимание духовно-нравственному воспитанию детей в семье, а также о некоторых аспектах достижения успеха в духовно-нравственном воспитании.*
**Ключевые слова**: *семья, воспитание, общество, аспект, личность, ребенок, успех, кодекс, ребенок, право, право общество, государство, фактор, духовно-нравственное воспитание.*

**Annotation:** *the article describes the fact that the family is a place of education of mature and mature individuals, the need to pay attention to the spiritual and moral education of children in the family, as well as some aspects of achieving success in spiritual and moral education.*
**Key words**: *family, upbringing, society, aspect, personality, child, success, code, child, law, law society, state, factor, spiritual and moral education.*

O'zbekiston Respublikasining "Oila" Kodeksida farzandlarning ma'naviy-ahloqiy tarbiyasida oilaviy muhitning, ya'ni ota-onaning o'zaro samimiy munosabatlari, ularning farzandlari bilan yaqin, do'stona munosabatda bo'lishlari kerakligi ta'kidlanadi. SHuningdek, Oila kodeksining 4-moddasida farzandlarning ma'naviy-ahloqiy tarbiyasida bolaga ta'lim-tarbiya berishda otaning o'rni onanikidan kam emasligi uqtiriladi. SHuningdek, mazkur kodeksining 19-moddasidagi oilada er va xotin huquqlaridan teng foydalanishi va teng majburiyatlarga ega ekanligiga urg'u berilgan holda ularning farzandlarning ma'naviy-ahloqiy tarbiyasida ham birdek ma'sul ekanliklariga ishora qilinadi.

Prezident SH.M.Mirziyoev 2018 yil 2 fevral kuni «Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida» qabul qilgan Farmonida ham xotin-qizlar turmushini yaxshilash bilan birga ularni yuksak ma'naviy-ahloqiy sifatlarni tarbiyalash jamiyatimiz tayanchi bo'lgan oilani mustahkamlashga xizmat qilishi xususida shunday deydi: "Odamlarimiz bilishi kerak, oila muqaddas biz uchun. Oilani saqlab qolmasak, biz o'zligimizni yo'qotamiz" .

Bugun yurtimizda jismonan sog'lom, ma'nan yetuk avlodni tarbiyalash, sog'lom bolalar tug'ilishiga zarur shart-sharoitlar yaratish borasida uzoqni ko'zlab amalga oshirilayotgan sa'y-harakatlar o'z natijalarini bermoqda. Zero, sog'lom millatgina sog'lom kelajakni barpo eta oladi. Davlatimiz rahbari 2014 yilni "Sog'lom bola yili" deb e'lon qilar ekan, sog'lom bolaning dunyoga kelishi, baquvvat bo'lib o'sib ulg'ayishi ko'pgina talab va omillarga bog'liq ekanini alohida ta'kidlab o'tdi. Oilalarni mustahkamlash, sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish, ta'lim va sportni rivojlantirish, ushbu sohalardagi davlat siyosatini kuchaytirish, mahallaning rolini oshirish kabi jihatlar ana shular jumlasidandir. Yurtimizda mustaqillikning ilk yillaridanoq mana shu yo'nalishlarni rivojlantirish borasida aniq chora-tadbirlar ishlab chiqilib, ular hayotga izchil tatbiq etib kelinayotir. Har bir yil shu ezgu maqsadlarga erishishga yo'naltirilgan islohotlarning mantiqiy davomiga aylanayapti. Oila, Ayollar, Sog'lom avlod, Ona va bola, Obod mahalla, Mehr-muruvvat, Homiylar va shifokorlar, Ijtimoiy himoya, Yoshlar, Barkamol avlod, Obod turmush yillari va shu asosda amaliyotga joriy etilgan Davlat dasturlari samaralari farzandlarimizning barkamol voyaga yetishlarida muhim omil bo'ldi.

Jamiyat – oiladan boshlanadi. Oilaning asosini esa, ota-ona tashkil qiladi. Ota-onani ulug'lash va ularni qadrlash, bilan birga hadislarda ota-ona o'z farzandlariga ta'lim-tarbiya berishga ma'sul ekanliklari

xususida shunday deyiladi: „Har biringiz tarbiyachisiz va har bir tarbiyachi qo'l ostidagilarga javobgardir», yoki "Farzandlaringizga ta'lim bering, chunki ular sizniki bo'lmagan vaqt uchun tug'ilganlar", deb har bir ota-onani bolaning o'z zamonasi ilm-fani, ta'limiga befarq qaramaslikka chaqirganlar.

Zardo'shtiylikning muqaddas kitobi «Avesto»da – oila muqaddas sanalib, yoshlarga beriladigan ma'naviy-ahloqiy tarbiyada oilaning o'rni beqiyos ekanligi ta'kidlanadi[152].

Tarbiya jarayonida har bir ota-ona Imom Buxoriy, Mirzo Ulug'bek, A.Navoiy, Amir Temur, Z.M.Bobur kabi buyuk allomalar va sarkardalarni ham onalar tarbiyalab, voyaga yetkazganliklarini bilishi zarur.

A.Avloniyning "Turkiy Guliston yoxud axloq" asarida tarbiyani kimlar qilur? Qayda qilinur? degan savolga, «birinchi uy tarbiyasi. Bu ona vazifasidur. Ikkinchi, maktab va madrasa tarbiyasi. Bu ota, muallim, mudarris va hukumat vazifasidur», – deb javob bersak, bir kishi deyurki, «qaysi onalarni aytursiz, bilimsiz, boshi paqmoq, qo'li to'qmoq onalarmi? O'zlarida yo'q tarbiyani qaydan olib berurlar», der . Mana, bu so'z kishining yuragini ezar, bag'rini yondurar. Otasiga nima dersiz, desak, qaysi ota? To'ychi, uloqchi, bazmchi, do'mbirachi, karnaychi, surnaychi, ilm qadrini bilmagan, ilm uchun bir pulni ko'zlari qiymagan, zamondan xabarsiz otalarni aytursizmi? Avval o'zlarini o'qitmak, tarbiya qilmak lozimdur», – deb, oilaning tarbiyadagi yetakchilik kuchiga ishora qiladi. SHuningdek, "Alloh taolo insonlarni asl xilqatda iste'dod va qobiliyatli, yaxshi bilan yomonni, foyda bilan zararni, oq bilan qorani ajratadigan qilib yaratgan. Lekin insondagi bu qobiliyatni kamolga yetkazish – tarbiya bilan bo'lur"[153] – deb tarbiyaning zaruriy shart ekanligini bildiradi. Farzandga to'g'ri tarbiya berish esa oiladan boshlanadi. Oilada farzandlarning har tomonlama kamol topishi uchun ma'naviy- axloqiy sharoitlar yaratilsagina muvaffaqiyatlarga erishiladi.

Abdurauf Fitrat «Oila» asarida «Qaerda oila, oila munosabati kuchli intizomga tayansa, mamlakat va millat ham shuncha kuchli va muazzam bo'ladi» deganlar.

Har bir ota-ona oilada farzandning ma'naviy-ahloqiy tarbiyasida muvaffaqiyatga erishish uchun bir qator jihatlarga e'tibor berish zarur:

1. Oila tarbiyasida umuminsoniy, milliy-ma'naviy qadriyatlar qoidalarga rioya qilish.

2. Oila a'zolari orasidagi munosabatlarda o'zaro bir-birini tushunish, o'zaro yordam berish, o'zaro ishonch, o'zaro bardosh kabilarga rioya qilish.

3. Oila a'zolarining har biri o'zlarining ijtimoiy- rollarini to'laqonli bajarishlariga erishish.

4. Oila a'zolarining bir-birlariga mehr-muhabbat va o'zaro hurmatga asoslanishi.

5. Oila a'zolarining o'zaro munosabatlarida emoциonal qulay fonni ligini saqlab qolishiga intilishlari ya'ni oilaviy munosabatlarda moslashishlari.

6. Har qanday sog'lom oilaning ajralmas qismi – bu oilaviy maqsadlarning yagonaligidir. Maqsadga erishish usullarini tanlash va uning shakllanishi hamda kutilayotgan natijalarda har bir oila a'zosining ehtiyojlari, qiziqishlari, intilishlari, istak-xohishlari inobatga olish yaxshi natijalarni berishini yodda saqlash zarur.

7. Oilaning yakdilligi va barqarorligi. oilaviy yakdillik – bu oilaning emoциonal uyushganligidir. Oilaviy yakdillik shaxsning o'z-o'zini anglashi bilan bog'liq. Oilaning ruhiy salomatligini ta'minlashda oila a'zolarlarning bir-birlariga bo'lgan samimiy iliq, sog'lom munosabatlari hamda birgalikdagi amalga oshiriladigan umumiy maqsadlar ijrosiga bog'liq bo'ladi.

Bir so'z bilan aytganda, mustahkam ma'naviy immunitetli, o'zining fikrlarini ravon ayta oladigan, yuqori marralarga erishuvchan avlodni tarbiyalash uchun ota-ona, oila muhiti juda katta ahamiyat kasb etadi. Hech kimga sir emas, insonning qalbi va ongini egallash, ayniqsa, yoshlarning ma'naviy dunyosini zaharlashga qaratilgan turli xavf-xatarlar ham kuchayib borayotgan bugungi kunda o'zining kimligini, qanday bebaho meros vorislari ekanini teran anglab, ona yurtga muhabbat va sadoqat hissi bilan yashaydigan, imon-e'tiqodi mustahkam yosh avlodgina muqaddas zaminimizni yot va begona ta'sirlardan, balo-qazolardan saqlashga, Vatanimizni har tomonlama ravnaq toptirishga qodir farzandlarni tarbiyalash o'z qo'limizda. Farzandlarimizga shunday tarbiya berayliki, ular o'z ota-bobolariga, o'z tarixi, Vatani, ona tiliga, millati, diniga va an'nalariga sodiq bo'lib kamol topishsin.

[152] Avesto – tarixiy-adabiy yodgorlik. – T.: «SHarq» NMAK, 2001, 3–20-betlar.

[153] A.Avloniyniy. Turkiy Guliston yoxud axloq. – Toshkent,1992.

**Tashpulatova Dilorom Mukimovna,**
*TVCHDPI, Boshlang'ich ta'lim kafedrasi o'qituvchisi*

**Baxtiyorova Sevara Elyor qizi,**
*Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabasi*

# BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QUVCHILARINING MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYASINI TASHKIL ETISH VA TA'MINLASHGA TAYYORLASH

**Аннотациуа:** *Maqolada kelajakda o'qituvchilarni maktab o'quvchilarining ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga o'rgatish muammolari muhokama qilinadi. Mavzu respublika va xorijda ishlab chiqilganligi tahlil qilinadi. Pedagogika oliy o'quv yurtlari bitiruvchilarining innovaцион malakasi (innovaцион tayyorligi) mazmunini ko'rib chiqishga alohida e'tibor qaratilmoqda.*

**Kalit so'zlar:** *ma'naviy-axloqiy tarbiya; ma'naviy tiklanish; kelajakda o'qituvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashga tayyorlash modeli; innovaцион yetuklik; innovaцион yetuklikning tarkibiy qismlari.*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются проблемы обучения будущих учителей духовно-нравственному воспитанию школьников. Анализируется разработка темы в республике и за рубежом. Особое внимание уделяется рассмотрению содержания инновационной квалификации (инновационной готовности) выпускников педагогических высших учебных заведений.*

**Ключевые слова:** *духовно-нравственное воспитание; духовное возрождение; модель подготовки педагогов к духовно-нравственному воспитанию в будущем; инновационная зрелость; компоненты инновационной зрелости.*

**Annotation:** *the article discusses the problems of educating future teachers on the moral and moral education of schoolchildren. The subject is analyzed by the fact that it is developed in the Republic and abroad. Particular attention is paid to the review of the content of innovative qualification (innovative readiness) of graduates of pedagogical universities.*

**Key words:** *spiritual-moral upbringing; spiritual recovery; model of training future teachers for spiritual-moral upbringing; innovative maturity; components of innovativ*

Mustaqil O'zbekistonning jahon hamjamiyati tomonidan e'tirof etilishi, mamlakatimizning keng tashqi siyosiy va tashqi iqtisodiy faoliyati o'zbek xalqining ma'naviy qadriyatlari va salohiyatini tiklashga qo'shimcha turtki bo'ldi va bugun biz mamlakatimizning ma'naviy tiklanishida guvoh va ishtirokchilarmiz. O'zbekistonda ro'y berayotgan o'zgarishlar nafaqat ijtimoiy-madaniy hayotning turli jihatlariga, balki odamlarning, ayniqsa, yosh avlodning ongiga ham ta'sir qiladi.

Mazkur shart-sharoitlardan kelib chiqqan holda, ma'naviy sog'lom yosh avlodni tarbiyalash ustuvor, davlat ahamiyatiga, vazifasiga aylanmoqda. Kelajakda o'qituvchilarni ta'lim ishlariga tayyorlash mazmunini tahlil qilib, bugungi kunda ma'naviy-axloqiy tarbiya va zamonaviy pedagogik oliy o'quv yurtlarining bunday mutaxassislarni tayyorlashga tayyor emasligi, talabalarning (kelajak pedagoglarning) qiziqishi o'rtasida kasbiy tayyorgarlikni amalga oshirishga qodir bo'lgan pedagogik kadrlarga bo'lgan ehtiyoj o'rtasida ziddiyat yuzaga kelgan degan xulosaga keldik. ularning ma'naviy va axloqiy o'sishida va bu jarayonni amalga oshirishga qodir emasligi. Bundan tashqari, pedagogik ta'limning milliy metodikasida bo'lajak pedagoglarning ma'naviy – axloqiy tarbiyalashga tayyorligi mezonlari va darajalarini aniqlash, bo'lajak mutaxassislarni tarbiyaviy ishlarni olib borishga tayyorlash modelini yaratish va boshqa qator masalalar shaxsning kasbiy shakllanishi uchun strategik ahamiyatga ega bo'lgan qator masalalar hal etilmay qolmoqda.

Bugungi kunda rus adabiyotida (O. Musurmonova, M. Kuronov, A. Erkayev, B. Ziyomuhamedov va boshqalar) kelajakda o'qituvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashga tayyorgarlikning mohiyati haqida yagona, tizimli tushuncha mavjud emas – bu faoliyat uchun zarur bo'lgan sifatlarni aks ettiradi-ularning ma'naviy-axloqiy sohasini tushunish, o'z-o'zini takomillashtirish, o'qituvchining mas'uliyatini anglash,

o'quvchining psixologik xususiyatlarini bilish va boshqalar.. Davlat ta'lim standartida ma'naviy-axloqiy tarbiya sohasidagi mutaxassisning pedagogik vakolatiga doir qoidalar ham yetarli darajada shakllantirilmagan

Ma'naviy-axloqiy tarbiya uchun tayyorgarlikning xorijiy modellari (mualliflar: E. A. Lixanov, A. A. Melik - Pashayev; T. M. Gorbachev; T. A. Florenskaya), shuningdek, kamchiliklardan mahrum emas – xususan, kelajakda o'qituvchilarda ta'lim ishiga tayyorgarlik ko'rishning ko'plab rus kontsepцiyalarida muqaddas (pravoslav) pedagogik merosni professional o'qitish amaliyotida qo'llashga etarlicha kuchli e'tibor qaratilgan. Shu bilan birga, yuqorida keltirilgan modellardan biri, tegishli metodik takomillashtirish bilan, mahalliy o'xshashlikni ishlab chiqishda asos sifatida qabul qilinishi mumkin-biz T modeli haqida gapiramiz. Gorbachev (6).

Ushbu modelga ko'ra, o'qituvchining o'quvchilarning ma'naviy va axloqiy tarbiyasiga psixologik va pedagogik tayyorgarligi sifat va malakalarning rivojlanish darajasini ifodalovchi bir-biriga bog'liq bo'lgan tayyorgarlik to'plamidir:

1) shaxsning qiymat yo'nalishlari va ma'nolarining tegishli darajasi sifatida qiymat-semantik tayyorlik;

2) shaxsning zarur ehtiyojlari, intilishlari va niyatlarini shakllantirish uchun motivaцion tayyorgarlik;

3) pedagogik muloqotning zarur fazilatlari va ko'nikmalarini shakllantirish uchun kommunikativ tayyorlik;

4) o'z-o'zini anglash, o'z-o'zini anglash, o'z-o'zini hurmat qilish va o'qituvchining Holistik I-kontsepцiyasini rivojlantirishning zarur darajasi sifatida refleksiv tayyorgarlik;

5) kasbiy bilim, dunyoqarash, axloqiy tushunchalar tizimi sifatida bilimga tayyor bo'lish;

6)ma'naviy-axloqiy tayyorgarlik uning ma'naviyatini va ma'naviy-axloqiy yo'nalishlarini tavsiflovchi o'qituvchi-murabbiyning shaxsiyatining ajralmas xususiyati sifatida.

Psixologik va pedagogik tayyorgarlikning tasvirlangan modeli kelajakdagi o'qituvchi-o'qituvchining professional pedagogik va maxsus psixologik tayyorgarligi natijasidir. Bizning fikrimizcha, T. M. Gorbachyovaning modeli jamiyatning zamonaviy pedagogik haqiqatlariga va talablariga to'liq mos kelmaydi va shu asosda qo'shimcha elementni – innovaцion tayyorgarlikni (innovaцion vakolatni) tavsiya etamiz. Ma'naviy-axloqiy tarbiya, shuningdek, tarbiyaviy ishlarning boshqa yo'nalishlari "shablonga ko'ra" ishni bir marta va umuman tasdiqlangan metodik tavsiyalar bilan o'z ichiga olmaydi, aksincha – o'quvchilarning ehtiyojlariga, ularning yaqin rivojlanish zonasiga mos kelishi, shaxsni shakllantirishning ijtimoiy – madaniy xususiyatlarini hisobga olishi va natijada doimo rivojlanib, takomillashib, zamonaviy pedagogik tajribaning eng yaxshisini o'ziga singdirishi kerak. Bunday yondashuv shuni anglatadiki, respublika oliy maktabida bilim olish yondashuvidan ta'lim natijalariga amaliy yo'naltirilgan yondashuvga o'tish kerak. Shunday qilib, an'anaviy bilimlar, ko'nikmalar, ko'nikmalar o'rniga, vakolatlar birinchi o'rinda turadi.

Keling, ta'lim fanida "vakolat" va "vakolat" tushunchalarining bir aralashmasi borligini ta'kidlaylik. Qishki Ia ta'kidlaganidek, vakolatni "bilim, intellektual va shaxsiy ravishda inson hayotining ijtimoiy va professional xususiyatlariga asoslangan haqiqiy, shakllangan shaxsiy sifat" deb tushunish kerak. Har bir vakolatli guruhda ba'zi ichki, potenцial, yashirin psixologik neoplazmalar kabi asosiy vakolatlar doirasi aniqlanadi: bilim, vakillik, harakat dasturlari, qadriyatlar va munosabatlar tizimi, keyinchalik insonning vakolatiga kiradi" (2). Ushbu tezisdan kelib chiqqan holda, vakolat faqat maxsus tashkil etilgan faoliyat natijasida shakllanadi.

"Innovaцion yetuklik" tushunchasi bugungi kunda O'zbekistonda ilmiy qo'llanishda keng tarqalmagan. Xorijiy tadqiqotlarda bu ta'rif asosan menejmentga nisbatan qo'llaniladi. Ushbu kontsepцiyani talqin qilishning pedagogik sohasiga yanada yaqinroq bo'lgan E. S. Simbirsk, yu. B. Suvorov: "innovaцion qobiliyat" - mutaxassis (3) tomonidan innovaцiyalarni tez va samarali rivojlantirishga yordam beradigan qobiliyatlar, fazilatlar va ko'nikmalar majmui. Zamonaviy ta'lim fanida innovaцion malakaning tarkibiy qismlari allaqachon aniq belgilangan. Birgalikda, ushbu komponentlar har bir o'qituvchi uchun samarali innovaцion pedagogik faoliyat uchun, ayniqsa, ta'lim ishlarida zarur bo'lgan shaxsning muhim fazilatlari va aqliy xususiyatlarini tashkil etadi.

Innovaцion mahorat qanday shakllantirilishi kerak? Ushbu masalaning yechimi aniq emas va har bir oliy ta'lim muassasasi sharoitida innovaцion vakolatni shakllantirishning o'z yo'llari topiladi.

Shu bilan birga, ushbu muammoning universal echimi ta'lim texnologiyalaridan foydalanishdir. Belgilangan maqsadlarga erishishda faol va interaktiv ta'lim shakllari va usullari muhim rol o'ynaydi. Faol

o'qitishda talaba passiv o'rganishdan ko'ra, o'qituvchi bilan muloqotga kirishadi,ijodiy, qidiruv, muammoli vazifalarni bajarib, bilim jarayonida faol ishtirok etadi. Innovaцион vakolatni shakllantirish jarayonida tanqidiy fikrlashni rivojlantirish usullari alohida ahamiyat kasb etadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Shoniyozov K.Sh. O'zbek xalqining shakllanish jarayoni. T., «Sharq». 2001.
2. Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (Теоретико-методологический аспект) // Высшее образование сегодня. – 2006. – № 8. - С. 20-26
3. M. Kuronov. Milliy tarbia. Toshkent ma'naviyat 2007.
4. Gorbachev, T. M. o'qituvchining ma'naviy murabbiy sifatida professional faoliyatining tarkibi [matn]/ T. M. Gorbachev / / fan va gumanitar ta'limning dolzarb muammolari: universitetlararo ilmiy ishlar to'plami. 2004.- 65-75.



**ГАВҲАР РЎЗИЕВА,**
*Мактабгача таълим ташкилотлари директори ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти докторанти*


## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ


**Аннотация:** *мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоийлашуви, уларни интеллектуал ривожлантириш муаммолари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Муаммоларнинг ечими устида изланиш олиб борилди. Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал ривожланишида ота-она, оила ўрни ва роли, мактабгача таълим муассасаларининг, тарбиячиларнинг ўрни ва роли, уларнинг бурч ва масъулиятлари ҳақида фикр юритилди.*



**Калит сўзлар:** *интеллектуал ривожланиш, мактабгача таълим, ота-она, бола табиати, интеллектуал ўйинлар, адаптация, педагогик қарашлар, шахс сифатида шаклланиш, нутқ бойлиги, тафаккур, ижтимоийлашув.*



**Аннотация:** *в статье дан анализ проблемы социализации дошкольников, их интеллектуального развития с теоретической и практической точки зрения. Рассмотрено роль и место родителей, семьи, воспитателей, их обязанности и ответственность в интеллектуальном развитии дошкольников,*



**Ключевые слова:** *интеллектуальное развитие, дошкольное образование, воспитание, интеллектуальные игры, адаптация, педагогические установки, развитие личности, речь, мышление, социализация.*



**Annotation:** *the article analyzes the problem of socialization of preschoolers, their intellectual development from a theoretical and practical point of view, the role and place of parents, family, educators, their duties and responsibilities in the intellectual development of preschoolers.*



**Key words:** *intellectual development, preschool education, intellectual games, adaptation, pedagogical attitudes, personality development, speech, thinking, socialization.*


Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида оладиган маълумотнинг етмиш фоизини беш ёшгача бўлган даврда олиши аниқланган. Бунда инсон боласи дунёни англайди, ўз она тилини ўзлаштиради, ота-онасини, оиласини, маҳалласини танийди ва она Ватанига меҳри уйғонади. Демак, бу даврда олган тушунчалари умр давомида оладиган билимларга пойдевор ҳозирлайди. Оила билан бирга мактабгача таълим муассасасининг роли юқори бўлади. Шунинг учун ҳам айнан мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлагига айланган бўлиши керак.

Афлотундан: “Қанча вақтгача таълим олиш ва илм ўрганиш яхши? - деб сўрабдилар. У: нодонликнинг ва жоҳилликнинг айб эканлиги қай вақтгача бўлса, илм ўрганиш ўша вақтгача яхшидир”[154]1 - деб жавоб берган экан.

Шунинг учун мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга ва илмга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. 6-7 ёшгача бўлган мактабгача таълим давлат ва нодавлат болалар мактабгача таълим муассасаларида ва оилада амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг мақсади – болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир.

Мактабгача таълим муассасалари – Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассаларининг тури бўлиб, турли йўналишдаги мактабгача бўлган даврдаги умумтаълим дастурларини амалга оширади. Мактабгача таълим муассасалари 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашни, ўқитишни, назорат қилишни, парваришлашни ва соғломлаштиришни таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасасининг вазифалари:

– боланинг ижтимоийлашуви, бола шахси асосларини шакллантириш;

– оила билан таълим-тарбиявий ҳамкорлигини кучайтириш;

– боланинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

– боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;

– болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

– болаларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

– болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш;

– болаларни билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш манбаларини шакллантириш, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлаш.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилмоқда. Бу борада, айниқса, мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб қаралди. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди.

Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни интеллектуал, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, умуминсоний қадриятлар билан таништириш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида турли тўгараклар, маънавият ва экология хоналари, кичик музей, кутубхоналар ташкил этиш борасидаги анъаналарни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ. Чунки китобга, санъатга, илмга, умуман, келажакда муайян касбни эгаллашга бўлган қизиқиш болаларда айни шу даврда шаклланади.

Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида илм тўғрисида бундай дейди: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилмоқ, ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур...”. Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, “Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур”[155].

Оилада болаларни ахлоқий тарбиялашнинг усулларини халқ педагогикасида манбаларидан ўрганишимиз лозим. Жумладан, тушунтириш, намуна кўрсатиш, одатлантириш, илтимос қилиш,

[154] Алиқулов Х., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ҳақида. –Т.: “Ўқитувчи”, 1981. 36-бет.
[155] А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: “Фан”, 1994. 17-бет.

тилак-истак билдириш, маслаҳат бериш, кўндириш, ундаш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқиш, койиш, узр сўраш. Лекин инсонни ғоявий, ахлоқий тарбиялашда энг кучли тарбиявий восита сифатида ўгит-насиҳат, ибрат кўрсатиш, маъқуллаш ва мақташ, мукофотлаш кабилардан фойдаланиш самарали натижалар бериши кузатишлардан маълум.

Оилада болаларни ахлоқий тарбиялашда инсонпарварлик асосий масалалардан бири, халқ донишмандларининг ахлоқ ва одоб юзасидан айтиладиган ҳикматли сўзлари, мақоллари, у ёки бу эртак орқали ҳал қилиниши керак бўлган муаммо сифатида ишлатилишидир. Аниқроғи ахлоқ - одоб масалаларига бағишланган халқ мақолларининг нақадар ҳаётий эканлигини маълум эртак орқали айтиб берилишидир.

Кўпчилик эртак, достонларда ота-она ва кексаларнинг турмуш тажрибаларини ифодалаш билан бирга ёшларни унга бевосита амал қилишларига ундайдиган маслаҳат ва панд-насиҳатлар ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан: “Қорасоч пари” эртагида она ўз ўғли Нодирни сафарга жўнатишдан олдин шундай дейди: “Менинг уч насиҳатимни эсингдан чиқарма, биринчиси – бировга хиёнат қилма, иккинчиси – бировнинг дилини оғритма, учинчиси – қайси шаҳарга борма, энг аввал ўша шаҳарнинг қариялари билан суҳбатлашиб иш қил” мазмунида насиҳат қилади. Ниҳоят она насиҳатига амал қилган фарзанд бир умрга мурод-мақсадига етиб яшайди.

Халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида болани атрофидаги кишиларга ёрдамлашиш, ҳамдардлик қилиш руҳида тарбиялаш ғоялари ўртага ташланганини кўрамиз. Ўзбек халқи ўртасида кундалик эҳтиёжга айланган амалий санъат турларидан ёғоч, ганч ва мис ўймакорлиги, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик, кулолчилик, миллий либосларни тикиш кабилар ўзбек оилаларида биринчидан, моддий эҳтиёжни қондириш бўлса, иккинчидан, фарзандларни меҳнатга ўргатишда, бўш вақтдан унумли фойдаланишни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси сифатида фойдаланиб келинган.

Тажрибадан маълумки, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий мусиқа, қўшиқлар муҳим ўринни эгаллайди. Чунки барчага аёнки, мусиқа тарбия манбаидир. Масалан: Алла ўзбек халқининг қадимий, муҳим тарбиявий характерга эга бўлган қўшиқ турларидан биридир. Она алласидан баҳраманд бўлмаган бола қалбида ота-онага, Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси бўлиши қийин. Алла айтмаган ёки алла эшитиб катта бўлмаган қиз бола бўлмаса керак. Алла тинглаб катта бўлган боладан ота-онага нисбатан ўзгача муҳаббат, хурмат ҳисси шаклланади.

Ота-боболаримиздан мерос қолган чиройли ва рамзий маънога эга бўлган урф-одатларни билиш, бевосита уларда иштирок этиш ва айнан ана шу урф-одатларни ўтказиш тартибини билиш ёшларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Санъат боланинг ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлиги, барча ҳолатларда яққол намоён бўлиб турибди. Кексаларнинг айтишича, санъат инсонларни ёвузликдан сақлаб қолар экан.

Буюк олим, тиббиёт фанининг асосчиларидан бўлган бобокалонимиз Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида мусиқанинг руҳий таъсир кучига баҳо бериб, гўдакнинг тарбиясидаги аҳамиятини оддийгина таърифлайди: “Гўдак вужуди чиниқиши учун икки нарса зарур: бири уни аста қимирлатиб тебратиш, иккинчиси – онанинг алласи. Биринчиси боланинг танасига, иккинчиси руҳига тегишлидир”. Санъатнинг ва мусиқанинг инсон ҳаётидаги ўрни борасида кўп ёзилган ва у, шубҳасиз, даволовчи, аниқроғи, жисм ва руҳни муолажа қилиш усулларидан бўлиши билан бирга, маънавий тарбиянинг бағоят муҳим йўналишларидан бири ҳамдир.

Боланинг янги жойга кўникиши-адаптациянинг силлиқ ўтиши учун ота-оналар кўмаги ва ҳаракати жуда муҳим. Ота-онанинг маъсулияти болани таълим муассасасига топшириш билан якунига етмайди. Бола мактабгача таълим муассасасида бўлган вақтида ҳам ота-она болага тўлиқ жавобгар. Ота-она болани ҳаётга, коллективга тайёрлаши лозим. Икки, баъзан уч-тўрт ёшгача уйда, ёлғиз ота-она, бобо-буви қўлида катта бўлган болаларнинг бирдан янги гуруҳга, кўпчиликка қўшилиб кетиши оғир жараён эканини ҳисобга олиш даркор. Болани доимий равишда сайрга олиб чиқиш, кўчада ўйнаётган болаларга қўшиш, турли ўйинларда иштирок этишига рухсат бериш яхши самара беради. Болалар ёшлигидан жамоага ўрганиши лозим.

Болалар билан ўйнаётганда, юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликда ўзини қандай тутиш, ёнида катталар бўлмаган вақтда, уйда ёлғиз қолган вақтда содир бўлиши мумкин бўлган баъзи ҳолатлар, масалан, йиқилиб тушиш, оралиққа қисилиб қолиш, сув тошиб кетиши, ёнғин чиқиши,

чироқ ўчиб қолиши ва шу каби ҳолатларда бола ўзини қандай тутиши лозимлигидир. Буларнинг барчаси ота-она томонидан ўргатилиши, болани ҳар қандай шароитга тайёрлаб бориш шарт ва муҳим.

Бундан ташқари мактабгача ёшдаги болаларга оддий кундалик турмишда учрайдиган энг оддий ҳолатлар ва вазиятларда ўзини қандай тутиш кераклигини ота-оналар ўз фарзандларига қуйидагиларни тушунтириб, ўргатиб боришлари керак:

– катталар ва ўзидан кичиклар олдида ўзини қандай тутиш;
– икки ва ундан ортиқ болалар билан ўйинчоқларни қай тарзда келишиб ўйнаш;
– гигиена қоидаларига риоя қилиш;
– овқатланиш маданияти;
– суҳбатлашиш маданияти;
– табиатни муҳофаза қилиш маданияти;
– ота-онага, яқинларга бўлган муносабат маданияти;
– ҳаётдан мамнуниятлик маданияти;
– ўз–ўзини бошқариш маданияти;
– атроф-муҳитни кузата билиш маданияти;
– ташқи таъсирлардан керакли нарсани ўзлаштира билиш маданияти ва бошқалар.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педогогик иш услубининг асосий калитларидан бири айнан ана шу қарашлар билан боғлиқ, яъни - боланикнинг қадр-қимматини, ўзига хослигини тан олиш, унинг манфаатларини рўёбга чиқариш. Болалик ғам-ташвишсиз, самовий бир эртак даври эмас. Болалар ҳаётида худди катталарники сингари муаммолар бўлади. Ўз тенгқурлари орасидаги келишмовчилик ва тушунмовчиликлар, катталар билан ўзаро муносабатлар, дунёни қабул қилиш муносабатлари. Баъзан бу муносабатлар оддий ҳолатдек кўринади, болалар бекорга йиғлаётгандек, бекорга бир-бири билан уришаётгандек, эркалик ёки қайсарлик қилаётгандек туюлади. Бундай муносабат ва қийинчиликлар болани азоблайди, бу ҳолатлар бола учун арзимас нарсалар эмас, балки унинг ҳаёт мазмуни. Шунинг учун ҳам бола бу қийинчиликларни енгишга, ҳал этишга, курашишга, олдинга қараб юришга ҳаракат қилади. Бу ўсиш, катта бўлиш, ҳар томонлама ривожланиш жараёнидир. Айнан ана шу жараёнда катталарнинг тўғри тарбияси ниҳоятда муҳим. Бола ўз муаммоларини катталарнинг кўмагисиз бартараф эта олмайди.

Асл инсон - аҳлоқли инсон. У бошқаларнинг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилади, ўз қилмишлари бошқаларга зарар етказмаслиги ҳақида ўйлайди, бошқа одамларни тушунишга ҳаракат қилади, ёрдам беради, йўл кўрсатади, кучсизлар, беморлар, қийналганлар учун қайғуради. Болаларда айнан ана шу асл инсон қиёфасини тарбиялаш, инсонийлик сабоқларини сингдириш уларнинг интеллектуал ривожланишида катта омил бўлади. Болаларда асл инсон қиёфасини тарбиялашда эртакларнинг аҳамияти катта. Эртаклар энг аввало ҳис-туйғуларга ва ақлга таъсир этади. Бола эртак қаҳрамонларидаги яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштиради. Яхши билан ёмонни фарқлашни ўрганади.

Мактабгача даврда болалар ўз хоналарини тартибли тутиш, ўз тенгқурлари ва ўзидан катталар билан маданият чегарасидан чиқмаган ҳолда мулоқат қилиш, атрофдагилар билан дўстона муносабатда бўлиш, гуруҳ билан биргаликда ишлаш, хулқ-атвор нормаларга риоя қилиш каби масалаларда тарбиячиларнинг кўмаги, раҳнамолиги, бошқаруви ҳамда назоратида бўладилар.

Болаларга тартиб қоидалар, аҳлоқ ва инсонпарварлик тушунчалари аста-секинлик билан сингдириб борилади. Мактабгача ёшдаги болаларда меҳрибонлик, ҳалоллик, маданиятлилик, аҳлоқ-одоб қонун-қоидалари турли суҳбатларда яхши ва ёмонни, тўғри ва нотўғрини бир-бирига солиштириш, баҳо бериш орқали тушунтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактабгача бўлган давр болаларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланиши учун энг маъқул ва қулай фурсат ҳисобланади. Бу давр болаларнинг энг сезгир даври бўлади. Айнан шу даврда болаларнинг онгида барча соҳаларда прогрессив ўзгаришлар содир бўлади, ақлий жараён (диққат, хотира, идрок, фикр, нутқ, тасаввур)лар такомиллашади, шахсий фазилатлар фаол ривожланади, улар асносида қобилият ва мойиллик ошади. Айнан мактабгача ёшдаги болаларда интеллектуал ўсиш ўзининг юксак ривожланишининг инъикосини топади.

Ҳар бир ота-она, ҳар қандай жамият фарзандларини-ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, ақлан комил инсон бўлиб вояга етишини истайди. Ҳар томонлама комил фарзандларни жамиятга

етказиб бериш учун эса фақат истакнинг ўзи камлик қилади. Фарзандларимизни интеллектуал жиҳатдан етук инсон бўлиб етишишлари учун қўлдан келган барча шароитни яратиш ҳам ота-оналар, ҳам жамият олдида турган улкан ва шарафли бурчдир.

**Xolmatova Salima Qo'zibaevna,**
*TVChDPI Maktabgacha ta'lim kafedrasi o'qituvchisi*

**Abdujalilova Madinaxon Muxiddin qizi,**
*maktabgacha ta'lim 19/7 gurux talabasi*

**Seidova Svetlana Madaminovna,**
*maktabgacha ta'lim 19/7 gurux talabasi*

## BOSHLANG'ICH TA'LIMDA XALQARO BAHOLASH DASTURLARIDAGI PISA DASTURINING VAZIFALARI VA IMKONIYATLARI

**Annotatsiya.** *Ushbu maqolada Prezident qaror va farmonlari asosida Xalqaro baholash dasturlari va ular doirasidagi tadqiqotlarga qisqacha tushuncha berilib, asosan PISA xalqaro baholash dasturining asosiy maqsadi, vazifalari va imkoniyatlari to'g'risida keng to'xtalingan. Shuningdek, maqolada kelajakda Xalqaro baholash dasturlarida qatnashish natijasida mamlakatimizni yuksak imkoniyatlarga erishishi nazarda tutilgan.*

**Tayanch so'zlar:** *boshlang'ich ta'lim, xalqaro baholash dasturi, assoцiaцiya, inspekцiya, davlat, standart, o'quvchi, ta'lim mazumuni, modernizaцiyalash, davriylik.*

**Аннотация.** *В этой статье представлен краткий обзор международных программ оценки и их исследований, основанных на указах и указах президента, и основное внимание уделяется основным целям, задачам и возможностям Международной программы оценки PISA. В статье также предусмотрено, что в будущем в результате участия в международных оценочных программах наша страна раскроет большой потенциал.*

**Ключевые слова:** *начальное образование, международная программа оценки, ассоциация, инспекция, государство, стандарт, студент, содержание образования, модернизация, периодичность.*

**Annotation.** *This article provides a brief overview of international assessment programs and their research based on executive orders and executive orders, and focuses on the main goals, objectives and opportunities of the PISA International Assessment Program. The article also provides that in the future, as a result of participation in international assessment programs, our country will reveal great potential.*

**Key words:** *primary education, international assessment program, association, inspection, state, standard, student, educational content, modernization, frequency.*

Mamlakatimiz innovaцion taraqqiyot yo'lidan shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda kelajagimiz davomchilari bo'lmish yoshlarni ijodiy g'oyalarini va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, ko'nima va malakalarini shakllantirish hamda milliy istiqlol g'oyalarini o'quvchilar ongiga singdirishda ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish, shu yo'lda xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimini qiyosiy tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar, agentliklar, ilmiy-tadqiqot muassasalari bilan yaqindan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga egadir.

Shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora- tadbirlari to'g'risida "2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli qarori bilan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi huzurida Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish Milliy

markazi tashkil etildi. Shu bilan birga ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish vazifalari belgilandi.

PISA-15 yoshli o‘quvchilarning o‘qish, matematika va tabiiy yo‘nalishdagi fanlardan savodxonligi darajasini baholash.

TIMSS-4 va 8 sinf o‘quvchilarining tabiiy-ilmiy yo‘nalishdagi fanlardan savodxonligini baholash.

Shunday ekan, umumta’lim maktablarida o‘quvchilarning matematik, tabiiy-ilmiy fanlar va o‘qish savodxonligini oshirishda PISA testlaridan unumli foydalanish tavsiya etilmoqda. Tabiiy fanlar turkumiga kiruvchi geografiya fanini o‘qitishda ham xalqaro baholash tizimidan foydalanish o‘quvchilarni shu fanga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishi, dunyo qarashini kengaytirishi, mantiqiy fikrlashni oshirishi, o‘rganilayotgan obektlarni tez farqlay olishda amaliy yordam beradi.

Rivojlanayotgan mamlakatlar kun tartibida ta’lim tizimi, uni isloh etish, rivojlantirish hamisha ustuvor vazifalardan biri bo‘lib turadi. Ta’lim bor joyda tarbiya bor bo‘lganidek, ta’lim sifatli bo‘lsa, mamlakat tayanchi–yoshlar har tomonlama bilimli, kuchli va tarbiyali bo‘lib voyaga yetadi. Shu o‘rinda ta’lim va o‘qitish sifatini baholashning xalqaro standartlarini o‘rganish, tajribada sinab ko‘rish, ularni amaliyotga tatbiq qilish orqali ta’lim muassasalari sifati va samaradorligini yanada oshirish zarur. Xalqaro baholash dasturlari va ular doirasidagi tadqiqotlar Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) Ta’lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assoциaциyasi (IEA) tomonidan muayyan davriylik asosida dunyo mamlakatlari bilan hamkorlikda tashkil etiladi.

Prezident Sh.Mirziyoevning joriy yil 6-noyabrda qabul qilingan “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini yanada rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari belgilab berilgan. Ushbu farmon loyihasi bo‘yicha joriy yilning 30-oktabr kuni Prezidentimiz raisligida o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida maktab ta’limi bo‘yicha ilg‘or davlatlar tajribasini, xususan, Finlyandiya ta’lim tizimining o‘ziga xos xususiyatlari, xalqaro baholash dasturlarida erishayotgan muvaffaqiyatlarini o‘rganish, ta’lim sifatini oshirish, maktablarda o‘quv yuklamasi, darslar sonini qayta ko‘rib chiqish, o‘quvchilarni faqatgina yodlashga emas, balki fikrlashga chorlaydigan metodika yaratish bo‘yicha aniq vazifalar belgilab berilgan. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 8-dekabrdagi «Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarorida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspekциyasi huzurida Ta’lim sifatini baholash bo‘yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazini tashkil etishga qaror qilinib, uning asosiy vazifalari va faoliyat yo‘nalishlari etib ta’lim tizimida o‘qish, matematika va tabiiy yo‘nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini rivojlantirishning innovaциon metodlarini ishlab chiqish va joriy etishga yo‘naltirilgan ilmiy izlanishlar olib borish; ta’lim sifatini baholash sohasida xalqaro aloqalarni o‘rnatish, xalqaro loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish, xalqaro ilmiy anjumanlar va simpoziumlarni tashkil etish va o‘tkazishda ishtirok etish; umumiy o‘rta ta’lim muassasalarining xalqaro tadqiqotlarda muvaffaqiyatli ishtirok etishini ta’minlash; O‘zbekiston Respublikasining xalqaro baholash dasturlarida qayd etgan natijalarini boshqa davlatlar natijalari bilan qiyosiy taqqoslash belgilandi. Ta’lim inspekциyasi tomonidan Xalq ta’limi vazirligi va boshqa tegishli vazirlik va idoralar bilan hamkorlikda xalqaro tadqiqotlarni joriy qilishga tayyorgarlik ko‘rish ishlari reja asosida tizimli ravishda olib borilgan.

Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspekциyasi bilan OECD hamda IEA tashkilotlari o‘rtasida imzolangan kelishuv hujjatlariga binoan O‘zbekiston Xalqaro o‘quvchilarni baholash PISA-2021 hamda O‘quvchilarning matnni o‘qib tushunish darajasini baholash xalqaro dasturi PIRLS-2021 da ishtirok etishga kirishilgan. Shuning bilan birga, TIMSS-2023 xalqaro dasturida qatnashishga kirishildi.

Yuqorida ko‘rsatilgan xalqaro baholash dasturlardan PISA xalqaro baholash dasturiga kengroq to‘xtalamiz. PISA (The Programme for International Student Assessment – O‘quvchilarni Xalqaro Baholash Dasturi) o‘quvchilarni ta’lim sohasidagi yutuqlarini baholash bo‘yicha xalqaro dastur bo‘lib, undagi test jahon davlatlaridagi maktab o‘quvchilarining bilimi va ularni amaliyotda qo‘llay olish mahoratini baholaydi. Dasturning asosiy maqsadi – 15 yoshli o‘quvchilar ta’lim dargohida olayotan bilim va tajribalarini ijtimoiy ko‘nikmalarda va inson faoliyatida uchraydigan turli xil hayotiy vazifalarni yechishda qanchalik foydalana olish qobiliyatini baholashdir. Ushbu sinov har uch yilda bir marotaba o‘tkaziladi. Testda faqat 15 yoshdagi o‘smirlar ishtirok etadi. Maktabdagi ta’lim sifatini monitoring qilishga qaratilgan PISA dasturi asosiy uch

yo‘nalishda: o‘qish, matematika va ijtimoiy fanlar savodxonligi bo‘yicha olib boriladi. Birgina 2015 yilning o‘zida 70 dan ortiq davlatlar PISA xalqaro dasturi sinovida ishtirok etgan. Umuman olganda, PISA dasturi davlatlarning ta’lim sohasidagi siyosatiga sezilarli darajada ta’sir o‘tkazadi. Har bir davlat o‘tkazilgan tadqiqot natijalari asosida o‘zining ta’lim sohasidagi kuchli va kuchsiz tomonlarini xolisona aniqlab, boshqa davlatlarga nisbatan mavqeini ko‘radi hamda ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonini takomillashtirishda o‘z yo‘nalishlarini va strategiyasini belgilab oladi.[6; 4-b.]

PISA baholash dasturining vazifasi unda ishtirok etuvchi davlatlarning ta’limga mas’ul vazirlik va idoralarining oldida turgan quyidagi savollarga javob topishida yetarli ma’lumotlar bilan ta’minlashdan iboratdir:

• o‘quvchilar majburiy ta’lim so‘ngida demokratik jamiyatda faol fuqarolik rolini olishga yetarli tayyorlanganmi?

• o‘quvchilar o‘z g‘oya va tasavvurlarini tahlil qilish, asoslash va shular asosida muloqot qila olish ko‘nikmasiga egami?

• o‘quvchilar hozirgi mehnat bozori talablari asosida maktabda ta’lim olayaptimi?

• o‘quvchilar «butun hayot davomida o‘qish» talablariga javob beradimi?[3; 9-b.].

PISA baholash dasturi maktab ta’limini tahlil qilish bilan birga, ta’limning boshqa bosqichlari uchun ham zaruriy ma’lumotlar olish imkoniyatini beradi. Uzluksiz ta’lim tizimida esa bu kabi ma’lumotlar katta ahamiyatga ega. 2000 yilda 32 davlatdan jami 250000 o‘quvchi mazkur dasturda ishtirok etishdi[3; 10-b.].

Siyosiy jihatdan PISA baholash dasturi xalqaro doirada PISA Governing Board (PGB) tomonidan boshqariladi. PISA baholash dasturi 1997 yilda Iqtisodiy Hamkorlik va Taraqqiyot Tashkiloti (IHTT) tashabbusi bilan amaliyotga joriy etildi va 2000 yildan buyon joriy etila boshlandi va har uch yilda bir marotaba o‘tkaziladi, ya’ni bunda 2000 yilda o‘qish fani bo‘yicha o‘tkazilgan bo‘lsa, 2003 yilda matematika fani bo‘yicha o‘tkazilgan va 2006 yilda esa tabiiy fanlar yo‘nalishi bo‘yicha o‘tkazilgan. Shuningdek, 2009 yilda o‘qish fani bo‘yicha o‘tkazilgan bo‘lsa, 2012 yilda matematika fani bo‘yicha o‘tkazilgan va 2015 yilda esa tabiiy fanlar yo‘nalishi bo‘yicha o‘tkazilgan. Bu davriylik yana qaytalanib, 2018 yilda o‘qish fani bo‘yicha o‘tkazilgan bo‘lsa, bu yil ya’ni 2021 yilda esa 8-davriylik matematika fani bo‘yicha o‘tkaziladi. [5; 9-b].

PISA baholash dasturida 2018 yilda 78 ta davlat (iqtisodiyot) qatnashgan bo‘lsa, 2021 yilda 88 ta davlatlar (iqtisodiyotlar) ishtirok etishi rejalashtirilgan. Bu esa o‘z navbatida, PISA baholash dasturining ta’limni modernizaциyalashdagi o‘rni va qamrovi ortib borayotganidan dalolat beradi.

Ishtirok etmoqchi bo‘lgan 88 ta davlatdan 83 tasida kompьyuterga asoslangan baholash dasturlari o‘tkaziladi.

O‘zbekistonning PISA baholash dasturida ilk bor ishtirok etayotganligi o‘z navbatida maktab o‘qituvchilari va o‘quvchilariga mazkur dasturning mazmun-mohiyati, nazorat-sinov instrumentlari haqida tizimli malaka oshirish zaruriyatini tug‘diradi va bu dasturda yuqori natijalar bilan ishtirok etishda muhim omil hisoblanadi. PISA xalqaro baholash dasturini tashkil etishda pedagogika yo‘nalishlari bitiruvchi talabalarni umumiy o‘rta ta’lim muassasalariga ishga kelishda baholash dasturiga tayyor holda kelishlarini ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, PISA xalqaro baholash dasturi yo‘nalishidagi fanlar o‘qituvchilari uchun ilg‘or xorijiy davlatlar tajribasini joriy etish bo‘yicha qisqa muddatli malaka oshirish kurslarini tashkil etish maqsadga muvofiqdir. O‘z navbatida, PISA xalqaro baholash dasturi tizimli ravishda ilmiy-dastur ishlari o‘tkazishni taqozo etadi va mazkur dastur ishlari ta’lim tizimini yo‘nalishini belgilashda muhim ahamiyatga ega.

Xalqaro baholash dasturlarida ishtirok etish O‘zbekistonga quyidagi imkoniyatlarni beradi:

• dasturlarda olingan natijalar mamlakatdagi ta’lim sifati va uning xalqaro standartlarni hisobga olgan holda egallangan o‘rni to‘g‘risida xulosalar chiqarish imkonini beradi;

• milliy ta’lim tizimini isloh qilish, ta’lim mazumunini, pedagog kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish dasturlarini takomillashtirish hamda mutaxassislar tomonidan darsliklarning yangi avlodini yaratishda qo‘llaniladi;

• xalqaro dasturlar ta’lim sohasidagi milliy dasturlarni sifatli o‘tkazishga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi;

• O‘zbekistonda turli tashkilotlarning yetakchi mutaxassislarini jalb qilgan holda xalqaro dasturlarda ishtirok etish orqali mahalliy mutaxassislarimizda monitoring dasturlarini o‘tkazish madaniyati rivojlanadi, ta’lim sifatini baholashning xalqaro standartlarga moslushuviga olib keladi

• milliy ta'lim sifatini baholashdagi nazorat materiallarini xalqaro dasturlarda qo'llaniladigan nazorat materiallari sifati darajasida ishlab chiqarish imkonini beradi.

O'tkaziladigan xalqaro tadqiqotlar natijalariga asoslangan holda o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan davlat ta'lim standartlari, o'quv dasturlari hamda o'quv adabiyotlari mazmuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritishni yo'lga qo'yish va PISA baholash dasturi yo'nalishidagi savollarni o'zida mujassam etgan o'quv dasturlari asosida qo'shimcha metodik qo'llanma va adabiyotlar yaratishi lozim.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, O'zbekiston TIMSS va boshqa xalqaro tadqiqotlarda qatnashish orqali rivojlangan mamlakatlar tajribalarini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llash, o'z natijalarini boshqa davlatlar natijalari bilan qiyosiy taqqoslash hamda ta'lim tizimida turli ta'lim texnologiyalari, o'qitish va ta'lim-tarbiyaning yangi metodlarini joriy qilish imkoniyatlariga ega bo'ladi.

**Adabiyotlar ro'yxati:**


1. Oliy talim muassasalarida talim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta`minlash bo`yicha qo`shimcha chora-tadbirlar to`g`risida"gi PQ-3775-son. 2018.05.06.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. // Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari.–T.:G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.–B.71.
3. Bildungsmonitoring Schweiz: Für das Leben gerüstet? Die Grundkompetenzen der Jugendlichen-Nationaler Bericht der Erhebung // PISA 2000, p.9
4. PISA 2009// https://www.oecd.org/pisa/pisaproducts/46619755.pdf, p.9.
5. Reiss K., Weis M., Klieme E., Köller O. PISA 2018 Grundbildung im internationalen Vergleich// Waxmann Verlag 2019, p. 266.
6. OECD PISA Strong Performes and Successful Reformers in Education. Paris 2014- 193-p 4. Vaxobov M. M. Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'qitish sifati monitoringi modelini takomillashtirish.T., 2016.–61b 5. © 2016 TIMSS & PIRLS International Study Center, Lynch School of Education, Boston College, and International Association for the Evaluation of Educational Achievement. All rights reserved.

# МУНДАРИЖА

## БИРИНЧИ ШЎЪБА: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ


**Т.К.Нарбаева.** Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этишнинг инновацион механизмлари ....................4
**А.В.Шин.** Современные тенденции партнерства с семьей системы дошкольного образования Республики Узбекистан ....................9
**Н.Н.Шотурсунова.** Аёлга ҳурмат – оилага, жамият келажагига эътибор ифодаси....................13
**М.А.Нурматова.** Оилаларни мустаҳкамлашда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларининг ўрни ....................16
**Г.Мамедова.** Развитие государственной семейной политики в Азербайджане: современная Азербайджанская семья и национально-нравственные ценности....................19
**Д.В.Мелентьев.** Актуальные проблемы института семьи в Узбекистане: поиск баланса между гендерным равенством и национальными ценностями ....................22
**Ғ.Шоумаров.** Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари ва ечимлари....................27
**Н.Эгамбердиева, Н.К.Маманова.** Бахтлилик даражасини аниқлаш – замонавий кишилик жамиятининг ривожланиш кўрсаткичи сифатида ....................30
**О.Р.Жамолдинова.** Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш масалалари ....................33
**О.Мусурманова**. Замонавий оила ва унинг маънавий-ахлоқий асослари....................36
**Ф.Ю.Абураҳимова.** Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ....................40
**Д.М.Алимжанова, Г.Д.Кулдашева.** Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигининг аҳамияти....................44
**О.Мусурмонова.** The modern family and its spiritual and moral foundations ....................47
**М.Холиқова.** Оила медиациясининг ғарб давлатларида ривожланиш тенденциялари ....................51
**М.Ф.Хакимова, М.М.Маматқулова.** Оила мустаҳкамлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ....................55
**М.Х.Байбаева.** Таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг ўқув жараёни самарадорлигини оширишдаги роли....................59
**М.Ғаффорова, Н.Жўраева.** Ёш оила тушунчаси, моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари ....................61
**Г.Алимова.** Усиление роли женщины в предпринимательской деятельности - как фактор повышения благосостояния семьи ....................66
**E.A.Nurmatov.** Maktabda chizmachilikni oʻqitishda hamkorlik pedagogikasining oʻrni ....................69
**N.U.Nurmatova.** O’quvchi-qizlar ijtimoiy faolligini oshirishda mehnat tarbiyasinin tutgan o’rni ....................72
**A.U.Qoriyev.** Oilada ta’lim olish huquqining “ta’lim toʻgʻrisida”gi qonunda mustahkamlanishi ....................74
**G.Roziqova.** Maktabgacha ta’lim muassasalarida oila bilan olib boriladigan ishlar....................76
**Ш.Кубатов.** Вопросы прогрессивного исламского феминизма: диалог западных и восточных культур ....................79
**Б.С.Ахмадалиев.** Ўқувчиларни инновацион ёндашув асосида тарбиялашнинг мазмуни ва таркибий қисмлари кўринишлари....................83
**Х.Ўтанов.** Эркин жамият хотин-қизлари илм-фан йўлида ....................85
**Н.А.Бекетов, Б.Т.Ециркепова, Ф.А.Эргашова.** Бошланғич синфларда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги ....................88

## ИККИНЧИ ШЎЪБА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ


**Г.У.Туйчиева.** Ўзбекистонда оилавий можароларни олдини олишда конфликтология имкониятлари....91
**С.Ж.Ходжаев, Ф.Ф.Содиқов.** Жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлганларнинг оилавий муаммолари ва уни бартараф этиш йўллари ....96
**Ф.А.Бабашев.** Оилада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ....99
**Р.Р.Исамутдинов.** "Хафвсиз маҳалла" тамойилини жорий қилишди "хавфсиз оила" мезонининг ўрни ва роли ....102
**А.М. Жабборов, Р.Н.Алимардонов.** Ёш оилаларда соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг муҳим омиллари....106
**F.B.Bayjonov.** Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlarining joriy holati va me'yoriy-tashkiliy bazasini mustahkamlash yo'llari....109
**Д.А.Миракбаров.** Ажрим сабаблари ва уларнинг диний ва дунёвий билимлар асосидаги таҳлили....111
**И.О.Хайдаров.** Ёшларни олилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий психологик муаммолари....115
**М.Махсудова**. Оила фаровонлигига салбий таъсир этувчи психологик омиллар ....118
**U.Z.Mustanov.** Barkamol avlodni tarbiyalashda oila, mahalla, maktab hamkorligi konsepsiyasi....122
**И.А.Имомов.** Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида учрайдиган зиддиятларни педагогик ташхис этиш ....124
**A.M.Karimova, M.E.Ma'rufova.** Maktabgacha yoshdagi bolalarda oila haqidagi tasavvurlarni boyitish....127
**D.N.Berdiyev.** Oila va xotin-qizlar o'rtasida jismoniy tarbiya va sportni targ'ib etish ....129
**O'.N.Farmonov.** Kreativ yondashuvlar asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida matematik tushunchalarni shakillantirish ....130
**П.М.Мухаматкулова, Л.М.Бурханова.** Актуальные проблемы и особенности государственной регистратsіи расторжения брака и перспективы законодательства Республики Узбекистан в этом направлении....132
**D.I.Babajanova.** Aliment to'lash to'g'risidagi kelishuvni fuqarolik-huquqiy tartibga solishning asoslari....136
**А.Х.Холов, Ш.П.Маҳмудов.** Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун маҳаллалар тизиминида иктисодий дастакларни қўллаш зарурияти....138
**M.A.Mansurova.** Yosh oilalarda nizo va ajrimlarning asosiy omillari ....144
**A.Y.O'taev, S.R.Sobirova.** Xiva – sharq memorchiligining yuksak namunasi....147
**Н.А.Соғинов.** Ўзбекистонда оила психологияси масалалари илмий тадқиқот предмети сифатида ....149
**Н.А.Умирзакова.** Ташқи меҳнат миграtsіяси ва оиладаги муносабатлар деформаtsіяси ....153
**S.R.Sobirova.** Chizmachilik mashg'ulotlarida o'quvchilarga mustaqil grafik topshiriqlar to'plami mazmunini shakllantirish va tayyorlashni o'rgatish ....155
**М.Ш.Сабирова.** Ўзбекистонда оила институтини ривожланишида никоҳ-ажралиш жараёнлари ва уларнинг ҳудудий жиҳатлари ....157
**F.O.Mirzayeva, M.Boymanova.** Oilaviy munosabatlarning o'ziga xos xususiyatlari ....161
**Х.И.Даукаева.** Влияние пандемии covid-19 на родителей, детей и функционирование семьи ....163
**Ф.И.Очилов, Д.У.Ахунова, Ш.А.Солихова.** Бошланғич синф ўқитувчиларининг шахсий-инсоний ва фуқаролик хусусиятлари ....165
**Д.А.Алимова.** Туркистон милли тараққийпарварларининг оила мавқеига оид қарашлари (Абдурауф Фитратнинг «оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарини аҳамияти)....167
**Х.Х.Хайдарова.** Шаҳар қиёфаси оила фаровонлиги тимсолида ....171
**З.А.Наримбетова, С.У.Юлдашев, Т.В.Масальцева.** Бошланғич синф ўқувчилари онгида толерантлик тушунчаларини шакллантириш....173

## УЧИНЧИ ШЎЪБА: ОИЛАДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ


**Р.Исмайлова.** Оиладаги гендер муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари .................176
**L.K.Narimbaeva, Sh.M.Dexqonboev.** Iqtidorli bolalarni izlash, aniqlash va qobiliyatlarini rivojlantirish ..........178
**А.И.Гулнора.** Правовые основы предотвращения семейного насилия: международные и национальные механизмы ..........180
**М.С.Товбоева.** Оиладаги низоларга деспотизмнинг психологик таъсири ..........187
**Sh.Sh.Shayakubov.** Ensuring gender equality - increasing the rights and opportunities of women .......190
**D.Oribboeva.** Oilada zo’ravonlik va uning ko’rinishlari ..........193
**З.К.Исмаилова, М.Х.Байбаева.** Бошқарув фаолиятида гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ..........195
**У.С.Сарибаева, Ҳ.Д.Норқулов.** Оиладаги руҳий-жисмоний зўравонлик ва уни бартараф этилишида психологик билимларнинг роли ..........198
**Ш.А.Мадаева, М.М.Кумушева.** Фактор ислама в формировании гендерных отношений в узбекистане: историко-философский анализ ..........200
**Д.Д.Юсупова.** Гендер стреотипларининг хотин-қизлар ҳаётига таъсири ..........203
**Э.Х.Эгамбердиев, М.Н.Аширбоева.** Соотношение принципа равенства прав мужчины и женщины в семейных отношениях и вопросах гендерного равенства с объективными реалиями в республике Узбекистан..........207
**Ф.А.Мухитдинова.** Ўзбекистон янгиланиш жараёнида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг долзарблиги ..........209
**Н.Н.Эшманова.** Ёшларнинг баркамоллигини таъминлашда аёл-педагогларнинг тутган ўрни ....219
**О.Б.Шамсиддинова, З.Л.Каримова.** Эр-хотин ва бошқа оила аъзоларининг мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи..........220
**Н.Н.Шомуротова.** Оилавий зўравонликнинг ижтимоий психологик хатарлари ..........224
**F.B.Bayjonov.** Oilada va ta’lim muassasalarida oʻspirinlarning gender madaniyatini shakllantirish omillari ..........228
**S.R.Sobirova.** Yoshlarning ma’naviy bilimlarini shakllantirish masalasi..........230
**У.М.Имомова.** Оилада гендер тенгликни таъминлашнинг хуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари ..........231
**S.Agzamkhodzhaeva.** Formation of gender identity in the process of socialization ..........233
**М.С.Абдуллаева, А.Д.Анаркулов.** Взаимообусловленность показателей гендерного равенства и экономического роста ..........238
**Ф.А.Акрамова.** Оилада ижтимоий установка ва стереотипларнинг гендер тафовутлари..........242
**G.P.Ermatova, L.Ergasheva.** Jamiyatda ayollarning mavqei, huquq va erkinliklari ..........246
**Z.Ismailova.** The impact of gender approaches on educational effectiveness..........249
**Д.М.Ташпулатова, М.Х.Саломова.** Бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг услубий-математик тайёргарлигининг ташкилий ва психологик-педагогик шарт-шароитлари......253

## ТЎРТИНЧИ ШЎЪБА: ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ


**Х.И.Ибраимов.** Оилада миллий фазилатли шахсни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари ....257
**М.Холиқова.** Шахсий компетенцияларни шакллантиришда оиланинг ижтимоий-педагогик потенциали ....259
**Р.Г.Гимазутдинов, А.Х.Манзуров.** Талабаларда жисмоний сифатларни ривожлантириш ....262
**Д.Х.Юлчиева.** Оилада барқарор ижтимоий муҳитни таъминлашда тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ....263
**З.Х.Худойбердиева, Б.Равшанбекова.** Таълим сифатини такомиллаштиришда халқаро баҳолаш дастурларини жорий қилиш ....266
**Ҳ.Д.Норқулов, У.С.Сарибаева.** Оила тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти ....269
**A.A.Abdullayev, A.M.Ilesbaeva, P.B.Jaylauova.** O‘qituvchining ma’naviy qiyofasi, pedagogik va axloqiy madaniyati ....273
**О.Р.Шамиева, Г.П.Эрматова.** Амир темурнинг оила бошқарувидаги ибратли жиҳатлари ....275
**Э.Э.Хуррамов, М.Ш.Мадиёрова, Д.З.Темирова.** Кичик ёшдаги ўқувчиларда мактабга чиқиш қўрқуви ва хавотирининг намоён бўлиши ....277
**О.Худоёрова, И.Мурадов, Ш.Мейлиев.** Болаларни миллий, маънавий ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ....279
**Э.М.Соатов, А.Ғ.Хусенбаев, Д.К.Яндашашева.** Ёш спортчиларни жисмоний тайёрлаш ....282
**О.Худоёрова, У.Ўтанова, Х.Алиқулов.** Баркамол авлод тарбиясида оила ва мактабнинг масъулият туйғусини ошириш йўллари ....284
**О.Худоёрова, Г.Қулдошева, И.Мурадов.** Оилада фарзанд тарбияси ....286
**Н.А.Саидкулов.** Оила тарбиясида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш масалалари ....289
**О.Худоёрова, И.Мурадов, Ф.Мурадова.** Ёш авлодга таълим ва тарбия беришда ўқитувчининг инновацион фаолияти ва таълим технологиялари ....292
**А.Х.Абдулазизов.** Оила тарбиясида мутолаа маданияти ....295
**Д.А.Мухитдинова.** Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинш ўрни ва аҳамияти ....298
**O.M.Jabborova.** Boshlang‘ich 4-sinf o‘quvchilarining matnni o‘qish va tushunish darajasini baholashda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanish ....304
**Д.А.Мухитдинова.** Ёшларни ижтимоий ҳаётга изчил тайёрлашда маҳалла ва оила ҳамкорлиги ..305
**Б.П.Абдуллайева, С.Назарова.** Бошланғич таълимда педагогик технологияларнинг ўрни ва роли ....309
**A.M.Karimova, M.O‘xakimova.** Maktabgacha yoshdagi bolalarni oilaviy an’analar asosida tarbiyalash ....311
**N.Q.Musayeva, G.Murodullayeva.** Oilada ilk yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirish ....313
**G.P.Ermatova.** Oliada milliy qadriyatlarlarimiz asosida bolalarda sotsial intellektni shakllantirishning ijtimoiy psixologik asoslari ....315
**И.З.Насиров, И.И.Зокиров.** Оилавий муҳитда болаларга ижодий фикрлашни ўргатиш ....318
**Б.Х.Нарзуллаева.** Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш ва оилада маъанвий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис фаолиятини такомиллаштириш ....321
**А.Мухсиева.** Оилада болаларни маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш – мамлакат тараққиёти омили ....323
**Н.Ў.Хидирова.** Ўзбек халқи миллий урф-одат ва анъаналарида етим болага муносабат масалалари ....325
**R.A.Tursunov.** Milliy qadriyatlar hamda ma’naviyat ruhida shakllantirilgan oilada ijtimoiy muhit va tarbiya masalasi ....329
**N.O.Toshpo‘latova, A.U.Qoriyev.** Ta’limda kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta’limning o‘rni ....331

**A.S.Bo'stonov.** O`quvchi -yoshlar tarbiyasida oila va ijtimoiy muhitning o`rni ....................................333
**Х.А.Мирзаҳмедов.** Ёшлар тарбиясига инновацион ёндашув..........................................................338
**Н.М.Турдиева.** Роль и значение национальных ценностей в семейном воспитании ......................342
**Б.Ғиёсов.** Оила институтида ота-онанинг фарзанд тарбиясига эътибори масаласи ........................345
**Л.Бекназарова.** Ўзбек халқининг маънавий мероси оила равнақини таъминловчи
тарбия воситаси сифатида.................................................................................................................348
**Д.Шукурова.** Мактабгача ёшдаги болалар миллий тафаккурини шакллантиришда
оилавий тарбиянинг ўрни...................................................................................................................351
**С.Эргашева.** Оила тарбиясига хос Шарқ мутафаккирларининг қарашлари ..................................353
**Р.Эрназаров.** Оилавий муносабатларда болалар тарбиясига миллий қадриятлар
асосида ёндашиш ..............................................................................................................................355
**Л.К.Наримбаева, О.А.Махмудова.** Боғча ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятлари.........358
**Н.Абдиназарова.** Оилада болаларни миллий руҳда тарбиялаш.......................................................360
**S.Y.Orifova.** Oiladagi ruhiy muhitning o'smir tarbiyasiga ta'siri..........................................................362
**Р.Г.Гимазутдинов, И.Э.Мухитдинов.** Спорт – ёшлар ва миллат руҳиятида ..................................364
**З.А.Наримбетова, Н.В.Сытина, Л.Ф.Бахромбекова.** Таълим жараёнида
интерфаол усуллардан фойдаланишнинг оқилона мақсад мезонлари.............................................366
**Ҳ.А.Эргашев.** Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ...........................368
**Sh.Bekova.** Oilada bola tarbiyasining psixologik – pedagogik xususiyatlari ........................................369
**F.R.Abdurasulova, Z.Z.Muxsumova.** Oila- ma'naviy tarbiya o'chog'i...............................................372
**N.X.Voxidova, M.Saydazimova.** Oila ma'naviy- axloqiy tarbiya maskani sifatida...............................374
**D.M.Tashpulatova, S.E.Baxtiyorova.** Bo'lajak o'qituvchilarni boshlang'ich ta'lim
o'quvchilarining ma'naviy-axloqiy tarbiyasini tashkil etish va ta'minlashga tayyorlash ........................376
**Г.Рўзиева.** Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялаш масалалари..................................378
**S.Q.Xolmatova, M.M.Abdujalilova, S.M.Seidova.** Boshlang'ich ta'limda xalqaro
baholash dasturlaridagi pisa dasturining vazifalari va imkoniyatlari ......................................................382